РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ
ИЖТИМОИЙ-МАЪНАВИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА ТАРҒИБОТНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Республика илмий-амалий конференцияси материаллари

Тошкент шахри, 2022 йил, 3 июнь

ZJV5401

УЎК: 316:17.022.1(575.1)
001.895(575.1)
КБК: 60.54(5Ў)
Д 14

Д 14 Давлатов, Олимжон
Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва тарғиботнинг замонавий технологиялари республика илмий-амалий конференция материаллари [Матн] / О. Давлатов .- Тошкент: "MAX PRISTIL" ,2022.-502 б.

ISBN 978-9943-8326-0-2

УЎК: 316:17.022.1(575.1)
001.895(575.1)
КБК: 60.54(5Ў)

Мазкур Республика илмий-амалий конференцияси материаллари Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институтининг 2022 йил 4 апрель 7-сонли мажлисида муҳокама қилинган ва тасдиқланган.

Тўплам Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти Илмий-услубий кенгашининг 2022 йил 27 апрелдаги 9-сонли баённомаси билан нашрга тавсия этилган.

Масъул муҳаррир:
Олимжон Давлатов, филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Ташкилий гуруҳ:
М.Кахарова, И.Суванов, М.Мусаев, М.Ғаффарова, Ш.Тўраев, О.Бозоров, Ҳ.Умаров, А.Қиличев, К.Тўраев, А.Мадрахимов, Х.Қучқаров

Мазкур конференция Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июньдаги "Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги 340-сон қарорларида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан, маънавий-маърифий тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этишнинг таъсирчан, креатив ва инновацион услубларини ишлаб чиқиш, уларни ўз вақтида амалга ошириш чораларини кўриш, ушбу соҳада давлат органлари ва ташкилотларнинг фаолият самарадорлигини янги босқичга кўтариш, замонавий тарғибот маҳсулотларини яратиш мақсадида ўтказилмоқда. Тўпламдан ўрин олган мақолалар мазмуни ва аниқлиги учун муаллифлар масъул.

ISBN 978-9943-8326-0-2
© Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти, 2022
© "MAX PRISTIL" МЧЖ, 2022

КИРИШ

Жаҳонда ғоявий-мафкуравий курашлар кескин давом этаётган, маънавий таҳдидлар кучайиб бораётган ҳозирги даврда ёшлар ўртасида миллий қадриятларга беписандлик, ғайриинсоний ғоялар таъсирига берилиш, жиноятчилик ва экстремизм ҳаракатларига қўшилиб қолиш ҳолатлари ҳамон учрамоқда. Шу боис, маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш, жамиятдаги ички ва ташқи таҳдид ҳамда хавф-хатарларга қарши самарали курашиш, аҳоли, айниқса, ёшлар онгида мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашга қаратилган тарғибот-ташвиқотнинг янгича механизмларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш зарурдир.

Бугунги кунда мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш, бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Конференция Ўзбекистонда маънавий-маърифий ишларни янги босқичга кўтариш, ижтимоий-маънавий муҳит ҳолатини ўрганиш ва уни такомиллаштириш; ёшларни ватанга муҳаббат ва касбга садоқат руҳида тарбиялашда узлуксиз маънавий тарбия концепциясининг аҳамияти; глобаллашув шароитида мафкуравий хавфсизликни таъминлаш масалалари; ижтимоий тармоқларнинг аҳоли, айниқса, ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясига таъсири; ёшлар маънавиятига қаратилган таҳдидларига қарши мафкуравий иммунитетини шакллантириш технологиялари каби йўналишлардаги илмий муаммолар таҳлилига бағишланади.

1.ШЎЪБА. ЎЗБЕКИСТОНДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШ, ИЖТИМОИЙ-МАЪНАВИЙ МУҲИТ ҲОЛАТИНИ ЎРГАНИШ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.

ДАВР ВА ЗАМОН ШИДДАТИ МАЪНАВИЯТ МАСАЛАСИ БОРАСИДА ЯНАДА ТЕРАН ФИКРЛАШНИ ТАҚОЗО ЭТМОҚДА

Жўрақулов Фурқат Норйигитович,
Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбарнинг биринчи ўринбосари, сиёсий фанлари доктори, доцент

Инсоният тараққиётининг ривожланиш босқичида маънавият соҳасига ҳамиша долзарб масала сифатида алоҳида эътибор қаратиб келинган. Айниқса, глобаллашувнинг тобора авж олиши хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида маънавиятга бўлган эътиборни янада кучайтирмоқда.

Дунё миқёсида шиддат билан кечаётган глобаллашув жараёнлари ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига, жумладан, маънавий-маърифий соҳаларга ҳам жиддий таъсир ўтказмоқда. Мана шундай мураккаб бир шароитда тинчлик, барқарорликни асраш, мустақилликни мустаҳкамлаш ҳар бир давлат олдида турган устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Таъкидлаш керакки, бугунги кунда бу борада мамлакатимизда аниқ мақсадга йўналтирилган маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш тақозо этилмоқда. Бугунги замон шиддати мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш, маънавият соҳасидаги ички ва ташқи таҳдид ҳамда хавф-хатарларга қарши самарали курашиш, жамиятда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш борасида ўта муҳим масала сифатида кун тартибига қўймоқда. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йил 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида маънавият масаласига алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас, албатта. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида: “Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси – бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси – аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга

асосланган кучли маънавият”[1], дея таъкидлагани бежиз эмас. Зеро, диёримиз азалдан ўзининг миллий қадриятлари, маданияти ривожланган юксак маънавиятга эга тамаддун ўчоғи ҳисобланади.

Тарихдан маълумки, юртимизда маънавият машъалини баланд кўтарган буюк алломалар етишиб чиққан. Ўзининг бой маънавий мероси билан дунёга зиё таратган Имом Бухорий, Абу Райхон Беруний, Хоразмий, Ибн Сино, Алишер Навоий, Замахшарий каби буюк мутафаккирларнинг мероси халқимиз маънавиятининг юксалишига замин яратган. Айнан, шу сабабли маънавий-маърифий соҳадаги ишларни янада ривожлантириш мақсадида мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5040-сонли қарори[2] ижросини таъминлаш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, мамлакатимиздаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш, маънавий-маърифий ишларнинг самараси ва таъсирчанлигини ошириш, кўлами ва миқёсини янада кенгайтириш, мамлакат аҳолиси, аввало, ёшлар қалбида амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, соҳадаги ишларни истиқболда яратиш мақсадида қуйидагилар маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари этиб белгиланди. Бу борада, мамлакатимизда эзгулик ва инсонпарварлик тамойилига асосланган **“Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари”** ғоясини кенг тарғиб этиш орқали жамиятда соғлом дунёқараш ва бунёдкорликни умуммиллий ҳаракатга айлантириш, оила, таълим ташкилотлари ва маҳаллаларда маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш, тарғибот-ташвиқот ва тарбия йўналишидаги ишларни илмий асосда ташкил этиш, соҳа бўйича илмий ва услубий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган доимий мониторинг тизимини жорий қилиш, эл-юрт тақдирига лоқайдлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, коррупция, оилавий қадриятларга беписандлик ва ёшлар тарбиясига масъулиятсизлик каби иллатларга барҳам беришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, аҳолининг интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш маданиятини ошириш, ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетини кучайтириш, маданият, адабиёт, кино, театр, мусиқа ва санъатнинг барча турлари, ноширлик-матбаа маҳсулотлари, оммавий ахборот воситаларида маънавий-ахлоқий мезонлар, миллий ва умуминсоний

[1] Шавкат Мирзиёев: Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир https://uza.uz/uz/posts/shavkat-mirziyoev-jamiyat-hayotining-tanasi-iqtisodiyot-bolsa-uning-zhoni-va-ruhi-manaviyatdir_235451

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5040-сонли қарори. https://lex.uz/docs/5344692

қадриятларнинг устуворлигига эришиш ҳамда геосиёсий ва мафкуравий жараёнларни мунтазам ўрганиш, терроризм, экстремизм, ақидапарастлик, одам савдоси, наркобизнес ва бошқа хатарли таҳдидларга қарши самарали ғоявий кураш олиб бориш ҳамда бу борада халқаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш[3] каби аниқ мақсадга йўналтирилган истиқболли вазифалар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, мазкур қарорда ёшларимиз онгига салбий таъсир этувчи, уларни ғоявий жиҳатдан қарам этишга йўналтирилган ҳаракатларга қарши самарали кураш олиб бориш ҳамда иродали, фидойи, ватанпарвар ва ўз мустақил фикрига эга авлодни тарбиялаш бўйича амалий чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқиш, эзгулик ва инсонпарварлик тамойилига асосланган миллий ғоя тарғиботи, маънавий-маърифий ишларнинг устувор йўналишларини белгилаш, аҳоли, айниқса, ёшларни ислом дини ва фалсафасига, бошқа диний конфессияларга нисбатан ҳурмат-эҳтиром ва бағрикенглик руҳида тарбиялаш, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш бўйича маънавий-маърифий тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда.

Мазкур соҳадаги ишларни янада кенг кўламдаги ижроси юзасидан “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги “Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 340-сон қарори қабул қилинди.

Ўз навбатида, Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти **“Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари”** деган ғоя асосида мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларни янги босқичга кўтариш, аҳоли, айниқса, ёшларни Ватанга муҳаббат, маънавий меросимиз, миллий адабиётимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш ғоясини ҳаётга татбиқ этиш ишларини илмий-методик ва ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлаш фаолиятини амалга оширувчи ихтисослаштирилган илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланади[4].

Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институтининг асосий вазифалари этиб мамлакатимиздаги маънавий-маърифий ишлар ҳолати, миллий ғоянинг мамлакат тараққиётидаги ўрни, жамият барқарорлигига салбий таъсир этувчи таҳдидлар ва уларни бартараф этиш юзасидан илмий-амалий изланишлар олиб бориш, мамлакатдаги ижтимоий-маънавий муҳит ҳолатини

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5040-сонли қарори. https://lex.uz/docs/5344692
[4] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги “Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 340-сон қарори. https://lex.uz/docs/5443067

тадқиқ қилиш, баҳолаш ва яхшилаш бўйича илмий-амалий таклифлар тайёрлаш, маънавий-маърифий тарғибот ишларини амалга оширишнинг самарали ва таъсирчан замонавий тарғибот технология ҳамда усулларини ишлаб чиқиш, аҳолининг ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетини кучайтириш бўйича тадқиқотлар ўтказиш, интернет тармоғидан фойдаланиш маданиятини ошириш, эл-юрт тақдирига лоқайдлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, коррупция, оилавий қадриятларга беписандлик ва ёшлар тарбиясига масъулиятсизлик каби иллатларга барҳам беришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси асосида тарбиявий ишлар самарадорлигини баҳолашнинг илмий асосланган индикаторлари ва кўрсаткичларини жорий қилиш, вазирликлар ва идораларда, жумладан, таълим тизими, маҳалла ва ҳудудлар бўйича маънавий-маърифий ҳамда тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, соҳани илмий асосда ривожлантиришга қаратилган фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни амалга ошириш, уларнинг натижаларини амалиётга татбиқ қилиш, илмий экспертизани йўлга қўйиш, дунёнинг мафкуравий манзарасини ўрганиш, таҳлил қилиш, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни ташкил этишда миллий ва умуминсоний қадриятларга мос хорижий тажрибани амалиётга жорий этиш[5] каби бугунги куннинг долзарб масалаларни амалга ошириш белгиланган эди.

Бугун кунда дунё миқёсида вужудга келаётган таҳликали вазиятни тобора авж олиши тинчлик ва барқарорликка рахна солишга интилаётган янги таҳдид ва хатарлар кўпайиб бораётганини англаш қийин эмас. Хусусан, ҳозирги кунда глобал миқёсда айрим мамлакатлардаги ислоҳотларидан норозилик кайфияти вужудга келаётганлигини кузатиш мумкин. Мазкур ҳолат ўз навбатида мамлакатимизда жамият барқарорлигига салбий таъсир этувчи таҳдидлар ва уларни бартараф этиш борасида жиддий фикрлашни тақозо этаётир. Айниқса, бу борада жамиятимизда маънавият масаласи, маънавий-маърифий ишларнинг бугунги ҳолати, миллий ғоянинг мамлакат тараққиётидаги ўрни муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур Институт бугунги кунда ўз олдига мамлакат тараққиёти ва жамият равнақини юксалтиришда бир қатор мақсадларни кун тартибига асосий масала сифатида қўйган. Яъни, “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да белгиланган маънавий-маърифий вазифалар ижросини тизимли таъминлаш ва самарали мувофиқлаштириш бўйича истиқболдаги вазифаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Шу билан бирга, институт жамиятдаги ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш ва уни

[5] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги “Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 340-сон қарори. https://lex.uz/docs/5443067

натижаси бўйича асосланган илмий-амалий хулосалар, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишида муайян даражада хизмат қилиб келмоқда. Зеро, бугунги давр ва замон шиддати маънавият масаласи борасида янада теран фикрлашни тақоза этмоқда.

Бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилаётган маънавий таҳдидларнинг ижтимоий намоён бўлиши муайян минтақа ва мамлакат аҳолиси онги, қалбини забт этмоқда. Натижада, мазкур иллат асл маънавий қадриятларни таназзул сари етаклаб, ҳар бир ҳалқ ва миллатнинг ўз маданияти, маънавияти ва қадриятларини инкор этиши орқали ёшлар онгида бир-бирига мутлақо зид бўлган дунёқарашни шакллантирмоқда. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, маънавият – халқимиз ор-номусини уйғотувчи беқиёс куч, озодлик, ватанни севишга ундовчи даъваткор туғёндир. Зеро, бугунги замон шиддати ҳар қайси миллат, халқни келажакда ўзлигини сақлаб қолиш учун энг аввало, маънавият масаласига бўладиган таҳдидлардан мунтазам огоҳ, сезгир ва ҳушёр бўлиш борасидаги кечиктириб бўлмас асосий долзарб вазифаларни кўймоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев: “Биз маънавият ва маърифат ишини ватанпарварлик иши, виждон иши, деб биламиз. Виждони, маънавияти бор инсон Ватанни албатта яхши кўради. Виждон, маънавият дегани – халққа, Ватанга чин юракдан хизмат қилиш деганидир. Мана шундай қараш бутун халқимиз, айниқса, ёшларимиз томонидан кенг ва қизғин қўллаб-қувватланаётгани маънавий тарбиянинг нақадар долзарб аҳамиятга эга эканини кўрсатади”[6], дея таъкидлаши айни ҳақиқатдир. Бинобарин, Ватан шаъни, ор-номуси учун жамият мақсад ва манфаатларини тушуниб етадиган, ҳар томонлама етук комил инсонни тарбиялашда маънавият энг таъсирчан ва қудратли қурол вазифасини ўташини бугунги давр ва замон тақоза этмоқда. Зеро, Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти жамиятдаги ижтимоий-маънавий муҳит ҳолатини ўрганиш орқали мамлакатимизда ўз ечимини кутаётган долзарб муаммоларни ҳал этишда илмий-таҳлилий асосланган таклифлар, тавсиялар ва хулосалар ишлаб чиқишдаги истиқболли вазифаларни бажаришда муҳим аҳамият касб этади.

[6] Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма саккиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. http://uza.uz/oz/politics/prezident-shavkat-mirziyeevning-zbekiston-respublikasi-musta-31-08-2019

МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШ ДОИРАСИДА ЗАМОНАВИЙ ТАРҒИБОТ МЕХАНИЗМЛАРИ

Мунира Кахарова,
Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти директори ўринбосари, ф.ф.д (PhD)

Бугунги кунда дунёда глобаллашув жараёнлари кучайиб, тинчлик ва барқарорликка қарши янги таҳдид ва хатарлар тобора кўпайиб бораётгани оммавий ахборот воситалари орқали очиқ кўрсатилмоқда. Бундай мураккаб ва таҳликали вазият барча соҳаларда амалга оширилган ишларни танқидий баҳолаб, унинг фаолиятини замон талаблари асосида такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Бу, албатта, аҳоли тинчлигини сақлаш, айниқса, саломатлигини асрашга қаратилган ишлар кун сайин жадаллашмоқда. Дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан инсон вужуди жунбушга келаётир. Қайсидир давлатда аҳолининг ислоҳотлардан норози кайфиятдаги намойишлари бўлса, айримларида фуқаролари кўчага чиқиб, “кечга уйимга соғ-саломат қайтиб келармиканман”, деган ўй-ҳаёллар билан яшаб қолиш умидида кунлари ўтмоқда. Ҳа, бугун инсонни нафақат саломатлиги ҳақида, балки, унинг онгига таъсир кўрсатувчи ёт ғояларни соғломлаштириш масаласи давлат раҳбарларини ўйлантираётгани ҳеч кимга сир эмас. Инсон онгига таъсир кўрсатувчи ёт ғояларга қарши курашиб келаётган соҳалардан бири маънавият ва маърифатдир. Бу соҳани такомиллаштириш мақсадида сўнгги беш йил ичида маънавият ва маърифат тизими самарадорлигини оширишга қаратилган **11 та** қонун ҳужжати, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг **1 та** Фармони ва **4 та** Қарори, **1 та** фармойиши, Вазирлар Маҳкамасининг **2 та** қарор ва **5 та** фармойишлари қабул қилинди. Шунингдек, маънавий тарбияни тизимлаштиришга қаратилган концепция ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди. Шу билан бирга, ҳудудларни ижтимоий-маънавий муҳитини ўрганиб, таҳлил қилиб, унинг маънавий манзараси акс этган харитасини яратишга бел боғланди. Ҳар бир маҳалланинг маънавий харитаси яратилиб, уни соғломлаштириш технологиялари қўлланилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, маънавий-маърифий тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этишнинг таъсирчан, креатив ва инновацион услубларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалиётга татбиқ этиш чораларини кўриш, жумладан ушбу соҳада давлат органлари ва ташкилотларининг ҳамкорликдаги фаолияти самарадорлигини янги босқичга кўтариш, замонавий тарғибот маҳсулотлари яратиш ниҳоятда зарурдир. Агар биз бугун янгича ишлаш услубида ишни ташкил этмасак, кутаётган яхши натижага эриша олмаймиз. Шу мақсадда, Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти томонидан “Маънавий тараққиётни таъминлаш доирасида замонавий тарғибот механизмларини

жорий этишга доир чора-тадбирлар дастури” ишлаб чиқилди. Бу дастурнинг бошқа дастурлардан фарқи шундаки, унда вазифа этиб, тарғиботнинг бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган замонавий технологиялар яратиш белгиланди.

Бугун кунда тарғиботнинг эски усулларидан кўра, янгича ёндашув билан ишланса, аҳоли, айниқса, ёшлар қалби ва онгини эгаллашга тезроқ эришиш мумкин. Энг аввало, уларнинг аудиториясини тўғри танлай билишимиз зарур. Нотўғри танланган усул ва тарғибот майдонидаги ташвиқот акс таъсир кўрсатиши мумкинлигини унутмаслик зарур. Бугун ҳамма маълумотлар очиқланадиган, эркин сўзлайдиган даврда яшамоқдамиз. Имкониятдан яхши мақсадда фойданиш муҳим. Билъакс, эркинликка эрк бериб, нотўғри талқин қилаётганлар ҳам орамизда йўқ эмас. Бундай кимсаларнинг мақсади бир, у ҳам бўлса, халқнинг ўртасида тартибсизлик келтириб чиқариш. Натижада аҳоли ўртасида нотинчлик юзага келади. Унинг ортида манфаатдор кучлар пайт пойламоқда. Ҳақиқатга тик боқишга ҳам ўрганишимиз керак. “Танқиднинг меваси ширин ҳолва”, дейилгани шундан бўлса керак. Тарғиботда сеники ёки меники эмас, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик билан натижага эришиш мумкин. Буни тушуниш учун ақлли ва адолатпарвар лидерларни танлаб олиш зарур. Керак бўлса, танлаб олинган тарғиботчи лидерлар махсус ўқув курсларида ўқитилиши лозим.

Сўнгги йилларда дунё оммаси ўртасида интернетдан фойдаланувчилар сони кескин ошди. Шу билан бирга, мамлакатимизда ҳам интернет фойдаланувчилари сони 20 миллиондан ошгани матбуотда эълон қилинди. Бу фойдаланувчиларнинг энг кўпи “Телеграм”, “Фейсбук”, “ТикТок”, “Инстаграм” каби ижтимоий тармоқлари ташкил этмоқда. Бунга яққол мисол қилиб институт томонидан Бўка туманида ўтказилган сўровномада иштирок этган респондентларнинг 83 фоизи “Телеграм”, 5 фоизи “Инстаграм”, 6 фоизи “Фейсбук”, 6 фоизи “ТикТок”дан фойдаланишларини кўрсатмоқда. Демак, биз бугунги бу тармоқларда тарғиботнинг қай усулларини йўлга қўйдик? У таъсирчанми? Эҳҳее...

Рақобат бор жойда юқорига интилиш бўлади. Айниқса, соҳа вакиллари ўртасида ташкил этилган рақобатлар эса кучли мутахассисларни етиштиради. Янгидан янги инновацион ғоялар яралади. Натижада илм олиш ва изланишга даъват этади. Шу мақсадда Республика Маънавият ва маърифат марказининг туман/шаҳар бўлимлари ўртасида “Энг яхши тарғибот лойиҳаси” танлови ўтказилиши зарур. Уларнинг билим кўникмасини аниқлаш билан янги ғоявий лойиҳалар ташаббускорларини сараланади. Шундагини тизимдаги мутахассисларни янгича ишлашга одатлантирилади.

Маънавий тараққиётни таъминлаш доирасида замонавий тарғибот механизмларини жорий этишга доир чора-тадбирлар дастурида белгиланган тадбирларни ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши ва унинг натижасида тизимдаги ишлаш механизмларини ўзгартирилади. Шунингдек, барча тизимлардаги ёшлар, шунингдек, меҳнат ва ўқув жамоалари ўртасида, ҳар бир маҳалла ва муассасаларда маънавий-маърифий тарғибот ва ташвиқот ишлари

бўйича доимий асосдаги ижтимоий акциялар, танлов ва мусобақаларни юқори савияда ўтказишга алоҳида эътибор қаратилади.

Биз барча ҳудудда бир хил тадбир ўтказилишига одатланиб қолганмиз. Аҳолини маънавий кайфиятини ўрганиш тизими жорий этилмаган. Шу сабабли, жамиятнинг ижтимоий-маънавий муҳитини ўрганиш юзасидан аҳоли ўртасида мунтазам равишда социологик сўровномалар ўтказилиши зарур. Энг аввало, социологик сўровномалар базасини яратиш ва унга асосан ҳудудларда мазкур тадбирларни ташкил этиш тизимини йўлга қўйиш лозим. Агар аҳолининг барча қатламининг маънавий қиёфасини аниқлаб, шу асосида тарғиботни ташкил этилса, кутилаётган натижа юқори кўрсаткични кўрсатади. Аҳоли ўртасида аниқланган кайфият ва фикрлаши қараб маънавият тарғиботини ташкил этилса, ҳам мақсадли ҳам самарали бўлар эди.

Маънавият – шунчаки айтиладиган сўз эмас. У руҳ, ақл, онг, идрок, руҳий ҳолат, ички кайфият, дадиллик, жасорат, хусусият, моҳият, ғамхўрлик, қайғуриш диди каби бир неча маъноларни англатади. Маънавият – инсоннинг руҳий кечинмалари ва ақлий олами йиғиндиси. Қай бир давлатда маънавият бойиб борса, жамияти равнақ топади ва аксинча, маънавият қашшоқлашса, жамияти бора-бора таназзулга юз тутади. Халқи маънавиятсизлик вируси билан касалланади. Бу вирусни енгиш учун йиллар, ҳатто асрлар керак бўлади. Бой маънавиятсиз буюк давлат қуриб бўлмайди. Бунга тарихдан мисоллар кўп. Даврнинг талаби ҳам моддий ва маънавий бой бўлишини кўрсатмоқда. Маънавиятдан моддиятнинг устун қўйилиши миллий минталитетимизнинг ўзгаришига олиб келади. Миллий маънавиятимизни моддиятга алмаштирсак, буюк аждодларимизнинг руҳи азият чекмайдими? Ахир улар халқнинг фаровон яшаши, илм олиши, Ватанини ҳимоя қилиш учун жонидан кечганини унутиб бўладими? Бунга биргина мисол қилиб, ўлим остонасида турганида ҳам халқни фаровонлик ва ёруғ ҳамда эзгулик йўлидан юришга даъват этиб ёзган маърифатпарвар адибимиз Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг мурожаатномасини эслашимиз ўринлидир. Ёки халқ маърифати ва маънавий оламини бойитиш учун тарихда ўз илми билан халқни ортидан эргаштира олган адибимиз Ибрат домланинг фидойилиги бизга ҳақиқий ўрнак эмасми? Шоир ва шоҳлиги билан дунё тарихидан жой олган Бобурнинг 12 ёшида тахтга чиқишга муносиб кўрилгани ҳайратимизни оширади. Шу ёшда давлатни бошқаришга маънан тайёр бўлганлиги, дунё илмини эгаллабгина қолмай, шоҳлик даврида ҳам жаҳоннинг ноёб асарларини юртга олиб келтириб, ўқиб, таҳлил қилиб, ўз асарларини яратгани таҳсинга сазовордир. Демак, маънавият ҳаммага сув ва ҳаво каби зарурлигини англамоғимиз, тарихий ҳақиқатлардан етарлича ҳулоса чиқаришимиз шарт.

Бугун “маънавият” иборасига зарурат кучайди. Зотан, миллий, диний қадриятларимизга, халқимизга хос урфларга қаратилган турфа таъсир, фарзандимизни кўзига ва қулоғига киришга уринаётган ёт ғоялар сабаб жиддий курашишга мажбур қилмоқда бизни. Ҳар бир фарзанднинг маънавий олами ва унинг онгидаги бўшлиқни қай озуқа билан тўлдириш масала бугун Давлат раҳбарини ҳам ташвишга солаётир. Тўғри, ўтган давр мобайнида

қайсидир таҳдид барҳам топди, бошқаси, аксинча, кучайди. Бунда ҳар биримиз ё томошабин бўлдик, ёки бевосита иштирокчига айландик. Айримлар фарзандларга бегона кўз билан қаради. Маънавият кўзларини моддият пардаси тўсиб қўйди. Дунё оммаси бугун ўзининг турфа ғоялари билан таъсирчанлигига эришаётган бир даврда, биз ўз вақтида таъсирчан усуллар ҳақида бош қотирмаганимиз ачинарлидир. Шунга муносибмидик? Лоқайдлик, бепарволикни авж олдириб, бугун маънавиятсизлик вирусини тарқашига сабабчи бўлдик, десак, муболаға бўлмайди. Бу айни ҳақиқат. Эндиликда бу вирусни енгишга давлат раҳбари бошчилигида маънавият сафарига чиқилди. Мазкур касалликни бартараф этиш ва чалиниши арафасида турган инсонни асраш ва авайлаш учун “Маънавият ва маърифат масканлари” барпо этилиши вазифасига Президентнинг 2021 йил 26 март кунги қарорида масъул этиб ҳар бир ҳудуднинг ҳокими белгиланганидан, масала жиддийлигини англатмоқда. Агар ҳудуднинг биринчи раҳбари маънавиятсизлик вирусига чалинганларни даволаш чораларини кўриб, вақтида уларнинг маънавий иммунитетини оширишга эришса, ҳар соҳада юксак марраларни забт эта олади.

Инсон иммунитети тушганидан турли хил касалликка йўлиқади ва даволаниш учун шифокорга боради. Таҳлил топширади, ўзини обдон текширтиради. Демак инсон танаси учун даво излайди ва тузалиш учун чўнтагидаги бор пулини сарфлайди. Аммо инсонни бошқарувчи миясидаги маънавий иммунитети пастлигини нима билан даволамоқда? Унинг шифокори ким? Тўғри даволай оладими? Таҳлил олинмоқдами? Даволаниш учун маънавий дорилар рецепти борми? Дорилар миллий маънавиятимизга мос келадими? Ҳа, бу каби саволларимиз кўп давом эттиришимиз мумкин, аммо маънавият шифокорини бугун етиштириш ва унинг қўлига даволаш методини беришимиз зарур эмасми? Мана шу масалаларни ечимини ишлаб чиқиш мақсадида Президентимизнинг иккита Қарори бир кунда эълон қилинди. Қарорлар чин маънода, маънавий иммунитетни кучайтиришга ҳамда касалликка чалинганларни даволашга хизмат қилади. Бунинг ижросига жиддий қарашимиз зарур. Чунки юртнинг миллий урф-одатлари ва анъаналарини сақлаб, фарзандларга етказишда сусткашликка йўл қўйган ҳар қандай масъул фарзандларимизнинг маънавий иммунитети тушишига сабабчи бўлади. Иммунитети тушган бола бугун интернет дорихонасидан дори қидиради. Ҳаммамизга аёнки, интернет дорихонасида истаган маънавиятсизлик дорилари ранг-баранглиги ва ўзига тортувчи усуллари билан ўзига жалб этмоқда. Болаларимизнинг кўзига кўрсатяпти, қулоғига эшиттиряпти. Биз-чи, унинг кўзига таъсирчан лавҳани ва қулоғига ёқимли озуқани бера оляпмизми? Бугун мана шу масалаларга жиддийлик билан ёндашадиган кун келди, десак, тўғри бўлар эди. Касалликка қарши курашишни кечиктириб бўлмайди. Иммунитет буюк аждодларимизнинг тарбия борасидаги методларидан фойдаланган ҳолда оширилса, унинг натижаси самарали бўлади. Уларни дунёга танитган ҳам олган тарбиясидандир. Ўз вақтида дунёвий илмларни эгаллаганини ёзиб қолдирилган асарларда кўришимиз мумкин.

Ғарбона маданият кириб келмоқда, деб бонг урамиз, аммо у кириб келмоқдами ёки ўзимиз киритмоқдамизми? Бу ҳақида ҳеч ўйлаб кўрдикми? Боламизнинг қўлига телефонни бердик, лекин ундан қай мақсадда фойдаланишни вақтида ўргата олдикми? Аксинса, улар интернет орқали ўрганмоқда. Демак, интернет “муаллим”лари бугун фаол. Бизнинг тарбиячи муаллимларимиз интернет муаллими бўла оляптими? Агар интернет муаллими бўла олганда эди, фарзанди учун миллий қадрият ва анъана ҳамда миллий ўйинларни яратиб берган бўларди. Ахир ҳар бир ота-она фарзанди учун борини ва жонини беришга тайёрку... Фарзандининг маънавий иммунитетини ошириш учун етарли озуқани сотиб олиб беряптими? Китоб олиб беришга чўнтагидаги пулини қизғанган ота-онадан яна нимани кутайлик.

Сўнгги уч йил давомида маънавият ва маърифат соҳасига эътибор жадаллашди десак, тўғри бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев раҳбарлигида 2021 йилнинг 19 январ куниси Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг видеоселектор тарзида ўтказилиши билан бошланганига ҳамма гувоҳи шоҳид. Бу йиғилиш мудроқ қалб кўзларини очишга туртки берди. Айримлар маънавият ва маърифат бир ташкилотнинг иши деб ўзидан соқит қилаётган бир вақтда, давлат раҳбари маънавият – ҳамманинг иши эканлигини алоҳида таъкидлаб, “маънавий уйғонмасанг, душман кўз олдингда улғаяётган жигарбандингни сендан тортиб олади” дегандек ҳушёрликка чақирди. Бу таъкидлар бежис эмаслигини ақлли мавжудотгина англай олади. Агар биз маънавий ва маърифий уйғонмас эканмиз, фарзандларимизни қандай уйғотамиз? Натижа маълум. Маънавият ва маърифатдан йироқлашган жамиятнинг шаклланишига сабабчи бўлиб қоламиз-ку...

Барча ҳудудларда маънавий-маърифий ишларнинг ташкил этилишини яхши дея олмаймиз. Танқид қилиш осон, аммо ишни ташкил этиш методикасини ўргатилмагани сўзимизнинг исботидир. Бугунги қабул қилинган қарорларда методика масаласига алоҳида урғу берилган. Қарорда кўрсатилган маънавий-маърифий тарғибот ва ташвиқот ишларининг таъсирчанлигини ташкил этишда замонавий ҳамда инновацион усулларни тезкорлик билан яратиш зарурдир. Вақтлар ва ёт ғоялар тарғиботчилари кутиб турмайди. Улар ўз ғоясини омма онгига сингдиришга, маънавий иммунитетни вируслари билан емиришга уринади. Шунинг учун ҳам бугун ҳудудларда ҳам ўрганиш, ҳам ўргатиш ишлари олиб борилмоқда. Масалан, ҳудуднинг барча тизимларидаги маънавият ва маърифат ишларига масъулларга ўқув-семинари ташкил этиб, уларга тарғиботнинг энг таъсирчан ва оддий усулларини тавсия этиш билан биргаликда қўллаш методини ўргатиш ишлари бошлаб юборилди. Айниқса, тизимлашган ҳолда ўзига хослигидан келиб чиқиб жорий этиш лозим. Мисол учун мактабгача таълим ташкилотларида маънавият ва маърифат учун масъулларга 3-6 ёшдаги болаларга қўлланиши мумкин бўлган манбалар, яъни, шу ёшга мос миллий ўйинлар, миллий куй-қўшиқлар, эртаклар ҳамда миллий урф-одат, анъаналарни ўргатишнинг оддий усулларини ўргатиш керак.

Дунёда бугун эътироф этилаётган тизимлардан бири маҳалладир. Бошқа давлатларда бундай тизим йўқлигини ҳорижий экспертларнинг ўзи таъкидламоқда. Сўнгги йилларда бу тизимда жуда катта ислоҳотлар амалга оширилди. Энг чекка ҳудудлардаги қишлоқ аҳолисини ҳам бугун обод қишлоққа айлантирилаётгани, худди шаҳар аҳолисига яратилган шароитни яратишга қилинаётган саъй-ҳаракатлар таҳсинга лойиқ. Ҳеч кимдан кам бўлмаган ва кам бўлмайди, деган халқимиз нақлида ишнинг ташкил этилаётганидан фахрланамиз. Аҳолини моддий жиҳатдан бой бўлишига эришиш, албатта, ютуғимиз. Лекин бу тизимда ҳам маънавий-маърифий ишларни янада жонлантириш, маҳаллада ташкил этилаётган тадбирларнинг таъсирчанлигини ошириш ниҳоятда муҳимдир.

Ҳар бир миллат ўзининг тили, урф-одати, анъанаси, маданияти, тарихи билан миллат ҳисобланади. Биз қандай етук, баркамол инсон бўламизки, ўзимизнинг миллий урф-одатимизни билмасак, унга риоя қилмасак, ундан ҳаётимизда, болаларимиз тарбиясида фойдаланмасак! Ўзининг миллий урф-одатини билмаган кишини баркамол одам деб бўлмайди.

Халқимизнинг умри боқий анъаналарини ўзида мужассам этган миллий урф-одатларимиздан: саломлашиш, никоҳ, тўй қилиш, оила тутиш, фарзандни тарбиялаш, ота-онани ҳурмат қилиш, саломатликни сақлаш, илм олиш, кийим кийиш, нонни эъзозлаш, касбу-корлик, меҳмон кутиш, савдо-сотиқ қилиш, миллий байрамларни ўтказиш, табиатни муҳофаза қилиш, мотам маросимларини ўтказиш кабиларнинг ҳар бири буюк бир мактабдир.

Ёш авлодни одоб-ахлоқ бобида ҳар томонлама маънан камол топтириш шу кун ва давр ҳамда мафкурамизнинг бош мезонидир. Биз анъаналаримиз, урф-одатларимизни кенг тарғиб қилиш имкониятига эга бўлган қутлуғ замонда яшаяпмиз. Унинг асл тарихини, яратилишини, сабабини илмий асосда айтиб берадиган даврдамиз. Мазкур илмий мерос асосида маҳаллаларда миллий қадриятларимизни аҳоли, айниқса, ёшлар онгига кенг сингдириш тизимини тубдан такомиллаштириш, ушбу тизимни мунтазам ташкил этиб борилишини кучайтириш зарур. Унда тарғиботнинг энг таъсирчан усуллари ва механизмларини жорий этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шу билан бирга, жамиятимизнинг ота-боболаримиздан бизга маънан мерос бўлиб қолган урф-одатлари оммалашади.

Мақсад аниқ, яъни, аждодларимиз қолдирган маънавият хазинасидан кўзимизни очиб, униб, ўсиб келаётган, умид билан камол топаётган ёшларимизни баҳраманд этиш, улар онгини маънан бойитиш, маънавият, мафкура, анъана – олмосдек серқирра, сержило ҳисобланади. Унинг асл мазмуни, маъноси, илдизи бир жойга, инсон одоби-ахлоқига бориб тақалади. Одоб эса инсон кўрки, безаги, унинг буюк камолидир.

Яна бир масала, ҳудудлардаги бозорлар, аҳоли гавжум жойлар, дўконларда ёшлар маънавиятига салбий таъсир кўрсатувчи ёт ғоялар, ахлоқсизлик, “оммавий маданият” намуналарини тарғиб қилувчи лавҳалар акс этганини кўриб индамай ўтаверамиз. Нега? Жамоатчилик фикри қани? Бу борада айрим телеканаллар тарғибот майдони десак, адашмаймиз.

Давлат раҳбари мамлакат ижодкорлари ва зиёлилари билан учрашувида эстрада санъатидаги камчиликларга алоҳида эътибор қаратиб, “Афсуски, бугун телевидения орқали берилаётган баъзи клипларни оила, фарзандлар даврасида томоша қилиб бўлмай қолди. Ҳар бир ҳаракатида Ғарбга тақлид сезилиб турадиган, очиқ-сочиқ кийинган ёшларни кўриб, наҳотки шулар ҳам бизнинг фарзандларимиз, бизнинг миллатимиз вакиллари бўлса, деб ўйлаб қоласан киши”, дейишлари ҳам бежиз эмас эди. Ахир улар халқимиз нима кийишини белгилаб бераётир, очиқ айтганда. Ҳақиқатни гапиришдан чўчиймиз-у, ижтимоий тармоққа чиқиб, бошқа бир исм ва тахаллус остида хоҳлаган раҳбарни ёки ходимни ҳақоратлашда кимўзарга баҳслашамиз. Уят ва ҳаё пардаси юзимиздан кўтарилдими?

Бугун кийим-кечак бозорларимиз хориж либосларига лиммо-лим. Ҳа, “Келинлар қўзғолони” комедиясидаги Фармонбиби **“Хўрозқанд чет элники деса, ётиб олиб ялашади-я”**, деб бежиз айтмаган экан-да. Бу қўпол ўхшатиш бўлиб туюлар, аммо, ҳаққоний ўхшатиш. Миллий либосларимизнинг андозаси эскирдими ёки ақл-тафаккуримиз билан устки қиёфамиз ҳам ўзгардими? Бозорга кирар экансиз, миллий либосни топишга қийналамиз. Топдик, деганимизда эса унинг фасони хориж усулида яратилган. Эҳ-ҳее...

Иш, хоҳ эзгу бўлсин, хоҳ – ёвуз, ундан натижа кутилади. Нима бўлганда ҳам, ижрочиларнинг ўзлари учун ёқимли, кутилган натижа кўзланади, мақсад қилинади. Бу – нисбий якун. Бинобарин, мақсад ҳосил бўлиши учун иш тизимли ташкил этилиши керак. Акс ҳолда, зид натижага эришилади. Демак, хоҳ вайронкор ёки бунёдкор бўлсин, иш, аввалambор, режалаштирилади. Бу тафаккур дегани. Режанинг пухталиги, илмий асослангани муҳим. Хуллас, инсонлар онги – бугунги замон мафкуралар жанг майдонида устунлик қилиш, қўли баланд келиш, натижадор таъсир усулларини ўйлаб топиш, ҳаётга кўчириш – бирламчи вазифа. Иккинчидан, охирги пайтларда кўплаб тадқиқотлар натижаси ўлароқ диссертациялар тайёрланмоқда, ҳимоя қилинмоқда. Аммо уларнинг кўпчилиги амалиётга жорий этилмай қоляпти. Бу ўринда назарий илмларнинг амалиётга жорий этилмаётгани кўринади. Аслида, илм, тадқиқот фойдага айлангандагина аҳамиятли жиҳатларини намоён қилади. Демак, ҳар бир тадқиқот иши ҳаётга яқин, монанд бўлиши зарур.

Маънавият соҳасида ҳам қарорда назарда тутилган тадқиқотлар амалий ҳаёт билан ҳамоҳанг бўлмоғи зарур. Йўқса, у қоғозларда қолиб кетади. Бу борада амалий тадқиқотчилар тизимга таклиф этилиши муҳимдир. Бу энг ривожланган давлатларнинг тажрибасини ҳам ўрганиш заруриятини келтириб чиқаради. Зеро, бу йўлда натижадорлиги ва самарадорлиги учун тўғри қадамни қўймоқ шарт. Маънавий иммунитетни оширишнинг замонавий ва инновацион усулларини тадқиқотчилар ўрганиб, амалиётга жорий этиш учун тақдим этиб боришлари даркор.

Демак, бугун аҳоли, айниқса, ёшларнинг маънавий иммунитетини оширишга барча бирдек масъул экани қабул қилинган қарорларда белгилаб берилди. Фақат буни англаш керак. Ўрганиш керак. Амалиётга жорий этиш

керак. Маънавиятда кечикиш йилларга татигулик вайронкорликни юзага чиқаради. Тинч ва фаровон яшашимиз учун ҳам маънавият ва маърифат йўналишида барча тизимлар бирлашган ҳолда ишни ташкил этиши зарур ва муҳим. Зеро, бирдамлик эзгуликка йўл очади.

ЁШЛАРДА АХБОРОТ-МАФКУРАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ МАЪНАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЗАРУРИЯТИ

Суванов Илҳом
Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти Илмий котиби, Фалсафа доктори (PhD)

Бугунги кунда жаҳонда ахборот хуружлари, ижтимоий онгнинг шаклланиш хусусиятлари, шахснинг ижтимоийлашуви, ғоявий курашнинг психологик механизмлари, мафкуравий иммунитет, бузғунчи ва вайронкор мафкуралар билан маънавий иммунитет шаклланишининг ижтимоий-маънавий, сиёсий-мафкуравий, диний-психологик омиллари ўртасидаги боғлиқлик муаммолари бўйича бир қанча тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда ҳам мустақилликнинг илк кунлариданоқ ижтимоий-сиёсий, маънавиятимизга умуминсоний ғояларга таҳдид солувчи бузғунчи ва вайронкор мафкураларга нисбатан ёшларда мустаҳкам маънавий-мафкуравий иммунитет шакллантириш воситалари, шакллари, омиллари ўрганилмоқда. Қолаверса, мазкур масалада давлатимиз **“жаҳолатга қарши маърифат”** билан курашиш тамойили бўйича бутун дунё ҳамжамиятига намуна бўлиб келмоқда.

Бугун юртимизда мафкуравий, ғоявий ва ахборот хуружлари авж олиб бораётган ҳозирги мураккаб даврда турли хил ички ва ташқи, очиқ ва яширин таҳдидларга нисбатан мафкуравий иммунитетни шакллантириш ишларини янги босқичга кўтаришни замоннинг ўзи тақозо этмоқда. Айниқса, ёшларда ахборот-мафкуравий таҳдидларга қарши маънавий иммунитетни шакллантиришга оид инновацион тарғибот услубларини ишлаб чиқиш, ижтимоий муҳитда юз бераётган воқеаларга фуқароларнинг дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб боришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорларини қабул қилиниши ҳам жамиятда мазкур масалани нечоғлик муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистонда ёш авлодни янгича фикрлашга ва тафаккурини ривожлантиришга, сиёсий фаоллигини йўналтиришга, уларни мустақиллик ғояларига содиқ қилиб тарбиялаш вазифалари босқичма-босқич

равишда амалга оширилмоқда. Глобаллашув жараёнида сиёсий таъсир кўрсатишнинг ёшларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг долзарблигини кўрсатади. Тарғибот технологиялари ахборотни узатиш имкониятларини оширади. Ахборотнинг хажми ва кўлами ортади. Ёшларни дунёда содир бўладиган турли хил воқеа ва ҳодисалардан, янгилик ҳамда технологиялардан ҳабардор қилади. Айни пайтда уларни "мураккаб ахборот оламига" олиб кириб, уларнинг онггига, мақсад ва майилларига таъсир кўрсатади. Ёшларнинг ахборотни қабул қилиш даражаси ва тажрибаси етарли бўлмаганлиги учун ҳам, ундан тўғри, хулосалар чиқариши осон эмас. Ахборотларни ёшлар онггига салбий таъсир кўрсатиши кўпроқ "тақлидчи ёшлар"да кузатилади. Бу уларда салбий, хатти-ҳаракатларнинг шаклланишига олиб келиши мумкин. Бундай ёшларни "зарарли ғоялар"нинг таъсирида уларнинг руҳияти ўзгариб, ахборотларнинг таъсири ортади. Ахборот хавфсизлик муаммоси пайдо бўлади.

Ҳозирги вақтда хавфсизликни таъминлашни технологик ва технократик услубият асосида ташкил этиш – давр талабидир. Ёшларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш вазифаси, ўз навбатида жараённи тизимлашни, натижани аввалдан кафолатлашни, жараёнга исталгаи пайтда тузатишлар киритиш имконияти бўлишини тақозо этади"[7].

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳатлар шуни кўрсатадики, ижтимоий ўзгаришларга зарурий мослашишни таъминлайдиган ва ахборот муҳитида муносиб ўринни кафолатлайдиган тафаккур тарзига эга бўлган ёшларни тарбиялаш давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишига айланди. Чунки, Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, **"Биз Янги Ўзбекистонни етук маънавиятли жамият, эркин ва бахтли инсонлар яшайдиган юртга айлантиришимиз лозим.**

Фақат жисмоний жиҳатдан бақувват инсонни тарбиялаш унчалик қийин эмас. Аммо инсонни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан камол топтириш ғоят мураккаб вазифа. Айниқса, бугунги кунда–мафкуравий курашлар гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона тус олган нозик, қалтис шароитда, ҳозирги таҳликали замонда бу масала ниҳоятда долзарб аҳамиятга эга"[8].

Шу боис, бугунги кунда ёшларда ахборот-мафкуравий таҳдидларга қарши маънавий иммунитетни шакллантиришга оид инновацион тарғибот услублари ишлаб чиқиш вазифаси устувор аҳамият касб этмоқда.

Ахборот-мафкуравий таҳдидларга қарши курашиш механизм ва технологиялари масалалари бўйича жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Peace Research Institute Frankfurt (Германия), Centre of Scientific investigation of Civil Society, Centre International investergate of Oxford Unversity, Cambridge University, The George Washington University (АҚШ), Centre of scientific inestigation of Central Asia, Institute of

[7] Эргашев И., Мухаммадиева О., Бердикулова С., Сафаров М. Миллий ғоя тарғиботи технологиялари (ўқув қўлланма). Т.: 2019. Б. 202-203

[8] Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: O'zbekiston, 2021. – Б. 274.

International Policy Studies, РФ Президенти ҳузуридаги миллий ва федерал муносабатларни таҳлиллаш маркази давлат хизмати Академияси (Россия), Asian Strategy and Leadership Institute (Малайзия), The China Research Center (Хитой), Ўзбекистон Миллий университети (Ўзбекистон)да, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институтида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, мазкур муаммо ечимига бағишланган тадқиқотлардан қуйидаги илмий натижалар олинган:

- жамиятда ички ва ташқи таҳдидлар таъсирида юзага келаётган ижтимоий муаммолар таҳлил қилинган (Institute Gelap for publisher disput, АҚШ, Peace Research Institute Frankfurt, Centre of Scientific investigation of Civil Society, Германия);

- миллий тарбия омилининг жамиятда миллий-маънавий хавфсизликни таъминлашдаги аҳамияти ва оила институтининг роли асосланган (Centre International investergate of Oxford Unversity, Буюк Британия, Centre of scientific inestigation of Central Asia, АҚШ, The China Research Center, Хитой, Institute of International Policy Studies, Япония, Asian Strategy and Leadership Institute, Малайзия);

- маънавий-мафкуравий таҳдидлар ривожланиб боришининг характерли хусусиятлари, эволюцияси ва хавф-хатарларнинг олдини олиш механизмлари ишлаб чиқилган (Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти, Ўзбекистон).

Бугунги кунда глобаллашувнинг тобора авж олиши жаҳон халқаро муносабатлар тизимида кескин ўзгаришлар юз бермоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган **“Учинчи Реннесанс”** даври нафақат ёшларда, балки, ҳар бир шахс ва фуқарода масъулият ҳиссини юзага келтирмай қолмайди.

Бу эса, ўз навбатида, маънавий-маърифий тарғибот тизимини таъсирчанлигини янада такомиллаштиришни, давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш масалаларига жиддий эътибор қаратишни тақозо этади.

Бизнингча, олдимизга қўйилган вазифаларни амалга оширишда юзага келган сиёсий воқеликни атрофлича илмий таҳлил этиш;

миллий, иқтисодий, ижтимоий хавфсизликни таъминлаш билан бир қаторда ахборот-мафкуравий хавфсизлик масалаларига алоҳида эътибор қаратиш;

ёшларда маънавий иммунитетни шакллантиришга оид инновацион тарғибот услубларини ишлаб чиқиш зарур бўлади.

Демак, ёшларда ахборот-мафкуравий таҳдидларга қарши маънавий иммунитетни шакллантириш мақсадида ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ташқи хуружлар манбаларини аниқлаш, баҳолаш ва башорат қилиш, давлат ҳокимияти органлари ва ахборот-матбуот хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш, ахборот соҳасидаги миллий манфаатларини кафолатли таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Юқорида санаб ўтилган муаммоларни бартараф этишда,

биринчидан, тарғибот-ташвиқот тизимининг янги замонавий инновацион технологияларни ишлаб чиқиш;

иккинчидан, ташқи ва ички сиёсий ҳолатни миллий мафкура билан боғлаган ҳолда миллий манфаатлар негизида таҳлил қилиш ва баҳолаш;

учинчидан, маънавий-аҳлоқий хавфсизликни таъминлашнинг ижтимоий-сиёсий механизмларини такомиллаштириш;

тўртинчидан, таҳлил натижаларини трансформация қилиш бўйича коммуникацияси ва инфраструктураси тизимини ривожлантириш жараёнини амалий ўрганиш;

бешинчидан, муаммонинг бугунги ижтимоий-маънавий ислоҳотларга дахлдорлигини атрофлича таҳлил қилишга оид тизимли ва фундаментал илмий-амалий тадқиқотларни такомиллаштириш муҳим роль ўйнайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: Ўзбекистон, 2021. – Б. 274.
2. Эргашев И., Мухаммадиева О., Бердиқулова С., Сафаров М. Миллий ғоя тарғиботи технологиялари (ўқув қўлланма). Т.: 2019. Б. 202-203

УЗЛУКСИЗ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯДА ТУШУНТИРИШ, КЎРСАТИШ ВА ЎРГАТИШ МЕТОДЛАРИНИНГ ЎРНИ

Муҳаммаджон Қуронов, педагогика фанлари доктори, профессор.

“Нажот таълимда, нажот тарбияда, нажот билимда”

Шавкат Мирзиёев

«2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да 4-йўналиш инсон капиталини ривожлантириш, 5-йўналиш - маънавий тараққиётни янги босқичга олиб чиқиш кўзда тутилган. Қолаверса, тараққиёт стратегиясида белгиланган 7 та йўналишда қайд қилинган 100 та мақсадга эришиш Инсон омилига, яъни ёшларимиз, фуқароларнинг замонавий компетенцияларига, кучли маънавиятига боғлиқ. Бу эса педагогика фани ва унинг амалиётига бевосита боғлиқдир. Демак, Янги Ўзбекистоннинг янги педагогикаси ушбу устувор йўналишларни амалга оширишга қодир ёшларни тарбиялашни ўзига ижтимоий буюртма сифатида қабул қилиб, тараққиёт стратегиясига ўзининг илмий-амалий ҳиссасини қўшиши талаб қилинмоқда. Стратегиянинг **бешинчи йўналиши – “Маънавий тараққиётни таъминлаш**

ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш” – ёшларни бевосита маънавий-ахлоқий тарбиялаш масаласи эканлигидан келиб чиқиб, “Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси” асосида инсон умрининг ҳомила давридан бошлаб, 30 ёшигача бўлган даврда олиб борилаётган маънавий-ахлоқий тарбия самарадорлигини янги босқичга кўтаришни, ёшларимиз ва аҳолида мафкуравий хуружларга қарши миллий ғоя асосида курашиш компетенцияларини ривожлантириш талаб қилинмоқда.

Маърифат асри деб ном олган XVII аср Ғарб Ренессанси Европада педагогик тафаккурнинг кейинги ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Ғарб ренессансининг моҳиятини файласуф Иммануел Кант “Маърифат инсоннинг ўз ихтиёри билан тушиб қолган ғўрликдан чиқиб олишидир. Ғўрлик – бошқа бир одамнинг йўриғисиз ўз ақлини ишлата олмаслик. Ўз ихтиёри билан ғўр бўлишнинг сабаби ақлнинг йўқлиги эмас, балки бошқа бир одамнинг йўриғисиз ўз ақлини ишлатишга журъат ва қатъият етмаслигидир. Sapere aude! – ўз ақлингни ишлатишда журъатли бўл! Ана шу маърифат шиоридир”, деб ифодалаган эди.

Уйғониш давридан кейинги XIX ва XX асрлар инсоният тарихида саноат, ижтимоий ва иқтисодий муносабатларнинг янги марраларига эришилганлиги ва ўз навбатида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, шу жумладан, тарбияда ҳам такомиллашув даври бўлди. Бу даврда жамиятнинг педагогикага, таълим тарбияга оммавий қизиқиши ошди. Бунинг таъсирида турли, анъанавий ва янги педагогик тизимлар, ёндошувлар ривожланди. Чунки мактаблардаги таълим ва тарбия жамиятнинг тараққиёт даражасига жавоб бера олмай қолган эди. Саноат ривожланиб, мураккаб техник қурилмалар учун юқори малакали ишчи ходимлар талаб қилинар, бироқ, эски мактаблар ўқувчиларда мустақил фикрлаш ва фаолликни ривожлантира олмас эди. Таълим тарбиядаги расмиятчилик ва оғзакилик туфайли мактаб битирувчилари ўз билимларини амалиётда қўллай олмас эди. Жумладан, Германияда – таълим ва тарбия мазмуни, методларида оғзаки ёндошув устувор эди. Ушбу муаммо таълим тарбияда тушунтириш, кўрсатиш ва ўргатиш(машқ қилдириш) методик триадасини қўллаш самарадорлиги билан боғлиқ.

Социализация жараёнида болалар хулқ компетенцияларини аксарият ҳолларда тақлид орқали, ота-она, танишлар, бошқаларга тақлид қилиб, стихияли равишда ўрганадилар. Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси мана шу стихияли интериоризацияни тизимли тарбияга айлантиришни тақозо қилади. “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”нинг 4-йўналишида белгиланган Инсон капиталини ривожлантириш вазифаси биздан шуни талаб қилмоқда.

Узлуксиз маънавий тарбия ёшларимизни ҳаётда ўз олдига тўғри, яхши ният, мақсадларни қўйишга(маънавий) ва шу ният-мақсадларни амалга оширишнинг гўзал хулқларини(ахлоқий) ўргатмоқда. Кучли маънавият шахснинг ўз мақсадларини англашига, ахлоқ ана шу мақсадларга эришишига инсон капитали бўлиб хизмат қилади.

Узлуксиз маънавий тарбия ўқувчининг хулқнинг ички лойиҳасини, асосини яратади, ўргатиш эса ана шу ички лойиҳани қўл-оёқ, моторика билан боғлашга ўргатади. Бу аслида қадимий маънавий-ахлоқий “Эзгу сўз, эзгу сўз, эзгу иш” триадасининг педагогик дискурсидир. Узлуксиз маънавий тарбия шунинг учун ҳам тушунтириш, кўрсатиш ва ўргатиш методик триадасининг қўлланишини шарт қилиб қўяди. Зеро одамнинг жамиятда яхши ёки ёмон, деб айтилиши сабаблари унинг қўл-оёғи, кўзлари, тили, гавдаси, кийими қандайлигида эмас, балки унинг ахлоқий субстанцияси – маънавиятидадир.

“Тарбия” дарслиги ўқитувчи, мураббий, ота-оналар ва тарбияланувчиларни ана шу педагогик жараёнга олиб киради. “Тарбия” дарсларининг бошқа фан дарслардан фарқи – ҳар бир ўқувчи учун завқли, қизиқарли ва аҳамиятли бўлиши; ҳар бир ўқувчига индивидуал ёндошиш имкониятини яратиш; ижобий фазилатларнинг кундалик ҳаётда намоён бўлишини таъминлаш; ҳар бир синф ўқувчиларида ёшига мос ижтимоий компетенцияларни ривожлантириш ва ўз хулқида ихтиёрий амал қилиш одатларини шакллантиришдан иборат.

“Тарбия” фани дарслиги нафақат инсоний фазилатлар мазмуни, шакли ҳақида билим олиш, ўз мустақил фикрларини шакллантириш, балки ўз иллустратив-инструктив моҳияти билан ажралиб туради. Бу ўта муҳим. Айни вақтда “5, 15 ёшли бола, ўсмир, 20 ёшли ўспирин ўзидан катталарни қаерда, қандай ҳурмат қилиши керак?”, “5, 15 ёшли бола, ўсмир, 20 ёшли ўспирин Ватанни қандай севиш керак?”, “Бунинг тартиби, қоидаси, методикаси борми? Уйда, меҳмонда, автобусда, айфонда, ошхонада, ҳожатхонада, “темир дафтар”да, касал кўришда, таксида, чатда, йигит ва қиз учрашувида, театрда, ижтимоий тармоқда ўзини тутиш қоидалари қандай? Улар ёшларга тушунтириб, кўрсатиб, ўргатиляптими? Қандай баҳоланаяпти?” деган педагогик саволлар туғилиши табиий.

Масалан, халқимиз орасида 2022 йилнинг бошларида “Ёр-ёр” телекўрсатуви машҳур бўлиб кетди. (Бошловчи журналист Муҳаббат Ҳамроева). Ушбу кўрсатувда оиласи бузилган эрларда энг кўп эътироф этилган иллат – мустақил фикри йўқлиги эканлиги танқид қилинди.

Йигит(эр)ларда мустақил фикр йўқлиги учинчи шахсни жалб қилган. Эр оиласини, хотинини учинчи шахс зуғумидан ҳимоя қилолмаслиги натижасида юзлаб оилалар бузилмоқда. “Мустақил фикрламаслик” иллати фақат оилани кемирмайди. Жамиятни, давлатни ҳам кемиради. Чунки ўз фикри йўқ одам бировнинг етовига тушадиган, гапига кўр-кўрона амал қиладиган ўлжа. “Биров” ким бўлишини эса худо билади. Хуллас, оилавий ажримларнинг энг кўп сабаби эр(йигит)да мустақил фикр йўқлиги экан. Бу эса бизга “Бўлажак эрга болалик, ўсмир, ўспирин, йигитлик, бўйдоқлик йилларида мустақил фикрлаш ўргатилмаган”, деган педагогик ташхисни кўрсатиб туради.

Уйда, ишда, мактабда, ижтимоий тармоқда, оилада, бизнесда, чойхона-гапда, конференцияда, ижодда мустақил фикрлашнинг фойдаси, фикрсизликнинг ижтимоий иқтисодий, сиёсий, мафкуравий зарарлари илмий-эксперимental асосланиб, уйда, ишда, мактабда, ижтимоий тармоқда, оилада,

бизнесда, чойхона-гапда, конференцияда, ижодда мустақил фикрлаш компетенцияси тушунтириш, кўрсатиш ва ўргатиш самарали қўлланмаган. “Тарбия” тушунчаси маъносини **“тарбияланувчига ролли-ситуатив компетенцияларни ўргатиш”**, тарзида тушунилса, ҳар бир йигит қизимиз ҳамма жойда ўзининг статусини билади ва ўзидан тақозо қилинувчи **ролли-ситуатив компетенцияларни** тўғри, тартибли(чиройли) бажаради.

Бунда ролли дейилганда, бир хил ҳаётий вазиятда, тадбир, жамоат жойида одам ким сифатида, қайси статусда қатнашиши назарда тутилмоқда. Масалан, автобусда: йўловчи ролида; тўй, маъракада: меҳмон, мезбон ролида; супермаркетда: харидор ролида; оилада: ака, ука, опа, сингил ролларида ҳаракат қилишади.

Чиройли + фойдали хулқ = маданиятли хулқ. Яхшилаб машқ қилдирилиб, ўргатилган тўғри ва тартибли иш, хулқ чиройли кўринади ва эгасига иқтисодий ва маънавий фойда келтиради. Чунки уйда, ишда, тўй-маъракада, автобусда, оилада, супермаркетда ўзининг чиройли хулқини намоён қилган йигит, қизни одамлар мақтаб, дуо қилишади.

Маданиятли хулқ болаларимизнинг капиталига айланиб, уларнинг ўзларига бир умр моддий ва маънавий фойда, дивиденд келтиради. Бу диний томондан қаралганда ҳам марғуб. Яъни “Ота она болаларига яхши тарбиядан ортиқ мерос қолдира олмайди”, деган муборак ҳадисга чиройли амал бўлади.

Кўпинча ўзимизнинг йигит қизларимиздан мустақил фикр билдириш сўралса, “уяламан”, деган сўзни эшитамиз. Бу уялишни биз кўпинча ижобий баҳолаймиз. Ҳа, барака топсин, иболи йигит, ҳаёли қиз экан, деб алқаб қўямиз. Лекин уялиш бирор ишни хато, нотўғри бажариб қўйиб, шарманда бўлиш олдидаги қўрқувдан, иккиланишдан ҳам пайдо бўлади. Шунинг учун йигит-қизларимиз дунёнинг пешқадам ёшларидан бўлиши учун уларни ҳаётнинг турли-туман вазиятларида ўзини чиройли, муносиб тутиш моделларини ўргатишимиз керак. Чунки ҳар бир ҳаётий вазиятда ўзини чиройли тутишнинг намуналари бор. Ана шунда улар ҳеч кимнинг олдида уялиб, қизариб, ерга қараб, қимтиниб қолишмайди. Аксинча, бошқаларга модел, намуна бўлишади.

Марказий Осиёда нақшбандия тариқати кенг тарқалганлиги туфайли асарда тасаввуф аҳлига тегишли одоб-ахлоқ қоидалари ҳам ёритилган. Айни пайтда, бу кўрсатмалар халқимиз кундалик турмуш тарзига сингиб кетганини кузатиш мумкин. Бу китоб Туркистон халқлари орасида катта шуҳрат қозонган ва илм аҳли орасида қадрланиб, кенг истифода этилган. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, барча мадрасаларда Муҳаммад Содиқ Қошғарийнинг “Одоб ас-солиҳийн” асари асосий фанлардан бири сифатида ўқитилган.[9]

Саломлашиш ижтимоий зарурият эканлигидан келиб чиққан ҳолда муаллиф саломлашиш қоидаларини асарнинг биринчи бобида “Истиъзон, салом, мусофаҳа ва тақбили айдо баёнинда” номи билан келтирилган. Унда бир кишининг олдига кирмоққа изн сўраш, саломлашиш, кўришиш одоблари

[9] Ҳошимов К., Нишонова С. Педагогика тарихи. – Т.: А.Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2005. – Б. 175.

баён этилган бўлиб, жами 27 қоида келтирилган. Бу бобда “Истиъзон, яъни бир киши олдиға кирмоққа изн талаб қилмоқнинг одоби”, “Саломнинг адаблари баёни”, “Мулоқот одоби баёни”, “Муолақа ва қўл ўпмак адаблари” каби фасллар ўрин олган[10].

“Ухламакнинг баёни” фаслида ухлашдан олдин эътибор қаратиш керак бўлган нарсалар тўғрисида кўрсатма берилган. Ухламоқчи бўлган инсон қай ҳолатда уйқуга ётиши кераклиги ёзилган.

“Либос киймак адаблари баёнида” фаслида қандай рангдаги, узунликдаги либосни кўпроқ кийиш ҳақида баён қилинган.

“Йўл юрмакнинг одоблари баёни” фаслидаги қоидаларга мувофиқ йўл юришда қадамни тез-тез ёки оғир қўйиб ҳам юрмаслик, бир пой оёқ кийимда эмас, балки иккала оёғига кийиб юриш, йўлларда эҳтиёт бўлиб юриш, хусусан, бозор ва одамлар кўп тўпланадиган жойларда бирор кишини оёғини босиб олмаслик, агар йўлда икки киши сўзлашиб кетаётган бўлса, уларнинг ўрталарини кесиб ўтмаслик, йўлда ёши улуғ, кекса кишиларга эҳтиром кўрсатиш, йўл устида бирор киши билан сўзлашиб турмаслик, агар жуда муҳим сўзлари бўлса, йўлнинг четига чиқиб сўзлашиш лозимлиги қоида сифатида санаб ўтилади.

“Одоб ас-солиҳин” асарида от миниш одоблари алоҳида фаслда ёритилган. Унга кўра, отни йўлда эҳтиёт бўлиб бошқариш, хусусан, лой кўчаларда отни тез юргизмаслик, отнинг бошига ва юзига чўп ёки қамчин билан урмаслик, отни узоқ муддат оч ва ташна ҳолда қолдирмаслик лозимлиги қоида тариқасида баён этилади[11].

Миллий одоб туркумига саломлашиш маданиятини шакллантириш ҳам тарбиявий вазифа сифатида киритилган. “Тарбия” дарсларида дастлаб ўқувчиларга саломлашишнинг маъноси, мақсади, ҳикмати ва унинг маданий кўринишлари ҳақида билимлар берилди. Кейин саломлашиш одоби, ҳатти-ҳаракатлари кўрсатилди. Билимларни мустаҳкамлаш, ҳаёт билан боғлаш мақсадида ўқувчиларга турли вазиятларда: биринчи бўлиб салом бериш; қучоқ очиб кўришиш; қўл бериб кўришишнинг имкони бўлмаганда; йиғин ўтаётган хонага кирганда; телефонда; оилада; маросимларда; транспортда; йўлда пиёда кетаётган пайтлардаги саломлашиш қоидалар, меъёрлари, табассум уқтирилди, кўрсатилди ва машқ қилинди.

Дастлаб ўқувчилар буни ўзларига хос шўхлик билан енгил қабул қилдилар. Бироқ, кейинчалик уларнинг муносабатлари ўзгариб, жиддийлаша борди. Чунки ушбу кўникма саломлашиш одоби уларга сингдирилаётган миллий тарбиявий таъсир тизимининг таркибий қисми эди. Иссиқ, самимий ва табассум билан саломлашиш улар илгари ўйлаганидек оддий, эътиборсиз нарса эмас, балки кишига гўзал ва самимий муносабатни ва бу орқали бошқа кишиларда ўзига салом берувчига гўзал ва самимий муносабатни ҳосил

[10] Муҳаммад Содиқ Қошғарий. Одоб ас-солиҳин. ЎзР ФАШИ тошбосмаси. No 4982. – Тошкент, 1889.
[11] Абдуллаева М.З. Муҳаммад Содиқ Қошғарийнинг “Одоб ас-солиҳин” асарида ахлоқ мезонларининг таснифи. – Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети. 2012.

қилиши, бу эса ўқувчилар учун, яъни бўлажак врач, фермер, тижоратчи, менеджерлар учун қанчалик муҳимлигини тушунтириш уларда қизиқиш маънавий ва моддий манфаатдорлик ҳисларини қўзғатди. Бу чоралар омухталашиб, пировард натижада ўқувчиларда “миллий одоб” туркумини тарбиялашнинг муваффақиятини таъминлади.

Ота-она обрўси миллий тарбиянинг асосидир. Айнан шу омил орқали улар фарзандларининг онгига, хулқ атворига маънавий таъсир қиладилар. Ота-она обрўси баланд бўлган оилаларда болаларнинг ҳурмат-иззат, эътибор, муштипар она маслаҳат сўраб қилган муносабатларидан ҳам билиш мумкин. Хуллас ота-онанинг оиладаги ҳурмати, обрўси, мавқеи уларнинг бола тарбияси билан махсус шуғулланаётганлиги ёки шуғулланмаётганликларига боғлиқ.

Ота-она обрўсини уларнинг фарзандлари шахси билан қизиқишлари, ўқувчи фарзандларининг ривожлана бораётган эҳтиёжларини ўрганиб, бошқариб, қондириб боришлари оширади. Олиб борган кузатувларимиз ҳаётда ота-онанинг тарбиячилар сифатидаги обрўларини тушурувчи сабаблари ҳам мавжудлиги кўрсатди. Булар:

- ота-онанинг ўзларини фарзандларининг боқувчилар сифатида англаб, тарбиячилари эканликларини чуқур англамасликлари;
- оилаларда учровчи ахлоқсиз турмуш тарзи;
- ота-онанинг болаларга айтган сўзлари, панд-насиҳатлари ва амалдаги ҳатти-ҳаракатлари орасидаги тафовут;
- ота-оналарнинг фарзандларига қилган хизматларини миннат қилаверишлари, улар билан асосан, буйруқ, ҳукм орқали гапиришлари;
- ота-онанинг ўқувчи фарзандларининг ҳаёти, қизиқишларига эътиборсизликлари, уларга вақт ва диққат ажратмасликлари, шунингдек. болаларни оила юмушларига жалб қилмаслик, айниқса, ўсмирлар ўзларига нисбатан бефарқликдан қаттиқ изтироб чекадилар. Бефарқлик ота-она ва ўсмир орасида совуқлик туширади.
- Ўсмирлик даври бошланғич, болада кескин ўзгариш – ўтиш даври бошланади. Ота-оналар ва болалар орасидаги зиддиятларнинг асосий қисми шу даврга тўғри келишининг боиси ҳам шундан. Ота-онанинг ўз фарзандларига хос ёш хусусиятларини билмасликларининг оқибати ўсмирларнинг ота-онадан (кўпчилик ҳолларда отадан) қалбан узоқлашувига олиб келади);
- ота-онанинг ўзларининг фарзандлари учун ҳар куни, ҳар соат, ҳар дақиқада шахсий намуна эканликларини англай билмасликлари;
- ота-она, оила аъзолари томонидан ўқувчи фарзандларига қўйиладиган тарбиявий талабларда якдилликнинг етишмаслиги;
- фарзанднинг кундалик ҳаётидаги режасизлик, тартибсизлик, аниқ мақсадга йўналтирилмаганлик;
- рағбатлантириш ва жазолашда тарбиявий мақсад устиворлигини таъминлай билмаслик;

ZJV5401

- миллий қадриятларга ҳурмат ҳиссини шакллантиришда изчилликнинг етишмаслиги;

- тан жазоси билан қўрқитиш;

- ота-онанинг фарзандлар кўз ўнгида жанжал қилиб туришлари;

- уйда ошкора ичкиликбозлик қилиниши;

- беҳаё сўзлар, қарғишлар, сўкинишлар;

- ўз фарзандини “энг яхши” деб ҳисоблаш;

- “биз қийналганмиз, болаларимиз роҳат қилсин”- дея ўқувчиларни эркалатиб юбориш;

- ясантиришга ҳирс қўйиш;

- “бола қийналиб катта бўлса, ота-онанинг, меҳнатнинг, ҳаётнинг қадрига етади” – дея кўр-кўрона қаттиқ қўллик, зарда қилавериш;

- фарзандига ваъда бериб бажармаслик;

- мактаб билан таълим-тарбиявий ҳамкорликдан ўзини четга олиш;

- болаларини ўз аждодлари, шажаралари билан таништирмаслик ва бошқалардир.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ РОЛИ

Туленова Гулмира Жандаровна,
фалсафа фанлари доктори, профессор
Муҳаммад Ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети

Инсоннинг бахт-саодати, келажак ҳаётининг яхши ёки ёмон бўлиши давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш билан бир қаторда турли миллатлар, элатлар, ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик муносабатларининг такомиллашиши билан ҳам узвий боғлиқдир. Бу, айниқса, кўпмиллатли давлатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси учун ҳам жуда катта аҳамият касб этади.

Янги Ўзбекистонда этник ўзига хосликни ривожлантириш ва миллатлараро муносабатларни янада уйғунлаштиришда фуқаролик жамияти институтлари сифатида миллий маданий марказлар этакчи рол ўйнамоқда. Улар ўзларининг ўзига хос маданияти, тили, халқ ҳунармандлигини ривожлантириб, турли маданиятларнинг бир-бирини ўзаро бойитишига, ҳар биримизда кўп миллатли ягона оила туйғусини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Бунинг натижаси ўлароқ, мамлакат Президентининг 2017 йил 19 майдаги ПФ-5046-сон Фармонига биноан Республика байналмилал маданият маркази ва дўстлик жамиятларининг маркази негизида Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари Қўмитаси ташкил этилди.

Бугунги кунда қўмита қошида 138 та миллий маданий марказ фаолият юритади. Улардан 14 таси Республика миллий маданий марказ мавқеига эгадир: Тошкент шаҳрида 23 та, Қорақалпоғистон Республикасида 6 та ва вилоятларда 95 та миллий маданий марказ фаолият юритмоқда. Ҳозирда қўмита қошида 34 та хорижий мамлакатлар билан дўстлик жамиятлари фаолият олиб бормоқда, шунингдек, қўмита дунёнинг 18 та мамлакатидаги ҳамкорлари билан алоқа қилмоқда.

Бундан ташқари, қўмита хориждаги 29 та ўзбек эмиграция ва диаспоралари билан алоқаларни йўлга қўйган ҳамда улар билан ҳамкорликда ўзбек маданияти кунлари, тили, халқининг ўзига хос миллий анъана, урф-одатларини, тарғиб этишга йўналтирилган анжуман, семинар, давра суҳбатлари, кўргазма, викторина, концерт ва бошқа тадбирларни ўтказиб келмоқда. Бундай фаолият миллатлараро муносабатларни янада мустаҳкамлашга ўзини ижобий таъсирини кўрсатади.

Жамият тараққиётининг ҳар бир босқичида инсоният олдига муайян мақсад ва вазифаларнинг қўйилиши ҳамда янгидан-янги муаммоларнинг юзага келиши ўз навбатида, ўзини-ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, ОАВ каби фуқаролик жамияти институтлари фаолият йўналишларининг ўзгариб бориши, ўз-ўзидан унинг ўзгача моҳият касб этишига олиб келади. Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари сонининг ўзгариш динамикасига назар солсак, 2009 йилда 1218 та ОАВ мавжуд бўлган бўлса, 2015 йилда 1437 тани, бугунги кунда эса, 1500 тадан ортиқни ташкил этмоқда. 12 та миллий тилларда телекўрсатув ва радио эшиттиришлар, ўндан ортиқ тилларда босма нашрлар фаолият кўрсатмоқда.

Бугунги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган 138 миллий маданий марказлар турли миллат ва элатларга мансуб фуқароларнинг эзгу қадриятларини асраб-авайлаш, урф-одат ва анъаналари бардавомлигини таъминлаш, ёш авлодни миллатлараро бағрикенглик руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшмоқда. Миллий-маданий марказлар фаолиятини Республика байналмилал маданият маркази мувофиқлаштиради. Марказ томонидан ҳар йили икки марта тил байрами ўтказилади.

Булар – ЮНЕСКО Бош конференцияси 30-сессиясида (1999 йил) 21 феврал – Халқаро она тили куни деб эълон қилинган ва 2000 йилдан 195 та аъзо давлатларда нишонланиб келинаётган “Халқаро она тили куни” ва Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун ҳисобланади. Айни муносабат билан ҳар йили анъанавий тарзда ўзбек тили бўйича нотиқлик санъати танловини ташкил этиб келинади.

Бугун республикадаги барча олий ўқув юртларида турли миллатга мансуб талабалар таҳсил олади. Дунёнинг камдан кам мамлакатларида кузатиладиган яна бир ҳолат шуки, Ўзбекистонда таълим 7 тилда олиб борилади. Булар сирасига ўзбек ва қорақалпоқ тилларидан ташқари рус, қозоқ, туркман, тожик ва қирғиз тилларини киритиш мумкин. Яна бир диққатга молик жиҳат –

Республикадаги оммавий ахборот нашрлари ҳам турли тилларда чоп этилади, қардош халқлар тилида радио ва телекўрсатувлар тайёрланаётгани Ўзбекистонда миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда миллати, дини, ирқи, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, барча фуқароларнинг эртанги кунга бўлган ишончи, ҳаёти ва тақдиридан мамнунлиги уларнинг миллий ғоя атрофида мустаҳкам бирлашиб, яъни бир ёқадан бош чиқариб, “Ўзбекистон – умумий уйимиз”, “Шу азиз Ватан барчамизники”, “Қудратимиз – бирлик ва ҳамжиҳатликда”, “Мақсад бир, ғоя бир, Ватан ягона”, “Ватан ягонадир – Ватан биттадир” ғояларининг асл моҳиятини чуқур англаб этган ҳолда шу муқаддас Ватанинг буюк келажагини қуриш ва унинг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш йўлида фидойилик билан сидқидилдан қилаётган меҳнат фаолиятларида, турли соҳаларда қўлга киритаётган ютуқларида ёрқин намоён бўлмоқда.

2017 йил 19 май куни қабул қилинган “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида“ги Ўзбекистон Президенти фармони миллий маданий маразлар фаолиятини давр руҳига монанд ташкил этиш, хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқаларни кенгайтириш борасида янги истиқболларни очмоқда.

Хорижий давлатлар билан маданий-гуманитар ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишда дўстлик жамиятларининг роли ҳам катта бўлмоқда. Ҳозирда мамлакатимизда 36 та дўстлик жамияти фаолият кўрсатмоқда. Жамиятлар Ўзбекистон ва хорижий давлатлар ўртасида дўстлик алоқаларини ривожлантириш, чет элда мамлакатимиз ижобий имижини тарғиб этиш, нодавлат ва бошқа халқаро ташкилотлар билан алоқалар ўрнатиш борасида кенг кўламли фаолият олиб бормоқда.

Бугунги кунда миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятларининг фаолияти, эришилган ютуқлар, мавжуд муаммолар ва таклиф этилаётган ечимлар билангина чекланмайди. Улар хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари ва чет элдаги ватандошлар билан ишлашда “халқ дипломатияси“ни амалга оширишда ҳам мухим рол ўйнамоқда.

Янги Ўзбекистонда миллатлар ва конфессиялараро тотувлик ва ўзаро бир-бирини тушуниш, ёш авлодни бағрикенглик, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бирига айланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга” лиги кафолатланган.

Бугунги кунда мамлакатимизда турли эътиқодга мансуб ташкилотлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва ҳамкорлик муҳити ўрнатилиши учун барча шарт-шароитлар яратилган, бағрикенгликнинг муҳим омилларидан бири бўлган миллатлараро ва динлараро тотувликнинг тўла таъминланишига эришилган.

Маълумки, мстақиллик йилларида республикамизда юзлаб масжид, черков, синагога ва ибодат уйлари қурилди, қайта таъмирдан чиқарилди. Улар қаторида Тошкентдаги “Ҳазрати Имом” мажмуи, “Минор” масжиди, вилоят марказларидаги жоме масжидлар, Тошкент, Самарқанд ва Навоий шаҳарларидаги православ черковлари, шунингдек, Тошкентдаги католик черкови ва буддавийлик ибодатхонаси, Самарқанддаги Арман Апостол черкови ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Ҳозирда эса**,** Ўзбекистон ҳудудида Ислом, Рус Православ черкови, Рим-католик черкови, Инжил христиан баптистлари черкови, Еттинчи кун христиан адвентистлар черкови, Инжил-лютеран черкови, Яҳудий диний жамоалари, Буддавийлик ва бошқа 16 та диний конфессияга тааллуқли 2276 тадиний ташкилотлари адлия органлари томонидан рўйхатга олиниб, расман ўз фаолиятини олиб бормоқда. Улардан 2093 таси исломий, 183 таси ноисломий бўлиб, умумий диний ташкилотларнинг 92% ни ташкил этади**.** Шу қаторда 166 та христиан черкови, 8 та яҳудий ибодатхоналари, 6 та баҳоий жамоалари ва 1 та кришнани англаш жамияти мавжуд.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябр куни БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш таклифини илгари сурдилар. Ушбу таклифдан келиб чиқиб, 2018 йил 12 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 73-сессиясининг 51-йиғилишида A/Рес/73/128-сонли “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюцияси ташкилотга аъзо 193 мамлакат томонидан якдиллик билан қабул қилинди. БМТга аъзо мамлакатларнинг 50 дан ортиғи бу резолюцияни нафақат қўллаб-қувватлашларини, балки унга ҳаммуаллиф бўлишларини таъкидладилар. Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг резолюцияси билан ҳар йили 30 июл – Халқаро дўстлик куни сифатида кенг нишонланишини инобатга олган холда ушбу санани Ўзбекистонда “Халқлар дўстлиги куни” деб белгилашни таклиф этдилар.

2022 йил 28 январ куни эълон қилинган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ЎзР Президентининг Фармонида ҳам жамиятда миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш мақсадида миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясининг изчил амалга оширилишини таъминлаш, турли миллат ёшлари учун қўшимча қулай шарт-шароитлар яратиш, уларда фуқаролик бурчини англаш, ватанпарварлик, бағрикенгликка асосланган миллатлараро муомала маданиятини юксалтириш билан боғлиқ вазифалар белгилланган.

Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари билан алоқаларини кўп томонлама ҳамкорлик механизмлари, жумладан, БМТ, МДҲ, ШҲТ, ЭҲҲТ Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши (ТТДҲК) ва бошқа тузилмалар доирасида ҳам ривожлантиришни, бунда нафақат сиёсий-дипломатик муносабатлар, балки иқтисодий, парламентлараро дипломатия ҳамда халқ дипломатиясини кучайтириш назарда тутилмоқда.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан муносабатларни яхшилаш ва янада ривожлантириш – мамлакатимиз ташқи сиёсатининг бош устувор йўналиши бўлиб ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистон Марказий Осиёнинг барча давлатлари билан чегарадош минтақадаги ягона давлатлиги, мамлакатдаги ҳар қандай сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳадаги ўзгаришларнинг бевосита минтақага таъсир эътиши ҳамда Марказий Осиёнинг барқарор ривожланиши минтақанинг барча давлатлари манфаатларига хизмат қилишида намоён бўлмоқда.

Янги Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш, мамлакат ҳудудида ва ундан ташқарида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида халқаро ҳамкорликни ва чет мамлакатлар билан дўстона алоқаларни ривожлантириш, ватандошларни қўллаб-қувватлаш ва хориждаги ўзбек диаспоралари билан яқин ҳамкорлик қилиш, Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги обрў-эътибори ва имижини ошириш масаласи ҳам ниҳоятда долзарб аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, мамлакатимизда миллатлараро муносабатлар соҳасидаги давлат сиёсатини самарали амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан халқаро шартномалар ва бошқа халқаро ҳужжатларни тузиш, Ўзбекистоннинг давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан хорижий мамлакатларнинг турдош ташкилотлари ва фуқаролик жамиятлари институтлари ўртасидаги кўп томонлама алоқалар ва алмашинувлар ривожланишини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ кенг кўламдаги амалий ишлар олиб борилмоқда. Юртимизда миллатлараро ва давлатлараро тотувликни янада мустаҳкамлашга қаратилган янги ғоя ва ташаббусларнинг пайдо бўлаётганлиги эса дўстлик ва ҳамжиҳатлик қўрғонининг янада мустаҳкам бўлишига хизмат қилади.

МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА БАЪЗИ ТАКЛИФЛАР

Абдухаликов Сафар,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети профессори,
фалсафа фанлари доктори

Оддий халқ ўртасида маърифий ишлар самарадорлигини ошириш зиёлилар қатламининг фаоллигига боғлиқдир. Зиёлилар қатламининг фаоллиги эса ижтимоий фанларнинг ўқитилишига боғлиқдир. Фактларга мурожаат қиламиз. Ўзбекистон республикаси фан ва техника давлат комитети томонидан 2002 йилда Ҳ.Н.Бобобеков, А.Турғунов, М.Содиқов, С.Холбеков, О.Юсупов, Х.Санақуловларнинг “Диний экстремистик оқимларга мансуб

бўлган айрим шахслар анкеталари” номли 12,6 босма табоқ ҳажмидаги китоблари нашр этилди. Бу китоб юридик фанлар бўйича олиб борилган қатор тадқиқот ишларида манба бўлиб хизмат қилди. Китобда 1880 та жиноий жавобгарликка тортилганларнинг ёши, миллати, фуқаролиги, судланганлиги, мансаби, касб-кори, моддий аҳволи, маълумоти, дунёқараши, характери, маҳалла жамоатчилиги тадбирларидаги иштироки, меҳнатга, ота-она ва фарзандларга муносабати ва норасмий диний уюшмаларга мансублиги ўрганилган. Бу 1880 та жиноий жавобгарликка тортилганларнинг 18-20 ёшгача бўлганлар 50,3 фоизни, 31-45 ёшдагилар 40,0 фоизни, 45 ёшдан ошганлар 8,8 фоизни ташкил этган. Уларнинг кўпчилигининг маълумоти ўрта (90,5 фоиз), дунёқараши тор (74,5 фоиз), характери енгилтак (57,8 фоиз) ва қизиққон (18,1 фоиз) эканлигини кўрсатилган. Уларнинг асосий мақсади исломий давлатни ўрнатиш бўлган. Тадқиқотчилар таъкидлаганидек тасаввур қиламиз: агар бугунги кун 21-асрда давлатини бошқаришда олий маълумотлилар қатнашмаса, унда жамиятда маърифатнинг ҳоли нима нима бўлади, деган савол ҳам туғилади. Ҳолбуки, маърифат юксалиш воситасидир. Шунинг учун ҳам бугунги кунда республикамизда олий таълим тизимида қабул квоталарининг кенгайтирилиши ва абитуриентлар учун бир нечта олий таълим масканларига ҳужжатларини топшириши айни муддаодир.

Ушбу ҳолатлардан келиб чиқиб маърифий ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида мамлакатимиз даражасида маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича ҳар томонлама чуқурлаштирилган комплекс характердаги концепцияни ишлаб чиқиш ва унда қуйидаги таклифлар инобатга олинишини илгари сурамиз:

1.Собиқ Иттифоқ даврида олий ўқув юртларида “Совет давлати ва ҳуқуқи асослари” номли ўқув фани ўтилар эди. Агар бу фаннинг ўқув соатлари сақланиб қолаётган бўлса, бу соатларда “Конституцион ҳуқуқ” фанини муфассал ўтиш мақсадга мувофиқдир. Чунки кишилик тарихидаги зиён заҳматларнинг асосий қисми инсон омили туфайли юз бермоқда. Шу сабабдан зиёлиларнинг дунёқарашини кенгайтириш, маънавий самарадорликларни ошириш асосий ўринни эгаллайди. Конституцион ҳуқуқ фанига келсак, бу фан билан танишган талаба ва сўнгра зиёлилар маълумоти ўрта, дунёқараши тор, характери енгилтак, қизиққон ва асосий мақсади исломий давлатни ўрнатиш бўлган экстремистик гуруҳларга қўшилмайди.

2.Маънавий самарадорликни оширишнинг асосий воситаси - ижтимоий фанлар экан, уларнинг мазмунининг чуқурлашиб бориши кўп жиҳатдан ижтимоий фалсафа фани предметининг тикланишига боғлиқдир. Советлар даврида ўқитилган ижтимоий фалсафа – тарихий материализмнинг чекланганлиги бугунги кунга келиб исботланди. Бу эски ижтимоий фалсафа тарихни материалистик тушунишга асосланган эди. Бугунги кунда мустақил Ўзбекистонда тарих, жумладан, ҳуқуқни диалектик маданий тушунишга асосланган ижтимоий фалсафа ҳам шаклланмоқда. Жамиятнинг янги типдаги манзараси ва унинг умумижтимоий қонунларидан бир қисми – корреляцион – функционал ва субстанционал қонунлари яратилган. Ижтимоий фанларни

ушбу тушуниш билан қуроллантириш муҳим аҳамиятга эгадир. Кейинги вақтларда борлиқнинг умумий манзарасини берадиган таълимот – фалсафий онтология ва борлиқнинг умумий алоқадорликлари, жумладан, синергетик алоқадорликларини тушунтиб берадиган таълимот – диалектика соҳасидаги илмий тадқиқот ишлари камайиб кетди. Ҳолбуки, диалектик фикрлаш зиёлиликнинг атрибути ҳисобланади.

3. Олий ўқув юртларида 2021 йил сентябр ойидан бошлаб, “Диншунослик” фани ва “Диний экстремизмга қарши курашнинг маърифий асослари” ўқув курслари ҳам ўқитила бошланди. “Оммавий маданият” кучайиб бораётган бугунги шароитда бу фанларда диний, хусусан шаърий ахлоқ намуналарини кучайтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Зиёлилар ҳаром нима ёки ҳалол нималигини билмаса, халқимизга бу ҳақда ким тушунча беради?

4. Биз – Марказий Осиё халқлари бир жону-бир танмиз. Шунинг учун ҳам биз – Марказий Осиё халқларининг тарихини бир бутун ҳолида олий ўқув юртларида ўқитишга зарурият мавжуд. Бу халқларнинг генезиси-ю, мустамлакачиларга қарши курашган жасоратлари маънавий ишлар самарадорлигининг манбаи бўлиб хизмат қилади. Бунда Эрон ҳукмдорларининг Туронга қарши босқинчилик юришларида Тўмарис, Широқ каби аждодларимизнинг, юнон, мўғул, Чор Россиясининг босқинчиларига қарши курашган халқимизнинг жасоратлари тўлиқ ўз баёнини топиши керак. Жалолиддин Мангуберди ёки Амир Темур бўладими, саркарда ва мутафаккирларимизнинг ҳаёт фаолиятларини бадиий фильм қилиб ишлаганда тарихий ҳақиқатлардан чекинмаслик керак. Бадиий типиклаштириш тарихий ҳақиқатларга мос келиши лозим. Немис фашистларга қарши Москвани мудофаа қилган панфиловчилар Марказий Осиё ўғлонлари эди. Уларнинг жасоратларини халқимиз онгига сингдириш тарих фанларининг вазифаларидан ҳисобланади. Маълумки, тарихини билмаган халқнинг ватанпарварлиги сўниб, манқуртга айланади.

5. Иқтисод назарияси ҳам ижтимоий ва иқтисодий дунёқараш фани. Бу фан зиёлиларимизнинг хорижда ва мамлакатимизда юз бераётган иқтисодий муаммоларни тушуниб олишига имкон беради. Иқтисодий тараққиётнинг ҳам ўзига хос қонунлари бор. Зиёлиларимиз агар бу қонунларни ҳам билишмаса, бошқа кишиларимиз – оддий халқнинг фикрлашлари саёзлаб кетмайдими? Ҳолбуки, талаб ва таклиф қонунини бозор иқтисодиётининг асосий қонуни эканлигини ҳар бир оддий инсон билиши керак. Шунинг учун ҳам ноиқтисодий олий ўқув юртларида бу фанни ҳам тиклаш ва ўқитиш маънавий маърифий ишлар самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эгадир.

6. Собиқ Иттифоқ даврида “Билим” жамияти нашриёти томонидан барча фанлар бўйича оммабоп рисолалар чоп этилар эди. Олий таълим ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари вилоятларга бориб кўплаб чиқишлар қилар эдилар. Бугунги кунда маърифий ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида мамлакатимизда ушбу ишлар фаолиятидан фойдаланиш самара берадими ёки йўқми, буни ўйлаб кўриш ҳам керакдир.

Хуллас, биз айтмоқчи бўлган фикрлар маърифий ишлар самарадорлигини ошириш фан ютуқларисиз, хусусан ижтимоий фанлар иштирокисиз юз бермайди.

ЁШЛАРНИ ТАҲДИДЛАРДАН АСРАШДА МАЪНАВИЙ ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ

Ҳусниддин Аҳмедов,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Малака ошириш маркази директори,
сиёсий фанлар доктори, доцент

Янги Ўзбекистонда кейинги йилларда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, барча соҳаларда қўлга киритилган улкан ютуқ ва марралар, мамлакатимизнинг барқарор тараққиёт стратегияси тизимли равишда жадал суръатлар билан ривожланиб бораётгани, рўй бераётган ўзгаришлар аҳамиятини ёшларимиз қалби ва онгига сингдириш бугунги маънавий-маърифий ишларимизнинг асосий йўналишига, яъни энг муҳим вазифамизга айланди.

Бу эса аҳолининг турли қатламлари, айниқса, ёш авлод тафаккурида кейинги йиллар давомида эришилган натижаларни ҳис қилиб яшаш, амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик туйғусини шакллантириш борасида барчамизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди. Бугун дунё шиддат билан ўзгариб бораяпти. Дунёнинг айрим минтақаларида, ён-атрофимизда бўлаётган воқеалар, зиддият ва тўқнашувлар жамият тараққиётида ижтимоий-маънавий соғлом муҳит ҳал қилувчи аҳамиятга эгалигини кўрсатмоқда.

Тажриба шундан далолат берадики, у ёки бу давлат ёки миллатнинг хавфсизлиги, барқарорлиги ва тараққиёти, унинг келажаги бирор бир ҳудудга, қайсидир миллатга, бирор бир халқнинг асрлар давомида шаклланган, сайқалланиб келаётган миллий урф-одатлари ва қадриятларига хавф солаётган таҳдидни англаб этиш қобилияти кўп жиҳатдан миллат ёшларининг интелектуал салоҳиятига, уларнинг билим савиясига боғлиқдир. Ҳозирги ўта оғир, ўта мураккаб таҳликали замонда ёшлар онгини эгаллаш йўлида олиб борилаётган ғаразли мақсадлар, ахборот урушлари ва турли таҳдидларнинг кескин кўпайиб бораётгани, жамият барқарорлигини издан чиқаришга қаратилган бузғунчи ҳатти-ҳаракатлар аҳолимизнинг ёшу-қари барча фуқароларини, айниқса, ёшларимизнинг янада сиёсий ҳушёр ва огоҳ бўлишга чорлайди.

Айниқса, ёшларни турли ёт ва бузғунчи ғоялардан, ахборот ҳамда мафкуравий хуружлардан асраш бугунги куннинг долзарб масаласига айлангани ҳеч кимга сир эмас. Шундай экан, ёшлар ўртасида эзгулик ва бунёдкорлик ғояларини тарғиб этиш, ёшларимизни турли зарарли иллатлардан асраш ҳар қачонгидан ҳам муҳим эканлигини чуқур ҳис

қилишимиз зарур. Жамият ҳаётининг энг муҳим ва долзарб масалаларидан бири ёшларни турли таҳдидлардан асраш, бунинг учун маънавий тарбияга алоҳида эътибор бериш лозим. Маънавий тарбияни юксалтириш учун ҳар бир оилада фарзанд тарбиясига бўлган эътибор кучайтириш, ёшларни бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун ота-оналарнинг масъулиятини ошириш, оилада тарбия қилиш ҳуқуқини таъминлаш маҳалланинг ролини янада кучайтириш бугунги куннинг кечиктириб бўлмайдиган муҳим вазифасидир. Ёшларда маънавий-ахлоқий қадриятларни ва турли ёшдаги инсонларга ҳурматни шакллантириш, оила - таълим муассаси- маҳалла тизимини мамлакатимизда оммалаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш керак.

Ёшлар маънавиятини шакллантирадиган муҳим мезонлардан бири таълим ва тарбия тизими ҳисобланади. Буюк мутафаккир ва таниқли маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг: “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир” дея таъкидлаган чуқур маъноли сўзлари ёшларни турли ёт ғоялардан, турли таҳдидлардан асраш, уларнинг маънавий тарбияси борасида айтилган ушбу фикр нақадар айни ҳақиқат эканидан далолатдир. Илм ва маърифатга, таълим ва тарбияга миллат келажагининг пойдевори деб қараш лозим. Шундай экан, юртимизнинг эртанги куни, давлатимизнинг тараққиёти ва жамиятимиз ривожи ёшлар тарбиясига, ёшларнинг турли маънавий таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитет орқали зарур билим, малака ва кўникмаларини шакллантиришига бевосита боғлиқ. Жамият маънавий ҳаётининг барқарорлигини таъминлаш учун ёшларимиз ҳар қандай таҳдидларга ўзининг билими ва ватанга бўлган меҳр-муҳаббати, садоқати билан жавоб бериши лозим. Бу эса, бугунги кунда ёшлар орасида маънавий тарбияни юксалтириш, ёшларни миллий қадриятларимизга садиқлиқ руҳида тарбиялаш муҳим масалалардан бири эканлиги шубҳасиз.

Бугунги кунда фан, техника ва технологиянинг тараққий этиши ҳамда оммавийлашуви ёшларнинг кучли сиёсий ахлоқий босим остида яшашларига сабаб бўлаётганлигини алоҳида эътиборга олиш зарур. Хусусан, интернет, мобил алоқа востиларининг ривожланаётганлиги ва бу орқали ёшларнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ҳаракатларининг кучаяётганлиги кўплаб ёшларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан заифлашувига ўзининг сезиларли даражада таъсирини ўтказмоқда. Бугунги кунга келиб, интернет тармоқларининг катта қисмни маънавий-ахлоқий жиҳатдан ўта жирканч, ёвузлик ва разилликни тарғиб қилувчи саҳифалар ташкил этади. Бу каби маънавий таҳдидлар жамият ҳаётининг барча жабҳаларини издан чиқариш ҳисобланади. Шу билан бирга, бир ҳудудда яшаётган халқларни бир-бирига қарши қўйиш, турли миллат вакилларини бир-бирига қарама-қарши қўйиш, гуруҳ-гуруҳларга ажратиб ташлаш, бир сўз билан айтганда давлатда миллатлараро, динлараро турли зиддиятларни келтириб чиқариш, мамлакатнинг ижтимоий барқарорлигини издан чиқариши мумкин. Шу каби салбий иллатларни олдини олишнинг асосий омилларидан бири ёшларимизни турли таҳдидлардан асраш борасида уларга бу каби маънавий таҳдидлар,

бунинг салбий оқибатлари тўғрисида этарли ва зарур маълумотларни ўз вақтида бериб бориш лозим. Бу орқали турли зиддиятларнинг олди олинади, энг муҳими Ватанга бўлган дахлдорлик ҳисси ортиб боришига эришилади.

Шундай экан, ёшлар сиёсий маданиятни изчиллик билан такомиллаштириб боришга жамиятда эҳтиёж ошиб бормоқда. Шу ўринда ушбу жараён таълим тизимининг барча бўғинларида фаолият олиб бораётган педагоглар ва мураббийлар зиммасига катта масъулият юклайди, яъни ёшларимизнинг дунёдаги сиёсий жараёнлардан хабардор қилишиниши масаласига алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини замоннинг ўзи кўрсатиб туради.

Ҳозирги вақтда мафкуравий воситалар орқали ўз таъсир доирасини кенгайтиришга интилаётган сиёсий кучлар ва ҳаракатлар тобора кескинлашиб бормоқда. Муайян миллат, жамият, давлатнинг тинчлиги ва барқарорлигига қарши қаратилган, сиёсий ва конституцион тизимни заифлаштириш ва бузишга йўналтирилган, фуқаро ва жамият хавфсизлигига таҳдид солувчи мафкуравий тажовузлар кескинлашмоқда. Бундай тажовузга қўл ураётган ёвуз кучлар ўз жирканч мақсадларига эришиш учун ҳар қандай усуллардан, одамларнинг диний, миллий ҳиссиётлари, ҳаётда мавжуд бўлган ижтимоий-иқтисодий қийинчиликларидан, шунингдек, замонавий техника, телекоммуникасия воситаларидан усталик билан фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар.

Бугунги кунда уларнинг ёшларнинг қалби ва онгини ўзларига маъқул бўлган ғоя билан эгаллашлари, яъни бузғунчи ғоялар, экстремизм, ахлоқсизлик ғояларини сингдириш каби ғаразли мақсадлари халққа аён бўлиб бормоқда. Ҳозирги кунда барча халқлар жадал суръатлар билан ўсиб келаётган янги ахборот-технологиялар асрида яшаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бундан кўриниб турибдику, айни вақтда дунёда кечаётган глобаллашув жараёни ҳозирги кечаю-кундузда мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуролига айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар манфаатларига ҳам хизмат қилаётганини инкор этиб бўлмайди. Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, ундан кўзланган мақсадлар ва уларни амалга ошириш жараёнлари тўғрисида қарашлар ва тасаввурларга эга бўлиши керак.

Бунинг учун ёш авлод вакилларига мустақиллик йилларидаги маънавий тараққиётни таъминлаётган омиллар ва бу соҳадаги ривожланишнинг асосий босқичларида эришилган натижаларни илмий ўрганишда мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган туб ўзгаришлар ва демократик ислоҳотлар муваффақиятини таъминлаш соҳасидаги энг устувор йўналишлардан бирига айланиши билан боғлиқ масалалар таҳлилини доимий равишда кенг жамоатчиликка, айниқса ёшларга, барча таълим муассасаларига етказиш яхши самара беради. Ана шу нуқтаи назардан олганда, бугунги Янги Ўзбекистон мисолида маънавиятни ривожлантиришга қаратилган ўзгариш ва ислоҳотларни амалга ошириш натижаларига таъсир қиладиган ижтимоий, иқтисодий ва маърифий омиллар ниҳоятда муҳим аҳамият касб этмоқда. Жамият ҳаётининг

маънавий соҳасидаги янгиланишлар, унинг амалиёти жараёнида тармоқлараро механизмини такомиллаштириш ҳам маънавият борасидаги ишларнинг янги тизимини самарали ташкил этишга ёрдам беради, деб ҳисоблаймиз.

ҒОЯВИЙ ТАҲДИДЛАР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Султонов Фозил Хожиевич,
академик, 1-даражали меҳнат
фахрийси,
Султанова Эътибор Сидиковна-
сиёсий фанлар доктори,
профессор, Жаҳон иқтисодиёти
ва дипломатия университети

Фарзандларимизнинг қалби ва онгини ёвуз хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш энг долзарб вазифа... Агар биз таълим-тарбия, маданият ва маънавият соҳасидаги ишларимизни аниқ тизим асосида ташкил этиб, уларнинг самарадорлигини оширмасак, эртанги кунимизни қуролмаймиз, ўз мақсадларимизга етолмаймиз... Биз ёшларимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш учун бор куч ва имкониятларни сафарбар этишимиз зарур

Ш.Мирзиёев

Маълумки, ғоялар бир неча турларга бўлинади. Улар тафаккур маҳсули сифатида, вокеликни, ҳаётни, унинг қонуниятларини ўрганиш, кашф этиш, ўзлаштириш, билиш ва англаш жараёнида вужудга келади. Ижтимоий онгнинг барча шакллари илм-фан, дин, фалсафа, санъат, бадиий адабиёт ва аҳлоқ, сиёсат ва ҳуқуқ қуйидаги муайян бир ғоя турларини яратади: илмий, фалсафий, диний, бадиий, ижтимоий-сиёсий, миллий, умуминсоний.

Демак, ғоя - ижтимоий фикр сифатида шаклланади ва муайян мафкуранинг асоси бўлади. Ғояларни мазмуни ва намоён бўлиш шаклига қараб бир неча турларга ажратдик. Энди қуйидаги ғояларнинг мазмуни ва моҳиятини қисман ёритамиз:

Илмий ғоялар фан тараққиётининг самараси, илмий кашфиётларнинг натижаси сифатида пайдо бўладиган, турли фан соҳаларининг асосий тамойиллари, устувор қоидаларини (постулатларини) ташкил қиладиган илмий фикрлардир. Ғояларнинг "ҳаёти", уларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши, бошқа ғоялар билан ўзаро муносабати, кураши ва ниҳоят, эскирган ғояларнинг янгилари билан алмашиниши, айниқса, илмий ғоялар мисолида яққол намоён бўлади. Қадимги юнон файласуфлари табиий жисмларнинг энг кичик, билинмайдиган зарраси, деб "атом" тушунчасини киритган эдилар. Птоломей ва Аристотелдан тортиб, ўрта аср Улуғбек астро-

номиясигача «дунёнинг маркази – Ер», деб ҳисоблаб келганлар. Эвклид геометрияси, Нютон механикаси, Дарвин таълимоти ҳам ўз даврининг энг илғор илмий ғояларига асосланган эди.

Фалсафий ғоялар ҳар бир фалсафий таълимотнинг асосини ташкил этадиган, олам ва одам тўғрисидаги энг умумий тушунча ва қарашлардир. Улар бизни ўраб турган оламни билиш жараёнида, кишилик жамиятининг тараққиёти мобайнида тўпланган билимларни умумлаштириш, инсон ҳаётининг маъно-мазмуни, унинг бахт-саодати каби масалалар устида мулоҳаза юритиш асосида шаклланади. Форобийнинг фозил шаҳар тўғрисидаги, тасаввуф даҳоларининг комил инсон ҳақидаги, Ибн Синонинг тана ва руҳ муносабатига оид, Алишер Навоийнинг адолат ва инсонийлик борасидаги теран фикрлари фалсафий ғояларнинг ёрқин намунасидир.

Диний ғоялар деб, хар бир диний таълимот ва оқимнинг асосини, диний иймон-эътиқоднинг негизини ташкил этувчи ақидаларга айтилади. Ибтидоий динлар хар бир нарсанинг жонли экани, жоннинг абадийлиги, бут ва санамларнинг, табиий жисм ва ҳодисаларнинг илоҳий қувватга эгалиги тўғрисидаги қарашларга асосланган эди. Масалан, хиндларнинг диний тасаввурларига кўра, жон кўчиб юради, бу ҳаётда бу инсонда бўлса, кейинги ҳаётда бошка жонзотга ўтиши мумкин.

Бадиий ғоялар адабиёт ва санъат асарларининг асосий маъно-мазмунини ташкил этадиган, ундан кўзланган мақсадга хизмат қиладиган етакчи фикрлардир. Бадиий таъсир воситаси жуда катта кучга эга. Инсон ва жамият онгини ўзгартиришда, одамларни ҳаракат ва жунбушга келтиришда бадиий адабиёт ва санъатнинг аҳамияти беқиёсдир. Миллий истиқлолни тарғиб этиш, халқнинг онги ва қалбига сингдиришда ҳам булар муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Ижтимоий-сиёсий ғоялар ҳар бир халқнинг ва умуман, башариятнинг орзу-умидларини, мақсад-муддаоларини ифодалайдиган эркин ҳаёт ва адолатли тузумни тараннум этади. Асрлар мобайнида бундай буюк, ўлмас ғоялар халқларга куч-қувват ва илҳом бағишлаб, уларни ўз эрки учун курашга сафарбар этиб келган.

Озодлик ғояси мазлумларни ўз эрки учун курашга чорлайдиган, қарамликнинг хар қандай кўринишларини инкор этадиган ғоядир.

Мустақиллик ғояси энг улуғ ва эзгу ғоядир. Ҳар бир халқ истиқлол туфайли ўзига ёт ва бегона тузумдан, ижтимоий тазйиқлардан халос бўлади, ўз салоҳиятини тўла-тўкис ишга солиш, ўзи истаган ва ўзи танлаган йўлдан бориш имкониятини қўлга киритади.

Мафкура муайян ижтимоий гуруҳнинг, миллат ёки давлатнинг эхтиёжларини, мақсад ва интилишларини, ижтимоий-маънавий тамойилларини ифода этадиган ғоялар, уларни амалга ошириш усул ва воситалари тизимидир. Одамлар орасига нифоқ, халқлар ўртасига низо соладиган, кишиларни турли тарафларга ажратиб, адоват қўзғайдиган тубан фикрлар бузғунчи ғояларга мисол бўлади. Аслида бундай қабих ният ва сохта шиорларни ғоя деб аташ ҳам шартлидир. Қайси ижтимоий бирлик ёки қатлам орасида тарқалгани,

қандай аҳоли гуруҳлари ёки элат-миллатларнинг орасида шаклланганига қараб ҳам ғояларни турларга ажратиш мумкин. Масалан, синфий ғоя, миллий ғоя ва ҳ.к.

Демак, ҳар бир жамият халқни муайян мақсадлар, манфаатлар йўлида уюштирувчи, сафарбар этувчи ғоялар ва таълимотларга эхтиёж сезади. Бу-қонуният. Одамларни, ижтимоий гуруҳларни, халклар, элатлар ва миллатлар-нинг бошини-бошига қовуштириб, бирлаштириб турадиган мафкуравий таъсир бўлмаса, парокандалик бошланади, жамиятда тараққиёт бўлмаса, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий инқироз юзага келади.

Бутун инсоният жамияти сингари Ўзбекистоннинг ҳозирги даври, бундан кейинги тараққиёти ва истиболи учун ҳам мафкура сув билан ҳаводек зарур. Миллий тикланишдан юксалиш йўлидан буюк келажак сари тўхтовсиз равишда одимлаётган Ўзбекистон ҳалқини тараққиётнинг илгари босиб ўтилмаган осойишта йўлидан бошлаб бориш, унинг қарашлари ва орзу-мақсадларини бир йўналишга буриш, жамият аъзоларини, ижтимоий гуруҳлар, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, миллатлар ва элатлар, оммавий ҳаракатларга жадал тус бериш учун талай ишларни амалга оширишимиз лозим. Диний уюшмалар, ёшлар, хотин-қизлар, тадбиркорларнинг ҳатти-ҳаракатлари ва фаолиятини бирлаштириш учун мафкурага талаб, эҳтиёж жуда долзарб. Миллий ғоя мафкураси Ўзбекистон халқини сафарбар килади. Ана шундай куч-кудрат ва имкониятга эга бўлган миллий ғоя мафкурасисиз Ўзбекистон ўз олдига асосий мақсад килиб қўйган вазифаларни бажара олмайди.

Бугунги кунда аксарият ривожланган давлатларнинг мафкураси умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойилларга асосланади. Уларда тинчлик ва тараққиёт, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинлиги, миллий ва диний тотувлик ғоялари устувордир. Бу тамойилларга асосланган эзгу ғоялар умуминсоний манфаатлар, башариятнинг асрий орзуси бўлган ёруғ келажак учун хизмат килади. Лекин, минг афсуски, ҳозирги вактда дунёнинг мафкуравий манзарасида турли воситалар оркали таъсир доирасини кенгайтиришга интилаётган тажовузкор миллатчилик, шовинизм, неофашизм, ирқчилик, диний экстремизм каби сиёсий кучлар ва оқимлар хам бор. Бундай ғайриинсоний бузғунчи ғоялар халклар бошига сўнгсиз кулфатлар келтириб, инсониятнинг тинчлиги, осойишталигини бузиб, одамлар бошига турли балолар ёғдирмокда.

Бугун дунёнинг мафкуравий манзарасини ўз мақсадлари йўлида ўзгартирмокчи бўлаётган мафкура вакиллари барқарорлик ва тараққиётга тахдид солмокда. Қайси ижтимоий бирлик èки қатлам орасида тарқалгани, қандай аҳоли гуруҳлари èки элат-миллатларнинг орасида шаклланганига қараб, ғоявий таҳдидларни ҳам турларга ажратиш мумкин:

1. Медиа-зўравонлик.
2. Даҳшатга солувчи ахборотлар.
3. Миллий ва ирқий қарама-қаршиликларни тарғибот қилувчи ахборотлар.
4. Жиноят содир этиш усулларини тарғибот қилувчи ахборотлар.

5. Ижтимоий хавф (алкогол, сигарет, наркотик) ларни тарғибот қилувчи.

6. Очиқ сексуал ахборотлар.

7.Терроризм, экстремизм ва бузғунчиликни тарғибот қилувчи ахборотлар.

Бугунги кунда инсон онги ва қалби учун кураш кескин тус олаётган экан, хилма-хил карашларнинг мафкура майдонида хукмронлик килишга интилиши табиий, албатта. Бунга эътиқод умумийлигига асосланган холда якка мафкура хукмронлигини таъминлаш оркали жахон майдонларини мафкуравий жихатдан ўзига қарам килишга бўлаётган хатти-харакатларни мисол келтириш мумкин. Диний ақидапарастлик шулар жумласидандир. Масалан, ислом динидаги ҳозирги ақидапарастлар ижтимоий, миллий хусусияти, қайси давлатга мансублигидан қатъий назар, барча мусулмон-ларнинг маънавий бирлиги ҳақидаги тасаввурларга таяниб, уларниг ягона халифалик остида сиёсий бирлашуви ғоясини асослашга ҳаракат килади. У диний-маънавий заминдаги уйғунлик мамлакатларнинг иқтисодий, маданий-маърифий, илмий-техник соҳалардаги хамкорлигига, бирлашишига ва ҳалклар тараккиётига йўл очса, бунинг нимаси ёмон? - деган саволни ўртага ташлайди. Юзаки караганда тўғрига ўхшайди. Бундай мафкура тарафдорлари ўз қарашларини аксарият холларда ана шундай “беозор” шаклда тақдим этишга харакат қиладилар. Аммо, жиддий эътибор бериладиган бўлса:

- биринчидан, улар миллий суверенитетдан воз кечиш ёки уни бой бериш ҳисобига ягона давлат тузишни кўзлаётганлари маълум бўлади;
- иккинчидан, халифаликни тиклашга, унинг тўғри эканини асослашга уринувчилар, бу хол айнан миллат сифатида ўзлигимизни англашга йўл қўймаслигини яширадилар. Бу ғояни тикиштиришда бизнинг ислом динига эътиқод килишимизга алоҳида урғу берадилар;
- учинчидан, бу оқим тарафдорлари халифалик байроғи остида бирлашишни ноисломий дунёга қарши туриш мақсади билан боғлашларини ҳам таъкидлаш зарур. Бундай ёндашув ўта хавфли эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Ислом дин, сиёсат эмас. Айни пайтда ақидапарастлар исломни сиёсийлаштиришга уринмоқда:

- биринчидан, улар диндор мусулмонларнинг ислоҳотчи давлатга бўлган ишончини йўқотишга, демократик давлатни обрўсизлантиришга уринмоқда.
- иккинчидан, оммабоп, жозибали, бир кўринишда “беозор” даъволар билан ёшларни чалғитади. Масалан, “мусулмон ҳалқи, яъни хамма мусулмонларни бир муштга бирлаштиришнинг нимаси ёмон”, дейишади;
- учинчидан, улар аҳоли ўртасида “ҳақиқий” ва “сохта” диндорлик белгилари бўйича қарама-қаршилик чиқариш орқали миллатларни ажратишга уринадилар;
- тўртинчидан, омма онгида “дин барча муаммолар хамда зиддиятларни ҳал қилиш воситаси”, деган сохта тасаввурни қарор топтиришга уринадилар;
- бешинчидан, ислом цивилизациялари билан бошка цивилизациялар ўртасида янги қарама-қаршиликлар келтириб чикаришга уринадилар;

- олтинчидан, бизни гоҳ динсиз даҳрий деб, гоҳ давлатларни исломлаштиришнинг яширин тарафдорлари қилиб кўрсатиб, мусулмон ва номусулмон халқлар орасида Ўзбекистоннинг обрўсини тўкишга харакат қиладилар;

- еттинчидан, улар ўзларини “чин”, “соф” мусулмон деб, дин учун курашувчи деб, ўз тарафдорларини кўпайтиришга уринадилар.

Акидапарастларга карши турадиган куч бу илм-маърифатдир. Хоҳ у дунёвий, хоҳ у диний бўлсин, ҳақиқий илм кучи билангина бу офатга қарши туришимиз мумкин.

Мустакил ўзбек давлати халқимизнинг тарихий ютуғидир. Ўз давлати билан фахрланиш ва фуқароларнинг ватанпарварлиги жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг илғор марраларга чиқиб олишида ёрдам берган. Мамлакатимиз тупроғида яшаб турган ва ўзини “ватанпарвар” деб ҳисоблаган ҳар бир киши унинг яхлитлиги ва бирлигини асраб-авайлаши шарт.

МИЛЛАТЛАРАРО ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ АЛОҚАЛАРДА ЁШЛАР ФАОЛЛИГИ МАСАЛАЛАРИ

Давлатова Саодат Тиловбердиевна,
ЎзМУ таркибидаги “Амалий этнология” лабораторияси раҳбари,
тарих фанлари доктори

Маълумки, ҳар қандай мамлакатнинг келажаги ёш авлоднинг комил тарбияси ва изчил тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ. Айнан шунинг учун ҳам, ёшлар сиёсати давлат тараққиётининг давомийлигини таъминлашга қаратилган барча стратегияларда намоён бўлади. Қолаверса, “Ўзбекистон – Ёшлар мамлакати” шиори остида бугун мамлакатимизда давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири сифатидаги ўзгаришлар замирида ёшлар масаласи долзарб аҳамият касб этади. Шу боис ҳам том маънода ёшлар масаласи давлат сиёсатини изчил амалга оширишда асосий ўрин тутади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда давлат ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилувчи куч сифатида шаклланган ёшлар учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятлари мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган бўлиб, бу тизим замон талабларига ҳамоҳанг равишда такомиллаштирилмоқда. Республика жами аҳолисининг **60 фоиздан ортиғини** ёшлар ташкил этади. Шунинг учун, Ўзбекистонда ёшларнинг ҳаётий мақсадларини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган барча шароитлар яратилиб, уларнинг муаммолари давлат сиёсати даражасида ҳал этилмоқда. Хусусан, кейинги беш йилда ёшлар сиёсати самарадорлигига оид жами **77 тадан ортиқ қонун ва қонуности ҳужжатлари** ва 30 дан ортиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ратификация қилинган. Ҳеч шубҳа йўққи, ушбу меъёрий ҳужжатлар заминимизда тинчлик ва

осойишталикнинг мустаҳкам кафолати, халқимиз бунёдкорлик салоҳияти ва унинг эртанги кунга бўлган ишончини оширишнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Айниқса, 2016 йил 14 сентябрда **“**Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни[1], Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва “Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори бу борадаги ислоҳатларнинг жадал ривожланишида алоҳида ўрин тутади.

Ўзбекистонда вояга этаётган ҳар бир ёшни маънавий баркамол, иродаси бақувват, имон-эътиқоди бутун, миллий ғояни онги ва қалбига сингдирган, кучли мафкуравий иммунитетга эга шахс сифатида тарбиялашда, ҳаётга, меҳнатга, мулкка муносабатини тубдан ўзгартиришда, ўз фуқаролик бурчини чуқур англаб, Ватанга муҳаббат ва садоқат, дахлдорлик туйғуси билан яшашида, ўз тақдирини Ватани тақдири билан муштарак деб ҳис қилиб, уларда фуқаролик масъулиятининг шаклланишида миллатлараро ва динлараро бағрикенглик ҳамда дунёвий-диний қадриятларнинг тутган ўрни ҳамда аҳамияти беқиёсдир. Айниқса, ёшларда фуқаролик масъулиятини шакллантириш ва ривожлантириш, уларда миллатлараро ва динлараро бағрикенглик туйғуларини мустаҳкамлаш асосий вазифалардан ҳисобланади.

Охирги йилларда ўсиб келаётган авлодга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланиб, Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаши Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ташкил этилди. Бу иттифоқнинг асосий мақсади ёшларнинг барча ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва амалга оширишга қаратилди. Ўз навбатида, Президент таклифига кўра, “Ўзбекистон Республикасида ёшлар кунини белгилаш тўғрисида”ги Қонун билан **30 июн “Ёшлар куни”** деб ҳам эълон қилинди[4].

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан мамлакатимизда миллатлараро ва фуқароларо ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш миллатлараро ижтимоий-маданий муносабатлар ривожида янги босқич бошланганлигидан далолат беради. Қолаверса, сўнгги йилларда бу соҳадаги ривожланиш босқичлари Ўзбекистонда ёш авлод тарбияси дунёвий ва диний қадриятлар уйғунлиги асосида олиб борилмоқда. Дунёвий қадриятлар ижтимоий-руҳий ҳодиса бўлиб, у миллатнинг маданияти, тарихи, тили, дини, урф-одати, анъаналари, жамиятнинг моддий ва маънавий бойликлари, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча томонларини қамраб олса, диний қадриятларнинг диққат марказида эса инсон ва инсонийлик масалалари туради.

Алоҳида таъкидлаш жоиз, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **Ҳаракатлар стратегиясида** ҳам ёшлар масаласи устувор ўрин эгаллаган бўлса, Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясидаги мақсадларда ҳам ёшлар билан ишлаш, уларнинг

қоунний манфаатларини ҳимоя қилиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, сиёсий, ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, сиёсий жараёнларга фаол жалб қилиш, ёшлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига алоҳида урғу берилгани қайд этилди[2]. Бугун юртимизда давлатимиз томонидан ёшларнинг ҳар томонлама баркамол ва этук, Ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўша оладиган инсонлар бўлиб етишишлари учун барча шароитлар яратилиб, катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Зеро, ёшлар – ҳар қандай жамиятнинг эртасидир. Айтиш жоизки, Тараққиёт стратегияси Давлат Дастурида «инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун» умумий тамойилини бирлаштирувчи 7 та устувор йўналиш белгиланган. Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш, миллий иқтисодиётни ривожлантириш, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида таъминлаш, адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш устувор йўналишлари шулар сирасига киради. Шунингдек, мулоқотлар давомида ёшларни, илмий, маърифий ва маданий фаолият билан шуғулланишга фаол жалб қилиш, илмий тадқиқотлар йўналишида изланишлар олиб бораётган ёш олимларимизни қўллаб-қувватлаш истиқболлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси, 2019-2023 йилларга мўлжалланган Жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепцияси, 2020-2025 йилларга мўлжалланган Китобхонликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастури доирасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар эса, ёшлар муаммолари ва уларни қийнаётган муаммоларни бевосита давлат даражасида кўриб чиқиш ва ҳал этиш имконини таъминламоқда.

Хусусан, сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратишдан иборат,[3] деб таъкидлаган эди давлатимиз раҳбари. Ўз ўрнида таъкидлаш керакки, БМТ минбарида давлат раҳбарининг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги БМТ конвенциясини қабул қилиш таклифи илгари сурилиши ҳам халқаро ҳамжамият томонидан илиқ қарши олинди. Дунё миқёсида халқаро терроризм ва экстремизм шиддат билан ўсиб бораётган бир пайтда ёшларга ҳимоя зарурлигини муҳим омиллар сифатида асослаб берилганлиги юртимиз ёшларида фуқаролик масъулиятини шакллантириш ва ривожлантириш, уларда миллатлараро ва динлараро бағрикенглик туйғуларини мустаҳкамлашга қатилган ҳаракатларнинг ривожланганлигидан далолатдир.

Мамлакатнинг тараққий этиши барқарорлик, миллатлар ўртасида ижтимоий-маданий алоқаларни ривожлантириш, миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик муҳитининг сақланишига боғлиқ. Шундай экан, бу юртда азалдан ёнма-ён яшаб келаётган, ўзининг миллий, маданий ва диний анъаналарига эга халқлар жумладан, ёшларнинг хилма-хиллигини муштарак ҳолда сақлаш, бағрикенглик асосида қарор топган миллатлараро тотувлик ва

динлараро ҳамжиҳатлик муносабатларини бундан кейин ҳам асраб-авайлаш, турли миллат ва элатларнинг уйғун равишда ривожланиши учун давлат ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда ҳаракат қилиш керак. Миллатлараро ва динлараро ҳамжиҳатлик, жамиятда “Биродарлик – урф-одат, дўстлик – қонун!” деган эзгу ғоянинг турли миллат ёшлари орасида ҳам қарор топишига кўмаклашишни изчиллик билан амалга ошириш лозим. Диний ва сиёсий бағрикенгликни таъминлашда фуқароларимизда ягона Ватан туйғусини шакллантиришда, юрт истиқболига дахлдорлик ҳиссини камол топтиришда халқимизнинг бағрикенглик хислати, доимий меҳнат фаолияти, жамиятда ўрнатилган табиий мезонлар, ҳаётга бўлган муносабат, муайян вақт тушунчаси, шахсий дунёқараш ва тақлидий муносабатлар тизими асосий омил бўлиб хизмат қилишини [5] чуқур англашимиз учун миллатлараро тотувлик ва маданий муносабатларни мустаҳкамламоғимиз лозим.

Мухтасар айтганда, бугун Янги Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати аниқ мақсадларни кўзлаган ҳолда, босқичма-босқич, комплекс чора-тадбирларга таяниб изчил давом эттирилмоқда. Айни дамда ёшларнинг ҳар томонлама кучли, салоҳиятли, илм-маърифатли, ватанпарвар шахслар сифатида униб-ўсишлари йўлида қатор тузилмалар самарали фаолият юритиб келмоқда. Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар масалалари бўйича комиссия, Қуйи ва Юқори палата қошидаги “Ёшлар парламентлари”, Ёшлар ишлари агентлиги, Ёшлар иттифоқи, Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти, Инновацион ривожланиш вазирлиги қошидаги Ёшлар академияси ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ана шундай мислсиз имконият ва шарт-шароитлардан бугунги ёшлар ўз орзу-умидлари, интилишлари ва мақсадларини рўёбга чиқариш йўлида ҳеч иккиланмай фойдаланишаётгани, ғайрат-шижоатли, фидойи ва ташаббускор йигит-қизлар сафи тобора кенгайиб бораётганлиги қувонарлидир.

Хулоса қилиб айтганда, бугун Ўзбекистонда миллатлараро ижтимоий-маданий алоқаларни ривожлантиришда ёшлар фаоллигини ошириш, шунингдек, ёшлар билан ишлашнинг инновацион ижтимоий-маънавий тизими ва механизмларини ишлаб чиқилмоқда. Бу борада ёшларининг ижтимоий-маънавий соҳадаги қизиқишлари ва муаммолари ўрганиш ҳамда уларнинг эчими бўйича таклифлар бериш лозим. “Ўзбекистон умумий уйимиз”, “Мен Ўзбекистон фарзандиман” каби ғоялар асосида уларнинг ижтимоий фаоллиги, касб танлаш, ахборот олиш ва алмашиш, маънавий қадриятлар ҳамда фуқаролик позисиясини ошириш учун ёшлар билан маънавий-маърифий тадбирларни ўтказиш, амалиётга жорий этишда ижтимоий онг устуворлигини белгилаш асосий вазифаларимиз бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бегматов А.С. Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг долзарб масалалари //Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга

ZJV5401

ошириш стратегияси: мавжуд вазият ва ривожлантириш истиқболлари” //Халқаро конференция материаллари. –Тошкент, 2019. Б.52-58.Б.6-7.
2. “Тараққиёт стратегияси” маркази веб саҳифаси. 20.03.2022 йил
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқидан олинди.
4. “Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш стратегияси: мавжуд вазият ва ривожлантириш истиқболлари” // Халқаро конференция материаллари. – Тошкент, 2019. Б.6-7.
5. Шютс А. Структура повседневного мышления. // Социологические исследования. 1988. № 2. С. 129–137.

МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТ ВА МАФКУРАВИЙ ПРОФИЛАКТИКА. ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ҒОЯВИЙ АСОСЛАРИ.

Султанова Эътибор Сидиковна,
сиёсий фанлар доктори, профессор
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети,
Султонов Фозил Хожиевич, академик, 1-даражали меҳнат фахрийси

Миллий ғоя мафкураси қачонки миллий тафаккур ва миллий онг асосида дунёга келса, у омма эҳтиёжини қондиради, қалбига кириб боради. Ана шу нуқтаи назардан ўтмиши инсоният тарихи билан тенгдош бўлган халқимиз маънавий-рухий ва диний эҳтиёжларини ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

Айни мафкуравий иммунитет жамият ҳаётининг энг нозик жихатларидан, фукароларнинг ҳис-туйғуларидан, мақсад ва интилиш-ларидан, маънавий-маърифий ва рухий-аҳлокий даражасидан келиб чиқади. Агар мафкура инсонлик шаъни билан боғлик ҳиссиётдан келиб чиқсагина инсонни бошқаради, йўлга солади.

Турли ғоявий хуружлар авж олиб, улар бизнинг энг муқаддас ғояларимиз ва мақсадларимизга тахдид солаётган бир пайтда фожиалар содир бўлмасидан илгарироқ унинг олдини олишнинг энг тўғри ва ягона йўли ҳам бегона ва сохта ғояларга қарши ғоявий иммунитетни кучайтиришдан иборатдир

Хўш, мафкуравий иммунитет тизими ўз ичига нималарни олади? Мафкуравий иммунитет тизимининг асосий ва биринчи унсури, бу билимдир. Бу билимлар объектив бўлиши, воқеликни тўғри ва тўкис акс эттириши, инсон маънавиятининг бойишига ва жамият тараққиётига хизмат қилиши лозим. Иккинчи томондан, бу билимлар ўз мохият-эътиборига кўра, Ватан ва халқ

манфаатлари, умуминсоний қадриятлар устуворлиги билан узвий боғлиқ бўлмоғи керак.

Мафкуравий иммунитет тизимини шакллантиришда мафкуравий профилактиканинг ўрни катта. Профилактика ўз моҳиятига кўра, ёт ғояларнинг кириб келишининг олдини олиш ва уларни йўқотишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ўз ичига олади.

Демак, мафкуравий профилактика хилма-хил шаклларда ижтимоий институтлар томонидан амалга ошириладиган ғоявий-тарбиявий, сиёсий, иқтисодий, маънавий-диний ишлар мажмуини, бир сўз билан айтганда, бу соҳада тўғри ташкил этилган таълим-тарбия тизимини қамраб олади.

Хўш, жамият барқарорлигини таъминлашнинг ижтимоий ғоявий асослари нималардан иборат?! Бу **сиёсий соҳада** қуйидагиларни билдиради:

- халқнинг турмуш тажрибасига, республика аҳолисининг миллий ва маданий, диний анъаналарига, барча ижтимоий гуруҳлари ва қатламларининг манфаатларига мос келадиган ҳақиқий демократия принципларини қарор топтириш. Ҳалқ хам бевосита, ҳам ўз вакиллари орқали давлат хокимиятини амалга оширишда иштирок этиш имкониятига эга бўлиши лозимлигини;
- қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини ажратиш асосида миллий давлатчиликни барпо этиш. Жамиятнинг сиёсий тизимини, давлат идораларининг тузилмасини тубдан яхшилаш, республика ҳокимияти билан маҳаллий ҳокимиятнинг ваколатлари ва вазифаларини аниқ белгилаб қўйиш, адолатли ва инсонпарвар қонунчиликни вужудга келтириш лозим бўлади. Кучли ижроия ҳокимияти бўлмаса, хатто энг демократик йўл билан қабул қилинган қарорлар ҳам бажарилмаслиги мумкин. Бу эса қонуний қарорларнинг рўёбга чиқарилишини, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар турмушга татбиқ этилишини таъминлайдиган президентлик ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришни тақозо этади;
- барча фуқароларнинг қонун олдида хуқуқий тенглигини ва қонушшнг устунлигини, жамият манфаатлари ҳимоя қилиниши ва аҳолининг хавфсизлигини кафолатлайдиган ҳуқуқий давлатни барпо этиш. Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот тантана қилмаса, шахснинг хуқуқлари ва эркинликлари, қаттиқ интизом, ички уюшқоқлик ва масъулият устувор бўлмаса, қонунлар ва анъаналар ҳурмат қилинмаса, хуқуқий давлатни тасаввур этиб бўлмайди;
- “Ўзбекистонда туғилган, унинг заминида яшаётган ва меҳнат қилаётган хар бир киши, миллий мансублигидан ва эътиқодидан қатъи назар, Республикамизнинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлишга муносибдир”, деган инсонпарварлик ва ватанпарварлик қоидасини рўёбга чиқариш. Авлод-аждодлари ёки ўзлари ўтмишдаги фожиали воқеалар сабабли хорижга кетиб қолишга мажбур бўлган ўзбеклар хам бемалол Республиканинг фуқароси бўлишлари керак. Ўзбекистон ҳудуди ўзбекларнинг миллий давлатчилиги бўлган бирдан-бир ҳудуд эканлигини эътиборга олиб, Республика ўзбеклар қаерда яшамасин, уларнинг ҳаммаси учун маданий ва маънавий марказ бўлиб қолиши лозим;

- озчиликдан иборат миллатларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг маданияти, тили, миллий урф-одатлари ва анъаналари сақланиши ҳамда ривожланишини кафолатли таъминлаш, давлат тузилмаларининг фаолиятида ва жамоат турмушида фаол қатнашиш;

- бир мафкуранинг, бир дунёқарашнинг якка ҳокимлигидан қатъиян воз кечиш, сиёсий ташкилотлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллигини тан олиш. Бironта хам мафкура мутлақ ҳақиқатни билишга даъво қилиши мумкин эмас. Маънавийлик ва инсонпарварлик, республика худудида яшаётган барча халқларнинг анъаналари ва урф-одатларини, дини, тили ва маданиятини ҳурмат қилиш қоидаларига устуворлик берилиши;

- чинакам демократиянинг зарур ва қонуний таркиби сифатида кўппартиявийликни амалда шакллантириш. Айни вақтда, ҳокимиятни зўравонлик билан ўзгартиришни максад қилиб қўйган, республиканинг давлат мустақиллигига, ҳудудий яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши чиқадиган, миллий ва диний адоватни авж олдирадиган, конститусиявий тузумга, халқнинг демократик эркинликлари ва маънавий негизларига тажовуз қиладиган партиялар ва жамоат ҳаракатлари қонундан ташқари бўлиши кераклиги.

Ижтимоий ва маънавий соҳада:

- инсонпарварлик ғояларига содиқлик. Бу ғояларнинг олий мақсади инсон, унинг ҳаёти ва шахсий дахлсизлиги, эркинлиги, шон-шарафи ва қадр-қиммати, яшаш жойини танлаш ҳуқуқи. Ўзбекистоннинг кундалик ҳаётида инсон хуқуқларининг Умумий декларациясида мустаҳкамланган меъёрларни изчиллик билан, оғишмай қарор топтириш;

- маънавият ва аҳлоқийликни кайта тиклаш. Халқларнинг маданий меросига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш, ўзбек ҳалқи яратган ва миллий бойлик бўлган санъат асарларини излаб топиш ва Ўзбекистонга қайтариш;

- қадимги ва замонавий маданий бойликларни, адабиёт ва санъатни билиш хамда кўпайтириш. Халқнинг миллий маданияти ва ўзига хослигини ифода этувчи восита бўлмиш ўзбек тилини ривожлантириш, бу тилнинг давлат мақомини изчил ва тўлиқ рўёбга чиқариш, Республика ҳудудида яшовчи халқларнинг миллий маданиятлари ва тилларига ўзаро ҳурмат билан муносабатда бўлиш;

- ҳурфикрлилик, виждон ва дин эркинлиги қоидаларини қарор топтириш. Бир дунёқарашнинг яккаҳокимлиги янгиланган жамиятга ётдир. Ҳар бир инсон ўз эътиқодига эга бўлиш, ўзининг диний маросимларини эркин бажо келтириш ҳуқуқига эга. Бугунги кунда дин барча иллатлардан, ёлгон ва риёкорликдан покланишга, юксак аҳлокий негизлар ва маънавий фазилатларни қайта тиклашга кўмаклашмокда. Ислом ота-боболаримизнинг дини, мусулмонларнинг онги, туриш турмушининг моҳияти, ҳаётининг ўзидир. Давлат ҳар бир мусулмон учун муқаддас бўлган Маккага хаж қилишда зарур ёрдам беради;

- ижтимоий адолат қоидаларини рўёбга чиқариш, аҳолининг энг ночор қатламлари: кексалар, ногиронлар, етим-есирлар, кўп болали оилалар, ўқувчи-ёшларнинг давлат томонидан ижтимоий муҳофазага бўлган кафолатли ҳуқуқларини таъминлаш. Энг тараққий этган мамлакатларда инсонни ижтимоий муҳофаза қилиш тизими кенг қўлланилади, бунга ниҳоятда муҳим аҳамият берилади, бизнинг шароитимизда эса бу фуқаролар тотувлигини сақлаб қолиш кафолатидир;

- ҳамма учун маъқул бўладиган сифатли тиббий хизматни таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, чақалоқлар ўлимини камайтириш, одамлар умрини узайтириш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириш. Аҳолига юқори малакали тиббий ёрдам олиш шаклларини, эркин танлаш имкониятларини яратиш;

- умумий таълим олиш, касбни ва тегишли махсус тайёргарликдан ўтишни эркин танлашда барчага баравар ҳуқуқ бериш. Янги демократик таълим концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим бўлади.

Бунда ўзбек халқининг ва республика худудида яшовчи бошқа халқларнинг миллий, тарихий ва маданий анъаналари, маънавий тажрибаси таълим ва тарбия тизимимизга узвий равишда киритилиши зарур ижоднинг барча турларини ривожлантириш, одамларнинг истеъдод ва қобилиятларини намоён этишлари учун шарт-шароитларни яратиш, маънавий мулкни ҳимоя қилиш. Кишилар шуни аниқ ва равшан англаб етишлари керакки, маънавий потенсиални илдам ривожлантирмай туриб, республиканинг чинакам мустақиллигини ва равнақ топишини таъминлаб бўлмайди. Фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни таъминлаш, конунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни қарор топтириш мана шундай сиёсий ва конститусиявий тузумга эришиш калитидир.

Оила жамиятнинг негизи. Бизнинг давлатимизни катта бир оила деб тушуниш мумкин. Бунда ўзаро хурмат ва қаттиқ тартиб бўлмаса, оиланинг барча аъзолари ўз бурчларини адо этмаса, бир-бирига нисбатан эзгулик билан меҳр-оқибат кўрсатмаса, яхши яшаш мумкин эмас. Оила турмуш ва виждон конунлари асосига қурилади, ўзининг кўп асрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эга бўлади, оилада демократик негизларга асос солинади, одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади. Ўзбекларнинг аксарияти ўзининг шахсий фаровонлиги тўғрисида эмас, балки, оиласининг, қариндош-уруғлари ва яқин одамларининг, қўшниларининг омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик килишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражадаги маънавий қадрият, инсон қалбининг гавҳаридир. Шундай экан, вояга етаётган хар бир фарзандимизни маънавий баркамол, иродаси бақувват, иймони бутун, бир сўз билан айтганда, кучли мафкуравий иммунитетга эга шахс сифатида тарбиялаш “**Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик”** ғоясининг энг асосий шартлардан бири бўлиб қолаверади.

ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Тўраев Шавкат Нишонович,
Фалсафа фанлари номзоди,
доцент. Ижтимоий-маънавий
тадқиқотлар институти
бўлим бошлиги

“Мафкура соҳасида бўшлиқ деган нарсанинг ўзи ҳеч қачон бўлмайди. Чунки инсоннинг қалби, мияси, онгу тафаккури ҳеч қачон ахборот олишдан, фикрлашдан, таъсирланишидан тўхтамайди.

Демак, унга доимо маънавий озиқ керак. Агар шу озиқни ўзи яшаётган муҳитдан олмаса ёки бу муҳит уни қониқтирмаса, нима бўлади, айтинглар? Бундай озиқни у аста-секин бошқа ёқдан излайди. Шунга йўл бермаслигимиз керак. Мана, гап нима ҳақида кетяпти!

Бунинг учун ўзини жамиятимиз, ёшларимиз маънавияти, ғоявий-мафкуравий тарбияси учун масъул деб билган инсонлар – бу маҳалла ёки диний ташкилотлар бўладими, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ёки катта таъсир кучига эга ижодкор зиёлилар бўладими – уларнинг барчаси айниқса фаол бўлишлари лозим”.

Шавкат МИРЗИЁЕВ.

Маънавий таҳдидлар ва уларнинг салбий оқибатлари.

Бугунги дунёда яшаётган инсоният яхлитликни ташкил этса-да, ундаги давлатлар ва халқлар тарихий шарт-шароит, жуғрофий жойлашуви, геостратегик ҳолатига кўра турли мавқега эга. Ҳозирги давр – дунёда ғоявий қарама-қаршиликлар мураккаб тус олган, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучлироқ бўлиб бораётган давр. Шундай экан, уларнинг ўзига хос манфаатларини ифодалайдиган мафкуравий таъсир усуллари бўлиши шубҳасиз.

Маълумки, жаҳон сиёсий харитасида кўплаб давлатлар мавжуд. Уларнинг ҳар бирининг ўз қарашлари асосида турли сиёсий кучлар, партиялар, дин ва диний оқимлар, мазҳаблар, гуруҳ ва қатламлар фаолият кўрсатади. Шу маънода турли давлатларнинг ўзаро фарқланадиган, баъзан бир-бирига зид бўлган манфаатлари бор. Айнан мана шу манфаатлар ўзга халқлар, турли минтақалар, давлатларнинг аҳолиси ёки ижтимоий гуруҳлар онгига, турмуш тарзига таъсир ўтказиш, уларни бўйсундириш учун йўналтирилган мақсадларни шакллантиради. Бундан кўзланган асосий маддао эса муайян жойдаги кишиларга иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва диний қарашларни сингдириш орқали ўз манфаатларини таъминлашга интилишдир. Бундай таъсир ўтказишнинг тинч йўли кўзланган мақсадга олиб келмаганда бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашиш, мавжуд вазиятни атайлаб кескинлаштириш, куч ишлатиш йўли билан бўлса ҳам, ижтимоий беқарорликни юзага келтиришга ҳаракат қилинади.

Бугунги дунёдаги бўлаётган воқеа-ҳодисалар таҳлил қилинса, аксарият илғор давлатларда умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойилларга асосланган мафкуралар амал қилмоқда дейиш мумкин. Шу билан бирга, инсон онгида янгича дунёқараш ва тафаккур тарзи шаклланаётган ҳозирги даврда муайян кучларнинг мафкура майдонида ҳукмронлик қилишга, ўз таъсир доирасини кенгайтиришга қаратилган интилиши кучайиб бормоқда. Дунё халқларини доимо ташвишга соладиган тажовузкор миллатчилик ва шовинизм, неофашизм ва терроризм, ирқчилик ва экстремизм мафкуралари шулар жумласидандир.

Дунёнинг турли ҳудудларида, ҳар хил шаклларда намоён бўлаётган террорчилик кучли моддий асосга эга бўлиб, унинг мафкуравий хавфи кундан-кунга ортиб бормоқда. Бундан ташқари, эътиқодлар ўртасидаги номутаносибликлар ягона ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий маконнинг яратилишига имкон бермаяпти дейиш ҳам мантиқан тўғри бўлган бўларди. Бинобарин, айнан шундай қарашлар асосида якка мафкуралар ҳукмронлигини таъминлаш ва шу йўл билан жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан бўлиб олинишга уринишлар ҳам кўзга ташланмоқда. Лекин булар бугунги дунёдаги мафкуравий жараёнларни тўла-тўкис акс эттира олмайди. Чунки глобаллашув шароитида бу жараёнлар янгича тус ва шаклларда намоён бўлиб, ғоявий-мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуролига айланиб бормоқда.

Бундай таҳдидлар ҳар бир давлат, халқ ва миллатнинг ўз мафкураси сингдирилмаган ёки яратилмаган жойда ўта хатарли тус олади. Масалага амалий кўз билан қарайдиган бўлсак, бу жараён миллий ғурур ва миллий ифтихорга қарши қаратилганини кўриш, сезиш қийин эмас. Бинобарин, ҳар қандай таҳдид ўша жойдаги бирдамликни йўққа чиқариш, ўзидан фахрланиш ўрнига нафратланишни ташкил қилиш ва ҳудудда ўз ҳукмронлигини ўрнатишдан иборат.

Бундай таҳдидлар ўзининг ривожланиш йўлидан бораётган ҳар бир халқнинг эзгу мақсадларига катта зарба берадиган бузғунчи ғоя сифатидаги мудҳиш хавф-хатарларни англатади. Бугунги кундаги бузғунчи ғояларнинг асосий таъсир объекти ёш мустақил мамлакатлар бўлиб қолмоқда. Мақсадлари аён - ўз мавқеини ўзга минтақаларда мустаҳкамлаб, минтақаларни ўз таъсири остига олиш, ёш, суверен давлатларни ўз манфаати доирасига киритиш, уларнинг мустақиллигини заифлаштиришдан иборат.

Бундан ташқари инсоннинг онгу тафаккурига, унинг руҳиятига таъсир этувчи шундай таҳдидлар борки, улардан огоҳ бўлиш доимий тарзда курашиш талаб этилади. Улар қуйидагилардан иборат:

•Диний экстремистик оқим вакиллари демократияни ёқламаслиги, уни куфр деб қараши натижасида демократия - миллий қадриятларга зид, халқ ҳокимиятчилиги қадриятларнинг йўқолишига олиб келади, деб, демократик ислоҳотлар йўлига тўсиқ бўлмоқда.

• Бугунги ахборот маконида ҳали тафаккури шаклланиб улгурмаган ёшларни ўз домига тортиш учун четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган “оммавий маданият” ёпирилиб кириб келмоқда.

• Ўз манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган айрим мафкуралар бошқа халқларнинг онги ва қалбига кириб бориш учун ўша ердаги аҳоли, айниқса, ёшларни меҳнат, ўқишдан чалғитиб, ўйинларга, кўнгил очишга, истеъмолчиликка йўналтириб, йўлдан адашишга, миллийликни инкор этишга чорламоқда.

• Ҳар бир халқнинг йиллар давомида шаклланган миллий қадриятлари ўрнига ўйлаб топилган қадриятларни сингдириш, мустақиллик ғояларини қоралаш, миллийликка секин аста путур етказиш, авлодлар ўртасидаги муносабатни бузиш каби фаолиятлар мамлакатлар тараққиётига путур етказаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Энг ёмони бу бузғунчи ғоялар тўдаси чиройли, ҳиссиётли сўзлардан фойдаланиб ёшларни жунбушга келтиради. Буни эса ўша ҳиссиётларга берилган ёшлар англаб олиши, лўнда қилиб айтганда, бундай мафкуравий хуружлар миллий ва диний томирларимизга болта уришини, улардан бизни бутунлай узиб ташлашдек ёвуз мақсадларни кўзлашини, булар шунчаки бизни йўлдан адаштириш учун ўйлаб топилган ўйинлар эканини тушунтириш бироз мураккаб кечмоқда.

Мафкуравий таҳдидлар ва мамлакат хавфсизлиги.

Бугунги кунда геосиёсий жараёнлар, уларнинг минтақамиз ва мамлакатимизга таъсири масалалари ўта мураккаб тус олмоқда. Сир эмаски, Шарқий Европада бўлаётган уруш нафақат айрим давлатлар, балки ер юзидаги жамики инсониятни ховотирга солмоқда. Ана шундай мураккаб даврда ҳам пайт пайлаб тинч яшаётган мамлакатларнинг осойишта ҳаётига раҳна солиш. Уни издан чиқаришга, атайлаб, уруш домига тортувчи ёвуз кучлар топилади.

Бугун дунё саҳнида юз бераётган воқеа-ҳодисалар ҳар бир инсонда нафақат қўрқув, балки бутун жамиятда “мафкуравий ваҳима”ни вужудга келтириши ҳеч кимга сир эмас. Бинобарин, “мафкуравий ваҳима” жамиятдаги мавжуд тинчлик ҳолатига раҳна солиш хавфи билан аҳолини қўрқитиш мақсадида муаммоларни тақдим этишдир. Бунда бўлаётган воқеа-ҳодисалардан фойдаланиб халқларни, жамиятларни, давлатларни уруш домига тортиш, уларни ўз йўлидан адаштириш учун кескин ҳаракатлар амалга оширилади. Ўзаро муносабатларни таклиф қилиш жараёнида бир тарафнинг ёнини олиб, иккинчи тарафга адоват уйғотилади. Улар ҳақида кишиларни жунбушга келтирувчи ҳар хил уйдирмалар ишлаб чиқилади ва омма эътиборига ҳавола этилади. Ана шундай ҳолатда ўзининг мафкуравий қарашларига эга бўлмаган жамиятлар, давлатлар уларнинг домига тушиб қолиши ҳеч гап эмас.

Бундай ғаразли мақсадларни кўзловчи кучларнинг даъватлари пинҳона ёки очиқдан-очиқ бўлишини назарда тутадиган бўлсак, ҳар қандай

эътиборсизлик бизга қимматга тушишини унутмаслик муҳим аҳамият касб этади. Эътиборсизлик туфайли ғаразли мафкураларнинг домига тушиб қолиш “мафкуравий бўшлиқ” мавжуд жамиятларда, айниқса кўпроқ учрайди. Шукрки, бизнинг давлатимиз томонидан қабул қилинган ҳеч қандай ҳарбий блокларга қўшилмаслик ҳамда фақат тинчлик ва дўстона алоқалар йўлидан бориш қатъий тамойили юртимизни ва халқимизни уруш хавфини келтириб чиқарувчи бузғунчи мафкуралардан ҳоли бўлишга ундайди.

Демак, давлатимиз томонидан қабул қилинган мазкур тамойил жамиятимиз, халқимиз, қолаверса, ҳар бир фуқаронинг онгу шуурида мустаҳкам жойлашиши лозим. Ана шунда бизни ҳеч қандай бузғунчи мафкура танлаган йўлимиздан адаштира олмайди.

ЁШЛАРДА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ҚАРОР ТОПТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Базаров Отабек,
Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти мустақил изланувчиси,
фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Юртимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш учун бизга замонавий илм ва яна бир бор илм, тарбия ва яна бир бор тарбия керак. Бугунги ва эртанги кунимизни, ёшларимиз тақдирини ҳал қиладиган юксак малакали муаллим ва мураббийлар, профессор-ўқитувчилар, ҳақиқий зиёлилар керак.

Шавкат Мирзиёев.

Хабарингиз бор, бугун дунё сиёсий жиҳатдан қалқиб турибди. Очиқчасига айтганда, геосиёсий майдонда бироз нотинчлик шамоллари эсиб турибди. Халқаро муносабатларда низолар кучайиб, мамлакатлар ўртасида ўзаро ишонч даражаси пасайиб бормоқда. Дипломатик муносабатларда, ижтимоий-иқтисодий ҳамкорлик масалаларида бир-бирига нисбатан хавотирли қарашларга гувоҳ бўлиб турибмиз.

Бундан бизнинг минтақамиз ҳоли эканлигига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Айрим давлатларда содир бўлган ва давом этаётган, салбий таъсири дунёнинг барча мамлакатларига етиб бораётган воқеалар, янги трансчегаравий таҳдидлар жаҳонда янги геосиёсий давр бошланаётганини кўрсатмоқда.

Бугун ахборот хуружлари ва мафкуравий таҳдидлар таъсирида аҳолининг маълум бир мўрт қатлами, айниқса ёшларнинг қарашларини ўзларига маъқул бўлган ўзанга солиш, миллий қадриятиларимизга беписандлик, ахлоқсизлик ва космополитизм каби иллатларни сингдиришга уриниш ҳолатлари тобора кучайиб бормоқда.

Буларнинг барчаси униб-ўсиб келаётган авлоднинг ҳар жиҳатдан рақобатбардошлиги ва маънавий иммунитетини мустаҳкамлаш заруратини оширмоқда. Бу эса маънавий-маърифий ишларимиз суръатини ва тарбиявий ишларимизнинг усулларини ўзгартиришга эҳтиёж мавжудлигини англатади.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобида ҳам маънавият йўналишига алоҳида эътибор қаратилиб, жуда катта қисмдан иборат бир боб ажратилгани ҳам бежизга эмас. Ушбу асарда маънавий-маърифий соҳага доир барча муаммоли масалалар акс эттирилган бўлиб, уларни бевосита мазкур йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган илмий тадқиқот ишлари ва натижадорликка асосланган ишланмалар, лойиҳалар учун буюртма сифатида қабул қилиш мумкин.

Китоб контент таҳлил қилинганида унда яқин беш йиллик истиқболимизда соҳа ривожи учун бажаришимиз зарур ва шарт бўлган ана шундай муҳим ва устувор масалалар ўттизтани ташкил этди. Шулардан айримларини санаб ўтишни ўринли деб топдик.

Мана улар:

ҳозирги вақтда ижтимоий-маънавий муҳитни илмий асосда таҳлил қилиб, уни яхшилаш, такомиллаштириш бўйича самарали механизмларни ишга солиш;

узлуксиз таълим тизимида маънавий тарбия асосларини кучайтириш ва бунда ўсиб келаётган авлоднинг ёш хусусиятлари ва интилишларини ҳисобга олиш;

миллий маънавиятимизни ривожлантириш, уни халқимиз, айниқса, ёшларимиз ҳаётига сингдиришда ижтимоий-гуманитар фанлар ривожи, улар мансуб илмий-амалий ва таълим-тарбиявий тизимни янгилаш ва оптималлаштириш;

аҳоли, айниқса, ёшларимизга замонавий таълим-тарбия билан биргаликда, қон-қонимизга сингган муқаддас динимизнинг моҳиятини тўғри тушунтириб бериш, уларни эзгу ғоялар руҳида тарбиялаш;

турли маънавий бузғунчилик ва вайронкорлик ҳаракатлари ва хуружларининг олдини олиш, аҳоли, айниқса, униб-ўсиб келаётган ёшларимизда уларга нисбатан маънавий иммунитетни шакллантириш, эзгу ғояларни тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратиш;

пухта ишланган ва замонавий ижтимоий фан ютуқларига таянадиган маънавий таълим-тарбияни изчил амалга ошириш;

таълим босқичлари, маънавият ва маърифат тизими учун зарур ўқув ва амалий дастурлар тузиш ва уларни жорий этиш;

оила, маҳалла, таълим муассасалари ва меҳнат жамоаларида ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш ва соғломлаштиришга қаратилган фаолиятни тизимли ташкил этиш;

“Жаҳолатга қарши – маърифат” ғояси асосида жамиятда узлуксиз маънавий-маърифий тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этишнинг стратегик йўналишлари, таъсирчан, креатив ва инновацион

услубларини ишлаб чиқиш ва уларни ўз вақтида амалга ошириш чораларини кўриш;

мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим тизими, маҳалла ва бошқа тузилмалар кесимида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг мониторингини олиб бориш, аниқланган муаммоларни ҳал этиш бўйича илмий асосланган тарбия технологиялари, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Аввало, биз умумий ҳолатни, яъни мамлакатда ҳозирги вақтда ижтимоий-маънавий муҳитнинг ўзи қай аҳволда эканини аниқлаб олишимиз керак. Бу борада, албатта, ижтимоий-маънавий муҳитни илмий асосда таҳлил қилиш зарурати мавжудлигига дуч келамиз. Кейин эса уни яхшилаш ва такомиллаштириш бўйича самарали механизмларни ишга солиш чораларини кўриш лозим бўлади.

Шу маънода, олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар ўртасида ижтимоий сўровномалар ўтказиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик. Жиззах давлат педагогика институти талабалари ўртасида шундай сўровномаларни ўтказдик ҳам.

2021 йил 29 ноябр куни Жиззах давлат педагогика институти талабаларидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган социологик сўровномада 1 244 нафар респондент иштирок этди. Респондентлар кундузги бўлимда таҳсил оладиган талабаларнинг 12 фоизини ташкил қилади. Сўровда иштирок этган талабаларнинг 68 фоизи ўғил бола, 32 фоизи қизлар.

Саволномадаги “Сиз кундалик ахборотларни қаердан оласиз” деган саволга респондентларнинг 76 фоизи ижтимоий тармоқлар ва интернет сайтларидан олишини баён қилган бўлса, бор-йўғи 11 фоиз респондент газета ва журналлардан, деган жавобни белгилаган.

Тўғри, бугунги ахборотлашган жамиятдан бундан бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Аммо масаланинг бошқа томони бор. Биз ёшлар таълим-тарбияси билан боғлиқ масалаларда уларга қайси усул ва воситалар орқали мурожаат қилаяпмиз. Анънавий аудиториядаги маъруза ва ёзма ишлар орқали эмасми?! Афсуски, шундай. Сўровнома натижаси эса улар билан кўпроқ ижтимоий тармоқлар орқали мулоқотни мустаҳкамлаш зарурлигини кўрсатмоқда.

Хўш, ижтимоий тармоқларнинг қай бири орқали кўпроқ иш олиб боришимиз керак? Бу саволга ҳам талабалардан етарлича жавоб олинди.

Талабанинг олтинга тенг вақтини ижтимоий тармоқларда сарфланиши билан боғлиқ саволга респондентларнинг қарийб 21 фоизи 3-4 соатдан кўпроқ вақт сарфлашини баён қилган. Мазкур ҳолат талабанинг ўқиш ва изланишга сарфлайдиган вақтини ҳавога учираётганидан далолат беради.

Ахборотларни айнан қайси ижтимоий тармоқлардан оласиз, деган саволга қарийиб 95 фоиз ёшлар “телеграм” мессенжеридан ахборот олишини баён қилган. Аввало, бу тармоқ хорижий мессенжер эканини инобатга олсак, келажакда унинг фаолияти фавқулодда тугатилиши ахборот олишдаги жуда катта муаммоларни юзага келтиради. Қолаверса, респондентлар жавобидан

талабаларда маънавий-ахлоқий компетенцияларни қарор топтиришнинг ана шу тармоқ учун мўлжалланган усулларини ишлаб чиқиш зарурлиги ҳам англашилмоқда.

Бунинг акси бўлган саволлар ҳам бу борада ҳали амалга оширилиши зарур бўлган ишлар кўп эканини кўрсатмоқда. Яъни респондентлардан 11 фоиз талаба кутубхонага кирмасликларини, 47,3 фоизи турли хил важлар (вақти етмаслиги, китоблар фондининг бой эмаслиги) билан изоҳлашган. Ёки талабаларнинг музей, театр, кино томошаларига ташрифи юзасидан берилган саволларга 46 фоиз респондент бир ой ичида борганлигини, 29 фоизи яқин орада борганлигини натижаларда акс эттирган бўлса, 9 фоизи умуман бормаганлигини таъкидлаган.

Юқоридагилардан маълум бўлмоқдаки, ҳақиқатан ҳам, бўлажак мутахассис кадрлардаги маънавий-ахлоқий компетенцияларни ривожлантириш масаласи ислоҳга муҳтож. Бу борадаги ишларни жадаллаштириш, ижтимоий сўровномаларни ҳар бир олий таълим муассасаси кесимида ўтказиш ва таҳлил натижалари асосида янгича тизим яратиш лозим.

Тўғри, аввал талабалардаги маънавий иммунитетни мустаҳкамлаш, улардаги ахлоқий кўникмаларни шакллантириш ишлари ижтимоий-гуманитар фанлардан унумли фойдаланган ҳолда амалга оширилар эди. Бугун эса ўқув режаларида уларнинг салмоғи жуда ҳам кам миқдорларни ташкил этмоқда. Ҳатто айрим олий таълим муассасаларида ижтимоий-гуманитар фанлар талабанинг ихтиёри билан танланадиган фанлар қаторига тушиб қолган.

Мамлакат етакчисининг юқорида номи тилга олинган китобида миллий маънавиятимизни ривожлантириш, уни халқимиз, айниқса, ёшларимиз ҳаётига сингдиришда ижтимоий-гуманитар фанлар ривожи, улар мансуб илмий-амалий ва таълим-тарбиявий тизимни янгилаш ва оптималлаштириш масаласига алоҳида урғу берилган бўлсада, ҳали бу масала бўйича амалий ишлар кўзга кўринмаяпти.

Аслида ҳам бу иш, яъни ижтимоий-гуманитар фанларни ислоҳ қилиш биз ражалаштираётган тизимнинг кичик бир қисми бўлади, холос. Чунки асосий эътиборни аудитория соатларигагина эмас, балки талабаларни кўпроқ эътиборини жалб этиш, қизиқтириш ва ихтиёрий равишда эргаштириш мумкин бўлган усулларга, воситаларга қаратишимиз лозим.

Ана шундай усуллардан бири – бу ижтимоий тармоқлардаги тарғибот материалларини бериб бориш орқали тарбияга ҳисса қўшишдир. Бунда шахсни ўйлашга ундайдиган, дунёқарашини кенгайтириб, ахлоқан етук шахсга айланишига хизмат қиладиган ижтимоий роликлар, викториналар, ҳикматли сўзлар ва кичик мақолалар тайёрлаб бериб борилади.

Бунинг учун ижтимоий тармоқ мессенжерларида тарбия ва уни ташкил этишга доир каналлар очилиши ва уларда махсус тайёрланган ёшларда маънавий-ахлоқий компененцияларни қарор топтиришга хизмат қиладиган медиаматериаллар асосида тарғибот ишларини олиб бориш, мақсадга мувофиқ бўлади.

Айни вақтда бундай канал ва материаллар мавжуд бўлиб, улар мақсадли йўналтирилмаган ва тизимлаштирилмаган.

Бу борада, аввало, ана шундай медиамаҳсулотлар базасини шакллантириш керак. Агар хорижники бўлса, таржима қилиш чораларини кўриш. Албатта, бунда уларнинг мазмунига ва миллий менталитетимизга мослик даражасига эътибор қаратилади.

Масалан, турк тилидаги видеоролик бўлса, унда миллий менталитетимизга зид келадиган лавҳалар бор-йўқлигига қаралади ва таржима қилинади. Ёки худди шу видеороликнинг ўзбекча варианти яратилади. Мақсад – ёш авлодда ана шу виедороликда келтирилган қиссадан ҳиссани етказишдан иборат.

Шу тариқа бошқа оммавий ахборот воситаларидаги кўрсатув, эшиттириш ва мақолаларни мақсадли равишда тизимлаштириш ва уларни аниқ мавзулар кесимида тайёрлаш зарур, деб ҳисоблаймиз. Намуна сифатида телеканалларда қуйидаги кўрсатувларни ташкил қилиш таклиф этилади:

1. “Болажон” телеканалида “Фазилатнома” (ҳар якшанба).
2. “Дунё бўйлаб” телеканалида “Тарихга муҳрланган сўзлар” (ҳар душанба).
3. “Кинотеатр” телеканалида “Театр – ибратхонадир” (ҳар сешанба).
4. “Маданият ва маърифат” телеканалида “Мағзи ширин” (ҳар чоршанба).
5. “Маҳалла” телеканалида “Бўладиган бола...” (ҳар пайшанба).
6. “Оилавий” телеканалида “Олтин қаср” (ҳар жума).
7. “Ёшлар” телеканалида “Бетакрор туйғулар” (ҳар шанба).

АЁЛ КИШИНИНГ ИЧКИ ОЛАМИ – МАЪНАВИЯТ

Ғаффорова Мавлюда Қурбонбоевна,
Ижтимоий-маънавий муҳитни таҳлил қилиш, баҳолаш ва замонавий тарғибот технологияларини ишлаб чиқариш бўлими бош илмий ходими, социология фанлари доктори

Маънавият масаласининг бугунги кунда долзарблиги жамият истиқболи ва тараққиётида ўзига хос таъсирчанлиги билан нафақат илм-фан кишиларининг, балки ҳар бир жамият аъзосининг диққат-эътиборидаги масалага айланди. Маънавиятнинг пойдевор тоши бўлган ахлоқ ва одоб, илму маърифат, иймон ва эътиқод, дунёқараш ва мафкура аввало оилада шаклланиши ҳеч кимга сир эмас. Шундай экан ҳар қандай жамиятнинг ядроси, пойдевор тоши бўлган оиланинг мустаҳкамлиги унинг моддий ва маънавий жиҳатдан таъминланганлиги, фаровонлигининг жамият ва давлат томонидан кафолатланганлиги келажак авлод тарбиясининг зарурий шарти бўлиб қолмоқда. Маълумки, ҳар бир инсоннинг, шунингдек, аёлнинг ташқи ва ички

олами мавжуд. Ташқи оламига унинг бўй-басти, кўриниши, кийиниши, хатти-ҳаракати ва бошқалар киради. Ички олами эса унинг яшашдан мақсади, фикр юритиши, орзу-истаклари, интилишлари, ҳис-туйғуларини ўз ичига олади. Аёл кишининг ички олами маънавият ҳисобланади. Хотин-қизларда миллий маънавият тайёр ҳолда вужудга келмайди, унга муттасил ўқиш, ўрганиш, тажриба орттириш орқалигина эришилади. Миллий маънавият қанчалик бойиб борса, жамият ва миллат шунчалик равнақ топади. Аёл яшашидан мақсад нималигини аниқ билади, умрини мазмунли ўтказиш йўлини излаб топади, муомала қилиш маданиятини эгаллайди, ҳар бир масалага инсоф ва адолат нуқтаи назаридан ёндашади, унинг маънавиятида инсон ҳаётининг мазмуни акс этади. Миллий маънавиятга эга ўзбек аёлида ақл, соғлом фикр, адолат ва яхши хулқ устуворлик қилади. **Унинг оҳангдор алласи, меҳр қўри билан гўдак қалбига йўл топади, унинг қалбига меҳрни, эзгулик, яхшилик уруғини экади. Меҳр-муҳаббати билан фарзандига тарбия беради, меҳнати билан камолотга етаклайди.** Шу хусусида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек: **“Ҳаммамиз яхши тушунамиз, “Меҳр – ҳаётнинг устуни” деган сўзларда чуқур маъно ва мазмун мужассам. Бу ҳақда гапирганда, муқаддас она, аёл зоти – чинакам меҳр булоғи, меҳр қуёши, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади. Шу қуёш бор экан, меҳр-оқибат, эзгулик ва адолат, вафо ва садоқат каби буюк қадриятлар неча асрлардан буён безавол яшаб келмоқда. ...аввало, дунёда “фидойи” деган сўзга энг муносиб бўлган она сиймоси олдида таъзим қиламиз**”. Шу боисдан ҳам, фақатгина чинакам маънавиятли, маърифатли аёл инсон қадрини, миллат қадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб, обрўли ўрин эгаллаши учун фидойилик билан курашади.

Хўш, миллий маънавиятимизнинг ҳар бир босқичида, уни бутун дунёга тараннум этишда ўзбек аёлининг бугунги қиёфаси намоён бўлади. Чунки, Ўзбекистон цивилизациясининг асосини, пойдеворини маънавият-маърифат, ахлоқ ташкил этар экан, бу тушунчаларни бир-биридан айро ҳолда тасаввур қилиб ҳам бўлмайди. Ўзбек аёлининг миллий маънавияти ва маърифати жамият тараққиёти ҳамда халқ келажагининг бош омилларидан ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистонни жаҳонга олиб чиқишда, ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олишига, аёллар эркаклар билан тенг ҳуқуқли ҳуқуқий-демократик давлатни мустаҳкамлашда аёлларимиз намуна бўлишлари лозим.

Бу борада Абу Али ибн Сино ўн етти хислат-фазилат соҳибаси бўлган аёлни идеал мураббий[12] деб ҳисоблайди: биринчиси – оқила ва имон-эътиқодлилиги; иккинчиси – шарм-ҳаёлилиги ва ор-номуслилиги; учинчиси – зийрак ва фаросатлилиги; тўртинчиси – ёқимтойлиги; бешинчиси – ўз эрига

[12] Раҳимов С. Абу Али ибн Сино таълим ва тарбия ҳақида. – Тошкент: Ўқитувчи, 1967. – Б.99.

ZJV5401

меҳру муҳаббат қўйганлиги; олтинчиси – садоқатлилиги; еттинчиси – юзга чопмаслиги; саккизинчиси – эзма, вайсақи эмаслиги; тўққизинчиси – итоаткорлиги; ўнинчиси – дилининг поклиги; ўн биринчиси – эри орқасидан ғийбат қилмаслиги; ўн иккинчиси – покизалиги; ўн учинчиси – вазминлиги; ўн тўртинчиси – жиддий ва улуғворлиги; ўн бешинчиси – эрининг оғир дамларида унга малҳам бўла олиши; ўн олтинчиси – меҳрибонлиги; ўн еттинчиси – иродалилиги ва сабр-тоқатлилиги.

Ўзбек аёли маънавиятида сўзнинг аҳамияти беқиёсдир. Боболаримиз бежизга: «Одоб боши тил», дейишмаган. Чунки сўзда, айниқса, аёл сўзида унинг маънавиятидаги деярли барча қирралар намоён бўлади. Бугунги аёлларимиз ҳам кўнгилларида ана шу туйғулар бўлишига эришишса, мақсадга мувофиқ бўлади. Улар сўзларни танлашдагина эмас, балки сўзлаш оҳангини тайин этишда ҳам аёлларгагина тегишли назокатга амал қилганлари маъқул. Чунки бир сўзнинг ўзини турли оҳангда айтиш ва турлича натижага эришиш мумкин. Ўзбек аёли имкон қадар холис оҳангда сўзлашишга интилгани маъқул. Негаки, қўполлик, тўпорилик хунук кўрингани сингари ортиқча «назокат», «ширинлик» ҳам хушомад каби тушунилиб, ғашни келтириши мумкин. Азалдан ўзбек қизининг фақат тили ва кўзи «гапиради». Кейинги вақтда бир ёқимсиз одат оммалашиб бораётганини кўриш мумкин. У ҳам бўлса, қизларимизнинг худди чет эл киноларидаги каби оғзи, қўли, кўзи, қоши, яъни бутун мимикалар билан гапира бошлашгани ўзбекча гапириш йўсинига бутунлай ёт. Бизда оғизнинг кичиклиги қиз гўзаллигининг юксак тимсоли саналган. Шоирларимиз камгап маъшуқаларининг оғзи қаерда эканини билолмай ёниб-куйишган.

Ўзбек аёли азалдан пастроқ товушда сўзлашга уринган. Аёлнинг қиёфасини белгилашда товушининг баланд-пастлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Баланд овоз ҳар қандай сўзнинг таъсирини сусайтиради. Шунинг учун ҳам бугунги маданиятли ўзбек аёли овозни баландлатмай, шовқинламай сўзлашнинг ҳадисини олиши керак бўлади. Шунда унинг гапи болаларига ҳам, яқинларига ҳам ёқимли бўлади.

Ўзбек аёли миллат тилининг жозибадорлигини сақлашга ҳам масъулдир. Зотан, одамнинг табиий равишда беихтиёр чиқадиган тили «она тили» деб аталади. Ўз тилининг тоза, таъсирчан бўлишига биринчи навбатда она жавобгардир. Шунинг учун ҳам маданиятли аёл она тилини яхши билмоғи, айтаётган ҳар бир сўзининг маъносига етмоғи, оғзидан чиқаётган сўз миллатнинг ўзига хослиги, руҳияти ва маънавий қиёфасини шакллантиришга хизмат қилишини ёдда тутмоғи керак. Сўзлаш маданияти қолган барча маданиятларнинг, кенгроқ олганда, инсон маънавиятининг асосидир.

Ўзбек аёлининг маънавий қиёфасида унинг кийиниш маданияти ҳал қилувчи ўрин тутади. Чунки дунёнинг ўзга халқлари учун кийиниш шунчаки ташқи кўринишни зийнатлаш воситаси бўлса, ўзбек учун кийим ахлоқий қиёфани кўрсатиш йўсини, ички оламни намоён этиш омилидир. Шунинг учун ҳам азал-азалдан ўзбек халқи, айниқса, унинг аёллари пардалироқ кийинишга, вужуднинг диққат тортадиган ўринларини кўздан пана қилишга эътибор

беришган. Бизнинг хотин-қизларимиз исломий эътиқодга эга ўзбек миллатига мансубмиз. Бугунги ўзбек аёли зиммасида ҳам ана шу маънавий миссия бутун залвори билан турибди. Ўзини уятли ҳолатга солмаслик, айни вақтда, ота, оғаини, умр йўлдоши ва фарзандларини номусга қўймаслик учун замонавий ўзбек аёли ҳам орини юксак тутиши билан миллати шаънини кўтариши мумкин.

Кўҳна шарқ аёли ўзининг ҳаёси, бемисил латофати, ўткир ақл-заковати билан дунёни ҳайратга солиб келади. Бу ажиб хислатларнинг барчаси сирлилик пардасига шундай ўралганки, Ғарбликлар бу сирни фош этиш мушкул эканини тушуниб, “Шарқ нозик масала” деган иборани келтиради. “Масала”ни нозиклаштирган омиллар бисёр, бироқ, улар ичида аёлнинг сўзиюз, ўзи алоҳида ўрин эгаллайди. Ўтмишимизда зукко, жасур ва йўлбошчи хотин-қизлар кўп бўлган. Ўз ғайрати ва салоҳияти билан не-не эркакларни доғда қолдирган хотин-қизлар ҳақида кўп эшитганмиз. Бундай хотин-қизлар ҳар қандай шароитда ҳам одоб чегарасини бузишмаган, ибо-ҳаёсини сақлаганлар.

Рўмол ўраш – миллий қадрият. Юқорида бежиз «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романларининг аёл қаҳрамонлари рўмолда тасвирланганига эътибор қаратмадик. Рўмол – миллий қадриятларимизнинг бир зарраси. У ўзбек аёлининг зийнати, назокату латофатини, ҳусну жамолини номаҳрамлардан асраб турувчи пардагина эмас, балки миллатнинг ҳаёси, маънавияти, авлодлар тарбияси бошида ҳилпираб турган ибрат маёғи ҳамдир. Қолаверса, рўмол жамиятда кўпроқ диний атрибут эмас, балки миллий ва ахлоқий норма белгиси сифатида тарқалган. Чунончи, ўзбеклигимизни ифода этувчи рўмолни ўраб олган аёл миллий қадриятларимизни кейинги авлодга безавол етказишда хизмати сингаётган инсондир. Аслида, рўмол қадим-қадимдан миллийлигимиз, ўзлигимизнинг ҳам ажралмас қисми бўлган. Шу нуқтаи назардан, ҳозирги кунда она деганда кўз ўнгимизда сипо кийинган, енги узун, ёпиқ, бошига аввал кичкина рўмол ўраган, устидан катта рўмолини ташлаб олган аёл сиймоси гавдаланади. Аслида, қандай кийиниш ҳар бир инсоннинг шахсий ишидир. Лекин бир туйғу борки, уни писанд қилмаслик кўнгилга хавотир солади. Бу туйғу гўзал хулқ, ўзбекона одоб-андишага нисбатан эҳтиром ва ҳурматдир. Чуқур ва холис назар ташлаганда кийиниш одоби миллийликка хослик, қадриятлар ва анъаналардан келиб чиқади. Зотан, азалдан халқимизда «Ҳаё ва ибонинг ташқи кўриниши кийимдур» мазмунидаги ҳикмат бор. Ҳазрат Мир Алишер Навоий:

Яхши сухан жонга оройиш,
Яхши либос танга оройиш, –

деган ҳикматли байтида[13] инсоннинг кийими ҳам улуғлар мақомидан бир белги бўлишига ишора қилган. Кийим инсоннинг кайфиятини, руҳиятини, ички олами, маънавиятини, қолаверса, тарбиясини белгилаб беради. Ўзбек

[13] Мақсудова Ш., Тиловбердиев Ш. «Оҳангарон ҳаёти» ижтимоий-сиёсий газетасининг расмий веб сайти: http://ohangaronhayoti.uz/1722

хотин-қизларининг барча миллий кийимлари нафақат унинг маънавиятини, балки саломатлигимизни ҳам муҳофаза қилади.

Шунингдек, қизларнинг уйда рўмол ўраб юришлари миллий урф-одатларга амал қилиш, катталарга бўлган ҳурмат белгиси ва шахсий гигиена воситаси сифатида ҳам қабул қилинади. Бу фикрлардан келиб чиқиб мамлакатда ҳижобга ўраниш амалиётига қарши жамоатчилик фикри шаклланганини кўришимиз мумкин бўлади.

Бу ҳолатда ёш авлод онгида ҳижоб ўзбек халқи менталитетига хос эмас деган тушунча шаклланади. Жамоатчилик қизиқишлари руҳида узоқ вақт давомида шаклланган қиз болалар фольклори моҳияти бироз катта ёшлилар гуруҳларида миллий ғоя асосларини ўқитиш учун асос бўлиши зарур.

Ўзбекистонга хос бўлмаган диний бичимдаги кийимларни ишлаб чиқариш ёки сотиш бўйича бизнесни йўлга қўйишга бўлган ҳар қандай уринишнинг олдини олиш зарур.

«Бугун мамлакатимизда хотин-қизларга берилаётган эътибор эртанги кунга ишонч ва турмуш шароитини сифат ўзгаришларига олиб келди. Давлатчилик бор, жамият бор – у ҳар доим бир маромда кетмайди, паст-баланди, тушунган-тушунмагани, билиб-билмагани бўлади. Рўмолга ўраниш бўйича бир, икки, учта манбадан олинган гап билан хулоса қилиб бўлмайди. Биз, аслида, буни ҳижоб демаймиз, бу рўмол. Рўмол – бизнинг миллий бош кийимимиз. Оналаримиз, момоларимиз рўмол ўраб келишган. Бунга ҳеч бир жойда монелик бўлганини кўрганимиз йўқ. Бизга ҳам гоҳида мурожаат қилиб қолишади: «Рўмолларни кўчада, уйларга кириб ечиб олишяпти». Буларнинг ҳаммаси исботсиз гаплар бўлиб чиқяпти. Бугун рўмол ўраб юрган ҳеч кимга ҳеч қандай гап йўқ. Бироқ мактаб – бошқа нарса. У ернинг ўз низоми бор, ўша низом билан иш қилади».[14] Шунинг учун тегишли жойларда – ўқиш, иш, оммавий жойларга ташриф буюришда кийинишнинг дунёвийлик белгиларига амал қилишнинг принципиал аҳамиятга эгалигини алоҳида таъкидлаш зарур. Зиёлилар вакилларига тарғибот-ташвиқот ишлари билан мурожаат қилишда шифокор, ўқитувчи, банк ходими ва ҳ.к. касбларнинг вакиллари давлатнинг юзи сифатида идрок этилиши, шунинг учун кийиниш услуби хизматга оид бўлиши шартлигига урғу бериш даркор.

[14] Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимовнинг «Америка овози» нашрига берган интервьюси // https://kun.uz/news/2019/05/25

ТАРИХИЙ ЁДГОРЛИКЛАР БИЛАН ТАНИШИШ АСОСИДА ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ МАЗМУНИ

Абдурахманов Абдушокир,
Гулистон давлат университети ижтимоий-иқтисодий факультети деканининг ёшлар ишлари бўйича ўринбосари

“Қудратимизга шубҳа қилсангиз, биз қурган
иморатларга боқинг!”
Амир Темур

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2021 йил 26 мартдаги “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5640-сонли қарорида шундай сўзлар ёзилган: “... маънавий-маърифий жараёнларни ташкил этишда яхлит тизим мавжуд эмас, халқимиз, айниқса ёшларни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш борасида етарли даражада ташкилий-амалий ва илмий тадқиқот ишлари олиб борилмаяпти, ушбу йўналишда давлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда хусусий секторнинг ижтимоий ҳамкорлиги самарали йўлга қўйилмаган”[15].

Нима қилмоқ керак? Бу бирданига ҳал бўладиган жараён эмас, янги муаммоларни эскича йўл билан ҳал қилиб бўлмайди... Янги-янги йўналишлар, ноанъанавий усулларни тадбиқ қилиш жуда долзарб масала бўлиб турибди. Ҳозирги ўқувчи-ёшларни қуруқ гаплар билан ҳайрон қолдириб бўлмайди, бундан ташқари интернет “оҳанграбоси” барчани ўз домига тортиб, кеча-кундуз 24 соат мобайнида турли усул ва услублар билан уларнинг онгига таъсир кўрсатмоқда.

Юқоридаги таҳлиллар шундан далолат бермоқдаки, мазкур педагогик муаммо давлат сиёсати даражасида бўлиб, унинг ечими эса ўқувчи-ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ёшларни юртимиздаги муқаддас масканлар, тарихий обидалар билан янгича ёндашув, инновацион технологиялар, замонавий шакл, метод ва воситаларни асосида танишиш асосида уларда ўз аждодларига ҳурмат, ўзлигини англаш, насл-насабини билиш, ўзига нисбатан ишонч, миллий ғурур, туғилиб ўсган жойига ҳурмат, ватанига муҳаббат туйғуларини шакллантиришдан иборат.

Қадим-қадимдан доно халқимиз ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор билан қараб, уларда Ватанга муҳаббат, она юртга садоқат, ватанпарварлик каби туйғуларни шакллантиришда турли усул ва воситалардан фойдаланишган.

Мустақиллик йилларида, айниқса, Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, онгу-тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш,

[15]“Yangi O‘zbekiston” gazetasi, 2021-yil 27-mart № 62 (318)-son.

ватанпарварлик, халққа муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор берила бошланди.

Аввало, ***ватанпарварлик*** қандай тушунча ўзи? “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти томонидан чоп этилган А.Мадвалиев таҳрири остидаги “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да: *“ўз ватанини, она юртини, халқини чексиз севувчи, ватан манфаатлари учун жонбозлик қилувчи”,* дея таъриф берилган. Демак, ватанпарварлик кишиларнинг она юртига муҳаббати ва садоқатини ифодалайдиган тушунча бўлиб, умуминсоний туйғу ва маънавий қадриятдир. Ватан тақдирига дахлдорлик, ўз юрти тарихи ва ҳозири билан фахрланиш-ватанпарварликнинг асл белгиси, десак бўлади.

Муқаддас ҳадисда “Ватанни севмоқ иймондандир” дейилган.

Бу йўналишда ёшларимизнинг дунёқараши, салоҳияти қай даражада деган саволимизга қуйидаги сўзлар бизни сергаклантириши табиийдир. “Ватанга садоқат, бурч ва масъулият, ташаббускорлик ва бошқа фазилатлар ёшлар онгида назарий тушунчалар сифатида қолиб кетгани ҳолда унинг табиатида амалий одатларга айланмаяпти. Бунинг оқибатида уларнинг ушбу фазилатлар ҳақидаги сўзлари билан амаллари орасида тафовут намоён бўлмоқда, бу эса ҳар йили мустақил ҳаётга кириб келаётган йигит-қизларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишларида бир қатор муаммоларни юзага келтирмоқда”[16].

Бу бежиз эмас, чунки, жаҳонда ғоявий-мафкуравий кураш кескин давом этаётган, маънавий таҳдидлар кучайиб бораётган ҳозирги даврда ёшлар ўртасида миллий қадриятларга беписандлик, зарарли ёт ғоялар таъсирига берилиш, жиноятчилик ва экстремизм ҳаракатларига адашиб қўшилиб қолиш ҳолатлари тез-тез учрамоқда. 2020 йилда мактаб ёшидаги ўқувчилар томонидан 728 та турли жиноятлар содир этилиб, ўтган йилга нисбатан 51 тага ошган.

Тарбиянинг муҳим бўлаги бўлган-ватанпарварлик руҳини сингдиришда тарихий обидалар билан таништиришнинг ва ушбу тарбиявий ишни олиб боришда тарих фанининг ўрни бўлак, деб ўйлаймиз, бежиз файласуф Аврелий Августин (354-430 й.й): “Бирор халқни уйғотмоқчи бўлсангиз,унга тарихини ўргатинг” дея, қайд этмаган[17].

Тўғрисини айтганда, тарих фанини ўргатиш методикасида, ёшларни бу фанга қизиқтириш бўйича жуда кўп иш қилишимиз зарур, бугунги кунда умумтаълим мактабларида Ўзбекистон тарихи фани ўқитилишининг самарадорлиги пастлигини ҳеч ким инкор эта олмайди, бунинг устига тарих фани дарслари қисқариб бормоқда. Жумладан, 2001 йил январ ойидан “Миллий ғоя” туркумидаги фанлар жорий этилди ва “Ўзбекистон тарихи” 2

[16]O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 31-dekabrdagi “Uzluksiz ma’naviy tarbiya konsepsiyasini tasdqilash va uni amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 1059-son qarori. 1-ilova, 4-band.

[17]Hakim Sattoriy “Ma’rifat-imtiyoz emas, fidoyilikni talab qiladi”. “Ma’rifat” gazetasi, 2021-yil 26-aprel. № 17 (9342)-son.

соатдан 1 соатга қисқартирилди, 2019 йилда “Тарбия” фани жорий қилинди ва 10-,11-синфларда “Дунё динлари тарихи” фани қисқартирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 6-июлдаги “Умумий ўрта таълим муассасаларида тарбия фанини босқичма-босқич амалга ошириш тўғрисида”ги 422-сонли Қарорига кўра 10-,11-синфларда “Дунё динлари тарихи” фанини ўқитиш қисқартирилди.

Олий таълимда (турдош бўлмаган мутахассисликлар бўйича) эса фақат Ўзбекистоннинг 1991йилдан кейин – янги тарихи ўрганилмоқда.

Ўзим Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтини 1989 йил тугатганман, ўша даврда “Ўзбекистон тарихи”га муносабат қандай бўлганини яхши биласизлар, битирувчи курс талабаси бўлганимда республика ёшлари марказий газетасининг 1989 йил 17 феврал сонида “....ўз халқимиз тарихини ўрганмай олий маълумотли тарихчи-педагог бўлаётганимиз бизни ташвишга солмоқда”, деб ёзган эканман.

Ўша вақтдаёқ устозларимиз вазиятдан чиқиш йўлини топишган экан, марҳум археология фани ўқитувчимиз доцент А.Набиев 1-босқичнинг барча талабаларини, ўқув режада бўлмаса ҳам, поездда бир ҳафта давомида Хива, Бухоро, Самарқанд шаҳридаги тарихий обидалар билан таништирганларини, ҳатто қадимий “Афросиёб” харобаларига олиб бориб, тарихий ашёлар топиш ва ўрганиш амалиётини ўтаганларини ёддан чиқариб бўлмайди.

Ҳақиқатдан, қадимда Турон, Мовароуннаҳр деб улуғланган, ўтмишда Туркистон деб қадрланган ва ҳозирда Ўзбекистон номи дунёга машҳур юртимизда кўплаб табаррук зотларнинг мақбаралари, қадамжо ва зиёратгоҳлари мавжуд. Аминманки, шу жойларга ўқувчиларнинг ташрифини уюштириш ёш авлодда ўз аждодларига ҳурмат, ўзлигини англаш, насл-насабини билиш, ўзига нисбатан ишонч, миллий ғурур, туғилиб ўсган жойига ҳурмат, ватанига муҳаббат туйғуларини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди.

Билим олиш, тарбия ва дунёқараш шаклланишида кўриш, эшитиш ва ўқишнинг самарадорлигида катта фарқ мавжудлигини замонавий педагогика ва психология аллақачон баҳо бериб бўлган.

Мисол тариқасида айтиш мумкинки, Ховос тумани 12-умумий ўрта таълим мактабида 6-11-синф ўқувчилари учун мунтазам равишда муқаддас қадамжолар ва тарихий обидаларга зиёратлар амалга оширилиб турилади. 2020-2021-ўқув йилида 100 нафар 8-, 9-синф ўқувчилари Самарқанд шаҳрига, 150 нафар 6-, 7-, 8-синф ўқувчилари тумандаги “Хасти бузургон” зиёратгоҳига, 35 нафар 8-, 10-синф ўқувчилари “Хўжамушкент ота” зиёратгоҳига олиб борилган. Мазкур тадбирлар ўзининг ижобий самарасини бермай қўймаганлигини мактаб жамоаси таъкидламоқда, яъни, ўқувчиларнинг жамоат ишларида фаоллиги ортган, фан олимпиадаларида мактабнинг кўрсаткичи кескин яхшиланган. Айрим ўқувчилар билан манзилли ишлаш методи сифатида тарихий обидалар билан яқиндан таништириш усулининг қўлланилиши кутилган натижа берган. Мисол учун, 8-синф ўқувчиси Ж.Абдуазизов ўқишга хоҳиши йўқ, дарс машғулотларини сабабсиз қолдирар эди. Ховос туманидаги “Хасти бузургон” ва “Хўжамушкент ота”

зиёратгоҳларига олиб борилгандан сўнг ўқувчининг ўқув машғулотларига масъулияти ошиб, технология, тарих дарсларига қизиқиш билан ёндаша бошлади. Боланинг хулқида ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилди. Шунингдек, 9-синф ўқувчиси Х.Мирзоалиевнинг феълида муросасизлик, худбинлик, ўзбошимчалик сифатлари яққол намоён бўлиб турар, у ҳатто тенгдошлари ва устозлари билан муносабатида тез-тез низоли вазиятлар кузатилар эди. Бу ўқувчининг кўҳна Самарқанд тарихий обидаларга саёҳати натижасида тенгдошлари ва устозларига бўлган муносабати яхшиланиб, у чизмачилик, тарих, тасвирий санъат фанлари билан жиддий шуғуллана бошлади ва чизмачилик фанидан ўтказилган фан олимпиадаси туман босқичида фахрли 1-ўринни эгаллади.

Аксинча, ўқувчилар онгини ўзгартиришда тарихий-маданий масканларнинг тарбиявий-маърифий имкониятларидан фойдалана олмаслик мактаблардаги салбий ҳолатлар: ўз жонига қасд қилиш, эрта туғруқ, ҳуқуқбузарлик каби нохушликларни кўпайтиради. Мактаб, маҳаллар, ота-оналарнинг эътиборсизлиги оқибатида Ховос туманидаги 4-, 7-, 13-мактабларда 1 нафардан, 9-мактабда 2 нафар ўқувчи назоратга олинган. Агар улар билан юқорида қайд этилган мазмунли ишлар ташкил этилса, бу ўқувчилар ички ишлар бўлими томонидан алоҳида назоратга олинмас эдилар.

Демак, тарихий обидаларга жонли экскурсия ва саёҳатлар ташкил этиш – ҳар қандай билими саёз, хулқи қониқарсиз бўлган ўқувчиларнинг ҳам ўз юртига бўлган, жамиятга бўлган фикрларни тубдан ўзгартиради. Устозлар томонидан ташкил этиладиган бундай тарбиявий тадбирлар ўсмир камолотида муҳим аҳамият касб этади.Уларнинг қалбидаги бўшлиқларни маънавий жиҳатдан тўлиради. Ёшлар онгида бўшлиқ пайдо бўлса, албатта ёвуз кучлар бўшлиқни тўлдиришга ҳаракат қилади.Шунинг учун ўқувчиларимизнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, қимматли дамларини муҳим ишлар билан банд қилиш ҳозирги кунда ҳар бир педагогнинг долзарб вазифаси ҳисобланади.

Масаланинг иккинчи томони шундан иборатки, сайёҳлик соҳаси жаҳонда бугунги куннинг энг муҳим иқтисодий соҳаларидан бирига айланди. Шу боис дунёнинг кўплаб давлатлари ушбу соҳани янада ривожлантириш, бу борада тегишли инфраструктурани жаҳон стандартлари даражасида яратиш ва сайёҳлар оқимини ошириш бўйича барча чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

БМТнинг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти маълумотида 2015 йилда дунё бўйича 1 миллиард 184 миллион сайёҳ қайд этилган бўлса, 2016 йил якуни бўйича бу кўрсаткич 1 миллиард 235 миллионга яъни, 3,9 фоизга ошган. Саёҳатчиларга кўрсатилган экспорт хизматлари қиймати 2015 йилда қарийб 1,5 триллион АҚШ долларини ташкил қилган. 2016–2017 йилларда ҳам бу рақамларда катта тафовутни кўриш мумкин.

2015 йилда энг кўп хорижлик меҳмонларни қабул қилишда Франция (83,7 миллион), АҚШ (74,8 миллион), Испания (65,0 миллион), Хитой (55,6 миллион) ва Италия (48,6 миллион) кучли бешликда туришибди. Германия,

Буюк Британия, Россия ва Мексика кучли ўнталикдан жой олган. Бироқ бу кўрсаткич бўйича Европа ва Осиёнинг бир нечта шаҳарлари етакчилик қилмоқда. Бунга мисол қилиб Ҳонгконг (27,7 миллион), Лондон (17,4 миллион), Сингапур (17,1 миллион), Бангкок (16,2 миллион) ва Париж (15,0 миллион) сингари шаҳарларни келтириш мумкин.

Коронавирус пандемияси туфайли туризм оқими кескин пасайди.

Жаҳон туризм ташкилоти бош котиби Зураб Пололикашвилининг сўзларига кўра, молиявий зарардан сўнг туризм тикланиши учун тўрт йилга яқин вақт керак бўлади. Унинг қайд этишича, 2020 йилда халқаро туристик саёҳатлар сони 74 фоизга пасайди. Шу билан бирга, карантин чекловлари сабабли халқаро туристик оқим 2019 йилдагига нисбатан бир миллиардга қисқарди. Шунингдек, эпидемия туризм соҳасида 100–120 млн. иш ўрни йўқ олишига олиб келди.

Коронавирус чекловлари боис 2020 йилнинг дастлабки 10 ойи ичида туризм соҳаси 935 млрд. доллар йўқотган.

Маълумотларга кўра, мамлакатимизда 8321 та моддий маданий мерос обекти сифатида давлат муҳофазасига олинган бўлиб, шундан, 4 780 та археология ёдгорлиги, 22 265 таси архитектура ёдгорлиги, 625 та монументал санъат ёдгорлиги, 113 та музей, 530 та диққатга сазовор жойлар ҳисобланади.

Сирдарё вилоятида эса жами 78 та моддий маданий мерос обектлари мавжуд бўлиб, улардан 18 таси археология ёдгорлиги,15 та архитектура ёдгорлиги, 41 та монументал санъат ёдгорликлари ва 4 та диққатга сазовор жойлар ҳисобланади.

Наҳотки шунча тарихий ва бой маданий меросларимиз бўла туриб, уларни дунёга танита олмасак? Бунинг учун бизда арзигулик ва мақтагулик бой тарихий меросимиз етарли. Биргина Франциянинг Париж шаҳрига йилига 15 миллион сайёҳ ташриф буюрар экан...

Пандемиядан олдин мамлакатимизга 1 миллион 800 минг нафар сайёҳ ташриф буюргани қайд этилган. Бутун дунё Самарқанд, Бухоро, Хива каби тарихий шаҳарларимизни кўриш орзусида. Буюк тарихий обидаларимиздан яқиндан баҳраманд бўлишўрнига уни йўқотаётганимиз ҳам ҳақиқат. 2021 йил 29 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Олий Мажлисга Мурожаатномаси”даги қуйидаги сўзлар барчамизни сергак торттириши лозим: “...кейинги пайтларда бебаҳо маданий меросимиз бўлган айрим обидаларимизга зарар етказиш ҳолатлари учраётгани бу борада эътибор сусайганидан далолат беради”[18].

Аниқроқ айтадиган бўлсак, “XX асрнинг 80-йилларида Ўзбекистонда 7000 га яқин археология ёдгорлиги бўлган. 2019йилги маълумотга кўра, умуман республикада 4308 та археология ёдгорлиги ҳисобга олинган”[19].

[18]“Ishonch” gazetasi, 2021-yil 1-yanvar, 1-2-3-(4443)-son.

[19] R. Sulaymonov. “Arxeologiya merosi va fani haqida ba’zi mulohazalar” ilmiy maqola. “O‘zbekiston tarixi jurnali”, 2020-yil, 3-son, 47-bet.

ZJV5401

Юртимизда 2009 йил 13 октябрда “Археология мероси обектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида” қонун қабул қилингач, маданий мерос обектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш борасида ишлар изчил амалга оширилмоқда. Бунда маданий мерос обектларини муҳофаза қилишга, уларни қайта таъмирлаш-тиклаш ишларига, маданий мерос обектларини имкон қадар асл кўринишида сақлаб қолишга, умуминсоний қадриятлар билан уйғунлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу ўринда муҳтарам Президентимизнинг 2021 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони катта аҳамиятга эга бўлди. Фармонда ўқувчиларни тарихий обидаларга, муқаддас қадамжолар билан яқиндан таништиришга катта имкониятлар берилди, “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” ички туризмни ривожлантириш дастури доирасида Наврўз умумхалқ байрами, Мустақиллик куни ва Янги йил байрамлари ҳамда Рўза ҳайит (Ийд ал-Фитр) ва Қурбон ҳайит (Ийд ал-Адҳа) диний байрамларини нишонлаш даврида уч кундан кам бўлмаган муддатга қўшимча ва кўчириш ҳисобига ишланмайдиган кунлар белгилаб қўйилди[20].

Келажак авлодларимизга шу муқаддас замин тарихи, унинг азизлиги, буюк зотлар ҳақида маълумот бериш фидойи ёшларни тарбиялашнинг муҳим омилидир. Бинобарин, тарихини, аждодларини, наслу насабини англаш инсон ички дунёсини бойитади.

“Олдингда оққан сувнинг қадри йўқ” деганларидек, 2021 йилнинг 1-чораги давомида республика бўйича 500 минг нафар ўқувчи ички туризмда қатнашиш истагини билдирган, холос, бу эса умумий ўқувчилар сонига нисбатан 7,6 фоизни ташкил қилади.

Ўқувчи-ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда тарихий обидалар билан таништиришнинг самарадорлигини таъминлаш учун нималар қилишимиз керак? Бунинг учун:

-тарих дарсларида тарихий обидалар ҳақида кўплаб маълумотлар бериш, видеосаёҳат дарсларини ташкил этиш;

-ўқувчилар учун “Тарихий обидалар ва зиёратгоҳларга саёҳат” йиллик календарини ишлаб чиқиб, дарс жадвалига киритиш;

-мактаб тарих фани дарсликларида тарихий обидаларнинг сифатли расмларини кўпайтириш;

-гуруҳ бўлиб саёҳатларни юқори синфлар ўқув режасига киритиш, бу йўналишдаги оилавий анъаналарни рағбатлантириш;

-умумтаълим мактабларида, маҳалла ёшлари орасида маданий мерос ва туризм обектларида мамлакатнинг маданияти ва анъаналари тўғрисида сайёр спектакллар, шу жумладан тарихий саҳналар, театрлаштирилган намойишларни ташкил этиш ва ўтказиш;

[20]“Xalq so‘zi” gazetasi, 2021-yil 10-fevral, № 29 (7809)-son.

-аҳоли ва ўқувчи-ёшлар орасида моддий маданий мерос обектлари, тарихий мерос дурдоналари тўғрисида фото (видео) кўргазмалар ташкил этиш;

- ҳудудлардаги қадамжолар ҳақида ўқувчиларга кўпроқ маълумот бериш ҳамда зиёрат одобини шакллантиришни “Тарбия” фани дастурига киритиш;

- ўқувчи-ёшлар ва уларнинг ота-оналари учун Ўзбекистон ҳақида қизиқарли маълумотлар билан фотоалбомни туризм соҳаси мутахассислари, педагог-психологлар билан биргаликда нашрга тайёрлаб, чоп этиш. Унинг нархи қиммат бўлмаслиги зарур ва Ўзбекистондаги барча мактаб кутубхоналарида бўлишини ташкил этиш;

- ўқувчи-ёшлар учун миллий қадрият ва бой тарихий меросимиз ҳақида ҳужжатли ва бадиий филмлар яратиш, лозим деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. “Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз.” – Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2021 йил 29 декабр.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 13 октябрдаги“Археология мероси обектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида” ЎРҚ-229-сон қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1059-сон қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2021 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2021 йил 26 мартдаги “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 5640-сонли қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 июлдаги “Умумий ўрта таълим муассасаларида тарбия фанини босқичма-босқич амалга ошириш тўғрисида”ги 422-сонли Қарори.
8. “Ўзбекистон тарихи журнали”, 2020 йил 3-сон.
9. “Маърифат” газетаси, 2021 йил 28 апрел. № 17 (9342)-сон.

ЎҚУВ МОТИВЛАРИ – ЁШЛАРНИ ВАТАНГА МУҲАББАТ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ ОМИЛИ СИФАТИДА

Азимова Камола,
Бухоро давлат университетининг
Педагогика институти магистранти

Бугунги кунда ўрта таълим мактабларида таълим-тарбия сифатини яхшилаш, самарадорлигини оширишга йўналтирилган кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда. Замонавий таълим концепциялари асосланиб, давр талабларига мос дастур, дарсликлар тузилганлиги; ўқувчилар ўзлаштиришини жаҳон андозаларига мўлжаллаб ДТСлар ишлаб чиқиб, жорий қилинганлиги бунга яққол далил бўла олади. Бу шубҳасиз, таълим жараёнида ўқувчилар ўқув-билув фаолиятини илмий асосда ташкил этиш, бошқариш ва назорат қилишнинг имкониятларини оширди. Педагогик назария замонавий ғоялар билан бойитилиб, педагогик амалиёт янада такомиллаштирилди. [4]

Таълим жараёнида ўқувчиларнинг ўқув мотивларини шакллантиришда ўқитувчи жуда муҳим ўрин эгаллайди. Чунки у таълим жараёнини ташкил этувчи ва бошқарувчи субъект сифатида ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолиятини ҳам бевосита бошқариб боради.

Таълим жараёнида ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолиятини бошқариш ва мотивлаштириш жуда кўп омилларга боғлиқ. Шундай муҳим омиллардан бири бу ўз предметини қизиқарли қилиб етказа олишдир. Зеро, қизиқиш барча психик жараёнлар (идрок, диққат, хотира, тафаккур, ирода) нинг кечишига ижобий таъсир кўрсатади. “Ўқувчини тарбиялаш ва таълим бериш жараёнида ўқув қизиқиши кўпқиррали таъсирга эга бўлади: ҳам ўқувчини машғул қилувчи, жонли таълим воситаси, ҳам ўқувчи алоҳида хатти-ҳаракатларининг кучли мотиви, ҳам ўқувчининг йўналишини белгилайдиган қатъий шахсий фазилат каби таъсир даражаларига эга бўлади”. [5]

Таъкидлаш жоизки, мустақил таълимнинг барча янги технологиялари аввало, ўқувчиларни фаоллаштиришни назарда тутади. Зеро, хатти-ҳаракатлари ва тиришқоқлиги натижасида англанган ҳақиқатлар ўқув-билув фаолиятида жуда катта аҳамиятга моликдир. Бу ўринда таълим жараёнига интерактив ўқув қўлланмаларининг янги авлодини киритиш талаб этилади. Чунки шундай мазмундаги ўқув машғулотлари ўқувчиларни мунтазам равишда саволларга жавоб бериш, доимий равишда дарсда иштирок этиб бориш, тескари алоқани ўрнатиб бориш, таълим жараёнида махсус компютерли дастурлар, мултимедияли ўқитиш тизимларини қўллаш, мунтазам равишда жорий тест синовларини ўтказиб туришни назарда тутади.

Инсон фаолиятига кучли таъсир кўрсатадиган мотивлардан бири бу қизиқишдир (қизиқиш – “interest” – грекча “аҳамиятга эга”, “муҳим” деган маъноларни билдиради). Қизиқиш – киши томонидан амалга ошириладиган хатти-ҳаракатнинг ўта муҳим деб ҳис этиладиган сабабидир. Қизиқишни бошқача қилиб, кишининг ўз фаолиятига нисбатан ижобий баҳоловчи

муносабати сифатида ҳам таърифлаш мумкин. Ўқув-билув қизиқиши ўқувчининг билиш объектига нисбатан ҳиссий муносабатида намоён бўлади. Л.С.Виготский шундай ёзади: “Қизиқиш – бу бола хатти-ҳаракатининг табиий ҳаракатлантирувчи манбаи, у инстинктив интилишнинг аниқ ифодаси, бола фаолиятининг шахсий органик эҳтиёжлари билан мос келишидир. Шунинг учун ҳам педагогик тизимда бутун таълим жараёнини болаларнинг табиий қизиқишлари асосида қуриш қоидаси қатъий амал қилади. Педагогик қонун шундай талаб қилади: болани қандайдир фаолиятга жалб этишдан олдин уни шу фаолиятга қизиқтир, у фаолиятга тайёр бўлиши, у ёки бу фаолиятга киришиш учун бутун куч-ғайратини тўлаб олиши учун қайғур, шундагина бола ўзи мустақил фаолият кўрсата бошлайди, ўқитувчи эса фақат уни бошқариб туради холос”. [1]

Ўқитувчи ҳар доим ўқувчисининг ривожланиш даражаси, унинг хотираси, диққати, иродаси, мақсадга йўналганлиги устидан назорат қилиб боради.

Бунда нимага асосланади?

Ўқитувчи ўз ўқувчиси инсон ҳақида шошиб ёмон фикрга бориши ёки уни айблаши мумкин эмас. Унинг бош вазифаси – ўқувчини барча кўринишларида ўрганиш ва тушунишга ҳаракат қилишдир. Ўқитувчилик касби ўйламасдан иш кўришни кечирмайди. Ўқувчи қалбига чуқур кириб бориш, унинг руҳияти ва характерини англаб олиш маҳоратли ўқитувчига хос бўлган хусусиятдир. [3]

Маълумки, ўқув мотивларини шакллантириш дарсдаги мос психологик иқлимнинг яратилишига ҳам боғлиқ.

Дарсда самарали психологик муҳитни қандай қилиб ўрнатиш мумкин?

Энг аввало синфда ўқувчининг хотиржам ишлаши учун халақит берадиган, чалғитадиган, уни ғашига тегадиган барча нарсаларни йўқотишга ҳаракат қилиш керак.

Ўқитувчининг ўз ўқувчилари олдига қўядиган талаблари ҳам унда ўқув мотивларининг шаклланишига катта таъсир кўрсатади. 45 дақиқали ўқув машғулоти давомида ўқитувчининг ўз ўқувчиларига нисбатан қўядиган талабларини оддий ҳисоблаб чиқилганда, улар ўртача 100 га яқин эканлиги аниқланган. [2]

Хулоса қилиб айтганда, педагог олимлар томонидан олиб борилган қатор дидактик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, таълим жараёни самарадорлигини оширадиган ўқитиш омиллари ичида ўқув мотивлари омили биринчи ўринда турар экан, яъни таълим самарадорлиги 92% и ўқув мотивларини шакллантиришга боғлиқ экан. Инсон табиатини озгина бўлсада тушунадиган киши бунинг бежиз эмаслигини эътироф этади. Мотивлар дидактик жараённинг асосий ҳаракатлантирувчи кучидир. Ҳаракатлантирувчи мотивларни ўрганиш, тўғри қўллаш ва уни тўғри йўналтира олиш педагогик фаолият мазмунининг асосий моҳиятини белгилайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Виготский Л.С. Педагогическая психология. –М., 1996. – С.84.

2. Коротов В.М. Иду ему на первые уроки. –М., 1971. –С.15.
3. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллари. –Т.: Ўзбекистон, 2000. –Б.30-34.
4. Йўлдошев Ж.Ғ. Таълим янгиланиш йўлида. –Т.: Ўқитувчи, 2000. –Б.35.
5. Гукина Г.И. Проблема познавателного интереса в педагогике. – М., 1971. – С. 53-54.

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШДА ДАВЛАТЛАР ҲАМКОРЛИГИНИНГ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Асатуллаев Махмудходжа,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети магистранти

Бугунги дунёда ИТнинг ривожланиши натижасида эришилган ютуқлар бутун халқаро ҳамжамият манфаатларига дахлдордир. Инновациялар цивилизация, давлатлараро ўзаро ҳамкорлик ва бутун инсоният салоҳиятини ривожлантириш учун кенг имкониятлар очади.

Бироқ, технология ноқонуний мақсадларда ҳам ишлатилиши мумкин. Сўнгги йилларда тобора ортиб бораётган тенденция – бу жиноий гуруҳлар томонидан турли хил жиноятларни содир этиш учун ИТ-дан фойдаланиш ҳисобланади. Бундай ноқонуний хатти-ҳаракатлар латентликнинг юқори даражаси билан тавсифланади ва кўп ҳолларда аниқ трансмиллий хусусиятга эга бўлади[21].

Кўрсатилган ҳолатлар ўрганилаётган соҳада ўзаро ҳамкорликнинг турли шакллари ва йўналишларини назарда тутувчи самарали халқаро ҳамкорликни амалга оширишни тақозо этади. А.Г. Волеводз таъкидлаганидек, агар халқаро ҳамкорликни амалга оширишга ҳисса қўшадиган кучли халқаро ҳуқуқий асослар мавжуд бўлса, бундай ҳамкорликни самарали амалга ошириш мумкин бўлади[22].

ИТ жиноятларига қарши курашда давлатлар ҳамкорлигини халқаро ҳуқуқий тартибга солишнинг энг мураккаб муаммоларидан бири бу ўрганилаётган соҳада жиноятларга қарши курашиш масалаларини тартибга солувчи универсал халқаро шартноманинг йўқлиги ҳисобланади. Шубҳасиз, БМТ доирасида мазкур масала бўйича музокаралар жараёни фаоллашгани бу борадаги ижобий тенденциядир. Бироқ, ИТ соҳасидаги жиноий трансмиллий таҳдидларга қарши курашиш учун универсал халқаро ҳуқуқий асосларни

[21] BMT Bosh Assambleyasining 2018 yil 30 iyuldagi 74/130 “Axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan jinoiy maqsadlarda foydalanishga qarshi kurash” rezolyutsiyasi. BMT Bosh kotibining ma’ruzasi // BMTning rasmiy sayti. URL: https://www.unodc.org/documents/Cybercrime/SG_report/V1908184_R.pdf

[22] Волеводз А.Г. Противодействие компьютерным преступлениям: правовые основы международного сотрудничества. - М.: Юрлитинформ, 2001. 496 с.

ишлаб чиқиш бўйича узоқ муддатдан бери муҳокама қилинаётган масалаларнинг давлатлар учун қанчалик муҳимлигини ва бу соҳада давлатлараро қарама-қаршиликлар мавжудлигини баҳолаш имконини беради.

Давлатларнинг ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашишга универсал ёндашувларини ривожлантириш хусусиятларини ўрганиш натижасида шуни таъкидлаш керакки, ушбу йўналишдаги халқаро ҳамкорлик дастлаб халқаро ахборот хавфсизлигини ҳомийлик остида таъминлашнинг концепциясини шакллантириш доирасида амалга оширилган. БМТнинг 1998 йил 4 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган "Халқаро хавфсизлик шароитида ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасидаги ютуқлар" биринчи ҳужжатида давлатлараро ҳамкорликнинг бошқа йўналишлари қаторида халқаро тамойилларни ишлаб чиқиш вазифаси ҳам белгиланган эди. Бу глобал ахборот тизимлари хавфсизлиги ва ахборот терроризми ва жиноятчиликка қарши курашга маълум даражада ҳисса қўшган[23].

Келгусида халқаро ҳамкорликнинг ушбу йўналишлари БМТ Бош Ассамблеясининг шу номдаги йиллик резолюцияларида муҳокама қилиш учун кўтарилиб, Халқаро контекстда ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасидаги ютуқлар бўйича ҳукумат экспертлари гуруҳи доирасида фаол ривожланмоқда.

Юзага келган қийинчиликларга қарамай, 2018 йил 5 декабрда "Халқаро хавфсизлик шароитида ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасидаги ютуқлар" биринчи резолюцияси қабул қилинганидан 20 йил ўтиб, БМТга аъзо давлатлар кўпчилик овоз билан мазкур резолюцияни маъқулладилар. Унда Россия Федерацияси ташаббуси билан давлатларнинг ахборот маконида масъулиятли хатти-ҳаракатларининг 13 та қоидалари, нормалари ва тамойиллари киритилган.

Резолюциянинг тўртинчи тамойилида ахборот технологиялари соҳасида жиноятчиликка қарши курашиш бўйича ҳамкорлик масалалари мустаҳкамланган бўлиб, унга кўра давлатлар ахборот алмашиш, ўзаро ёрдам, террорчилик ва жиноят содир этишда айбдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш бўйича ҳамкорликнинг энг яхши йўлларини кўриб чиқишлари лозим. ИТдан фойдаланиш ва бундай таҳдидларга қарши курашиш учун бошқа чораларни кўриш масалалари кўтарилган[24].

Резолюцияда, шунингдек, халқаро ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалаларининг бутун мажмуасини кўриб чиққан ҳолда, БМТга аъзо барча давлатлар иштирок этиши мумкин бўлган Халқаро ахборот хавфсизлиги

[23] Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasining 1998 yil 4 dekabrdagi 53/70 "Xalqaro xavfsizlik kontekstida axborotlashtirish va telekommunikatsiyalar sohasidagi yutuqlar" rezolyutsiyasi // BMTning rasmiy sayti. URL: https://undocs.org/ru/A/RES/53/70

[24] Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasining 2018 yil 11 dekabrdagi A / RES / 73 / 27 rezolyutsiyasi Xalqaro xavfsizlik kontekstida axborotlashtirish va telekommunikatsiyalar sohasidagi yutuqlar" // BMTning rasmiy sayti. URL: https://undocs.org/pdf? simvol=ru/A/RES/73/27

бўйича очиқ ишчи гуруҳини ташкил этиш кўзда тутилган. Бу эса ўрганилаётган соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантириш учун янги имкониятлар очди. Очиқ ишчи гуруҳнинг биринчи йиғилиши 2019 йил сентябр ойида бўлиб ўтган.

Бундан ташқари, параллел равишда БМТ Бош Ассамблеясининг 2018йил 22 декабрдаги A/РЕС/73/266 "Халқаро хавфсизлик контекстида давлатларнинг кибермакондаги масъулиятли хатти-ҳаракатларини рағбатлантириш" "Америка" резолюцияси тасдиқланди[25].

Э.С. Зиновев таъкидлаганидек[26], қабул қилинган қарорлар кўриб чиқилаётган масалаларнинг аҳамияти ортиб бораётганидан далолат беради. Шундай қилиб, БМТ платформасида турли юрисдиктсия ва мақомга эга иккита гуруҳ шакллантирилди, уларнинг фаолияти ахборот маконида давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни халқаро ҳуқуқий тартибга солишни изчил ривожлантиришга қаратилган.

2001 йилда Кибержиноятлар тўғрисидаги Конвенция (Будапешт конвенцияси) иштирокчилари бўлган АҚШ, Канада, Буюк Британия ва Европа Иттифоқига аъзо давлатлар янги конвенция қабул қилиш ўрнига аъзолар сонини кўпайтиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар. Хусусан, БМТ Бош котибининг 2019 йилдаги 74-сессиясида кўриб чиқиш учун Бош Ассамблеянинг 73/187 резолюциясига мувофиқ тайёрланган "Ахборот-коммуникация технологияларидан жиноий мақсадларда фойдаланишга қарши курашиш" тўғрисидаги маърузаси алоҳида қизиқиш уйғотади. Ушбу маъруза белгиланган масалалар бўйича аъзо давлатларнинг позицияларини ўз ичига олади.

Шундай қилиб, бизнинг фикримизча, халқаро ҳамжамият ривожланишининг ҳозирги шароитида, Конвенсияси барча давлатларнинг манфаатларини ҳисобга оладиган самарали халқаро шартнома бўла олмайди, чунки юқоридаги сабабларга кўра замонавий халқаро ҳамжамият давлатларининг ярмидан кўпи (Будапешт конвенсиясининг иштирокчиси бўлмаган давлатлар) ушбу халқаро ҳуқуқий ҳужжатда назарда тутилган мажбуриятларни қабул қилишдан асосли равишда бош тортмоқдалар.

Ахборот технологиялари соҳасида жиноятларга қарши курашиш бўйича универсал халқаро шартнома мавжуд эмаслигини ҳисобга олиб, ушбу соҳадаги ўзаро ҳамкорлик масалаларига бағишланган минтақавий халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Минтақавий халқаро шартномаларни ўрганиш турли минтақаларда жиноятларга қарши курашда давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг хусусиятларини аниқлашни таъминлайди. Бундан ташқари, БМТ Бош Ассамблеясининг барча

[25] Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasining 2018 yil 22 dekabrdagi A / RES / 73 / 266 "Xalqaro xavfsizlik kontekstida kibermakonda davlatlarning mas'uliyatli xatti-harakatlarini rag'batlantirish" rezolyutsiyasi // BMTning rasmiy sayti. URL: https://undocs.org/ru/A/RES/73/266

[26] Зиновьева Е.С. Дипломатическое наступление России в области информационной безопасности // Официальный сайт МГИМО(У) МИД России. URL:https://mgimo.ru/about/news/experts/diplomaticheskoe-nastuplenie-rossii-v-oblasti-informatsi-onnoy-bezopasnosti/#5

ZJV5401

резолюцияларида ИТдан жиноий мақсадларда фойдаланишга қарши курашиш бўйича мавжуд миллий, халқаро ҳуқуқий ва бошқа чора-тадбирларни кучайтириш ва янгиларини ишлаб чиқиш йўлларини ўрганиш бўйича халқаро ва минтақавий нормаларнинг аҳамияти кўрсатилган[27].

Умуман олганда, Кибер жиноятларга қарши кураш бўйича халқаро ҳамкорликни амалга оширишда минтақавий ҳамкорлик тажрибасини ҳисобга олиш лозим бўлади. Шунингдек, кўриб чиқилаётган соҳада жиноятчиликка қарши курашда юзага келган минтақавий халқаро шартномалар таҳлили қуйидаги параметрлар билан белгиланиши лозим:

I. Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни тузиш мақсадлари;

II. Терминология (Атамалар);

III. Жиноий жавобгарликка тортиладиган ноқонуний хатти-ҳаракатлар таркиби;

IV. ИТ соҳасига хос давлатлараро ҳамкорлик шакллари[28].

Кўрсатилган параметрлар бўйича биз 2001 йилдаги Кибержиноятчилик тўғрисидаги Будапешт Конвенциясини, ШҲТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида 2009 йилдаги Ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битимни, 2010 йилдаги ИТ соҳасидаги жиноятларга қарши кураш тўғрисидаги Араб лигаси конвенциясини, 2014 йилдаги Киберхавфсизлик ва шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенция ва 2018 йилдаги ИТ соҳасидаги жиноятларга қарши курашда МДҲ иштирокчи-давлатларининг ҳамкорлиги тўғрисидаги битимларни таҳлил қиламиз.

I. Халқаро шартномалар тузиш мақсадларини ҳисобга олган ҳолда, қуйидагиларни таъкидлаш лозим.

2001 йил Кибержиноятлар бўйича Будапешт конвенцияси компютер тизимлари ва компютер маълумотлари билан боғлиқ жиноятлар ва протсессуал ҳаракатлар самарадорлигини ошириш, шунингдек, компютер тизимлари ва компютер маълумотлари билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш, рақамли далилларни тўплаш ҳамда бундай имкониятларни тақдим этиш билан боғлиқ биринчи халқаро ҳуқуқий ҳаракат эди[29].

ШҲТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида Ахборот хавфсизлиги масалалари 2009 йилдаги келишувда белгиланган эди. Ўзаро ҳамкорликнинг асосий мақсади самарали халқаро ахборот хавфсизлиги таҳдидини чеклаш ҳамда халқаро ахборот хавфсизлиги соҳасидаги ҳамкорлик бўлган[30].

---

[27] Hukumat ekspertlari guruhining xalqaro xavfsizlik kontekstida axborotlashtirish va telekommunikatsiyalar sohasidagi yutuqlar to‘g‘risidagi hisoboti 2015 yil // BMTning rasmiy sayti. URL: https://undocs.org/ru/A/70/174; BMT Bosh Assambleyasining 2017 yil 17 dekabrdagi rezolyutsiyasi A/RES/73/187 // BMTning rasmiy sayti. URL: https://undocs.org/ru/A/RES/73/187

[28] Мысина А.И. К вопросу о региональных правовых основах сотрудничества государств по противодействию преступлениям в сфере ИТ // Российская юстиция. 2019. № 5. С. 20-24.

[29] Конвенция Совета Европы о киберпреступности 2001 г. // Справочно-правовая система ГАРАНТ. URL: http://base.garant.ru/4089723

[30] ShHTga a’zo davlatlar hukumatlari o‘rtasida axborot xavfsizligi sohasida hamkorlik to‘g‘risidagi bitim, 2009 y. // ShHTning rasmiy sayti. URL: https://ccdcoe.org/sites/default/files/documents/

Яқин Шарққа келсак, у Араб давлатлари ўртасидаги жиноятларга қарши кураш соҳасидаги ҳамкорликни кучайтириш масалаларини тартибга солувчи жиноятларга қарши кураш тўғрисидаги конвенцияни қабул қилди. Бундан мақсад Араб давлатлари томонидан Араб жамиятини ҳимоя қилишга қаратилган умумий жиноий сиёсатни амалга оширишга қаратилган ҳаракат эди. Конвенсиянинг мақсади, Араб давлатлари ўртасида жиноятчилик назорати соҳасидаги ҳамкорликни кучайтириш ва кенгайтиришдан иборат, бу жиноятларнинг олдини олишда, шунингдек араб давлатларининг хавфсизлиги манфаатларини таъминлашда асосий восита вазифасини бажармоқда[31].

2018-йилги МДҲга аъзо давлатлар ўртасида ахборот технологиялари соҳасида жиноятчиликка қарши курашиш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг муқаддимасида жиноятларга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини уйғунлаштириш, шунингдек, самарали фаолиятни таъминлаш мақсадида халқаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш зарурлиги қайд этилган[32]. Бундан ташқари, кўриб чиқилаётган халқаро шартнома ИТ соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш, фош этиш, тергов қилиш ва олдини олишни таъминлаш бўйича иштирокчи-давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга, шунингдек, ахборот технологиялари соҳасидаги миллий қонунчиликни бир-бирига мослаштиришга қаратилган.

II. Ўрганилаётган мавзу юзасидан халқаро шартномаларда мустаҳкамланган терминологияга келсак, қуйидагиларни эътиборга олиш лозим.

2001 йилдаги Кибержиноят тўғрисидаги Европа Иттифоқи конвенцияси номидан «кибержиноят»[33] атамаси қўлланилган. Конвенциянинг 1-бандида «компютер тизими», «компютер маълумотлари», «хизмат кўрсатувчи провайдер», «оқим маълумотлари» каби таърифлар мавжуд. Шуни таъкидлаш керакки, Будапешт конвенциясида кибержиноят тушунчаси кўзда тутилмаган, аммо кибержиноят сифатида квалификация қилиниши керак бўлган таркиблар белгиланган. 2001 йилдаги Кибержиноятлар тўғрисидаги конвенция бугунги кунда амалда бўлган барча халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар орасида мазмуни жиҳатидан энг каттаси бўлгани ҳолда, у белгиланган тушунчаларнинг энг кам сонини назарда тутади.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг 2009 йилдаги Ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимида “ахборот хавфсизлиги”, “ахборот уруши”, “ахборот

[31] Arab davlatlari ligasining 2010 yildagi jinoyatlarga qarshi kurashish to’g’risidagi konventsiya. URL: https://www.asianlaws.org/gcld/cyberlawdb/GCC/Arab%20Convention%20on%20Combating%20Information%20Technology%20Offences.pdf.

[32] Mustaqil Davlatlar Hamdo’stligiga a’zo davlatlar o’rtasida IT sohasidagi jinoyatlarga qarshi kurashda hamkorlik to’g’risidagi bitim 2018 // MDH davlatlarining qonunchiligi.
URL: http://base.spinform.ru/showdoc.fwx?rgn=110821

[33] Evropa Kengashining Kiberjinoyat to’g’risidagi konventsiyasi 2001 // Ma’lumotnoma va huquqiy tizim. ГАРАНТ. URL: http://base.garant.ru/4089723

инфратузилмаси”, “ахборот қуроллари”, “ахборот жинояти”, “ахборот макони”, “ахборот ресурслари”, “ахборот терроризми”, “муҳим тузилмалар”, “халқаро ахборот хавфсизлиги”, “ахборот ресурсларидан нотўғри фойдаланиш”, “ахборот ресурсларига рухсатсиз аралашиш”, “ахборот хавфсизлигига таҳдид” каби тушунчалар мустаҳкамланган (1-модда)[34]. Кўриб чиқилаётган келишувда ахборот хавфсизлиги билан боғлиқ тушунчаларни аниқлашга катта эътибор қаратилган. Бироқ уларнинг аксарияти ИТ жиноятларига қарши курашда халқаро ҳамкорликни амалга ошириш билан чамбарчас боғлиқдир.

2014 йилги Киберхавфсизлик ва шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Африка иттифоқининг конвенсиянинг 1-моддасида «болалар порнографияси», «компютер тизими», «компютерлаштирилган маълумотлар», «шахсий маълумотларни қайта ишлашга розилик», «муҳим инфратузилма», “криптологик фаолият”, “электрон имзо”, “электрон имзо яратиш қурилмаси”, “электрон имзони текшириш қурилмаси”, “шифрлаш”, “ахборот”, “электрон тўлов”, “шахсий маълумотлар”, “шахсий маълумотларни қайта ишлаш”, “ахборот технологияларида иркчилик» “махфий маълумотлар” каби тушунчаларнинг таърифлари берилган. «Киберхавфсизлик ва шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги 2014 йилги Африка иттифоқи конвенцияси кўриб чиқилаётган халқаро шартномада иштирок этувчи давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий масалаларини тушунишда бир хилликка эришишга маълум даражада ёрдам берадиган энг кўп тушунчаларни тақдим этади, хусусан: белгиланган ҳудудда жиноятларга қарши курашнинг деталларини, масалан, криптология ва шахсий маълумотларни қайта ишлаш воситалари ва ҳ.к.

III. Ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг белгиланган таркиби бўйича шартномаларнинг қоидаларини кўриб чиқишда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим. 2001 йилги Будапешт конвецияси кибержиноятларни тўрт гуруҳга ажратади:

1. Компьютер маълумотлари ва тизимларининг махфийлиги, яхлитлиги ва мавжудлигига қарши қаратилган ноқонуний хатти-ҳаракатлар, улар қуйидагиларни ўз ичига олади: ноқонуний кириш (2-модда), қонунга хилоф равишда ушлаб туриш (3-модда), маълумотларга таъсир қилиш (4-модда), тизимларга таъсир қилиш (5-модда). Бундан ташқари, белгиланган гуруҳга 2-5-моддаларда назарда тутилган жиноятларни содир этиш учун ишлаб чиқилган ёки мослаштирилган компьютер дастурлари - компьютер дастурлари, шунингдек компьютер пароллари, кодлари, уларнинг аналоглари орқали бутун компьютер тизимига кириш мумкин бўлган қурилмалардан ёки унинг бирон бир қисмларидан ноқонуний фойдаланиш киради[35].

[34] ShHTga a’zo davlatlar hukumatlari o‘rtasida axborot xavfsizligi sohasida hamkorlik to‘g‘risidagi bitim, 2009 y. // ShHTning rasmiy sayti. URL: https://ccdcoe.org/sites/default/files/documents/ SCO-090616-IISAgreementRussian

[35] Конвенция Совета Европы о киберпреступности 2001 г. // Справочно-правовая система ГАРАНТ. URL: http://base.garant.ru/4089723

2. Компьютер воситаларидан фойдаланиш билан боғлиқ жиноятлар, хусусан: компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда қалбакилаштириш (7-модда) ва фирибгарлик (8-модда) (компьютер маълумотларини зарарли ва ноқонуний киритиш, ўзгартириш, йўқ қилиш ёки блокировка қилиш, бу эса компьютер маълумотларининг бузилишига олиб келади).

3. Болалар порнографиясини ишлаб чиқариш (компютер тизими орқали тарқатиш мақсадида), фойдаланишни таклиф қилиш ва (ёки) тақдим этиш, тарқатиш ва сотиб олиш, шунингдек, компьютер хотирасида жойлашган болалар порнографиясига эгалик қилиш (9-модда).

4. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларнинг бузилиши билан боғлиқ жиноятлар (10-модда)[36].

ШҲТнинг 2009 йилдаги Ҳукуматлараро келишуви жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган муайян жиноятларни белгиламайди, бироқ, халқаро ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги асосий таҳдидларни белгилайди, бу эса, ўз навбатида, ИТ соҳасидаги жиноятлар билан боғлиқ. Буларга қуйидагилар киради:

- ахборот қуролларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш, ахборот урушини тайёрлаш ва олиб бориш;
- ахборот терроризми;
- ахборот жинояти;
- ахборотда устун мавқедан фойдаланиш бошқа давлатларнинг манфаатлари ва хавфсизлигига зарар етказадиган макон яратиш;
- бошқа давлатларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий тизимларига, маънавий-ахлоқий ва маданий муҳитига зарар етказувчи ахборотни тарқатиш;
- табиий ва (ёки) техноген хусусиятга эга глобал ва миллий ахборот инфратузилмаларининг хавфсиз, барқарор ишлашига таҳдидлар.[37]

3. Кибержиноятлар тўғрисидаги конвенцияси доирасида ИТ жиноятларига қарши курашда халқаро ҳамкорлик қуйидаги аниқ шаклларда амалга оширилади:

- компьютер маълумотларининг хавфсизлиги кечиктирмасдан таъминлаш
(29-модда);
- ахборот оқимлари бўйича сақланган маълумотларни кечиктирмасдан ошкор қилиш (30-модда);
- сақланадиган электрон маълумотлардан фойдаланиш бўйича ўзаро ёрдам (31-модда);

[36] Конвенция Совета Европы о киберпреступности 2001 г. // Справочно-правовая система ГАРАНТ. URL: http://base.garant.ru/4089723

[37] Соглашение между правительствами государств-членов ШОС о сотрудничестве в области обеспечения информационной безопасности 2009 г. // Официальный сайт ШОС. URL: https://ccdcoe.org/sites/default/files/documents/ SCO-090616-IISAgreementRussian

- тегишли розилик билан сақланган компьютер маълумотларига ёки ҳамма учун очиқ маълумотларга трансчегаравий кириш имконияти (32-модда);

- реал вақт режимида маълумотларни йиғиш бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам (33-модда);

- маълумотларни қўлга киритишда ўзаро ёрдам (34-модда)[38].

Бундан ташқари, ушбу халқаро шартноманинг 35-моддасида ҳар бир иштирокчи-давлат кунига 24 соат, ҳафтада етти кун ишлайдиган ва бошқа иштирокчи давлатларга кибержиноятларни тергов қилиш ёки суд жараёнларида шошилинч ёрдам кўрсатадиган алоқа марказини белгилашини назарда тутади.

ШҲТнинг 2009 йилдаги Ҳукуматлараро келишуви ва 2014 йилдаги Киберхавфсизлик ва шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенцияга аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик асосан трансмиллий ҳамкорликнинг классик шакллари орқали амалга оширилади ва ИТ сектори учун давлатлараро ўзаро ҳамкорликнинг ўзига хос шаклларини назарда тутмайди.

2010 йилдаги ИТ-жиноятларга қарши кураш бўйича Араб лигаси конвенцияси 2001 йилги Будапешт конвенциясида мустаҳкамланган шартларга ўхшаш трансмиллий ҳамкорликнинг махсус шаклларини назарда тутади[39].

2018-йилда МДҲга аъзо давлатлар ўртасида ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битим халқаро ҳамкорликнинг қуйидаги ўзига хос шаклларини назарда тутади:

- ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш, уларга чек қўйиш, фош этиш ва тергов қилиш бўйича вазифаларнинг бажарилишини таъминлайдиган ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни яратиш (5-модданинг “э” банди);

- ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш, чек қўйиш, фош этиш ва тергов қилишда фойдаланиладиган дастурий маҳсулотлар ва ечимлар алмашинуви (5-модданинг “г” банди);

- компьютер тизимларида сақланадиган маълумотларни зудлик билан сақлаш тўғрисидаги сўровни бажариш (5-модданинг “в” банди)[40].

Шундай қилиб, ушбу соҳадаги минтақавий халқаро шартномаларни таҳлил қилиш орқали қуйидагилар аниқланди:

- ўрганилаётган йўналиш бўйича халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни тузишдан асосий мақсад, асосан, халқаро ҳуқуқий базани шакллантириш ва

[38] Evropa Ittifoqining Kiberjinoyat to’g’risidagi konventsiyasi 2001 // Ma’lumotnoma va huquqiy tizim GARANT. URL: http://base.garant.ru/4089723

[39] Arab ligasining 2010 yilgi IT sohasidagi jinoyatlarga qarshi kurash to’g’risidagi konventsiyasi URL: https://www.asianlaws.org/gcld/cyberlawdb/GCC/Arab%20Convention%20on%20Combating%20Information%20Technology%20Offences.pdf

[40] Mustaqil Davlatlar Hamdo’stligiga a’zo davlatlar o’rtasida IT sohasidagi jinoyatlarga qarshi kurashda hamkorlik to’g’risidagi bitim 2018 // MDH davlatlarining qonunchiligi. URL: http://base.spinform.ru/showdoc.fwx?rgn=110821

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш орқали ИТ соҳасидаги жиноятларга қарши курашишда давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик самарадорлигини оширишдан иборат;

- таҳлил қилинаётган халқаро шартномаларнинг мунтазамлиги кўриб чиқилаётган соҳа учун муҳим бўлган аниқ тушунчаларни бирлаштиришда, шу билан бирга турли манбаларда қўлланилган атамаларда номувофиқлик мавжудлиги;

- ИТ соҳасидаги жиноятларга қарши курашда давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни тартибга солувчи минтақавий халқаро шартномаларда мустаҳкамланган ҳуқуқбузарликлар рўйхатининг мувофиқ эмаслиги турли минтақаларда давлатлараро ўзаро ҳамкорликни амалга оширишга ёндашувларнинг хилма-хиллиги билан боғлиқ;

- ИТ соҳасига хос бўлган давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг инновацион шаклларини халқаро ҳуқуқий мустаҳкамлаш тенденцияси кузатилмоқда, жумладан: оператив хавфсизлик ва ахборот оқимлари тўғрисидаги маълумотларни қисман ошкор қилиш; реал вақт режимида ахборот оқимлари бўйича маълумотларни тўплаш; муайян коммуникациялар мазмуни билан боғлиқ маълумотларга нисбатан ўзаро ёрдам;

- ўрганилаётган халқаро шартномаларнинг қатъий тушунчалари, жиноий жавобгарликка тортилиши керак бўлган жиноятлар рўйхати, шунингдек, давлатлараро ўзаро муносабатлар шаклларига оид қоидаларининг номувофиқлиги турли минтақалардаги давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни қийинлаштирмоқда, чунки бугунги кунда ушбу масалаларга умумий қабул қилинган ёндашувлар мавжуд эмас.

Давлатларнинг ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашдаги ҳамкорлигининг халқаро ҳуқуқий асосларини кўриб чиқиб, шуни таъкидлаш лозимки, универсал меъёрлар ҳамон шаклланиш жараёнида эканлиги, минтақавий халқаро шартномалар қоидалари парчаланиш ва бўлиниш билан тавсифланаётганлиги, икки томонлама келишувлар асосан ўзаро ишончни мустаҳкамлашга қаратилаётганлиги давлатларнинг ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашда халқаро ҳамкорликни амалга оширишга замонавий ёндашувларининг қатъий атамаларга, ноқонуний хатти-ҳаракатлар таркибига ва халқаро ҳамкорлик шаклларига, шунингдек, давлатлараро ўзаро ҳамкорликнинг турли даражаларида номувофиқликларни аниқлаш ва бартараф этиш ҳамда ушбу соҳада содир этилган трансмиллий жиноятларни аниқлаш ва олдини олиш муаммосини қийинлаштирмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Устав Организации Объединенных Наций 1945 г. Сан-Франциско // Официалный сайт ООН. URL: http://www.un.orgru/documents/charter.
2. Всеобщая декларация прав человека от 1948 г. // Официалный сайт ООН // Справочно-правовая система ГАРАНТ. УРЛ: http://base.garant.ru /10135532.

3. Международный пакт о гражданских и политических правах. Принять резолюцией 2200 А (XXI) Генералной Ассамблеи ООН от 16 декабря 1966 г.//Офитциалный сайт ООН. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/pactpol.shtml. Венская конвенция о праве международных договоров 1969 г. // Справочно-правовая система «Консултант Плюс».УРЛ: http://www.consultant.ru/document/consdoc. _ЛАW_12754.
4. Конвенция ООН против транснациональной организованной преступности от 15 ноября 2000 г. // Официальный сайт ООН. УРЛ: http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/orgcrime.Конвенсия о защите физических лис при автоматизированной обработке персоналных данных 1981 г. // Справочно-правовая система ГАРАНТ. УРЛ: ҳттп://басе.гарант.ру / 4089723.
5. Волеводз А.Г. Противодействие компютерным преступлениям: правовые основы международного сотрудничества. - М.: Юрлитинформ, 2001. 496 с.

СОҒЛОМ ЭЪТИҚОД – ЖАМИЯТНИ БАРҚАРОРЛАШТИРУВЧИ ҚАДРИЯТДИР

Маврулова Муниса,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти катта ўқитувчиси

Мамлакат раҳбари Шавкат Мирзиёев Янги Ўзбекистон орзуси, бугунги кунларимизга нисбатан айтганда, ҳозирги даврнинг тақозаси, унинг асл қиёфаси, ҳаракатлантирувчи кучлари ва омилларини белгилайдиган ғоявий-маънавий асос, халқимизга хос буюк бунёдкорлик ҳисси билан яшаш ва кенг кўламли ислоҳотларимизнинг яққол ифодасидир, деб таъкидлайди. Янги Ўзбекистонни барпо этиш халқимиз олдида турган улкан имтиҳондир. Бунинг учун ҳозирги пайтда юртимизда фуқароларнинг виждон ва эътиқод эркинлигини таъминлаш, уларнинг бу борадаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи ҳам ўта долзарб бўлиб турибди. (Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. –Тошкент, “Ўзбекистон”, 2022.-12,297-бетлар).

Дарҳақиқат, ҳар бир халқнинг ўзлигини англатувчи, унинг маъно-мазмуни ҳамда моҳиятини сездириб турадиган сўзлар борки, уларсиз ушбу халқни, бу халқ характерини тушуниш мушкул. Шундай атамалардан бири-ўзбек халқининг қадим-қадимдан қон-қонига сингиб кетган “эътиқод” сўзидир.

Адабиётларда, турли луғатларда эътиқод сўзига турлича таърифлар берилсада, уларнинг умумий тушунчаси ишонч, иймон маъноси билан уйғун

ҳолда эътироф этилиб, асосан муайян мақсад, қадриятга ишонч, шу асосда шаклланадиган тафаккур тарзида баён этилади.

Эътиқод инсон дунёқарашининг энг барқарор, мустаҳкам компоненти сифатида ҳам тан олинади. Бу дунёда энг оғир нарса инсон эътиқодини шакллантиришдан иборатдир. Эътиқоди шаклланган инсон эса теварак-атрофдаги барча таҳдидлар-у қийинчиликлар олдида ўзини йўқотиб қўймайди, ақл-билимга суянган ҳолда барча қийин вазиятлардан тўғри йўлни танлаб, чиқиб кета олади.

Маълумки, эътиқодлар соғлом ва носоғлом бўлади. Носоғлом эътиқодга эга ҳар қандай инсонда муқаддас Ислом динини ниқоб қилиб олган жоҳил кимсалар билан ҳамтовоқ бўлиш, хунрезлик, қотиллик, зўравонликдан ҳазар қилмаслик, ҳақиқатни тан олмасдан, сохта ғояларга алданиб, зарарли оқимларга кириб бориш, террорчи бўлиш имкониятлари жуда юқори бўлади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда соғлом эътиқодни шакллантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. “Агар, дейди Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев, маҳаллангизда бирорта бола зарарли диний оқимга кириб қолган бўлса, уни нотўғри йўлдан қайтаришга ҳаракат қилинг. Аввало, улар билан гаплашиб, бу-ота-боболаринг йўли эмас, бу йўлдан қайт, ҳақиқат мана бу ёқда, тинчлик ва эзгулик йўлидан бориб, ҳеч ким кам бўлмаган, деб уларни соғлом эътиқодга ишонтириш керак. Билим билан, ақл ва маърифат, намунали ишлар билан ишонтириш керак. Тарихдан, бугунги ҳаётимиздан олинган ҳаётий, таъсирчан мисоллар билан иноитириш керак” (Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Тошкент, 2017.-472-бет).

Фуқароларимизда соғлом эътиқодни шакллантириш, аслида бизнинг миллий тарбиямиз асосини ташкил этади. Кўҳна тарихимизга эътибор қилинса, буюк мутафаккир-алломаларимиз асарларида, миллий-маданий меросимизда шахс тарбияси, айниқса унинг эътиқодини шакллантириш доимо устувор аҳамият касб этган. Бу масала бугунги кунда, дунёда турли ижтимоий муаммолар кескинлашуви авж олган бир шароитда янада кўпроқ ўринга эга бўлмоқда. Фуқаролар эътиқодини шакллантиришнинг кафолати эса Ўзбекистон Республикаси Конституциясида яққол ўз аксини топган. Жумладан, асосий қонунимизнинг 29-моддасида ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эгалиги таъкидланса, 31-моддада эса ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган.

Бугун мамлакатимизда иймон-эътиқоди бутун, яхши фазилатларни ўзига сингдириб олган, мамлакат ва миллат манфаатларини ўз манфаатлари билан уйғунлаштириб олган фуқароларимиз кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Айниқса ёшларимиз орасида оқни-оқ, қорани-қора дейдиган, ўзини турли салбий таъсирлардан ҳимоя қилишга қурби етадиганларнинг кўпайиб бораётганлиги барчамизни қувонтирмоқда. Қолаверса, бугун мамлакатимиз бутун дунёда ўзининг очиқлиги, мавжуд муаммоларни ҳал этишда конструктив ёндошувга суянаётганлиги билан ҳам юксак эҳтиромга сазовор

бўлмоқда. Бу нарса халқаро экспертлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Жумладан, АҚШ Президенти маслаҳатчиси ўринбосари, Миллий хавфсизлик кенгашининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича катта директори Лиза Кёртиснинг Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ҳамда унинг эътиқоди муқаддас саналаётгани тўғрисидаги фикрлари алоҳида аҳамиятга эга.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда сиёсий маҳбуслар озод қилинганлиги, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга қарши чоралар кўрилаётгани, ахборат воситаларидаги очилиш, ҳусусан, “Америка овози”нинг Ўзбекистонда аккредитация қилинишини юртимизда инсон эътиқоди масалаларига кенг ўрин берилаётганлигидан даракдир.

Ёшлар эътиқодини шакллантириш борасида мамлакатимизда ҳам талай ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан яқинда бошланган яна бир янги ташаббус жойларда “Обод кўнгил” дастурини амалга ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатни алоҳида таъкидлаш лозим. Ушбу дастур, аслида ёшларимиз орасидаги баъзи турли салбий ҳолатларнинг олдини олишга, уларнинг соғлом эътиқодини шакллантиришга қаратилганлиги билан ҳам кўпчилик ўртасида кенг ёйилмоқда.

Шунингдек, Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан жойларда “Мафкуравий харита”ни тузиш билан боғлиқ ишларнинг бошлаб юборилгани ҳам бугун эътиборга молик бўлмоқда.

Айни пайтда ҳали бу борада бажаришимиз лозим бўлган қатор муаммолар мавжудлигидан кўз юмиш ҳам мумкин эмас. Акс ҳолда нега орамизда айрим эътиқоди суст ватандошларимиз бор, нима учун иймон-эътиқоди паст баъзи ҳамюртларимиз бутун миллатнинг, мамлакатнинг ўзининг арзимас, майда манфаатлари юзасидан юзини ерга қаратиш ҳолатлари мавжуд? Ўзининг майил-истакларига эришиш баҳонасида ўз ғазабини жиловлай олмасдан одамларга мусибат етказаётган, “Оллоҳ йўлида” деб турли ваҳшийликларга ҳеч иккиланмасдан қўл ураётган баъзи қўшниларимиз, маҳалладошларимиз қаердан пайдо бўлмоқда?

Дарҳақиқат, бундай ҳолатлар, минг афсуслар бўлсинки, тез-тез учраб турибди. Хўш, бунинг сабаби нимада, нима учун бутун жамият бундай салбий ҳолатларга қарши курашганига қарамасдан эътиқоди суст, майда манфаатлар йўлида ўз иймонини сотишга тайёр ёшлар пайдо бўлмоқда? Ана шундай эътиқоди суст айрим ёшларимизни тўғри йўлга солиш бугун ўта долзарб масала бўлиб турибди. Бунинг учун, фикримизча қуйидагиларга эътибор бериш лозим, деб ўйлаймиз:

Биринчидан, инсон эътиқоди ўз-ўзидан шаклланмайди, унинг учун энг аввало, инсонда ўз-ўзини ислоҳ этишга эҳтиёж туғилиши лозим. Аммо бу жуда оғир масала. Аслида инсоннинг ўзини ислоҳ этиши ўзини қийнашдан бошланади. Бунинг учун у ўз айбини йўқотишни исташи, ўзининг айбларидан ҳамда хунук хулқ-атворларидан покланиши лозим. Бу борада Арастунинг Искандарга айтган қуйидаги насиҳатларини жуда ўринли деб биламиз: “Ўйлаган фикринг сенга ҳеч қачон фириб бермаслиги лозим. Агар сўзларинг гўзалу қилмишларинг эса хунук бўлса, ишлари гапларига тескари, зоҳири

ботинини акс эттирмайдиган ваъзхон бўласан қоласан. Ғазабу аччиғингни сабру чидам билан, нодонлигингни илму дониш билан, ғафлату фаромушкорликни хотирлаш ва диққат қилиш билан ўзингдан йироқлаштиргин" (Мутафаккирлар ахлоқ ва адолат ҳақида. –Тошкент,1995.-37-бет).

Иккинчидан, инсон эътиқодининг шаклланиши унинг ғафлатдан чиқиши билан боғлиқ. Хўш, ғафлат нима? Ғафлат инсоннинг нарса-ҳодисаларнинг мазмун-моҳиятини билмаслиги оқибатида фикри саёз, тажрибасиз, ғўр кишилар таъсирига тушиб қолиши, айрим одамларнинг ғайри илмий хулосалари, хато қарашларини кўр-кўрона қабул қилиши ва шунинг асносида реал воқеликни англай олмаслиги натижасида шаклланадиган ҳолатдир. Ғафлат ботқоғига ботган одамларни бундай ҳолатдан чиқариш жуда қийин, зеро, улар ўзлари "меҳр қўйган"ларнинг фикрини мутлақо тўғри деб билишади. Уларни ғафлатдан чиқариш жараёни жуда узоқ давом этади. Ғафлат ботқоғига ботганларни улар яшаётган муҳитдан чиқариш лозим. Бу эса энг аввало унинг илм-фанга қизиқишини ошириш орқалигина юз бериши мумкин.

Учинчидан, инсон эътиқодининг шаклланиши кўп жиҳатдан унинг ихлосига боғлиқ. Гап шундаки, биз барчамиз кимгадир, нимагадир ихлос қўямиз. Аслида инсоннинг тарбиясида "Ихлос" феномени катта рол ўйнайди. Кимгадир ихлос қўйишнинг, нимагадир ихлос қўйишнинг ҳеч қандай ёмон жиҳати йўқ. Аксинча, ихлос инсонни ёмон йўллардан қайтаради, уни яхши одамлар ва амалларга яқинлаштиради. Айни пайтда, одамлар ёмон нарсалар ва тарбияси бузуқ одамларга ҳам билиб ёки билмасдан ихлос қўйиши мумкин. Ана шундай шароитда бундай одамларни тўғри йўлга солиш ўта муҳим аҳамиятга эга.

Соғлом эътиқод мунофиқликни, ёлғонни ёқтирмайди. "Танбеҳул ғофилин"(Ғафлатдан уйғотиш) асарида бунга жуда ибратли мисол мавжуд. Яъни, қиёмат куни бир тоифа одамларга жаннатга бориш буюрилади. Улар жаннатга яқинлашиб, ҳидини ҳидлаб, жаннатдаги қасрларни ва Аллоҳ таоло жаннат аҳлига тайёрлаб қўйган нарсаларни кўрганларидан сўнг: "Уларни олиб кетинглар, жаннатда улар учун насиба йўқдир!" деган нидо келади. Улар бундан хайрон бўлиб "Ё Аллоҳ, дўстларингга тайёрлаб қўйган неъматларингни кўрсатмай туриб, бизларни дўзахга киргизганингда бунчалик ҳасрат-надомат қилмасдик", дейдилар. Шунда Аллоҳ таоло "Мен шундай қилмоқни хоҳлардим, чунки сизлар катта-катта гуноҳлар билан инсонлардан яширинча Менга қарши чиқдингиз, инсонлар кўзида эса покиза виқорли кўринар эдингиз, қалбларингизда йўқ нарсани риё қилар эдингиз. Одамлардан қўрқар эдингиз. Мендан қўрқмас эдингиз. Инсонлар учун баъзи нарсалардан қайтар эдингиз. Мен учун қайтмас эдингиз. Энди бугун савобимдан айирганим баробарида қаттиқ азобга маҳкум этгайман", (Ал-Фақиҳ Абу лайс Ас-Самарқандий. Танбеҳул ғофилин.-Тошкент, 2013. -16-бет) дейди. Юқоридаги иқтибосдан шу нарсани англаш мумкинки, эътиқод ҳеч қачон мунофиқлик ва риё билан келишмайди. Бундай одамларда соғлом эътиқоднинг бўлиши

мумкин эмас. Ҳудди шу нарса баъзи одамлардаги иккиюзламачиликка ҳам тегишли.

Тўртинчидан, соғлом эътиқод сўз билан амалий ишнинг уйғунлиги туфайли шаклланиши мумкин. Дарҳақиқат, миллий давлатчилигимиз тарихига чуқур назар ташласак, буюк боболаримизнинг барчаси ўз эътиқодини сўз ва амалий фаолият бирлиги туфайлигина шакллантира олганлар. Буюк Амир Темур ва Жалолиддин Мангуберди каби ватанпарварларимизни, Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носир каби миллий зиёлиларимизни бирлаштирадиган умумийлик ҳам уларнинг соғлом эътиқодидир. Ҳар қандай қийинчилик, таҳдидлар уларни ўз эътиқодидан қайтара олмади. Бугунги кунда мамлакатимиз раҳбариятининг ёшларимиз томонидан диний ва дунёвий билимларни чуқур ўрганишга, уларнинг мазмун-моҳиятини онгли равишда англашга бўлган эҳтиёжини қондириш йўлидаги саъй-ҳаракатларини ҳам шу маънода тушуниш тўғри бўлар эди.

Бошқача сўз билан айтганда, соғлом эътиқод одамларни тўғри йўлга солади, четда пайт пойлаб турган қабиҳ ёвни қочиради, ёшларимизда ҳаётга бўлган муҳаббатини, ватанни севишга нисбатан интилишни оширади. Соғлом эътиқод одамлардаги журъатсизликни йўқ қилади, уларда илм-фанга, амалий фаолиятга бўлган қизиқишни кучайтиради, ҳаё, мурувват, садоқат, сахийлик, номус, омонатга вафо, шижоат каби сифатларни юзага келтиради. Соғлом эътиқод, айни пайтда кишиларни фалокатга судровчи ҳасад, адоват, бахиллик, такаббурлик, ёлғончилик, мунофиқлик, иккиюзламачилик, хиёнат, жоҳиллик, ялқовлик каби ёмон сифатлардан фориғ қилади.

Мамлакатимизда бугунги кунда тобора шаклланиб бораётган том маънодаги очиқлик, эркинлик, одамларимиз орасида кенг ёйилиб бораётган ижтимоий фаоллик, эртанги кунга бўлган ишонч-буларнинг барчаси фақат ва фақат соғлом эътиқод туфайлигина ривож топиши мумкин.

ЁШЛАР ҲАЁТИДА ВИРТУАЛЛАШУВНИНГ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИ

Рустамалиев Миржалол,
Наманган давлат университети
Тарих (йўналишлар ва фаолият тури бўйича) йўналиши магистри

XXI аср илм-фан соҳасидаги ютуқлар ер аҳолисининг ҳаёт турмушини материал дунёдан визуал, электрон ҳаёт турмушига айлантира бошлади. Илгари бу тармоқлардан хавфсираш нисбатан камроқ эди, эндиликда эса икки жиҳатдан хавф ортган. Биринчиси, ҳажм ва қамров жиҳатдан бўлиб, интернет хизматидан фойдаланиш арзонлашди ва компютери мавжуд бўлган деярли кўп хонадонларда кузатиш мумкин. Компютер илгаригидек тасаввурдаги бирор

моддий мулк белгиси сифатида эмас, балки оддий иш қуроли сифатида кўринмоқда. Лекин унинг оммавийлиги ва бошқариб бўлмаслиги туфайли ундан тўғри ва нотоғри фойдаланиш ҳисобидан унинг воситасида “оммавий маданият” тушунчаси ҳаётимизга кириб келди.

Бугунги кунга келиб қарийб 18,6 миллион ўзбекистонлик деярли ҳар куни интернетдан фойдаланаётган бўлса, ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари сони 4,6 миллион кишини ташкил этмоқда. 2021 йил январ ойида Ўзбекистонда уяли алоқалар сони умумий аҳолининг 69,2 фоизига тенг келмоқда [1].

Ёшлар ижтимоий тармоқлар кенгайиб бораётган даврда ўсиб улғаймоқда. Бу қувонарли ҳол албатта. Бироқ ҳар нарсанинг меъёри бўлмоғи зарур. Ёшлар виртуал оламнинг ҳақиқий олам эмаслигини билиб боришлари шарт. Баъзан болалар катталар томонидан назоратсиз ва уларнинг рухсатисиз тармоққа ташриф буюриш имконига эга бўлиб қоладилар. Болалар ва ўсмирлар интернет тармоғида сайр қиларкан, уларга умуман кириш мумкин бўлмаган сайтларга дуч келишлари мумкин.

Табиийки, бундай ахборотлар қизиқувчан ёшларни ўзига кўпроқ жалб этади. Бирор ҳаракатни амалга оширишда болаларга қанчалик рухсат этилмаса, уларда шунчалик юқори даражада қизиқиш уйғониши барчага маълум.

Ёшлар тармоқдаги носоғлом турмуш тарзидан ахборот берувчи айрим манбаларга дуч келсалар, янада қизиқиб, мазкур ахборотларга алоҳида эътибор қаратишлари эҳтимолдан холи эмас. Шу сабабдан катталар фарзанд туғилган кундан бошлаб уларига иссиқ чойнак, қозонларга яқинлашиш, пичоқ, қайчи каби ўткир учли нарсаларга тегиш мумкин эмаслигини онгларига сингдирганлари каби, тармоқдаги ахборотлар ҳам хавфли эканлигини тушунтиришлари, уларда ахборотлардан тўғри фойдаланиш салоҳиятларини шакллантиришлари зарур. Албатта, интернет тармоғи манбалари замонамиз ўсмирлари билим доирасини, дунёқарашини кенгайтириши билан айрим жиҳатларига кўра уларнинг тарбиясига нафақат салбий, балки хавфли таъсир кўрсатиши ҳам мумкинлигини унутмаслигимиз зарур.

Яқиндагина ота-оналар ёшларнинг компютер ўйинларига берилиб, уларга боғланиб қолишлари хавфидан чўчиб, олдини олишга ҳаракат қилган бўлсалар, ҳозирги вақтда эса бу хавфга яна ижтимоий тармоқлар хавфи ҳам қўшилди.

Интернет оламидан биз ёшлар қандай фойдалана оламиз? Албатта бунинг йўллари жуда кўп. Хоҳласангиз, зарур бўлган тарихга оид малумотни юклаш мумкин ёки хоҳлаган китобни электрон тарзда юклаб олиш эса кўплаб мустақил изланувчи инсонлар ва талабарга қўл келмоқда. Аммо, айнан зарурлиги, фойдалилиги ва ишончлилиги тармоқнинг зиён тарафларидан асраб қола олмайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Баъзи ёшларимизда интернетдан тўғри фойдаланиш кўникмаси ва маданияти етарли эмас. Айрим йигит-қизлар интернетни ахборот, билим ва маърифат манбаи деб эмас, балки шунчаки кўнгилочар

восита деб билишади” – деб таъкидлаб ўтганликлари бежиз эмас [2]. Ушбу фикрлар исботи ўлароқ баъзи компютер ўйинларининг ютуғига пул қўйилган бўлиб, улар кўпроқ совринли мусобақани эмас, балки ҳақиқий маънода қиморни эслатади. Бу эса болалар ва ёшлар онгу шуурини эгаллаш борасида интернет тармоғи бошқа воситаларга қараганда, етакчи эканлигини кўрсатади.

Ҳозирги кунда КОВИД-19 пандемияси сабабли умуммиллий блокировкалар авжида, 1,6 миллиардгача болалар мактабларнинг ёпилишидан зарар кўрди ва бу замонавий тарихдаги таълимнинг энг катта оммавий узилишига олиб келди. Шунга қарамай, мактаблар эшикларини ёпилишидан олдин ҳам, мактаб ёшидаги болаларнинг бешдан бири (3 ёшдан 17 ёшгача) мактабдан ташқарида эди, бутун дунё бўйлаб 617 миллион бола ва ўсмирлар минимал малакага эриша олмаётган эди. Ушбу бўшлиқларни бартараф этиш учун дунё таълим вазирликларининг 90 фоиздан ортиғи масофавий таълим сиёсатининг бир турини қабул қилди ва манфаатдор томонлар технологияни қўллаш орқали таълимни “қайта тасаввур қилиш”га интилди [3]. Масофавий таълим тизми ёшлар ўртасида интернетдан фойдаланиш тармоғини кескин кўпайтирди.

Умуман олганда, аксарият ота-оналар фарзандларини интернетдан фақат уй вазифасини тайёрлаш учун фойдаланади, деган фикрдалар. Кун тартибидаги машғулотларни даражага бўлсак, бунда ёшлар илм олишни турли ўйинлар ва интернет тармоғидан фойдаланишдан кейинги ўринга қўйишларини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Улар асосан, интернет орқали мусиқа тинглайди, “ижтимоий тармоқларни кезади”, турли ўйинлар ўйнайди, хуллас, фақатгина вақтичоғлик қилади. Ёшларнинг учдан икки қисми интернетга янги дўстлар орттириш ва ким биландир суҳбатлашиш мақсадида уланади, уларнинг 15 фоизи бу муносабатларни кейинчалик реал ҳаётда давом эттирар экан [4].

Интернет орқали кириб келаётган хавфларнинг ёшлардан ҳам кўра болалар онгига кўпроқ таъсир қилувчи усули — бу компютер ўйинлари. Бугунги кунда компютер ўйинларининг энг оммалашган жанри — бу экшн (инглизча action ҳаракат) бўлиб, асосан, у жангари саҳналар, ур-йиқитлар, муштлашувлар, отишмаларни ўз ичига олади. Ekshn инглизча shuter (отиб ташламоқ), fayting (кураш), шунингдек, ваҳима, қўрқув (survival/horror) сўзлари билан уйғун ҳолда қўлланилади. Айтайлик, “Call of duty”, “Mortal Kombat”, F.E.A.R., “Silent Hill” кабилардир [5].

Масалан, улар орасида орасида шундай мазмундаги ўйинлар бор: ўйин қаҳрамони ўрни келганида бошқа бегона чорасиз “қаҳрамонлар” билан уюшиб ҳаракат қилишига ҳам тўғри келади. Қийин вазиятдан чиқиб олгач эса, улар бир-бирига қарши уришади. Чунки “сен ўлдирмасанг, сени ўлдирадилар” ақидаси ўйиннинг қоидасидир. Боягина бир-бирига “ёрдам” берган ҳамкорлар бир-бирини “ўлдиради”. Ушбу жараён болани фақат душманлик руҳида тарбиялаб, мақсадсиз бўлиб, вояга етишига туртки бўлади. Интернет ўйинлари орқали “оммавий маданият” таҳдидларининг кириб келиши, айнан, мазкур ҳолатларда кузатилади. Шу ерда яна бир нарсага эътибор қаратсак. Боланинг

онгида кечаётган виртуал оламдаги зўравонлик, сотқинлик, беҳаёлик, ўғирлик, бузуқлик эртага реал ҳаётга кўчмайди деб, ҳеч ким кафолат беролмайди. Айнан “оммавий маданият” таҳдидларининг мана шу жиҳатлари мамлакатимизда ёш авлоднинг баркамол бўлиб, вояга етишида тўсиқ бўлади.

Агарки биз бундай хатарларга қарши ўз вақтида қатъият ва изчиллик билан кураш олиб бормасак, турли зарарли оқимлар бизнинг юртимизга ҳам шиддат билан ёпирилиб кириши, ёшларимизни ўз гирдобига тортиб кетишини, оқибатда уларнинг ота-она, оила, эл-юрт олдидаги бурчи ва масъулиятини ўйламайдиган, фақат бир кунлик ҳаёт билан яшайдиган худписанд кимсаларга айланиб қолиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Мана шу аччиқ ҳақиқатни юртимиздаги ҳар бир инсон, ҳар қайси ота-она, энг муҳими, ҳар қайси йигит-қиз чуқур англаб олиши лозим [6].

Шундай экан ундаги баъзи бир хавфларнинг олдини олиш мақсадида қуйидаги тавсияларга эътибор қаратиш зарур:

Фарзандингиз тармоқдан фойдаланмоқчи бўлганида уни назоратдан четда қолдирманг; Фарзандингизнинг тармоққа биринчи қадамлариданоқ, интернетда фақатгина “яхши” эмас, балки “ёмон” ахборотларни ҳам учратиши мумкинлигини тушунтиринг; Интернетдан бирор манбани сақлаб олишда эътибор қаратиш зарур бўлган қоидаларни тушунтиринг; Фарзандингизга тармоқда ҳам ҳақиқий ҳаётдаги каби тартиб-интизом қоидаларини унутмаслик зарурлигини таъкидланг; Фарзандингизнинг интернетдан фойдаланишида баъзи ҳолларда чекловларни ўрнатинг; Ҳар куни фарзандингиз мулоқотларини кузатиб боришни ўзингизга одат қилинг; Фарзандингиз ва ўзингизнинг компютер саводхонлигингизни мунтазам ривожлантириб боринг. Ўз билимларингиз билан ўртоқлашинг. Интернет хавфсизлиги сизнинг бу борадаги билим ва малакангизга ҳам боғлиқ эканлигини унутманг.

Алишер Навоий ярамас одат ва хулқ-атворларни шафқатсиз қоралаши, олийжаноб инсоний фазилатларни қадрлаши, болаларни ўқиш, ўрганиш ва юксак одобли, аъло хулқли бўлишга чақириб, болалар хулқ-атворининг шаклланишида адабиётининг жуда муҳимлигини таъкидлаб ўтган.

Илм, Навоий, сенга мақсуд бил,
Эндики илм ўлди амал айлагил. [7]

Ёшларни виртуал олам хуружларидан ҳимоя қилиш мақсадида китоб мутоала қилишга, турли касб-ҳунар сир-синоатларини мукаммал ўрганишга рағбатлаш лозим ва бундай ёшлар сиёсати келгусида учинчи ренесанс учун пойдевор вазифасини ўтаб беради.

“Биз барчамиз, – дейди давлатимиз раҳбари, фуқаролар ҳам, жамият ҳам, давлат ҳам Ватанимиз равнаки учун, мамлакатимизда тинчлик-барқарорликни мустаҳкамлаш учун, тарихий, маънавий ва маданий меросимизни сақлаш, бойитиш ва келгуси авлодларга безавол етказиш учун бирдек масъулмиз. Юртимизда яшаётган турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги дўстлик ва тотувлик муҳити, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликни асраш ва мустаҳкамлаш мақсадида олиб бораётган ишларимизни янада кучайтиришимиз лозим” [8].

Ҳозирги ривожланган техника замонида Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир”, деган чуқур маъноли фикри дастуриламал бўлиши лозим. Буюк маърифатпарвар бобомизнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим бўлган бўлса, ҳозирги вақтда ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўпроқ долзарб аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик! – Тошкент.: Тасвир нашриёт уйи, 2021, Б.47.
2. Ахборот асрида таълим-тарбия - Тошкент: Академик нашр, 2012. - Б.108
3. Ахборот асрида таълим-тарбия - Тошкент: Академик нашр, 2012. - Б.92
4. Ислом Каримов. Юксак маънавият енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008, Б.15.
5. Алишер Навоий. Ҳикматлар: Болалар учун.-Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти,1999.
6. Шавкат Мирзиёев. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. -Тошкент: Ўзбекистон, 2-жилд, 2018, Б.37.

ЁШЛАР - ОНЛАЙНЛАШУВ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

Хуршид Мирзахмедов,
Наманган давлат университети
Катта ўқитувчиси

Глобаллашув шароитида техника ва технологияларнинг шиддаткорлиги инсониятнинг ҳаётида ахборот технологияларининг беқиёс тез тарқалишида намоён бўлмоқда. Пандемия эса ёшларнинг ижтимоий оилавий муҳитида таълим ва тарбиядан янги онлайн ҳолатига ўтиши билан маънавий-маърифий тарбия «туйнуклари» ҳосил бўлди. Шу билан бирга ёшларнинг оилавий изоляциялаш туфайли бўш вақтни ташкили ҳам тажрибасизликдан тарбияга эҳтиёжни жиддийлаштирди. Натижада ёшларнинг ижтимоий кайфият, мўлжал, мақсад муддаоларида интернетнинг янги “гибрид таҳдидлар”и қарор топишга улгурди. Яъни, онлайн трейдерлик, онлайн брокерлик, онлайн букмекерлик, вертуал казино, онлайн қимор, онлайн лотерея, онлайн видеоўйин, онлайн фирибгарлик авлоди пайдо бўлмоқда. Бугунги инновацион капитал дунёда ривожланиб келаётган давлатлар аҳолиси, айниқса, давлат келажагини белгиловчи ёшларни онг ва қалбини иффатли сақлаб қолиш кундан кунга тарбия меҳнатини оғирлашиб бораётгани ҳар бир ота-онанинг тарбияда кескин инновацион ёндашиш кераклигини талаб этмоқда. Бундай вазиятда бола тарбиясида оддийликдан қочиб инновацион ёндашиш, янги

(оилавий) ювенологик иммун муҳитини яратиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб масалага айланмоқда [1, Б. 115].

Инновацион тарбия – шахс тарбиясида минг йиллик миллий тарбия муҳити, замонавий технологиялар ва чет эл тажрибасига асосланган янги иммун тарбия жараёни ҳисобланади.

Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Президенти Ш.М. Мирзиёев ёшларга тарбия масаласида "…Биз бошимиздан кечираётган ҳозирги глобаллашув даври ўта шиддат билан ўзгараётгани ва турли таҳдидлар кўплиги билан олдимизга ҳал этишни кечиктириб бўлмайдиган ғоят мураккаб вазифаларни қўймоқда" – дея таъкидлаган эди [2, Б. 45].

Социологик натижа сифатида, ёшлар ҳаётида онлайнлашув жараёнлари қуйидагича таҳлилий далиллаймиз:

Биринчи далил. Ахборот технологияларнинг дунё миқёсидаги молиялашуви капитал жамияти ёшларининг бугунги кундаги эҳтиёжини қулай ва осон йўллар орқали интернетда катта миқдордаги маблағ топишга руҳлантирди. Натижада, интернет ахбороти маънавий-маърифий хавф-хатарининг янги майдонида: Blogger, Vlogger, Viner, TikToker, Follower, Hater, Clicker, Crush, Cheater, Troll каби онлайн фаолият олиб борувчи шахсларнинг янги авлоди пайдо бўлмоқда. Ахборот назоратида мураккаблик сурат ва видеога олиш имкони бор шахсларнинг соҳага оммавий аралашуви билан ахборот майдонида тартибсизлик ёки бебошликни келтириб чиқармоқда. Муаммонинг моҳияти шундаки, истеъмолчилар жамиятида телефон билан қуролланган ёшлар (Blogger, Vlogger, Viner, TikToker, Follower, Hater, Clicker, Crush, Cheater, Troll) ҳар қандай ахборотни "LIKE" учун видео-ролик шаклида YouTube, Tik-Tok, Telegram, Instagram, Facebook каби ижтимоий тармоқларга жойлаши билан шахс дахлсизлиги, инсон, оила, жамият, давлат шаъни ва қадр-қимматига жиддий салбий таъсири қилиш билан ҳавфли эканлигидадир. Мисол:

- 100 миллион лайк учун онасини ўлдирмоқчи бўлган йигит чиқиши;
- лайк учун Наврўз билан табриклаган ярим-яланғоч қизларнинг чиқиши;
- лайк учун ўзини бино томидан ташлаган йигит чиқиши;
- лайк учун ҳаракатдаги поезд тагида ётган ёки осилиб чиққан йигит чиқиши;
- лайк учун вандализм ёки ахлоқсизликни тарғиб қилувчи ёшлар.

Иккинчи далил. Ўтган давр мобайнида ёшлар эҳтиёжи социологиясида енгил, қулай, осон ҳазм бўлувчи, сифати паст, ялтироқ ташқи безакли маҳсулотлар ва енгил маблағ топишга олиб борувчи жараёнларга интилиши китоб мутолаасидан узоқлаштириб, ота-она тарбия меҳнатини мураккаблаштириб юборди. Бу ҳолат кеча яқинда мамлакатимиз ёшлар ҳаётида қулоқни қоматга келтирувчи мусиқа, комикс, беҳаё видео-роликлар томоша қилиш орқали таҳдид солган "Оммавий маданият" бугун кунда ёшларимиз орасида онлайн трейдерлик, онлайн брокерлик, онлайн букмекерлик, онлайн казино, онлайн қимор, онлайн лотерея таклифи билан

енгил пул топиш ва миллионлаб оилавий сармояни йўқотиш тарбиясини социал муҳитга олиб кириш натижасида оилавий низо ва зиддиятлар социологиясини келтириб чиқарди.

Мисол [4]:

№	Ким	Вилояти	Ҳолати	Сабаби
1	18 ёшли йигит	Самарқанд	ўзини осиб қўйди.	“1Xbet”га катта миқдордаги сўм ютқазиб қўйди.
2	йигит	Самарқанд	ўзини жонига қасд қилди.	“1Xbet”га 16 минг АҚШ доллар ютқазиб қўйди.
3	аёл	Самарқанд	номаълум	400 млн. сўм пулни “1Xbet”га ютқазиб қўйди
4	ёш йигит	Фарғона	ўз жонига қасд қилди.	“1Xbet”га 16 млн. сўм ютқазиб қўйди.
5	ўқитувчи	Фарғона	ўз жонига қасд қилган.	“1Xbet”га 57 млн. сўм ютқазиб қўйди.
6	Ёшлар бўлимида ишлайдиган йигит	Фарғона	ўз жонига қасд қилган.	“1Xbet”га 160 млн. сўм ютқазиб қўйди.
7	26 ёшли йигит	Гулистон	номаълум	“1Xbet”га 100 млн. сўм ютқазиб қўйди.
8	17 ёшли ўспирин йигит	Қашқадарё	ўз жонига қасд қилган.	“1Xbet”га катта миқдордаги сўм ютқазиб қўйди.

Учинчи далил. Осиёнинг 2020 йилда 1.42 млд. аҳолиси асосий вақтларини турли видеоўйинларда сарфлашлари уларнинг видеоўйинларга бўлган мутеликни келтириб чиқармоқда [5]. Ёшлар ҳаётини онлайнлашуви видеоўйинлар аудиториясини янада кегайтириб, ёшларни ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий эҳтиёжларида трансформация муҳитини шакллантирди. Натижада интернет ахборот майдонида видеоўйин қахрамонлари: Gamer, Чел, BugUser, Kent, Cheaterлар янги авлоди пайдо бўлмоқда. Видеоўйинлар ёшларда кучли эмоционал руҳий ҳолатини пайдо қилиб, ўйинчида видеоўйин жараёнида оммавий қирувчи қурол, ўқ отар совуқ қурол, оғир ва енгил жароҳат етказувчи предмет, транспорт воситалар орқали одам ўлдириш кайфияти ва майлини ижтимоий-психологик шакллантиради.

Тўртинчи далил. Глобаллашув тараққиёт натижаси сифатида электрон сўм ва валютанинг пайдо бўлиши интернет оламида кибер жиноят муҳитини яратди. Натижада, Scammer ва Mamont тушунчалари бугунги ёшларни янги касб номига айланди. Яъни онлайн фирибгар (Scammer)

компьютер программаси орқали содда инсон (Mamont) пластик карта маълумотларини олиш орқали барча маблағларини ечиб олишдир [6].

- ёшларда аудио китобхонлик ва мутолаа маданиятини шакллантириш зарур;
- ёшларда спортни томоша қилишдан кўра спорт билан шуғулланиш маданиятини ривожлантириш зарур;
- ёшларнинг онлайн-тадбиркорлик фаолиятларини қўллаб-қувватлаш керак;
- ижтимоий тармоқларда давлат имиджи билан боғлиқ миллий мусиқа, рақс, урф-одат, қадрият, таом тайёрлаш, хунармандчилик бўйича ёшларнинг фаолиятини молиялаштириш керак;
- смартфонларда боғча ёшидагиларга бола ақлан ва руҳан ривожланиши учун смарт дастури (Мисол: 1-синф учун «Гапирувчи алфавит» дастури), мактаб ёшидаги бола-ўспиринларга мактаб дастурини тез ва қулай ўзлаштириш учун мактаб фанларини ўйин ва интерактив смарт дастурларини яратиш зарур;
- Ўзбекистон худудида интернет (онлайн) полицияси ташкил қилиш керак;
- бола-она-ватанпарварлик дастурини шакллантириш зарур.

Глобаллашув муҳитида униб-ўсиб келаётган ёшлар тарбияси борган сари нозик ва мураккаблашмоқда. 3 кун фарзанди билан тарбия муносабат ўрнатмаган ота-она ўртасида бегоналашув жараёни билан инновацион тарбияга муҳтожлик келтириб чиқармоқда. Бугунги ёшларни эҳтиёж, хоҳиш-истак ва мўлжалларини аниқ билмаслик давлат келажагини билмаслик ҳисобланади. Бунда ота-она, маҳалла, таълим тизими маъсулияти инновацион тарбия муҳити: таълим ва тарбияда чет эл тажрибасидан миллий хусусиятни сақлаган ҳолда унумли фойдаланиш орқали ёшларда турли хил гибрид иллат ва таҳдидларнинг олдини олиш мумкин.

Жамиятимизда соғлом фикр, соғлом куч устуворлигида ёшларнинг ахборотнинг зарарли таъсирларидан асраш, уларни ҳар томонлама халқимизнинг муносиб фарзанди бўлиб, юртимиз довруғини яна дунёга танитиши учун таълим соҳаси вакилларининг маънавий-маърифий ишлар ҳал қилувчи ҳаёт-мамот омилига айланмоқда [3, Б. 229].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзахмедов Х.А. Ёшлар социологияси: инновацион тарбия. // Халқ таълими. №6 (Махсус сон) 2021. − Б. 115-118.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. − 1- жилд, Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. − Б. 45.
3. Мирзиёев Ш. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2- жилд, Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2018. − Б. 229.
4. https://azon.uz/content/views/onlayn-qimor-urushi-qurbonlar-kupaymoqda (мурожаат санаси: 05.01.2022)

5. https://www.igromania.ru/news/96796/V_2020_godu_chislo_lyubiteley_videoigr_po_vsemu_miru_perevalilo_za_3_mlrd.html?utm_source=yxnews&utm_medium=desktop (мурожаат санаси: 05.01.2022)
6. https://blog.group-ib.ru/mammoth (мурожаат санаси: 13.01.2022)

ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИГА ҚАРАТИЛГАН ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Мейлиев Обид Рахматуллаевич,
Тошкент Молия Институти доценти (PhD)
Латифжонов Шерзод Туробжон ўғли,
Тошкент молия институти талабаси
Янашова Паризода Аваз қизи,
Тошкент Молия Институти талабаси

Ҳар бир мамлакатнинг ривожи, жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни, биринчи навбатда, юртдаги тинчлик-тотувлик, бағрикенглик руҳи кучли экани билан боғлиқдир.

Ҳозирги даврда экстремизм ва халқаро терроризм салоҳиятининг сифат ва миқдор жиҳатидан ўсиши уларни глобал хавфсизликка йўналтирилган жиддий таҳдидга айлантирди. Масалан, экстримистик оқимлардан бири бўлган терроризмни олсак, бу қўпорувчи, бузғунчи ҳаракатлар мажмуаси жуда кўплаб ҳудудларда ўзининг салбий натижаларини келтириб чиқармоқда ҳамда тараққиётнинг илдизига болта урмоқда. Бу иллат пайдо бўлганидан буён жуда кўплаб оилаларнинг ёстиғини қуритган, боқувчисидан айирган, дилбанди бўлмиш фарзандларнинг умрига завол бўлган.

Дунёда террорчилик ҳаракатлари туфайли вужудга келган зарарни “ўлчовчи” турли кўрсаткичлар мавжуд. Улардан бири Глобал терроризм индекси (ГТИ). Бу кўрсаткич бутун дунё бўйлаб террорчилик ҳаракатларининг зарарини турли кўрсаткичларда аниқлаб беради.

1-жадвал

2011-2021-йиллардаги ГТИ кўрсаткичи (Минтақалар миқёсида)[41]

Минтақалар	Ўртача кўрсаткич	2011-2021-йиллар ўртасидаги фарқ	2020-2021-йиллар ўртасидаги фарқ
Жанубий Осиё	5,559	-0,783	-0,203
Шимолий Америка	4,421	+1,507	-0,298

[41] https://www.visionofhumanity.Org

Яқин Шарқ ва Шимолий Африка	3,547	-0,616	-0,294
Жанубий Америка	2,903	+0,275	-0,049
Африка Саҳрои Кабири	2,400	+0,433	+0,004
Осиё-Океанария	2,045	-0,146	-0,219
Европа	1,368	-0,412	-0,284
Россия-Евро Осиё	0,876	-2,460	-0,405
Марказий Америка ва Кариб денгизи	0,202	-1,132	-0,052

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, 2011 йилдан 2021 йилгача бўлган давр оралиғида бутун жаҳон бўйлаб кўп террористик терактлар содир этилган ҳудуд сифатида Жанубий Осиё минтақасига тегишли бўлган давлатларга тўғри келмоқда. Ва ушбу минтақада 2011 йилда қайд этилган кўрсаткич 10 йилдан сўнг ҳам яхшиланиш ўрнига, салбий натижалар кўрсатган. 2021 йилга келиб ушбу ҳудудларда ГТИ ўртача кўрсаткичи 5,559 ни ташкил этмоқда.

Бутун дунё бўйлаб терроризм энг кам кузатилган ҳудуд Марказий Америка ва Кариб денгизи ҳудудлари этиб белгиланди. Бу минтақаларда ГТИ кўрсаткичи бўйича 0,202 баллни қайд этган.

Жадвал маълумотларидан бир қатор минтақаларда бу кўрсаткичларнинг пасаяётганини кўришимиз мумкин, лекин Африка Саҳрои Кабирида бу ҳоллар ёмонлашиб, террористик ҳаракатлар тобора кўпайиб борган. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, ушбу минтақа 2021йилда ГТИ кўрсаткичи бўйича 2.4 баллни кўрсатган.

ГТИ ҳисобига кўра терроризмдан ўлим ҳолатлари дунё бўйича 2014 йилда 44 490 кишини ташкил этган. Ушбу кўрсаткичнинг 74 фоизи бор-йўғи 5 та давлатга тўғри келади (Афғонистон, Покистон, Ироқ, Нигерия ва Сурия).

2-жадвал

Дунё миқиёсида терроризмдан ўлим ҳолатлари бўйича маълумот[42]

Кўрсаткич	**Йиллар**						
	2014	**2015**	**2016**	**2017**	**2018**	**2019**	**2020**
Нафар, сонда	44 490	38 853	34 871	26 445	32 952	27 686	29 389
Ўзгариши олдинги йилга нисбатан, фоизда (+, -)	+147	-12.6	-10.2	-24.1	+24.6	-15.9	+6.1

[42] https://reliefweb.int/sites/reliefweb.int/files/resources/GTI-2019-briefingweb.pdf, https://ourworldindata.org /grapher/fatalities-fromterrorism?tab=table&time=2016..latest, https://www.state.gov/reports/country-reports-on-terrorism-2019/ afghanistan, https://www.state.gov/reports/country-reports-on-terrorism-2019/iraq, https://www.brookings.edu/blog/order-from-chaos/2021/01/15/terrorism-in-pakistan-has-declined-but-the-underlying-roots-of-extremism-remain/#:~:text=According% 20to%20the%20South% 20Asia,deaths% 20(see%20figure%20below).

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, 2014 йилда терроризмдан қурбон бўлганларнинг сони энг юқори нуқтага етди (44 490 нафар) ва бу кўрсаткич бундан олдинги яъни 2013йилга нисбатан 147% фоизга ошганлигини кўришимиз мумкин. Аммо бу кўрсаткичдан сўнг дунёда қурбонлар сони келгуси 3 йил ичида сезиларли даражада пасайиб 44 490 дан 2017йилга келиб 26 445 тага тушган. 2018 йилда эса бу кўрсаткич бироз ошган ҳамда 32 952 нафарни ташкил этмоқда. Ғарб мамлакатларида экстремизм ва терроризм хавфлари кучайиб боришига, мамлакатларда ички терроризмга етарлича эътибор қилинмаганлиги, хавфсизлик хизматлари бундай таҳдидларга жиддийроқ эътибор бермаганлиги сабабли ҳам террористик терактларни ошиб кетишига сабаб бўлганини айтиш мумкин.

3-жадвал

Дунёда терроризмдан ўлим ҳолатлари бўйича юқори кўрсаткич қайд этилган мамлакатлар[43], *(ўлим кўрсаткичлари сонда)*

Давлатлар	**Йиллар**						
	2014	**2015**	**2016**	**2017**	**2018**	**2019**	**2020**
Афғонистон	5 414	6 216	6 142	6 092	7 379	9 681	8 514
Покистон	2 413	1 608	1 113	1 076	543	300	169
Ироқ	13 965	8 885	12 207	6 476	1 054	644	563
Нигерия	7 781	5 559	2 165	1 805	2 040	1 245	2 322
Сурия	3 312	3 924	2 810	2 026	1 328	1 750	3 172
Жами	44 490	38 853	34 871	26 445	32 952	27 686	29 389

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, 2014-2020 йилларда 3 та давлатда, яъни Покистон, Ироқ, Нигерияда терроризмдан ўлим ҳолатлари бўйича кўрсаткичларнинг камайишини кўришимиз мумкин, бунинг сабаби сифатида давлат ўзининг турли самарали старатегияларни ишлаб чиққанлиги ҳисобига яхши натижаларга эришган.

Сурия давлатида ҳам таҳлил этилаётган йилларда, яъни 2015 йилдан сўнг ўлим кўрсаткичларини камайганлигини ижобий ҳолат деб баҳолашимиз мумкин, лекин 2019 йилда йирик қўпоровчилик, жангари ҳаракатларнинг амалга оширилиши сабабли ўлим ҳолатларининг ошиши кузатилган.

Маълумотлар шуни кўрсатадики, таҳлил этилаётган давр мобайнида энг самарали категорияларни қўллаган давлатлар Покистон ва Ироқ давлатлари бўлиб қолмоқда. Ушбу давлатлар 2019-2020 йилларда бошқа мамлакатларга

---

[2] https://reliefweb.int/sites/reliefweb.int/files/resources/GTI-2019-briefingweb.pdf, https://ourworldindata.org/grapher/ fatalities -fromterrorism?tab=table&time=2016..latest, https://www.state.gov/reports/country-reports-on-terrorism-2019/ afghanistan, https://www.state.gov/reports/country-reports-on-terrorism-2019/iraq, https://www.brookings.edu/blog/order-from-chaos/2021/01/15/terrorism-in-pakistan-has-declined-but-the-underlying-roots-of-extremism-remain/#:~:text= According % 20to% 20the%20South%20Asia,deaths%20(see%20figure%20below).

нисбатан анча ижобий натижаларга эришган. Лекин, ушбу икки давлат ҳам ҳануз буни тўлалигича бартараф эта олмаган ҳамда мамлакатлар ҳудудида турли террористик ҳаракатлар кузатилмоқда.

Ушбу давлатлар орасида Афғонистондаги ўлим кўрсаткичлари ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. 2020 йилда Афғонистон ГТИ нинг 9,59 бали билан глобал терроризм индексида биринчи ўринни эгаллаб, уни Ер юзида терроризмдан энг кўп жабрланган давлатга айлантирди. Бошқа барча давлатларда бу кўрсаткичлар яхшиланишга эришаётган бир пайтда, Афғонистонда терроризмдан 2014 йилда 5 414 та ўлим қайд этилган бўлса, 2020 йилга келиб 8 514 тани ташкил этган. Ушбу давр мобайнида ўлим кўрсаткичлари ошиб, ўртасидаги фарқ 3 100 тани ташкил этиб, мазкур йиллар орасидаги кўрсаткич 36.4% га кўпайганини кўришимиз мумкин.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нюв-Йоркдаги бош қароргоҳида 21-сентябр куни БМТ Бош Ассамблеясининг 76-сессияси доирасидаги умумий мунозаралар бошланди. Унда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев видеомурожаат билан сўзга чиқиб, Афғонистон муаммоси ҳақида гапириб “Бизнинг асосий мақсадимиз — Марказий Осиёни фаровон ва барқарор ривожланаётган, ишонч ва дўстлик маконига айлантиришдир. Бунинг учун биз қўшни ва ёндош минтақалар билан ўзаро алоқаларни кучайтиришга устувор аҳамият қаратмоқдамиз”[44] деди.

Шунингдек, мамлакат раҳбари “Бу давлатда тинчлик ва осойишталик ўрнатилишидан нафақат биз, қўшни мамлакатлар, балки бутун дунё манфаатдордир. Ҳозирги қийин даврда Афғонистонни яккалаб, уни муаммолар гирдобига ташлаб қўйиш мумкин эмас. Афғонистон масаласида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таъсири ва овози ҳар қачонгидан ҳам кучлироқ янграши лозим”[45] дея таъкидлади.

Диний экстремизм ва терроризм маънавий таҳдидларнинг бир тури бўлиб, улар асосан ёшлар орқали вайронкор ғояларни ҳаракатлантирувчи, мамлакатдаги тинчлик ва осойишталикни издан чиқаришга интилувчи, мавжуд конституцион тузумни ағдариб ташлашга даъват этувчи тажовузкор сиёсий фаолиятдир. Шу маънода ҳозирги кунда юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ҳамжиҳатликни сақлаш, баркамол ёшларни тарбиялаш муҳим вазифа ҳисобланади. Шу боис ёшларни зарарли иллатлардан ҳимоя қилиш, улар ўртасида ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли вазифаларга ва салбий иллатлар оқибатларини тушунтиришга оид ишларни жадаллаштиришга давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан муҳим эътибор қаратилмоқда.

Бу иллат билан курашда 1 ёки 10 ёки 1 000 киши ҳам қарши тура олмайди. Бунга жамиятимизнинг ҳар бир қатламини жалб қилишимиз керак. Ҳозирги

4 https://xs.uz/ O‘zbekiston Prezidenti BMT Bosh Assambleyasining 76-sessiyasida muhim tashabbuslarni ilgari surdi.

5 https://www.gazeta.uz/oz/2021/09/22/afghan-isolation/

кунда мамлакатимизда елкама елка туриб бу ёвузликка курашиб келаётганлар йўқ эмас. Лекин бундай ҳолатлар ҳануз кузатилиб турилаётгани ҳам маълум.

Бунга қарши турли самарали тизимларни ишлаб чиқиш, назоратни янада кучайтиришим ва ушбу иллатнинг келиб чиқиш манбаси ёки сабабини чуқур ўрганиш лозим. Масалан 10-15 йил илгари озодликдан маҳрум этиш, яъни қамоқ жазосига маҳкум этилган шахс ўз жазосини ўтаган бўлсада, жамиятда ҳеч қачон ўз ўрнини топа олмас эди. Бу шахсга қўшимча равишда унинг яқин қариндошларини ҳам инсонлар бармоқ учида кўрсатишар эди. Ушбу шахсга ҳаттоки нон топиб ейиши учун ҳам иш таклиф этилмаган. Шунча чекловлар бўлгандан сўнг, бир бурда нони ҳалол топиб еёлмагандан сўнг, бу инсон жиноят оламига ўзининг илк қадамларини ташлашга мажбур бўлади, керак бўлса қўлига қурол олиб, ўз ҳалқига ўқталиши ҳам ҳеч гап эмас.

Бугунги кунда юртимиз бўйлаб ёш талаба ва ўқувчиларнинг ҳам ёшлик чоғидан маънавиятини юксак даражага етказиш мақсадида турли чоралар-тадбирлар ўтказилмоқда.

Жумладан, ҳар бир олийгоҳ ва мактаблар доирасида сермазмун тадбирлар, тренинглар ташкиллаштириш йўлга қўйилган. Бу албатта энг яхши, самарали, ёшларни бош вақтини қизиқарли ва мазмунли ўтказишига ўзининг катта ҳиссасини қўшадиган усуллардан ҳисобланади. Шундай экан, бу турдаги тадбирларга иложи борича барча талаба-ўқувчиларни жалб этиш керак ва уларга керакли шарт-шароитларни қилиб бериш мақсадга мувофиқдир. Лекин айрим ёшлар бундай тадбирларда камдан-кам қатнашадилар, қатнашсалар ҳам “юқоридагилар”нинг буйруғи билан қатнашадилар. Бундай ҳолатни аниқлаштириш учун ёшлар орасида сўровномалар ўтказилди.

Сўровнома натижалари шуни кўрсатаяптики, манавий-маданий тадбирлар кўп ҳолларда дарс жараёнларидан кейин уюштирилади, шу туфайли уларда турли чарчоқлар сабаб бўлиб хоҳиш йўқолади. Агар дарс жараёнида бўлса ҳам бундай тадбирларда кўп бошқа дарслар халал бериб, тўсқинлик қилади. Шу сабабларга биноан, маънавий-маърифий тадбирлар дарс давомида, дарслардан озод этилган ҳолда ташкиллаштирилса янада мақсадга мувофиқ бўларди.

Адабиётлар рўйхати:

1. “Institute for Economics & Peace” ning “Global Terrorism Index 2020” onlayn jurnali. 2014-2020 y.
2. https://xs.uz.
3. https://reliefweb.int/report/world/global-terrorism-index-report.
4. https://www.statista.com
5. https://www.visionofhumanity.org
6. https://www.state.gov
7. https://www.gazeta.uz
8. https://www.brookings.

ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЎСТИРИШДА МУЗЕЙЛАРНИНГ ЎРНИ

Султонова Нигина Шералиевна,
Бухоро давлат музей қўриқхонаси илмий ходими

Замонавий ҳаётни бугун илм-маърифат ва таълимнинг тараққиётисиз тасаввур этиб бўлмайди. Жаҳоннинг етакчи давлатларида таълимни ривожлантириш биринчи галдаги вазифа сифатида белгиланиши ҳам бежиз эмас. Негаки, мамлакатнинг келгуси равнақи айнан шу соҳада қўлга киритган ютуқлари билан чамбарчас боғлиқдир. Зеро, Президентимиз айтганидек, ҳаммамизга аёнки, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам бу — илм-фан, таълим ва тарбиядир. Эртанги кунимиз, Ватанимизнинг ёруғ истиқболи, биринчи навбатда, таълим тизими ва фарзандларимизга бераётган тарбиямиз билан чамбарчас боғлиқ [8].

Мустақилликка эришганимиздан сўнг миллий тарих, хусусан ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихини ўрганишга бўлган давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигини кўришимиз мумкин.

Бухоро асрлар давомида улкан Шарқнинг илму маърифат ва дину эътиқод марказларидан бири сифатида жаҳонга донғи кетган қадимий шаҳар. У ўтмишда савдо-сотиқ, маданий алокалар жихатидан Турону Туркистоннинг машҳур Балх, Ҳирот, Марв (Марий), Самарқанд, Термиз, Насаф (Қарши). Чоч, Шош (Тошкент) ва Хоразм (Хива) шахарлари қаторидан жой олади. Ўрта асрларда Бухоро Мовароуннаҳрнинг йирик савдо-сотиқ, ҳунармандчилик ва маъмурий марказларидан бири бўлиб, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларини Ҳиндистон ва Хитой билан боғлаган қадимий халқаро савдо йўли «Буюк ипак йўли» ана шу шаҳар орқали ўтган. Бухоро илк ўрта асрлардаёқ қадимги Турон замини Туркистонда, Эрон-у Шом каби Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида илм фан, маърифат ва маданият марказларидан бирига айланиб, бу шаҳарда диний ва дунёвий илмлар (табобат, фиқҳ, тарих, фаровиз, риёзиёт, ҳандаса, илми нужум) ривож топган. Бу эрда ўз даврининг машҳур мутафаккир олим ва адиблари яшаб, ижод этган. Турли даврларда бино қилинган ўнлаб мадрасаларда минглаб талабалар таҳсил олган.

Бухоро ўтмиши гарчи тарихий ва тадрижий вокеаларга ниҳоятда бой ва қизиқарли бўлса-да, аммо унинг зарварақларининг кўпгина саҳифалари бизгача тўлиқ сақланмаган. Айниқса шаҳарнинг узоқ ўтмиши ҳақидаги маълумотлар ёзма манбаларда қисман учрайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Юксак маънавиятли, замонавий билим ва касб-ҳунарларга, ўз мустақил фикрига эга бўлган ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш биз учун энг муҳим масалаларидан биридир” деган фикрлари ҳам бежиз эмас албатта [5.Б-89]. Ўзининг узоқ ўтмишига эга мамлакатимиз тарихини ўрганиш ва ундан тўғри хулоса чиқариш, бугунги кунда ҳар бир ёш авлоднинг бурчи

ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 10 мартда Бухоро вилоятига ташрифларида "Бухоро вилоятида 660 маданий мерос объекти мавжуд. Уларнинг аксарияти археологик объектлар, монументал санъат асарлари, архитектура ёдгорликларидир. Ушбу маданий мерос объектлари халкимизнинг бебаҳо бойлиги, уларни асраш ва авлодларга безавол етказиш барчамизнинг бурчимиз эканини таъкидлайди”[4]. Бу ишларни амалга оширишда ўлкашунослик музейларининг ўрни бениҳоя катта.

Ўзбекистон Республикасидаги музейлар ва тарихий меъморий ёдгорликлар миллатнинг маданий уйғониши, миллий ғояни таргиб этиш, халк онгида миллий ғурур ва қадриятларни кучайтиришда, мустақиллик ғояларига содиқлик ҳиссиётини, демократия ва тараққиётга ишончни мустаҳкамлашда муҳим рол ўйнайди. Музейлар нафақат табиат ва жамиятнинг ноёб ҳамда хилма-хил ашёлари хазинаси, балки муҳим илмий, маърифий-тарбиявий, ижтимоий коммуникасиянинг муҳим ҳалқаси ва марказлари ҳамдир. Ўлкадаги музейлар жамият ижтимоий ҳаётида муҳим коммуникатив ўрин тутади. Шунинг учун Ўзбекистонда музейларга эътибор мустақиллик даврида давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони[3], 2017 йил 19 майдаги ПҚ-2980-сонли "2017-2019 йилларда Бухоро шаҳри ва Бухоро вилоятининг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори музейлар тизимида катта ўзгаришлар ясаш, янгиларини ривожлантиришда муҳим асос бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Музейлар тўғрисида”ги қонуни музейлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва такомиллаштириш, уларда сақланаётган ноёб экспонатларни асраб-авайлаш, ўрганиш ва тарғиб этишда ҳуқуқий асос бўлмоқда. Бухоро давлат музей-қўриқхонаси 1922 йилдан буён фаолият юритиб келмоқда [6.Б-38]. Музейнинг биринчи директори А.Пўлатовнинг сўзларига кўра: "Музей эндигина яратилди, аммо уни экспонатлар билан бойитиш ва чинакам замонавий музейга айлантириш янги авлоднинг вазифасидир”[7. Б-4].

Ўзининг 100 йиллик юбилейини нишонлаётган музейнинг мустақилликача бўлган даврида бир неча филиаллар ташкил қилинган. Уларнинг аксарияти тарихий обидаларда жойлашган.

Мустақиллик арафасида музей ўзининг илмий тўпламига эга бўлган. “Из истории культурного наследия Бухары” номи билан аталадиган бу тўплам 2011 йилгача нашрдан чиққан ва умумий ҳисобда 11 та сонида 200 га яқин мақолалар чиқарилган. Мақолалар ўзининг сифати, фундаментал аҳамиятга эгалиги билан ажралиб туради [2].

Музей заҳирахоналарида сақланаётган 130 мингдан ортиқ экспонатлар кўплаб олимлар учун тадқиқот манбаи бўлиб хизмат қилади. Уларнинг коллекциялар бўйича ўрганиш учун махсус китоблар – ГИК – Музейнинг бош инвентар китоби ташкил қилинган бўлиб, уларда асосан экспонатлар ҳақида

тавсифлаш карточкаларининг қисқача матни берилади. Шу маълумотлар асосида илмий тавсифлаш карточкалари – паспортлар ёзилади.

Музейда бир неча йиллар давомида “Ёш археолог”, “ёш ўлкашунос” сингари тўгараклар ташкил қилинган. Бу тўгаракларнинг асосий фаолияти таълим муассасалари билан музейлар фаолиятининг юқори даражада бўлганлигини кўрсатса, 2014 йилдан бошлаб, 18 ёшгача бўлган болаларнинг ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари ташриф буюришлари ташкил қилинган. Сўнгги йилларда Бухоро давлат университети Тарих ва маданий мерос факултети билан ҳамкорликда Бухоро музейининг кўпгина филиалларида сайёр дарслар ташкил қилинган. [1, Б. 26]

Жамият ҳаётида амалга ошаётган муҳим ижтимоий жараёнлар ўзбек халқининг ҳаққоний тарихини яратиш, тараққиётнинг турли босқичларида жаҳон ҳамжамиятида унинг ўрни ва ролини аниқлаш, тарихий билимларни оммалаштириш ва тарғиб қилиш орқали миллатнинг маънавий ахлоқий қадриятлари, маданияти, қадимий анъаналарига қайтиш вазифаларини қўйди.

Жамиятимиз, айниқса, ёш авлод она Ватанимизнинг яқин ўтмишини тушунишга, мураккаб, жўшқин ва жадал суръатлар билан давом этаётган мамлакатимиз мустақиллигининг тарих солномасини тизимли ўрганишга, уни тўлақонли англаб этишга, халқимиз яратган буюк бунёдкорликлар, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий ва маънавий соҳадаги беқиёс ютуқлар билан танишишга катта эҳтиёж сезмоқда, Мазкур шарафли ижтимоий вазифани амалга ошириш эса ўзбек тарихчиларининг илмий ва фуқаролик бурчидир. Чунки бу миллат ва Ватан тақдирини равнақ топишида муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Отчет Бухарского музея-заповедника за 2021 г. –С. 26
2. Джураев Ш. Г. Из истории бухарского государственного музея-заповедника. создание музеев и выставок. // Культура и взаимодействие народов в музейных, научных и образовательных просессах - важнейшие факторы стабилного развития стран Евразии омск, 2021. -с. 67-73.
3. Барча эзгу ишларимиз халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга йўналтирилган. // Бухоронома №22. 2017й 11 март
4. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-том. – Т.: Ўзбекистон, 2017 Б-89
5. Ниязова М.И. Из истории деятелности Бухарского музея // Из истории культурного наследия Бухара № 2.С-38, церемония открытия в Бухаре первого музея // Бухоро ахбори 112-сон. 1922 йил 23 ноябр.
6. Пулатова М. Асрлардан гувоҳлик бериб. // Бухоронома 2002 й 18.05. -с.4
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимидаги нутқи, 30.09.2020 й.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МАЪНАВИЙ МАДАНИЙ МЕРОСИМИЗНИНГ ЎРНИ

Турсунов Асрор Алланазарович,
Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги
ТАТУ Қарши филиали "Маънавий-
маърифий ва ёшлар маслалари" бўйича
декан ўринбосари, т.ф.д (PhD).

Ўзбекистон ҳам саёҳат, ҳам зиёрат учун қулай мамлакат. Чунки она заминимизда бутун дунёга маълум ва машҳур бўлган аждодларимиз мангу қўним топган. Улар қолдирган бой маънавий-маданий меросга халқаро майдонда қизиқиш жуда катта [1]...

Совет ҳокимияти йилларида халқимизни аждодлар яратган буюк маданий меросдан хабарсиз қолдириш, унга бўлган садоқатни камайтириш учун атайлаб турли уйдирмалар ўйлаб топилди. Чунончи, Октябрь тўнтаришига қадар Туркистон халқларининг фақат икки фоизи саводли бўлган эди, дейиш аждодларимиз шаънига ҳақоратдир. Аслини олганда, XX аср б ўлка аҳолисининг 30 фоизи саводли бўлган. Ўша пайтда бу кўрсаткич дунё миқиёсида олдинги ўринлардан бирини ифодалар эди. XIX асрнинг бошида биргина Бухорода 150 дан ортиқ мадраса фаолият кўрсатганлиги аждодларимиз илм-маърифатни ниҳоятда қадрлаганлигидан далолат беради.

Бу борада муҳтарам Президентимиз Ш. Мирзиёев қуйидаги фикрларни таъкидлаб ўтди: "...бизнинг қадимий ва саховатли заминимизда кўп асрлар давомида турли миллат ва элат, маданият ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келган. Меҳмондўстлик эзгулик, қалб саховати ва том маънодаги бағрикенглик бизнинг халқимизга доимо хос бўлган ва унинг менталитети асосини ташкил этади" [2].

Шундан келиб чиқиб, Республика байналмилал маданият маркази Маданият, спорт ишлари вазирлиги ҳамда юртимиздаги ташкилотлар билан ҳамкорликда кенг жамоатчиликни юртимизда яшаётган барча халқлар миллат ва элатлар миллий маданий меросларни таг заминида мужассамлиги айни ҳақиқатдир.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришиши билан миллий-маданий меросига бўлган муносабат кескин ўзгарди. Бугун мустақил давлат ва жамият қуриш, ҳалқимиз учун ҳеч кимдан кам бўлмаган фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида тарихан қисқа даврда ҳақиқатан ҳам ўн йилларга, балки асрларга тенг келадиган йўлни-масофани босиб ўтган [3].

Совет ҳокимияти йилларида Марказий Осиёда олий таьлимнинг асоси ТошДУдан бошланади, деб аюҳаннос солинди. Ахир Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистон ҳудудида қадимда илм ўчоқлари бўлмаса, Ал-Фарғоний, Ал-Беруний, Ал-Фаробий, Ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек каби буюк алломалар қаердан пайдо бўлар эди? Қадимий Туронда олий таьлим 1200 йилдан ортиқ тарихга эга. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термиз,

Қўқон, Ғиждувон ва бошқа шаҳарларда сақланиб қолган қадимий мадрасаларнинг харобалари фикримизнинг исботидир. Афсуски, совет ҳокимияти йилларида қадимдан қолган мадрасалар, мачитлар бузиб ташланди ёки ташландиқ ҳолга келтирилди. Чунончи, биргина Тошкентда 1911 йилда 26 та мадраса бўлган, улардан 23 таси XX асрнинг 30-йилларида бузиб ташланган [4] лиги тўғрисидаги маълумотлар учрайди, албатта.

Жумладан, Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият енгилмас куч" асарида [5] миллий-маданий меросимизнинг дарғалари ҳақидаги фикрларни учратамиз. Имом Бухорий бобомизнинг ҳадислар тўплами «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ» китоби ислом динида Қуръони каримдан кейинги иккинчи муқаддас манба эканлиги тўғрисида... Яна бир улуғ ватандошимиз Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизийнинг маънавий мероси, жумладан, «Сунани Термизий» асари ҳам мусулмон оламида ана шундай юксак қадрланиши юзасидан... Имом Мотуридий бобомизнинг «Мусулмонларнинг эътиқодини тузатувчи» деган юксак шарафга сазовор бўлганлиги, Бурҳониддин Марғинонийнинг Шарқ оламида «Бурҳониддин ва милла», яъни «Дин ва миллатнинг ҳужжати» деган юксак унвонга сазовор бўлганлиги, Баҳоуддин Нақшбанднинг «Дилинг Оллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин» деган ҳаётбахш ҳикматлари уни «Баҳоуддини Балогардон» деб, Муҳаммад Мусо Хоразмийнинг ўнлик саноқ системасини, алгоритм ва алгебра тушунчаларини дунёда биринчи бўлиб илм-фан соҳасига жорий этганлиги ва шу асосда аниқ фанлар ривожи учун ўз вақтида мустаҳкам асос яратибганлиги, Аҳмад Фарғонийнинг «Астрономия асослари ҳақида китоб» номли асари ўн иккинчи асрдаёқ лотин ва иврит тилларига таржима этилганлиги, атоқли астроном Ян Гевелий томонидан 1647 йили нашр қилинган «Селенография» китобида Ойдаги кратерлардан иккитаси икки буюк ватандошимиз - Аҳмад Фарғоний ва Мирзо Улуғбек номлари учраши тўғрисида маълумотлар берилгандир.

Абу Райҳон Беруний ҳақида америкалик фан тарихчиси Сартон XI асрни «Беруний асри» деб эътироф этганлиги тўғрисида... Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асари, дунё миқёсида «Медицина», «Соғлом турмуш тарзи» деган тушунчаларнинг фундаментал асоси бўлиб хизмат қилган. Мирзо Улуғбекнинг «Зижи жадиди Кўрагоний» деб номланган Улуғбек астрономик жадвали ўрта асрларда лотин тилига таржима қилиниши эса Марказий Осиё балки Европа олимлари орасида кенг тарқалганлиги фикримиз далилидир.

Юқорида номлари тилга олинган маънавиятнинг буюк дарғалари бунёд этган кашфиёт ҳамда янгиликлар бугунги кунда Марказий Осиё, ҳаттоки Европада ҳам қадрланиб келинмоқда. Бу буюк алломаларимизга Бельгияда Ибн Синога, Литвада Мирзо Улуғбекка, Москва, Токио ва Боку шаҳарларида Алишер Навоий бобомизга, Миср пойтахти Қоҳира шаҳрида эса Аҳмад Фарғоний хотирасига ўрнатилган муҳташам ҳайкалларни эслаш жоиз.

Масалан, чоризм мустамлакаси даврида маърифат ғоясини баланд кўтариб чиққан жадид боболаримизнинг фаолияти бунга яна бир ёркин

мисол бўла олади. Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Исҳоқхон Ибрат, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир каби юзлаб маърифатпарвар, фидойи инсонларнинг фаолиятлари тўғрисида фикрлар учрайди.

Ана шундай улуғ аждодларимизнинг илмий-ижодий мероси ва ибратли фаолияти кейинчалик диёримизда Қори Ниёзий ва Тошмуҳаммад Саримсоқов, Ҳабиб Абдуллаев ва Саъди Сирожиддинов, Обид Содиқов ва Собир Юнусов, Яҳё Ғуломов ва Бўрибой Аҳмедов, Ойбек ва Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор ва Зулфия, Саид Аҳмад ва Озод Шарафиддинов, Лутфихоним Саримсоқова ва Ҳалима Носирова, Олим Хўжаев, Раззоқ Ҳамроев ва бошқа кўплаб номлари дунёга танилган машҳур илм-фан, адабиёт ва маданият арбоблари тўғрисида кенг фикрлар берилган.

Аслида ўзбек миллий давлатчилиги 2700 йиллик тарихга эгалиги тарихий ҳақиқатдир. Тажрибадан маълумки, тарихий ҳақиқат битта бўлади. Лекин унинг талқини ҳар хил бўлиши мумкин. Маданий мерос таркибидаги энг муҳим элементлардан бири тарихий меъморчилик обидаларидир. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термиз, Қўқон шаҳарларида бугунгача сақланиб қолган тарихий меъморчилик ёдгорликлари, асрлар садосини аждодлардан-авлодларга етказиб келаётган қадимий мақбаралар, миноралар, саройлар, сардобалар халқимиз ўтмишида буюк маданий меросга эга бўлганлигидан далолат беради.

Хуллас, шу боисдан илм-фан, маданият, санъат арбоблари, сарой аъёнлари билан бир поғонада туришган, уларга иззат-хурмат кўрсатилган, катта маош тайин этилган. Бир ибора билан айтганда, халқимизнинг маданий мероси ҳақида йигит ва қизларга бор ҳақиқатни етказиш уларда миллий ғурурни шакллантиришда муносиб ҳисса қўшади. Мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Нуфузли халқаро ташкилот бўлмиш Ислом конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича тузилмаси АЙСЕСКО томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани ҳам ана шундай юксак эътирофнинг яна бир тасдиғини белгилайди, албатта. Шундай экан, Ўзбекистонда ёшлар тарбиясини шакллантиришда халқимиз миллий-маданий меросидан унумли фойдаланиш долзарб масала хисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. “Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги” 03.10.2017.
2. Мирзиёев Ш.М. “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз”. “Ўзбекистон” 2017 й. Том-1. Б.295.
3. Каримов И.А “Бизнинг мақсадимиз-эркин ва фаровон, демократик ҳаёт қуриш” Т: “Ўзбекистон” 2015й. Б.8
4. Иброҳимов А. Маданият ва миллий қиёфа. // Мулоқот.-1991.-№5.-Б 3-4.

5. Каримов И.А. “Юксак маънавият енгилмас куч”. Тошкент “Маънавият”-2008. Б. 38-50

ЁШЛАРНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК ТУЙҒУСИНИ КУЧАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Худоёрова Ойсоат Келдиёровна,
Тошкент тиббиёт академияси
доценти, педагогика фанлари номзоди

Маълумки, томирида миллий ғурур, Ватан ишқи жўш урган одамгина буюк ишларга қодир бўлади. Биз шундай маънавий муҳит яратишимиз керакки, юртимизнинг қиёфасида Ватандан фахрланиш ҳисси кўзимизни, қалбимизни яшнатиб турсин. Озод ва обод юртда бахтли яшашимиз учун жон фидо қилган иймонли боболаримиз, Ватанга ўз садоқати ила ўрнак бўларли аждодларимизнинг олиб борган курашлари биз авлодларни мағрур этади ва инсонлар қалбидаги Ватан меҳри олий қадриятлардан бири эканлигини англаб етамиз. Ватан бу – Аллоҳ иноятибилан ҳар бир миллат, элатга берилган баҳоси йўқ неъмат бўлиб, ундан аъло нарса йўқ. Ватан бу – халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажагидир. Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила учун муносиб ҳаёт қуриш, келажак авлодлар учун озод ва обод Ватан қолдиришдир. Жонажон Ватанимизга фидойи бўлиб хизмат қилиш узоқ муддатли, узлуксиз давом этадиган мураккаб жараён бўлиб, бу ҳар бир инсоннинг доимо хушёр, сергак, маҳоратли, билимли бўлишларини талаб этади. Юртбошимиз ҳақли равишда таъкидлаганларидек: “Билимли авлод буюк келажакнинг, тадбиркор халқ фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир”[46].

Тўғри ва мукаммал таълим-тарбия олган шахслар ўзларини ҳам, жамиятни ҳам тараққиёт сари етаклайдилар. Бунда таълим-тарбия мукаммал бўлмоғи керак. Яхши таълим-тарбия, шубҳасиз, инсонни бахту саодатли қилади, эзгу ва маъқул ишларга ундайди. Ҳар бир инсоннинг қарашларида иймон, виждон, ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик, билимлилик, адолат, ахлоқий поклик, яхши хулқ, маънавий етуклик ғояси, илм-фанга интилиш каби энг олий маънавий ҳаракатларини мужассамлантиради. Илмсизлик эса инсонни жаҳолатга етаклайди. Амир Темур кишилар ҳаётидаги ёмонликнинг шохобчалари таъма, ғазаб ва илмсизлик эканлигини онгли ҳис этади ва ростгўйлик, тўғри сўзликни улуғлайди, ёлғончиликни эса одамлар ўртасига низо солувчи иллат сифатида қоралайди. Амир Темур мамлакатнинг ободонлиги, илм-фаннинг равнақига боғлиқ бўлса, ёшларнинг бахт-саодати ва

[46] **Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг асарлари ва маърузаларидан олинган фикрлар. Ёшлар нашриёт уйи. Тошкент-2019. 5-бет.**

камолотини унинг билими ва маърифатига боғлиқ деб билади ва ёшларни илм-маърифатга чорлайди. Илмли бўлиш фақат чидам билан қилинган меҳнат маҳсули эканлигини таъкидлайди. Амир Темурнинг шахси улуғланиб, Соҳибқирон, яъни шоҳларнинг шоҳи, жаҳонгир деб аталган. Унинг ҳаёти ва амалий фаолияти кўп қиррали бўлган. Амир Темур инсондаги асиллик, тозалик, ақл-фаросатлилик, эҳтиёткорлик, зийраклик, меҳрибонлик, хушмуомалилик, сабр-чидамлилик ва тинчликсеварлик каби сифатларни қадрлаган. У Ватанга хизмат қилишда ҳалоллик, поклик, адолатлилик тамойилларига амал қилишга даъват этади. Амир Темур ҳарбийликка олинадиган кишидаги ташкилотчилик, фаоллик, сергаклик, хушёрлик ва тадбиркорликни биринчи ўринга қўйган. “Темур тузуклари”да ҳам: “Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минг тадбирсиз лоқайд кишидан афзал”[47], - дея алоҳида таъкидланган.

Ўзбекистон Республикасининг бош мақсади баркамол инсонни тарбиялашдир. Чунончи комил инсонлар жамиятдаги илғор қатлам ҳисобланади. Комил инсон ўз маслаги, Ватани, халқи манфаатларига ёт, зарарли ғояларни тарқатаётган кимсалар ортидан кўр-кўрона эргашиб кетавермайди, огоҳ ва фаол бўлади. Ҳаётда эзгулик ҳукмрон бўлиши учун ақл, яхшилик ва адолат хизмат қилиши зарур. Бу борада юртбошимиз томонидан билдирилган фикрнинг маъноси ва таъсири кучлидир.

“Адолат ва маънавият ўзаро чамбарчас боғлиқ тушунчалар бўлиб, маънавият бўлмаган жойда ҳеч қачон адолат ҳам бўлмайди”[48]. Шунга кўра, ёшларнинг ўз ишига масъулиятли, фаол субъект сифатида адолатли ҳукм чиқарувчи ва юксак маънавиятли инсон бўлиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўқитувчининг инновация фаолияти орқали мамлакат истиқболини ўз келажаги билан уйғун кўрадиган, ижтимоий-сиёсий ҳаётда онгли равишда иштирок этиш қобилиятига эга бўлган, ижтимоий жараёнларда фаол қатнашадиган эркин фикрловчи ёшлар шахсини шакллантириш энг муҳим масаладир. Мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсади ҳам ҳар томонлама шаклланган интеллектуал кадрларни тайёрлаш, давлат ва жамият тараккиётини янада юксалтириш ва Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини ошириш билан боғлик ишларни янада такомиллаштиришдан иборатдир. Бунинг учун аввало, ўқитувчи фаолиятини ривожлантиришга имкон берадиган мезонлар: янгилик, юқори натижавийлик, ижодийлик, субъективлик, вариативлик, инновацион йўналганлик, ҳаракат интенсивлиги, акмеологик креативлик, индивидуаллик, умуммаданий шахсий ва касбий маънавий фуқаролик сифатлар, илмий,

[47] Амир Темур ўгитлари Б.Аҳмедов таҳрири остида.-Тошкент: Наврўз, 1992-Б.11.

[48] Мирзиёев Ш.М. Қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш – барча эзгу-мақсадларимизга эришишнинг энг муҳим шарти. Унинг ўзи. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.1-жилд, Т.:- Б.432.

назарий, психологик етуклик, инновацион компетентлик, коммуникативлик, мустақил эркин ижодий фикр, мосланувчанлик, маҳорат, малака, тажриба, юқори билим, ҳуқуқий қонуний хулқ атворга эга бўлиши керак. Ёшларнинг ватанпарварлик туйғусини тарбиялашда Ўқитувчининг инновацион фаолияти ва таълим технологияларига жиддий эътибор берилади. Бунда янгиликларни излаш, ўрганиш ва уларга асосланиш ҳамда илмий асосланган маълумотлардан фойдаланиш, педагогик, психологик ва ижтимоий-иқтисодий янгиликларни ўзлаштириш асосида таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини таъминлаш ҳамда ўқитувчининг инновацион фаолиятига хос бўлган усуллардан бири унинг педагогик ижодкорлигини ошириш муҳимдир. Айниқса, таълим жараёнида ўқитувчининг инновацион технологияларни қўллаши, машғулотларнинг қизиқарли ва тушунарли бўлишини таъминлайди. Ўқитувчининг инновацион фаолиятида айнан акмеологик ёндашув инсоннинг ижодкорлиги, кашфиётга интилиши ҳамда касбий фаолиятининг етуклик поғонаси; креатив ёндашув индивиднинг янги тушунча яратиши, ноёб фикрлаши янги кўникмалар ҳосил қилиш қобилиятини билдиради; рефлексив ёндашув эса субъектнинг руҳий туйғу ва хислатларини аниқлаш жараёни сифатида қаралади. Бунда рефлексив саволлар алоҳида ўринни эгаллайди.

Масалан: мен “Ватан” тушунчаси ҳақида билмоқчиман?

Ватан арабча сўз бўлиб ўзбек тилида туғилиб ўсган жой, она юрт, онадек танҳо, кўз очиб кўрган дунёмиз, бизни вояга етказган макон, шаҳар, қишлоқ, уй, турар жойи, бошпана, диёрдир.

Ватан муқаддас қадрият, инсонинг киндик қони тўкилган жой, манзил, маънавий камолот ва ва фуқаролик майдони, ҳаёт мактаби, фаровонлик ва бахт-саодат ўчоғидир.

Ватан онанинг алласи таралган , бешигининг излари чизилган замин.

Ватан биринчи бор баҳорни танитган, илк бор варрак учирган, биринчи марта тонгни кутган жой.

Ватан инсонни камол топтирадиган, ҳаётига маъно-мазмун бахш этадиган табаррук маскан, аждодлардан авлодларга қоладиган буюк мерос, энг азиз хотира.

Ватан ҳар бир инсоннинг бахту камоли, юксак ахлоқи ва чинакам фидойилигидир.

Ватан одамнинг ғурури, ифтихори, юксак мақсад-муддаолари, тоғдек таянчи.

Ватан уни қалб, дилдан англамоқ, у билан яшамоқ, уни яшнатмоқ, обод этмоқ учун курашмоқдир.

Ёшларнинг ватанпарварлик туйғусини кучайтиришда *«Ғоялар ғилдираги»* иш усулидан ҳам фойдаланиш мумкин. Бунда ҳал этилиши зарур бўлган муаммо ёки масала ёзилади ва уларнинг жавоблари босқима босқич мавжуд ижодий имкониятлардан фойдаланган ҳолда ижобий ҳал этилади. Хулоса шуки, ёшларимизда миллий ғурур негизида ватанга муҳаббат кайфияти пайдо бўлади. Натижада ҳар бир инсон миллати, юрти учун фидойи бўлиб, меҳнат ва

ижод қилади ва ҳақиқий ватанпарвар бўлади. Миллий ғурурли инсонда ватанпарварлик, туйғуси жуда ноёб бўлиб, у виждонли, иймонли, меҳнатни яхши кўрадиган ва ижобий сифатларга эга бўлган инсондагина мавжуд бўлади. Бундай бундай инсонни камолотга етган инсон деб ҳисоблаш мумкин. Маънавий баркамол инсон ўзининг қилган ишлари, ҳаёт ва турмуш тарзи билан бошқаларнинг ҳавасини уйғотади ҳамда ҳаётда из қолдиради. Энг муҳими, Ўзбекистон тақдири учун масъулият, бурч ҳисси ошади. Бу эса ўз Ватанини севиш у билан фахрланиш, унинг бахт-саодати йўлида фаол фаолият кўрсатиш демакдир. Ватанпарварлик инсоннинг энг улуғ, энг олийжаноб ва энг муҳим фазилати, одамийликнинг том маънодаги ифодасидир.

ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИ: ТАҲДИДЛАР ВА МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТ

Ҳожиев Фарҳод Жумабоевич
ЎзМТРК “Ўзбекистон 24”
телеканали бош муҳаррири

Бугунги глобаллашув асрида ёшларнинг дунёқараши, тафаккури кун сайин ўзгариб бормоқда. Бу бевосита илм-фан, техника, технологиялар, замонавий ахборот коммуникация соҳаларидаги ютуқлар ва унинг ҳаётимизга кириб келиши билан изоҳланади.

Глобаллашувнинг ижобий жиҳатлари билан бирга салбий таъсирларини ҳам ҳаётимизда сезаяпмиз. Жамиятда ёшлар маънавиятига таҳдидлар ва турли ёт бегона маданиятларнинг “хуружи” кучайиб бормоқда. Мазкур таҳдидларнинг уч кўриниши яққолроқ кўзга ташланади. Биринчиси, мафкуравий хуружлар бўлиб, буларга: шахс фикрини бузиш; шахс дунёқарашини айнитиш; шахс позициясини ўзгартириш каби функциялар киради. Иккинчиси, ғоявий таҳдидлар бўлиб, булар: шахс хулқ-атворини айнитиш; шахс ахлоқий муносабатларини издан чиқариш ва шахс муомаласини бузишдан иборат. Учинчиси, информацион ҳужумлар ва кибертаҳдидлар бўлиб, булар: шахсга нотўғри маълумот бериш; шахс билимини қолоқлаштириш ва шахс фаолиятини заифлаштиришга қаратилган хатти-ҳаракатлардир. Дунё аҳли ёшларни бундай таҳдид ва хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш ҳақида бош қотирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида бу борада қуйидаги фикрларини билдирганди: “Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олиш. Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз. Шу муносабат билан Ўзбекистон глобаллашув ва ахборот коммуникация

технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат – БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқишни таклиф этаман. Бизнинг назаримизда, мазкур ҳужжатни имзолайдиган давлатлар ушбу соҳани ўз ижтимоий сиёсатининг асосий ва муҳим ҳаётий устувор йўналишларидан бири даражасига кўтариш бўйича қатъий мажбуриятларни ўз зиммасига олиши керак" [1]. Бу ташаббус БМТга аъзо барча мамлакатлар томонидан қўллаб -қувватланди.

Президентимизнинг ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг 2018 йил 10 июндаги мажлисида илгари сурган "БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияси"ни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тўғрисидаги таклифи ҳам айни шу нуқтаи назардан ниҳоятда долзарб вазифалар мавжудлигини англатади[2]. Бугунги инсоният ҳаёти ва жаҳон тараққиётининг демографик ҳолатига кўра, Ўзбекистон дунё мамлакатлари орасида аҳолиси тез суратлар билан ўсиб бораётган давлатлар қаторига кириши маълум. Юртимиз аҳолиси орасида ёшлар сонининг кўплиги бўйича нафақат Осиё давлатлари, балки бутун дунё мамлакатлари ўртасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Яъни, мамлакатимиз аҳолисининг қарийиб 66 фоизини ёшлар ташкил этади. Бугун ёшларимизни дунёда тоборо кучайиб бораётган турли маънавий хавф-хатарлар ва таҳдидлардан ҳимоя қилиш, бу балоларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш жуда муҳим.

Айни пайтда баркамол авлодни тарбиялаш, таҳдидбардош ёшларга хос хусусиятларни шакллантириш йўналишида АҚШдаги В.Вилсон халқаро тадқиқот маркази(Woodrow Wilson International center for scholars, Washington), Йел университети, Гарвард, Колумбия университетлари, Шарқ ва Африка тадқиқотлари мактаби (SOAS, Англия), Гумбольд университетининг Европа этнологияси институти (Германия), Франциядаги Сарбонна университети, Institute of Central Asia (Франция), Париж Ижтимоий фанлар Олий мактаби (EHESS, Франция), Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Россия Фанлар академиясининг Шарқшунослик, Фалсафа ҳамда Социология институтлари (Россия) ва бошқа шу каби илмий марказларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда[3].

Мамлакатимизда ҳам бу долзарб масала тадқиқотчиларимиз назаридан четда қолаётгани йўқ. Сиёсатшунос Ш.Пахрутдинов тадқиқотларида, айниқса унинг "Таҳдид ҳалокатли куч", "Миллий манфаатлар ва бошқарув масъулияти. Огоҳлик ва ҳушёрлик тамойиллари", "Барқарор тараққиёт ва раҳбар масъулияти" каби асарларида жамиятнинг таҳдидбардошлигини мустаҳкамлаш мавзусига алоҳида эътибор қаратилган [4]. Ёшлар қатлами, уларнинг ҳаёти ва фаолиятига доир айрим масалалар Н.Темирова, Ш.Эрматов, Т.Қурбонов, Р.Қурбонов, Д.Рахимова, Г.Тиллаева каби тадқиқотчиларнинг номзодлик диссертацияларида ўз ифодасини топган. Жумладан, Н.Темирова ўз номзодлик диссертациясида "Ўзбекистон ёшлари маънавий қиёфасини шакллантиришда умуминсоний ва миллий қадриятлар диалектикаси"ни

ўрганган. Ш.Эрматовнинг номзодлик ишида мамлакатимиз қишлоқ ёшларининг сиёсий жараёнларда қатнашуви натижалари, бу борадаги муаммо ва ечимга эътибор қаратилган бўлса, Р.Қурбонов ўз номзодлик диссертациясида ёшларда ҳарбий ватанпарварликни тарбиялашда миллий ғоянинг ўрни ва аҳамиятини ижтимоий-фалсафий жиҳатларини таҳлил қилган [5]. Бу соҳада айниқса, кейинги йилларда ҳимоя қилинган диссертациялар орасида Ш.Тайлақованинг «Ўқувчи-ёшлар маънавиятини оммавий ахборот воситалари асосида такомиллаштириш (телекўрсатувлар, радио эшиттиришлар ва интернет хабарлари мисолида)», У.Ёзиеванинг «Таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларни зарарли ахборотлар таҳдидидан ҳимоя қилишнинг такомиллаштирилган технологияси (бошланғич таълим мисолида)» мавзуидаги 13.00.01–Педагогика назарияси. Педагогика таълимотлар тарихи (педагогика фанлари), Б.Убайдуллаеванинг “Ўзбекларнинг бола тарбиясига доир анъаналари ва инновациялар (XX асрнинг иккинчи ярми – XXI асрнинг бошлари)” мавзуидаги 07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология (тарих фанлари) бўйича амалга оширган тадқиқотлари ҳам мавзуга доир айрим масалаларга бағишланган.

Жаҳоннинг турли мамлакатларида нотинчликлар ва маънавий инқироз кечаёган паллада Ўзбекистон ёшларида таҳдидбардошлик, мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг ғоявий тамойилларини тарихий, ижтимоий-фалсафий нуқтаи–назардан ўрганиш, маънавий-маърифий ишлар, ғоявий тарбия ва ёшларда турли бузғунчи ғоялар хуружига қарши мафкуравий профилактикани амалга оширишнинг самарали йўллари ва усулларини кўрсатиш, мамлакатимиз ёшларида ғоявий хуружлардан ҳимояланиш маданиятини шакллантириш ва уларда бу йўналишдаги мустаҳкам таҳдидбардошлик иммунитетини шакллантириш технологияларини ишлаб чиқишни, бу борада тегишли илмий хулосалар ва амалий таклифларни беришни ҳаёт тақозо этмоқда.

Ҳозирги глобаллашув даврида ушбу йўналишдаги турли ғоявий таҳдидлар ва хуружларни ўрганиш, мафкуравий иммунитетни шакллантиришни илмий таҳлил қилишда Президент Шавкат Мирзиёевнинг фармон ва қарорлари, шунингдек асарлари, кўплаб маъруза ва чиқишларидаги ёшларга доир таклиф ҳамда ташаббусларига эътибор қаратиш зарур. Унда ёшларимизни турли маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, уларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш механизмлари аниқ белгилаб берилиб, уни ҳаётга тадбиқ этишга жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ва “2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонлари ҳамда 2017 йил 30 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳа ривожини янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги қарорида алоҳида аниқ мақсад ва вазифалар белгилаб берилган.

Мазкур ҳужжатлар мазмун-моҳияти, шунингдек жараёнлар таҳлилидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ёшлар маънавиятига қаратилган таҳдидларга

қарши мафкуравий иммунитетни шакллантиришда давлат ва нодавлат ташкилотлари ўз фаолиятини қайта кўриб чиқиб, ёндашувни ўзгартириши лозим.

Ёшлар ишлари агентлиги раҳбари Алишер Саъдуллаев фикрича [6], ёшлар билан ишлашда мутлақо янги, илгари мавжуд бўлмаган механизмлар, метод ва услублардан фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларда ижодкорлик, креативлик қобилиятларини янада ривожлантириш мақсадида қатор янги лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, яқинда ҳаётга тадбиқ этилган "MODUL 5" лойиҳасида юртимиздаги муваффақиятли, ўз ишининг устаси бўлган ҳамда ҳаётида қатор ютуқларга эришган йигит-қизлар маҳорат маърузалари билан иштирок этиб, ёшлар билан ўз тажрибаларини бўлишади. Бундан кўзланган асосий мақсад – ёшларни руҳлантириш, янги мақсадлар сари илҳомлантириш. Бундан ташқари, ёшлар орасида катта қизиқиш уйғотган яна бир омадли лойиҳалардан бири "Чегарасиз" номи остида тайёрланаётган мотивацион видео роликлардир. Мазкур видео роликларда жисмоний имконияти чекланган, аммо ҳаётдан умиди катта бўлган, улкан мақсадларни кўзлаган, ҳатто юқори натижаларга эришиб келаётган ёшларнинг ҳаёт йўли ёритиб берилади. Бундан ташқари талабаларнинг шахсий ташаббуси билан "TEDxTSUL", "The Chance" каби замонавий форматдаги лойиҳалар ташкил этилди, бу ёшларнинг муаммолари, таклиф ва тавсияларини билдиришлари учун платформа вазифасини бажармоқда.

Ислом цивилизацияси маркази директори Шоазим Миноваров ёшларда маънавиятни юксалтириш, мафкуравий иммунитетни шакллантиришда диний ғоялардан самарали фойдаланишни илгари суриб, уни қуйидагича асослайди: "Исломнинг олтин даври ҳамда Темурийлар ренессанси даврларида мусулмон ва жаҳон цивилизациясига бебаҳо илмий-маданий ва маърифий ҳисса қўшган Фарғоний, Бухорий, Хоразмий, Ибн Сино, Беруний, Мирзо Улуғбек каби буюк аждодларига эга ўзбек халқининг кундалик турмуши жараёнлари, жумладан, тарбия масалалари ислом дини билан боғлиқ бўлган. Тинчлик, ижод, илм-фан, ҳалол меҳнат, инсонийлик, бағрикенглик ва олижанобликка ундовчи ислом дини XVII асрга қадар Ўрта Осиёда ижтимоий-иқтисодий барқарорлик ва тараққиётнинг маънавий асоси бўлиб келган. Ўзбек халқининг асрий анъаналари, жумладан, тарбия соҳасидаги анъаналари аждодларимизнинг табаррук дини билан боғлиқ" [7].

Ёшлар маънавиятига қаратилган таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш масаласида вужудга келаётган муаммоларга ечимни ўтмишдан, буюк алломалар асарларидан қидириш керак. "Авесто" замонларидан бошлаб Шарқ ва Ғарб ижтимоий-фалсафий тафаккурида акс этган пурмаъно фикрлар, Суқрот ва Платон, Аристотель ва Конфуций, Беруний ва Ибн Сино, Абу Ҳомид Ғаззолий ва Азизиддин Насафий, Жалолиддин Румий ва Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд ва Низомулмулк, Амир Темур ва Алишер Навоий каби мутафаккирларнинг асарларида илгари сурган ғоялар ва таълимотлар мазмун-моҳиятан айни пайтдаги маънавий

хавф-ҳатарлар, мафкуравий таҳдидлардан огоҳ этиши билан бирга, инсон тафаккурида ундан ҳимояланиш кўникмасини, бир сўз билан айтганда иммунитетни пайдо қилишда ўзига хос таъсири борлиги шубҳасиз, албатта[8]. Бугунги кунда ана шундай мутафаккирларнинг ғоя ва қарашларини чуқур ўрганиш ва уларнинг асарларидаги фикр ва қарашларини кенг тарғиб этиш имконини берувчи изланишлар ва тадқиқотларга эҳтиёж ортиб бораётгани асло бежиз эмас.

Маълумки, Абу Наср Форобийнинг “шаҳарлар таснифи” таълимотида маънавиятнинг тадрижияти тасвири берилган ҳамда маънавият муайян ҳаёт тарзини шакллантириши ҳақида хулоса чиқарилган. Аллома турли маънавиятларнинг қарор топишини турли “шаҳар” аҳолиси турмуши сифатида тасвирлаш усулини қўллаган. Аммо Форобий бир қарашда идеал саналмиш “фозил шаҳар”, яъни етук маънавиятнинг емирилиши ёки таназзули тадрижияти ҳам юзага келиши мумкинлиги ҳақида хулоса чиқаради. Айни шу жиҳатдан Форобийнинг илмий мероси биз учун муҳим. Маънавиятнинг икки асосий сифати бор: ё ўзингники бўлади, ё бировники. Бировнинг ўз маънавиятини тиқиштириб, сенинг маънавиятингга таҳдид солиши фақат битта мақсадни – сенинг маънавиятингни йўққа чиқаришни кўзлайди. Мутафаккир ҳар қандай жамият учун маънавият борасида иккита вазифа устувор бўлишини: биринчидан, ўз маънавиятини мудом такомиллаштириш, иккинчидан, уни ўзга маънавият тажовузидан асрай билишни таъкидлайди[9].

Хуллас, ёш авлодни маънавий таҳдидлардан асраш, мафкуравий иммунитетини шакллантириш учун қуйидагича эътибор керак:

Биринчидан, давлатнинг ёшларга оид сиёсатини амалга тадбиқ этишда сиёсий институтлар, жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, диний ташкилотлар, маҳалла билан доимий ҳамкорликларни кучайтириш ва бу орқали ёшлар қизиқишлари, муаммоларини ўрганиб чиқиш;

Иккинчиддан, ёшларнинг иннавацион фаолиятини бойитиш, уларнинг хулқ-атвори, қизиқиши, қобилияти, билими, характерини ҳисобга олиб, ижодий фаоллигини ҳар томонлама ошириш, уларнинг мустақиллигини таъминлаш;

Учинчидан, ёшларни буюк алломалар қолдирган нодир асарларни ўқишга қизиқишини ошириш, уларда миллий ва умумбашарий қадриятларга содиқлик ҳиссини мустаҳкамлаш;

Тўртинчидан, ахборот алмашиниши, ёш авлодни ривожлантириш ва тарбиялаш учун ахборот муҳитини хатарсиз, қулай тарзда кенгайтириш. Оммавий ахборот воситалари, матбуот, интернет порталларидан ёшларни ижобий ва самарали фойдаланишга жалб этиш зарурдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи // http://uz24.uz/uz/politics/shavkatmirziyoyev-bmt-bosh-assambleyasining-72-sessiyasida-nutqi.

2.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи, 2018. – 12 июнь, № 119 (7077).
3.www.harvard.edu; www.yale.edu; www.columbia.edu; iea-ras.ru;www.iaaw.hu-berlin.de; www.ehess.fr/fr; books.google.com; knigi.link/etnologiyaetnografiya; www.dissercat.com.
4.Пахрутдинов Ш, Жўраев Т. ва бошқ. Миллий манфаатлар ва бошқарув масъулияти. Огоҳлик ва ҳушёрлик тамойиллари. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2008. 456 б.; Пахрутдинов Ш. Барқарор тараққиёт ва раҳбар масъулияти. –Т.: Akademiya, 2011. - 304 б.; Пахрутдинов Ш. «Таҳдидбардошлик» ҳозирги замон жамиятининг муҳим шарти //Фуқаролик жамияти. -Тошкент, 2010. -№ 2.
5.Қурбонов Т. Ёшларнинг миллий ғурурини тарбиялашда маданий мероснинг ўрни ва роли. –Т.: ЎзМУ, 2006; Эрматов Ш. Қишлоқ ёшларининг сиёсий жараёнлардаги иштироки: натижалар, муаммолар ва ечимлар. –Т.: ДЖҚА, 2008; Қурбонов Р. Ёшларда ҳарбий ватанпарварликни тарбиялашда миллий ғоянинг роли (ижтимоий-фалсафий таҳлил). –Т., ЎзМУ, 2009; Рахимова Д. Ўзбекистонда талаба ёшларни ижтимоий ҳимоялаш масалалари (ижтимоий-фалсафий таҳлил). –Т.: ЎзМУ, 2009; Тиллаева Г.Ҳ. Ижтимоий муҳит ва тарбия: муаммо ва ечимлар (ижтимоий-фалсафий таҳлил). Фалсафа фанлари номзоди... дис.автореф. /–Тошкент: 2009. -25 б.
6. Саъдуллаев А. Янгиланаётган жамиятда ёшларнинг ижтимоий фаоллиги: муаммо ва ечимлар. Республика илмий-амалий конференцияси, 2019 йил 20 ноябрь, 3,4 б.
7.Миноваров Ш. Янгиланаётган жамиятда ёшларнинг ижтимоий фаоллиги: муаммо ва ечимлар. Республика илмий-амалий конференцияси, 2019 йил 20 ноябрь, 8 б.
8. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 358 б.; Платон. Давлат. – Т.: Янги аср авлоди, 2009; Аристотель. Политика //Соч. 4. -М., 1984; Конфуций. “Лун Юй” (“Беседы и суждения”) – М., 1992., Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. 1-жилд. – Тошкент: Фан, 1968. – 386 б.; Абу Али Ибн Сино. Тиб қонунлари. Уч жилдлик. - Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги нашриёт. 1994.; Азизиддин Насафий. Зубдатул ҳақоиқ. Н.Комилов тарж.–Т., 1996. Фаридиддин Аттор. Илоҳийнома. -Тошкент: Ёзувчи, 1994; Низомулмулк. Сиёсатнома ёки Сияр-ул-мулук. – Т.: Адолат, 1997.; Жалолиддин Румий. Ичингдаги ичингдадир. – Тошкент: Ёзувчи, 1997. – 290 б; Темур тузуклари. – Тошкент: “Шарқ” нашриёти матбаа бирлашмаси, 1992. - 92 б.; Алишер Навоий. Ҳайратул аброр. - Тошкент: Ғафур Ғулом нашриёти. 1989. – 330 б.
9.Абу Наср Фараби. Социально-этические трактаты. – Алма-Ата:Наука, 1975.– Б. 166.

ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИГА ҚАРАТИЛГАН ТАҲДИДЛАРИГА ҚАРШИ МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ.

Диловар Зайнитдинова,
Низомий номидаги
ТДПУ "Ижрочилик маҳорати ва маданияти"
кафедраси 1-босқич магистранти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг **"**Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2019 йил 3 майдаги 4307-сонли қарорида: "Мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш, бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, аҳоли, айниқса ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ватанпарварлик, халққа муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда[49].

Шу билан бирга, жаҳонда ғоявий-мафкуравий курашлар кескин давом этаётган, маънавий таҳдидлар кучайиб бораётган ҳозирги даврда ёшлар ўртасида миллий қадриятларга беписандлик, зарарли ёт ғоялар таъсирига берилиш, жиноятчилик ва экстремизм ҳаракатларига адашиб қўшилиб қолиш ҳолатлари ҳамон учрамоқда.

Маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш, маънавият соҳасидаги ички ва ташқи таҳдид ҳамда хавф-хатарларга қарши самарали курашиш, жамиятда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, давлат ва жамоат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятига яқиндан кўмаклашиш мақсадида:

"Жаҳолатга қарши маърифат" ғояси асосида жамиятда Узлуксиз маънавий-маърифий тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этишнинг стратегик йўналишлари, таъсирчан, креатив ва инновацион услубларини ишлаб чиқиш;

Тинчлик ва осойишталикка, мамлакатимизнинг барқарор тараққиётига, қадрият ва урф-одатларга ҳамда инсонпарварлик ғояларига хавф солувчи турли ички ва ташқи таҳдидларга қарши самарали тарғибот ишларини олиб бориш;"-деб таъкидлаб ўтилган.

Ҳозирги глобаллашув даврида интернет тармоғи, ижтимоий тармоқлар орқали ёшларимиз тарбиясига, мустақиллик мафкурасига зид бўлган кўплаб таҳдидлар, диний экстремизм, диний оқимларни тарғиб қилувчи сиёсий

1.Маънавий- марифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев.Тошкент ш.,2019 йил 3 май, ПҚ-4307-сон

“арбоб” ларнинг ёшларнинг маънавий оламидаги бўшлиқни тўлдираётганлиги барчамизда хавотир уйғотади. Ёшларимизнинг тушуниб-тушунмай бу оқимларга кириб кетаётганлиги жамиятимиз учун катта фожеадир.

Жамият олдида турган асосий вазифамиз кечиктирмай ёшларимиз онгида “мафкуравий имунитет” ни шакллантиришимиз зарурдир.Бунинг учун биринчи навбатда ҳаётий эҳтиёждан келиб чиқиб ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш тизимини кучайтириш лозим. Хусусан, ахборот олиш ва тарқатиш жараёнида жамият тараққиётининг ахборотини ижтимоий воқелик сифатидаги ролидан келиб чиқиб, жамиятда шаклланаётган ижтимоий онг йўналишлари ижтимоий тафаккур даражаси ва унинг оқимларини ўрганишни йўлга қўйиш керак. Аҳоли турли қатламлари, қарашлари, касбий ва бошқа ижтимоий ҳолатлари асосидаги фикрлаш тарзини аниқлаб бориш зарур[50].

Ахборот психологик хавф авж олаётган бир пайтда, турли бузғунчи ғоялар инсон онги ва тафаккурига ўз таъсирини ўтказаётган бир шароитда сиёсий можаролар келиб чиқиш мумкин бўлган манбаларни ўрганиш, омилларини аниқлаш ҳамда сиёсий қарашлари, руҳияти, ижтимоий-сиёсий психологик изчил равишда ўрганиб борилмоғи мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, таълим муассасаларда, хусусан, бошланғич таълимдан бошлаб ёшларга интернетдан фойдаланиш борасидаги маънавият соатларини Узлуксиз, давомли тарзда ўқитишни йўлга қўйиш ҳам ижобий самараларни бериши мумкин. Шу билан бирга, ўқувчиларнинг интернетдан, жумладан, ижтимоий тармоқлардан мақсадли фойдаланиш борасидаги шахсий жавобгарлигини кучайтириш керак.

Ҳозирги кунда ёшларимизнинг мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантиришимиз учун қуйидаги технологиялар ҳамда вазифамизни бажаришимизни тақозо этади:

- Ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларда ватанпарварлик ва ён-атрофдаги воқеаларга нисбатан дахлдорлик туйғусини янада шакллантириш мақсадида "Юксак маънавиятли ёшлар — юрт таянчи" мавзусида давра суҳбатларини ташкил этиш;
- Юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи ва кенг дунёқарашга эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, диний эстремизм ва халқаро терроризм, миллатчилик каби таҳдидларга қарши ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш мақсадида "Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик" мавзусида кенгайтирилган учрашув ташкил этиш;
- Ёшларда мавкуравий иммунитетни шакллантириш мақсадида "Терроризм ва диний экстремизм давр муаммоси" мавзусида маънавий-маърифий учрашувлар ташкил этиш;
- Мамлакатимизнинг бой тарихи ва маданий меросини ёшлар ўртасида тарғиб қилиш, фойдали иш коэффицентини ошириш мақсадида “Ёшлар туризими”ни ташкил этиш.[51]

---

[50] Ёшлар маънавий оламида бўшлиқ вужудга келиш хавфи. https://uza.uz/uz/posts/yoshlar-manaviy-olamida-boshliq-vuzhudga-kelish-xavfi_262737. **Собир ТУРСУНОВ, педагогика фанлари доктори**

[51] Оммавий маданият нима? http://e-library.namdu.uz.

Ёшлар маънавиятига қаратилган таҳдидлар орасида “Оммавий маданият” шаклидаги санъат асарларининг пайдо бўлганлиги ҳаммамизни ташвишга солади. “Оммавий маданият”нинг ҳаётимизга бостириб келишида дастлаб оммавий ахборот воситалари асосий рўлни ўйнади. Бугунга келиб эса, реклама унинг ажралмас йўлдошига айланиб қолди. Бозор қонуниятлари “оммавий маданият” маҳсулотларини кенг тарқатишдан манфаатдор бўлиб майдонга чиқмоқда. Замонавий аудио-видеотехникалар, овоз ёзиш ва кучайтиргич асбобларининг юзлаб турлари оммавий маданият маҳсулотлари рекламаси билан кун кўрмоқдалар. У саноат асосига кўчирилгач, ўртача, бўш оммавий маданият маҳсулотларини кўпайтириш ва сотиш бўйича қудратли тизим яратилди. Истаган дўкондан дунёнинг ҳар қандай хонанда ёки созандаси ижро этган қўшиқ, клип аудио видео тасмасини топиш мумкин. Санъатга, оммавий маданиятга масъулиятсизлик билан муносабатда бўладиган, енгил-елпи ижод билан элга танилган санъаткорлар армияси пайдо бўлди. Ўзлари шоир, ўзлари композитор бўлган, мусиқий махсус билими бўлмаган жуда кўплаб гуруҳлар пайдо бўлди ва улар ўз маҳсулотларини истаганча реклама қилмоқдалар. Ёшлар эса ана шундай сийқаси чиққан, лекин маълум маънода ўз аудиториясини топган “санъаткор”лар армияси билан юзма-юз турибдилар. Реклама яратувчи куч эмас, балки у оммавий психологияни акс эттирувчидир. Баъзан клипларда чиройли қизлар ва йигитлар нима деётганлигини ўзлари ҳам тушунишмайди. Кучли мусиқа садоси остида нималардир дейишади, машиналарга ўтириб қаерларгадир боришади. Оммавий маданият маҳсули бўлган бундай асарлар миллат менталитетини пасайтиришга хизмат қилаётгани сир эмас. Реклама нима дейди? Бирорта ширин ичимликни истеъмол қилиб чексиз роҳат ва фароғат олиш мумкин. Бирор нарсага эришиш учун жон куйдириш, тер тўкиб, меҳнат қилиш шарт эмас, ичимликни сотиб олиш керак ва уни истеъмол қилиш керак. Ёки ёзиб олинган фонограммага мос қилиб, лабни қимирлатиб тураверишкерак, тамом вассалом. Энди ўсиб, жамиятга кириб келаётган ёшларга, ўсмирларга ҳам ОАВлар шундай таълим бермоқдалар ва у қай бир даражада ўз харидорини топмоқда ҳамда онгига таъсир этмоқда. Демак, оммавий маданиятнинг ана шундай сийқаланиб, жўнлашиб бориши ҳаммамизни огоҳликка чорлаши лозим[51].

“Оммавий маданият” ўз гирдобига ёшларни тартиб олмасдан олдин, уларни миллий урф-одатлар, тарихий қадриятларимиз руҳида тарбия ишларни жадаллаштиришимиз лозим. Тарбия жамиятнинг бош вазифаси. Шунинг учун бу масалани бир икки тизим зиммасига юклаб қўйиш билангина ҳал этиб бўлмайди.

Биринчидан, тарбия она қорнида ҳомилани парвариш қилишдан бошланиб, инсон умрининг сўнгги дақиқасигача изчил давом этадиган умрлик вазифа.

Иккинчидан, кишилик ҳаёти шундай мураккаб жараёнки, тарбия билан амалда жуда кўп соҳалар шуғулланади.

Учинчидан, улардан битрортасини четлаб ўтиш ё иккинчи даражали деб ҳисоблаш кемтикликка сабаб бўлади, мукаммал инсонни тарбиялаш орзугина бўлиб қолади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев.Тошкент ш., 2019 йил 3 май, ПҚ-4307-сон
2.Ёшлар маънавий оламида бўшлиқ вужудга келиш хавфи. ҳттпс://уза. уз/уз/постс/ёшлар-маънавий-оламида-бўшлиқ-вужудга-келиш-хавфи_262737. Собир Турсунов, педагогика фанлари доктори
3.Ўзавтосаноат" акциядорлик жамияти тизимининг 2018 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар дастури.
4.Оммавий маданият нима? ҳттп://э-либрарй. намду.уз.

МАЪРИФАТЛИ ЖАМИЯТ, ХАЛҚПАРВАР ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШДА ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Юсупов Камолиддин Маматқулович,
Жиззах Давлат педагогика институти ўқитувчиси
Камолиддин Хасанов,
Жиззах Давлат педагогика институти талабаси

Ҳозирги Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичи эзгулик ва инсонпарварлик тамойилига асосланган “Ҳаракатлар стратегиясидан – тараққиёт стратегияси сари” ғоясини кенг тарғиб этиш орқали жамиятда соғлом дунёқараш ва бунёдкорликни умуммиллий ҳаракатга айлантириш, халқ ва президент, жамият ва давлат ўртасидаги муштаракликдан, мақсадларнинг бирлигидан, истиқболга интилишнинг уйғунлигидан келиб чиқмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳар қандай умуммиллий тараққиёт мақсадлар муштараклигидан келиб чиқади. Улуғ мақсадлар эса келажакка қатъий ишонч, ўтаётган кунидан мамнуният, эртага бугунгидан кўра фаровонроқ яшашга иймон келтирган жамиятдагина юзага келади. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси айни ана шу мақсадлар муштараклиги ва истиқболга интилишнинг узвийлигидан келиб чиқади .

Президент Ш.М.Мирзиёев ҳозирги жадал тараққиёт муаммолари ва уларни ҳал этиш концепцияларини ишлаб чиқар экан, жамиятнинг ялпи саводхонлик даражасини ошириш, маърифатли жамият қуриш ғоясини илгари сурмоқда. Дарҳақиқат, маърифатли жамиятгина ҳар қандай тараққиётга эриша олади. Маърифатли халқгина тарихий ривожланиш йўналишларини бехато

белгилай олади. Президентнинг жамият томонидан чуқур эътироф этилган тараққиёт стратегиясининг таг-заминида ана шундай ғоя ётади.

Президентимизнинг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан беш йиллик режалар белгиланди. [1]

“Инсон қадри учун” тамойили асосида ишлаб чиқилган ҳамда ўзида 100 та мақсадни мужассам этган Тараққиёт Стратегиянинг амалга оширилишида парламент палаталари томонидан ўтказиладиган назорат фаолияти алоҳида аҳамият касб этади.

Тараққиёт Стратегиядаги 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8 мақсадлар бевосита парламентнинг назорат фаолиятига дахлдор бўлиб, инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш орқали халқпарвар давлат барпо этишни назарда тутади.

Бунда маҳаллий Кенгашларда доимий асосда фаолият юритувчи депутатлар корпусини яратиш, уларнинг ваколатларини кенгайтириш ва аниқ белгилаш, ислоҳотларни изчил давом эттиришда Олий Мажлис паталари ва сиёсий партияларнинг ролини ошириш, норма ижодкорлиги жараёнини модернизация қилиш, қонунчилик хужжатларининг қатъий ижросини таъминлаш орқали ижро органлари фаолияти устидан назоратни кучайтириш назарда тутилган. [2]

Шундан, 2 мақсад бевосита Сенат фаолиятига дахлдор бўлиб, бунга қуйидаги вазифаларни амалга ошириш орқали эришилади:

Биринчидан, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларида айрим депутатларнинг доимий асосда ишлаш тартиби жорий этилади. Ҳуқуқий асос яратилганидан кейин энг муносиб номзодлар, яъни депутатлар танлаб олинади.

Иккинчидан, маҳаллий Кенгашлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида “Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари регламенти тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади.

Шу вақтга қадар маҳаллий Кенгашлар намунавий регламент асосида фаолият юритиб келмоқдалар, аммо “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ Намунавий регламент умуммажбурий характерга эга ҳужжат ҳисобланмайди, шу боис ушбу қонун лойиҳаси жуда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Учинчидан, маҳаллий Кенгашларнинг назорат функцияларини кенгайтириш ва тизимлаштириш мақсадида “Халқ депутатлари Кенгашлари назорати тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади.

Маҳаллий Кенгашлар “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонуннинг субъекти ҳисобланмаганлиги боис – бу улар томонидан ҳудудий ижро органлари фаолияти устидан назорат ташкил этишга тўсқинлик қилаётган эди. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши ҳам бу борадаги муаммоларга ҳам ечим бўлиб хизмат қилади.

Дастурда маҳаллий Кенгашларнинг ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишдаги ваколатларини янада кенгайтириш чораларини кўриш ҳам белгиланган. Унга кўра:

Биринчидан, ичимлик ва оқова сув, ички йўллар ва бошқа инфратузилма объектларини қуриш, бандлик дастурларини тасдиқлаш каби масалалар туман (шаҳар) Кенгашлари ваколатига ўтказилади.

Албатта, буларнинг устидан депутатлик назоратини олиб бориш ҳам маҳаллий Кенгашларнинг асосий устувор вазифаларидан бирига айланади.

Иккинчидан, ҳудудларда давлат таълим муассасаларини, соғлиқни сақлаш объектларини қуриш ва таъмирлашга ажратиладиган маблағларни тақсимлаш ваколати вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига берилади.

Шунингдек, Дастурда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ўз ҳокимликлари ва ижро органларининг штат бирлиги ва тузилмаларини маҳаллий Кенгашлар билан келишилган ҳолда белгилаш бўйича амалиётни жорий этиш белгиланган. Бу ҳам маҳаллий Кенгашлар учун берилган ваколат бўлиши билан бир қаторда, ҳам назорат, ҳам масъулият ҳисобланади.

Дастурда ахборот технологияларини маҳаллий Кенгашлар фаолиятига ҳам татбиқ этиш мақсадида “Рақамли халқ депутатлари Кенгаши” лойиҳасини амалга ошириш белгиланган.

Бунда, маҳаллий Кенгашлар сессияларини қоғозбозликдан холи тарзда ташкил этиш, маҳаллий Кенгашлар томонидан ҳудудий ижро органларини назорат қилиш доирасидаги ҳисоботлар, қарорлар, сўровлар ва бошқа ҳужжатлар ҳамда уларнинг бажарилиши ҳақидаги маълумотларни эълон қилиб бориш амалиётини жорий этиш назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари Тараққиёт стратегияси доирасида белгиланган қонун ҳужжатлари лойиҳаларининг ишлаб чиқилишида ҳар иккала палата депутатларининг фаол иштирок этишларини таъминлаш зарур.

Депутат ва сенаторлар қонун лойиҳаларининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатга кўриб чиқиш учун киритилишини ёки қонунчилик палатаси ва Сенатнинг тегишли қўмитаси томонидан расман кўриб чиқиш учун юборилишини кутиб ўтирмасдан, депутат ва сенаторлар лойиҳа учун ўз таклифларини Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг тегишли қўмиталари ёки маҳаллий Кенгашларга кўмаклашувчи комиссияга беришлари мумкин.

Иккинчидан, Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан таъсирчан депутатлик назоратини амалга ошириш, ўрганишлар, эшитувлар ва сўровлар аниқ натижа билан якунланишига жиддий эътибор қаратиш лозим.

Бунинг учун ҳар бир палатада ташкил этилган доимий комиссия ўз йўналишидан келиб чиқиб, 2022 йилги ишларнинг аниқ режасини ишлаб чиқиши ва амалга ошириши лозим. Қолаверса, ҳар бир депутат ўз ҳудудида амалга оширилиши белгиланган чора-тадбирларни *(инвестиция лойиҳалари, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари)* аниқ билиши, ижрочилар билан доимий мулоқотда бўлиши лозим.

Қадимги Римнинг машҳур шоири Публилий Сир “Қонунлар кучли бўлган жойда, халқ ҳам кучлидир” деб таъкидлаган. Дарҳақиқат халқ вакиллари бўлган депутатлар ўз ваколатларидан келиб чиқиб, жасур ва қатъиятли бўлиши, фуқароларнинг манфаатига хизмат қилмайдиган қонунлар қабул қилинишига йўл қўймаслиги шарт. [3]

Шу маънода ҳар бир қонуннинг, таъбир жоиз бўлса, кўзи, оёғи ижроси бўлиши лозим. Қонунлар қабул қилиндими, албатта ҳаётда ўзгариш бўлиши керак. Зотан, маърифатли жамият ва ҳалқпарвар давлат кучли парламент қонунларида ва қонунлар ижроси устидан масъулиятли назорат ўрнатилгандагина қарор топиши шак-шубҳасиздир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги Фармони. ПФ- 60, 28 январь, 2022 й. www. Prezident.uz

2. 100 та мақсадни ўз ичига олган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 1-йўналиши бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенат фаолиятига дахлдор бўлиб, миллий парламентимзнинг назорат борасидаги ваколатларини такомиллаштиришга қаратилган. //Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022- 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги Фармони. ПФ- 60, 28 январь, 2022 й. www. Prezident.uz

3. Ш. Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2021 й, 104- б.

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ УЧУН ЯРАТИЛГАН “ТАРБИЯ” ДАРСЛИКЛАРИДА ЖАМИЯТГА МУНОСИБ ИНСОННИ ТАЙЁРЛАШ КОНЦЕПЦИЯСИ

Мустафаева Нодира Абдуллаевна,
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Ижтимоий-гуманитар фанлар бўлими раҳбари

Мамлакатимизда умуммиллий ҳаракатга айланиб бораётган **“Янги Ўзбекистон”** ғояси замирида улуғ аждодларимизнинг орзу-интилишлари, эзгу ғоялари ва умидлари акс этган. **“Янги Ўзбекистон”** ва **“Учинчи Ренессанс”** сўзлари ўзаро уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб ҳаётимизга кириб келаётган экан, бу борада мактаб таълими тизимига катта эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган **“Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади”** деган ғоя устувор вазифа сифатида кўндаланг қўйилди. Бугунги кунда, ёш авлоднинг маънан ва жисмонан камол топиши йўлида кенг кўламли

ишлар амалга оширилмокда. Юртимизда ёш авлодга замонавий билимлар бериш, касб-ҳунар ўргатиш, иқтидори, қобилияти ва интеллектуал салоҳиятини ўстириш учун зарур бўлган барча имкониятлар яратилмокда. Айни пайтда уларни умуминсоний ва миллий қадриятлар, эзгу фазилатларга садоқат руҳида тарбиялаш асосий мақсадимиз бўлмоғи даркор. Зотан, тарбия масаласида майда нарса бўлмайди.

2019 йил 23 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида мактаблардаги маънавий-тарбиявий ишларни янгича асосда ташкил этиш, “Миллий ғоя”, “Одобнома”, “Динлар тарихи”, “Ватан туйғуси” каби фанларни бирлаштирган ҳолда, ягона “Тарбия” фанини жорий қилиш зарурлиги қайд этилди. 2020 йил 6 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта таълим муассасаларида “Тарбия” фанини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 422-сонли қарори қабул қилинди. Қарор билан умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари учун “Тарбия” фани концепцияси тасдиқланди. “Тарбия” фани 1–9-синфларда – 2020/2021 ўқув йилидан, 10–11-синфларда эса 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб фанларга ажратилган умумий соатлар доирасида босқичма-босқич амалиётга жорий этилди. Дарсликни яратишда Япониянинг “Ахлоқ таълими”, Сингапурнинг “Феъл-атвор ва фуқаролик таълими”, Буюк Британиянинг “Тафаккур”, “Хулқ таълими” фанлари ва дарсликлари яқиндан ўрганилди. Мазкур дарсликларни ёзиш жараёнида ёшларни фикрлашга ўргатадиган, уларни миллий қадриятларимизга содиқ, ватанпарвар этиб тарбиялашга хизмат қиладиган замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилди. Дарслик Республика Маънавият ва маърифат маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг тегишли хулосалари асосида нашрга тайёрланди.

Айтиш лозим, муллифлар “Тарбия” фанининг ўқув дастури ва дарсликлари мазмунининиг 2та асосий йўналишини бош мезон этиб белгилаб олдилар. Булар:

1. “Тарбия” дарслигининг иккинчи номи сифатида берилган “БАХТ ВА МУВАФФАҚИЯТ СИРЛАРИ” ғояси.
2. Таниқли маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг “ТАРБИЯ БИЗ УЧУН Ё ҲАЁТ – Ё МАМОТ, Ё НАЖОТ – Ё ҲАЛОКАТ, Ё САОДАТ – Ё ФАЛОКАТ МАСАЛАСИДИР” фикри.

Бу жиҳатлар **умумий ўрта таълим мактаб**ининг барча синфлари учун ёзилган “Тарбия” дарслиги муқоваларида бир кўринишда тақдим этилганлиги билан аҳамиятлидир. Энг муҳими, мазкур концепция асосида фарзандларимизга кичик ёшдан балоғат ёшига етгунга қадар бўлган давр, яъни 11 йил давомида ШАХСнинг ЖАМИЯТда тутган ўрни ҳамда ШАХС – ОИЛА – ЖАМИЯТ ўзаро боғлиқлиги тамойили бўйича етказиб борилади. Ушбу

жараённинг туб моҳияти жамиятда соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни яратишга йўналтирилган.

Дарсликлар мазмунини таҳлил қилар эканмиз, жамиятга муносиб инсонни тайёрлаш концепцияси бир қатор бош мавзуларда намоён бўлади ва уларда бир қатор мазмунга устуворлик қаратилади[52]:

№	Бош мавзу	Мазмундаги устувор масала
1.	Ватан мавзуси	Ватанга муҳаббат; Ўзбекистон фуқароси масъулияти ва позицияси; Ватанга муносиб фарзанд бўлиш;
2.	Умумбашарий ва умуммиллий қадриятлар мавзуси	Она табиатни асраш; Оила – Ватан ичидаги кичик Ватан; Маҳалла фаровонлиги; Бағрикенглик – тинчлик ва тотувлик асоси; Миллатлараро ҳамжиҳатлик; Бағрикенглик тинчлик ва тотувликнинг бош мезони сифатида.
3.	Комил инсон мавзуси	Одоб-ахлоқ тарбия; Унинг асосида сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, диний, экологик, ижтимоий-маънавий, тиббий, жисмоний маданиятни шакллантириш масаласи қўйилган. Илм-фан ва яратувчанликка интилиш. Инсоннинг кучли ва кучсиз жиҳатларини аниқлашга йўналтирилган масалалар.

Бу мавзуларнинг барчаси ўсиб келаётган ёш авлоднинг фаол ижтимоийлашувига хизмат қилади. Улар бир-бирига чамбарчас боғлиқликда тақдим этиб борилади. Бу эса фарзанд тарбиясида қуйидаги функцияларни бажарилишига хизмат қилади:

- Инсонпарварлик дунёқарашини шакллантириш;
- Халқ, мамлакат, давр ҳақида яхлит нуқтаи-назарга эга бўлиш;
- Қадриятларни фарқлаш ва анъаналарни бойитиш;
- Ҳар бир шахс жамиятнинг нормалари, меъёрлари ва талаблари тизимида ҳаёт кечириши ҳамда фаолият олиб бориши;
- Аждодлар мероси ва тажрибасини асраш, уларга таянган ҳолда тараққиётга интилиш;
- Билимлар, меъёрлар, қадриятлар тизимини ўзлаштирган ҳолда ўз-ўзини такомиллаштиришга интилиш;

[52] Жадвал муаллиф томонидан тайёрланди.

Муаллифлар жамоаси томонидан ёзилган ҳар бир мавзу ва топшириқлар инновацион фикрлашга йўналтирилган бўлиб, миллий анъаналар, улуғ алломаларнинг ҳаёт ва йўллари, асарлари, замондош қаҳрамонларнинг фаолияти ибрат сифатида берилганлиги билан аҳамиятлидир. Албатта дарсликда берилган матнлар боланинг ёши, дунёқараши ва жисмоний ҳолати назарда тутилган ҳолда ёзилганлиги билан эътиборга молик. Ушбу билимлар бугунги глобаллашув ва янги ўзгаришлар даврини "ўтмиш ва бугун" уйғунлиги билан мушоҳада қилишга чорлайди. Бу эса болада ВАТАНПАРВАРЛИК, КУЧЛИ ИРОДА, МЕҲР-ОҚИБАТ, МАСЪУЛИЯТ, БАҒРИКЕНГЛИК каби бир қатор ижобий жиҳатларни сингдирилишига хизмат қилада. Зеро, инсон ва унинг ҳаёти энг олий қадрият ҳисобланади. Ҳар бир фуқаро миллий кадриятларининг нафақат яратувчиси, балки асраб-авайловчиси ва келажакка етказувчиси ҳамдир. Бу эса ҳар бир ШАХСдан масъулликни талаб этади.

Энг асосийси, "Тарбия" фанининг мақсади фарзандларимизни мустақил қарор қабул қилиш кўникмасини шакллантиришга қаратилган. **Бу фан ёш авлодни жамиятдаги воқеалар ривожига баҳо бериш,** китобда ёзилган матн ва реал ҳаёт ўзаро мутаносиблигини аниқлаш, ҳаётга тайёргарлик ва ўзини жамиятнинг бир бўлаги ҳиссини англаш, олган билимларини ҳаётга татбиқ этиш масаласи, намунали инсон ғояси ва у қандай бўлиши керак ҳаёт ҳақиқатига тайёрлайди.

Фанннинг асосий ғояси "Бахт формуласи нима?", "Бахт формуласини яратишда таълимнинг ўрни қай даражада?" саволларига жавоб беришдан иборат. Бу жиҳатни фарзандларга етказишда асосий масъулият ўқитувчига зиммасига қўйилган. Бу фанни ўқитадиган устоздан ўта юқори билим, ҳаётий тажриба, ва энг асосийси, ўз "МЕН"ига эга намуна бўла олиш МАСЪУЛИЯТИни қўяди. Фикримизча, ушбу китоб нафақат ўқувчиларга, балки ота-оналар, уни ўқитаётган ўқитувчиларни ҳам тарбиялаш вазифасини ҳам ўз зиммасига олган. Зотан машҳур рим файласуфи ва давлат арбоби Луций Анней Сенека айтганидек: **"**Насиҳатгўйлик билан яхшиликка етишиш қийин, ўрнак кўрсатиш орқали эса осон".

ГЛОБАЛЛАШУВ АТАМАСИНИНГ ИЛМИЙ МОҲИЯТИ

Олимов Козимжон Комилжон ўғли,
Наманган давлат университети талабаси

Бугун биз тез суръатлар билан ўзгариб бораётган, инсоният ҳозирга қадар бошидан кечирган даврлардан тубдан фарқ қиладиган ўта шиддатли ва мураккаб бир замонда яшамоқдамиз. Давлат ва сиёсат арбоблари, файласуфлар ва жамиятшунос олимлар, шарҳловчи ва журналистлар бу даврни турлича таърифлаб, ҳар хил номлар билан атамоқда. Кимдир уни юксак

технологиялар замони деса, кимдир тафаккур асри, яна биров ялпи ахборотлашув даври сифатида изоҳламоқда. Албатта, бу фикрларнинг барчасида ҳам маълум маънода ҳақиқат, ратсионал мағиз бор. Чунки уларнинг ҳар бири ўзида бугунги серқирра ва ранг-баранг ҳаётнинг қайсидир белги аломатини акс эттириши табиий. Аммо кўпчиликнинг онгида бу давр глобаллашув даври тариқасида таассурот уйғотмоқда. Бундай таъриф, менимча, кўп томондан масаланинг моҳиятини тўғри ифодалайди. Нега деганда, ҳозирги пайтда ер юзининг қайси чеккасида қандай бир воқеа юз бермасин, одамзот бу ҳақда дунёнинг бошқа чеккасида зудлик билан хабар топиши ҳеч кимга сир эмас. Ана шундай глобаллашув феномени ҳақида гапирганда, бу атама бугунги кунда илмий, фалсафий, ҳаётий тушунча сифатида жуда кенг маънони англатишини таъкидлаш лозим. Умумий нуқтаи назардан қараганда, бу жараён мутлақо янгича маъно мазмундаги хўжалик, ижтимоий-сиёсий, табиий, биологик глобал муҳитнинг шаклланишини ва шу билан бирга, мавжуд миллий ва минтақавий муаммоларнинг жаҳон миқёсидаги муаммоларга айланиб боришини ифода этмоқда [1]. Глобаллашув жараёни ҳаётимизга тобора тез ва чуқур кириб келаётганининг асосий омили ва сабаби хусусида гапирганда шуни объектив тан олиш керак, бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи нафақат яқин ва узоқ қўшнилар, балки жаҳон миқёсида бошқа минтақа ва ҳудудлар билан шундай чамбарчас боғланиб боряптики, бирон мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслигини тушуниш, англаш қийин эмас. Шу маънода, глобаллашув - бу аввало ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир.

“Глобаллашув” атамаси дастлаб америкалик олим Т. Левитт томонидан 1983 йили «Гарвард бизнес ревъю» журналида чоп қилган мақоласида қўлланган. Т. Левитт йирик трансмиллий корпоратсиялар ишлаб чиқарадиган турли-туман маҳсулот бозорларининг бирлашув жараёнларини “глобаллашув” деб атаган. Мазкур таърифда глобаллашув жараёнининг иқтисодий тамонларига эътибор берилган. Ўз даврида француз файласуфи Р. Декарт “Тушунчалар маъносини аниқлаштиринг ва бу инсониятнинг ярмини адашишдан сақлайди” - деб ёзган эди [2]. Айни шу маънода дастлаб биз “глобаллашув” тушунчасининг истилоҳий маъносини изоҳлашга ҳаракат қиламиз. Бу сўзга қуйидагича тариф бериш мумкин: Глобаллашув – Жаҳон хўжалиги ривожланишининг объектив жараёни бўлиб, жуда кўп ижобий хусусиятларга эгадир: булар асосан турли мамлакатлар хўжалигининг ўзаро алоқаси, хорижий сармояларни жалб қилиш, илм-фан, техника технология ютуқлари алмашувини тезлашишни ҳамда давлатларни илмий техникавий тараққиётига кўмаклашув билан тасдиқланади [3]. Глобаллашув – бутунжаҳон иқтисодий сиёсий, маданий интегратсия ва унификатсия (бир бирга яқинлашув) жараёнидир. Асосий хусусиятлари халқаро меҳнат тақсимоти, капитал, ишчи кучи ва ишлаб чиқариш ресурларининг эркин ҳаракати, қонунчилик, иқтисодий ва технологик жараёнларни стандартлаштириш, шунингдек, турли мамлакатларнинг маданиятининг қўшилиш ва

яқинлашувидир. Бу объектив жараён бўлиб жамиятнинг барча соҳаларини қамраб олувчи тизимли хусусиятга эга. Глобаллашувга қарши ҳаракатлар ҳам мавжуд бўлиб, улар глобаллашув натижасида юзага келадиган ва келаётган муаммоларни оқибати салбий деб эътироф этишади. Бундай ташкилот, уюшма, ҳаракатларга "Греен", "АнтиДаос" каби бир неча антиглобилистларни киритиш мумкин [4]. Глобаллашув босқичига минтақалашув босқичини босиб ўтиш лозим. Ваҳоланки, глобаллашув яхлит жараёнларни ўз ичига қамраб олади.

"...Энг умумий маънода, глобаллашув, бир томондан, муайян ҳодиса, жараённинг барча минтақалар, давлатлар ва бутун ер юзини қамраб олганини, иккинчи томондан, уларнинг инсоният тақдирига даҳлдор эканини англатади". Данилов-Данилян "Глобаллашув кўпроқ мантиқдан эмас, балки тарихий парадигмадан келиб чиққан сўздир. Глобаллашув жиҳатларининг ўзаро алоқадорлигини аниқ ва равшан таҳлили мавжуд эмас", - деб ёзган эди. Юқоридаги таърифлардан кўринадики, глобаллашув жараёни ўзининг мураккаблиги ва серқирралиги билан алоҳида ажралиб туради. Шунинг учун ҳам С. Отамуратов "...глобаллашув тушунчаси ҳақидаги қарашлар турли-туманлигича давом этиб келмоқда. Бу табиий ҳол. Чунки унинг макон ва замонда содир бўлиш хусусиятлари турлича бўлиб дунёнинг ўзгаришига ўтказаётган таъсирида ҳам янги-янги имкониятлари намоён бўлмоқда". 1980-1990-йиллар бўсағасида "глобаллаштириш" тушунчаси янги талқинга эга бўлди: асли япониялик кейинроқ америкалик машҳур иқтисодчи К.Оме таърифлаб берган мазкур атаманинг оммага тушунарли бўлган ифодасидан жаҳон хўжалиги ривожланишининг нисбатан янги қирралари ва тавсифлари, унинг дастлабки тараққиёт босқичларидан фарқланувчи ҳозирги ҳолатини кўрсатиш учун татбиқ эта бошладилар. Профессор А.Катсович глобаллаштириш жараёнини тасвирли ёритилиши ва жаҳон хўжалигининг янги тавсифлари юзага келиши: "Глобаллаштириш чегаралар орқали иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий алоқаларни интенсификатсия қилиш орқали аниқланиши мумкин. Глобаллаштириш – бу эркин савдо тўғрисидаги битимлар уйғунлиги, жаҳонни ягона ва ўта рақобатли бозорга айлантирган Интернет ҳамда молиявий бозорларнинг бирлашишидир", деган таклифни киритади [5]. Жаҳон олимлари томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқотларда «Глобаллашув» тушунчасига турли таърифлар берилмоқда ва унга турли қарашлар ва муносабатларни билдириш давом этиб келмоқда. Лекин унинг ер куррасининг бир бутунлигини ифодалаш ва барча соҳаларнинг «ягоналигини» таъминлаш жараёни, омили сифатида қараш умумий қарашлардан устувор бўлиб келмоқда. Жумладан, рус олими И.Бурикова глобаллашувни жараён сифатида қарайди ва олимлар томонидан унга нисбатан қарашларни умумлаштириб, унинг учта асосий жиҳатини кўрсатади:

1.Билим жиқатлари - глобаллашув жараёни ҳақида нималар маълумлиги.

2.Эмоционал - бу маълумотга қандай ёндошув зарурлиги.

3.Ахлоқий - нима қилиш керак эканлиги [6].

2006-йилда «Глобаллашув» тушунчаси ва унинг турли соҳаларга ўтказаётган таъсирини аниқлашга бағишланган жаҳоннинг етакчи олимлари ҳамкорлигида «Глобалистика луғати» тайёрланиб эълон қилинди. Унда глобаллашув тушунчасига олимлар турлича таъриф берганлар ва унинг таъсир доирасини аниқлашга ҳаракат қилинган.

Жумладан, америкалик олим Т. Фридман бу ҳақда шундай таъкидлайди: «Глобаллашув – бу «совуқ уруш тизимини» алмаштирган янги тизим». Келтирилган фикрдан кўриниб турибдики, иқтисодиётда кечаётган глобаллашув жамият, мамлакат ва халқлар ҳаётининг барча соҳаларига ўзининг таъсирини ўтказмоқда. Шунинг билан бирга уни ўз даврида жаҳонни ларзага солган ва бутун инсониятга хавф туғдирган «совуқ уруш» билан тенглаштирган муаллифлар ҳам бор. Ҳақиқатдан ҳам, юқорида муаллифлар томонидан илгари сурилаётган фикрларда глобаллашувнинг иқтисодиётга, сиёсатга ва жаҳон миқёсидаги жараёнларга ўтказаётган таъсири кенг қамровли эканлиги кўрсатиб берилган. Айниқса, унинг иқтисодиётга ўтказаётган таъсирига асосий эътибор берилганлигини таъкидлаш лозим [7].

Ҳақиқатан ҳам иқтисодиётдан манфаатдор бўлмаган инсоннинг ўзи йўқ. У инсон ҳаёт кечиришининг моддий асосини ташкил қилади. Шунинг учун ҳам иқтисодиётдаги глобаллашув миллий маънавиятда ҳам ўз ифодасини топади. Афсуски, юқорида муаллифлар томонидан билдирилган фикрлардан кўриниб турибдики, глобаллашувнинг миллий маънавиятга ўтказаётган салбий таъсири эътибордан четда қолдирилган. Бу жараёнда иқтисодий глобаллашув миллий маънавиятнинг глобаллашувида восита вазифасини бажаради. Ана шу муқим жиҳат муаллифлар эътиборидан четда қолганлигини кўриш мумкин. Шунинг билан бирга Фридманнинг глобаллашувнинг «совуқ уруш» сиёсати билан тенглаштирилганлиги замирида ҳам катта маъно бор. Ҳақиқатдан ҳам бугун у бутун инсоният, айниқса унинг олий қадриятларидан бири бўлган миллатлар тақдирига солаётган таҳдидини «совуқ уруш» сиёсатига тенглаштириш мумкин [8]. Республикамизда ҳам тадқиқотчиларимиз томонидан глобаллашув жараёнини ўрганишга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Ҳали бу масалага бағишланган фундаментал тадқиқотлар эълон қилинмаган бўлса ҳам бир қатор илмий жиқатдан пишиқ бўлган мақолалар эълон қилинганлигини таъкидлаш лозим. Жумладан, «Глобаллашув зиддиятлари», «Адабиётида глобаллашув жараёни», «Халқаро глобаллашувнинг чуқурлашуви» ва бошқа мақолаларда унинг баъзи бир жиҳатларига тўла-қонли таъриф келтирилади. Айтиш жоизки, мазкур мақолаларда ҳам «Глобаллашув» жараён сифатида талқин этилганлигини кўриш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Нажмидинова Қ. У. Оила тарбиясида миллий ва умуминсоний ахлоқий маданиятнинг ўрни. - Т.: “Адолат”, 2016. 224 б.
2. Кенжабоев А., Кенжабоев Ж. Тарбия технологияси ва унинг долзарблиги. Замонавий таълим. 2015 йил, 4-сон. 61-64 бетлар.

ZJV5401

3. Қуронов М. Мафкуравий таҳдид ва ёшлар тарбияси. -Т.: Академия. 2008.
4. А. Утамурадов. Шахс маънавий камолотини шакллантириш. Тошкент. “Университет”, 2011.
5. Қуронов М., Тураев М.. Миллий тарбия ва ёшлар дунёқарашини шакллантириш. Ўқув қўлланма, “Муҳаррир” нашриёти. 2017. 18 б.
6. Кенжабоев А., Кенжабоев Ж.. Тарбия технологияси ва унинг долзарблиги. Замонавий таълим. 2015 йил, 4-сон. 70 б.
7. Нажмидинова Қ. У.. Оила тарбиясида миллий ва умуминсоний ахлоқий маданиятнинг ўрни. - Т.: “Адолат”, 2016. 202 б.
8. А. Утамурадов. Шахс маънавий камолотини шакллантириш. Тошкент. “Университет”, 2011.

ШАРОФ РАШИДОВ ШАХСИ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ СИФАТИДА

Шаҳло Аҳророва,
фалсафа фанлари доктори (PhD),
ижтимоий-маънавий тадқиқотлар
институти катта илмий ходими

Инсон ҳамиша қадрли бўлган объект томон интилади, уни асраб авайлайди. Асраш, ардоқлаш натижасида қадр доимийлик касб этади ва у қадриятга айланади. Агар бу қадрият миллат учун аҳамиятли бўлиб, этник жиҳат ва хусусиятлар билан боғлиқ бўлса, у миллий қадриятга айланади. Миллий қадриятлар йиллар мобайнида такомиллашиб боради ва унинг яшовчанлиги инсон ва миллат манфаатларини олий даражада ифодалашига боғлиқ. Миллий қадиятларнинг объекти миллатдир.[53]

Миллий қадриятлар бу, аввало, миллатнинг ўзини, ўзлигини қадрлаши демакдир. Бу жаҳон саҳнида миллат бор экан, у каттами, кичикми, дунёнинг у четида яшайдими, ёки бу четидами, қатъий назар, унинг ўзлиги, миллийлиги, қадриятлар тизими бўлади. Токим, у қадрлаган тизим эъзозланмас экан, миллатнинг ўзи ҳам эъзоз топмайди.

Миллат ва миллий қадриятлар тизимининг бир-бирига мутаносиб равишда шаклланиб, ўзгариб бориши ижтимоий сиёсатга ўз таъсирини кўрсатиб, диалектик тарзда ривожланиб боради. Ижтимоий сиёсат миллий қадриятлар тизимини таркибан ўрганиши муҳим аҳамият касб этиб, улар қуйидаги хусусиятларда кўринади:

1.Замон, вақт (миллатнинг ўтмиши, бугуни, келажаги) билан боғлиқ;

2.Макон (миллий ҳудуднинг географик жойлашуви, иқлими) билан боғлиқ;

[53] Қ.Назаров. Қадриятлар фалсафаси. Т. 2004 й. 90 б.

3.Миллат генофонди, қон-қардошлик ришталари, миллий характерга хос;

4.Урф-одат, анъана, маросим ва байрамлар, ўйинлар билан боғлиқ;

5.Миллат тили, ёзуви, шевалари, халқ оғзаки ижоди билан боғлиқ;

6.Миллат тафаккури, ғояси, миллий мақсад ва манфаатлар билан боғлиқ.

7.Миллат аҳамиятига молик шахслар бмлан боғлиқ миллий қадриятларга таснифлаш мумкин.

1.Ўтмишсиз миллат бўлмайди ва ўтмиш унинг бугуни ва келажаги учун пойдевор, миллий ўзлик учун асосдир. Аслида миллатнинг ўзи тарихий-ижтимоий бирлик. Қадриятлар қадимийлигининг чуқур илдиз отгани ва бугун билан бирга такомиллашуви унинг келажакда яшовчанлигини оширади. Бугунгача етиб келган қадриятлар аждодлар руҳияти, ўзлиги, миллий сабоғини ўзида жо қилиш баробарида келажакка олиб ўтади.

2.Жуда кўп қадриятлар келиб чиқиши ҳудуднинг географик жойлашуви, иқлими, табиий ва ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар билан боғланади. Масалан, Ўрта Осиё халқлари табиий шароитга кўра қадимдан деҳқончиликка мослашган. Ер, сув, экин, хусусан, буғдой ва унинг хосиласи бўлмиш ноннинг улуғланишида ҳудудга хос иқтисодий асос, шунингдек, шу ҳудудда дунёга келган Зардўштийлик таълимоти билан уйғунликни кўриш мумкин. Чунки, Зардўштийлик дини қадиятларининг ўзи шу ҳудуддаги миллий асослардан озиқланган. “Авесто”да келтирилишича: “...Қачон-ки, эгатларда уруғ етилса, девлар ўринларидан қўпадилар.....Қачонки, буғдой ун берса, девлар нола чекадилар... Қачонки, буғдой хирмонга уюлса, девлар нобуд бўладилар.”[54] Бу қадрият ўз навбатида бир қанча урф, одат, амаллар шаклланишига асос бўлган.

3. Генофонд авлоддан авлодга ўтадиган ирсий, биологик, табиий хусусият, белги ва жиҳатлар йиғиндиси бўлиб, у миллатнинг асосини ташкил қилиш билан бирга, давомийлигини ҳам таъминлайди. Бу томирларда аждодлар қони оқиши билан бирга, уларга хос феъл-атвор, миллий мантиқнинг ҳам такрорланиши демакдир. Генофонд бор экан, миллат ҳам бор. Миллатларнинг қўшилиши генофонд бузилишига олиб келиши мумкин. Миллий мантиқ асосида миллий характер шаклланади, аниқроғи, уни миллий мантиқдан узиб бўлмайди. Албатта, миллий мантиқни бойитишда дунёқарашнинг ўрни катта. Агар жаҳон миқёсидаги муаммо олдига турли миллат вакилларини қўядиган бўлсак, гарчи ечим битта бўлса ҳам, ечимга ёндашувда, яъни, тактикада миллий мантиқ, миллий характер акс этади.

4.Миллатга хос бўлган ҳар қандай урф-одат, анъаналар аслида зарурат ва эҳтиёж асосида пайдо бўлган. Илк даврларданоқ меҳнат жараёнида турли одатлар, жумладан, ҳордиқ чиқариш, хурсандчилик қилиш, мусобақалар ўтказиш, рағбатлантириш каби омиллар шакллана борган. Булар ўз навбатида меҳнат қўшиқлари, лапарлар, миллий санъат, халқ ўйинлари ва улар билан боғлиқ турли урф-одат, байрам ва анъаналарнинг шаклланишига сабаб бўлган. Бу қадриятлардаги ҳар бир унсур маълум бир тарбиявий маънони ифодалаши билан қадр топган.

[54]Т.Маҳмудов, “Авесто “ ҳақида, Тошкент, “Шарқ”, 2000 й., 37 б.

5. Миллий тил миллатни бирлаштирувчи энг асосий этномаданий омиллардан биридир. Миллат ўз манбасини ёдда, амалда ва ёзувида асрайди. Араб босқинчиларининг “Авесто”ни ёд билувчиларни ўлдириб, амалларни тақиқлаш билан бирга миллий ёзувни йўқ қилиш орқали миллий-маънавий манбаларга катта талофот етказиши бежиз эмас эди. Миллий тил яна шуниси билан қадрли-ки, инсон дунёни шу тилда англайди, шу тилда илк сўзини айтади, энг муҳими, шу тилди алла тинглайди. Ҳатто, кейинчалик, жуда кўп тилларни ўзлаштирса ҳам, ўз тилида фикрлаб, уни онгида керакли тилга таржима қилиб, кейин сўзлайди. Болаликда онгу-шуурига михланган нарса инсон билан умрининг сўнгигача қолади.

6.Ҳар бир миллатнинг ўзига хослигидан келиб чиқадиган тафаккур тарзи ва миллий ғоя асосида шаклланган мақсад ва манфаатлари бўлади. Айнан миллий тафаккур ҳар бир масалага миллатга хос ёндашувни намоён қилади. Инсон қадрлаши лозим бўлган объектни миллий фикр “чиғириғи”дан ўтказади. Чунки шахсий фикр миллий тафаккур таркибидан айро бўлса, киши элдан ажралиб қолади.

7. Инсон олий даражадаги умуминсоний қадрият. Ҳар бир миллат учун шундай. Аммо ёндашувларда фарқ бор. Ғарб қадриятшуноси Ж.Дюьи ҳамма қадриятлар инсон учун хизмат қилиши лозимлиги, инсон эса энг азиз қадрият сифатида ўз умридан унумли фойдаланиши кераклигини баён қилади. Унинг фикрича, ўзгаларга ёмонлик қилмаса бўлди, у кўпроқ ўз ҳаётини яхшилашга ҳаракат қилиши лозим.[55] Албатта, Ж.Дюьи инсон ҳақ-ҳуқуқлари тўлиқ кафолатланган демократик жамиятни энг қимматли давр деб ҳисоблашида инсон манфаатлари бирламчи ўринга қўйилган. Аммо унинг қарашларида кўпроқ эгоизмга хос ғарбона ғоя акс этади. Бу табиий. Чунки, инсонда ғоялар шаклланишида у тарбия топган муҳит ва миллатига хос қарашлар, миллий тафаккур тарзи таъсир кўрсатади. Шарқда эса элпарварлик, жамоавийлик ҳисси, қариндошлик, қўшничилик, маҳалладошлик андишалари миллий хусусият бўлиб, меҳр-оқибат тушунчаси инсонлараро қадрни ифодалайди. А.Навоийнинг “Одами эрсанг, демагил одами, ониким, йўқ халқ ғамидин ғами”[56] фарди шарқона қараш ҳосилидир.

Инсон ана шу ўзига хос миллий тафаккур ҳамда миллат учун амалга оширган ишлари билан миллий қадриятга айланиши мумкин. Миллат бундай фарзандлари билан фахрланади, ундан ўрнак олишга ҳаракат қилади, унинг шаънини миллатнинг шаъни билан баробарлаштиради. Мана шундай инсонлардан бири Шароф Рашидовдир.

Биз юқорида миллий қадриятларни таснифлашга бежиз батафсил тўхталмадик.

Миллий қадриятларни таркибга ажратар эканмиз, инсон қадриятини еттинчи ўринга қўйдик. Сабаби, ҳар қандай қадрият субъекти инсондир.

[55] Қаранг. Dewey Y. Theory of valiation. Chikago 1930. 24 page
[56] А.Навоий.Тўла асарлар тўплами. 4 жилд. Ғ.Ғулом.Т.2012.741-б.

Юқоридаги олтита таркибни қадрият даражасига олиб чиқишда еттинчи таркибда бўлган инсон ғмиллий қадрияти туриб, у энг аҳамиятлисидир.

Шундай инсонлар бўлади-ки, ўз олдига қўйган ҳаётий ғояси, уни амалга ошириш усуллари, умр йўли ва унда босган ҳар бир қадами, бажарган ишлари билан абадиятга из қолдирадилар. Абадиятга из қолдирмоқ эса, бу эл, юрт, миллат, инсоният манфаатларини ўз ҳаётининг олий қадриятларига айлантирмоқ, улар учун "нимадир" қилмоқ ва ана шу "нимадир"и билан элу юртга юксак даражада наф келтириш асносида миллатнинг ғурурига, шарафига айланмоқ демакдир. Бундай инсонлар миллат, инсоният учун буюк ишларни амалга оширадилар ва ўзлари ҳам миллатнинг қадриятига, миллий қадриятга айланадилар. Ана шундай инсонлардан бири давлат ва сиёсатнинг етук намоёндаси, буюк адиб, публицист ва шоир Шароф Рашидовдир.

Шароф Рашидовни нима учун миллий қадрият деб атадик?

Унинг Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, улкан даражадаги қурилишларни амалга ошириб, юртнинг буюк келажагига пойдевор қўйиш борасидаги ишларига бирма-бир тўхталиб ўтирмаймиз. Бунинг учун битта мақола жуда ҳам камлик қилади. Унинг ўта машаққатли ва қалтис даврда миллий маънавиятни тиклаш ва асраш борасидаги ёндашувларининг бир-иккитасига тўхталамиз, холос.

Собиқ Совет Иттифоқи тизимида яшаганлар ўша даврнинг руслаштириш сиёсатини, миллий маънавият сарчашмаларига нисбатан "келишмовчилиги"ни, атеистик қарашлар асосида исломий ва миллий қадриятларга бўлган нохолисона муносабатларни яхши эслашади. Иттифоқнинг бу ғояларига зид ҳар қандай ёндашув "миллатчилик", ёки "Совет тузумига душманлик" дея баҳоланиб, қаттиқ жазога тортилганини ҳам яхши билишади. Бунинг учун, миллат маърифатпарварлари ва жонкуярларининг "халқ душмани" тамғаси остида қатағон қилингани, диний ва миллий қадриятларнинг оёқости бўлгани, диний обидаларнинг спиртли ичимликлар сотиладиган дўконларга айлантирилиб, сумалакли дошқозонларнинг тепилгани кабиларни эслаш кифоя. Ана шундай қалтис даврда миллатнинг шаънини асраш, миллий илдизларнинг узилиб битмаслиги учун уларни асраб қолиш борасида Шароф Рашидов мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, аммо миллат фойдасини кўзлаб тутган йўлини қуйидаги тарихий ҳужжатлар ва тарихий хотиралар орқали кўриш мумкин:

Ўша даврларда Хоразмда раҳбар бўлган Мадиёр Худойбергановнинг хотирлашича, ҳаётининг сўнгги йилларида Шароф Рашидов пахта мавсумининг оғир келгани муносабати билан Хоразмга боради. Бир ҳафта мобайнида у ерда бўлади ва Хивада, Ичонқалъа мажмуига борганида шундай дейди: "Мана бу ёдгорликларни келажак авлодларга ҳам асраб қолиш керак. Булар бизнинг боболаримиздан қолган мерос. Уларни қайта қуриб, таъмирлаб, асл ҳолига келтириш керак. Дунёнинг турли нуқталаридан сайёҳлар сизу бизни эмас, мана шу тарихий бойликларни кўргани келадилар. Буларни кўриб, уларни барпо этган аждодларимизга раҳмат айтади, қадимий тараққиётимизнинг юксаклигидан ҳайратга тушади. Агар бу ёдгорликлар бус-

бутун, гўзал ҳолда сақланаётган бўлса, бу раҳматнинг бир учи сизу бизга ҳам тегади, келажак авлодларимиз ҳам бизлардан миннатдор бўлади. Акс ҳолда...”[57] Акс ҳолда нима бўлишини Шароф ота билар эди. Уни бежизга авлиёсифат инсон, дея таърифлашмаган. Қолаверса, бу фикрлар ўша давр сиёсий қараши билан баҳоланса, “миллатчилик”, бугунги мустақил ва эркин сиёсатимиз нуқтаи назаридан, миллий қаҳрамонлик эди. Ёки, Хивадан қайтаётиб, айтган гапларини Мадиёр Худойберганов шундай эслайди: “Бир ниятим, имконият бўлса, мана шундай тарихий жойларни обод қилсак... Хоразмнинг ўзида Маҳмуд аз-Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Сайфи Саройи, Абу Бакр Хоразмий, Носириддин Рабғузий, Мажлисий, Ҳайдар Хоразмий, Ҳофиз Хоразмий каби улуғ инсонлар фаолият юритганлар. Чағминий, Жузжоний каби буюк олимлар асарлар яратганлар. Хўш, шуларнинг ҳаммасини биламизми? Афсуски, йўқ. Муҳаммад Мусо Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Паҳлавон Маҳмуд сингари бир-иккита аллома ва шоирларни биламиз, холос. Ана энди республикамиз бўйича турли даврларда яшаб ўтган алломалар, шоирлар, саркардалар, юртимиз озодлиги учун курашган инсонларни бир кўз олдингизга келтиринг... Улар бизлардан нажот кутиб, бизлардан имдод кутиб ётибди-ку, мана, менинг кўнглимдаги орзулар, ниятлар. Аммо ҳозирги шароитда бу ниятларни амалга ошириш имконияти йўқ. Лекин бу ишларни, албатта, қилишимиз керак!” Бу орзулар, бу ниятлар келажак авлодга миллий маънавият илдизларини бус-бутун етказиш орзулари эди.

Ушбу хотиралардан яна бир нарса аҳамиятли. Туманлардан биридан ўтаётиб, Шароф Рашидовнинг кўзи русча ёзилган шиорга тушади. У фақат битта гапни айтади: “Бу ерда бошқа миллат вакиллари ҳам яшайдими?” Ўша давр учун мана шу гапнинг ўзи етарли эди. Ўз тилингнинг қадри бўлмай туриб, ўзлик ҳақида гапириш мумкин эмас. Шароф ота буни яхши англар эди. Биз маънавият ҳақида мустақилликдан сўнггина гапира бошладик. Лекин Шароф Рашидов “маънавият” сўзини ишлатмай туриб, миллий маънавият учун улкан хизмат қилган эди. Шунингдек, у ҳали Сталин тириклик вақтидаёқ мавжуд сиёсатга моҳирона ёндашув орқали миллат ва динимиз учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатнинг имзоланишига эришганди. Шароф Рашидов ҳаёти ва тарихини бирмунча ўрганган олим, филология фанлари доктори Анқабой Қулжонов ўша пайтда Ўзбекистон Олий Кенгаши Ҳайъати Раиси бўлган Ш. Рашидовнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Кенгаши котиби Н. А. Муҳиддиновга йўллаган мактубини Олий Кенгаш хужжатлари ичидан топиб эълон қилади. Унда ўша вақтда Ўзбекистондаги жуда кўп масжидлар, мозорлар, диний обидалар хароб ҳолатда ва улар майда эҳтиёжлар учун фойдаланиланилаётгани аниқ фактлар асосида келтирилади. У мусулмон уламолари ушбу обидаларни чет эллик меҳмонларга кўрсата олмаслиги, чет эллик меҳмонлар олдида ноқулайлик вужудга келиши, бу обидалар нафақат меъморчилик ёдгорликларининг бебаҳолигини акс эттириши, айни чоғда

[57] www.adolatgzt.uz. Мадиёр Худойберганов. Хотирага муҳрланган сўнгги кунлар

хорижий Шарқ мамлакатлари мусулмонларига “Муқаддас жой” сифатида жуда машҳурлигини, шунингдек, Ўзбекистонга сафар қилаётган чет элликларда, айниқса, мусулмон мамлакатларидан ташриф буюраётган вакилларда бу муқаддас жойлар катта қизиқиш уйғотаётганлигини таъкидлаб, “Масжид ва қабристонларни нобоп асраш ва фойдаланишда келтирилган бу хилдаги фактлар Худога ишонувчилар ва номозхон кишиларда норозилик туйғусини юзага келтиради, айни вақтда, хорижий меҳмонларда нохуш таассуротлар уйғотади ва бу ҳол хорижда салбий садо беради. Буларнинг барчаси америка-инглиз империалистларига ғаразли мақсадларда бизнинг совет тузумимизга қарши туҳмат қилишда фойдаланиш учун қўл келади”, дея важ кўрсатади ҳамда қарор лойиҳасининг имзоланишига эришади.[58]

Мана шу ҳужжатнинг ўзи миллий тикланиш йўлидаги муҳим қадам, десак ҳеч ҳам муболаға бўлмайди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Шароф Рашидов шахси юксак миллий қадрият бўлиб, бу масалани ўрганиш олимларимиз, тарихчиларимиз, адабиётшуносларимиз олдида ҳали кўплаб вазифалар турганини англатади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. А.Навоий.Тўла асарлар тўплами. 4 жилд. Ғ.Ғулом.Т.2012.741-б.
2. Қ. Назаров Қадриятлар фалсафаси. Т. 2004 й. 90 б.
3. Т.Маҳмудов, “Авесто “ ҳақида, Тошкент, “Шарқ”, 2000 й., 37 б.
4. Очилова Б.Туропов Ё.Қадриятлар фалсафаси. Т., Внешинвстром. Б-451.
5. Dewey Y. Theory of valiation. Chikago 1930. 24 page
6. Аҳророва Ш.Ў. Ўзбекистонда ижтимоий сиёсатни амалга оширишда миллий қадриятларнинг ўрни. Автореф. /Дис. ...фалсафа дроктори(PhD)
7. Akhrorova Sh.U. National interests and their value in social relations. Asian Journal of Multidimensional Research(AJMR) – INDIA. Vol 9, Issue 11, November, 2020.p.235-239.
7. www.adolatgzt.uz. Мадиёр Худойберганов. Хотирага муҳрланган сўнгги кунлар
8. www.dunyouzbeklari.com.Муҳаммад Исмоил. Ойга осилган байроқ.

[58] www.dunyouzbeklari.com.Мухаммад Исмоил. Ойга осилган байроқ.

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА АХБОРОТ ХУРУЖЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ТАРБИЯСИГА ТАЪСИРИ

Ибрагимов Мирфайз Икром ўғли,
Бухоро давлат университети, Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналиши 2-курс талабаси

Глобаллашиб бораётган ахборот асрида замонавий техника воситаларидан фойдаланмасликнинг ёки уларга мурожаат этмасликнинг ҳеч бир иложи йўқ. Чунки, инсон дунёқарашининг шаклланишида, маънавий оламининг янада кенгайишида, айниқса компютер технологияси асосий восита ролини бажармоқда. Бу – бир томондан қувонарли ҳолат. Бугунги кунда, биз ёшлар, мана шундай катта имкониятлардан эркин фойдаланиб, ўқиш ёки иш давомида вақтимиздан анча унумли фойдаланмоқдамиз.

Ҳозирги кун нуқтаи назари билан қарайдиган бўлсак, аллақачон глобал тармоққа айланиб улгурган интернет ўзининг тезкорлиги ва чегара билмаслиги билан оммавий ахборот воситалари орасида энг муҳим соҳага айланиб улгурди. Унда фаолият юритаётган ижтимоий тармоқлар, турли сайтлар орқали ҳар соатда юртимиз ва жаҳонда содир бўлаётган энг сўнгги янгиликлардан хабардор бўлиб турамиз, аммо интернет ва ижтимоий тармоқларнинг ижобий жиҳатлари билан бир қаторда, унинг ёшлар маънавиятига салбий таъсирининг ҳам гувоҳи бўляпмиз. Яқинда яна бир атама тилимизда ишлатила бошланди. Бу игромания тушунчаси. Қисқача таъриф берадиган бўлсам, “Игромания” – бу компютердан ўрин олган турли хил ўйинларга муккасидан кетишдир. Руҳшуносларнинг маълумотларига қараганда, ёшлар бузғунчи, деструктив ғояларга қарши мафкуравий иммунитет ҳали тўла шаклланмагани учун ўқиган ёки кўрган маълумотларига тез ишонишади. Бундай ҳолларда ёшларнинг маънавиятига, руҳиятига салбий таъсир кўрсатадиган игроманияни ҳеч бир жиҳатдан оқлаб бўлмайди. Кундалик ҳаётимизда ҳар нарсанинг салбий ва ижобий томони бўлгани каби замонавий техника воситаларидан фойдаланишда ҳам меъёрга амал қилмоғимиз зарур.

Инсоният янги тамаддумга қадам қўйганини ҳар нафасда ҳис қилмоқдамиз. Бу нарса умумбашарий тамойилларга урғу берилган ҳолатда миллий маънавиятнинг эврилиши, қадриятларнинг ўзгариши ёки алмашиши ҳодисалари яққол намоён бўлмоқда. Бугунги кунда дунёда қадриятлар алмашинуви, интегратциялашув, глобаллашув, маданиятлар алмашинуви кечаётган пайтда урф-одатлар, маънавий қадриятларнинг ўрни масаласи муҳим аҳамият касб этади. Сўнгги йилларда кўплаб тадқиқотчилар истилоҳларида кишилар онгини программалаштириш, ахборот экспансияси, маданий гегемонлик, маданий империализм каби иборалар тобора кенг қўлланмоқда. Унда янги маданий тамойилларга кўр-кўрона эргашиш, маълум бир маданий ахлоққа бўйсуниш майлини шакллантиришга алоҳида эътибор

қаратилади. Ачинарлиши шундаки, бундай саъй-ҳаракатлар нафақат катталар, биринчи галда ёшлар онгини ва қалбини забт этишга қаратилган. Бугун ёшларнинг маънавий дунёсини эгаллаш борасида барча мавжуд воситалар қўлланмоқда, янгидан-янги технологиялар ишлаб чиқилмоқда.

Бугун ёшлар ва уларнинг интернетга бўлган муносабати муаммоси тобора глобал тус олмоқда. Зеро, ёшлар интернетга қанчалик чуқур кириб борар экан, уларнинг экстремистик характердаги секта ва уюшмалар сайтлари таъсирига тушиши хавфи шунчалик ортади. Аксар вайронкор сайтларнинг фойдаланишга очиқлиги виртуал фирибгарлик учун кенг йўл очиши шубҳасиз. Ёшларнинг қизиқувчан табиати уларни юқорида тилга олинган турдаги сайтларга етаклайди ва табиий равишда бу веб-саҳифаларда яширин сақланаётган, уларнинг руҳий ёки жисмоний соғлигига хавф солувчи маълумотларга олиб боради. Улар эса, ўз навбатида, ёшлар онгига кучли руҳий таъсир ўтказиб, ёшларни нафақат виртуал ҳаётда, балки ундан ташқарида – реал ҳаётда ҳам қинғир ишларни содир этишга ўргатиши, ундаши ҳеч гап эмас. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ушбу фикрларини эслаб ўтишни жоиз деб билдим: “Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарор тараққиёт ва халқларнинг тадрижий ривожланишига раҳна соладиган турли таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият билан боғлиқ масалалар тобора долзарблашиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, янги Уйғониш даври пойдеворини яратиш жараёнида энг ривожланган жамиятлар талабига жавоб берадиган, эркин ва ҳур фикрли, замонавий ва инновацион маънавий маконни шакллантириш зарурати ниҳоятда муҳим масалага айланаётганидан далолат беради” [1].

Интернет оламини чеклаб ёки малумотлар олишни тўхтатиб қўйиш билан масала ҳал бўлмайди. Замонавий технологияларнинг тез сур’атларда ўсишига қарамай, ба’зан одамлар улардан оқилона фойдаланиш қандай кечиши кераклигини тўлиқ англаб етмайди. Компютер ва интернетгача бўлган даврда ўсиб-улғайган кўплаб ота-оналар ва муаллимларнинг катта қисми, агар бола интернетдан фойдалана бошласа, бунинг, албатта, фойдасидан кўра зарари кўпроқ, деб ўйлайди. Болани компютер ёки интернетдан чалғитиш ҳаракати замирида аслида бошқа бир муаммо, яъни катталарнинг бу масалада нисбатан саводсиз экани аниқланди. Бироқ агар улар ўзлари аввал технологиялар саводсизлиги масаласига жиддийроқ ёндашиб, уни бартараф этишса, мақсадга мувофиқ бўларди. Негаки, саводсизлик масаласидан қочиш орқали болани технологиялардан ажратиб қўйиш тўғри эмас.

Хулоса қилиб айтганда, интернет билим ва керакли ахборотни олиш учун улкан имкониятлар яратади, бироқ тармоққа жойлаштириладиган катта ҳажмдаги ахборотнинг барчасини ҳам ишончли ва фойдали деб бўлмайди. Фойдаланувчилар маълумотларнинг тўғрилигини аниқ ажрата билиши учун танқидий фикрлаш қобилиятига эга бўлиши талаб этилади. Бунга қўшимча қилган ҳолда яна бир фикрни айтиш лозим, интернет сайтларини танқид қилиш жуда осон. Аслида уларга муқобил миллий, болалар ва ўсмирларга мос, уларнинг қизиқиш доираларига хос маҳсулотларни биз ҳам ишлаб

чиқаришимиз керак. Чунки одатда бирор нимани тақиқлашдан аввал унга муқобил бошқа яхши нарса таклиф қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2021, 276 б.
2. Умаров Б., Жабборов Ш. Глобаллашув ва маънанавий-ахлоқий тарбия. -Т.: Академия, 2010-йил.
3. Умаров Б., Жабборов Ш. Глобаллашув ва ёшлар тарбияси. -Т.: Академия, 2011-йил.
4. Отамуратов С. Глобаллашув ва миллат (сиёсий фалсафий таҳлил). -Т.: Янги аср авлоди, 2008-йил.

ЖАМИЯТ МАЪНАВИЙ МУҲИТИДА ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ

Инатов Умид Бахтиёрович,
Самбҳрам институти ўқитувчиси.

Одам яралган илк даврларданоқ инсон ўзи учун идеал бўлган тушунчалар ортидан эргашади, идеал ҳисобланган ҳаётини таъминлашга ҳаракат қилади. У ҳаётни идеаллаштиришда аввало эркинлик ёки ҳурлик, адолат ёки ҳақиқатни кўради. Умуман озодлик ва адолат инсон учун юксак қадриятлар саналади. Инсон яралган илк даврларданоқ мана шу қадриятларни ўз шахсий қадриятлари сирасида шакллантира бошлаган. У даставвал атрофида у билан мулоқот қилувчилардан адолат истаган. Дастлабги мифологик қарашлар юза келганда эса, у ўз ибтидоий эътиқоди билан ўзи сиғинадиган воситадан адолат сўраган. Руҳларга сиғинса, руҳлардан, санамларга сиғинса, бут ва санамлардан, маъбудлардан, ҳатто илоҳий саналган ҳайвонлардан, эътиқодининг етакчилари бўлмиш руҳонийлар ва уларга тенглаштирилган вакиллардан адолат истаб, ибодат қилган. Ўша даврларданоқ адолат ва адолатсизлик тушунчалари қарама-қарши қўйилган. Аждодларимиз сиғинган дин -зардўштийликнинг муқаддас китоби “Авесто” ҳам шундан гувоҳлик беради-ки, адолат эзгуликка хизмат қилган ва эзгулик худоси Ахурамазда адолат бирла эзгулик учун курашган. Ёвузлик манбаси ҳисобланмиш Ахриман Ахурамаздага қарши қўйилиб, унинг иши адолатсизликка, яъни ёвузликка асосланган. Бошқача айтилганда эзгу ўй, эзгу калом ва эзгу амалнинг амалга ошишида адолат ва ҳақиқат кўрилган.

Масалан, зардўштийлик илмни қадрлаган. Ёмон тарбиячиларни ҳақиқат йўлидаги ғов деб билишган.

“Эй Мазда! Улар ҳақиқат йўлидаги ашаванларга ғов бўладилар”[59] дейилган Авестода.

Бундан келиб чиқадики, адолат тушунчаси маълум маънода диний тус олиши билан инсониятнинг илк даврлариданоқ ижтимоий муҳитда маънавий асосига эга бўлган.

Адолат ҳам фалсафий, ҳам сиёсий, ҳам ҳуқуқий категория. Бошқача айтганда, ижтимоий-фалсафий, ахлоқий тушунча ҳисобланади. Адолат алоҳида шахсларнинг онгида ҳам, жамият онгида ҳам муҳим роль ўйнайди. Демак у нафақат алоҳида кишиларнинг, балки жамоанинг, ижтимоий гуруҳларнинг, жамиятнинг ҳам муносабатини ифодаловчи тушунчалар сирасига киради.

Адолат - сиёсий хатти-ҳаракатлар, ҳуқуқ ва бурч меъёрлари, ахлоқий муносабатлар, меҳнат ва тақдирланиш, жиноят ва жазо, хизмат ва уни тан олиш, қадр-қимматни эътироф қилиш ва ҳ. к. га мазкур тушунча орқали баҳо берилади. Адолат тушунчаси муайян тарихий шарт-шароит ва ижтимоий-иқтисодий муносабатлар билан белгиланади. Адолатнинг ижтимоий-фалсафий жиҳати жамият аъзоларининг хилма-хил муносабатларидаги ўзаро тенглигини назарда тутади. Ахлоқий жиҳати инсонлараро муомалада бир хил муносабатда бўлишни, бир-бирининг иззат-нафсига тегмасликни, ахлоқ-одоб қоидаларига амал қилишни билдиради. Адолатнинг ҳуқуқий томони қонунларга риоя этишни, сиёсий томони эса давлатни адолат қоидалари асосида бошқаришни, фуқаролар ғамини ейишни англатади[60]. Адолатнинг ахлоқий жиҳати маънавий жиҳат билан бориб туташади. Бироқ ижтимоий-фалсафий жиҳатини ҳам маънавий муҳитдан айириб бўлмайди. Чунки жамият аъзоларининг ўзаро тенг муносабатда бўлишларини ички оламларига хос тарбиявий хислатлари, фазилатлари таъминлаб беради. Ҳуқуқий жиҳатда ҳам шундай. Қонун-қоидаларни инсон ҳурмат қилган, унда ўз масъулиятини англаган ҳолдагина уларга бўйсунади.

Адолат ҳақида Афлотуннинг ҳам ўз қарашлари бўлган. У ўзининг “Республика” деган асарида келтиришича, жамият аъзолари уч табақага бўлинган. Мана шу бўлиниш ва ҳар бир табақа ўз ишини қилиб, бошқа табақа ишига аралашмаслигида Афлотун адолатни кўрган. Унинг фикрича, биринчи табақага кирмиш шоҳлар ва вазирлар албатта адолатпарвар бўлмоғи, қонунларни яхши билиш орқали адолат ўрнатмоғи, у албатта донор ва билимли бўлмоғи лозим. Иккинчи табақа ҳисобламиш аскарлар жасурликни ўзлари учун юксак хислаб қилиб олишлари ва биринчи тоифага сўзсиз бўйсунмоқлари лозим. Учинчи тоифага деҳқон ва косиблар киритилиб, жамиятда ишлаб чиқаришни таъминловчи табақа ҳисобланишган[61].

---

[59] Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. А.Маҳкам таржимаси. Т., Шарқ. Б.14.

[60] https://qomus.info/encyclopedia/cat-a/adolat-uz/

[61] Платон.Пир: Отрывок из «критон»а; Республика: (о любви) (О справедливости) / Платон -СПб.Ц.Крайз и К, 1900, -(2), -С.27. (Общедоступная философия, Аркадий Пресс)

ZJV5401

Афлотуннинг фикрича, адолат инсоний сифат, инсон руҳ аъзоларининг тартиби ва бурчи. У инсон руҳининг саломатлик белгисидир. Агар ҳозирги ибора билан қўллайдиган бўлсак, адолатпарварлик инсон соғлом маънавий қиёфаси белгиси ҳисобланади. Яна унинг фикрига суянадиган бўлсак, инсонни инсонларга ва жамиятга бирлаштирувчи восита ҳисобланади. Унинг ушбу таърифида адолат мана шу ерда ижтимоийлашади. Умуман олганда ижтимоий сўзининг ўзи жамиятга алоқадорлик маъносини беради.

Демак, ижтимоий адолат фақат жамият ичида амалга оширилади ва маълум бир жамиятда ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари тенг асосда амалга оширилишини таъминлаш билан бирга, демократик тамойилларнинг амал қилишини кафолатлайди. Инсон қандай ҳолатда ижтимоийлашади? Аввало у ўзи учун зарур бўлган товар ва неъматларни яратади ёки ўзининг бошқа турдаги меҳнат маҳсули эвазига айирбошлайди. Мана шу ерда истаса-истамаса жамият ичидаги қонун-қоидалар билан тўқнашади. Мана шу тўқнашувда унинг иқтисодий ҳуқуқларининг таъминланиши, тенглик амалга оширилиши ижтимоий адолатдир. Бу ердаги ижтимоий адолат иқтисодий асосга эга бўлади.

Бундан ташқари инсон соғлиги учун қайғуриши, таълим олиши лозим. Бу жамият ва миллат учун ҳам керак. Яъни ҳар бир давлат ўз равнақи учун фуқароларининг соғлом ва маърифатли бўлишини таъминлашга ҳаракат қилади. Бу тенгликни таъминлашда у фуқароларнинг шахсий ва ижтимоий ҳолатидан келиб чиқиб, ҳамма учун имкониятлар тенглигини яратишга ҳаракат қилади ва бу соғлиқни сақлаш ҳамда таълим соҳасидаги ижтимоий адолатнинг йўлга қўйилганини кўрсатади.

Қонун ва тартиблар билан боғлиқ ҳуқуқий ижтимоий адолат ҳам амал қилади. Бундан ташқари, аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш, ногиронлиги бўлган, имконияти чекланган фуқароларни қўллаб-қувватлаш каби ҳолатларда ҳам ижтимоий адолат тамойиллари юзага чиқади. Ижтимоий адолат жамият ва шахс ўртасидаги ҳақиқатга асосланган муносабатларни келтириб чиқаради.

Биринчи марта “Ижтимоий адолат” атамаси қачон ва қаерда ишлатилгани тўғрисида аниқ манбалар йўқ, бу атама дастлаб XVIII асрда Европада чоп этилган асарларда учрайди. Шунингдек бу иборани маърифатпарварлик ғояларини илгари сурувчи журнал мақолаларида ҳам кўриш мумкин. Маркес, Мюллер, Деви каби файласуфлар адолатнинг асосини таҳлил қилишга уринишади. Маълум даврда “ижтимоий адолат” капиталистик эксплуатация ва зулмга қарши норозилик билдириш чоғида қўлланилган. Эксплуатация қилинган синф вакиллари, моддий қийналганлар “ижтимоий адолатни ўрнатиш” шиори остида курашганлар.

Х1Х-ХХ асрларда эса ижтимоий адолат Америка файласуф ва ғуқуқшунослари, жумладан Жон Дюи, Луи Брендис ва Роско Праунд асарларида мунтазам қўлланила бошланди.

Биринчи жаҳон урушидан кейин Халқаро Меҳнат ташкилотининг таъсис ҳужжатида “фақат ижтимоий адолатга асослансагина тинчлик ўрнатилиши

мумкин”, дейилади. Шу пайтлардан бошлаб бу атама маърузаларда ҳам кенг қўлланила бошланди.

БМТ томонидан “ижтимоий адолат” ибораси “инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” тушунчасига синоним сифатида кўрилган ва биринчи марта БМТ матнларида 1960-йилларнинг иккинчи ярмида қўлланилган. Совет Иттифоқи ташаббуси билан бу ибора 1969 йилда қабул қилинган ва Ижтимоий тараққиёт ва тараққиёт декларациясида қўлланилган. Ҳужжатда шундай дейилган: “БМТ Низоми ва Инсон ҳуқуқларини умумжаҳон декларациясида белгиланган глобал истиқболни ҳисобга олган ҳолда, ижтимоий адолатга барча жабҳаларда интилишга эътиборсизлик зўравонлик, репрессия ва бетартиблик билан қорайган келажакни амалда қабул қилиш демакдир”[62]

Ижтимоимй адолатнинг жамият учун муҳим қадрият эканлигини яна шу билан асослаш мумкинки, ҳар йили 20 феврал куни халқаро ижтимоий адолат куни нишонланади. Ижтимоий адолат – ижтимоий қадрият сифатида БМТ томонидан эътироф этилиб, мана шу сана белгиланган. Ижтимоий адолат замирида инсон қадриятини улуғлаш ётади. Инсон қадриятини улуғлаш жамиятдаги маънавий муҳитнинг юксалишига олиб келади. Инсон адолатни қадрлайди. Аслида инсон ўзи учун ҳақиқат деб билган нарсани қадриятга айлантиради.

Лекин “мақсад ва манфаатларнинг ифода этилишида адолат мезонининг ўлчови ҳаммада ҳар хил, айрим ҳолларда бир-бирига мутлақо зид бўлиши ҳам мумкин. Маълумки, бу оламни ҳамиша иккита қутб нуқтаи-назаридан баҳолаб келганмиз. Унда ҳар доим иккита қарама-қарши куч кураш олиб боради. Бу ҳар икки қарама-қарши куч учун ҳам ўз адолати ва ҳақиқати учун бўлган кураши бўлади, яъни ҳар ким учун ўз адолати, ўз мақсади қадрият. Агар у ўз адолатига, ҳақиқатига, мақсадига қадрият даражасида ёндашмаганда, курашмай, эҳтимол ён бериб қўя қолган бўларди”[63]. Демак, адолат шахсий қадрият сифатида нисбий тушунча. Жамиятнинг кучи мана шу адолат ва идеалларни бирлаштиришда кўринади. Адолатлар эса тенгликка асосланиб, кўпчилик манфаатини ифода этиши лозим.

Эътироф этиш лозим-ки, адолатнинг объекти ҳам, субъекти ҳам инсон. Объект сифатида инсон манфаатлари тенглик, ҳаққонийлик, тўғрилик асосида таъминланганда, жамиятда ҳам барқарорлик юзага келади. Демак ижтимоий адолат – жамият барқарорлиги асосларидан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. А.Маҳкам таржимаси. Т., Шарқ. Б.14.
2. Платон.Пир: Отрывок из «критон»а; Республика: (о любви) (О справедливости) / Платон -СПб.Ц.Крайз и К, 1900, -(2), -С.27. (Обшедоступная философия, Аркадий Пресс)

[62] https: // www.un.org/ru/documents/decl_conv/socdev.shtml.

[63] Аҳророва Ш.Ў. Ўзбекистонда ижтимоий сиёсатни амалга оширишда миллий қадриятларнинг ўрни. Автореф./Дис. ...фалсафа дроктори(PhD)

3. Аҳророва Ш.Ў. Ўзбекистонда ижтимоий сиёсатни амалга оширишда миллий қадриятларнинг ўрни. Автореф. / Дис. ...фалсафа доктори(PhD)
4. Akhrorova Sh.U. National interests and their value in social relations. Asian Journal of Multidimensional Research(AJMR) – INDIA. Vol 9, Issue 11, November, 2020.p.235-239.
5. https://qomus.info/encyclopedia/cat-a/adolat-uz/

ВИКТОРИАН ДАВРИ АДАБИЁТИДА АЁЛ ОБРАЗИ ОРҚАЛИ МАЪНАВИЙ ТЕНГЛИК МАСАЛАСИНИНГ КЎТАРИЛИШИ (“ЖЕЙН ЭЙР” АСАРИ МИСОЛИДА)

Муштарий Убайдуллаева,
Жиззах давлат педагогика институти
Хорижий тиллар йўналиши талабаси

Маълумки, инглиз адабиёти викториан давр, ёки Виктория даври алоҳида аҳамият касб этади. Бу даврнинг аталиши қиролича Виктория номи билан боғлиқ. Виктория 1819 йилда Лондонда дунёга келган. Амакиси Уилям вафот этгач, 18 ёшида у Буюк Британия тахтига ўтирган ва умрининг охирига қадар, яъни 1901 йилгача Буюк Британия қироличаси саналган. У ганновер сулоласининг охирги вакили ҳисобланади. У Елизаветадан кейин тахтни энг узоқ бошқарган ҳукмдор бўлиб, бу муддат олтмиш уч йил, етти ойни ташкил этади.

Виктория сиёсат борасида фаол ҳукмдор аёл саналади. У тахтни бошқарган давр Буюк Британияда юксак кашфиётлар, адабий юксалишлар даври бўлганлиги билан ажралиб туради.

Инглиз адабиёти тарихига “Виктория даври адабиёти” алоҳида ном билан кирган бўлиб, бу даврда дунёга келган келган инглиз насрида реализмни янада бойитди, десак, янглишмаймиз. Қиролича Виктория давридаги инглизларга хос ҳаёт мезонлари, турмуш тарзига сингган ахлоқ қоидалари, ва маданиятга хос тушунчалар ўша давр адабиётида, хусусан романчиликда ҳам акс этган. Умуман бу давр романчилиги Европа романчилиги тарихидаги қизиқарли ҳамда эътиборга молик эканлиги билан ажралиб туради. Албатта, бу давр адиблари ўтмишдошлари анъаналарига таянадилар, аммо уларнинг ижодида янги услубларга, мотивларга ёндашиш кузатилади, уларда реалистик эстетика устунлик қилади ва бу нарса кейинги XX аср адабиёти учун ҳам мустаҳкам асос вазифасини бажаради. Виктория даври адабиётида реалистик эстетикани ривожлантиришда машҳур ёзувчилардан У. М. Теккерей, Ч. Диккенс, Т. Гардининг номларини эътироф этиш мумкин. Лекин бу даврнинг ўзига хос томони яна шундаки, юқорида номлари тилга олинган ёзувчилар билан бирга етук адибалар ҳам ўзларининг йиритк асарлари билан инглиз реалистик романчилиги оламига кириб келишди. XIX – асрнинг ана шундан адибалари

сирасига Жорж Элиот, Жейн Остен, опа-сингил Шарлотта ва Эмили Бронтеларни қўшиш мумкин. Маълумки, ҳар бир давр адабиётида ўша даврдаги мафкуравий қарашлар, анъанавий оила қадриятлари ва маънавий-ахлоқий меъёрлар ўз аксини топади, асар қаҳрамонлари мана шу қарашлар ва ғоялардан озиқланади, шу қадриятлар асосида тарбияланади. Асар қаҳрамонларининг прототиплари бевосита ўз даврдошлари бўлиши турган гап. Худди шундай, номлари зикр этилган адибалар асарларида ҳам асосан ўша даврнинг ижтимоий тузилмаси ва шу тузилмага оид ҳаёт акс этади. Бироқ бу давр адибалари асарларида аёл образи устувор ўринга кўтарилиб чиқади ва улар мавжуд ижтимоий тузилмага оид турмуш тарзини такомиллаштириш ёки ўзгартириш ғоялари, ҳаракати билан чиқишади, бу асарлардаги қаҳрамонлар ўзига бўлган ишончи, янгича маданий-ижтимоий парадигмаларни қарор топтиришга бўлган интилиши билан ажралиб туради. Бошқа айтганда, аёлнинг жамиятда ўз ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш билан, гендер тенглиги билан боғлиқ масалалар ўз аксини топади. Эътироф этиш лозимки, жамиятдаги нотенглик ҳамиша келишмовчиликлар келтириб чиқаради, хусусан, аёллар ҳуқуқларининг камситилиши бу нафақат шарқнинг, балки ғарбнинг ҳам асрий муаммоси бўлиб келган.

Шу ўринда тарихга мурожаат қилайлик, аниқроғи, 8 март куни хотин-қизлар куни, деб белгиланиши замирида ҳам мана шундай нотенглик ётганини эслаб ўтайлик:

XIX аср ўрталарида Америка завод ва корхоналарида 10-12 соатлаб оғир меҳнат қилаётган эркаклар бир қанча уринишлар, намойишлар, оммавий чиқишлардан сўнг ўз меҳнат шароитларини яхшилаш борасида яхшигина муваффақиятга эришдилар. Аммо асосан аёллар меҳнат қилаётган фабрика ва корхоналарда меҳнатни енгиллаштириш, ишчи-ходималарнинг меҳнатга ҳақ олиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ишлар жуда сустлик билан бораётганди. Аёллар арзимаган чақа учун бир кечаю-кундузда ўн олти соатлаб меҳнат қилардилар. Улар фабрика ва завод эгалари учун тайёр даромад манбаи эдилар. Уларнинг иш вақтини қисқартириш ва меҳнат ҳақларини ошириш бизнес эгалари даромадини ўзларининг мўлжалларидан камайтирарди. Шу боис хотин-қизлар талабларини амалга оширишга шошилмасдилар, уларни қул мисол ушлаб туришни афзал кўрардилар.

Ўзбекча айтганда, “пичоқ бориб суякка қадалди”. 1857 йилнинг 8 март куни Нью-Йорк шаҳридаги турли завод фабрикалардан бир неча юзлаб хотин-қизлар норозилик намойиши ўтказдилар ва 10 соатлик иш кунини, қуруқ ва ёруғ иш жойлари ва шароитини, эркаклар билан баробар бўлган иш ҳақини талаб қилдилар. Улар темир кострюл ва бошқа идишларни тақиллатганча, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган шиорларни кўтариб, Манхеттен кўчасини тўлдириб ўта бошладилар. Америкалик журналистлар бу кундаги намойишни “бўш кострюллар марши” деб ҳам атадилар. Бу кун хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган кун сифатида тарихга кирди. Ушбу кундаги мана шу кўтарилишдан сўнг фабрика ва заводларда хотин-қизлар учун иш шароитлари сезиларли даражада яхшиланди, ойлик иш ҳақи ошди,

ташкилотларда ишчиларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи касаба уюшмалари ташкилотлари юзага келди.

Эътироф этиш керак-ки, оммавий тус олган бу намойиш ярқ этиб кўзга ташланиб, ишчи хотин-қизлар учун бир мунча муваффақият олиб келган бўлса-да, у жамиятда қотиб қолган эски анъаналарни буткул ёриб чиқа олмади. Яъни аёллар ҳуқуқлари барибир эркакларники билан тенглаштирилмади. Бироқ шу натижа ҳам хотин-қизлар талабларини анча қаноатлантирган, уларни яна кўп йиллар давомида тинчланиб ишлашларига замин яратганди. Мана шу тарзда орадан қарийб ярим аср ўтди ва ўн тўққизинчи аср тарих силсиласига кириб келди. Ҳамон аёлларни камситувчи анъаналарнинг сақланиб келаётгани иш давомида акс этарди албатта, ва бу ҳам абадий давом этиши мумкин эмас эди. Зеро жамият тараққий топар экан шахс омили ҳам ривожланиб боради, у жамиятда ўз ўрнини таниган ҳолда ҳақ-ҳуқуқлари учун курашиш омиллари ортиб боради.

Худди шундай бўлди ҳам. 1908 йилда ҳам ўша, 8 март куни бўлиб ўтган воқеа яна такрорланди. Нью-Йорк хотин-қизлар социал-демократик ташкилоти чақирув билан чиқди. Ушбу чақириққа жавобан яна жуда катта оммавий намойиш бошланди. Улар энди ўз иш ҳақларини ошириш, сайланиш ҳуқуқига эга бўлиш талабини қўйиш билан бирга, болалар меҳнатига ҳам қарши чиқдилар. Ушбу намойишга ўн беш мингдан ортиқ одамнинг чиқиши ҳукуматни чўчитворди. Полиция намойишчилар устидан ифлос ва муздай сув сепиб ҳам тўхтатолмадилар. Ҳукумат олдида аёллар ва болалар меҳнатини енгиллаштиришга қаратилган чоралар қўллашдан бошқа илож қилмади. Намойиш тўлқини Американинг бошқа шаҳарларига ҳам кўчиб ўтди. 1910 йилда Копенгагенда ишчи хотин-қизларнинг 2-Халқаро Конференцияси бўлиб ўтди. Германия социал-демократик партияси аёллар қаноти раҳбари Клара Цеткин бутун дунё хотин-қизларини ўз ҳуқуқлари учун курашишга чақирди. Мана шу кунни – 8 март санасини Халқаро Хотин-қизларнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳуқуқлари учун кураш куни сифатида ҳар йили нишонлаш таклифини киритди. Таклиф ўз кучини кўрсатди. Янаги йил бир неча Европа давлатлари Халқаро хотин-қизлар кунини нишонлашди. Бир неча йилдан сўнг бу анъана бошқа давлатларга ҳам ёйилди. Даставвал байрам санаси аниқ бир кунда нишонланмади. Турли давлатларда бу айём турли кунларда нишонланиб келинди. 1914 йилдан бошлаб бу сана аниқ белгиланди. 8 март санасини айнан 1857 йилдаги биринчи намойиш куни муносабати билан белгиланган, деб айтиш мумкин.

Адабиёт ҳаракатида ҳам аёл мавзусининг бадиий талқинини кўп қиррали кўриб чиқиш, аёл шахси бадиий концепциясининг тарихий ва адабий ривожланишидаги эволюция характерини аниқлаш, унинг тарихий ва адабий ривожланишидаги ўрнини ўзгартириш зарурати 1840-1870 йилларга тўғри

келган инглиз ёзувчиларининг адабий ва бадиий амалиётида оила ва жамиятда тақдим этилган тадқиқотнинг долзарблигини кўрамиз[64]. Инглиз адабиётида аёллар насрини Жейн Остен бошлаб берди. Бирин кетин адабиёт оламига аёл образлари аёл муаллиф томонидан моҳирона тасвирланган романлар кириб келади. Шундай романлардан бири – Шарлотта Бронтенинг "Жейн Эйр" асаридир. Асар қаҳрамони Жейн Эйр кичик жуссали, кўримсиз, касалманд ва нозик бўлса-да, қатъиятли ва иродали қиз. Уни ҳаёт қийинчиликлари тоблаб пиширган. Энг муҳими, у тўғри сўз, бировга ёмонликни раво кўрмайди, қобилиятли ва билимли, шунингдек, ўзига хос қайсар феъли бор. Шарлотта Бронте Жейн Эйр мисолида ижтимоий тузилмадаги айрим ахлоқий қадриятларни қоралайди, аёллар нотенглиги, Ловуддаги етимлар мактаби мисолида таълим тизими муаммоларини кўтаради. Жейн Эйр амакисининг хотини Сара Рид тимсолида ноҳақликка қарши бош кўтаради. Сара уни етимлар мактабига жойлай туриб, мактаб раҳбари жаноб Брокльхерстга Жейнни ёлғончи эканини таъкидлайди. Энди 10 ёшга кирган Женни бу туҳматга чидай олмайди, у биринчи марта Сара Ридга бош кўтариб, у ҳеч қандай ёлғончи эмаслигини, аслида ҳақиқий ёлғончи Саранинг фарзандлари эканини, уларнинг ҳаёти буткул ёлғон билшан қоришиқ эканини айтаркан, ғурур ва юрагида алам билан бу адолатсизликлар учун Сара холасини ҳеч қачон кечирмаслигини эълон қилади.

Воқеалар асар қаҳрамони, ўн ёшли Женни (Жейн Эйр) номидан ҳикоя қилинади. Унинг дераза ёнида амакисининг ёвуз ўғли Жондан қочиб, соатлаб табиатни, унинг гўзаллигини томоша қилади, парда ортига беркиниб, амакиваччалри ҳеч қачон қўлини ҳам текизмайдиган китобларни ўқийди. Унинг гўзал ва ҳақиқатпараст қалби мана шу тарзда камол топади.

Манбаларда келтирилишича, Жейн Эйрнинг прототипи муаллифнинг ўзи, яъни Шарлотта Бронтедир. Чунки Шарлотта ҳам қайсар феълли, қатъиятли инсон бўлган. Бундан ташқари Шарлотта опа сингиллари билан бирга отаси томонидан интернатга жойлаштирилади. Интернатда, худди асардаги Ловуд мактаби каби, тиф эпидемияси тарқайди. Жейн Эйрнинг тифдан вафот этган дугона Элен Бёрнснинг прототипи эса Шарлоттанинг интернатда тарқаган эпидемиядан вафот этган опаси Марии Бронтедир.

Шарлотта Бронте асар қаҳрамонининг кўримсиз ва ташқи жиҳатдан чиройли эмаслигини қаҳрамони тилидан бир неча бор таъкидлайди. Лекин жаноб Рочестер гўзал оқсуяк хоним Бланш Энгрэмни эмас, гўзал қалбли, тўғрисўз ва адолатли Жейнни севиб қолади. Бу билан муаллиф инсондаги маънавий гўзалликни аёл латофати сифатида биринчи ўринга қўяди. Умуман олганда, Жейн Эйрнинг ҳар бир ҳаракати, ҳар бир иши жамиятда ҳам, оилада ҳам аёлнинг ўрнини юксалтириш лозимлигига ишора қилади. Жейн ва Рочестернинг гўзал муҳаббатлари романга кучли жозиба олиб кириш орқали

[64] Шамина Наталья Викторовна. Женская проблематика в викторианском романе 1840-1870-х годов. Казань. Автореферат. https://core.ac.uk/download/

ўқувчини ўзига ром этади. Хулоса қилганда, Жейн Эйр романи – аёл қалбини кашф этиб, уни юксак даражадаги маҳорат билан тасвирлай олган асардир.

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИНГ НУТҚ ВА ТАФАККУРИНИ ЎСТИРИШДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ УЙҒУНЛИГИ

Охунов Илҳомжон Абдунабиевич,
АДУ, Мактабгача педагогика кафедраси в.б. доценти;
Рустамбоева Мардона Қувондиқ қизи,
Мактабгача таълим йўналиши 1-босқич талабаси.

2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ таълим босқичларининг Узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш, таълимнинг замонавий методологиясини яратиш, ўқув-методик мажмуаларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш ҳамда педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштиришни тақозо этади.

2017 йилнинг 16 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев раҳбарлигида бўлиб ўтган йиғилишда мактабгача таълим тизимини таркибий жиҳатдан тубдан ислоҳ қилиш ҳамда мазкур муассасаларга болаларни тўла қамраб олиш бўйича муҳим вазифалар қўйилди. Бу борадаги таҳлиллар натижасида қисқа вақтда учта йирик ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президентининг 9 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3261-сонли Қарори, 30 сентябрдаги “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5198-сонли Фармони мактабгача таълим соғлом, ҳар томонлама етук болаларни тарбиялаш учун зарур ташкилий, услубий, психологик, педагогик шарт-шароит яратади, болаларни мактабда мунтазам равишда таълим олишга тайёрлаш ота-оналарга ёрдам беради.

Сўнгги йилларда мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш, таълим-тарбия мазмуни, шакли восита ва методларини янгилашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисидаги Қарорида; мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни мактабга тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш, таълим –тарбия жараёнига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини тадбиқ этиш, болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик, жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш масалаларига алоҳида этибор қаратилди. Бу қарор мактабгача таълим тизимини янада такомиллашувига хизмат қилади.

Нутқнинг ривожланиши билан ҳаракатланувчи кучлар ҳақидаги масала шиддат билан сакраш тарзида рўй бериши туфайли ҳам, муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтайи назардан биз ушбу мақоламизда, амалий ва назарий таҳлилларга асосланган ҳолда, бугунги долзарб муаммолардан бири “Мактабгача ёшдаги болаларнинг нуткини ўстиришда оммавий ахборот воситалари кўрсатувларидан фойдаланиш” номли мавзусини ёритишга ҳаракат қилдик.

Янги авлод XXI асрга кириб келди, вақт эса кутмайди. Ёшларимиз илм-фан, маданият, санъат ва техника юксак даражада ривожланган бир шароитда яшамоқда. Шарқ мутафаккирларининг ғоялари тарбиявий масалаларда халқ донишмандлиги билан уйғунлашиб кетганлигини ҳисобга олган ҳолда, ота-оналарнинг болалар тарбиясига муносабатида оиладаги ўзаро муносабат, қариялар ва болаларга беминнат ғамхўрлик, болаларни кичик ёшдан меҳнатга ўргатиш бўйича ўй-фикрлари акс эттирилгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Оилада боланинг нутқи шаклланиши ва ривожланиши баробарида улар онгига катталарга ҳурмат, дўстлик, ҳалоллик, инсонийлик тушунчалари сингдириб борилади. Эътибор қилсангиз, ҳудди шу вақтда улар атрофдагиларни турли хил саволларга кўмиб ташлашади ва олган жавоблари қандай бўлишидан қатъий назар уларнинг келгуси ҳаётида дастуриламал бўлиб қолади. Ҳудди шунингдек оиладаги ҳар кунги юмушлари давомида болаларнинг хулқ-атвори шаклланиб боради ва кейинчалик ахлоқнинг мураккаб шакллари: жамоатчилик, ватанпарварлик, байналмилал каби жараёнлари давом этади. Оила ўзининг барча ҳаёт тарзи, ҳатто майда-чуйда кўз илғамас томонлари билан ҳам бола шахсини камол топтиради.

Бола тарбияси жараёни муаммал бўлиши учун ота-оналар аввало ўзлари бир-бирига меҳрли бўлишлари муҳим. Ота-онанинг болага бўлган меҳр-мухаббати-бу ҳиссиётдир. Оила шароитида болада ота-онасининг меҳри, эркалашлари асосида ота-оналарга, қариндош-уруғларига бўлган ҳиссиётлар-шаклланиб боради. Боланинг отасига бўлган ҳурмати, онанинг ҳурматини жойига қўйишда асос бўлади. Онага бўлган меҳр-муҳаббат, оқибат-натижада ўз оиласига, хотини, фарзандларига бўлган муносабатларида ўз аксини топади. Болани ёшлигиданоқ билим олишга қизиқтириш, уларни китоблар оламига олиб кириш, уларни ёшига мос расм, бадиий китоблар тавсия қилиш, китоб ўқиш маданиятини ўргатиб бориш, улар учун оилада адабий муҳитни яратиш ҳамда жуда муҳим ишлар ҳисобланади. Китобларни танлашда уларнинг кўп жилдлигига қараб эмас, балки савиясига қараб танлаш жоиздир.

Боланинг интеллектуал салоҳиятини ошириб боришда оилада ота-она муҳим ўрин тутади.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, болага тарбиявий таъсир этувчи омиллар ҳозирги даврда ғоят даражада кўпайди (оила, кенг жамоатчилик, радио, телевидение кино, театр, китоб, журнал, мусиқа ва бошқалар. Радио, телевидения, кино оммовий ахборот воситаларининг турмушдан кенг ўрин олиши натижасида бадиий ахборот ҳажмининг ҳам кескин ортиб бориши эстетик тарбия аҳамиятининг тез суратларда ўсишини таъминлайди. Эстетик тарбия умуминсоний ва миллий қадриятларни қарор топишга хизмат қилади.

Оммавий ахборот воситалари орқали болаларлар, талабалар жуда кўп маълумотларни эгаллашаётгани, маълум тушунчаларга эга бўлаётганини назарда тутиш зарур. Лекин бу йўллар билан олинган тўлиқ бўлмаган билимлар, уларнинг фикрича, ҳақиқий билим бўлиб туюлади. Шунинг учун тарбиячи маъруза вақтида болалар, талабалар кўрган, эшитган ҳодиса, воқеа тўғрисидаги маълумотлар моҳиятини англаб етишга, ахборот воситалари орқали олинган билимларни таҳлил этиш, баҳо бера олишга ўргатиши муҳимдир.

Уйимиздаги ёвуз «муаллим»

Интернетда келтирилган маълумотларга кўра Японияда «Покемон» мултфилмининг 38-қисмини томоша қилганидан сўнг 500 нафардан зиёд бола тутқаноқ белгилари билан касалхонага ётқизилган. Бола онгини жароҳатловчи ахборотларнинг таъсирини англаяпсизми? Кўзга кўринмайдиган ёвнинг кучини чамалаяпсизми?

Ҳатто болажонларнинг севимли мултфилми «Том ва Жерри»да ҳам тажовузкорликни ҳис қилиш мумкин. Ҳар иккала қаҳрамон ҳам асар давомида бир-бирига шафқатсизларча муносабатда бўлади, бир-бирини қийнайди, азоблайди. Тўғри, охирида эзгулик ғолиб келади. Лекин қаҳрамонлардаги зўравонлик, меҳрсизлик ва бошқа иллатлар бола онгида муҳрланиб қолади-да.

Деярли ҳар куни эрталаб «Ёшлар» телерадиоканали орқали намойиш этилаётган сумурф деб номланувчи аллақандай беозор махлуқчалар ҳақидаги мултфилмни олиб қаранг. Ёвуз Гаргамелнинг хатти-ҳаракати, қилиқлари, айниқса сўкинишлари болага ёмон таъсир этмайди, деб айта оламиз-ми?

Олимлар замонавий мултфилмларнинг бола онгига таъсирини турли омилларда кўрсатишга уринишган. Шулардан биринчиси ранги. Яъни замонавий мултсериаллар ва мултфилмларнинг деярли барчаси ёркин бўёқларда ишланган. Бўёқлар шунчалар ранг-барангки, ҳар доим ҳам бир-бирига мувофиқ келавермайди. Бу эса бола агрессивлиги ортишига олиб келаркан.

Иккинчи омил – товуш. Ҳозирги мултфилмлар кутилмаган товуш ва шовқинларга шунчалар бой-ки, бу боланинг чўчишига, бора-бора уларда қўрқув пайдо бўлишига олиб келиши мумкин.

Навбатдаги омил сюжет билан боғлиқ. Замонавий мултфилмларнинг аксариятида сюжетларда чалкашликлар шунчалар кўп-ки, катта одам ҳам

баъзан акс эттирилаётган воқеаларни тушунмай анграйиб қолади. Болада эса бундай ҳолатлар жаҳл чиқиши, асабийлашишга сабаб бўлади.

Тўртинчи омил салбий қаҳрамонларнинг жазосиз қолиб кетиши, нимани ҳоҳласа шуни қилиши билан боғлиқ. Бола руҳиятида ҳам кўнгил тусаган ишни қилиш мумкин экан, бу учун ҳеч қандай жазо йўқ, деган тушунча пайдо бўлади.

Бешинчиси мултқаҳрамонларнинг турли трюклари. Яъни сакраш, парвоз қилиш, муштлашиш ва ҳоказо. Болада ҳам бу ҳаракатларни бажариб кўриш истаги пайдо бўлади. Ахир, қаҳрамонлар тегирмондан бутун чиқяпти-ку. Демак бола хавфли трюкларни бажариб, ҳеч қандай жароҳат олмайман, деган фикрга боради. Болага ҳаётда бошқача бўлишини тушунтиришга тўғри келади.

Инсонни камолотга, юксак марраларга чорлайдиган эзгу ғоя ва таълимотлар билан ёвуз ва зарарли ғоялар ўртасида азалдан кураш бўлиб келган. Четдан кириб келаётган ҳар хил ғоялар таъсирига тушмасдан, ўз куч-қудратимизга, салоҳиятимизга, миллий қадриятларимизга, имон-иродамизга таяниб иш кўришимиз лозим. Олдимизга қўйган мақсадларимизга эришиш учун уни аввало оиладан бошлашимиз лозим. Бу эса ота-оналар зиммасига ката масъулиятни юклайи. Қолаверса, бу ишга кенг жамоатчилик, маҳалла ва оммавий ахборот воситаларини ҳам жалб қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади. Бир сўз билан айтганда, ҳеч ким четда қолмаслиги керак бўлади.

Бугун глобаллашув, ҳаёт суръатларининг беқиёс тезлашуви шароитида бу курашда огоҳ бўлган, фарзандларининг эртасини ўйлаган миллат ютади.

Фойдаланилган адабиётлат рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони.
2. Асланов И.Н. Ижтимоий фаолият ва муомала психологияси. Методик қўлланма. –Т.: 2019.
3. Махсудова М. Мулоқот психологияси. Ўқув қўлланма. –Т.: Турон-Иқбол, 2006.
4. Назаров Қ. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси. –Т.: Ижод дунёси, 2002.

ТАЛАБАЛАР МЕДИАМАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ: МУАММО, ЕЧИМ ВА НАТИЖАЛАР

Якубжонова Мафтунахон,
Қўқон давлат педагогика институти ўқитувчиси

Дунё ривожланишининг асосий тенденсиялари орасида ахборотлашган жамиятга ўтиш муҳим вазифа, яъни жамиятнинг барча жабҳаларида медиа воситаларининг таъсири долзарб муаммо саналади. Европа Иттифоқи Парламент Ассамблеясининг қонунчилик йиғилиши тавсиясига биноан дастурий воситаларнинг ишлаб чиқарилиши ёшлар ва катталарнинг медиакомпетентлиги шаклланишига туртки бўлади, шунингдек, замонавий жамиятнинг медиа маданиятига таъсир этадиган ажралмас омил сифатида қаралади. Замонавий ахборот-коммуникасия технологиялари муҳитига асосланган ахборотлаштирилган жамиятнинг таркибий қисмлари – бу медиа, тил ҳамда маданиятдир. Айнан биз яшаётган дунёнинг тили ва маданиятини инсондаги медиакомпетентлик ташкил этади. Дунёда медиакомпетентликнинг аҳамияти турли халқаро ташкилотлар, жумладан, ЮНЕСКО тавсияларида алоҳида таъкидланиб, педагоглар медиакомпетентлигини ривожлантириш ғояси қўллаб-қувватланган.

Дунёнинг этакчи олий таълим муассасалари миллий ва халқаро таълим муҳитида таҳсил олувчиларда медиаахборотларни ўзлаштиришга нисбатан фаолиятли, танқидий ва креатив ёндашувни ривожлантириш, медиамаданиятни шакллантиришга аҳамият қаратилмоқда. Дунёда медиамаҳсулотларнинг шахс ижтимоий-психологик ривожланишига таъсири, болалар ахборот хавфсизлигини таъминлаш, медиатаълимни ижтимоий, педагогик ва психологик нуқтаи назардан тадқиқ этиш, медиафаолиятнинг илмий-методологик асосларини ишлаб чиқишга доир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мазкур тадқиқотларга “Болалар ва экрандаги зўравонлик” Халқаро палатаси, “Болалар глобал медиаси” Саммити, “Ахборот – барча учун!” ЮНЕСКО конференцияларида эътибор қаратилган. Таълим муассасаларида медиамаданиятни таълим ва медианинг интеграсияси асосида ривожлантириш фаолиятини йўлга қўйиш, медиабилимларни интегратив ёндашув асосида такомиллаштириш орқали медиакомпетентликни ривожлантириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда умумий ўрта таълим тизими, ахборот технологиялари ва коммуникасиялар, оммавий ахборот воситалари соҳаларида катта ислоҳотлар амалга оширилмоқди. Мазкур жараён талабалар мадиамаданияти даражасини ошириш, медиа, таълим ва ҳаётни ўзаро уйғунлаштиришга доир тадқиқот олиб бориш зарурати мавжудлигини кўрсатди. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонда: “Узлуксиз таълим тизимини янада

такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш” каби устувор вазифалар белгиланган. Бу эса медиатаълим технологияларининг педагогик-психологик имкониятлари ҳолатини таҳлил этиш, хорижий тажрибалар асосида медиамаданиятни ривожлантириш, медианинг педагогик имкониятларини кенгайтириш орқали медиамаданиятни ривожлантириш технологиясини такомиллаштиришни тақозо қилади.

Юқоридаги фикрларни асосида педагогика олий ўқув юртлари талабаларининг медиамаданиятини ривожлантириш технологияларини такомиллаштиришдан иборат татқиқот ишлари олиб борилди.

Амалга оширилган илмий таҳлиллар, тақдим этилган методик, ишланмалар ва тавсияларни умумлаштирган ҳамда уларнинг самарадорлик даражасини баҳолаган ҳолда қуйидаги хулосаларга келинди:

Кўплаб адабиётлар таҳлили натижаларидан келиб чиққан ҳолда, биз “медиа маданият” тушунчасига қуйидаги таърифни бердик: **медиамаданият** – ахборот жамияти маданиятининг алоҳида тури бўлиб, у турли манбалардан (радио, телевидение, газета, телефон, интернет, оғзаки ва ёзма коммуникасиялар, миш-мишлар) олинадиган маълумотларни идрок этиш ва улар билан ўзаро муносабат қилиш жараёнида шахснинг медиа воситалари орқали олинган маълумотларни қидириш, тадқиқ қилиш ва таҳлил қилиш, уни танқидий баҳолаш, турли жанрдаги медиа матнларини яратиш қобилиятида намоён бўладиган билимлари, ҳис-туйғулари, муносабатлари ва хулқ-атвор реакциялари тўпламидан иборатдир.

Талаба медиамаданияининг мотивацион-қадриятли компонентининг кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат: шахснинг касбий фаолиятда медиа технологияларидан фаол фойдаланишга йўналтирилганлик; касбий аҳамиятга эга бўлган маълумотларга қизиқиш ва уни медиа орқали олиш зарурияти; медиа орқали маълумотни бойитиш зарурияти; профессионал фаолиятда медиа-ҳамжамият талабларига жавоб беришга интилиш; медиа воситалари орқали турли хил таълим субъектлари билан ўзаро алоқада бўлиш зарурати; медиа технологияларидан фойдаланишда ўз фаолияти ҳақида акс эттириш зарурияти.

Талаба медиамаданиятининг таркибий компонентининг кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат: медиа технологиялар моҳиятини, уларнинг жамиятдаги аҳамияти ва ўрнини билиш; медиатаълимнинг роли ва аҳамиятини англаш; медиавоситаларнинг таълим ва тарбиявий имкониятларини билиш; медиавоситаларидан фойдаланган ҳолда ўқув машғулотлари ва тарбиявий тадбирларни қуриш усулларини билиш; талабанинг келгуси касбий фаолиятида медиавоситалардан фойдаланишнинг педагогик мақсадга мувофиқлигини билиш; медиатаълимнинг асосий тушунчалари ва атамаларини билиш.

Талаба медиамаданиятининг процессуал таркибий қисмининг кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат: медиа технологияларни жорий этишнинг турли усулларига эга бўлиш; медиа асосида ўқув ва тарбиявий фаолиятнинг мазмуни, усуллари ва услубини танлаш кўникмаси;

медиавоситалари асосида тарбия ва таълим мазмунининг ўзгарувчанлигини таъминлаш; медиа воситалари асосида таълим олувчининг субъект позисиясини бошқариш кўникмаси; медиа орқали ўқув маълумотларини олиш ва тақдим этиш кўникмаси; медиа ахборотлар оқимини педагогик жиҳатдан оқилона бошқариш кўникмаси; ўқув медиа маҳсулотларини яратиш кўникмаси.

Медиа таълим-тарбия жараёнининг мазмуни ва услубига тубдан ўзгаришлар киритади, мактабгача таълим-тарбия жараёнида тарбияланувчилар томонидан ўз фаолиятини акс эттиришга, уни мустақил тартибга солишга йўналтирилган педагогик муаммоларни эчишга имкон беради. Медианинг ўзига хос хусусиятларини тушуниш ва ҳисобга олиш замонавий талабага ўз педагогик фаолиятини ахборот оламидаги замонавий ўзгаришларга мос равишда, замонавий мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчисининг янги ахборот эҳтиёжлари билан, турли муаммоларни ҳал қилиш жараёнини аниқ ва тўғри ташкил этиш, ўз касбий малакасини ошириш жараёнида медиадан моҳирона фойдаланиш имконини беради.

Медиа-маданий технологиялар ва услубларнинг мазмуни ва ўзига хос хусусиятларини очиб беришдан аввал, талаба шахсининг медиа компетентлигини ривожлантиришнинг самарали жараёнини ташкил этиш учун ушбу жараённинг мураккаблиги ва кўп қирралилигини ҳисобга олиш зарурлигини таъкидлаймиз. Ушбу жараён қуйидаги тамойилларга асосланиши керак:

ўқув фанларини ўқитиш жараёнини шахслараро ва медиатрлик даражасида ташкил этиш орқали коеволюсиялар;

талаба шахсининг медиа компетентлигини шакллантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш ва ўқув медиа материалини мақсадли тақдим этиш орқали амалга ошириладиган мақсадга йўналтирилганлик;

тизимлилик ва изчиллик (ўқув медиа материалининг тизимли ифодаланиши, тизимдаги медиа билимларнинг тақдимоти, ишдаги изчиллик);

медиа таълим соҳасидан ва бошқа ўқув фанларидан фойдаланишга асосланган замонавий илмий тушунчалар, назариялар, таълимотларнинг илмийлиги;

талаба шахсининг медиа компетентлигини шакллантириш жараёнида минимал вақт сарфини назарда тутган самарадорлик;

талабаларнинг ўзларининг медиа саводхонлигини оширишга фаол муносабати ва медиа орқали мустақил таълим зарурати.

Талабалар медиамаданиятини ривожлантириш ва факултатив курс жараёнида таклиф этилган ўқитиш усул ва воситаларининг самарадорлиги тажриба-синов жараёнида ўз тасдиғини топди.

Ўтказилган педагогик тажриба-синов ишлари натижаларини математик-статистик усуллар ёрдамида қайта ишлаш асосида тадқиқотда илгари сурилган ғояларнинг мақсадга мувофиқ қўйилганлиги асосланди ва экспериментал гуруҳ талабаларнинг медиамаданияти назорат гуруҳи талабаларга нисбатан 17 фоизга юқорилиги исботланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Европа Иттифоқи Парламент Ассамблеясининг қонунчилик йиғилиши. Ҳужжат №8753. – Франция, Страсбург. 6 июн 2000 й.

2.Кириллова Н.Б. Медиа-культура: от модерна к постмодерну. – М.: Академический проект, 2005. – С. 31-33

3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони//Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –Т., 2017. –Б.39.

ЎЗБЕКИСТОНДА ШАХМАТ СПОРТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИ ВА ЗАМОНАВИЙ ЎРНИ

Холиқов Умиджон Қўчқарович,
Гулистон давлат университети
«Педагогика» кафедраси докторанти.
Холиқова Сайёра Қўчқаровна,
Технологик таълим кафедраси
ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 5 мартдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5368-сон Фармонида Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш учун зарур шарт-шароитлар ва инфратузулмани яратиш, мамлакатнинг халқаро майдонларида муносиб иштирок этишини таъминлаш борасида изчил чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш борасида қаратилган вазифаларда бугунги спорт соҳасида бола шахсини ҳар томонлама жисмоний, маънавий ва руҳий томонлама тайёрлаш масаласи давлат сиёсати даражасида қўйилиши муҳим ўрин тутади. Шундай экан, умумтаълим мактабларида жисмоний тарбия фани ўқитувчиларни малакасини оширишга берилаётган эътиборнинг қай даражада муҳим эканлигини намоён қилиб турибди.

Шахмат биринчи марта қаерда пайдо бўлган? Жаҳоннинг жуда кўп олимлари бу масалани ҳал қилиш учун бир неча асрлар давомида уриниб келдилар. Ҳозиргача сақланиб келган кўпгина афсоналар шахматнинг биринчи ватани Ҳиндистон эканлигидан далолат беради. Шахмат доналари орасида Ҳиндистонга хос филларнинг бўлиши, қадимий қўл ёзмаларда «раджа» шоҳ «анга» қўр каби ҳиндча сўзларнинг қўлланилиши бу ўйиннинг тарихи билан шуғулланувчиларни юқоридаги фикрга олиб келди. Шахматнинг бошланғич шакли – чатурангга эрамизнинг дастлабки асрларида Панжоб ва

Кашмир вилоятларида пайдо бўлган дейишга этарли асос бор. Чатуранга ҳозирги шахматга анча ўхшаса ҳам, лекин ундаги доналар сони ва ўйин тахтасининг кўриниши жиҳатидан фарқ қиларди. Энг катта фарқи шунда эдики, ҳинд шахматида махсус шашқол бўлиб, ўйинда ютиш бу шашқолнинг қай ҳолатда тушишига боғлиқ эди.

Таниқли қадимшунос олима Г.А.Пугаченкова шахмат тарихи ҳақида шундай ёзади: “фил суягидан ясалган, баландлиги 2,2 ва 2,0 сантиметр бўлган иккита шахмат донасининг топилиши катта кашфиётдир. Улардан бири фил, иккинчиси эса ҳўкиз тимсолидир. Уларни эрамиздан олдинги V асрга, яъни Кушон империяси даврига мансуб дейиш мумкин. Далварзинтепадан топилган шахмат доначалари шатуранг ўйинининг шатранж шаклига оид бўлиш керак...”.

Фактларни яхши ўрганиш ва таққослаш – Ўрта Осиёнинг Панжоб ва Кашмирга яқин вилоятларда, таҳминан, V-VI асрларда ҳинд чатурангасининг қандайдир формаси асосида бу ўйиннинг такомиллашган тури – шатранг пайдо бўлди, деган хулосага келади. Шатранг такомиллаша бориб, доналарнинг сони жиҳатидан ҳам, бу доналарнинг тахтага терилиш тартиби жиҳатидан ҳам ҳозирги шахмат тусига киради. Шоҳ, руҳ ва отни худди ҳозиргидек юритиладиган бўлиб қолади: лекин фарзин билан диагонал бўйича бир хона ташлаб, иккинчисига сакраган; пиёдалар икки хонага сурилмаган; рокировка бўлмаган. Шундай қилиб, бу фарқни назарга олмаганда, шатранг ҳозирги замон шахматига жуда яқин бўлиб қолган. Шатранг ўйинида шашқол бора-бора қўлланилмайдиган бўлди, унда кураш рақиб доналарининг барчасини қириб ташлагунча эмас, балки шоҳни мот ёки пот қилгунча давом эттириладиган бўлди.

Шатранг тўғрисидаги дастлабки маълумотларнинг Ўрта Осиё адабиётларида 600-йилларда тилга олиниши ва ҳинд чатурангаси ҳақидаги дастлабки маълумотларнинг эса VII асрда пайдо бўлиши ҳамда VIII-IX асрларда шатранг тўғрисидаги маълумотлар Ўрта Осиё адабиётларида кўплаб учраши бу ўйиннинг Ўрта Осиёда тобора авж ола бошлаганидан далолат беради. Кейинроқ бутунлай шатрангга бағишланган дебют ва масалаларни ўз ичига олган қўлёзмалар ҳам пайдо бўла бошлайди.

Юсуф хос Ҳожиб бегона давлатга борадиган элчининг ўзига хос бўлган фазилатлари: билимдонлик, чечанлик ва тадбиркорлигидир, дейди: “Шахмат ва нард ўйинлари элчининг фазилатини шу даражада акс эттириши лозимки, токи ҳарфлари ундан устун бўлмасин. Чавгон ўйинига моҳир, ёй тортишга қодир, қушчилик, овчилик сирларидан ҳабардор бўлиш ҳам элчи фазилатларини оширади”.[65]

Шатранг тез орада Ҳиндистон ва Ўрта Осиё билан чегарадош мамлакатларга ёйила бошлади. Эрон салтанати ва Ўрта Осиёнинг бир қисмини босиб олган араб истилочилари шатранг билан VIII асрда танишадилар ва «шатранг» сўзини «шатранж» тарзида талаффуз қиладилар.

[и] Юсуф хос Хожиб. Кутадгу билиг. Т., "Юлдузча”, 1990. 59 б.

Дарҳақиқат уйғониш даври мутафаккирлари ўз даврлари учунгина эмас, балки келгуси авлодлар, келажак замон ва даврлар учун ҳам маънавий куч-қувват манбаси, бебаҳо мерос қолдириб, Абу Наср Форобийнинг фалсафага доир, ал-Хоразмийнинг ҳисоб илмига доир, Абу Али ибн Синонинг тиббиёт илмига доир, Абу Райҳон Берунийнинг аниқ фанлар ва тарихга доир, Алишер Навоийнинг адабиёт соҳасига доир ва яна кўплаб олим-у фозил аждодларимизнинг илмий, адабий ва фалсафий мерослари ўз даврларидан кейин ҳам дунё халқларига йўл кўрсатиб келаётганлигини бутун жаҳон жамоатчилиги эътироф этади.

Ўрта Осиё халқлари шахмат (шатранж) ривожида муҳим ўрин эгаллаган. Аму-Сирдарёлари оралиғида жойлашган мамлакатда шундай илк халқаро мусобақа 819 йилда ўтказилган ва унда ватандошимиз Ас-Сулий ғалаба қозонган. 1972 йилда Сурхондарё вилояти ҳудудидаги Далварзинтепада олиб борилган археологик қазилмалар вақтида Кушон даври (II-III асрлар)га оид чатуранг доналари топилди. 1977 йилда Афросиёб (Самарқанд атрофи)да ўтказилган археологик изланишлар чоғида VII-VIII асрларга оид еттита шатранж донаси топилгани бу ўйин бизнинг заминимизда чуқур илдиз отганидан дарак беради. Чиндан ҳам IX-аср бошидаги энг кучли шатранжчилар – Зайраб Катай, Абу Наим ал-Ходимий, Абу Бакр ас-Сулий Ўрта Осиёда туғилган. Кўплаб шатранж ҳақидаги ривоятларга қаҳрамон бўлиб кирган Абдулфарож Лайложга Ас-Сулий устозлик қилган. Аждодларимиз ақлни чарқлайди шахмат ўйинининг аҳамиятини яхши билганлар. У пайтларда кўпинча 100 катакли шахматда ўйнаш нуфузли ҳисобланарди. Абубакр ас-Сули X асрда энг кучли шахмат устаси бўлган. Бошқа кучли ўйинчи-Абулфатх Адмад XII асрда шахмат бўйича қўлланма ёзади, бу рисола бир неча асрлар давомида қайта-қайта кўчирилиб унга қўшимчилар киритилади. Фирдавсийнинг "Шохнома"сида шахмат ўйинлари маҳорат билан ифодаланган эди.

Бағдодда IX-X асрларда кучли шатранжчилар ўртасида мунтазам равишда мусобақалар уюштирилиб турилган. Уларда ўз даврининг кучли шатранжчилари бўлган Ас-Сулий, Аз-Розий, Ал-Адлий ғолиб чиқишган. Бундан ташқари, араблар ўйин ёзувига асос солишган. Ана шу ёзувлар туфайли кўплаб тарихий ўйинлар матни сақланиб қолинган. Кейинчалик ўйинда «тарбия» («дебют»), «мансуба» («миттелшпил») каби тушунчаларнинг пайдо бўлиши шатранжни сифат жиҳатдан янги поғонага кўтарди. Шатранжчилар билим ва маҳоратига қараб саралана борди. Энг кучли шатранжчилар олия(гроссмейстер) дея номланган.

Буюк аллома Абу Райҳон Беруний (973-1050) Ҳиндистон сафари чоғида чатурангни тўрт киши ўйнаётганини кўриб, ҳайрон қолган экан. Ахир, у Хоразмда доим икки киши ўйнайдиган шатранжни кўрганди-да. Шундан кейин Беруний шатранж ҳақида китоб ёзган. Бу китоб бизгача етиб келмаган. Шатранж назариясига оид энг қимматли, қадимий китоб — 300 дан ортиқ мансубалар киритилган Абулфатҳ Аҳмад ас-Сижзий(XII-аср)нинг «Шатранж

китоби» саналади. Унга Ас-Сулий, Ал-Ходимий каби олияларнинг тузган мансубалари ҳам киритилган.

Улуғ давлат арбоби ва саркарда Амир Темур даврида кучли шатранжчилар яна Ўрта Осиёда — Самарқандда тўпланишган. Ўша даврнинг кучли шатранжиси Оловиддин ат –Термизий Самарқандга келиб, Али аш-Шатранжий номи билан шуҳрат қозонган. У Амир Темур уюштирган эътиборли мусобақаларда ғолиб чиққан. Аш-Шатранжий бу қадимий ўйин ҳақида китоб ёзиб, унга ўзи тузган 19 та мансубани ва ўша давр олияларининг сара мансубаларини жамлаган. Амир Темур бобомиз шатранжни меҳр билан ўйнаган. Ҳатто оддий шатранж ўйинидан қаноат ҳосил қилмай Али аш-Шатранжий билан мураккаб саналган шатранжи кабида (унда 128 катак ва 64 та дона бўлган) куч синашган.

Шоҳмотнинг Шарқда пайдо бўлгани ва унинг тараққиётига Ўрта Осиё халқлари катта ҳисса қўшгани исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. 1882-йилда Тошкентда биринчи шахмат тўгараги очилди. 1885-йилда шахмат тўғрисида қўлланма китобча нашрдан чиқарилди.

1920-йилда Тошкентда шахмат бўйича йирик мусобақа ўтказилди. Бу юртимизда кўплаб шахмат мусобақалари уюштирилиши. 1924 йил 24 июлда Парижда Халқаро шахмат федерацияси(ФИДЕ) тузилиб, шахматнинг ягона қонун-қоидаси қабул қилинди. Шу муносабат билан 1925 йилда Тошкентда уч босқичли шахмат университети ташкил этилди. Университетнинг асосий вазифаси шахматнинг замонавий қоидаларини кенг тарғиб этиш ва қадимий ўйинни янада оммалаштириш эди.

Юртимиз шахмат жонкуярлари ҳақида гап кетганда, Ўзбекистоннинг биринчи чемпиони (1930 йилда) Азмиддин Хўжаев (1892-1946)ни эслашимиз лозим. У шахматга боғлиқ барча ташкилотчилик ишларида етакчилик қилди: тўгараклар очди, йиғилишлар, мусобақалар ўтказди. Хуллас, юртимизда шахматчиларнинг янги авлоди етукликга етишига учун умрини бағишлади.

Ўзбекистон шахмат тараққиётининг кейинги даврини Мамажон Муҳиддинов (1927-2002)сиз тасаввур этиб бўлмайди. У тўрт бор Ўзбекистон чемпиони, республикада хизмат кўрсатган мураббий, халқаро тоифадаги ҳакам унвонларига эришди, шахмат тарихига оид номзодлик диссертатсиясини ёқлади, сеҳрли ўйинга бағишланган беш мингдан зиёд мақола, элликка яқин китоб ёзди. Шу билан бирга, 40 йилдан ортиқ даврда Республика шахмат федератсиясини бошқарди, юртимизда юзлаб мусобақаларни уюштирди. Айнан унинг қўллаб-қувватлашлари туфайли Георгий Аъзамов (1954-1986) Ўрта Осиёда биринчи бўлиб, халқаро гроссмейстер унвонига эришди.

Биз Ўзбекистонимизни қудратли шахмат мамлакатлари қаторида кўришни орзу қилиб яшадик. Орзуларимиз мустақиллик йилларида рўёбга чиқди. 1992 йил Манилада ўтказилган 30-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида илк бор қатнашган Ўзбекистон терма жамоаси фахрли иккинчи ўриндан жой олди. 1994 йилда ёш иқтидорли шахматчимиз Рустам Қосимжонов Осиё биринчилигида ғалаба қозонди, жаҳон биринчилигида бронза медалини қўлга

киритди. 1996 йилда Эреванда уюштирилган Бутунжаҳон шахмат олимпиадасида Сайдали Йўлдошев учинчи тахтада олтин медал билан тақдирланди ва халқаро гроссмейстер унвонига муносиб кўрилди. 1997 йилда Рустам Қосимжонов ҳам халқаро гроссмейстер талабини бажарди ва у 1998 йилда илк бор ўтказилган Осиё чемпионатида ғолиб чиқди. 1999 йилда Ўзбекистон шахмат терма жамоаси Осиё чемпиони бўлди...

2000 йилда мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш мақсадида Юртбошимиз томонидан уч босқичли тизимга — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада спорт ўйинларига асос солинди. Уларга шахмат мусобақаларининг киритилгани қадимий ўйинни ёшлар ўртасида янада оммалаштириш имкониятини кенгайтирди.

2004 йил 13 июль Ливия пойтахти Триполида ўтган жаҳон чемпионатида Рустам Қосимжонов 17-жаҳон чемпиони деб эълон қилинди. Ўша кун жуда катта интеллектуал салоҳият, ирода ва жасорат талаб қиладиган шахмат ўйинида ўзининг зафар қучган фарзанди билан бирга бутун ўзбек халқи, бутун Ўзбекистон дунё шоҳсупасига кўтарилди. Спорт тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилган бу ғалабаси учун Рустам Қосимжонов Президентимиз Фармонига кўра, Ватанимизнинг олий мукофоти — «Амир Темур» ордени билан тақдирланди.

2011 йил 27 март куни Тошкентда амалдаги жаҳон чемпиони, ҳиндистонлик Вишванатан Ананд ва ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов ўртасидаги баҳс мамлакатимиз ҳамда жаҳон шахмат мухлисларида катта қизиқиш уйғотди. Баҳснинг эртаси куни Ананд ёш шахматчиларимизга маҳорат дарсларини ўтказди. Ананд ёшларимизнинг иқтидорига юксак баҳо берди: «Мен бўлғуси жаҳон чемпионлари билан ўйнадим».

Шахмат инсоният кашф этган энг қадимий, қизиқарли, жозибали ҳамда гўзал ўйиндир. Шахмат қизикарли ва мароқли ўйин. Бола ёшлигидан шахматда юзага келадиган вариантларни исботлай бошлайди. Уларни солиштиради, яхшисини танлайди, вазиятга баҳо беради, ҳар доим банд бўлади. Унинг вақти мия учун керакли ва фойдали машғулот билан тўлдирилади. Агар бола шахматдаги комбинатсияларни топа олар экан, математика дарсидаги қийин масала ечимини албатта топишга харакат килади.

Шахмат – катта спорт, мураккаб фан ва жозибали санъат ҳам. Шахматнинг ижтимоий мақоми, фалсафий ва психологик масалалари, фанлар билан алоқадорлиги йирик олимлар, нуфузли илмий марказлар томонидан узоқ йиллар давомида атрофлича ўрганиб келинмоқда. Сўнгги йилларда жаҳоннинг кўплаб ривожланган давлатларида, жумладан, мамлакатимизда ҳам шахматни оммалаштиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 5 мартдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5368-сон

2. Маънавият юлдузлари. Академик М.Ҳайруллаев таҳрири остида. Т.89-36

3. Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал мақдур фи аҳбори Таймур. 45-57-96
4. (Темур тарихида тақдир ажойиботлари). 2-китоб. –Т.: Меҳнат, 1992. 69-70 бетлар.
5. Муҳиддинов М. Катакларда яширинган олам. -Т.: Ўзбекистон, 1976. 66 бет.
6. Муҳиддинов М. “Шарқ шахмат ватани”, Т.: Ўзбекистон 36-45
7. Муҳиддинов М. “Ўзбекистонда шахматчилик”, Т.: Ўзбекистон 46-86

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ УЙҒОНИШ ДАВРИДА ЁШЛАР СИЁСИЙ МАДАНИЯТИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Саидкулов Нуриддин Акрамкулович,
Гулистон давлат университети
ўқитувчиси

Бугунги тараққий этган анъанавий давлатлар турмуш тарзига, ҳаёт даражасига, иқтисодий ривожланиш кўламига назар ташласак, улар ўзларининг тарихий, миллий урф-одатлари, қадриятлари, дунёқараш ва диний эътиқодлари ўз миллий менталитетига мос равишда давлатчилик тизимини яратганлигининг гувоҳи бўламиз. Ана шу маънода биз бугун “Ҳаракатлар стратегиясидан Тараққиёт стратегияси сари” дадил одимлаётган эканмиз, мамлакат юксалиши, ҳалқимизнинг келажаги нафақат моддий омилларга, балки ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштирокига боғлиқ эканлигини ҳам чуқур англамоқдамиз. Бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятида глобаллашув жараёнларининг чуқурлашуви, улар ўртасида “ижтимоий-ҳуқуқий зиддиятларнинг кучайиб бораётганлиги сабабли дунёдаги 2 миллиарддан ортиқ ёшларнинг” [1] тафаккурини ҳар тамонлама ривожлантириш борасида дунёнинг кўплаб давлатларида бир қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Шу боис “ёшлар ҳуқуқий ва сиёсий маданиятининг даражаси эртанги кун тараққиётини белгилаб бериши муносабати билан мазкур масала тобора глобал ва долзарб аҳамият касб этмоқда” [2]. Ҳозирги пайтда БМТ Бош ассамблеяси томонидан ёшларни ҳар томонлама фаол этиб тарбиялашга жиддий эътибор қаратилганлиги ОАВ ларида ёритилиб борилмоқда. Шундай экан, ёшлар маданияти, хусусан, ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини инновацион-креатив ёндашув асосида оширишга алоҳида эътибор қилиш ва бу борада инновацион усул ва воситаларни ишлаб чиқиш зарурати тобора ортиб бормоқда.

Шу боисдан ҳам дунёнинг кўплаб ривожланган мамалакатларида ёшларнинг сиёсий маданиятини креатив ёндашув асосида юксалтиришнинг методологик жиҳатларини ҳар тамонлама таҳлил ва тадқиқ этиш масаласи, хусусан, ёшлар сиёсий маданиятини оширишнинг усул ва воситаларини яратиш бугунги куннинг муҳим масалаларидан бирига айланди.

Шунингдек, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштирокини кенг таъминлаш мақсадида илмий тадқиқотлар олиб бориш, уларнинг сиёсий билимдонлик даражасини инновацион-креатив ёндашув асосида ривожлантириш энг муҳим мақсадларидан биридир. Бундай дейишимизга асосий сабаблардан бири "бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизидан ортиғини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этмоқда. Бу миқдор бошқа мамлакатлар кўрсаткичларидан икки ярим баробар кўпдир. Ўзбекистон аҳолисининг 40 фоизи эса 18 ёшгача бўлган ёшлардир" [3]. Ҳозирда, Янги Ўзбекистоннинг келажаги бўлган ёшларга, уларни жисмоний-маънавий этук ёшлар қилиб тарбиялашга катта эътибор қаратилиб келинмоқда. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: "... ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала, ҳақиқатдан ҳам, ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда" [4].

Ҳозирги кунда давлатимизнинг асосий вазифаларидан бири жадаллик билан юз бераётган ижтимоий-сиёсий жараён ва ҳодисаларни мустақил таҳлил қиладиган, янгича креатив фикрлайдиган етук авлодни тарбиялаб беришдан иборатдир. Шу боисдан ҳам, давлатимиз сиёсатида "…мустақил фикрлайдиган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, шижоатли ёшларни тарбиялаш" [5]. Янги Ўзбекистон янгича дунёқараш соҳасида қилинадиган ишларнинг устувор йўналишларидан биридир.

Бу борада давлатимиз томонидан ёшларнинг сиёсий маданиятини энг илғор замонавий усул ва ёндашувлар асосида ривожлантириш орқали мустақил фикрловчи ёшларни камол топтиришга алоҳида эътибор берилиб, кўплаб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ислоҳотлардан кўзланган мақсад ёшлар сиёсий маданиятини шакллантириш тизимини янада такомил-лаштиришдир. Бу соҳада инновацион ёндашув зарурати муҳим касб этиб бормоқда. Бу борада таълим тизимини янада такомиллаштириш жамият тараққиётини белгиловчи муҳим омил ҳисобланади. Барча даврларда буюк мутафаккирларимиз қарашларида инсонпарварлик, миллатпарварлик ва ватанпарварлик тамойиллари жамият аъзоларига, айниқса, ёшларга маънавий куч бўлиши ҳақида алоҳида тушунтириб борилган. Бу тамойилларнинг аҳамияти ҳақидаги тасаввурлар биринчи навбатда оиладан шакллантирилса, ёшларнинг дунёқараши ва турмуш тарзида ижобий ўзгаришлар содир бўлади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга қилган мурожаатномасида: "...Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Мирзо Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб, хизмат қилиши лозим. Ушбу мақсад йўлида ёшларимиз ўз олдига катта марраларни қўйиб, уларга эришишлари

учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама кўмак бериш барчамиз учун энг устувор вазифа бўлиши зарур. Шундагина фарзандларимиз халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган буюк ва қудратли кучга айланади. Шу мақсадда, “Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”, деган ғоя асосида кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширамиз” [6], деган фикрлари ҳам ёш авлод тарбиясига ҳар доимгидан кўпроқ масъулиятли ва бефарқ бўлмасликни талаб этади. Мустақиллик даврида бу борада мамлакатимиз олимлари томонидан ўтказилган ва ўтказилаётган тадқиқотларни таҳлил қилиш бу соҳадаги ишлар эндигина бошланаётганидан, ҳали бу борада кенг кўламли тадқиқотлар олиб бориш зарурлигидан гувоҳлик беради.

Ҳозирда ёшларнинг сиёсий маданияти тушунчаси табиатан бир-бирига зид бўлган ва жамият ҳаётининг вужудга келишининг яхлит бирлигини намоён этадиган ҳодиса сифатида маълум бир маданиятдан юзага келадиган маънолар билан кўпроқ бойитилган. Шу боис, ёшларнинг сиёсий маданияти маълум бир жамиятдаги маънавий ва маданий муҳитнинг сиёсий мезони, маълум бир одамнинг хулқи, унинг сивилизасия тараққиётининг ўзига хос хусусияти сифатида кўпроқ акс этади. Шу мазмунда, ёшларнинг сиёсий маданияти давлат ҳокимияти соҳасида халққа тегишли бўлган урф-одатлар динамикасини, уларнинг замонавий шароитда мужассам этиши ва ривожланиши, келажакдаги сиёсатни шакллантириш шароитларига ўз таъсирини намоён этади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, мавзуни тадқиқ этиш давомида қуйидаги хулосаларга келинди:

-ёшларда сиёсий маданиятни инновацион-креатив ёндашув асосида шакллантириш ва ривожлантириш зарурлигининг ўзига хос жиҳатлари, шундаки, аввало, ёшлар сиёсий маданиятини шакллантириш ва улар билан турли хил сиёсий мавзуларда давра суҳбатларини ташкил этиб бориш ёшларимизнинг сиёсий маданияти ва салоҳияти қай даражада эканлигини билишга хизмат қилади;

- буюк аждодларимизнинг шарқона тамойиллар асосида давлатни бошқариш, мустаҳкамлаш ва юксалтиришга қаратилган асарлари, рисолалари ўтмишда халқимиз давлат тақдири, халқ тақдири учун масъулиятли бўлган қанчадан-қанча фозил кишиларни тарбиялаган ҳамда аждодларимизнинг сиёсий маданиятини ўзида акс эттирган бой маънавий меросдан тўлақонли фойдаланиш;

- азал-азалдан ўзбек халқи миллий қадриятлари ва анъаналарини инобатга олган ҳолда, ёшлар сиёсий маданиятига ҳар доимгидан кўпроқ миллий мазмун акс эттириш ва уларни давлат ва жамият ишларини бошқаришга кенг жалб қилиш, бунинг учун зарур бўлган барча шароитларни яратиб бериш;

- ёшларнинг ўз конституцион ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдаланишни ўргатиш ҳамда сиёсий маданият шаклланишининг устувор омили сифатида кўппартиявийликни қўллаб-қувватлаш, ғоялар ва қарашлар эркинлигини таъминлаш;

-сиёсий билимларни кенг ёйган ҳолда, ёшлар сиёсий тафаккурини юксалтириш ҳамда уларнинг илмий ва маънавий салоҳиятини дунёнинг тараққий қилган давлатлари ёшлари салоҳияти даражасига етказиш, ёшларимиз сиёсий маданиятини ривожлантиришнинг устувор омилидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Проблемы гражданского общества. Ежемесячный обзор зарубежной литературы. - 2018. - Т. - №9 (14).
2. Турдиева Р. Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш. – Т.: Ўзбекистон, 2014. –Б.5-6.
3. Мирзиёев Ш. Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу мақсадларимизга этишда таянчимиз ва суянчимиздир // “Халқ сўзи” 2017 йил 1 июл.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабр //
7. Нобел мукофотининг расмий веб-саҳифаси. ҳттпс://www.нобелпризе.орг/ - Мурожаат этилган сана: 14.06.2017.
8. Флорида Р. Креативный класс: люди, которые меняют будущее. –Москва: Классика ХХ1, 2005. –С. 22.

ЎСМИРЛАР ОРАСИДА КАСБ ТАНЛАШГА ПСИХОЛОГИК ТАЙЁРЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

У.А.Арибжонова,
АДУ Умумий психология кафедраси ўқитувчиси

Касбий ва ҳаёт йўлини танлаш муаммоси ўрта мактаб ўқувчиси олдида кейинги ўқиш, ишлаш ва касбий ўсиш жараёни билан боғлиқ бўлган барча узоқ танловларни тўлиқ билмаган ёшида пайдо бўлади. Катта ёшдаги мактаб ёши, маҳаллий олимлар томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра (А.Э. Голомшток, С. Б. Элканов, Д. И. Фелдштейн) инсоннинг ижтимоий ва касбий мавқеини аниқлаш ва аниқлаш даври. Ўрта мактаб ўқувчилари келажакдаги касбини танлаш бўйича биринчи, жуда муҳим ва мустақил қарор қабул қилишлари керак, улар ҳаёт тажрибаларига эмас, балки уларнинг келажаги ва улар яшайдиган жамиятнинг келажаги ҳақидаги ғояларига таянадилар.

Психологик тадқиқотлар (А.М. Кухарчук ва А.Б. Тсентрипер) гувоҳлик берадики, ўрта мактаб ўқувчилари касб танлашга этарлича

шаклланмаган психологик тайёргарлиги билан ўрта мактаб ўқувчиларини фоиз ҳисобида битирадилар. Бу шундан далолат беради, талабалар ўзларининг касбий мартабаларини тахмин қила олмайдилар ва ўзларининг профессионал нуқтаи назарларини этарли даражада баҳолай олмайдилар. Ушбу вазиятнинг пайдо бўлиши (Э.Р. Ярская-Смирнова ва Г.Г. Карпов) ўрта мактаб ўқувчилари орасида касб танлашга психологик тайёргарлигининг пастлиги билан боғлиқ. Улар шуни кўрсатадики, замонавий дунёда инсон мустақил қарорлар қабул қилишдан қўрқади ва шунинг учун у жавобгарликни олишнинг ҳожати бўлмаган ҳолатда қолиб, иложи борича ўсиб-улғайиш вақтини "орқага сурмоқчи". Яна бир сабаб, (А.П. Чернявская) бу ўрта мактаб ўқувчилари орасида ўз вақтлари ва фаолиятини режалаштиришда тажрибанинг этишмаслиги, шунингдек ўзларининг касбий ривожланишларини мустақил равишда, ташқи ёрдамисиз башорат қилиш қобилиятининг этишмаслиги. Яна бир сабаб бу умумий таълим мактабларида ушбу муаммо бўйича касбий йўналтириш бўйича ишларнинг этарли эмаслиги. бундай ишлар давом этмоқда, аммо у самарасиз натижаларга олиб келадиган тизимсиз ва номувофиқдир.

Психологик ва педагогик тадқиқотлар ўрта мактаб ўқувчилари орасида касб танлашга психологик тайёргарликни индивидуал таркибий қисмларини ривожлантиришга имкон берадиган касб танлашга психологик тайёргарликни шакллантириш ва ривожлантириш воситаларининг назарий таҳлилини тақдим этади. Шу билан бирга, ўрта мактаб ўқувчилари ўртасида касбни танлашга психологик тайёргарликни ривожлантиришга ёрдам берадиган услубий воситалардан фойдаланиш имкониятлари этарлича ўрганилмаган. Шундай қилиб, касб танлашга психологик тайёрлик ўрта мактаб ўқувчиларининг марказий шахсий неоплазмаларидан бири ҳисобланади, аммо асосий умумий таълим олишнинг ҳақиқий амалиётида этарлича эътибор берилмайди. унинг шаклланиши ва ривожланиши воситаларини ўрганиш.

Тадқиқот гипотезаси: агар ўрта мактаб ўқувчилари орасида касб танлашга психологик тайёргарликни ривожлантириш бўйича методик воситалар мажмуаси (диагностика ва маслаҳат бериш, маълумот бериш, ишлаб чиқиш ва фаоллаштириш) бўлса, у ҳолда бу ўрта мактаб ўқувчилари орасида касб танлашга психологик тайёргарликни ривожлантиришга ёрдам беради.

Кўпгина тадқиқотчилар турли хил фаолият турларига психологик тайёргарликни ўрганишда иштирок этдилар. Нестериан, В.Н. Пушкин, Э.П. Илйиннинг психологик тайёргарлиги фаолиятнинг самарадорлиги ва сифатли натижага эришишга ҳисса қўшадиган руҳий ҳолат сифатида қаралади. Пуни, В.Ф. Сафина, Б.Г. Ананеванинг психологик тайёргарлиги шахсий хусусиятлар ва фазилатларга, шунингдек, яқинлашиб келаётган фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ бўлган руҳий ҳолат сифатида белгиланади. Дяченко, А.А.Кандибович, К.М.Дураи-Новакованинг психологик тайёргарлиги шахсиятнинг мураккаб ва мақсадли намоён бўлиши сифатида тушунилади.

Касб танлашга психологик тайёргарликни ўрганиш Н.С.Прязҳников, И.В.Дубровин, В.И. Баиденко, А.П.Чернявская, С.Н.Чистяков. Тадқиқотчилар

асарларида қуйидагилар таҳлил қилинади: ўрта мактаб ўқувчилари орасида касб танлашга психологик тайёрлик таркиби ва талабалар ўзларининг профессионал йўлларини танлашда дуч келадиган қийинчиликлар.

Тадқиқотимизда биз шахсият-фаолият ёндашувининг қоидаларига таянамиз, бунда психологик тайёрлик билан биз ўрта мактаб ўқувчиси шахсини касб танлаш, эмотсионал ранг бериш ва бу жараёнга жалб қилиш жараёнига фаол жалб қилиш билан тавсифланадиган яхлит шахсий таълимни, шунингдек режалаштириш ва этарли даражада баҳолаш қобилиятини назарда тутамиз. ўз касбий истиқболига эга.

А.П. Чернявская касб танлашга психологик тайёрликнинг ўзаро боғлиқ беш таркибий қисмини аниқлайди: автономия, режалаштириш, қарор қабул қилиш, хабардорлик ва ҳиссий муносабат. **Мухторият** касб танлаш жараёнига нисбатан мустақил, фаол ва масъулиятли позитсияни, шунингдек, бошқалардан мустақилликни, ўз касбий устуворликларини таъкидлаш қобилиятини назарда тутади. **Режалаштириш** уларнинг касбий ривожланиши режасини тузиш қобилиятини, касбий мақсадларга эришиш учун турли хил вариантларни таклиф қилади. **Хабардорлик** ўрта мактаб ўқувчиларида касблар дунёси ва индивидуал касблар, шунингдек, маълум бир соҳада касбий фаолиятни ўзлаштириш учун зарур бўлган касбий муҳим фазилатлар тўғрисида маълумотлар мавжуд деб тахмин қилади. **Ҳиссий муносабат** касб танлашда ҳиссий иштирокни, бу жараёнга ижобий ранг муносабатни, шунингдек, ўрта мактаб ўқувчиларининг меҳнат субъекти бўлишга тайёрлигини назарда тутади. **Қарор қабул қилиш** ўрта мактаб ўқувчилари аллақачон бирон касбни танлашганлигини, уни пухта эгаллашга қарор қилганликларини ва ўз касбий келажагини унинг доирасида режалаштира олишларини таклиф қилади.

Касб танлашда одатий хатолар: ўспиринни юқори малакали мутахассисликка йўналтириш; нуфузли бўлмаган касбларга эътибор бермаслик; ўз ихтиёри билан эмас, балки касб танлаш ва қарор қабул қилишда фикрларнинг етишмаслиги; мактаб мавзусига муносабатларни ушбу мавзу билан боғлиқ касбга ўтказиш; дўстлар томонидан ушбу касбни танлаш билан боғлиқ касб танлаш.

Ўрта мактаб ўқувчилари орасида касб танлашга психологик тайёрлик: ахборот, ривожланиш, диагностика ва маслаҳат воситаларини ишлатишда ривожланади (1-жадвал).

1-жадвал.

Психологик тайёргарликни ривожлантиришнинг услубий воситаларини кўриб чиқадиган кўрсатмалар ўрта мактаб ўқувчилари учун касб танлашга

Психологик ёрдам йўналишлари	**Ўрта мактаб ўқувчилари орасида касб танлашга психологик тайёргарликни ривожлантиришнинг услубий воситалари**

Маълумот (маълумот услубий воситалар)	1. Таълим кўргазмалари, очиқ кунлар, меҳнат ярмаркалари, мутахассислар билан учрашувлар, семинарлар. 2. Телевизион дастурларни томоша қилиш ва муҳокама қилиш, корхоналар ва ўқув муассасаларига экскурсиялар.
	3. Талабалар учун информацион дарслар ва ўқув семинарларида дарслар.
Диагностика ва маслаҳат (диагностика ва консалтинг методик воситалари)	1. Суҳбат, савол-жавоб. 2. Ишлаш натижаларини таҳлил қилиш. 3. Мутахассислар усули ва мустақил хусусиятларни умумлаштириш усули.
Ривожланмоқда (услубий ривожланмоқда) имкониятлар)	1. Тренинглар ва мастер-класслар. 2. Ишбилармонлик ўйинлари. 3. Ўз-ўзини бошқариш кўникмаларини ривожлантирадиган психотехник машқлар. 4. Резюме, ўз-ўзини тақдим этиш.
Фаоллаштириш (методик воситаларни фаоллаштириш)	1. Карта маълумотларини қидириш ўйинлари. 2. Касбий йўналтирилган сўровномаларни фаоллаштириш. 3. Ўйинни касбга йўналтириш машқлари. 4. Бўш карта усуллари. 5. Синф билан бўш ўйинлар. 6. Қиймат-семантик услублар.

Ўрта мактаб ўқувчилари билан ишлашда ушбу методик воситалардан комплекс фойдаланиш ўрта мактаб ўқувчилари орасида касбни яхлит таълим сифатида танлашга психологик тайёргарликни ривожлантиришга ёрдам беради.

Ўрта мактаб ўқувчилари орасида касб танлашга психологик тайёргарликни ўрганиш ва шакллантириш учун биз шакллантирувчи эксперимент мантиғида тадқиқот ўтказдик. Тадқиқот Оренбургдаги МОБУ "Физика-математика лицейи" базасида ўтказилган. Тадқиқотда 11 "А" ва "Б" синфларнинг 40 нафар ўқувчиси қатнашди. Барча респондентлар 17-18 ёшдаги

ўрта мактаб ўқувчиларидир. Уларнинг 20 нафари қизлар ва 20 нафари ўғил болалардир.

Экспериментал иш бир неча босқичда ўтказилди.

1 босқич тайёргарлик. Ушбу босқичда тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари аниқланди, ўрганилаётган муаммо бўйича психологик ва педагогик тадқиқотлар таҳлил қилинди, зарур диагностика воситаларини танлаш ва тавсифлаш амалга оширилди.

2-босқич аниқлаш. Ушбу босқичда таркибий қисмларни бирламчи диагностикаси ва ўрта мактаб ўқувчилари ўртасида касб танлашга психологик тайёргарликни ривожлантиришнинг умумий даражаси амалга оширилди ва маълумотлар қайта ишланди ва таҳлил қилинди.

3 босқич шакллантирувчи. Ушбу босқичда ўрта мактаб ўқувчилари орасида касб танлашга психологик тайёргарликни ривожлантириш бўйича касб-ҳунарга йўналтирилган семинарнинг лойиҳаси ишлаб чиқилиб, синовдан ўтказилди.

4-босқич назорат. Ушбу босқичнинг мақсади юқори синф ўқувчилари орасида касб танлашга психологик тайёргарликни ривожлантиришга қаратилган касбий йўналтириш бўйича семинарнинг ишлаб чиқилган ва синовдан ўтган дастурининг самарадорлигини баҳолаш эди. Ушбу босқичда назорат-диагностика бўлими натижаларини қайта ишлаш, таҳлил қилиш, таққослаш ва умумлаштириш ишлари олиб борилди.

Боғланган ўзгарувчи - бу касб танлашга психологик тайёрликни ривожлантириш. Мустақил ўзгарувчи - бу касбга йўналтириш бўйича семинар.

Мақсад ва вазифаларга эришиш учун биз шакллантирувчи стратегияни амалга оширдик, унинг доирасида қуйидаги усулларни қўлладик:

1. Овоз бериш усули. Сўров психологик оғзаки-коммуникатив усул бўлиб, интервю олувчи ва респондентлар ўртасидаги мавзуни олдиндан тузилган саволларга жавоблар олиш орқали ўзаро таъсирини амалга оширишдан иборат. Бошқача қилиб айтганда, сўров бу интервю олувчи ва респондент ўртасидаги алоқа бўлиб, унда олдиндан тузилган савол восита бўлиб хизмат қилади.

Сўров усули ижтимоий-психологик тадқиқотларда жуда кенг тарқалган усул. Сўровнинг бир нечта вариантлари мавжуд ва уларнинг ҳар бири ўзининг афзалликлари ва камчиликларига эга. Оғзаки ва ёзма сўровни фарқлаш, биз ишимизда ёзма сўровноманинг версиясидан фойдаландик. Ёзма сўров усулининг афзалликлари рўйхатга олиш ва ишлов бериш протседуралари, баҳолашни аниқ расмийлаштиришдир. Ушбу диагностика протседурасининг асосий камчилиги - натижаларни қалбакилаштириш имконияти. Олинган маълумотларнинг ишончлилиги пасайиши билан боғлиқ муаммолар муносабат омиллари ва мавзуларни тушунишда фарқлар туфайли юзага келади.

2. Синов бу маълум бир ақлий жараён ёки шахс хусусиятларининг ривожланиш даражасини ўлчайдиган вазифалар тизими. У илмий тадқиқот ва амалий мақсадларда фойдаланилади. Ҳозирги вақтда психологик тест

психодиагностик тадқиқотнинг ихтисослашган усули сифатида кўриб чиқилмоқда, унинг ёрдамида ўрганилаётган ҳодисанинг аниқ миқдорий ва сифат тавсифини олиш мумкин. Тадқиқот усули сифатида психологик тестнинг афзалликлари унинг бошқа усулларга (кузатиш, суҳбат, проектив тестлар) солиштирганда объективлиги, шунингдек, маълумотларни қайд қилиш ва қайта ишлаш учун аниқ мезонлар мавжуд бўлганда, уни такрорлаш имконияти билан боғлиқ. Психологик тестларни чеклаш ўлчовнинг бир томонлама йўналиши, объектга яхлит қарашнинг йўқлигида намоён бўлади.

3. Статистик ишлов бериш усуллари.

Интервал шкаласи "маълум миқдордаги бирликларга кўпроқ - маълум миқдордаги бирликларга қараганда камроқ" принтсипига кўра таснифланадиган масштаб. Характеристиканинг мумкин бўлган ҳар бир қиймати тенг масофада иккинчисидан орқада қолади. Р.Б. Саттелл деворларнинг шкаласини таклиф қилди - "стандарт ўнлик". "Хом" нуқталаридаги арифметик ўртача қиймат бошланғич нуқта сифатида қабул қилинади. Ўнгда ва чапда стандарт оғишиш ½ га тенг бўлган интерваллар ўлчанади.

Параметрик У-Манн-Уитни синови. Мезон назорат ва экспериментал гуруҳлар ўртасидаги фарқларнинг аҳамиятини тажрибани аниқлаш ва назорат қилиш босқичларида ўлчанадиган белгилар нуқтаи назаридан баҳолаш учун ишлатилади;

Параметрик бўлмаган Т-синов. Ушбу мезон ўрта мактаб ўқувчилари орасида касб танлашга психологик тайёргарликни ривожлантириш бўйича касбий йўналтириш бўйича семинар ўтказилгандан сўнг назорат ва экспериментал гуруҳлардаги ўзгаришларнинг аҳамиятини баҳолаш учун ишлатилади.

Тадқиқотимизда қуйидаги усуллардан фойдаландик:

1. "Касб танлашга тайёрлигини аниқлаш учун анкета" (В.Б. Успенский.) Ушбу сўровнома юқори синф ўқувчилари ўртасида касб танлашга психологик тайёргарликнинг умумий даражасини аниқлашга мўлжалланган (тайёр эмаслик, паст тайёргарлик, ўртача тайёргарлик, юқори тайёрлик). Анкета 23 та баёнотдан иборат бўлиб, уларга "ҳа" ёки "йўқ" жавоб бериш керак. Натижалар калит ёрдамида қайта ишланади.

2. "Касбий тайёргарлик" методикаси Э.А. Климов (А.П. Чернявская томонидан ўзгартирилган). Ушбу услуб (А.П. Чернявская томонидан ўзгартирилган) ўрта мактаб ўқувчиларининг мустақил ва маълумотли касб танлашга психологик тайёргарлигини аниқлаш учун ишлатилади. Методология 99 саволдан иборат бўлиб, уларга жавоб шакли дикотомик ("ҳа" ёки "йўқ"). Натижаларни қайта ишлаш қуйидаги масштабдаги калит ёрдамида амалга оширилади: "Ҳиссий муносабат", "Қарор қабул қилиш", "Хабардорлик", "Мухторият", "Режалаштириш".

Бизнинг тадқиқотимиз ўрта мактаб ўқувчилари орасида касбга йўналтирилган семинар орқали касб танлашга психологик тайёргарликни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва синашга қаратилган.

Бунинг учун экспериментнинг аниқланиш босқичида юқори синф ўқувчилари орасида касб танлашга психологик тайёргарликнинг умумий ривожланиш даражасини ўрганиб чиқдик. Ампирик тадқиқот натижаларига кўра, 9 ўрта мактаб ўқувчиларида (23%), 26 ўрта мактаб ўқувчиларида ўртача кўрсаткич (65%), 5 та ўрта мактаб ўқувчиларида юқори даража (12%) психологик тайёргарликнинг паст даражаси аниқланди. Шундай қилиб, тадқиқотнинг тасдиқлаш босқичи натижалари шуни кўрсатдики. бизнинг намунадаги ўрта мактаб ўқувчиларининг 88 фоизи учун касб танлашга психологик тайёргарликни комплекс ривожлантириш учун роботлар ўтказиш зарур.

Тажрибанинг шакллантириш босқичида биз ўрта мактаб ўқувчилари орасида касб танлашга психологик тайёргарликни ривожлантириш бўйича касбга йўналтирилган семинарнинг лойиҳасини ишлаб чиқдик ва синовдан ўтказдик. Касб-ҳунарга йўналтириш бўйича семинар назарий (методик воситаларни қўллашнинг мураккаблиги ғояси) ва эмпирик (тажрибани аниқлаш босқичининг натижалари) га асосланади. Ривожланган касбий йўналтириш бўйича семинарнинг мақсади ўрта мактаб ўқувчилари орасида касбни яхлит шахсий таълим сифатида танлашга психологик тайёргарликни ривожлантиришдир. Ушбу мақсадни амалга ошириш ҳар бирида 2 соат бўлган 10 сеанс давомида амалга оширилди.

Бошқарув гуруҳидаги ўрта мактаб ўқувчилари ўртасида касб танлашга психологик тайёргарликни ривожлантиришга йўналтирилган касбга йўналтириш устахонаси лойиҳаси синовдан ўтказилгандан сўнг, ўрганилган параметрларда статистик жиҳатдан муҳим тафовутлар аниқланмади.

Шундай қилиб, агар ўрта мактаб ўқувчилари орасида касб танлашга психологик тайёргарликни ривожлантириш бўйича услубий воситалар мажмуаси касб-ҳунарга йўналтириш семинарига киритилган бўлса, у ҳолда ўрта мактаб ўқувчилари орасида касб танлашга психологик тайёргарликни ривожлантиришга ёрдам беради деган фаразимиз 0 нинг статистик аҳамияти билан тасдиқланиши мумкин.

Форматив эксперимент жараёнида ўрта мактаб ўқувчилари ўртасида касб танлашга психологик тайёргарликнинг умумий даражаси ривожланиш динамикаси ва ўрта мактаб ўқувчилари орасида касб танлашга психологик тайёргарликни ривожлантириш учун ўрта мактаб ўқувчилари ўртасида касб танлашга психологик тайёргарликни ривожлантириш бўйича касб-ҳунарга йўналтирилган семинардан фойдаланиш самарадорлигини тасдиқлайди. 0,01 ва 0,05 даражасида).

Шундай қилиб, бизнинг тадқиқотимизнинг мақсади касбий йўналтириш бўйича семинар орқали ривожланиш дастурини ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш эди. Ўрта мактаб ўқувчилари ўртасида касб танлашга психологик тайёрлиги, психологик ва педагогик тадқиқотларни назарий таҳлил қилиш ва шакллантирувчи эксперимент натижасида қуйидаги натижаларга эришилди.

Экспериментал тадқиқотлар Оренбург шаҳридаги "Физика-математика лицейи" бюджетли коммунал таълим муассасаси базасида ўтказилди.

Ўрганиш намунаси катта мактаб ёшидаги 40 талабадан иборат эди. Биз синов ва сўровномаларни эмпирик усул сифатида қўлладик. Эмпирик маълумотларни олиш усуллари В.Б. томонидан “Касб танлашга тайёрликни аниқлаш учун анкета” эди. Успенский ва "Профессионал тайёргарлик" усули Э.А. Климов (А.П. Чернявская томонидан ўзгартирилган).

Ампирик тадқиқот натижаларига кўра, 9 та юқори синф ўқувчиларида (23%), 26 та юқори синф ўқувчиларида ўртача кўрсаткич (65%), 5 та юқори синф ўқувчиларида (12%) психологик тайёргарликнинг паст даражаси аниқланди.

Тажрибанинг шакллантириш босқичини амалга ошириш учун биз намунани назорат ва экспериментал гуруҳга ажратдик, улар орасида статистик фарқлар топилмади. Кейинчалик, ўрта мактаб ўқувчилари орасида касб танлашга психологик тайёргарликни комплекс ривожлантириш бўйича касбга йўналтирилган семинарнинг лойиҳасини ишлаб чиқдик ва синовдан ўтказдик. Ривожланган касбий йўналтириш семинарининг мақсади ўрта мактаб ўқувчилари орасида касб танлашга психологик тайёргарликни ривожлантириш эди. Ушбу мақсадга эришиш учун биз ўрта мактаб ўқувчилари ва унинг таркибий қисмлари орасида касб танлашга психологик тайёргарликни ривожлантиришнинг умумий даражасини ривожлантиришга ёрдам берадиган услубий воситалардан (диагностика ва маслаҳат, ривожланиш, ахборот, фаоллаштириш) фойдаландик.

Шундай қилиб, бизнинг фаразимиз шундан иборатки, агар ўрта мактаб ўқувчилари орасида касб танлашга психологик тайёргарликни ривожлантириш бўйича методик воситалар мажмуаси (диагностика ва консалтинг, ахборотлаштириш, ишлаб чиқиш ва фаоллаштириш) касб-ҳунарга йўналтириш семинарига киритилган бўлса, бу ўрта мактаб ўқувчилари орасида касб танлашга психологик тайёргарликни ривожлантиришга ёрдам беради. яхлит шаклланиш сифатида 0,05 ва 0,01 статистик аҳамият билан тасдиқланган деб ҳисоблаш мумкин (У-Манн Уитни ва Т-Уилкоксонга кўра).

Ўрта мактаб ўқувчилари ва унинг таркибий тузилмаси (автономия, режалаштириш, хабардорлик, ҳиссий муносабат ва қарорларни қабул қилиш) ўртасида касб танлашга психологик тайёрликнинг умумий ривожланиш даражасининг ўсиши, бу бизнинг касбга йўналтириш бўйича семинаримиз лойиҳаси ишлаб чиқишга қаратилган бўлиб, статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлиб чиқди (0.01 ва 0 даражасида)., 05). Шу муносабат билан биз томонидан ўрта мактаб ўқувчилари ўртасида касб танлашга психологик тайёргарликни ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган касбий йўналтириш бўйича семинар лойиҳаси, ўрта мактаб ўқувчилари орасида касб танлашга психологик тайёргарликни ривожлантириш учун самарали деб ҳисоблаш мумкин.

Психология тўғри касб танлашнинг учта асосий омилини аниқлайди:

1. Шахснинг ўзини ўзи қадрлаши, қобилиятлари, қизиқишлари, мойиллиги, имкониятлари, истаклари ва чекловлари; танланган касб йўналиши бўйича дастлабки билим ва кўникмаларнинг мавжудлиги; ўз-ўзини баҳолаш натижаларини аниқ касбларнинг талабларини билиш билан аниқ

боғлаш қобилияти. Шуни ёдда тутингки, тўғри мартаба йўналиши инсон ривожланишининг асосий кўрсаткичларидан биридир.

2. Мактабдаги касбга йўналтиришнинг иккинчи муҳим жиҳати бу бошқа одамлар нима қилаётганини билиш. Амалиёт шуни кўрсатадики, касб танлашда мактаб ўқувчилари, ўспиринлар ва ёшларнинг энг кўп учрайдиган қийинчиликлари ва хатолари: нотўғри ёки ноаниқ маълумот манбаларидан олинган маълумотларга асосланиб танлашда йўл-йўриқ; фаолиятнинг муайян соҳаси тўғрисида олинган маълумотни нотўғри таҳлил қилиш ва тизимлаштириш.

3. Шахснинг индивидуал психологик хусусиятларини ортиқча баҳолаш ёки нотўғри баҳолаш, ўзини ўзи нотўғри баҳолаш; уларнинг қобилиятларини нотўғри баҳолаш, уларни ахлоқий фазилатлар билан алмаштириш; танланган касбни ўзлаштириш имкониятлари ҳақида нотўғри тушунча; ҳиссий таркибий қисмни касбий йўналтириш бўйича кўрсатма, ўсмир ва мактаб ўқувчиси учун обрўга эга бўлган одамларнинг босими; стереотипларнинг мавжудлиги; қўшимча маълумот олаётганда нотўғри қарорни ўз вақтида ўзгартира олмаслик; маълум бир касб вакилининг шахсий фазилатларига хайрихоҳлик, қаҳрамонлик, касбга, шахсга бўлган муносабатини тақлид қилишга асосланган талабани касбий йўналтириш.

Ўсмирлик даврида хатти-ҳаракатлар ва шаклланишнинг турли хил муаммолари. Касбий раҳбарлик синовларидан ўтолмаслик ёки психолог билан маслаҳатлашиш истаги йўқлиги. Ота-оналар, тенгдошлар, ўқитувчиларнинг ҳолати.

Хулоса қилиб, ўсмир болалар учун тўғри касб танлаш вазифаси биринчи ўринга қўйилган деган хулосага келишимиз мумкин. Буни қилиш осон эмас, шунинг учун ўспириннинг касб танлашида турли хил қийинчиликлар, хатолар мавжуд бўлиб, улар эрта ёшдан бошлаб касблар оламини ўрганиб, касбий раҳбарлик учун турли синовлардан ўтиб, ўзларини ўрганишмоқда.

Касбни танлашга тайёрликни тушунишга бўлган бундай ёндашув унинг таркибий қисмларидан бирини шакллантиришнинг етишмаслиги бутун тизимнинг ишдан чиқишига олиб келадиган тизим эканлигини англатади. Бу, ўз навбатида, ўсмирларнинг касб танлаш ва унинг муаммоларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, ушбу мавзуни ўзига хос тарзда олиб бориш усулларини топиш шароитида ўсмирларнинг муаммоларини индивидуал равишда тавсифлашга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бозович, Л.И. Шахсни шакллантириш муаммолари. Танланган психологик асарлар [Матн] / Л. И. Божович; эд Д.И.Фелд-стейн. - Москва - Воронеж, 1997. — 349 п.
2. Борисова, ЭМ Профессионал ўзини ўзи белгилаш (Шахсий жиҳат) [Матн]: дис. ... Доктор психол. Фанлар / Э. М. Борисова. - Москва, 1995. -411 б.
3. Вйготский, Л. С. Педагогик психология [Матн] / Л. С. Вйготский. - М.: Педагогика, 1991. — 480 б.

4. Гуткина, Н.И. Мактабга психологик тайёрлик [Матн] / Н.И. Гуткина. - М.: "Таълим" НҲТ, 1996. - 160 б.
5. Думенко, ГА Касбий ўзини ўзи аниқлаш психологик ва педагогик муаммо сифатида [Матн] / ГА Думенко // Шимолий Кавказ давлат техника университетининг илмий ишлари тўплами. "Гуманитар фанлар" серияси. - 2005. - №2.
6. Кусакина, СН Психологик ҳодиса сифатида университетда ўқиш истаги [Матн]: автоулов. дис ... номзод. психол. Фанлар / С. Н. Кусакина. -Москва, 2009 йил.
7. Лубовский, Д. В. Л. И. Божович асарларида "Шахснинг ички ҳолати" тушунчаси: назарий жиҳатлар ва замонавий тадқиқотлар [Матн] / Д. В. Лубовский // Амалий психолог журнали. - 2008. - № 5. - С. 157-171.
8. Поваренков, Ю. П. Шахснинг касбий шаклланиши [Матн]: дис. ... Доктор психол. Фанлар / Ю. П. Поваренков. - Ярославл, 1999. — 359 п.
9. Поваренков, Ю.. П. Меҳнат психологиясига кириш [Матн]: дарслик. қўлланма. университет талабалари учун / Ю. П. Поваренков. - Киров: ВятГГУ нашриёти, 2006. —134 б.
10. Психологик диагностика [Матн] / эд. М.К. Акимова, К.М. Гуревич. - СПб. : Петер, 2007 .-- 652 п.
11. Рогов, амалий психологнинг ЭИ қўлланмаси [Матн]. Китоб. 1. Психологнинг турли ёшдаги болалар билан ишлаш тизими / ЭИ Рогов. -М. : ВЛАДОС гуманитар нашриёт маркази,

ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРНИНГ АҲОЛИ, АЙНИҚСА, ЁШЛАР МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯСИГА ТАЪСИРИ.

Тоҳиров Аслиддин Бахром ўғли,
Жаҳон Иқтисодиёти ва
Дипломатия университети 1-
курс талабаси

XXI аср ахборот асри, технология ривожланиши. Бутун дунё тармоғисиз бугунги ривожланишни тасаввур қилиш қийин. Маълумки, Интернет – бу маълумотлар ва ҳужжатлар алмашиш имконини берувчи компьютер тармоқларини бирлаштирадиган халқаро тизим. Интернет кенг имкониятлар эшигини очди. Уйдан чиқмасдан туриб, глобал тармоқ орқали дунё бўйлаб кутубхоналарда саёҳат қилиш, ернинг бошқа бир томонидаги олий таълим тизимида масофавий ўқиётган талабалар сонини кўпайтирди ва ҳаттоки электрон хизматлар (текст таржима қилиш, видео тайёрлаш, овозли материаллар) шартнома орқали амалга оширилди. Шу сабабли ҳам интернетнинг кўпгина ижобий томонлари мавжуд. Бугунги кунда, интернетга уланган компьютерлар ва мобил алоқа воситалари деярли ҳар бир уйда бор.

Бундан ташқари, болалар интернетдан интернет кафеларда ҳам фойдалана олишади. Бугун, ахборот технологияларининг жадал ривожланиши ва унинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларида намоён бўлиши натижасида, компутер саводхонлиги барча учун энг долзарб масалалардан бирига айланди.

Дунё ёшлари компютер ўйинлари ва ижтимоий тармоқларга таянган оламда улғайишмоқда. Бу яхши албатта, аммо меъёр ҳам бўлиши зарур. Болалар виртуал олам ҳақиқий олам эмаслигини билишлари керак. Баъзида, болаларда катталарнинг рухсати ва назоратисиз тармоққа кириш имкони мавжуд бўлади. Болалар ва ўсмирлар интернетдан фойдаланганда, уларга кириш тақиқланган сайтларга дуч келиши мумкин.

Албатта, бундай маълумот қизиқувчан болалар ва ўсмирларни жалб қилиши мумкин. Ўсмирлар интернетда носоғлом маълумотларнинг бир қанча манбаларига дуч келса, улар бу маълумотга кўпроқ қизиқиш ва бунга эътибор қаратиш эҳтимоли юқори. Шу сабабли, катталар болаларнинг туғилиш онидаёқ, уларга иссиқ чойнакларга, пичоқ, қайчи ва ўткир тиғли асбобларга тегмаслиги ва интернетдаги маълумот хавфли эканлиги ҳақида айтиб беришлари зарур. Бундан ташқари, интернет манбалари замонавий ёшларни улғайтиришда нафақат салбий, балки хавфли таъсир кўрсатишини ёдда сақлаш мухим, чунки у уларнинг билим ва дунёқарашини кенгайтиради. Ота-оналар фарзандлари компутер ўйинларига муккасидан кетишини ва уларга боғланиб қолишини олдини олишга ҳаракат қилаётган бир пайтда, ижтимоий тармоқлар таҳдиди янада катта хавфни пайдо қилди. Болалар ва ўсмирларнинг ҳовли ва кўчалардаги мулоқоти энди реал ҳаётдан чегарасиз ижтимоий тармоқларга ўтди. Бу мулоқотлар болалар учун жуда қизиқарли чунки, биринчидан, уларда онлине кўпроқ дўстлар орттириш имконияти мавжуд. Онлайн мулоқот жараёнида, болалар улар муваффаққиятли болалар эканлигини кўрсата олади. Улар ўзларини бошқаларнинг ўрнида кўрсатишади ва турли хил ёлғон дунёларга берилиб кетишади. Уятчан ва қўрқоқ болалар учун онлайн мулоқот ўз афзалликларига эга ва вақт ўтиши билан реал ҳаётда самарали бўлиши мумкин.

Интернет деярли барча қизиқишларни учратадиган жой. Баъзан баъзи маълумотларни Интернетда қидиришингиз шарт эмас, уларга осонгина кириш мумкин, чунки улар ҳамма жойда мавжуд. Замонавий педагоглар ва психологлар виртуал мулоқот боланинг шахсий ривожланишига қандай таъсир қилиши ҳақида ҳали бир хулосага келишмаган. Баъзилар бу фақат салбий хислатларни юзага келтиришини таъкидласа, бу болаларнинг шахслараро муносабатлардаги хатти-ҳаракати, ифодаси, юз ифодаларига салбий таъсир қилади, бошқалари виртуал мулоқотни замонавий мулоқотнинг жуда қулай ва осон усули деб билади. Ёшлар онлайн мулоқот қилишни ўрганганларида, уларга тармоқ уларнинг шахсий маълумотлари, уй телефони рақами, манзили ва ота-оналари ва яқинларининг шахсий маълумотларини тақдим этишга умуман рухсат бермаслигидан хабардор бўлишлари керак.

Бугунги дунё ёшлар сони бўйича бутун инсоният тарихидаги энг катта авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил қилади. Бугунги кунда интернет маданияти, виртуал маданият, ахборот маданияти, маълумотларни бошқариш маданияти каби тушунчалар ҳаётимизга кириб келди. Ёшларнинг интернет оламида ўз ўрнини тўғри аниқлаш ва фойдаланувчилар билан мулоқот қилиш, виртуал оламдаги маълумотларни тўғри таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш вақти келди. Педагогик нуқтаи назардан тармоқ қуйидаги хавфли таъсирларга эга:

- ❖ Интернетга уланиш давримизнинг салбий таъсирларидан бири;
- ❖ Ўқиш ва ўрганишни енгил қабул қилиш. Интернетда тайёр дарс ишланмалари туфайли мустақил равишда уй вазифасини бажармаслик, математик масалаларнинг ечимини осон топиш;
- ❖ жисмоний ривожланишга салбий таъсир кўрсатиш хавфи, масалан, боланинг узоқ вақт давомида фаол бўлмасдан монитор олдида ўтириши ва ҳоказо.

Ушбу хавфларнинг олдини олиш учун қуйидаги тавсияларга амал қилиш керак:

- ❖ болангиз тармоқдан фойдаланмоқчи бўлганида назоратдан чиқиб кетишига йўл қўйманг;
- ❖ Фарзандингизга юқорида санаб ўтилган хавф-хатарлардан ҳимояланиш одатларини сингдиринг;
- ❖ Фарзандингизнинг тармоққа биринчи қадамларидан бошлаб Интернет нафақат "яхши", балки "ёмон" маълумотларга ҳам дуч келиши мумкинлигини тушунтиринг;
- ❖ Фарзандингизга тармоққа киришда рўйхатдан ўтиш қоидаларини тушунтиринг, яъни шахсий маълумотларни тақдим этмаслик;
- ❖ Фарзандингизга реал ҳаётдаги каби онлайн тартиб-интизом қоидаларини эслаб қолишини эслатинг;
- ❖ Ҳар куни фарзандингизнинг ҳаракатларини назорат қилишни одатга айлантиринг;

Хулоса ўрнида, биз бу "сунъий дунё" билан боғланган бўлишимиз мумкин, биз ҳаётимизнинг энг муҳим даврларини ўтказиб юбормоқдамиз, бизга нимадир етишмаяпди. Бир кун келиб биз интернетдан фойдаланмасак, кунимиз қанчалик унумли эканини тушунамиз. Шундай экан, биз интернет гирдобида умримизни зое қилмасдан ўзимизни ҳимоя қилишимиз керак. Ҳар бир иродали ёш авлод вақт ўзининг энг қимматли бойлиги эканлигини тушуниб, уни кимга, нимага сарфлашни жуда яхши билади. Улар турли хил Интернет ҳужумларига қарши иммунитетга эга бўладилар. Ижтимоий тармоқлардан умуман фойдаланмаслик эмас, балки меъёрида фойдаланиш муҳим. Чунки бизга берилган умрни самарали ўтказиш ҳар биримизнинг ўзимизга боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлларимиз билан қурамиз. 7-жилд «Ўзбекистон»
2. Мирзиёев.Ш.М. Халқимиз дунёқарашида инновация муҳитини яратиш энг муҳим вазифамиздир. 2017. 68-72-бетлар
3. Х. Иброҳимов, Ш.Абдуллаев. Педагогика назарияси. «Фан ва технология» 2008 йил
4. Саид Қосимов А. Сиёсий фаоллик ва фуқаролик маънавияти // Жамият ва бошқарув. – Тошкент: 2007. 50 -51-бетлар
5. Форобий. Олижаноб одамлар шаҳри. - "А.Қодирий номидаги халқ мероси" нашриёти, 1993.162 - бет

БУГУНГИ КУНДА ЗАМОНАВИЙ ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРНИНГ МАЗМУНИ ВА УЛАРНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯСИГА ПСИХОЛОГИК ТАЪСИРИ.

Юсупжонова Ирода Абдирайимжоновна,
АДУ, Умумий психология кафедраси ўқитувчиси
Холдарбоева Мадина Музаффар қизи

Бугунги кунда Ер шаридаги жамики давлатлар аҳолиси ижтимоий тармоқлардан фойдаланиб келмоқда. XXI аср глобаллашув даврида яшаётган эканмиз, ҳар биримиз ижтимоий тармоқ истеъмолчиларимиз деб ҳисобласак хато бўлмаса керак. Жамики бугунги кундаги ёшларнинг энг кўп вақтини, фаолиятини ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш учун сарф этмоқдалар. Бунинг афзалликлари жуда ҳам юқори рейтингни эгалламоқда. Шуни айтиш жоизки, ҳар бир ривожланган давлатлар миқиёсини олиб қарасак, ижтимоий тармоқ бир ажралмас бўғинга айланиб улгурган. Эндиликда ижтимоий тармоқларсиз фаолиятлар бўлмаслигини гувоҳи бўлмоқдамиз. Биз ёшлар дунёвий янгиликлардан бохабар бўлмоғимиз даркор, шунингдек техника асрида яшар эканмиз доимо изланиб, ўз имкониятларимиздан оқилона фойдаланган ҳолда мақсадларимизга эришишимиз даркор. Ижтимоий тармоқлар ўз домига тортиб олмасдан, биз ўзимизни бошқара олишимиз керак. Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев интернет ҳақида тўхталиб ўтиб, қуйидаги фикрни билдирган, “Энг тезкор ахборот воситаси интернет ҳаётимизга тобора чуқур кириб бораётганини алоҳида қайд этиш лозим. Ҳозирги вақтда глобал тармоқда Уз доменли веб-сайтлар, ахборот порталлари сони 400 дан ошиб кетганини, уларнинг аксарияти хорижий тилларда ҳам фаолият кўрсатаётгани, ушбу йўналишда янги ижодий авлод интернет журналистлари шаклланиб бораётгани эътиборга сазовордир”. Биз ёшлар ўз қизиқиш ва истеъдодларимизни ижтимоий тармоқ, яъни интернетдан самарали ва оммабоп тарзда фаолият юритишимиз лозим. Бизнинг энг долзарб

ҳамда оммавий ҳисобланиб бораётган интернет йўналиш ва тармоқларига: ИТ дастурлаш соҳаси, интернет журналистикаси, турли хилдаги сайтлар орқали иш фаолият дастурлари орқали даромадлар олиш каби йўналишлар жадал ривожланиб бормоқда. Ҳар бир ўсиб келаётган ёш авлод интернет таъсирига жавоб бериш реакциясини ўзида шакллантирмоғи лозим. Шу ўринда айтиш жоизки, бу техник имкониятлардан, ижтимоий тармоқлардан, уяли алоқа воситаларидан ҳамма ҳам талаб даражасида ижтимоий маънавий меъёрларга мувофиқ фойдаланаётгани йўқ. Ким учундир ахборот-алмашинув воситаси, ким учундир меҳнат фаолияти талаби, кимгадир зарурий мулоқот омили бўлса, кимлардир шунчаки реал ҳаётдан чалғиш, ўз нафсоний эҳтиёжу талабларини қондириш, яна кимлардир ўз атрофига ҳаммаслакларини тўплаб, қандайдир фисқу фасод, ғийбат, туҳмат уюштириш, миллат мафкурасига, миллиятга ёт, бузғунчи-вайронкор ғоя ва фикрларни тарғиб қилиш учун ҳам бемалол фойдаланиб келмоқда бу сабабиятдан. Қисқа фурсатли кузатишлардан аён бўлдики, ижтимоий тармоқ реал ҳаётда мавжуд моддий жараён, ҳолат ва кечинмаларнинг тасаввурда ҳаракатланиши сифатида онг ва тафаккурда шаклан ва мазмунан акс этишга, жадаллашишга, из ва андоза қолдиришга улгурган. Аксарият қўнғироқ қилишдан кўра интернет воситалари орқали хабарлашишни маъқул кўриб бормоқда. Шундай экан, бу янги кашф этилган мўжаз дунё интернети оламида ҳам ижтимоий интизом маънавий меъёрларга эҳтиёж сезилиши табиий. Чунки, ҳар қандай фикр муносабат ва реал ҳаётга қанчалик муҳим аҳамият касб этса руҳиятда тафаккурдан унданда кучли қудратга эгадир. Фикрлар, ғоялар қарама-қаршилиги ёки ҳамоҳанглиги жамиятни бошқариши, у ёки бу ўзанга тортиб кетади.

Таъкидлаганимиздек, техника аср иштирокчилари асосан, ижтимоий тармоқда фаол. Ён атрофдаги дўсти биродардан интернетдаги “друзя”лари сероб. Аксарият жисмини ерда қолдириб, интернет оламига кўчиб кетган. Ён атрофдагиларга нисбатан ижтимоий тармоққа эътироф кучайган. Шу жиҳатдан, кимнингдир ижтимоий тармоқда нима мақсадда фойдаланиши, қандай манбалардан, қандай ҳолатда фойдаланиши, қанча вақт сарфлаш, кимлар билан алоқада бўлиш, хуллас, ижтимоий тармоққа ҳар қандай муносабати унинг руҳий-маънавий камолот даражасини белгилашдан муҳим ва муносиб ўлчов бўла олади. Шуларни эътиборга олган ҳолда Узлуксиз таълим тизимида “ Уяли алоқа воситалари ҳамда ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш маданияти” фанини жорий этиш мақсадга мувофиқдек туюлади. Зеро, инсон зоти илк яралган давридан умри поёнигача таълим-тарбияга турли даражада эҳтиёжманддир. Мазкур мақсадларни амалга оширишда бизга Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг “Ижтимоий одоблар” китоби ва унда алоҳида қайд этиб ўтилган “ Уяли телефон одоблари”, “Интернет одоблари” китобида қуйидагиларни баён этган:

Қуйида халқаро замонавий алоқа ва ахборот воситаси бўлиш интернетдан фойдаланишнинг баъзи умумий одоблари ҳақида қисқача сўз юритамиз:

“ Интернет тармоғига киришдан олдин иш режасини яхшилаб тузиб олиши керак”

“ Сайт эгаларининг маънавий маърифий ҳуқуқларига тўла риоя қилиш чин мусулмонлик бурчидир”

“ Ишхона ёки бошқа бирор шахснинг интернетидан рухсатсиз фойдаланиш мумкин эмас”

“ Болаларнинг интернет ва компютердан фойдаланишини оқилона ва эътибор билан йўлга қўйиш керак”

“ Интернетга киришдан олдин вақтни зое қилмаслик учун умрнинг қадрини эсга олиш, унинг ҳар лаҳзаси ҳисобли эканини, қиёмат кунида ҳисоб-китоб бўлишини эсга олиш зарур”. Ушбу мазмун-моҳияти кенг маъноли гапларни ёдда тутмоғимиз лозимдир.

Биз аҳоли ва ёшларга ижтимоий тармоқларни қанчалик самарали таъсир кўрсатмасин, афсуски салбий таъсирлар ҳам намоён бўлаётганини кўришимиз мумкин. Ёш авлодни руҳий-маънавий ҳолатига салбий таъсир кўрсатиб ўз домига тортиб кетмоқда. Биларга мисол қилиб, ўспирин ҳамда ўсмир ёшдаги болалар ўртасидаги кибер ўйинларнинг оммалашиши (ПУБГ), одамларнинг молиявий пирамида қурбонларига айланиши (1ХБЕТ), ишончсиз муносабатлар орқали инсонларнинг молиявий ҳисобларига зарар етиши, ижтимоий муносабатларни белгиланган меъёрлардан ўтиш натижасида низоларни вужудга келиши каби ҳолатларни гувоҳи бўлмоқдамиз. Бу каби нохуш вазиятларни олдини олиш мақсадида, жамики, ёшлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш, ҳамда ёшларни бўш вақтларини мазмунли ўтказишни таъминлаш вазифаларини амалга ошириш зарур бўлмоқда.

Жаҳон ахборот тармоғига кираётган ёшлар сони соат сайин ортмоқда. Масалан, Ўзбекистонда интернет тармоғидан фойдаланувчилар сони 2008 йилда 2 миллион бўлса, 2016 йилда 13 миллиондан ошганини, 2022 йилга келиб яъни бугунги кунда 22,1 миллиондан ошди. Шундан мобил интернет фойдаланувчилари сони — 19 миллионни ташкил этмоқда. Мамлакат бўйича аҳоли пунктларининг мобил алоқа билан қамраб олиниши даражаси 97 фоизни, мобил интернет қамрови эса 87 фоизни ташкил этди. Декабр ойи бошида мактабларнинг 70% ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг 78% интернетга уланган.

Хулоса, қилиб айтганда жамиятимизда яшаётган барча аҳоли ҳамда ёшларга ижтимоий тармоқларнинг кундалик турмуш ва ҳаёт тарзининг бир қисмига айланиб бораётганини инобатга олган ҳолда, ижтимоий тармоқлардан келаётган таъсирларга қарши ўзимизда куч ва мафкуравий ҳимояни ривожлантиришимиз ҳамда шакллантиришимиз даркор, зеро биз ёшлар эртанги куннинг келажаги ҳисобланамиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта

устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиси тўғрисида”ги ПФ 4947-сонли Фармони.
2. А.Кадиров, А.Икрамов, М.Қуронов “Глобаллашув шароитида Ватанпарварлик тарбиясининг маънавий-маърифий технологиялари”
3. Ж.С. Раматов “Глобаллашув шароитида тинчлик ва барқарорликка таҳдид солувчи ғоявий, мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши курашишнинг замонавий усулларини яратиш”
4. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари “Ижтимоий одоблар”

ШАХС МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯСИ ҲАМИША МУҲИМ

Бекдавлат Алиев,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Ижтимоий-гуманитар кафедраси” профессори, фалсафа фанлари доктори

Фарзанд тарбияси оила учун, нафақат оила, балки бутун жамият маънавий-моддий тараққиёти учун муҳим.

Халқимизнинг ўтмишда ўзбек миллатининг миллат бўлиб шаклланишида ва ислом илми ривожига қўшган жаҳон тан олган улуғ алломалари Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, буюк тасаввуф пирлари Абдухолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд каби табаррук зотлар улкан ҳисса қўшган. Миллатимиз маънавий камолатида улар маънавий бой мерос қолдириши билан бирга, жаҳон тамаддунида математика ва астрономия сингари аниқ фанлар, медисина, доришунослик ва тиббиёт, минералогия каби табиий фанлар, логика, филология ва жамиятшунослик фанлари соҳалари бўйича мукаммал асарлар ёзиб қолдирганини жаҳон тан олган.

Улар қомусий алломалар Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Замаҳшарий, Мирзо Улуғбек каби мўтабар зотлар хусусида нафақат миллий маънавиятимиз, балки башарият маънавий такомилига кўрсатган таъсирлари беқиёсв.

Ана шу улуғ алламоалар ва бугунги давр олимлари ўз тадқиқотларида маънавий таназзулнинг асосий омилларни оилада фарзанд тарбиясига эътиборсизликда деб топиб, бу иллат миллатнинг маънавий танназулга олиб келишининг бирдан бир сабабидир.

Бежизга халқимиз “Бешикдан қабргача илм изла” демаган.

Хўш бугун ота-оналар фарзанд тарбиясига нега эътиборсиз? Фарзанд тарбияси билан шуғулланишига қандай омиллар тўсқинлик қиляпти? Ота-оналар фарзанд тарбиялаш методларини биладими? Мазкур саволлар бизга оптимал эчим топиш вазифасини кўндаланг қўймоқда. Бугун бутун дунёда

инсон капитали учун кураш, энг катта сармоя фарзандни яхши билимли бўлишига, тарбиясига тикилаётган бир вақтда давлат тмонидан яратилаётган шарт-шароитларга қарамасдан отна-оналарда фарзанд тарбиясига эътиборсизлик мавжудлиги таҳлил қилинмоқда.

Бу масала чуқур илмий тадқиқотлар ва оммавий сўровномалар ўтказишни талаб этади. Аниқланган муаммоларни илмий асосланган ҳолда бартараф этиш эса асосий масала.

Масалан, инсон ривожланиши ва жисмоний ривожланиши биологик хусусиятларга боғлиқ бўлиб, морфологик, биокимёвий ва физиологик ўзгаришларни ўз ичига олади. Аммо ижтимоий ривожланиш психологик, ақлий, интеллектуал ривожланиш билан тавсифланади. Фалсафа концепциясининг ривожланиши - бу бир ҳолатдан иккинчисига ўтиш, давом этаётган миқдорий ва сифатий ўзгаришларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Инсон ижтимоий тараққиёт чўққисига чиққанда, уни онги юксак ва ўзини ўзи англайдиган, мустақил ишлашга қодир одам дейилади. Инсон шахс сифатида туғилмайди.

Шахс сифати “индивидуаллик” тушунчаси билан тўлдирилади. Индивидуаллик деганда, бир кишининг бошқасидан ўзига хос хусусиятлари ва фарқлари тушунилади. Индивидуаллик, қоида тариқасида, мижознинг ўзига хос хусусиятларига, унинг ижтимоий фаоллигига ва оқилона хатти-ҳаракатларига тегишлидир. Инсонни ижтимоий мавжудот сифатида тасвирлаш учун “индивидуал” тушунчасига тўхталиб ўтиш керак. “Индивид” атамаси битта, фақат, битта одамни билдиради. У инсониятнинг алоҳида вакили сифатида талқин қилинади. Яъни, ҳар қандай ақли расо одам шахс бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, шахс ҳаёт давомида ривожланади ва шаклланади. Ривожланиш - бу, биринчи навбатда, шахснинг миқдор ва сифат ўзгариши жараёнидир. Инсон туғилади ва ўсади, организм органлари ва тизимлари кенгаяди, у сўзга, сўнгра сўз бойлигига эга бўлади. Ҳар хил ижтимоий хусусиятлар ва ахлоқий кўникмаларни, меҳнат кўникмаларини эгаллайди.

Инсон ривожланаётган ҳақиқий ҳаётга муҳит дейилади. Шахснинг ривожланишига турли ташқи омиллар, жумладан, географик, ижтимоий, таълим ва оилавий ҳаёт таъсир кўрсатади. Атроф-муҳит ривожланишининг таъсири ҳақида гап кетганда, биринчи навбатда ижтимоий ва оилавий муҳит назарда тутилади. Ижтимоий муҳитни тушунишга оммавий тузилиш, ишлаб чиқариш тизимининг муносабатлари, ижтимоий жараён ва бошқалар киради. Энг яқин муҳит - оила, қариндошлар ва дўстлардир.

Инсоннинг маънавий онги, инсоний фазилатлари ва камчиликлари дастлаб оилада шаклланади. Бу жараён ҳеч қачон тўхтаб қолмайди[66].

Инсон тараққиётига, айниқса, болалик даврида оилавий муҳит катта таъсир кўрсатади. Уйда, биринчи инсон ҳаётининг ривожланиши ва шаклланиши ҳал қилинади. Одатда бола ўзи ривожланаётган оила ҳақида аниқ

[66]Эркаев А. Маънавиятшунослик. –Т.: “Маънавият”. 2018. –Б. 12.

тасаввурга эга бўлади. Оила кўп жиҳатдан болаларнинг манфаатлари ва эҳтиёжларини, ғоялари ва келажагини белгилайди. Оила – жамиятнинг энг кичик аъзоси. Ижтимоий муҳитдан одам ҳаётий тажрибаларни, ўзини тутиш, гапириш, фикрлаш ва унинг усулларини ва бошқаларни ўрганади. Инсон камолотида ижтимоий тармоқлар, таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари ва бошқалар ҳам муҳим рол ўйнайди. Ҳатто ижтимоий муҳитда ҳам носоғлом гуруҳлар салбий таъсир кўрсатиши мумкин, масалан, қимор, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, талончилик, саводсизлик ва бошқалар. Аммо шуни ёдда тутиш керакки, ҳамма бир хилда таълим олади, лекин оилалар ва қарашлар бир хил эмас.

Инсонга инсонпарварлик, яхши хулқ, таълим-тарбия ва умуман, ижобий хислатларни ўргатувчи мактаб бу оиладир. Халқимизда "Қуш уясида кўрганини қилади", деган мақол бор. Тарбия оиладан бошланади, десак хато қилмаймиз. Биз бунда соғлом, этук, комиллик сари интиладиган оилани назарда тутяпмиз. Оила қанча соғлом бўлса, жамият ҳам шунга мутаносиб бўлади. Лекин тагига зил кетган, мўрт оилалар охири ажралиш билан тугайди, болалар этим, хонадонлар пароканда бўлади. Бу эса, жамият равнақига албатта путур этказади[67].

Ҳар бир инсон ўз генетикаси ва муҳитининг маълум улуши билан ривожланади. Тарбия генетика ва атроф-муҳит таъсирини тўғрилайди. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва ижтимоий муносабатларнинг мураккаблиги билан бир қаторда таълимнинг ўрни ҳам доимий равишда ўсиб бормоқда. Ҳозирги Узлуксиз таълим шароитида инсоннинг ҳаётда самарали иштирок этиши қийин. Хусусан, таълим ҳал қилувчи восита бўлиб, у орқали шахснинг ижтимоий ривожланиши дастури, унинг ва туғма қобилиятлари қанот очади. Шундай қилиб, генетик омиллар таъсири остида шахсият ва индивидуал хусусиятларнинг ривожланиши, муҳит ва айниқса таълим ва тарбия вақт ўтиши билан табиий муҳит тўсиқларини, ижтимоий таъсирни, шунингдек, болаларни тарбиялашда оилавий хатоларни олиб ташлайди ва тўғрилайди.

Хулоса қилиб айтганда, шахс ахлоқий маънавий тарбияси бугунги куннинг энг устувор вазифаларидан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. «Янги Ўзбекистон Стратегияси» - "Ўзбекистон", 2021, 267 б.
2. М.Раҳматов, Б. Зарипов. "Янги Ўзбекистон Учинчи ренессанс остонасида". –"Замин Нашр" 2021 56 б.
3. Назаров Л., Очилдиев А. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар. -Т.: Янги аср авлоди, 2002. 106-109-бетлар.

[67]Мирзиёев Ш. Янги ўзбекистон стратегияси. –Т.: Ўзбекистон, 2021. – Б. 72.

4. Эргашев И. ва бошқ. Миллий истиқлол ғояси: Ўзбекистон Республикаси Олий таълим бакалавриат босқичи учун дарслик. -Т.: Академия, 2005. 120-130-бет.

МАЪНАВИЙ ВА МАФКУРАВИЙ ҚАРАШЛАР ДОЛЗАРБЛИГИ

Темурбек Алиев,
Шайхонтахур тумани
ҳокимининг “Ипакчи” маҳалласи
бўйича ёрдамчиси

Одамзотнинг инсон деган камолотга кўтарилишидаги руҳий ва ақлий оламини ифодаловчи тушунча бу маънавият бўлиб, у одоб-аҳлоқ, фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадиий, диний тасаввурларни қамраб олган тавсифдир.

Маънавият атамаси арабчадан олинган бўлиб, «маъно» деган мазмунни билдиради. Маънавият инсоннинг ички оламини ўзида ифода этиб, уни ҳайвондан ажратиб турадиган ақлий ва руҳий жараён ҳисобланади.

Инсоннинг ўзлигини англатиб турувчи тарбия, таълим ва қадрятлар маънавиятнинг негизи бўлиб, гўё озиқ-овқат одамга жисмоний қувват берса, маънавият унга руҳий қувват бағишлайди.

Маънавият, маърифат ва маданият одамларда, шахсларда ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Бу тушунчалар муттасил ўқиш, ўрганиш, тажриба орттириш ва илмий тадқиқотлар жараёнида ҳосил бўлади. Маънавият қанчалик бойиб борса, жамият ва миллат, давлат шунчалик равнақ топади ва бу мавзуни ўрганиш чек чегараси йўқ илмий тадқиқотларни талаб этади.

Янги Ўзбекистонда нафақат улкан бунёдкорлик ишлари, балки халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши янгиланишлар кечмоқда. Ўтган беш йилилк демократик ҳуқуқий давлат, одил фуқаролик жамиятига ўтиш даври бўлиб, “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган ҳаётбахш ғоя ёшларимизни, кўп миллатли халқимизнинг битта мақсад сари янада жипслаштирди.

Шавкат Мирзиёев ўзининг «Янги Ўзбекистон Стратегияси» номли китобида «Янги Ўзбекистон орзуси, бугунги кунларимизга нисбатан айтганда, ҳозирга даврнинг тақозоси, унинг асл қиёфасини, ҳаракатлантирувчи кучлари ва омилларини белгилайдиган ғоявий-маънавий асос, халқимизга хос яратувчанлик шижоати ва кенг кўламли ислоҳотларимизнинг яққол ифодасидир», дея таъкидлайди.

Бу даврда давлатимиз раҳбарининг маънавий-маърифий жараёнларни ташкил этишда яхлит тизим яратиш, халқимиз, айниқса, ёшларни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш борасида ташкилий-амалий ва илмий-тадқиқот ишлари олиб борилишида янги-янги қарорлар жорий этгани муҳим босқичлардан бўлди.

Шавкат Мирзиёев “Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир” – дея, маънавиятга берган юксак таърифи нечоғлик тўғри ва долзарб эканини ангалаш қийин эмас.

Маънавий-мафкуравий жараёнларнинг барқарор тараққиёт мезонлари ва йўналишларини туркумлаштириш тамойилларини жамият ҳаётига, кишилар онги ва фаолиятига детерминистик таъсир этиши, пировард натижада бу омилларнинг ўзи умумхалқ манфаатларининг ифодасига айланишига оид илмий таклиф ва тавсиялар Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2020-2021 йилларда ўтказилган тарғибот ва ташвиқот ишларида, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-5040-сон қароридаги маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш бўйича “Йўл харитаси”да кўрсатилган68. Мазкур қарор ва йўл харита ёш авлодда мустаҳкам ватанпарварлик ғояси ҳамда қатъий фуқаролик позисиясини шакллантириш, Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқиш, ёшлар соҳасидаги муаммоларга самарали эчимлар ишлаб чиқиш, ваколатли органлар фаолиятини мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

Бу борада Президент Ш.Мирзиёев 2020 йилнинг 29 декабр куни Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаб ўтганидек: Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Мирзо Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб, хизмат қилиши лозим.

Бугун мамлакатимиз Янги Ўзбекистон - 3-ренессанс пойдеворини яратиш даврига қадам қўяр экан, аждодларга муносиб юксак маънавиятли кучли миллий ўзликка эга бўлган, ўзи ва бошқаларнинг тақдирига бефарқ бўлмаган, ўз халқининг келажаги учун масъулиятни бўйнига оладиган авлодларни тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Одатда маънавияти бўлмаган ёш йигит-ўсмир жамиятда эрки ва қадр-қимматини йўқотади, бундай киши инқирозга, сўнгра руҳий эмирилиш ҳолатига учрайди. Бу ҳолат унинг меҳнат фаолиятига, айни пайтда, ижтимоий муносабатларига ҳам кўчиб ўтади. Натижада ижтимоий муносабатларда ёлғончи, виждонсиз, лоқайд ва жиноятчи шахслар пайдо бўла бошлайди. Мавжуд ахлоқий қадриятлардан кўра, ёшлар жамиятнинг реал муносабатларига интилиш орқали ўз «мен»ини ҳимоя этишга интилади. Бу, ўз ўрнида, ёшларнинг ахлоқий-психологик қиёфасига, жамиятда маънавий жараёнлар ривожига салбий таъсир этмай қолмайди. Натижа вужудга келган

[68] Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил 5 ноябрдаги 02/08/1367-сон маълумотномаси.

бўшлиқда бузғунчи кучлар ўз мақсадларини янги ахборот коммуникасия тармоқлари орқали осонгина онгига сингдириши хавфи туғилади.

Хусусан, 2016 йил 14 сентябрдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, йигит-қизларга белгиланган тартибда мукофотлар, стипендиялар, таълим грантлари тақдим этиш, иқтидорли ва истеъдодли ёшларни аниқлаш мақсадида танловлар, олимпиадалар, кўргазмалар ташкил этиш, уларни хорижий мамлакатларда ўқитиш, қайта тайёрлаш ва амалиётни ўташ дастурларидан танлов асосида фойдаланишини таъминлашнинг уч босқичли тизими амал қилмоқда.

Маънавий тизимнинг замонавий эҳтиёжларини ифода этувчи шакл ва усуллар сифатида “Ҳар бир тадбиркор — ёшларга мададкор” Ёшлар кичик саноат зоналари, “Ёш тадбиркорлар” коворкинг-марказлари, “Ёшлар меҳнат гузари” комплекслари, “Лойиҳалар фабрикаси”, “Ёшлар мурожаати” электрон платформаси фаолияти, “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш» дастури, “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси, Президентимизнинг беш муҳим ташаббуси, “Ёшлар — келажагимиз” жамғармаси, “Бир тадбиркор + бир ёш” “Ёшлар дафтари” каби рағбатлантирувчи технологиялар самарали натижаларини бериб келмоқда.

“Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг янги Ўзбекистонни барпо этиш ғояси ва Учинчи Ренессанс асосини яратиш борасидаги ташаббуси бугун реалликка кўча бошлагани, “Янги Ўзбекистон” ва “Учинчи Ренессанс” сўзлари ҳаётимизда ўзаро уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб янграётгани, халқимизни улуғ мақсадлар сари руҳлантираётган” дея иқтибос келтиради таниқли Иқтисод фанлари доктори Муртазо Раҳматов ва профессор Бакридин Зариповлар ҳаммуаллифлигида чоп этилган “Янги Ўзбекистон Учинчи ренессанс” бўсағасида китобида.

Бу жараёнларга услубий ва илмий жаҳатдан ёндошиб, тадқиққотлар олиб бориш бориш бугунги куннинг энг долзарб масласи ҳисобаланади.

Демак, бугунги ёш авлод ўз тарихини, маданиятини, миллий қадриятларини, тилини, динини ва урф-одатларини мукаммал билсагина, мустақилликнинг асл моҳиятини чуқурроқ англаб этадилар. Маънавият ҳам ана шу миллий қадриятларимизга асосланиб яратилиши бежиз эмас.

Бу илмий тдқиқотлар – таълим-тарбия орқали қадр-қимматни англайдиган, кучли ирода соҳиби, иймони мустаҳкам, ҳаётда ўзининг эзгу мақсадига эга бўлган ва ташаббускор, тадбиркор ёшларни тарбиялашда муҳим омилдир.

Мухтасар айтганда, маънавий мафкуравий қарашлар тараққиётнинг барча босқичларида ўзининг долзарблигини сақлаб қолади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. “Янги Ўзбекистон Стратегияси” - “Ўзбекистон”, 2021, 267 б.
2. М.Раҳматов, Б. Зарипов. “Янги Ўзбекистон Учинчи ренессанс остонасида”. –“Замин Нашр” 2021 56 б.

3. Назаров Л., Очилдиев А. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар. -Т.: Янги аср авлоди, 2002. 106-109-бетлар.
4. Эргашев И. ва бошқ. Миллий истиқлол ғояси: Ўзбекистон Республикаси Олий таълим бакалавриат босқичи учун дарслик. -Т.: Академия, 2005. 120-130-бет.

ЁШЛАРНИНГ ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИНИ ЮКСАЛТИРИШ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ МУҲИТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНСТИТУЦИОНАЛ ТУЗИЛМАЛАРНИНГ ЎРНИ

Жумаев Сарварбек Сойибжон ўғли,
Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон миллий университети

Дунёнинг ҳар қандай ривожланган ва ривожланаётган давлатнинг тарихий тараққиёт маълумки, юртнинг жадал ривожланиши, муайян ютуқларга эришиши, халқнинг фаровон бўлиши ўша давлатда ёшлар таълим-тарбияси, маънавияти, фуқаролик позисиясининг юксалганлиги ва келажагига бериладиган эътибор даражасига боғлиқдир. Шу маънода, Ўзбекистонда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Мамлакатда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиб бериш борасида мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган ва бу тизим замон талабларига ҳамоҳанг равишда такомиллаштириб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимаси ҳамда ундаги моддалар мазмун моҳияти ҳам айнан фуқароларни муносиб ҳаёт кечиришлари учун ишлаб чиқилган. [1: 3].

Ўзбекистон республикаси Президенти томонидан 2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуннинг 5 моддасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Хусусан, Ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш;
- ёшларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш;
- ёшларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш;
- ёшлар учун очиқ ва сифатли таълимни таъминлаш;
- ёшларни ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш;
- ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга қилиб тарбиялаш;

- ёшларни ахлоқий негизларни бузишга олиб келадиган хатти-ҳаракатлардан, терроризм ва диний экстремизм, сепаратизм, фундаментализм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилиш;
- ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш;
- иқтидорли ва истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш;
- ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;
- ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, шунингдек ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва ёшлар спортини оммавий ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;
- ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш;
- ёшларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқариш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш. [2: 5].

Бу йўналишларнинг ёшлар орасида кенг тарқалиши ва сифатли, натижали ижросини таъминлаш Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Ёшлар ишлари Агентлиги, вилоят, туман, шаҳар ҳокимларнинг ёшлар масаласи бўйича ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик Палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламети институтларининг зиммасига юклатилган. Ушбу ташкилотлар томонидан ёшлар учун кўплаб кўрик-танлов, фестивал, стартаб лойиҳалари, семинар-тренинглар режалаштирилиб ўтказиб келинмоқда.

Аммо кўпинча ёшлар ўз келажагини белгиловчи жараёнлардан четда қолмоқдалар. Иштирок этиш – бу ёшларнинг имкониятларини кенгайтириш жараёнининг бир қисмидир. Шунга қарамай, жамиятлар кўпинча ёшларни сиёсатни ишлаб чиқишда ажралмас ҳиссалар сифатида кўрмайдилар. Сўнгги йилларда баъзи ҳукуматлар қарорлар қабул қилишда ёшларнинг ўрнини ошириш бўйича муҳим қадамлар қўйди. Каттароқ иштирок Ёшларнинг уйда, мактабда ва жамиятда бўлиши нафақат уларнинг ижтимоий-иқтисодий муҳитига, балки ўз салоҳияти ва шахсий ривожланишига ҳам фойда келтиради. Иштирок этиш восита ва мақсад сифатида қаралиши керак. Фаол ва хабардор иштирок ёшлар томонидан нафақат мос, балки улар томонидан талаб қилинган ҳуқуқларга асосланган бўлиши керак. Ёшлар иштирокининг ўзи қисқа муддатда вақт ва пул талаб қилиши мумкин бўлса-да жараён ёшлар олдида турган ва уларнинг муаммоларига асосланган фаолиятга олиб келади, муаммоларни тушуниш ва шунинг учун уларнинг эҳтиёжларига кўпроқ мос келади. Уларнинг иштироки ёшларга бериладиган имтиёзларни яхшироқ йўналтиришга олиб келиши мумкин, муайян қонунлар ва сиёсатнинг таъсирини энг яхши аниқлай олиши мумкин. Ёшлар асосий манфаатдор томонлар сифатида кўпроқ бўлади, уларнинг тезлигига сармоя киритдилар.

Ёшларнинг сиёсатни шакллантиришдаги иштироки ўртасидаги боғлиқликни таъкидлашга ёрдам беради. Бюджетларга ёшларнинг

эҳтиёжларини акс эттириши учун таъсир қилишдан ташқари, ёшлар уларнинг ҳаётига таъсир қилувчи институтларни ислоҳ қилишга ҳам ёрдам беради. Институтлар ёшларнинг сиёсат масалаларини муҳокама қилишда иштирок этиши ҳамда йўл-йўриқ кўрсатиш ва белгилашга ёрдам бериш механизмларини таъминлаши керак, бундай муҳокамалар доирасидаги устуворликлар керак. Ҳукуматлар ёшларнинг фуқаролик позисияларини ва механизмларини ривожлантириш учун ҳам ҳаракат қилиши керак.

Қандай шароитлар ёшлар учун яхши муҳитни таъминлашга ёрдам беради жамиятда мазмунли иштирок этиш учун?

• Чекловларсиз, нотўғри фикрлашларсиз ёки камситилмасдан ташкил этиш эркинлиги

• Тўсиқларсиз мунтазам равишда учрашиш имконияти

• Қўрқитиш ёки қўрқмасдан хоҳлаган нарсани айтиш эркинлиги

репрессия сўз эркинлиги ва хабардор бўлиш ахборот олиш ҳуқуқи. Ахборотга эга бўлиш яхшиланган ҳолда, ёшлар қилишлари мумкин қарорлар қабул қилишда иштирок этиш имкониятларидан яхшироқ фойдаланиш.

• Бошқалардан ёрдам олиш ва улар билан ҳамкорлик қилиш қобилияти фуқаролик жамияти ва оммавий ахборот воситаларининг қатламлари.

Ҳукумат ёшлар ташкилотларини салоҳиятни оширишга қандай ёрдам бериши мумкин?

• Барча университетлар ва ўрта мактабларда талабалар кенгашлари учун жой ажратиш

ўқувчилар манфаатларини ифодалаш учун мактаблар.

• Ёшлар учун хавфсиз ва қулай учрашув жойларини тақдим этиш.

• Ёшлар ўртасида миллий ва халқаро ҳамкорликка кўмаклашиш

Ёшлар ўзларининг иштирокидан куч-қувват туйғусини оладилар, қарор қабул қилиш жараёнини амалга оширадилар. Ёшлар иштирокини мақташ мумкин бўлса-да, фаол бўлишга тарғиб қилинади ва шунинг учун у турли ёндашув ва усулларни ўз ичига олади. Бу ёшларнинг жамиятда фуқаролик негизини оширишга ёрдам беради.

Ёшларнинг халқаро ташкилотлар фаолиятида иштирок этишининг асосий тамойили шундаки, бугунги кунда ёшлар дуч келаётган муаммоларга сиёсат ва дастурий жавоблар билан ёндашишади. Ёшлар делегатлари нафақат мунозаралар ва сиёсий мулоқотларни бойитибгина қолмай, балки ҳукуматлар ва ёшлар ўртасидаги алоқа ва ҳамкорликнинг мавжуд каналларини мустаҳкамлайди. Ёшлар ўзларининг умумий ишларида иштирок этишлари мумкин. Бир қатор учрашувлар, зиёфатлар ва норасмий музокараларда қатнашиш ва тақдим этиш орқали миссиялар умумий мунозараларни кузатиш ва ҳисоботларни тайёрлашда ёрдам беради. Кўпинча улар бошқа мамлакатлардан келган ёшлар вакиллари билан маълумот алмашиш ва тажрибаларини мустаҳкамлаш учун алоқа ўрнатадилар.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, ёшлар иқтидорини қўллаб қувватлаш, уларни сифатли таълим олиб ўзлари хохлаган соҳада ишлашлари учун этарлича шатр-шароит яратилиб келинмоқда. Албатта ёшлар бундай

имкониятлардан унумли фойдаланишлари керак. Ёшларда фуқаролик позициси ни юксалтириш уларни маънавий-маърифий дунёқарашини янада ошириш учун қуйидагиларни тавсия қилиш мумкин:

- Бугунги глобаллашув даврида мустақил фикрга эга бўлиши, аниқ бир мақсадни ўз олдига қўйиши керак;
- Жамиятда муносиб ўрин топиши учун мамлакатимизда бўлаётган ижтимоий, сиёсий, маънавий жараёнларда, ислоҳотларда таклифлар билдирилиши айнан ёшлар иштирокини кенгайишига хизмат қилади.

АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА ИНСОН КАПИТАЛИНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШУВИ (СОЦИОЛОГИК ТАҲЛИЛ)

Содиржонов Мухриддин Махамадаминович,
Наманган давлат университети таянч докторанти

Дунёда янги шаклдаги ахборот маконининг пайдо бўлиши ва компьютер технологияларининг юқори суръатда тараққий этиши оқибатида *кишилар ўртасидаги ахборот алмашинув жараёнининг янги босқичга кўтарилиши* инсоният тафаккурида ҳам ўзгаришлар содир бўлишига олиб келди. Ў*заро* ахборот алмашишнинг чексиз кенгайиши, ижтимоий-маданий интеграциялашувнинг чуқурлашиши ва интенсивлашиши эса ёшларнинг жамиятга ижтимоийлашувида ўзига хос мураккабликлар туғдирмоқда.

Охирги йилларда ўзбек жамиятида силжувчан трансформация жараёни содир бўлмоқда, ижтимоий ҳаётда янги амалиёт юз кўрсатмоқда. Хусусий мулкка бўлган муносабат ўзгарди, сиёсий ҳокимият ва бошқарув аппарати, суд-ҳуқуқ тизимларида позитив ўзгаришлар содир бўлмокда. Глобаллашиб бораётган замонавий жамиятда ахборот инсон тафаккурига турли йўналишларда таъсир этувчи, инсониятнинг ҳаёти ва тақдирини у ёки бу томонга буриб юборувчи, гоҳ ижобий, гоҳ салбий моҳият касб этувчи қудратли воситага айланганлиги, унинг социомаданий жиҳатларини ўрганиш заруратини юзага келтирмоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар шуни кўрсатадики, ижтимоий ўзгаришларга зарурий мослашишни таъминлайдиган ва ахборот муҳитида муносиб ўринни кафолатлайдиган тафаккур тарзига эга бўлган ёшларни тарбиялаш давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишига айланди. “Ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда”[1. – Б. 504-505][69]. Шу боис, бугунги кунда ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар,

[69] Мирзиёев Ш.М. Жисмоний ва баркамол ёшлар – бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Ж 1.- Т.: Ўзбекистон, 2017.- Б.504-505.

айниқса уларнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилаётган ахборот хуружларидан самарали ҳимоялашнинг консептуал асосларини, усул-воситалари ҳамда механизмларини илмий-назарий тадқиқ қилиш объектив аҳамиятга эга эканлигини кўрсатмоқда.

Бугунги кунга келиб, бизнес корпорациялари, фирма ва тадбиркорлик уюшмалари ҳам кишиларни ўз атрофига жамлаб бормоқда. Ахборотлашган жамиятда бевосита уй (хонадон)да ўтириб, компютер технологиялари ва интернет тармоғлари орқали фаолият юритадиган касб турлари вужудга келди. Авваллари ижтимоий жараёнларда аҳоли, этник ва демографик гуруҳ, қатлам ҳамда жамоалар инсон салоҳиятига таъсир ўтказа олган бўлса, эндиликда унинг мазмуни бир қадар сифатий омилларга, хусусан интеллектуал салоҳиятга боғлиқ бўлиб бормоқда.

2019 йилнинг якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ўзининг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига қилган Мурожаатномасида 2020 йилни “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилди ва ушбу йилда мамлакат рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда туб бурилиш ясаши кераклигини таъкидлади. “Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради”[2][70].

Жамиятдаги ҳар қандай ижтимоий ҳодиса ижтимоий тизимнинг элементи сифатида пайдо бўлиб, инсон капитали унинг асосий объектига айланиб боради. Инсон капитали – доимий равишда ривожланиб бориш ва инвестицияларни талаб қилиб, бу билан жамиятнинг турли соҳа ҳамда кўрсаткичларини шакллантиради. Инсон капитали тушунчаси бўйича бугунги кунгача қатор китоблар битилган, илмий ишлар, диссертациялар ёқланган. Уларнинг барчасида инсонга янада кўп имкониятлар яратиб бериш, ҳаётни энгиллатиш борасида изланишлар олиб борилиб, қачон ҳамма-ҳамма нарса яхши бўлиши ҳақидаги саволларга жавоб изланган.

Ахборотлашган жамиятда маълумот бериш ва ахборот олиш ҳар доим билимга асосланган, лекин улар ўртасида кескин фарқ бор. Хусусан, социумда мослашувчан технологиялар пайдо бўлиб, жамиятнинг ахборотлар тизимини пайдо қилиши ва унинг таъкидлаганимиздек “пост-индустриал“ жамиятга ўтиши шароитида яққол кузатилади. Интернет, интерактив телевидение, кибермакон, социал тармоқ ва бошқа ахборот технологияларининг инсон капиталини таъминлашга асос вазифасини бажарувчи воситага айланиши кузатилади. Ахборотлар натижасида инсон капиталининг трансформациялашуви билимлар мазмунини ўзгартиради. Маълумки бугунги кунда ахборот рақамли технологиялар орқали узатилмоқда. Фан ва таълимга асосланган жамиятда инсон капитали қадри ҳам ўзгариб бормоқда. Инсон энди катта ҳажмдаги ахборотни хотирада сақлай олмайди, чунки уни исталган

[70] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи. 2020 йил 25 январь.

вақтда тармоқдан олиш мумкин. Энди мавжуд маълумотлар билан ишлаш ва янгиларини яратиш қобилияти олдинги ўринларга чиқди. Инсон капиталининг моҳияти шу билан боғликдир.

Сўнгги социологик таҳлилларга кўра инсон капитали тушунчасининг мазмуни ҳам ўзгариб бормоқда. Унинг асосида "инсон капитали" категориясида учта асосий таркибий қисм шаклланди:

- инсоннинг умумий психосоматик ва физиологик ҳолатдан ўз соғлиғини сақлашга қаратилган ва муайян турмуш тарзига айланадиган саломатлик шакли;

- шахс хатти-ҳаракатлари ва стереотипга асосланган моделлар асосида инсон капиталининг табиатини мавжуд маданият, маданий капиталлар, бизнес ва шу кабилар белгилайди;

- таълим капитали шахс томонидан мақсадли равишда эришилиб, юқори ижтимоий мақомни белгилайди, мансаб пиллапояларидан ўсиб бориши (масъул фаолият ва лавозимларда ишлаш)да объектив ва субъектив асос яратади.

Инсон капитали категориясини белгилаш учун, унинг қийматини аниқлаб олиш ва сосиологик талқин қилиш тадқиқот иши мақсадидан келиб чиқиб белгилашга ҳаракат қилдик. Инсон капитали нафақат халқаро даражада, балки маҳаллий шароитда, шу жумладан ҳудудий хусусиятларга кўра ҳам таълим ва амалий фаолият жараёнида инсон томонидан қўлга киритилган билим, кўникма ва қобилиятдир. У биринчи навбатда касбий фаолиятни муваффақиятли бажариш ва амалга оширишга имкон беради. Капитал таълим жараёнида, ижодий фаолиятда шаклланади ва ижтимоий ишлаб чиқаришнинг маълум бир соҳасида қўлланилади. XX асрнинг 60-йилларидан кейин инсон капиталининг деярли барча таърифларида кенг қамровли талқин принципи кузатилди: бу нафақат амалга оширилаётган билим, кўникма ва қобилиятлар, балки салоҳият (шу жумладан, уларни олиш имкониятлари) ҳақида ҳам; нафақат ташқи рағбатлантириш, балки ходимнинг ички мотивасияси ҳақида ҳам, моҳиятан инсон капиталининг иқтисодий мазмунини ўзгартирмайди.

"Инсон капитали" тушунчасини фанга киритган америкалик таниқли иқтисодчилар, Халқаро Нобел мукофоти соҳиблари Т.Шулс (1979) ҳамда Г.Беккерлар (1992) XX аср охирига келиб инсон омилини шахс аҳамиятини баҳолашнинг иқтисодий ўсиш омили сифатида баҳолайдилар. Одамлар қачонки ўз иқтидорларини иқтисодий ўсиш динамикаси манбаси сифатида қабул қилслар ва қачонки инсон капиталини тараққиётнинг қимматли манбаси деб тушунсалар, шундагина табиий ресурс ва бошқа табиий бойликлар сақланиши узоқ муддатга кўчади. Инсон ва табиат ўртасидаги рақобатбардошликда иқтисодий ўсиш ва самарадорликнинг асоси бўлган завод-фабрикалар, ускуналар ва табиий ишлаб чиқариш захиралари эмас, балки инсон капитали асосий манба ҳисобланади" [3. – Б. 24].[71] Т.Шулс ва Г.Бергерларнинг инсон капитали сифатини яхшилашга оид асосий капитал

[71] Қаранг: Дятлов С.А. Теория человеческого капитала: Учеб. пособие. – СПб.: Изд. СПбУЭФ, 1996.

омилларини эътироф қилади. “Таълимга киритилган инвестисияларни фойда келтирувчи инвестициялар деб ҳисоблаб, уни олий ва олий ўқув юртидан кейинги таълимда шахснинг замонавий жамиятлар иқтисодий майдонида узоқ муддатли муваффақиятга мўлжалланган иқтисодий имкониятларнинг асоси сифатида кўрди.

XXI асрга келиб “Инсон капитал”ининг ўрнига “билимлар иқтисодиёти асри” деган атама аҳамият касб эта бошлади. Мазкур иборани биринчи бўлиб немис олими Ф.Мечлап 1962 йили “Билимлар иқтисодиёти” деган асарида ишлатади. Бугунги кунга келиб, XXI аср иқтисодиётини тавсифлашда ушбу атамага тез-тез мурожаат қилиниб, янги технологиялар асрида янги билимларни шакллантириш, тақдим этиш, фойдаланиш (истеъмол қилиш) ва такомиллаштиришда алоҳида ўрин тута бошлади. Янги минг йилликда билимлар замонавий муҳим жараёнларни акс эттирувчи атамалар “глобаллашув”, “ахборотлашув”, “тармоқлар” ва “экомуҳитни яхшилаш ва сақлаб қолиш”да намоён бўлади[4. –Б .62-72].[72]

Ахборот-коммуникасия технологиялари (АКТ) таъсири остида инсон капитали сифатидаги ўзгаришлар 2004 йилдан бошлаб тадқиқотчилар нигоҳига туша бошлаган. Хусусан, “ахборотлар жамияти учун инсон капитали” мавзусида фикр юритар экан, Россиянинг “Ахборотлашган жамиятни ривожлантириш институти” Бош директори Т.В.Эршованинг қуйидаги фикрлари ҳар қандай тадқиқотчини ўйлашга чорлайди: “Россияда АКТ саноатини ривожлантиришнинг кўплаб муаммолари қарор қабул қилувчилар, жумладан, АКТ компаниялари раҳбарларининг кўпинча тор гаризонтда фаолият юритиши ҳисобига тўғри келади. Шу билан бирга, инсон капитали самарадорлигини ошириш учун таълим ҳиссасини оширишнинг аҳамиятини, унинг сифат ўзгаришини ишлаб чиқаришни ташкил этадиган постиндустрила нанотехнологияларга ўтиш билан сосиумнинг табиатини ўзгартириб юборади. Билимлар – бу инқилобий ҳодисадир. Ҳозирги замон тадқиқотчиларининг асарларида инсон капитали самарадорлигининг ошиши таълим табиатининг ўзгариши билан боғлиқ ҳодиса сифатида маълум даражада деярли таҳлил этилмаяпти. Бунинг эвазига инсон капитали индивидуаллашиб, алоҳида шахснинг жамиятда тутган ўрнининг ўзига хослигини характерламоқда”[5].[73] Хусусан, О.Дергунова томонидан қайд этилган: “Ахборот технологиялари саноатининг асосий капитали ва инсон капиталининг қиймати жуда нозик масалардан биридир. Бутун дунё модерно, яъни янгиланиш натижасида янгилик яратаётган бозор иштирокчилари билан манфаатлар мувозанатини бироз бузишнинг ўзи кифоя қилади ва очиқ чегаралар билан инсон капитали сўнгги 20 йил давомида, Россия

[72] Қаранг: Хаджалова Х.М. Человеческий капитал современной семьи. Креативная экономика. 2014.№ 11(95). С. 62-72.

[73] Қаранг: Ершова Т.В. Модернизация экономики и государство: Материалы 7-й междунар. науч. конф. 04. 04. 2006. http://www.hse.ru/temp/2006/files/20060404-06/20060404_dergunova.doc

чегараларидан ташқарига чиқадиган жойга борди”[6].[74] Таъкидлаш жоиз, кўплаб ташкилотлар мамлакатлар ташқарисидан туриб малакали ва лаёқатли кадрларга капитал киритиш орқали, уларни ўз мамлакатларидан эркин чиқиб кетиш хоҳишини яратмоқдалар. Бугунги кунда ҳар қайси мамлакат ўз аҳолиси бандлигини таъминламаса, ташқи кучлар инсон капитлини юқори баҳолаши натижасида мамлакат ичидан туриб ҳам малакали мутаҳассисларни ўзлари учун хизмат қилдиради ва бандликни ҳам ўз фойдаларига хизмат қиладиган қилиб таъминлаб берадилар. Кишиларнинг ўз ҳудудларида банд бўлиб туришлари, аммо фойдаси ўзга мамлакатларга тегишли бўлса, таъкидлаш мумкинки бунда ҳеч бир аҳамитяга эга инсон капитали йўқ.

Эҳтиёжларнинг капиталга айланиб бориш жараёнида инсонлар мавжудлигини таъминлаш зарурати асосий рол ўйнайди. Кишиларга меҳнат қилишлари учун ҳамма вақт ҳам ижодкорлик ва янгилик шарт эмас. Қайта ишланган ва ўзлаштирилган эҳтиёжлар универсал аҳамият касб этмайди, шунинг учун ҳам унда динамик трансформасиялашувни кузатиш мумкин. Жумладан, бир вақтлар асосий истеъмол эҳтиёжи биологик талаблар билан амалга оширилиб, у яшаш компонентини акс эттирган бўлса, бугунги давр кишиси учун ахборотга бўлган эҳтиёжнинг заруратини сўз билан баъзида ифодалаб бўлмайди. Ахборотга ташналик на биологик ва ёки на руҳий таскин ролини ўйнамаслиги мумкин, аммо унга бўлган боғлиқлик, баъзида қарамлик бугуннинг энг асосий эҳтиёжи сифатида ижтимоий капиталга айланиб бормоқда.

Ўз кузатишларимиздан келиб чиқиб ва тадқиқотимиз мақсадига асосланиб таълим устига қурилган инсон капиталининг ИТ-соҳалар бўйича имконияти юқорилигини таъкидлашимиз мумкин. Ахборот коммуникасия технологиялари билан боғлиқлик олий таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълим тизими билан янада мутаносиб равишда кенг ривожланиб борди ва у бугунги кунда инсон капитали омилига боғланган. Ахборотлар асрида инсон капитали концепцияси нафақат халқаро, балки маҳаллий шароитда ижтимоий фанлар, жумладан сосиология учун ҳам кенг резонансга эга бўлди.

Таъкидлаш керакки, мавжуд замонавий жамият ўзига хос тизим ва тузилмаларга эга бўлиб, унинг ижтимоий хатти-ҳаракатлари мазмуни ҳамда этномаданий шарт-шароитлари аҳолининг таркибий қисми, жойлашуви, экологик вазият, демографик-географик омиллар, хулқ-атвор, маданият ва ахборот алмашинув хусусиятлари белгилаб беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Жисмоний ва баркамол ёшлар – бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Ж 1.- Т.: Ўзбекистон, 2017.- Б.504-505.

[74] Қаранг: Дергунова О.К. Стенограмма выступления // Модернизация экономики и государство: Материалы 7-й междунар. науч. конф. 04. 04. 2006. http://www.hse.ru/temp/2006/files/20060404-06/20060404_dergunova.doc

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи. 2020 йил 25 январ.
3. Хаджалова Х.М. Человеческий капитал современной семи. Креативная экономика. 2014.№ 11(95). С. 62-72.
4. Эршова Т.В. Модернизасия экономики и государство: Материалы 7-й междунар. науч. конф. 04. 04. 2006.
5. Дергунова О.К. Стенограмма выступления // Модернизасия экономики и государство: Материалы 7-й междунар. науч. конф. 04. 04. 2006.

ЁШЛАРНИ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ЙЎЛЛАРИ ВА ИМКОНИЯТЛАРИ

Худоёрова Ойсоат Келдиёровна,
Тошкент тиббиёт академияси
доценти, педагогика фанлари номзоди
Ахмадбекова Махпуза,
ФДУ ўқитувчиси
Ахмадбекова Мадинабону,
НамДУ магистри

Гўзал ҳаёт кечираётган ва соғлом турмуш тарзига эга бўлган мустаҳкам оилалар жамиятимиз ва унинг ёрқин келажаги учун хизмат қилади. Оила муқаддас даргоҳ. Унда ҳаётнинг давомийлигини таъминловчи авлод шаклланади. Инсонга хос чинакам фаровон, бахтли ҳаёт давом этади. Маълумки, қайсики оилада тарбия яхши йўлга қўйилган бўлса, шу оила гуллаб-яшнайди. Бугун жамиятнинг ёш аъзолари оиладаги муҳит ота-она ўз маъсулиятларини ҳис қилиши билан барқарор бўлади. Фарзанд тарбиялаётган ота-она ҳар бир ҳаракати, юриш туриши, муомаласи, бошқалар билан ўзаро муносабатида олижаноб фазилатларни намоён эта билиши, фарзандлар тарбиясида намуна ва ибрат мактаби бўлиши муҳим ҳисобланади. Чунки болалар табиатан ниҳоятда тақлидчан ва кузатувчан бўлади. Инсон ҳаёти давомида бирор шахсни ўзига ўрнак деб билади, бундан инсон у каби ҳаёт кечиришни, у эришган ютуқлар каби муваффақиятларга эришишни, юксак чўққиларга чиқишни кўзлайди. Албатта ёшлар тарбияси ўта мураккаб ва маъсулиятлидир. Бу ҳар бир ота-онадан ўз устида мунтазам ишлашни, болалар тарбиясига оид барча маълумотлардан хабардор бўлиб боришни талаб этади. Фарзанд тарбияси бу шунчаки тажриба, оддий кўрсатма ва билимлар жамланмаси эмас, балки ўз ичига диний-ахлоқий билимлар, тиббиёт, этика, психология, педагогика каби соҳаларига оид билимларни ҳам қамраб оладиган мураккаб жараёндир. Бугунги кунда оилавий тарбиянинг қийинлашуви шундаки, биринчидан, жамият тараққий этиб борган сари ҳар томонлама этук инсонни шакллантириш талаблари ортиб бораверади. Бу эса оилада ёшларга

эстетик, жинсий тарбия, ахлоқий тарбия бериш сифатини ошириш талабини қўяди. Ёшларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини шакллантириш, ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашда буюк мутафаккир аждодларимиз мероси катта аҳамият касб этади. Зеро, ҳаётнинг асл мазмун-моҳиятини англаб этишга ўз умри ва салоҳиятини бағишлаган Шарқ алломалари ўз асарларида фарзандларга тарбия ва таълим бериш, уни маърифату маданиятга этаклаш муаммоларига эътибор берганлар. Буюк мутафаккир Абу Наср Фаробий таълимоти мисолида қараганда: инсоннинг яшашдан асл мақсади завқли, лаззатли, ҳузур ҳаловатли, бахтли-саодатли умр кечиришдан иборатдир, деган ғоя унинг фалсафий таълимотида устуворлик қилади. Шу боис ул зот “Инсоннинг моҳияти ҳақиқий бахт саодатга эришув экани, инсон бу мақсадни ўзининг олий ғояси ва истагига айлантириб, бу йўлда барча имкониятлардан фойдаланса, у бахт ва саодатга эришади” деб уқтирган эди[75].

Шунингдек, фарзандларга юксак инсоний фазилатларни камол топтириш, одамлар билан муомалада ширинсўз, мулойим, босиқ ва камтар бўлишига ҳам эътибор қаратилган. Ёши улуғ кишилар, устозлар билан муомалада уларнинг кўзига тик боқмай, гапларини жим тинглаш, саволларигагина жавоб қайтариш, буйруқларини сидқидилдан бажариш лозимлигини болалар қалбига жо қилишган. Ҳозирги кунда, энг муҳим ва долзарб масалалар бу ёшлар тарбиясида оиланинг масъулиятини ошириш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, соғлом турмуш тарзига амал қилишига эришиш муҳим ҳисобланади. Янги ҳаётга қадам қўйган ҳар бир инсон бахтли турмуш, муҳаббат ва садоқатни жонли идрок эта олади. Маълумки, ўзбек оиласи азалдан мустаҳкам, ҳавас қиларли оила бўлиб келган. Шу сабаб ҳам бугун ёшларни оилага тайёрлаш масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб турибди. Яъни, оила тинч – Ватан тинч, деган эзгу тушунча доимо шууримизда, қалбимизда бўлиши керак. Президентимизнинг “Фарзандларимизга аввало ўзимиз ҳамма соҳада –Ватанга, халққа садоқатли бўлишда, илмга, касб-ҳунарга меҳр қўйишда, ота-она, жамият олдидаги бурчимизни сидқидилдан адо этишда амалий намуна кўрсатишимиз керак” деб айтилган сўзлари ёшлар билан ишлашнинг тизимли йўлига асос бўлмоқда[76]. Оилаларнинг мустаҳкамлиги энг аввало халқнинг, Ватаннинг ҳам бойлигидир. Шунга алоҳида эътибор бериш жоизки, маданий меросимизга мурожаат қиладиган бўлсак, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш борасида кўплаб гўзал намуналарни кўриш мумкин. Мусулмончиликда катталар, хусусан, ота-оналарнинг ёшларга оилавий турмуш ҳақида панд-насиҳат қилишлари, ҳаётий тажрибаларни сўзлашлари одат тусига кириб қолган. Бугунги кунда баъзи ёшларнинг оила, никоҳ масаласига юзаки ёндашаётгани, фарзанд тарбиясига бепарволиги, ота-оналик бурчи ва масъулиятини чуқур

[75]Абу НасрФаробий. Фозил одамлар шаҳри. Т., Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993, 188-бет.

[76]Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, Тошкент-2017.27- бет.

англамаслигида кўриш мумкин. Оила – ўзаро ишонч, ҳурмат ҳамда меҳр-муҳаббат асосида бунёд бўлади. Оилада келажак эгалари дунёга келади, тарбия топади, ўзлигини англайди. Оила қўрғонининг мустаҳкам бўлиши учун халқимизга хос сабр-қаноат, ўзаро ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат сингари фазилатларга амал қилиб яшаш лозим. Миллий, диний қадриятларни, инсоний фазилатларни улуғлаш, азалий анъаналарга содиқлик бахт ва саодат маскани бўлган оилани мустаҳкамлайди. Айниқса, ёшларни юксак одоб-ахлоқ тамойиллари асосида тарбиялаш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, касб-ҳунарга ўргатиш, онги ва қалбини ғоявий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, шунингдек, мустақил оилавий ҳаётга тайёрлашга йўналтирилган ва ўзига хос мазмунга эга бўлган қуйидаги масалаларни муваффақиятли ҳал этиш муҳим аҳамият касб этади:

-ёшларни оилада она тарбияси, ота назоратини онгли англашга ўргатиш орқали соғлом турмуш тарзига эга бўлиш;

-ёшларни соғлом турмуш тарзи асосида оилага тайёрлаш жараёнида оила аъзоларининг фаоллиги ва масъулиятини ошириш;

-ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда тежамкорлик ва ишбилармонлик руҳида тарбиялаш орқали оилавий тарбия билан ижтимоий тарбиянинг узвий боғлиқлигини таъминлашга жиддий эътибор бериш;

-ёшларнинг бозор иқтисодиёти шароитида мулкчиликка бўлган янгича муносабат, мулкдорлик туйғусини таркиб топтириш, “ўзимники”, “бизники” деган тасаввурини кучайтириш орқали уларнинг ўз меҳнатидан манфаатдорлик ва хўжайинлик ҳиссини намоён этишга эришиш;

-оилада ота ва оналар билан фарзандларнинг, фарзандлар билан ота-оналарнинг ўзаро муносабатларини, оила билан мактаб ва маҳалла ўртасидаги муносабатлар тарзида тарбия мазмунига эга бўлиш;

-ёшларнинг оиладаги ўзаро муносабатларида шахсий ва ижтимоий манфаатлар бирлигини таъминлаш орқали уларнинг ижтимоий маънавий эҳтиёжларини намоён этиш орқали янгича дунёқараши ва фикрлай олишига эришиш;

-ёшларнинг оила ҳаётини тўғри ташкил этиш, оилада соғлом ахлоқий муҳитни яратиш, уларнинг шахсиятини ҳурмат қилиш;

-ёшларнинг соғлом турмуш тарзи асосида оилага тайёрлашда умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойилларга асосланиш.

- бозор иқтисодиёти талабидан келиб чиққан ҳолда ёшларнинг интеллектуал фаолияти, ихтирочилик ва конструктив қобилиятини ривожлантириш, мустақил ижодий фикр юритиши, истеъдоди, иқтидори, иштиёқи, қизиқиши ва интилишларини тўғри йўналтириш, дунёқараши ва тасаввурини ўстириш, билиш фаолиятини фаоллаштириш орқали оилавий ҳаётга тайёрлаш;

-ўқитувчилар, психолог олимлар, мсгодистлар, кенг жамоатчилик ҳамкорлигида ёшларнинг оилавий ҳаётга доир билимларини ошириш учун илмий методик тавсиялар, қўлланмалар яратишни кенгайтириш;

-ёшларнинг эҳтиёжи, қизиқиши, қобилиятларига қараб ҳаётга тайёрлаш ишларини оқилона ташкил этишда малакали психолог ва педагоглар, мухандислар ва техник ходимлар маслаҳатлари ёрдамидан самарали фойдаланиш;

-ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича методик адабиётлар, реал ҳаётдан олинган кинофилмлар, психологик диагностик тадқиқотлардан кенг фойдаланиш;

-ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёр бўлиши учун тўгараклар, қўшимча, ёрдамчи курслар ташкил этиш, маърузалар ўқиш, баҳс мунозаралар ўтказиш, саёҳатлар уюштириш, оилавий ҳаётга оид фото кўргазмаларнинг бўлиши ҳамда намунали оила сулолалари билан учрашувлар, давра суҳбатлари, кечалар ўтказишни кучайтириш мақсадга мувофиқ бўлади. Натижада таълим хизмати таъсирида ёшларнинг оила ва ҳаёт ҳақидаги маълумот ва билимларни тўлиқ англаб этишига эришилади.

Ёшларнинг ватанпарварлик туйғуси ва миллий ғурурини шакллантириш, аждодларимиз меросига ҳурмат, ватанга садоқат, истиқлолга фидойилик туйғуларини таркиб топтириш йўлида маънавий, маърифий тарбиянинг янги йўлларини топиш ҳамда бозор иқтисодиёти шароитида ўз-ўзини бошқара оладиган ёшларни тарбиялаш энг муҳим вазифалардан биридир.

Оила деб аталмиш қўрғонда авлодлар камол топади. Бу қўрғоннинг мустаҳкам ва барқарор бўлишига эришиш мамлакат ва дунё миқёсида муҳим аҳамиятга эгадир. Соғлом турмуш тарзига эга бўлган мустаҳкам оилалар жамиятимизнинг ёркин келажаги учун хизмат қиладилар. Ҳар жиҳатдан тарбияли ва ибратли ота оналар оила барқарорлигини таъминлайдилар ва ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлайдилар. “Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим. Ушбу мақсад йўлида ёшларимиз ўз олдига катта марраларни қўйиб, уларга эришишлари учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама кўмак бериш – барчамиз учун энг устувор вазифа бўлиши зарур. Шундагина фарзандларимиз халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган буюк ва қудратли кучга айланади”[77].

Болаларнинг тўғри сўз, ҳалол, пок, ҳаёли, инсофли, меҳр-оқибатли, камтар, диёнатли, хам шу руҳда камол топади. Бинобарин, бу ота-онанинг фарзанд тарбияси олдидаги масъулияти ва бурчини тўғри ва пухта англаши, билан боғликдир. Дарҳақиқат, иймон тушунчаси ва унинг белгилари ҳақида болаларга кенг қамровли тушунчаларни бериш зарур. Бу борада Абдулла Авлоний илмий меросида тарбиянинг инсон маданий, маънавий камолотидаги аҳамияти устувордир. “Иймон ва эътиқодлилик, ҳалоллик, бировнинг ҳаққига хиёнат қилмаслик, адолатпарварлик, сахийлик, оққўнгиллик, хушфеъллик, мардлик, назокатлилик, вазминлик, ҳожатбарорлик, ота-она ва катталарни ҳурмат қилиш, меҳнатсеварлик, халқни, миллатни, Ватанни жон тан ила

[77]Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 30.12.2020.

севиш, илмни қадрлаш, табиатни эъзозлаш, диний, ахлоқий, миллий, маънавий қадриятларга ҳурмат каби ажойиб инсоний хислат ва фазилатлар ёшлар қалбида ўз ўзидан шаклланмайди. Буларнинг ҳаммаси оила, ота-она, жамоатчилик тарбиясининг ижтимоий муҳим таъсири, иқтисодий, сиёсий муносабатларнинг оқибати ва маҳсулидир”[78].

Хулоса шуки, ёшларни соғлом турмуш тарзи асосида оилавий ҳаётга тайёрлаш моҳиятига кўра уларни оилага нисбатан ҳурмат ва эътиборли, ўз зиммасидаги вазифаларга нисбатан масъулиятли бўлишга одатлаштириш муҳим аҳамиятга эгадир. Энг муҳими ўз оилавий бурчларини бажариш учун зарур кўникмаларга эга бўлиш, соғлом турмуш тарзи концепцияси доирасидаги билимларни чуқур эгаллаши ва уларга оилавий турмуш давомида амал қилиши айни муддаодир. Айниқса, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда миллий қадриятларимиз ва улуғ мутафаккирларимиз маънавий меросидан, ислом динининг соғлом турмуш маданияти, меҳрибонлик ғояларидан фойдаланишга эришиш зарур ҳисобланади. Ёшларни мамлакатимизда кечаётган янгиликлар, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ислоҳотларнинг мазмун ва моҳиятини онгли англаб этиши орқали туб ўзгаришлар жараёнларининг фаол иштирокчисига айлантириш ва фуқаролик масъулияти ила тафаккурини чархлаш талаб этилади.

Фойданилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 30.12.2020.
2. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари. Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, Тошкент-2017.
3. Абдулла Авлоний “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” Т.: “Ўқитувчи”, 1967
4. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. Т., Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993

[78]Абдулла Авлоний “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” Т.: “Ўқитувчи”, 1967, 41-бет.

2.ШЎЪБА. ЁШЛАРНИ ВАТАНГА МУҲАББАТ ВА КАСБГА САДОҚАТ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА УЗЛУКСИЗ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ АҲАМИЯТИ.

УЗЛУКСИЗ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИ СИФАТИДА

Аҳмедова Ўғилхон Намозовна,
Фарғона вилоят халқ таълими ходимларини малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш ҳудудий маркази ўқитувчиси

Дунё шиддат билан юксалиб бораётган вақтда шахс дунёқараши ва маънавиятининг юксалиши барча жамиятлар учун муҳим аҳамиятга эга. Маънавият масалаласи шахс тарбияси ва жамият тараққиёти учун долзарб аҳамият касб этар экан, Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида ҳам Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари қадам қўйиш давр талабидир. Бу эса янги давр нуқтаи назаридан тарбиянинг инновацион шаклларини тизимли ислоҳ қилишга эҳтиёжни вужудга келтирмоқда. “Ҳаммамиз яхши тушунамиз, агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи – маънавиятдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишда ана шу иккита мустаҳкам устунга, яъни бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиётга ҳамда аждодларимизнинг бой мероси, миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган кучли маънавиятга таянамиз” [1]. Бу эса жамият учун иқтисодиёт қанчалик муҳим бўлса, маънавият ҳам шунчалик муҳим эканлигини билдиради.

Тарбия ва таълимни бир-биридан алоҳида ажратиб бўлмайди, бу икки жараён ўзаро уйғун, Узлуксиз асосда ташкил этилгандагина одобли, ахлоқий фазилатларга эга, юксак маънавиятли, шу билан бирга билимдон, зукко, руҳан ва жисмонан соғлом, кенг дунёқараш ва тафаккурга эга, замонавий касб-ҳунар эгаси бўлган ватанпарвар ёшларни этиштириб беради [2]. Инсон онгини ва жамият менталитетини ўзгартириш жараёни жуда узоқ давом этадиган жараён ҳисобланади. Бу ўзгаришлар жараёнларида катта маънавий ва моддий ҳаражатлар талаб қилинади. Ҳаражатларсиз эса жамият туб ислоҳотларининг натижадорлиги билинмайди. Жадидчи Абдурауф Фитрат “Ҳақиқатан ҳам, тушкунлик ва хароблигимизнинг сабабларидан бири илмсизлик ва ҳаракатсизликдир” [3], деб таъкидлагани бежиз эмас. Жамият тараққиётини белгилашда маънавий тарбия масаласида муҳим ҳисобланади. Бунда ҳушёрлик ва сезгирлик, қатъият ва масъулиятни йўқотмаслик ўта муҳим масала бўлиб, жамият аъзолари томонидан ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, муқаддас қадриятларга йўғрилган ва улардан озиқланган минг йиллик миллий-этник асосларга эга маънавият, тарихий хотирадан айрилиб, охир-оқибатда умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолиши ҳолатлари кўп учрайди.

Бундай ҳолатга тушмаслик учун жамият келажагини белгилаб берувчи маънавият стратегиясига зарурий эҳтиёж сезилмоқда. Келажак ривожланиш йўлларини белгилаш бўйича узоқ муддатли ҳаракат дастурини қиймати маънавий юксалиш билан белгиланади. Жамият барқарор ривожланиши ва фаровонлиги маънавиятнинг инқирозий ҳолатининг детерминантлари ва муваффақиятли маънавий стратегик тарбиянинг жорий этиш билан юксалади. Маънавият ва инсонпарварлик ҳодисаларининг аҳамияти ижтимоий ҳодисалар жараёнида намоён бўлади. Бунда жамиятда демократик ислоҳотларни негизида маънавиятли шахсни тарбиялаш, шарқона менталитетдан келиб чиққан ҳолда миллий урф-одатлар ва анъаналарни маънавий жиҳатларини жамият учун ижобий сифатлари эканлигини таъминлаш асосий вазифага айланади.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт дастури, узоқ ва давомли мақсадларни белгилашда халқнинг моддий ва маънавий юксалтириш, ёш авлодни аждодлар қолдирган ўлмас меросни чуқур ўрганиш, англаш, қадрлаш билан бирга, умумбашарий қадриятлар, замонавий илм-фан чўққиларини эгаллаш руҳида тарбиялаш масаласи устувор вазифа сифатида белгиланди. Чунки, эртанги кун, келажак ёшлар қўлида, ёшлар айнан шундай озиқланган заминда вояга этган тақдирдагина комил инсонлар бўлиб, ҳақиқий таянч ва суянчга, энгилмас маънавий кучга айланиб, жаҳон майдонларида ҳар қандай маънавий синовларга тайёр тура олади.

Жамиятда маънавий тарбиянинг асосини ташкил этувчи маънавият тушунчаси кўп қиррали тушунча бўлиб, у инсоннинг ботиний салоҳиятини ифода этади. Бизнингча, ботиний салоҳият эса инсоннинг онги, дунёқараши, тафаккури, уларнинг негизида юзага келадиган ички туйғу, ҳатти-ҳаракатлари, турли воқеа, ҳодиса ва жараёнларга бўладиган муносабатларда ўз ифодасини топади. Уларнинг моддий кучга айланиши орқали, яъни реал амал қилиши натижасида инсоннинг ботиний салоҳиятининг қайси даражада эканлиги ҳақида тасаввурлар пайдо бўлади. Маънавият барча мавжудотлар ичида фақат инсонга Аллоҳ томонидан инъом этилган улуғ неъматдир. Аллоҳ инсонга онг, дунёқараш, ирода, тафаккур, ғурур, ифтихор, сабр-тоқат, вазминлик, садоқат, меҳр-оқибат, ор-номус, хуррамлик, атроф-муҳит, ўзини дунёга келтирган ота-онага ва яшаб турган заминга онгли муносабатда бўлиш каби туйғуларга эга бўлишни ато этган. Уларнинг биронтаси ҳам инсондан бошқа бирор жонзотга берилмаган. Шу маънода ҳам барча жонзотлар ичида инсондан улуғроқ жонзот бу дунёда бу ёруғ оламда йўқ бўлса керак. Бундан маълум бўладики, маънавият жамият тараққиёти учун муҳим эканлигини илмий-назарий асосларини ўрганиш долзарб аҳамиятга эга эканлиги аниқлашади. Шунингдек, “Бугунги кунда Янги Ўзбекистон стратегияси худди шундай хаётбахш хусусият касб этмоқда, халқимизни ёруғ келажакка чорлаб ва янгиланишга сафарбар қилиб, умумий мақсадлар йўлида бирлаштириб турадиган яхлит маънавий асос ва мезонга айланиб бормоқда” [1]. Янги тараққиёт босқичининг асоси маънавий мезонларга боғлиқ ҳолда ривожланади.

Замонавий жамият ривожининг муҳим жиҳатларидан бири инсоният ва ҳар бир инсоннинг тақдири билан бевосита алоқадор маданият ҳодисасининг мазмуни ҳамда функсияларини инновацион тарзда тушуниш билан боғликдир. Айнан ижтимоийлашув жараёнида умуминсоний қадриятлар, хулқ-атвор меъёрлари ва қоидалари, бой маданий меросни ўзлаштириш орқали таълим олувчиларнинг ўзлигини англашига эришилади. Ўз-ўзини ривожлантиришга қодир таълим олувчи шахсини шакллантириш, уни миллий маданият билан таништириш таълим ва тарбия орқали амалга оширилади [5]. Ҳақиқатдан ҳам жамиятдаги инсонларнинг ўзаро ишончи ва эзгу фазилатлари тараққиёт учун хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, жамият тараққиёти шахс маънавияти боғлиқ экан бунда маънавий тарбияга эҳтиёж сезилиши табиий жараёндир. Шунинг учун ҳам маънавий тарбия инсон қалбига, дунёқарашини бойитишга қаратилганлиги билан ажралиб туради. Бунда мазмунан маънавий тарбия инсон қалбини эзгуликка нисбатан мойиллигини ошириб, ақлий салоҳиятини теранлаштиришда ўз ифодасини топади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ш.М.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент. Ўзбекистон. 2021.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1059-сон Қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси
3. Одоб-ахлоқ китоби. Жадид номаёндалари: М.Беҳбудий ва бошқа. Тошкент. Янги аср.
4. С.М.Норбоева. Талабаларда маънавий компетентликни ривожлантиришнинг назарий-педагогик асосларини такомиллаштириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Автореферати. Термиз. 2021.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР БАРҚАРОРЛАШУВИДА УЗЛУКСИЗ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ ВА АСОСИЙ АМАЛИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Жабборова Зебо Нурқобиловна,
Республика таълим маркази методисти

Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо, биз яшаётган XXI асрда бу масала

ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда[79]. Шу боис, мамлакатимизда “мустақил фикрлайдиган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, шижоатли ёшларни тарбиялаш”[80] ҳозирда ўз долзарлигини янада ошириб бораётган масалалар сирасига киради. Жамиятимизнинг кўпчилик қисмини айнан 30 ёшгача бўлган ёшлар қатлами ташкил этади. Бугунги кунда ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбида миллий ғояга содиқлик, миллий ўзликни англаш, Ватанга муҳаббат ва фидойилик, бағрикенглик ҳиссини қарор топтириш ва ривожлантириш бугунги ижтимоий сиёсатимизнинг долзарб масалларидан ҳисобланади.

Негаки, жамиятнинг ёш қатламини баркамол шахс, маънавиятли ва фидойи қилиб тарбиялаш ижтимоий ислоҳотлар марказида туради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз. Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”[81], дея қатъий фикр билдиргани эътиборлидир. Шунга мувофиқ ёшларга оид давлат сиёсатини жамиятнинг барча қатламларига интегратсиялаша оладиган тарзда амалга ошириш моделини ишлаб чиқиш унда қўлланиладиган механизм ва технологияларни такомиллаштириш билан боғлиқ илмий ва амалий ишланмаларни тадқиқ этиш вазифаси долзарб аҳамиятга эга[82].

Зеро, ёшларга оид давлат сиёсати тўлиқ амалга ошишида давлат ташкилотлари билан бир равишда нодавлат ташкилотлар, хусусан, фуқаролик жамияти институтларинг ҳам ўрни борлигини унутмаслик керак.

Булардан ташқари, мазкур соҳадаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш ва янги сифат босқичига кўтариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилда “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони[83]нинг қабул қилинади. Унда бевосита ёшларни

---

[79] Мирзиёев Ш. Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва суянчимиздир / «Халқ сўзи» 2017 йил 1 июль.

[80] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

[81] Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 2016. –Б. 14.

[82] Хидиров Ф. Маҳаллий бошқарувда ёшлар сиёсати бўйича фаолиятни тизимли ташкил этиш технологиялари (Қашқадарё вилояти мисолида)./ магистрлик дисс. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси. –Т.: 2020. Б 3.

[83] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-

бирлаштирувчи, юксак эзгу мақсадлар сари сафарбар этувчи иттифоқнинг жамиятдаги ўрнини ошириш ва моддий ҳамда маънавий қўллаб-қувватлашни устувор вазифалар илгари сурилади. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи ва оила муқаддаслиги ғояларини кенг тарғиб қилиш, эрта турмуш қуриш ва ёш оилалар ажралишининг олдини олишга қаратилган самарали тадбирларни амалга оширишда фаоллик кўрсатиши белгиланди[84]. Бундан кўринади, мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий ислоҳотларнинг дебачасида аввало ёшлар ва уларнинг ташаббускорлиги масалалари, уларнинг ижтимоий ҳаётидаги ўгаришлар, миллий қадриятларнинг давомчилари сифатидаги ахлоқи масалалар амалий ишлар орқали олиб борилиши зарурлиги муҳим аҳамиятга эга.

Ёшларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш, инновациолн тафаккур тарзига эга бўлиб боришлари кўп жиҳатдан уларнинг билим ва кўникмаларга, мақсад ва ҳаракатлари, интилиш ва ташаббусларига боғлиқ бўлади. Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берган “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да асосланган умуммиллий қадриятларимиз таълим-тарбия билан бир қаторда, ижтимоий-сиёсий жараёнларда уларнинг фаол иштирокини таъминлаш йўлида самарали натижалар беришни бошлади.

Ёшларни ташаббускор, узоқни кўзлайдиган, билимли ва малакали қилиб тарбиялаш асносида уларнинг шуурини миллий ва умуминсоний қадриятлар билан тўйинтириш – олдимиздаги муҳим вазифа. Боғчадан бошлаб олий ўқув юртигача – таълимнинг барча бўғинлари ислоҳ қилинаётган ҳозирги жараёнда буни ҳисобга олган мақсадга мувофиқ.

Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш Узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак[85].

Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожлантиришни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш мақсадида бугунги кунда халқ таълими тизимида қатор ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта таълим муассасаларида “Тарбия” фанини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020йил 6июлдаги 422-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Халқ таълими вазирлиги томонидан “Одобнома”, “Ватан туйғуси”, “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари”, “Дунё динлари тарихи”, каби фанларни бирлаштирган ҳолда,

5106-сон Фармони. //Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси: [Электрон манба] *Lex.uz.*

[84] Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон! [Матн]: Муаллифлар жамоаси. ўқув қўлланма/ Республика маънавият ва маърифат маркази. –Т.: «Маънавият», 2017. Б 168.

[85] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 2020 йил 24 январ

умумий ўрта таълим мактабларида 2020-2021-ўқув йилидан ягона “Тарбия” фанини босқичма-босқич жорий қилиш бўйича ишлар амалга оширилди.

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастурлари ўқувчиларда ёшига мос таянч маънавий-ахлоқий фазилат (компетенсия)лар — Ватанга садоқат, тадбиркорлик, иродалилик, мафкуравий иммунитет, меҳр-оқибатлилик, масъулиятлилик, толерантлик, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварлик шакллантирилиши белгилб берилган[86].

Узлуксиз маънавий тарбия концепциясида умумтаълим мактабларининг ўрта ва юқори синфлари ўқувчиларини маънавий-ахлоқий тамойиллар асосида тарбиялашда инобатга олиниши лозим бўлган жиҳатлар:

ўсмирлик ёшига хос ички позициянинг пайдо бўлиши;

иродавий сифатларнинг намоён бўлиши;

ижтимоий фаоллик, билишга интилиш ва ўзини намоён қилиш мотивларининг ривожланиши;

фаолият ва мулоқот мазмунини белгиловчи шахсий қадриятлар тизимининг шаклланиши;

шахслараро муносабатларнинг дифференциаллашуви, референт гуруҳларнинг пайдо бўлиши;

фуқаролик позитсияси, ўзи ва атрофдагиларга ҳамда жамиятга муносабат асосларининг шаклланиши;

миллий қадриятлар, анъаналарга ҳурматнинг намоён бўлиши;

ўзини-ўзи тарбиялаш ва шахсий сифатларнинг ривожланиши;

ўз муаммоларини ўзи мустақил ҳал қилишга интилиш;

хавфсиз ҳаёт маданияти бўйича билим ва кўникмаларнинг намоён бўлиши;

ахлоқий, сиёсий дунёқараш ва диний эътиқоднинг шаклланиши;

позитив ижтимоий мўлжалларнинг ойдинлашуви ва уларга эришиш йўлидаги интилишлар;

маънавий-ахлоқий принципларнинг қатъийлашуви;

ички ҳис-туйғуларга эътиборнинг ошиши, эмотсионал муносабатларнинг танлов асосида намоён бўлиши;

мустақил ҳаёт учун зарур ижтимоий компетенсия ва фазилатларнинг одатларга айлантиришни белгилаб берилган[87].

Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган Тарбия фани давлат таълим стандартига мувофиқ, умумий ўрта таълим мактаби битирувчисига қуйидаги кўникмалар шакллантирилишига эътибор қаратилди:

ҳисларини англайди ва назорат қила олади;

пул топиш кўникмалари шаклланади;

касб танлаш тўғрисида қарор қабул қила олади;

---

[86] Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1059-сон қарори

[87] Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 31-декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1059-сон қарори

бизнес ва тадбиркорли ғояларини илгари сура олади;
креатив сифатларини намоён қилади;
оилавий қадриятларнинг моҳиятини англайди;
соғлом фикрга эга бўлади, муаммоларни еча олади;
Ватан олдидаги ҳуқуқ, бурч ва мажбуриятларини билади, амал қилади;
коммуникативлик, лидерлик қобилиятини намоён қилади;
мақсадларини амалга ошириш учун илмий, фуқаролик саводхонлигини намоён қилади;
фаол фуқаролик позициясига эга бўлади;
маънавий-ахлоқий қадриятларга эга бўлади;
ахборот билан ишлаш кўникмаси шаклланади;
муваффақиятли ижтимоий ҳаётга тайёрлигини намоён қила олади[88].

Ўзбекистон таълим тизимида янгича ёндашув ва ривожланган давлатлар тажрибаси асосида жорий этилаётган “Тарбия” фанини ўқитишдан кўзланган мақсад ўқувчиларда инсоний фазилатлар ва зарур кўникмаларни шакллантириш орқали уларни муваффақиятли ижтимоий ҳаётга тайёрлашни мақсад қилиб қўйган.

Тарбия фани ўқувчиларда фаол фуқаролик позитсиясини шакллантириш, уларнинг ҳар томонлама ижтимоийлашувига кўмаклашиш, самарали ҳамкорлик қилиш, вақтини мазмунли ташкил этиш, миллий, маънавий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш, ўзларининг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январ
2. 2019 йил 12 октябрда “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида 2019 йил 23 август куни бўлиб ўтган 34-сонли йиғилиш
3. Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 31-декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1059-сон қарори
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 июлдаги “Умумий ўрта таълим муассасаларида “Тарбия” фанини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 422-сон қарори
5. Қуронов М. Миллий тарбия., Маънавият 2007 йил.
6. Қуронов М. Болам бахтли бўлсин десангиз..., тарбия китоби. Маънавият, 2014 йил

[88] “Tarbiya” fani uchun umumiy o‘rta ta’limning davlat ta’lim standartini tasdiqlash to‘g‘risidagi XTVning 235-son buyrug’i.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИ – МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ САРИ
(Олий таълим мисолида)

Эшбекова Санобар Аманликовна,
Жиззах политехника институти
ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий
ишлар бўйича биринчи проректор

“Жаҳон тарихига назар солсак, ҳар бир халқ аввало, маънавий бирлашуви, миллий ғояси билан юксалган. Бугун янги ҳаёт қуриш, ривожланган давлатлар қаторига чиқиш йўлидан бораётган мамлакатимизда ҳам миллий ғоя масаласи жуда муҳим аҳамиятга эга”.

Ш.Мирзиёев

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ва бунёдкорлик ишлари натижасида халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши ўзгармоқда. Юртимизда ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини барпо этишда “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган ҳаётбахш ғоянинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йил 19 январ куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Ушбу йиғилишда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев “Жаҳон тарихига назар солсак, ҳар бир халқ аввало, маънавий бирлашуви, миллий ғояси билан юксалган[89]. Бугун янги ҳаёт қуриш, ривожланган давлатлар қаторига чиқиш йўлидан бораётган мамлакатимизда ҳам миллий ғоя масаласи жуда муҳим аҳамиятга эга” [1] деб таъкидладилар. Сўнгги йилларда бу борада қатор қарорлар қабул қилинди. Республика маънавият ва маърифат кенгаши раиси Президент экани белгилаб қўйилди. Кенгашнинг ҳудудий бўлимларига масъуллик ҳокимлар зиммасига юклатилди. Бу ўзгариш маънавий-маърифий ишларни давлатимиз сиёсатида янада юксак ўринга кўтарди.

– Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир, – деди Шавкат Мирзиёев йиғилишда. – Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси – бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт.

Иккинчиси – аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавиятдир.

[89] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Ma’naviy-ma’rifiy ishlar samaradorligini oshirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi 2019- yil 3- may PQ-4307-son qarori.

Мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш, бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, аҳоли, айниқса ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ватанпарварлик, халққа муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, жаҳонда ғоявий-мафкуравий курашлар кескин давом этаётган, маънавий таҳдидлар кучайиб бораётган ҳозирги даврда ёшлар ўртасида миллий қадриятларга беписандлик, зарарли ёт ғоялар таъсирига берилиш, жиноятчилик ва экстремизм ҳаракатларига адашиб қўшилиб қолиш ҳолатлари ҳамон учрамоқда.

Маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш, маънавият соҳасидаги ички ва ташқи таҳдид ҳамда хавф-хатарларга қарши самарали курашиш, жамиятда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 3-майда ПҚ-4307-сонли ҳамда 2021 йил **26 март куни «Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари** қабул қилинди. Ушбу қарорларнинг мақсади маънавий-маърифий ишларнинг жойлардаги таъсирчанлигини ошириш, маънавият соҳасидаги ички ва ташқи таҳдид ҳамда хавф-хатарларга қарши самарали курашиш, жамиятда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, давлат ва жамоат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятига яқиндан кўмаклашиш ҳисобланади [2]. Қарорга мувофиқ, Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси ҳамда жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитнинг ҳолатини аниқлаш ва манзилли соғломлаштириш методикаси ишлаб чиқилди. Соҳани такомиллаштириш мақсадида сўнгги беш йилда маънавият ва маърифат тизими самарадорлигини ошириш бўйича ўндан ортиқ қонун ҳужжатлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг биртта фармони ва тўртта қарори, битта фармойиши, Вазирлар Маҳкамасининг иккита қарори ва бешта фармойиши қабул қилинди. Шунингдек, маънавий тарбияни тизимлаштиришга оид концепция ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилмоқда. Ҳудудларнинг ижтимоий-маънавий харитасини яратишга киришилди. Йилма-йил таҳлил қилсак, Президентимизнинг 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги қарори билан Республика Маънавият тарғибот ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказлари бирлаштирилиб, уларнинг негизида Республика Маънавият ва маърифат маркази ташкил этилган. Бу ташкилотлар илмий-амалий тадқиқотлар ишлаб чиққан бўлса, иккинчиси мазкур тадқиқотларни тарғиб этиш билан шуғулланиб келган эди. Уларнинг мақсади бир, яъни, миллий ғоя ва мафкура масаласи билан боғлиқ долзарб масалаларни, бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, устувор йўналишларни аниқлаш, уларни аҳолининг турли қатламларига бўлган таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимиз, ҳаёт тарзимизга зид ва зарарли ғоялар ҳамда

мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиб бериш, ёшлар ўртасида Ватанга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик фазилатларини тарбиялаш, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама олиб боришга йўналтирилган суҳбат ва учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказишдан иборатдир.

Олий таълим тизимида 2021 йил 1 апрелдан бошлаб талабалар сони ва идоравий бўйсинувидан қатъий назар, барча олий таълим муассасалари ва уларнинг филиалларида ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор лавозими жорий этилди. Шу билан бирга, олий таълим муассасаларида турли танловлар қайта кўриб чиқилиб, янгидан-янги лойиҳалар тайёрланиб, амалга ошириш чоралари кўрилмоқда. Кўрик-танловлар йўналишлар бўйича қайта таҳлил қилинмоқда. Аввалларида фақат маданият, санъат ва спорт йўналишлари бўйича танловлар жорий этилган бўлса, эндиликда ҳар бир таълим муассасасини ихтисослашган йўналишларини ривожлантиришга оид махсус танловлар режалаштирилмоқда. Шунингдек, оилавий қадриятлар ва ёшлар тарбиясига эътиборсизлик каби ҳолатларга барҳам бериш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг барвақт олдини олиш мақсадида ҳудудлардаги таълим муассасаларидан тарбияси оғир бўлган талабалар ҳамда уларнинг ота-оналари билан эл-юрт ҳурматига сазовор, фахрий авлод вакиллари иштирокида “Авлодлар учрашуви” лойиҳаси, “Бир маҳаллага бир зиёли маънавий ҳомий”, “Бир нуроний – беш нафар ёшга мураббий” тамойиллари асосида профессор-ўқитувчилар, ижодкор зиёлилар, ижтимоий фаол нуронийларни жалб қилган ҳолда “маҳаллабай” ишлаш тизими яратилди. Бугунги кунда ҳар бир олий таълим муассасаси томонидан “маҳаллабай” ишлаш тизими бўйича алоҳида “Йўл харита”лари ишлаб чиқилиб, муассасалар унинг ижросини таъминламоқда.

Ёшлар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, уларни салбий таъсирлардан сақлаш, энг хавфли жиноятлардан бири ҳисобланган, инсоният томонидан “Аср вабоси” деб тан олинган гиёҳвандлик иллатига қарши кураш, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни бу иллат домига тушиб қолишларини олдини олиш долзарб масалалардан ҳисобланади, айнан шу мақсадда 2022 йил 17 феврал куни Жиззах политехника институтида “Ёшлар орасида гиёҳванд воситаларнинг тарқалишига қарши кураш” мавзусида тадбирлар ўтказилди.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида «Янги Ўзбекистон – маърифатли жамият» концепциясини амалга ошириш орқали миллий қадриятларимизни янада ривожлантириш, маданият ва санъатни юксалтириш, «Жаҳолатга қарши – маърифат» тамойили асосида униб-ўсиб келаётган ёшларимизни соғлом эътиқод руҳида тарбиялашга алоҳида аҳамият қаратилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8 январдаги “Республика бўйича ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, диний бағрикенглик ҳамда миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар самарадорлиги ва таъсирчанлигини янада

ошириш тўғрисида”ги 4-сонли мажлис баённининг 10-бандида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 2022 йилнинг феврал-март ойлари давомида таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ҳамда талаба-ёшлари ўртасида профилактик тадбирларни кучайтириш ишлари олиб борилди. Жиззах политехника институтнинг барча факултетларида 22 феврал куни “Жиноятга жазо муқаррар” ва “Жаҳолатга қарши маърифат” мавзуларида давра суҳбатлари бўлиб ўтди, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ватанпарварлик, халққа муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сонли қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган илмий-оммабоп қўлланма. Тошкент, “Маънавият” 2019.
5. Ислом Каримов, “Юксак маънавият енгилмас куч”. Тошкент, “Маънавият” - 2009.
6. Ислом Каримов, “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир”. Тошкент, “Ўзбекистон”-2015.

ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ТАЛАБАЛАРНИНГ МАЪНАВИЯТИ, ОНГИ ВА ТАФАККУРИГА ТАЪСИРИ

Ибрахимов Баротжон Ботирович,
НамДУ Миллий ғоя ва ҳуқуқ таълими кафедраси катта ўқитувчиси

Бугунги дунёни ўзаро алоқалар, ижтимоий муносабатлар, мафкуравий тўқнашувлар, ўзаро маданиятлар алмашинуви умумий қилиб айтганда глобаллашув жараёнисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ахборот-коммуникация технологияларининг жадал тарзда ривожланиши ва чегара билмас даражага келиши, глобаллашув жарёнларини янги босқичга олиб келди. Бугун дунёнинг бошқа бир қутбида содир бўлаётган воқеа ҳодисалар мутлақо қарама-қарши ҳудудида сонияларда овозо бўлиши одатий ҳолатга айланиб қолди.

Глобаллашув жараёни ва унинг унсурлари албатта ёшлар қатлами вакилларини ҳам четлаб ўтмаган. Бугун ушбу жараёндаги асосий субъектлар ҳам ёшлар бўлиб қолмоқда.

Зеро, “бугун биз тез суръатлар билан ўзгариб бораётган, инсоният ҳозирга қадар бошидан кечирган даврлардан тубдан фарқ қиладиган ўта шиддатли ва мураккаб замонда яшамоқдамиз” [5, –Б.110]

Аста-секин “глобализм” феномени ҳақидаги тасаввурларимиз кенгайиб, тиниқлаша бошлаяпти. Оддий турмуш ва тафаккур тарзидан тортиб ижтимоий муомала ва муносабатларгача, кундалик моддий эҳтиёжлар ва манфаатлардан бошлаб ички ва ташқи сиёсий-иқтисодий алоқаларгача кенг қамровли, ўта мураккаб ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жараёнларни ўз ичига оладиган глобализм ёхуд “глобаллашув” ҳодисасининг асл мақсад ва мароми, фалсафий моҳиятини англай бошлагандаймиз. [6, –Б.15]

Қуюндай ёпирилиб келаётган, бутун дунё ва дунё аҳлини ўз гирдобига тортаётган глобаллашув жараёнлари ҳар қандай ижтимоий фаолиятнинг ташқи ва ички омиллари ўртасидаги чегарани ювиб ташлайди, сиёсатни иқтисодийлаштириш жараёнини тезлаштиради.

Глобаллашув тизими амалиётининг асосини ташкил этадиган уч доира – геосиёсий, геоиқтисодий ҳамда геостратегик (ҳарбий стратегик) маконларни қайтадан ориентатсиялаштиради. Охир-оқибат, геоиқтисодий макон ҳокимлик қилиш мақомига эга бўлади. Бу ҳолат, айниқса, миллий қурилишга эга бўлган давлатлар учун ўта муҳим – геоиқтисодиёт стратегик тараққиётининг бош мезонига айналади. [3, –Б.293-294]

Бугунги кунимизда, айнан, юртимизда ва жаҳонда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга таҳлилий нуқтаи назардан эътибор қаратсак, юқорида келтирилган фикрлар нечоғлик тўғри эканининг гувоҳи бўламиз.

Хусусан, геоиқтисодий макон ҳокимлиги юзага келиб улгурди. Бугун ҳар қандай манфаатлар иқтисодий муносабатлар негизида шаклланмоқда. Юртимиз ёшларининг қарашлари ҳам мана шу муносабатлар асосида шаклланиб бормоқда.

Мана шундай вазиятда одам ўз мустақил фикрига, замонлар синовидан ўтган ҳаётий-миллий қадриятларига, соғлом негизда шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли маънавий таҳдидларга, уларнинг гоҳ ошкора, гоҳ пинхона кўринишдаги таъсирига бардош бериши амримаҳол. [5, –Б.113]

Олиб борилаётган ва амалга оширилиши кўзда тутилаётган ислоҳотлар замирида мана шу оддий ҳақиқат борлигини, ҳар бир амалга ошириладиган ишлар ушбу оддий ҳақиқатдан келиб чиқиши лозимлигини унутмаслик керак.

Бугун биз хоҳлаймизми ёки йўқми ёшларимиз дунёқараши шаклланишида глобаллашув аломатлари акс этади. Ёшларимиз глобаллашув жараёнларининг доимий равишда марказида бўлишади.

Шу боисдан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ассамблеясида Ўзбекистон номидан қуйидаги таклифни киритди: “Ўзбекистон глобаллашув ва ахборот-

коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат – БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқишни таклиф этади” [1].

Конвенциянинг ишлаб чиқилишидан асосий мақсад сифатида бевосита глобаллашув шароитда ёшлар онгу шуурини ҳимоялаш, уларнинг саводхонлигини ошириш, турли хил салбий таъсирлардан асраш учун замин яратишни, ёшлар сиёсатини дунё миқёсида устувор йўналиш сифатида амалга оширилишини назар тутилган бўлиб, бугунги кунимиз учун ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши ўта муҳимдир.

Сабаби, ахборотлашув асрида ёшларни турли хил салбий таъсирлар ва уларнинг оқибатадан асраб-авайлаш, соғлом келажакни шакллантириш пировард мақсадларимиздан биридир. Сабаби, ёшларга юртимизнинг бугунги ва эртанги кунини ҳал қилувчи куч сифатида қаралмоқда.

Айнан шу боисдан, ёшларнинг онги, дунёқараши ва тафаккурини шакллантириш, бунда миллий ўзликни англаш масалаларига жиддий эътибор берилиши муҳим вазифалардан биридир.

Ёшларнинг онги ва тафаккурида ўзгаришларни аниқлаш ва бу борада ислоҳотларни амалга оширишни ҳорижий мамлакатлардаги мавжуд ҳолатлар билан солиштириб кўрайлик. Мисол учун, АҚШ олий ўқув юртларида талаба ёшларнинг онгини шакллантириш борасида амалга оширилган ислоҳотларга эътибор қаратайлик. Америка ўтмишига қарши кураш, ёш авлод онгини заҳарлаб, унинг онгига “янги тарих”ни сингдириш жадаллик ва муваффақият билан амалга оширилмоқда. [4, –Б.33] Яқинда ўтказилган ижтимоий сўровларнинг бирида 55 нафар энг намунали коллеж ва университетларнинг 556 нафар юқори босқич талабаларига АҚШ тарихига оид 34 та савол билан мурожаат этилган. Олинган маълумотларга кўра, талабаларнинг учдан биригина Ёрктаун остонасида жанг қилган Америка генералининг номини айтиб берган. Талабаларнинг атиги 23 фоизи Медисон Америка Конституциясининг асосий муаллифларидан бири эканлигини билар экан холос [2]. Бу ҳол Америка Қўшма Штатлари ёшларининг ўз тарихи, анъана ва қадриятларига муносабати амалда қандай эканини яққол ифода этади.

Юртимизда эса ўз навбатида тарихимизни тиклаш, анъана ва қадриятларимизни ёшларга сингдириш, уларни миллий ғоямизга садоқат руҳида тарбиялашга эътибор қаратилмоқда. Натижада, ёшларимиз, буюк аждодларимиз, юртимиз ўтмиши, ундаги воқеа ва ҳодисаларни ўзлаштирмоқдалар. Бу ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Ушбу йўналишда глобаллашув жараёнининг энг юқори ихтироларидан бири сифатида эътироф этилаётган интернет тармоғи ва унинг унсурларидан, ҳаттоки, ижтимоий тармоқларда “ҳэштег” деб, аталувчи тарғибот услубидан ҳам унумли фойдаланилмоқда. Мисол учун, 2014-2018 йиллар оралиғида ташкил этилган “ Бобурсдэй”, “ Навоийсдэй”, “Амир Темурдэй” хаштегларни

оммалашуви ва ёшлар томонидан қизиқиш билан қабул қилингани, глобал тармоқда трендга айлангани шулар жумласидандир.

Агар ёшларимизнинг шаклланишида глобаллашув омилининг таъсирларини таҳлилий жиҳатдан кўриб чиқадиган бўлсак, қуйидагиларни кўришимиз мумкин.

Биринчидан, глобаллашувнинг муҳим омилларидан бири бўлган интернет тармоғининг ёшлар ўртасида оммалашуви ёшлар ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин тутмоқда.

Иккинчидан, интернет тармоғида ижтимоий тармоқларнинг ривожланиши уларнинг дунёқараши шаклланишида, маълумотларни қабул қилишида муҳим воситага айланиб қолмоқда.

Учинчидан, жаҳон мамлакатларининг интернет тармоғидаги веб-саҳифалари ва ижтимоий тармоқларининг кучли таъсири кузатилмоқда.

Наманган вилоятидаги мавжуд 3 та олий ўқув юртлари талабалари ўртасида глобаллашув жараёнлари, бевосита интернет тизими билан боғлиқ бўлган мавзуда 2016-2017 йилларда ўтказилган сўровномалар натижалари қуйидагиларни кўрсатмоқда[90].

Жумладан, талабалар ўртасида ўтказилган сўровномада “Интернетдан тез-тез фойдаланасизми?” деб, берилган саволга талабаларнинг 50 фоизи ҳар куни, 30 фоизи ҳафтада 2-3маротаба, 12 фоизи ойига 2-3 маротаба, 8 фоизи ҳафтасига бир маротаба деб жавоб беришган.

Айниқса, глобаллашув шароитида ахборот алмашинувининг тезлашуви, ривожланган давлатларнинг фуқаролик институтлари фаолиятининг юртимиз ёшларига таъсири, янги авлод шаклланишида ўз чизгиларини акс эттирди.

Ижтимоий муносабатларнинг мураккаблашуви, вертуал олам таъсирининг ҳадда зиёд кучайи янги авлодни мутлақо аввалги авлод вакилларидан фарқли равишда, замонавий илм-фан ютуқларига ҳамоҳанг, аввалги авлоддан фарқли ўлароқ сиёсийлашган авлодни шаклланишига туртки бўлди.

ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРНИНГ АҲОЛИ, АЙНИҚСА, ЁШЛАР МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯСИГА ТАЪСИРИ

Тўраева Дилафруз Рустамбоевна,
Гулистон Давлат университети ўқитувчиси
Холмаматов Ботир Нурмуҳаммад ўғли,
Амалий психология йўналиши талабаси

Бугунги кунга келиб, интернет тизимининг ижтимоий тармоғида маънавий, ахлоқий тубанликни тарғиб этувчи саҳифаларнинг сони бир неч юз

[90] Fuqarolik jamiyati shakillanishini monitoring qilish mustaqil instiuti Namangan viloyati hududiy bo’linmasi axborotnomasi. Namangan shahri. 2017.

милиондан ошаётганлиги инсониятни янада ташвишлантиради. Бу ҳақда Чингиз Айтматов шундай ёзади: “Туя терисини одамнинг тақир бошига кийдириш шарт эмас. Энди содир бўладиган урушлар жанг майдонида эмас, балки мафкура полигонида юз беради. Шу жиҳатдан қараганда, ёшларнинг кўп вақтини интернетда беҳуда сарфлаши катта фожиадир” [1]. Чунки, Глобаллашув жараёнида мафкуравий таъсир ўтказиш кўламини ҳаддан зиёд кенгайтириб, беқиёс даражада тезлатиб юборганида ҳам кўринади. Инсон ўз мустақил фикрига, замонлар синовидан ўтган ҳаётий-миллий қадриятларга, соғлом негизда шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли маънавий таҳдидларга, уларнинг гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдаги таъсирига бардош бериши амримаҳол.

Интернет тизимининг ижтимоий тармоғидан олинган нарса тўғри, ишончли ва зарарсиз эканини билиш керак. Яхши-ёмоннинг фарқига бормаган ёшлар ижтимоий тармоқлар орқали тарқатилган ҳар қандай маълумот-хабарларни ҳақиқат деб қабул қилаётгани жиддий хавотирга солмоқда. Улар ғаразли мақсадлари йўлида ёшларда бузғунчилик, бегуноҳ одамлар қонини ноҳақ тўкиш каби жиноятларни авж олдириб, фуқаролар тинчлигини бузиб, халқ орасида низо чиқаришга ҳаракат қилишмоқда. Сарҳадсиз интернет дунёсига кирган ёшлар вақт, умр ғанимат эканини доимо ёдда сақламоғи лозим. Зеро, бу глобал тармоқ бепоён ҳудудларга эга бўлиб, унда инсон адашиб соатлаб, кунларини самарасиз ўтказиб юбориш билан бирга ёшларимиз ўжар ва қайсар, кексаларнинг айтганини назар-писандга олмайди, аждодлар қадриятларини инкор этади” [2]. Дарҳақиқат, бугун ахборот кўп ва тез кириб келаяптики уларни “ҳазм” қилиш учун теран тафаккур ва кенг дунёқараш талаб этилади. Айниқса интернет тизимининг ижтимоий тармоқ олами фарзандларимиз эътибори ва қизиқишини тортиб бораётган бугунги даврда айрим компютер ўйинлари ҳақида ҳам шундай мисолларни кетириш мумкин. Бугун дунё аҳолисининг 90 % дан ортиғида ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш имконияти мавжуд. Фойдаланаётганлар сони ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра инсонларнинг ижтимоий тармоқда сарфлайдиган минимал вақти 3 соатни ташкил этади. Бир қарашда кишини хавотирга соладиган ҳеч нарса йўқдек[3]. Инсон бу 3 соат мобайнида турли ҳудудларда яшайдиган яқинлари, танишлари, қариндошлари билан мулоқот қилмоқда, бунда нима нотабийлик бор деб ўйлаш мумкин. Албатта, ушбу мулоқот жараёнларининг ижобий томонларини инкор этиб бўлмайди. Бироқ, ижтимоий тармоқларда фақат эзгу ниятни кўзлаган инсонлар ўтирмаслигини ўнлаб мисоллар билан асослаш мумкин. Айниқса, ёшларда бундай ҳолат кўпроқ ёлғиз қолиш истагининг кучайишида намоён бўлади. Манбаларда ижтимоий тармоқ – одамларнинг мулоқот қилиш, ўхшаш қизиқишлари юзасидан бошқа одамлар билан ижтимоий муносабатларни яратиш учун фойдаланадиган онлайн платформа деб таъриф берилган. Илк бор одамлар ўртасидаги мулоқот воситаси сифатида ижтимоий тармоқнинг электрон почта кўриниши пайдо бўлди. Бу компютер тармоқлари орқали боғланишнинг илк кўриниши эди. Дастлаб икки киши ўртасида маълумот

алмашиш учун яратилган электрон маълумот алмашув кейинчалик гуруҳлар ўртасидаги мулоқот воситасига айланди. Ижтимоий тармоқлар ҳақида илк бора ўз тасаввурларини баён қилган олимлар Р.Соломонофф ва А.Рапопорт ўтган аср ўрталарида мулоқотнинг виртуал кўриниши ҳақида ўз фикрларини баён қилишган. Венгриялик мутахассислар П.Эрдос ва А.Ренилар ижтимоий тармоқларни шакллантириш борасидаги тасаввурларини айтиб ўтишган. Ижтимоий тармоқ атамасини алоҳида тушунча сифатида 1954 йил Манчестер мактаби намоёндаларидан бири Ж.Барнс илмий манбаларга киритган. Интернет тармоғида инсонлар ўртасидаги мулоқотнинг авж олиши, ривожланиб кетишини олимлар ижтимоий тармоқларнинг тезкор фаолияти билан боғлашади[4]. Аслида ҳам шундай. Сиз виртуал оламда тез ва қулай мулоқотни куннинг ёки туннинг исталган вақтида ўрнатишингиз мумкин. Суҳбатдошингиз билан ёзишиб, гаплашиб, уни кўришингиз ҳам мумкин. Бунинг учун компютер ёки телефон ва интернет бўлса кифоя. Бугунги кунда машҳур бўлган ижтимоий тармоқларда ўз саҳифасига эга бўлмаган инсонни топиш қийин. Айниқса, бу ҳолатнинг юқори даражасини ёшлар орасида кўриш мумкин. Маълумотларга қараганда, дунё ёшлари, жумладан мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлод асосий вақтининг тахминан 50% фоизи виртуал мулоқотга сарфланмоқда. Гап шундаки, кўпчилик ёшлар ўз ҳаётларини ижтимоий тармоқларсиз тасаввур қила олмайдилар.

Виртуал мулоқотнинг авж олиши жонли мулоқотга бўлган эҳтиёжнинг пасайиб кетишига сабаб бўлмоқда. Шуни айтиш керакки, бугунги кунда жамиятимизда ўзининг доимий кўришиб турадиган яқинлари билан ҳам ижтимоий тармоқларда мулоқот қилувчи инсонлар кўпчиликни ташкил этмоқда. Бундай мулоқот эса реал воқеликдан айри ҳолда кечади ва инсон ўзининг ҳиссий кечинмаларини тасвирлаб бера олмайди. Бу эса инсоний туйғуларнинг йўқолиб боришига замин яратади. Яқин ўтмишимизда инсонлар ўртасида “уйга келинг” деб таклиф қилинган бўлса, эндиликда “телеграм каналим”га ташриф буюринг, “Фасебоокдаги саҳифам”га киринг деган таклифлардан ажабланмай қўйдик. Шу нуқтаи назардан қараганда, шиддатли глобал ўзгаришлар даврида ёшлар онг-у шуурини интернет тизимининг ижтимоий тармоғи орқали кириб келаётган зарарли ғоя ва таъсирлардан самарали ва ишончли ҳимоялаш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу эса ўқитувчилар, маънавият тарғиботчилари, ота-оналардан янада ҳушёр ва огоҳ бўлишни, ёш авлоднинг ғоявий-мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар кўламини янада кенгайтиришни талаб қилади. Маълумки, дунёда ғоявий ҳамда информатсион хуружлар, турли мафкуравий таҳдидлар авж олаётган бугунги кунда ёшларимиз маънавиятини юксалтириш, уларнинг тафаккурида соғлом дунёқараш асосларини шакллантириш энг муҳим вазифадир. Бундай мураккаб ва таҳликали даврда маънавий – маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, ёшларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён – атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, диний экстремизм, халқаро терроризм, зўрлик

билан жорий этиш оқибатида халқаро майдондаги зиддият ва қарама – қаршиликлар кучайиб бораётган бир вазиятда ўзимизнинг келажак стратегиямизни аниқ белгилаб олиш, ғанимларнинг ғаразли уринишлари нимага қаратилганлигини ҳар томонлама англаб олиш ва кенг жамоатчиликка етказиш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч ва осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш, мамлакатимизда амалга оширилаётган миллий ғоя тарғиботи ва мафкуравий жараёнларнинг амалий ишлари ва ижобий натижаларини ёшларга тушунтира билиш, муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Маънавият ва маърифат ишини ватанпарварлик иши, виждон иши” эканлиги тўғрисидаги қарашларининг мазмун-моҳиятини ҳар бир фуқарога, хусусан, ёшлар онги, қалби ва ички дунёсига сингдириш зарур. Умуман, бугунги кунда интернет тизимининг ижтимоий тармоқлари салбий таъсирининг олдини олиш учун ёшларнинг маънавий салоҳиятини ошириш, иқтидорли ва истеъдодли болаларнинг ўз ижодларини эркин намоён этиш ва ахборот алмашиш имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида замонавий ахборот технологиялари орқали махсус интернет дастурларини кўпроқ тузиб, ёшларга мўлжалланган турли мавзулар бўйича мақсадли лойиҳа ва соҳавий тизимли дастурларни тайёрлаш ва уларни доимий тарзда янгилаб бориш мақсадга мувофиқдир.

Шу билан биргаликда жамият ҳаётининг модернизатсиялашиш шароитида жамиятда маънавий соҳада қуйидаги вазифаларни ҳам бажаришимиз мақсадга мувофиқдир:

- ёшларимизни маънавий янгиланиш ва ислоҳотлар жараёнининг фаол иштирокчисига айлантириш;

- турли қараш ва фикрга эга бўлган ёшларнинг ўзига хос орзу-интилишларини уйғунлаштирувчи ғоялар Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон, ягона Ватан туйғуси, адолат - қонун устуворлигида, халқ розилиги, жаҳолатга қарши маърифат, инновацион тараққиётни таъминлаш барча юртдошларимиз учун муқаддас мақсадга айланишига эришиш, миллий ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш;

- ота-боболаримиз динининг гуманистик моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш борасидаги ишларни давом эттириш.

Бунинг учун, аввало:

- оммавий ахборот воситаларида миллий маънавиятимиз акс этган кўрсатувлар, сериаллар, кино ва бадиий филмлар намойишини омма эътиборига тақдим қилиш; - интернет тизимидан фойдаланган ҳолда миллий сайтлар кўпайтириш ҳамда ёшларбоп рукнларни очиш ва улар орқали миллий ғояларни сингдириб боришни таъминлаш;

- жамиятда маънавиятни такомиллаштириш мавзуида илмий лойиҳалар жорий этиш ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш зарурдир.

XXI асрда давлатимизнинг равнақи, унинг кучи ҳамда салоҳияти кўп жиҳатдан халқ маънавиятининг юксаклиги ва поклигига, ёшларимизнинг интеллектуал саводхонлигига, улар онги, ички дунёси ва қалбида миллий

ғоянинг ривожланганлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Бунда эса интернет тизимининг ижтимоий тармоғидан тарқатилаётган турли хил ёт ғояларга қаршу мафкуравий иммунитетининг нечоғлиқ шаклланишига бевосита алоқадордир.

Хулоса ўрнида айтмоқчимизки, ҳозирги кунда жамиятимиз ҳаёти фан-технологиялар ривожи билан тобора уйғунлашиб бораётган бир даврда яшамоқдамиз. Шундай экан, ҳар биримиз ижтимой тармоқлардан фойдаланиш маданиятига амал қилишимиз, ўз навбатида, уни атрофдагиларга ҳам ўргатиш фойдадан холи бўлмайди. Бинобарин, ёшларнинг руҳий-маънавий оламини зарарли унсурлардан, турли хил бузғунчи, ёд ва зарарли ғоялардан ҳимоя қилиш орқали тараққиёт пойдевори яратилади. Зеро, маънавий баркамол, интеллектуал салоҳияти юқори авлод тарбияси нафақат Ўзбекистонда, балки бутун жаҳонда энг муҳим вазифалардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Айнан маънавий баркамол авлод мамлакат эртасини белгилаб беради. Маънавий баркамоллик эса жамият тараққиётининг муҳим омили.

АҲМАД ДОНИШ МАЪНАВИЙ МЕРОСИНИНГ БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИДАГИ ЎРНИ

Бозоров Шухрат Салайдинович,
СамДЧТИ 2-босқич докторанти

Бугунги кунга келиб, мутафаккирнинг илмий-маънавий меросини ўрганиш жараёнида ёш авлодни баркомол шахс бўлиб, шаклланиши учун керакли бўлган тафсияларни ўчратишимиз мумкин. Аҳмад Донишнинг илмий- маънавий мероси бой ва ранг-баранг бўлиб. Фузулийнинг озарбайжон ва турк тилларида ёзилган шеърий мисраларидан олинган қизиқарли парчаларни ўз асарларида жуда чиройли тарзда келтирган. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, Аҳмад Донишнинг дунёқараши шаклланишида Шарқнинг буюк файласуф шоири Мирзо Бедилнинг асарлари ижобий таъсир ўтказган. Аҳмад Дониш ўзининг деярли барча илмий асарларида Мирзо Бедилни йирик мутафаккир сифатида юксак баҳолаган. Бедилнинг илғор ижтимоий-фалсафий ғояларидан ижтимоий ҳаётдаги камчиликларга қарши олиб борган курашида фойдаланган. Шунинг учун ҳам Аҳмад Дониш XIX асрда Бухоро амирлигининг энсклопедист олими сифатида эътироф этилган.

Мутафаккир маънавий меросининг баркамол авлод тарбиясидаги ўрни шундаки, у ўзининг замондоши бўлган Садри Зиёнинг “Наводири Зиёия” асарида мусаввирликда Камолиддин Беҳзод ва Монийга[91], фалакиёт илмида

[91] Моний ибн Фатак (тахм. 216 – тахм. 277) – Эрон, Ўрта Осиё, Ҳиндистонда яшаган. Турли ривоятларда Монийнинг ўз даврида истеъдодли нақкош ва рассом ҳам бўлганлиги ҳақида ҳикоя қилинади.

Мирзо Улуғбек Кўрагонийга, ҳаттотликда Мир Алига[92], табобатда Ибн Синога, шоирликда Саъдий Шерозийга қиёсланганлигидадир. Чунки, мутафаккирнинг йигирмадан ортиқ илмий асарларида қайд этилган масалалар Донишнинг теран ақл идрок соҳиби эканлиги кўрсатади. Шуни ҳам қайд этиш керакки инсонни эзгуликка ва илмли бўлишга чорловчи мутафаккир илмий меъроси ҳануз тўлиқ кашф ҳам этилмаган.

Петербургга сафар натижасида Россиясининг ижтимоий-сиёсий ҳаётини ўрганган Дониш Бухоро амирлигидаги ижтимоий-сиёсий аҳволнинг аянчли эканлигини тушуниб этгач, ўзининг ижтимоий-сиёсий қарашларини илмий асарларида батафсил ёритган. Шунинг учун ҳам, манғит амирлари даврининг буюк тарихнависи сифатида Аҳмад Дониш Шарқ халқлари тарихи ва фалсафасида алоҳида мавқега эга бўлган. Аҳмад Дониш ўз даврининг йирик сиёсий арбоби сифатида жамият ва давлатни бошқариш, мамлакатни модернизация қилиш, одил демократияга асосланган фуқаролик жамиятини барпо этиш истаги билан ёниб яшаган. Айнан шунинг учун ҳам мутафаккир маънавий меросининг баркамол авлод тарбиясидаги ўрни беқиёсдир.

Мутафаккир маънавий меросининг бир-бирини такрорламас мундарижаси ва ҳозирги давр замонавий ёшлар тарбиясига таъсири шундаки, у асарларида Ўрта Осиё тарихи қолаверса, ўзбек уруғларининг ҳаёти ва тарихига оид маълумотлар, сайёралар ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни тарихий-фалсафий нуқтаи назардан таҳлил этган. Бундан ташқари инсон ва жамият, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларни фалсафий тадқиқ этиб, бир неча илмий-назарий ютуқларга ҳам эришган. Бундан ташқари Аҳмад Дониш ўзининг маънавий-руҳий кечинмалари асосида ижтимоий-сиёсий жараёнларга билдирган муносабати ва тарихий-фалсафий қарашлари, уни фалсафий нуқтаи назардан идеалистик жамият тарафдори сифатида намоён қилади. Чунки, Дониш Бухоро амирлигидаги маърифатпарварлик ҳаракатининг асосчиси, жадидларнинг маънавий раҳнамоси сифатида шуҳрат қозониб, унинг сиёсий қарашларида қонун чиқарувчи олий давлат органини ташкил этиш масалалари кўтарилган эди. Зеро, мутафаккирлар ва маърифатпарварлар орасида биринчилардан бўлиб Аҳмад Дониш “Дорул-машвара” яъни, “Мажлислар уйи”ни тузиш ғоясини кўтариб чиққан эди.[2] Бу ҳозирги давр замонавий тараққиётдаги парламентар тизим ғояси бўлиб, Дониш тафаккурининг теранлигини билдиради.

Мутафаккирнинг биргина “Дорул-машвара”ни амир саройидан узоқроқда ташкил этиш тўғрисидаги фикридан олам маъно бор эди. Аҳмад Дониш ижтимоий-сиёсий тузумдан келиб чиққан ҳолда амирлик ҳузурида ташкил қилинажак қонун органи аъзолари подшоҳ ва унинг амалдорлар орасида ўз фикрларини эркин билдира олмасликларини уларнинг эркинлик имкониятлари чекланишини уқтирган. Чунки, Аҳмад Дониш пароканда

[92] Мир Али Ҳиравий (вафоти 1557-Ҳирот) ҳаттот ва шоир. Ҳиротда Султон Ҳусайн Мирзо ва Бухорода Абдулазизхон кутубхоналарида хизмат қилган. Мир Али Ҳиравий нафис хати ҳамда тез ёза олиши билан замондош ҳаттотлардан ажралиб турган.

салтанат ва ундаги баъзи қўрқоқ, салтанат даҳшатларидан ҳақ сўзни очиқ-ойдин айтишдан ийманадиган, амалдорларнинг райига қараб ҳар бир ишнинг тўғри ёки нотўғри эканлигини очиқ айта олмайдиган мулозимларни кескин қоралаган. Аҳмад Донишнинг эътироф этишича, давлат амалдорлари амирнинг тутган йўли ва берадиган фармонлари хато бўлса ҳам уни тўғри деб айтишга мажбур бўладилар. Бу эса ўз навбатида яхши ривожланган салтанат ва адолатли қонун чиқарувчи ҳокимиятга эришиш учун энг катта тўсиқдир. Мутафакир "Дорул-машвара" аъзолари мамлакат халқининг турли табақа вакиллари орасидан ақлли, тажрибали ва илмли кишилардан сайланиши ва уларга маош тўланиши лозимлигини тавсия қилади. Кенгашда халқ ва давлат манфаатларини кўзлаб, фикр юритиб, улар қайси қарорга келсалар, у ишларни амалга оширсин. Қабул қилинган қарорлар султонга тақдим этилсин, у ҳам шу қарорга қўшилса, ижроси таъминласин. Мамлакат ободлиги ва халқнинг манфаати устида бир ишга улар иттифоқ қилган бўлсалар, қабул қилинган қарорлар султонга тақдим этилсин ва у ҳам шу қарорга қўшилса, ижроси таъминласин, деб кўрсатади", деб эътироф этади. Аҳмад Дониш XIX аср охири XX аср бошларидаги манғит ҳукмдорларнинг давлат бошқарувидаги нўноқликларини кўриб кескин танқид қилар экан: "Кўп ақллилар бир эрга йиғилсалар, кўп вақтда хато чиқмайди", дейди. [2]

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки Аҳмад Дониш томонидан илгари сурилган давлат бошқарувини адолатли ташкил қилишга асосланган, чора-тадбирларини назарий жиҳатдан ишлаб чиқиш ва халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган ижтимоий-сиёсий ғоялар ҳозирги даврда ҳам умуминсоний қадрият, инсон қадри учун белгиланган устувор вазифа сифатида ўз аҳамиятини йўқотмаган. Аҳмад Донишнинг илмий меросини баркамол авлод тарбиясига таъсирини ўрганиш натижасида мутафаккирнинг қўйидаги фикларини замонавий тараққиётнинг лойиҳасига асосий лойиҳасига тўлиқ мос келишини кузатиш мумкин. Жумладан:

– биринчидан, давлат аҳамиятига молик ҳар бир масалани Кенгаш қарори ("Дорул-машвара") орқали амалга ошириш лозим;

– иккинчидан, "Дорул-машвара" аъзолигига аҳолининг турли қатламларидан сайлаш тартибини жорий қилиш керак;

– учинчидан, амалдорларнинг порахўрлик ва мансаб ваколатларини суиистеъмол қилишни олдини олиш мақсадида уларга маош тайинлаш лозим;

– тўртинчидан, қонун чиқариш билан шуғулланувчи ҳокимият ("Дорул-машвара") биноси ҳукмдор саройидан ташқарида бўлиши керак;

– бешинчидан, машварат аъзолари ҳар қандай ҳолатда вазминлик ва сабрлилик билан тўғри қарор чиқариши лозим, деган ғояларни илгари суради Аҳмад Дониш.

Аҳмад Дониш мутаассибликка қарши янги маърифатлилик ғоясини илгари суриш билан бирга, ўзининг фалсафий қарашларида жамиятни бошқаришнинг самарадор усули, миллий профессионал мутахассис раҳбар кадрларни тайёрлаш ва танлаш тизимини такомиллаштириш каби

муаммоларини теран тадқиқ этади.“Наводирул вақое” асарида “амалдорлар ва ҳокимлар инсофлик бўлишлари лозим. Агарда булар золим бўлсалар, раҳбарлари одил бўлса ҳам, юрт хароб бўлиб, қишлоқ халқи жондан тўйиб вайронагарчиликка учрайди. Раҳбар буларни била туриб сукут қилган бўлса, у ҳақда ўзи ҳам золимларга қўшилган бўлади”, - деб ёзади.

Аҳмад Дониш “Кундуз куни муаллим ўз ўқувчилари билан машғулотда банд бўлади, кечқурун эса эртанги кунги машғулотларга тайёрланади, хуллас у умр бўйи ўқийди ва ўз касби билан муттасил, танаффуссиз шуғулланади”, деб ўқитувчилар фаолиятига ҳам муносиб баҳо беради. [1]

Аҳмад Дониш илмий салоҳиятини шакллантирган омил бу алломанинг саёҳатлари натижасида дунёқарашининг ўзгариши, турли этник гуруҳга мансуб халқлар ва миллатлар билан мулоқот орқали тўпланган ҳаётий ва амалий тажрибалар эди. Шу сабабдан, Аҳмад Донишнинг ижтимоий-сиёсий қарашларида Ватанга муҳаббат, халқ ва миллат тақдирини ўйлаш, келажакка қайғуриш ҳисси мутафаккир маънавий меросининг баркамол авлод тарбиясидаги ўрнини оширади.

Аҳмад Дониш асарларинг баркамол авлод тарбиясига таъсири шундаки унинг ижодида тарихий жараёнларнинг фалсафий таҳлили, воқеа ва ҳодисаларнинг фалсафий-мантиқий мушоҳадаси теран, замонга ҳамнафас ёритилганлигидадир. Шунинг учун ҳам Бухорода жадидчилик ҳаракати вужудга келиши ҳам Дониш яратган буюк мактаб туфайлидир. Мутафаккир Садриддин Айний ўзининг “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар” асарида, “Бухородаги дастлабки маорифпарварлик ва жадидчилик ғоялари Аҳмад Донишдан бошланган” деб эътироф этгани ҳам шундан далолатдир. [3] Аҳмад Дониш асарларининг баркамол авлод тарбиясидаги ўрнини шундаки, унинг ижодида давлат бошқарувини янги демократик сиёсий тизимга олиб чиқиш, халқнинг тафаккур тарзини янгилаш ғоясини илгари сурганидадир. Чунки, ушбу ғоялар ҳозирги кунга қадар ўзининг долзарблиги ва улкан ижтимоий аҳамият касб этганлиги билан алоҳида эътироф этилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Л.Асророва. Бухоро мадрасалари тарихидан. Тошкент: Ҳилол нашр, 2016.
2. Наводир ул вақоеъ. И.Мўминов таҳрири остида. Тошкент: Фан, 1964
3. С.Айний. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. Москва, 1926.

АЛИШЕР НАВОИЙ МАЪНАВИЙ МЕРОСИДА АЁЛ ТИМСОЛИ

Гулова Аноргул Ахтамовна,
Бухоро давлат университети
“Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” кафедраси ўқитувчиси

Алишер Навоий таъбирича, инсон дунёдаги бутун борлиқлардан, бутун нарсалардан юқори ўринда туради. У мавжудодлар ичида “шариф” ҳисобланиди. Мутафаккир уни насрий ва назмий асарларида борлиқнинг, умуммавжудоднинг энг бебаҳо дурдонаси, коинот тожи, деб тарифлайди:

...Карам бирла халқ айлагай оламе,
Бу оламда мақсуд анга одаме.
Ғараз одами анга олам туфайле,
Не ким ғайри оламдур ул ҳам туфайл[93].

Кўринадики, Ҳазрат Навоий таъбирича, инсон, унинг (инсоннинг) борлиғи оламнинг мазмуни бўлиб, дунё яратилишидан мақсад одамдир. Бундан келиб чиқадики, бутун воқелик унинг (инсоннинг) истаклари объектдир ва мазкур истакларга хизмат қилиши даркор.

Очилғон гулшанда инсон гули,
Не инсон гули, боғи ризвон гули[94].

Алишер Навоий асарларида аёлга муносабат, аёл зотига эҳтиром бўлакча. “Насойим-ул муҳаббат” асарида 770 та шайх ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотлар жамланган бўлса, шулардан ўттиздан ортиғини авлиё аёллар ҳаёти ҳамда фаолияти ташкил этади. “Ҳайрат ул-аброр”да аллома ислом оламида маълум ва машҳур мутасаввифлар Иброҳим Адҳам ва Робияи Адвия ҳақидаги ҳикоятни келтиради. Мазкур ҳикоятда баён қилинишича, Иброҳим Адҳам ўн тўрт йил чўлу биёбонда юриб, Маккаи мукаррамага этиб келишга муяссар бўлади, аммо, зиёрат қилишга муштоқ бўлгани муқаддас Каъбатуллоҳ ўз ўрнига бўлмаганлигига гувоҳ бўлади. Бунинг сабабини суриштирганида у эрда ҳозир бўлган кишилар муборак саждагоҳнинг авлиё аёл Робияи Адвия истиқболига чиққанлигини айтадилар. Бу ҳолатдан Иброҳим Адҳам чуқур қайғуга ботиб, фиғонини фалакка кўтаради мутасаввуф Робия билан учрашишга қарор қилади. Заковатли аёл Робия Иброҳим Адҳамнинг фиғонли саволларини тинглагач қуйидагича жавоб беради:

Робия деди анга: «Огоҳ бўл,
Кими неча йил бодияда борча йўл.
Бўлди ишинг арзи намоз айламак,
Шева манга арзи ниёз айламак.
Санга самар берди намозу риё,

[93] *Алишер Навоий. “Хамса”. Т.: “Фан”, 1960. 622-бет.*
[94] *Алишер Навоий. “Хамса”. Т.: “Фан”, 1960, 621-622-бет.*

Бизга бу берди ниёзу фано»[95].

Юқоридаги шеърий парча мазмунидан аён бўлишича, инсон, фақат, тоат-ибодат билангина чекланмай, шаръий аҳкомларни бажариш билан бир қаторда атрофдагилар, хусусан, диндошларига эзгу ишлар қилиб ёрдам беришга улгурмоғи керак. Мазкур масалага ташқаридан нигоҳ ташлаганда, Иброҳим Адҳам фаолиятида ҳамма нарса ўз ўрнида бўлгандай кўринади. Аммо, аслида, унинг эътиқоди йўлида зоҳир ва ботин орасидаги таносуби оз бўлса-да озор топган. Авлиё аёл Робияи Адвияда эса ана шу нуқта ҳам мавжуд эди. Бу ўринда дунёда бўладиган нарсаларни, худди бир пиёла сувга қараб тургандек, кўриб турувчи, сезувчи, билувчи, баҳоловчи Тангри таолога ўша бўшлиқ маълум бўлган эди. Шу сабабли Оллоҳ ана шу қалтис нуқтани суюкли бандаси Робия кўнглига солиб, унинг тили орқали ошкор қилди. Алишер Навоий ўз асарлари қаҳрамонлари тилидан ота-онанинг борлигини ғанимат билиб, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш кераклиги, иложи борича уларнинг хизматида бўлиб, дуоларини олиш кераклигини, айниқса, онаи зорга алоҳида эҳтиромда бўлиш даркорлигини бот-бот уқтиради.

Манга зулм ўлди фалакдинки чу бўлдунг бемор,
Керак эрдики мен ўлсам бошинг узра ғамхор.
Шарбатинг эзсам эди шираи жоним қўшуб,
Ичурурга қилибон жаҳд неким мумкин бор.
Ҳам ғизо мен керак эрдики тутуб олингда,
Рағбат айларга десам эрди мулойим гуфтор.
Гаҳ бошингни тузатиб, гоҳ аёғингни ёпиб,
Эврулуб бошинга фарзандлиғ айлаб изҳор,-
деб Искандар каби нола қилгани иш бермас.
Буким мен-мен, манга ўлмак дағи ҳайф,
Улус аҳволима кулмак дағи ҳайф.
Сен ар дардимдин ўлсанг ранжфарсой,
Манга ул ранжу ғамдин вою юз вой!
Мени розилиғингдин қилма навмид,

Манга дўзах ўтини солма жовид,- деб Фарҳоддек фарёд қилишдан фойда келмас. Навоий ҳазратлари валад вужуди самин лаълининг кони бўлмиш ота-онани кўп фурқатда қолдирмаслик, йироқлик билан уларни меҳнатга қўймаслик, ўз кўнглича, улардан бемаслаҳат боши оққан томонга кетмаслик, иссиқ ўрнини совутмаслик, бегонани уй сори ёвутмасликка чақиради. Ота-онани ранжитувчи иш қилмаслик, ҳар дам ўзини, кўнгил билан кўзини асрамоққа ундайди. Бинобарин, кўнгил пок бўлса, инсоннинг барча аъзолари саломат бўлади. Кўз эса дил ойнаси, севги-муҳаббат дилга меҳмон бўладими,

[95] *Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. Мукаммал асарлар тўплами. XX томлик, 7-том. Тошкент: «Фан», 1991, 120-б.*

бирор хурсандчилик ва ёки мусибат юзланадими, инсон ўзлигини асраши лозимлиги қайта-қайта уқтирилади[96].

Не қилғон хаёлим бори хом эмиш,
Ҳавас жоми кўнглумга ошон эмиш.
Керак эрди, то кирди мағзимға ҳуш,
Хирад токи солди димоғимға жўш.
Демон қилсам эрди ўғуллуқ санга,
Қабул айласам эрди қуллуқ санга.
Санга айлабон хоки даргоҳлиқ,
Анинг отин айтсам эди шоҳлиқ.

Юқорида келтирилган шеърий парчада Алишер Навоий олам очмоқни ўзига мақсад қилган, айни шу мақсад учун муҳтарам онага айрилиқ азобини раво кўрган ҳамда оқибатда ҳукмдорлик шуҳрати фарзанд сифатида онаси олдида “киприк била чун йўлин супуриб”, қуллик қилиш, эр ўпиб хизматини қилишга асло тенг бўлмаслигини англаб этган шоҳ Искандар номидан фарзанд учун ой-у қуёш бўлган ота-онага хоки даргоҳлик айламоқлик аслида айнан шоҳликнинг ўзи эканлигига иқрор бўлади. Албатта, ҳатто, Қуръони Карим ва ҳадиси шарифда эътироф этилганидек, ҳар бир инсон учун ота-она олдида фарзандлик бурчини адо этмоқ, уларнинг оғирини энгил қилиб хизматига шай турмоқ, кўнгилларини олмоқ, хоки пойи бўлиб қуллик бажо қилмоқ энг олий саодатдир. Буни файласуф шоир шоҳлик дея эътироф этади. Бу фалсафани ҳар бир фанзанд ўз вақтида тушуниб, шунга қараб ҳаракат қилса, нафақат, ўз ота-онасига, биринчи навбатда ўзига яхшилик қилган бўлади. Чунки, “қайтар дунё” деган ибора бежизга айтилмайди. Ҳазрат Навоий таъбири билан айтганда, “шохнинг фарзанди гулдур, нахлиға фарзанд шох”. Зеро, фарзанд кўз олдида ота-онасининг ўз ота-оналарига муносабати айни ибрат мактабидир.

Иста ато йўлида жон фидо қилмоқ,
Қуллуқ анога ҳам улча имкон қилмоқ,
Зуҳри абад истасанг фаровон қилмоқ,
Бил они ато-аноға эҳсон қилмоқ.

Юқорида келтирилган шеърий парча “Назмул-жавоҳир” асаридан олинган бўлиб, унда Алишер Навоий фарзандни ота йўлида жон фидо қилишга, онага ҳам имкони борича кўп ва хўп хизмат қилишга, уларга доимо ғамхўрлик қилишга даъват қилади.

Оналарнинг оёғи остидадур
Равзаи жаннату жинон боғи.
Равза боғи висолин истар эсанг,
Бўл онанинг оёғи туфроғи.

Мазкур таъсирчан мисралар “Арбаъийн” асаридан ўрин олган бўлиб, аллома “Жаннат оналар оёғи остидадир” ҳадисини назмда ифодалаган. Бу

[96] *Абадият гулшани.Т.: “Шарқ”. 2016. 2-китоб, 122-б.*

билан ҳазрат Навоий дилбандига бирор ғам этса, шомдан тонггача жони маҳзун, тонгдан шомга довур ашки гулгун, андуҳ ўти димоғини маҳрур этган, оқ сочи юзига кофур сочган онаизор чеккан азобларини кўтаришга тоғлар ожиз эканлигини таъкидлаб, фарзандлар мунис ва муҳтарам волиданинг пойини ҳар қанча тавоф қилса, шунча оз эканлигини, уларнинг кўнгилларини олиб, қанча хушнуд этсак, жонимизни пойига пояндоз қилиб тўшасак, биз олдимизда жаннатнинг жилва қилишига восил бўламиз дейди. Муаззам асарлари одоб қомуси бўлган аллома ижодида оила масаласига ҳам алоҳида ёндашилади. Ҳар бир киши оилада ҳам одоб қонун-қоидаларига қатъий риоя этмоғи даркор. Ўз навбатида оила бошлиғи турмуш ўртоғи ҳамда фарзандлари учун жавобгардир. Фарзандлар ўз исмларидан уялиб юрмасликлари учун ота-она фарзанд дунёга келганда, аввало, унга чиройли исм қўймоқлиги фарз эканлагини шиорона лутф ила баён қилади:

Бириси қўймоқлик эрур яхши от,
Ким десалар этмагай андин уёт.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. *Алишер Навоий. Хамса. Тошкент: “Фан”, 1960. 622-бет.*
2. *Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. Мукаммал асарлар тўплами. XX томлик, 7-том. Тошкент: “Фан”, 1991, 120-б.*
3. *Абадият гулшани. Тошкент: “Шарқ”. 2016. 2-китоб, 122-б.*

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА МАФКУРАВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Гулова Аноргул Ахтамовна,
БухДУ “Миллий ғоя, маънавият асосларива ҳуқуқ таълими” кафедраси ўқитувчиси
Юлдошева Ферангиз Рашид қизи,
Тарих ва маданий мерос факултети “Ижтимоий иш” таълим йўналиши 1-босқич талабаси

“Сайёрамиз эртанги куни, фаровонлиги, фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олишдир”[97]. Глобаллашув — бу ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашувидир. Яна, глобаллашув миллат ва элатлар, мамлакатларнинг маданий ва маънавий, иқтисодий жиҳатдан

[97] O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoyevning BMTning 72-sessiyasida so’zlagan nutqidan.

уйғунлашувига олиб келадиган жараёндир. Бугунги дунёнинг тараққиёти ички ва ташқи омиллар остида юзага келмоқда. Ички ва ташқи омиллар асосан ахборот воситаси билан таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, оммавий ахборот воситалари – радио, телевидения, газета, журнал ва интернет орқали ахборот айирбошлаш ривожланиб бормоқда. Олимларнинг фикрича, инсон 85 фоиз ахборотни кўриш орқали, қолган 15 фоизини эшитиш орқали олар экан. Бугунги дунё яхлитликни ташкил этса-да, ундаги минтақа ва давлатлар, миллат ва халқлар тарихий шарт-шароит, жўғрофий жойлашуви, геостратегик ҳолатига кўра турли мавқега эга. Ҳозирги давр – дунёда ғоявий қарама-қаршиликлар мураккаб тус олган, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучлироқ бўлиб бораётган давр. Шундай экан, уларнинг ўзига хос манфаатларини ифодалайдиган мафкуравий таъсир усуллари бўлиши шубҳасиз. Жаҳон сиёсий харитасида кўплаб давлатлар мавжуд бўлиб, уларда турли сиёсий кучлар, партиялар, дин ва диний оқимлар, мазҳаблар, гуруҳ ва қатламлар фаолият кўрсатмоқда. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзарасига назар ташланса, аксарият илғор давлатларда умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойилларга асосланган мафкуралар амал қилмоқда. Уларда тинчлик ва тараққиёт, инсон ва жамият камолотига хизмат қиладиган умуминсоний ғоялар устувордир. Шу билан бирга, инсон онгида янгича дунёқараш ва тафаккур тарзи шаклланаётган ҳозирги даврда муайян кучларнинг мафкура майдонида ҳукмронлик қилишга, ўз таъсир доирасини кенгайтиришга қаратилган интилиши кучайиб бормоқда. Тажовузкор миллатчилик ва шовинизм, неофашизм ва терроризм, ирқчилик ва экстремизм мафкуралари шулар жумласидандир[98]. Глобаллашув жараёнида юзага келган муаммолардан яна бири – бу, миллий-маънавий ўзига хосликни сақлаб қолган ҳолда кириб келаётган бегона маданиятнинг жамият тараққиёти талабларига мос келувчи ижобий томонларини қабул қилишдаги маънавий савияни кўтариш, барча ташқи таъсирга ҳушёрлик иммунитетини ҳосил қилишдир. Шу ўринда айтиш жоизки, юз бераётган ва юз бериши мумкин бўлган айрим салбий ҳолатлар учун глобаллашув ҳодисасининг ўзи айбдор ҳам, жавобгар ҳам эмас. Аксинча, бу кўпроқ субъектив омиллар фаолияти билан боғлиқ ҳодиса. Шу сабабли ҳам кўр-кўрона ёт маданиятни тарғиб қилиш ҳаракатларини чегаралаш зарур, яъни маданий ва маънавий глобаллашув соҳасида толерантликка ортиқча изм бериб бўлмайди. Бугун дунёнинг мафкуравий манзарасида инсон қалби ва онгига таъсир ўтказувчи, турли хил воситалар билан кураш олиб борувчи мафкуравий полигонлар фаолияти тобора яққолроқ кўзга ташланмоқда. Тараққиётнинг ҳозирги босқичида жаҳонда ғоят мураккаб ва таҳликали жараён кечмоқда. Булар дунёнинг сиёсий, мафкураий манзарасидаги ўзгаришлар, тараққиётнинг янги босқичига кўтарилиши ва бу тараққиётга ғов бўладиган демократик ривожланишни издан чиқарадиган, жамият барқарорлигига раҳна соладиган ғоявий-мафкуравий тўсиқларнинг пайдо бўлиши билан изоҳланади. Буюк мутафаккир

[98] https://uzhurriyat.uz/2016/03/21/globallashuv

Абу Наср Форобий (873-950), “Инсон камолотга ёлғиз ўзи эриша олмайди. У бошқалар билан алоқада бўлиши, уларнинг кўмаклашуви ёки муносабатларига муҳтож бўлади” дейди. Ана шу жараёнда инсонда фазилатларни камол топтириш ҳақида таъкидлаб қуйидаги фикрларни илгари суради, “Инсон фазилатлар билан камолотга етади ва камолотга етган одам бахтли ҳисобланади”. Мафкуравий таҳдидларга қарши курашда асосий мақсадимиз жамият маънавиятини юксалтириш экан, биринчи навбатда, миллий ғояни фуқаролар онги ва қалбига чуқур сингдиришга эришишимиз керак. Аҳолида, айниқса ёш авлодда соғлом эътиқодни шакллантириш, улар орасида миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғун равишда тарғиб этиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Умуман, фуқароларнинг билими ва тафаккурини янада ошириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ишларини изчил амалга ошириб бораверсак, ҳар қандай таҳдидлар бизга хавф сололмайди[99]. Ўзбекистон мустақил тараққиёт жараёнида миллий уйғониш даврини бошдан кечираётганлигига, маданий меросимиз, миллий урф-одат, қадриятларимизни тиклаётган бир пайтда дунёда эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги зиддият кучайиб бораётганлигига гувоҳ бўлаяпмиз. Ҳар қандай мафкура халқнинг маънавий руҳий эҳтиёжларини миллий анъаналари ва турмуш тарзини ҳисобга олган тақдирдагина яшовчан, таъсирчан бўлади. Шу ўринда глобаллашув жараёнида ёшларнинг янгича эстетик маданиятни шакллантириш бўйича ислоҳотларни амалга ошириш вазифаси миллий мафкура асосида бизнинг диққат марказимизда турибди[100]. Шунинг учун ҳам ёшларни мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилишда таълим-тарбиянинг ўрни муҳимлиги ва бу масалада давлатимизнинг энг асосий масаласи қилиб қўйилганлиги, қолаверса, бу масалада раҳбарининг ўзи шахсан ўзи бош бўлаётганлиги ҳамда, бу соҳада унинг бевосита раҳбарлиги асосида мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб ҳозирги кунга қадар чуқур ислоҳотлар олиб борилаётганлиги бунинг далилидир. Биз ҳам ёшларимиз қалби ва онгида зарарли ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантира олсак турли хил давлатларнинг алдовларига учмайдиган, ўз она юрти, Ватани ва халқи учун фойдали инсонларни тарбиялай оламиз. Чунки мафкуравий хавфсизликни таъминлашда нафақат давлат, балки фуқаролар ҳам масъулдирлар[101]. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаган-ларидек, “Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг мустаҳкам ривожланишига раҳна соладиган турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишга интилишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир”. Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда мафкуравий таҳдидлар аҳолининг маълум бир қатлами, айниқса, ёшларнинг қарашларини ўзларига маъқул бўлган йўналишда ўзгартириш, диний экстремизм, ахлоқсизлик каби бузғунчи ғояларни сингдиришга уринишдек

[99] M. X. Toshbekova “Problem of Solving Ideological Threats in the Context Globalization” 226-234-betlar
[100] M. X. Toshbekova “Problem of Solving Ideological Threats in the Context Globalization” 226-234-betlar
[101] I. A. Karimov. Jamiyatimiz mafkurasi xalqni-xalq, millatni-millat qilishga xizmat etsin.

кўринишларда содир бўлмоқда. Мафкуравий таҳдидларга қарши доимо сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашни ўрганиш, мураккаб ва таҳликали ҳаётнинг шафқатсиз ўйинлари тўғрисида бирёқлама ва сохта тасаввурлар шаклланмаслигига алоҳида эътибор бериш лозим. Бунинг учун инсонларда соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром, ўз кучига ва эртанги кунга ишонч туйғуларини янада камол топтириш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти нутқи
2. Ш.М.Мирзиёев “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб янги босқичга кўтарамиз”
3. И.А.Каримов. Жамиятимиз мафкураси халқни–халқ, миллатни–миллат қилишга хизмат этсин. “Тафаккур”, 1998, 2-сон.

ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛЛАРИ

Маматқобилов Турсунмурод Дониёрович,
Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси Гуманитар фанлар кафедраси доценти, сиёсий фанлар номзоди;
Абиджанова Мухлиса Абдуқаххоровна,
катта ўқитувчи

Янгиланаётган Ўзбекистондаги кенг кўламдаги ислоҳотлар замирида ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва савдо-иқтисодий масалалар муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун ҳам Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни тобора юксалиб боришида тинчлик, барқарорлик ва инсонпарварлик тамойилига таянган ҳолда юртимизда яшаётган ҳар бир инсоннинг ҳаёти, орзуси, дарду армонларини эътиборимиз марказига қўйишни ва бу борадаги вазифалар самарадорлигини оширишни энг муҳим масала сифатида кун тартибига қўймоқда. Айни ижтимоий сиёсат нуқтаи назаридан жойларда иш ўринларини ташкил этиш, тадбиркорлик ва хусусий мулк ривожига кенг имконият очиб бериш, ёшлар, хотин-қизлар, кексалар ва ногиронларга ғамхўрлик кўрсатиш, муҳтож инсонларга эътибор қаратиш масалалари қабул қилинаётган давлат дастурларида ўз аксини топмоқда. Шунингдек, истиқболдаги режаларимизга мувофиқ Ўзбекистон миллий тикланишдан миллий юксалиш сари дадил илгарилаб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш

тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” 2018 йил 4 августдаги ПҚ-3898-сонли қарори ва шу асосда жорий этилган Қуролли Кучлар тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш концепциясига мувофиқ “Ватан муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир!” ғояси илгари сурилди[1]. Шунингдек, Қуролли Кучлар тизимида ҳафтанинг ҳар жума куни “Маънавий юксалиш ва ватанпарварлик куни” этиб белгиланганлиги замирида эса ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-руҳий тайёргарлигини рағбатлантириб бориш лозимлиги белгиланган. Мақсад мамлакатимиз суверенлигини, ҳудудий яхлитлигини, халқимиз тинчлигини садоқат билан ҳимоя қилиш энг олий вазифа сифатида эътироф этилади.

Юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини таъминлаш, Ватанимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Демак, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг Тараққиёт стратегиясида белгиланган эттита устувор йўналиш бўйича **“Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” давлат дастури, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Ҳар бир оила тадбиркор”, “Ёшлар келажагимиз”, “Беш ижобий ташаббус”** каби муҳим дастур ва режалар доирасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг маъно – мазмунидан келиб чиқиб, мазкур фармоннинг асосий ғоявий тамойилларида инсон омили юқори ўринга қўйилган. Биз Президентимиз раҳбарлигида эркин бозор иктисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлидан бораётган Ўзбекистан сиёсатида бутун эътибор жамият тараққиётига қаратилганлигига амин бўлдик. Давлат бошқарувини эркинлаштириш, давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган кенг қамровли ислоҳотларнинг амалга оширилишида жамоат ташкилотлари, сиёсий институтлар ва оммавий ахборот воситаларининг фаолияти бугунги жараёнлар билан ҳамоҳанг бўлмоқда. Давлат, унинг сиёсати фақат халқ манфаатига, мамлакат фуқаролари осойишталиги ва барқарор турмушини таъминлашга қаратилаётганлиги қабул қилинаётган қонунларда, Президент фармонлари ва қарорларида ўз ифодасини топмокда ҳамда ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бу эса жамиятнинг моддий-маданий қиёфасини белгилаш билан бирга мамлакат фукароларинг маънавий-маърифий, ахлоқий тафаккур ва дунёқарашига, руҳий кечинмаларига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ана шунинг ўзи давлат билан фуқаро, ҳокимият билан аҳоли ўртасидаги муносабатларни адолатга таянган ҳолда уйғунлашиб кетиш имкониятини яратади. Юртбошимиз раҳбарлигида халқимиз тинч-осойишта ҳаёт кечирмоқда, мамлакатимизда қадам-бақадам ижобий иқтисодий ўзгаришлар содир булмоқда. Тадбиркор, билимдон, меҳнатсевар кишилар учун янги имкониятларга йўл очилмоқда.

Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак, деган тамойил ҳаётга кенг татбиқ этиляпти. Суд-ҳуқуқ тизимида адолатга эришиш, фуқароларнинг эртанги кунга бўлган ишончини

таъминлаш масаласи ҳамда давлат органлари фаолиятига холис баҳо бериш орқали инсон омилини юксалтириш лозимлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Қабул қилинган қонунларнинг ҳаётийлиги ва ижроси таъминланиши жамиятда устуворлик касб этиши керак. Эндиликда давлат ва нодавлат секторда ҳамда бутун ишлаб чиқаришда мутахассис ходимлар, иқтисодий ислоҳотларга тезда аралашиб кетувчи хизматчилар, бозор муносабатлари талаблари билан ҳозирги илғор жаҳон технологияси талабларига жавоб берувчи кадрлар зарур. Шунинг учун ҳам умумий ишлаб чиқаришдан илғор технологияларга асосланган ишлаб чикаришга ўтиш, маҳсулотлар экспорти ҳажмини кўпайтириш ва бугунги бозор шароитида янгича фикрлайдиган ходимларни тайёрлаш муҳим вазифа ҳисобланади.

Мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан ҳафтанинг ҳар пайшанба куни Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни, деб элон қилинганлиги ҳамда сайёр суд мажлисларининг ўтказилаётганлиги, халқ билан очиш ва самарали мулоқот олиб бориш тизимининг йўлга қўйилаётганлиги демократик принципларнинг амалда намоён бўлаётганлигидан далолат [2].

Таркибий ислоҳотлар кўламларини янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш, иқтисодиётни модернизациялаш, барқарор ва мутаносиблаштирилган макроиқтисодий кўрсаткичларни таъминлаш, инвестиция киритиш, эркин иктисодий зоналарни ривожлантириш, хусусий мулкчилик секторини мустаҳкамлаш ва бизнес учун қулай муҳитни янада яхшилаш, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасининг муҳим шарти сифатида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, экспортни ҳар томонлама рағбатлантириш борасида давлатимиз раҳбари томонидан амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар мамлакатимиз тараққиётини белгиловчи муҳим омил сифатида эътироф этилмоқда.

Эндиликда, Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари ҳар ойнинг охирги ўн кунлигида ўз сайловчилари билан учрашиб, аҳолини қийнаётган муаммоларни қонуний ҳал этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқаётганлиги, ҳокимият вакиллари фуқароларнинг мурожаатларига бефарк бўлмаётганлиги ҳам жамиятда юз бераётган ўзгаришларга инсонларнинг дахлдорлик ҳисси билан яшашига замин яратмоқда. Айни пайтда пухта ўйланган қатъий пул-кредит сиёсатини изчил давом эттириш, янги иш ўринларини яратишга муҳим масала сифатида қаралмоқда. Бугунги дунё ахборот хуружини бошидан кечирмокда. Шу сабабли ҳам аҳоли тафаккурида ахборотни ўзлаштириш энг долзарб масалалардан бири бўлиб бормоқда. Энди барча шахс ва ижтимоий гуруҳларнинг қизиқиши, кайфияти, ижтимоий ҳолати таҳлил этилар экан, ишсиз қатламни иш ўринлари билан таъминлаш муҳим масала бўлиб қолаверади. Бунда нодавлат секторни тараққий эттириш ҳам энг муҳим самарали воситалардан биридир. Чунки фуқаролик жамияти шаклланишида нодавлат сектор бошланғич бўғин сифатида баҳоланади. Айни шу жараёнларда инсон ўзининг ижтимоий муаммоларини ҳал этишда жамиятнинг субъекти сифатида намоён бўлади.

Бизнинг беғамлигимиз, лоқайдлигимиз ва ишимиздаги баъзи камчиликларимиз туфайли айрим ёшлар жиноий гуруҳлар, экстремистлар ва ёт, бузғунчи ғоялар таъсирига тушиб қолганлигини тан олишимиз керак.

Бутун юртимиз бўйлаб улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Шаҳар қишлоқларимиз қиёфаси кун сайин гўзаллашиб, аҳоли учун намунали лойиҳалар асосида арзон уй-жойлар ва инфратузилма тармоқлари барпо этилмоқда. Қайта тикланувчи электр манбалари, тоза ичимлик суви ва табиий газ таъминоти яхшиланяпти. Бозорлардаги дўконлардаги мўл-кўлчилик, дастурхонларимиз тўкин-сочинлигини айтмайсизми. Буларнинг барчаси, аввалambор, мустақиллигимиз, қолаверса, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик шарофатидан. Бу барчамизни фидойиликка ундамоқда.

Мамлакатимизда хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланди. Юртимизда истиқомат қилаётган 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари 138 та миллий-маданий марказга бирлашиб, “Ўзбекистон умумий уйимиз” шиори остида катта бир оиланинг фарзандларидек тинч-тотув яшаяпти. Бунинг замирида улкан инсонпарварлик сиёсати турибди. Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги фармонига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ташкил этилди. Бундан кўзланган асосий мақсад эса жамиятимизда миллатлараро ҳамжиҳатлик ва бағрикенгликни таъминлашга қаратилган давлат сиёсатини изчил давом эттиришдан иборат.

Дунёда глобализация жараёни кучайган, жаҳон миқёсида рақобат, ўзаро қарама-қаршилик тобора авж олаётган, радикализм, терроризм, экстремизм, прозелитизм ва “оммавий маданият” каби таҳдидлар кенгайиб бораётган ҳозирги замонда доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимиз керак. **“Ўз уйингни ўзинг асра”, “Ўз болангни ўзинг асра”** ғоялари орқали сафарбарлигимизни янада оширишимизни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Мамлакат чегаралари дахлсизлигини таъминлаш, Қуролли Кучларимизнинг жанговор салоҳиятини кучайтириш навқирон йигит-қизларимизни том маънода ватанпарварлик руҳида тарбиялашимиз даркор [3].

Шунингдек, бугунги пандемия даврида ижтимоий-сиёсат марказида давлатимизнинг ўзи турганлиги ва бунга ҳамкор сифатида халқимизнинг фидойи инсонлари томонидан саховат ва кўмак тадбирларининг ташкил этилаётганлиги мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар тамойилида инсонпарварлик ҳислатларини намоён этади.

Айнан, Қуролли Кучлар тизимида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижаси ўлароқ, буюк аждодларимиз Широқ, Тўмарис, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Нажмиддин Кубро, Амир Темур, Бобур каби миллий қаҳрамонларимизнинг кўрсатган жасоратини ҳарбий хизматчиларимизга доимо ўрнак сифатида кўрсатишдан биз доимо фахрланамиз. Қуролли Кучлар тизими ташкилий ва таркибий жиҳатдан анча такомиллашди [4].

Тузилмаларнинг ҳаракатчанлиги, жанговор қобилияти, ҳарбийларнинг жисмоний ва маънавий тайёргарлиги ошди. Қисм ва бўлинмалар замонавий қурол-яроғ ва жанговор техника билан таъминланган. Қуролли Кучларнинг юксак жанговорлик қобилияти иқтисодий, сиёсий, стратегик ҳамда ҳарбий техникавий ва илмий куч-қудратини ривожлантириш орқали Ўзбекистон халқининг жипслиги ва ҳар бир фуқарони ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг энг муҳим принципи ҳисобланади. Демак, ҳарбий соҳадаги кенг кўламда амалга оширилаётган ишлар туфайли қатъий интизом, маънавий-маърифий тафаккур юксалади.

Эндиликдаги вазифа Ҳаракатлар стретегиясидан тараққиёт стратегияси сари тамойилининг асосида ватан равнақи, халқ фаровонлиги, юрт тинчлиги, ижтимоий ҳамкорлик ғоялари турганлигини ҳис қилган ҳолда мамлакатимиздаги ҳар бир фуқаро масъулият ва бурч орқали ўз касбига содиқ бўлиши лозим эканлигини англаши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. [1] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2016. Б. 26.
2. [2] Мирзиёев Ш.М. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак”. Т.: Ўзбекистон. 2017.Б. 56-68.
3. [3] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Янги Ўзбекистон газетаси, 25 январ 2020 йил.Б.112-126.
4. [4] Каримов И.А.Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.Б.23-56.

БУХОРО ХОНЛИГИНИНГ МАЪНАВИЙ ҲАЁТИ ВА ТАШҚИ МУНОСАБАТЛАРИ (XVII АСР)

Файзрахманова Зарина Илдаровна,
ЎзМУ тадқиқотчиси

Мамлакатимизда ислоҳотлар натижасида Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асослари яратилди. Тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаш мақсадида “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” тамойилига асосан ишлаб чиқилган 7 та устувор йўналишдан иборат “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш алоҳида йўналиш (5) сифатида белгиланди. Шунингдек, “Янги Ўзбекистон – Учинчи Ренессанс” шиори остида анжуманлар ташкил этиш, буюк аждодларимизнинг бой илмий

меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш, Ўзбекистан тарихини ўрганиш ва тарғиб қилишни янада ривожлантириш, тарих фанини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини амалга ошириш мақсад қилиб қўйилди [5]. Шунинг учун Шайбонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида Бухоро хонлигининг маънавий ҳаёти ва ташқи муносабатларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Шайбонийлар темурийлар даврида яратилган юксак маданиятни муносиб эттирганлар. Шайбонийлар даврида фан ва маданият баҳоли қудрат ривож топишига ушбу сулола ҳукмдорлари орасидан етук илм-фан арбоблари етишиб чиққанлиги ҳам таъсир кўрсатган. Чунончи Шайбонийхон, Кўчкунчихон ва Убайдуллахон ниҳоятда ўқимишли кишилар бўлишган. Шайбонийхон, Абдулазизхон ва Абдуллахонлар кутубхоналарида ажойиб китоб хазиналари бўлган. Шайбонийхон, Убайдуллахон ва Абдуллахон II илм-фан, маърифат ҳомийлари эди. Шайбонийхон темурийлардан сўнг Самарқанд ва Бухорони фан, маданият ва санъат марказлари сифатида ривожлантиришга ҳаракат қилди.

Таълим соҳасида ҳам Шайбонийлар ислоҳат ўтказишига амалдорлар гуруҳини вужудга келтириш ва уларни жамиятнинг асосий таянчига айлантириш зарурати сабаб бўлди. Ислоҳатга кўра кўп босқичли ўқитиш тизими жорий этилди: ҳар бир маҳаллада мактаб очилди, баъзи хонадонларда уй таълими жорий этилди, 6 ёшдан таълим бериладиган бўлди, мактабда 2 йил ўқигач, мадрасага ўтказиларди. XVII асрда Самарқандда Шайбонийхон, Бухорода Абдуллахон, Тошкентда Бароқхон ва Кўкалдош мадрасалари қурилди ва фаолият юритди. Мадрасада 3 боқичли таълим жорий этилди: ҳар бир босқичда 7 йилдан, 21 йил давом этарди. Ўқувчилар: илоҳият, ҳисоб, ҳандаса, фиқҳ, мантиқ, мусиқа, шеърият санъатидан илм олардилар [6].

Илм-фаннинг шайбонийлар даврида маълум даражада ривожланган соҳалари: тиббиёт, математика ва астрономия эди, айниқса тарих ва тиббиёт бошқа соҳаларга қараганда илдамроқ ривожланди. Тиббиёт соҳасида Муҳаммад Мазид “табиблар ифтихори” деб шарафланган, жарроҳ мавлоно Бақо, кўз касалликларини даволашда Шоҳали ибн Сулаймон, “Даволаш бўйича дастур” асари муаллифи Султонали Самарқандий, “Кўз касаллигига доир асосий китоб” деган асар ёзган Убайдуллоҳ Қаҳҳол машҳур бўлган. Математика илмига Муҳаммад Амин, Бобокалон Самарқандий, мавлоно Кавкабий; Астрономия илмига Муҳаммад Ҳусайни Бухорий “Қибла томонни топиш маърифати”, Аҳмад Фаризий “Ой фазоларининг тенглиги ҳақида рисола” каби асари билан ҳисса қўшди.

Тарих фани соҳасида Шайбонийлар даврида йирик тарихий асарлар яратилган: Камолиддин Биноий “Шайбонийнома”, Муҳаммад Солиҳ “Шайбонийнома”, Муҳаммад Ҳайдар "Тарихи Рашидий", Фазлуллоҳ ибн Рўзбехон “Меҳмоннамайи Бухоро”, Ҳофиз Таниш Бухорий "Абдулланома", “Шарҳномайи шоҳий”, Султон Муҳаммад Ҳофиз Тошкандий "Тарихи жадидайи Тошканд" асарини ёзган. Биноийнинг “Шайбонийнома” асари Дашти Қипчоқ ва Мовароуннаҳрнинг XV аср ўрталаридан XVII аср

бошларигача бўлган воқеаларни ўз ичига олади. Шунингдек, шайбонийлар билан Эрон сафавийлари ўртасидаги муносабатлар ҳақида маълумот беради. М.Солиҳнинг “Шайбонийнома” асари ўзбек тилида ёзилган бўлиб, Шайбонийхоннинг ҳарбий юришларига бағишланган. Ҳофиз Таниш Бухорий "Абдулланома" асарини Чингизхоннинг Мовароуннаҳр, Чингизийлар ҳукмронлигининг ўрнатилиши, Дашти Қипчоқда Абулхайрхон давлатининг ташкил этилиши, Шайбонийхоннинг ҳарбий юришлари, унинг ўлимидан сўнг Мовароуннаҳрдаги аҳвол, Абдуллахон II нинг мамлакатни бирлаштириш йўлидаги кураши тарихига бағишланган.

Адабиёт ҳам шайбонийлар даврида ривожланиб, бу давр адабиётида М.Шайбонийхон, унинг жияни Убайдуллахон, К.Биноий, М.Солиҳ ва Мушфиқийлар алоҳида ўрин тутади. Умрини жангда ўтказган Шайбонийхон шеърият билан шуғулланиб, юқори савияли бадиий асар қолдирган. Шайбонийхоннинг жияни Убайдуллахон ғазал, рубоий, қитъа ва туюқлари билан шеъриятга катта ҳисса қўшган. У "Убайдий", "Убайдулло", "Қул Убайдий" тахаллуслари билан ижод қилган. Убайдуллахон форс ва араб тилларини яхши билган ва шу тилларда ижод қилган ўзбек, форс ва араб тилларидаги шеърлари 3 девонда тўпланган, кейинчалик улар битта муқовага жамланиб “Куллиёт” деб номланган.

М.Солиҳнинг “Шайбонийнома” асари айни пайтда адабий достон ҳам ҳисобланиб, юксак бадиий савияси ва тилининг соддалиги билан ажралиб туради. Абдуллахон II саройида хизмат қилган ва “Малик уш-шуаро” унвонига сазовор бўлган шоир Мушфиқий ўз шеърларида юқори табақа вакиллари адолатсизлигини фош этган [4].

Шайбонийлар қўшни давлатлар билан мунтазам элчилик ва савдо муносабатлари олиб борганлар. Бухоро хонлиги билан Бобурийлар муносабатлари ўрнатилиши Бобур ва Кўчкинчихонлар номи билан боғлиқ. Кўчкинчихон даврида Бухоро хонлиги Бобурийлар давлатини тан олди ва савдо-элчилик муносабатлприни ўрнатди. Бобур ҳам Бухорога элчилар юборган. Ҳумоюн даврида ҳам савдо-элчилик давом этган

Абдуллахон II Сафавийларга қарши курашда бобурийлар билан бирга ҳаракат қилишга интилади. У 1572 йилда Акбаршоҳ ҳузурига ўз элчиларини юборди, элчилар совға ва мактуб олиб борди. Абдуллахон ўз мактубида икки давлат ўртасида дўстлик муносабатларини мустаҳкамлашни баён қилган эди; бундан мақсад бошқа давлатлар ҳужумига қарши иттифоқ тузиш эди. Абдуллахон II Ҳиндистонга иккинчи марта 1577 йилда элчи юборган, бу элчиликдан сиёсий мақсад кўзланган эди: Абдуллахон II Эронни ўзаро тақсимлаб олишни таклиф қилди. Акбаршоҳ бунга рози бўлмади, чунки у турли динга этикод қилувчилар тарафдори бўлиб, диний бағрикенгликни давлат сиёсати даражасига кўтарган, Эрон билан ҳам яхши муносабатда эди.

Акбаршоҳ Ҳиндистон шимолидаги Синд ва Кашмирни босиб олди, Бухоро хонлиги бу ҳодисани шайбонийлар давлатининг жанубий чегараларига яқинлашуви деб ҳисоблади, чунки Ҳиндистонда ҳам Мовароуннаҳрда ҳам Акбаршоҳни Мовароуннаҳрни босиб олишга ундовчи кучлар бор эди.

Абдуллахон II эса 1584 йилда Бадахшонни эгаллади. Абдуллахон 1585 йилда Акбаршоҳ ҳузурига учинчи марта элчи юбориб, Бадахшон орқали Макка ва Мадинага борадиган йўлни ғайридинлардан тозалаш мақсадида Бадахшонни босиб олиш сабабини изоҳлайди [3].

Акбаршоҳ 1586 йилда ўз элчиларини Абдуллахон ҳузурига юбориб Туркия Эроннинг бир қисмини босиб олганини, Бухоро ва Ҳиндистон Эронга ёрдам бериш зарурлигини маълум қилади. Эрон шайбонийларни ўзининг асосий рақиби деб ҳисоблагани учун Абдуллахон Акбаршоҳнинг таклифига рози бўлмайди. Бу даврда Аббос II Эронни бирлаштириб, мустаҳкамлади. Шундай шароитда Бадахшонда Абдуллахонга қарши исён кўтарилди, Бухорода бу исёнда Акбаршоҳнинг қўли бор деган гумон пайдо бўлди. Бадахшон ҳукмдори Абдуллахоннинг ўғли Абдулмўмин Акбаршоҳдан бошпана берилган бадахшонлик исёнчиларни Бухорога юборишни талаб қилди. Шу туфайли Бухоро ва Ҳиндистон ўртасидаги муносабатларга совуқчилик тушади. Абдуллахон Акбаршоҳ ҳузурига ўз элчисини юбориб, ўғлининг хатти-ҳаракати учун Акбаршоҳдан узр сўраган.

Туркия ва Бухоро ўртасидаги шартномани султон Боязид II ва Шайбонийхон Эрон сафавийларига қарши кураш тўғрисида тузган. Шайбонийлар элчиси 1515 йилда Султон Салим ҳузурига борди. С.Салимнинг элчиси ўша йили (1515) Бухорога султоннинг мактубини олиб келади, султон ўз мактубида Убайдуллахонни Эронга қарши курашга чақиради.

Эрон ва Бухоро манфаатлари тўқнашган нуқта Хуросон бўлиб, бунинг сабаби Хуросоннинг ҳарбий-сиёсий, савдо-иқтисодий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга эканлигида бўлиб, Хуросон Эрон, Бухоро ва Ҳиндистон йўналишида дарвоза вазифасини ҳам ўтар эди. Хуросон назорати масаласида шайбонийлар ва сафавийлар ўртасида кураш кетган. Шайбонийлар Хуросон масаласида Шайбонийхон, Убайдуллахон, Абдуллахон II даврида устунлик қилган. Абдуллахон II Хуросоннинг Марв, Нишопур, Машҳад каби йирик шаҳарларини эгаллаган [2].

Россия - Бухоро муносабатлари XVII асрнинг иккинчи ярмидан ривожлана борди. Абдуллахон II Россия билан савдо алоқаларини яхшилашга ҳаракат қилди, бу орқали ўз давлатининг сиёсий аҳволни мустаҳкамлашга эришмоқчи эди, чунки Иван Грозний (1533-1584) даврида Россиянинг мавқеи кучая борди. Волга атрофидаги вилоятларда савдо қилиш Бухоро савдогарлари учун қулай эди, чунки Россия яқин қўшни бўлиб, Қозон татарлари ва бошқардлар билан дин ва тили ҳам яқин эди. Абдуллахон II Москвага 1557-1558 йилларда элчилар юборди, элчилар Астрахан орқали Москвага бориб Грозний ҳузурида бўлади. Элчилар ўз хонлари номидан Грознийдан савдогарларнинг Волга бўйлаб эркин ўтишларига ижозат сўрайди. Умуман, Россия ҳам Бухоро хонлиги билан савдони ривожлантиришдан манфаатдор эди: 1) Россия ўз товарларини сотиши учун Бухоро қулай бозор эди. 2) Россия Бухоро орқали Осиё давлатларига, биринчи ўринда Ҳиндистонга чиқиш имконига эга бўларди. Москвада 1555 йилда ташкил этилган "Москва савдо компанияси" вакили Антоний Женкинсон бошлиқ

элчилар рус подшосининг гувоҳномаси билан 1558 йилда Бухорога юборилди. Женкинсонни Бухорода Абдуллахон II қабул қилди. Женкинсон Бухоронинг халқаро ва ички савдо имкониятларини "Россиядаги Москва шаҳридан Бақтриядаги Бухоро шаҳригача 1558 йилги саёҳат" [1] номли эсдаликларида баён қилган. А.Женкинсон элчилиги натижасида Россия-Бухоро ўртасида яхши савдо-дипломатик алоқалар йўлга қўйилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Женкинсон А. Россиядаги Москвадан Бақтриядаги Бухоро шаҳригача 1558 йилги саёҳат. –Тошкент.: Баёз, 2017. -Б. 39.
2. Замонов А.Т., Тўхтабеков К.А. Бухоро хонлигида сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнлар. –Б. 142.
3. Мавлонов Ў.М. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. –Тошкент.: Академия, 2008. –Б. 281.
4. Низомиддинов И. XVII-XVIII асрларда Ўрта Осиё – Ҳиндистон муносабатлари. Т.: Фан, 1966. –Б. 120.
5. Норқулов Н., Жўраев У. Ўзбекистон тарихи (XVII-XIX асрнинг биринчи ярми).. – Т.: Шарқ, 2000. -Б. 48.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони // “Янги Ўзбекистон” газетаси, 2022 йил 1 феврал, № 22.

ТОШКЕНТ АЛЛОМАЛАРИНИНГ МАЪНАВИЙ МЕРОСИ (XVI АСР)

Абдурасилов Шахрух Раупович,
ЎзМУ тадқиқотчиси

Тошкент воҳаси Ўрта Осиё тарихида, минтақанинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий тараққиётида алоҳида ўрин эгаллаган. “Тарихга назар солсак, Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган она заминимиз азалдан юксак сивилизасия ва маданият ўчоқларидан бири бўлганини кўрамиз. Халқимизнинг бой илмий-маданий мероси, тошга муҳрланган қадимий ёзувлар, бебаҳо меъморий обидалар, нодир қўлёзмалар, турли осори атиқалар давлатчилик тарихимизнинг уч минг йиллик теран илдизларидан далолат беради” [7]. Шу сабабдан ҳам, Тошкент тарихи, воҳа ҳаётига оид манбаларни ўрганиш, илмий таҳлил қилиш, унинг ҳозирги кунда ҳам ўз мавқеини йўқотмаганини илмий жиҳатдан асосланган ҳолда кўрсатиб бериш долзарб вазифалардан саналади.

Шош (Тошкент) воҳаси ўрта асрларда Мовароуннаҳрдагина эмас, балки мусулмон оламида ҳам салоҳиятли ҳисобланган. Тарихий манбаларда турли даврларда Чоч, Шош ва Тошкент деб номланган воҳа Мовароуннаҳрнинг

Бухоро, Самарқанд, шунингдек Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларини Эттисув ва Шарқий Туркистон шаҳарлари билан алоқаларида муҳим ўринда турган [5]. Шош воҳасида ташқи савдонинг ривож топишида Буюк Ипак йўлининг аҳамияти жуда катта бўлган. Ипак йўлининг тармоқлари Шош ва Илоқ воҳаларидан ўтган. Бу йўл орқали маҳаллий аҳоли шарқда Хитой билан, шимоли – ғарбда Сирдарёнинг қуйи оқимлари, Орол денгизи ва Волга бўйларидаги халқлар билан, ғарбда эса Мовароуннаҳр орқали Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон ва Олд Осиёдаги барча йирик мамлакатлар билан доимий алоқада бўлишган [2].

Манбаларда Шош вилоятида 30 га яқин, Илоқда 13 та йирик шаҳар мавжудлиги қайд этилган. Араб географлари Шошда 25 ёки 27 та, Илоқда 13 та шаҳар мавжудлиги ҳақида маълумот беришган. Истаҳрий Шошда 27 та, Илоқда 14 та шаҳар борлигини қайд этган. Араб географи Ал-Муқаддасий (940-1000) эса Шошда 34 та, Илоқда 14 та шаҳар мавжудлигини таъкидлаган. Воҳанинг қулай географик ва халқаро савдо йўллари кесишган ҳудудда жойлашганлиги унинг иқтисодий-маданий жиҳатдан гуллаб-яшнашига ёрдам берган. IX-XVI асрдаги юксалиш кенг миқёсдаги савдо-иқтисодий ва маданий тараққиётга йўл очган [9].

IX-XVI асрда Ўрта Осиёда илм-фан ва маданият, айниқса ислом илмлари тараққий қилган. Минтақадаги Бухоро, Самарқанд, Насаф (Қарши), Хива, Термиз, Шош (Тошкент) каби қадимий шаҳарлар ислом дунёсидаги илм-фан ва маданият марказлари сифатида машҳур бўлган. Жумладан, Тошкент (Шош)дан ҳадис, фиқҳ каби ислом илмларида кўплаб таниқли олимлар этишиб чиққан. Ўрта асрларда Тошкентда яшаб, фаолият кўрсатган кўплаб буюк олимлар “Шоший”, XVII асрда “Тошкандий” нисбаси (тахаллуси) билан дунёга танилганлар. Уларнинг ҳаёти, фаолияти ва илмий-маънавий меросини ҳар томонлама чуқур тадқиқ қилиш Шош воҳаси тарихини ўрганиш билан бир қаторда, бу олимларнинг ислом илми ва маданияти ривожида тутган ўринларини аниқлашга хизмат қилади.

Тошкент номини жаҳонга машҳур қилган алломаларни шартли равишда валийлик мақомига этганлар ва уламолар тоифасига бўлиш мумкин. Масалан, Шаҳобиддин Суҳарвардийнинг даъвати билан Шошга келган Шайх Абу Бакр Зайниддин Куйи Орифон Тошкандий (Шайх Зайниддин бобо), Ойхўжа ибн Тошхўжа – Занги ота, Шайх Хованди Таҳур, Алишер Навоий таъбири билан айтганда “муршиди офоқ” бўлган Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий сингари зотлар валийлик мақомига эришган олимлардан бўлишса, “Ҳазрати Имом” рутбасини олган Абу Бакр Қаффол Шоший, ишончли муҳаддис “Имом Шоший” сифатида танилган Абу Саъид Ҳайсам ибн Кулайб Шоший, “Фахр ул-ислом”, “ал-Кабир” номлари билан улуғланган Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Шоший ва бошқалар ислом оламида эъзоз топган алломалар бўлишган [4].

Шош воҳасида ўрта асрларда 100 дан ортиқ олимларнинг номлари аниқланган. Имом Абдуллоҳ ибн Авона Шоший, Имом Абу Бакр ибн Али ибн Ҳомид Шоший, Абу Саъид Исо ибн Солим Шоший, Абу Муҳаммад Жаъфар

ибн Шуайб Шоший, Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Хузайм Шоший, Абу Али Ҳасан ибн Соҳиб ибн Ҳамид Ҳофиз Шоший, Абулайс Наср ибн Ҳасан ибн Қосим Шоший Тункатий, Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Хузайм ибн Қумайр ибн Хоқон Шоший ва бошқа кўплаб муҳаддислар жаҳоннинг турли шаҳарларида фаолият юритишиб, таълим берганлар, кутубхона ва мадрасаларда диний илмларнинг хилма-хил соҳалари бўйича тадқиқотлар олиб борганлар.

XV-XVI асрларда Шош воҳаси ижтимоий-маърифий ҳаётида табиблар, хаттотлар ва муаррих олимлар алоҳида рол ўйнашди. Шошда яшаган таниқли муаррих Абу Сулаймон Банокатий “Малик уш-шуаро” сифатида машҳурдир. Унинг “Равзат ал-албоб фит-таворих вал-ансоб” (“Тарих ва насаблар ҳақида оқиллар боғи”) асари “Тарихи Банокатий” сифатида оммалашган. Чоч (Шош)лик шоир Бадриддин Чочий ҳаётининг кўп қисмини Ҳиндистонда ўтказган ва “Фахр аз-замон” унвонини олган. Шоир Алойи Шоший ҳақида Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” асарида эҳтиром билан эслатиб ўтади.

XVI асрда яшаган муаррих Мирза Муҳаммад Ҳайдар Тошкент шаҳрида туғилган, “Тарихи Рашидий” асарининг муаллифи. Унинг онаси Хўб Нигорхоним Тошкент ҳукмдори Юнусхоннинг қизи, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг холаси бўлган.

Тошкентда ўз даврининг олими ва муаррихи, Мирзо Улуғбекнинг шогирди Али Қушчининг набираси Ҳофиз Кўҳакий ҳам яшаб ижод этган. Халқ орасида уни Ҳофиз Кўйки деб аташган. Унинг асарлари араб тили ва грамматикаси, мантиқ, фиқҳ масалаларига бағишланган.

Тошкентда шифокор-табиблар ҳам фаолият кўрсатган. XVI асрда яшаган кўз табиби Убайдулла ибн Муҳаммад Юсуф Каҳҳол жуда машҳур бўлган. У Тошкент ҳокими Шайбоний Дарвешхоннинг шахсий табиби бўлган. Шунингдек, XVI асрда Шоҳ Али Каҳҳол, Боқий Жарроҳ Тошкандий каби табиблар фаолият кўрсатган [6].

Тошкент маданияти тарихида хаттотлар ўчмас из қолдиришган. Чунончи, Тафтазонийнинг шогирди Жамшид Шоший 1358 йилда Маҳмуд Замахшарийнинг “Кашшоф” асарини насх хати билан кўчирган. Бу нодир қўлёзма ислом оламида машҳурдир. Абдулвадуд Котиб номи билан машҳур Абдулвадуд ибн Хожа Абдулвасиъ Шоший (XV) таниқли олим Абдуллоҳ Хатиб Табризийнинг “Мушкот ал-Масобиҳ” асарини насх хати билан кўчирган.

XVI асрда Тошкент маданий ҳаёти тарихидан Ибодулло Тошкандий, Дардий, Ҳофиз Кўҳакийнинг шогирди Шуҳратий Оҳангароний, Муҳтарам Тошкандий, Муллои Тошкандий, кейинги асрларда фаолият кўрсатган Марохий Тошкандий, Вафоий Дўрмоний, Содиқий Тошкандий, Абдуғаффор Тошкандий, Фатҳий Тошкандий, Муҳаммад Тоҳир Тошкандий, Кулфат, Зоиъ Тошкандий, Улфат, Дилкаш, Фазлуллоҳ Алмаий, Азизуллахон сингари шоир ва адиблар ўрин олишган.

Мустақиллик йилларида улуғ аждодлар қолдирган бой маданий меросни тиклаш ва янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда буюк аллома ва азиз авлиёлар қадамжоларини таъмирлаш ва ободонлаштириш,

уларнинг бой илмий-маданий меросини ўрганиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Ноёб ислом обидалари, жумладан, “Баракҳон”, “Мўйи Муборак”, “Намозгоҳ”, “Ҳастимом” каби кўплаб масжид ва мадрасалар қайта таъмирланди. Бу ўзгаришлар халқаро жамоатчилик томонидан эътироф этилиб, юқори баҳоланмоқда [1].

Ислом конференцияси ташкилотининг тузулмаларидан бири – Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти томонидан 2007 йилда Тошкент шаҳрининг ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши Ўзбекистон, хусусан, унинг пойтахти Тошкент шаҳри ислом цивилизасияси тарихида ўзига хос ўринга эга эканидан яна бир далолатдир. Тошкент шаҳрига ушбу юксак мақом берилишининг ўзига хос тарихий ва замонавий асослари мавжуд.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан диний-маърифий соҳада кўплаб хайрли ишлар қилинди – Самарқандда Имом Бухорий, Термизда Имом Термизий номидаги халқаро илмий-тадқиқот марказлари барпо этилди. Айни пайтда ақида ва калом илми ривожига беқиёс ҳисса қўшган Имом Мотуридий, Абу Муин Насафий каби алломаларнинг улкан меросини чуқур тадқиқ этиш мақсадида улар номидаги илмий марказлар ташкил этиляпти. Бу ишлар буюк аждодларнинг ислом дини ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини, уларнинг бутун дунё қадрлайдиган илмий меросини ўрганишга кенг йўл очди [3].

Ўзбекистонда миллий-диний қадриятларни асраб-авайлаш, шу асосда ёш авлодни эзгу умуминсоний ғоялар руҳида тарбиялаш борасида ишлар изчил олиб борилмоқда. Миллатлараро ва динлараро бағрикенглик муҳити мустаҳкамланиб, кўп миллатли халқнинг диний эътиқод эркинлиги таъминланмоқда. 2018 йилда БМТ Бош Ассамблеяси Ўзбекистон Президенти илгари сурган “Маърифат ва диний бағрикенглик” махсус резолюсиясини қабул қилган эди. Яқинда АҚШ давлат департаменти томонидан Ўзбекистон диний эркинлик соҳасидаги “махсус кузатувдаги давлатлар” рўйхатидан чиқарилди. Бу ҳам кенг кўламли демократик ислоҳотларнинг эътирофи бўлди.

Ўзбекистондаги ислом цивилизасияси маркази умумбашарий сивилизасия ривожига беназир ҳисса қўшган буюк аждодларнинг бой меросини ўрганиш, диннинг асл моҳиятини аваламбор халққа, дунё ҳамжамиятига этказиш, жамиятда “жаҳолатга қарши - маърифат” тамойилини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йил 23 июнда қабул қилган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори [8]. асосида Тошкентда марказ биноси қурилиши бошланди. Ислом цивилизацияси маркази 15 та хорижий муассасалар билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Мазкур даргоҳ аждодлар тарихидан сабоқ, меросидан таълим оладиган табаррук маскан бўлади. Тошкент тарихи, Қуръон, ҳадис ва хаттотликни ўрганиш йўлга қўйилади [10]. Марказ ёш авлодни ватанпарварлик,

одамийлик, эзгулик туйғулари асосида, илмсевар инсонлар этиб тарбиялашда беқиёс манба бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. “Тошкент” энциклопедияси. – Т., 2009. – Б. 296.
2. Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. -Тошкент: Университет, 2007. –Б. 44.
3. Бобобеков Ҳ., Содиқов М., Миркомилов М. Тошкент тарихи. -Т., “Фан ва технология”, 2009. –Б. 197.
4. Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. -Тошкент: Академия, 2008. –Б. 166.
5. Муҳамедов М. Шош воҳаси олимларининг илмий-маънавий мероси. – Тошкент:. Тошкент ислом университети, 2007. –Б. 113.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 30 сентябрда Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. // Янги Ўзбекистон, 2020 йил 1 октябр.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3080-сон қарори. // Халқ сўзи, 2017 йил 24 июн.
8. Шониёзов К. Қарлуқ давлати ва қарлуқлар. -Тошкент: Шарқ, 1999. –Б. 37.
9. Элмуродов М. Эски шаҳарда янги тарих барпо этилмоқда. // Янги Ўзбекистон, 2021 йил 30 январ, № 21.

МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШ ҒОЯСИ ВА ТАРИХИЙ ТАФАККУР ОМИЛИ

Эрназаров Шермухаммат Эшбекович,
ЎзМУ Тарих факултети ўқитувчиси

Жаҳонда миллий ғоянинг замонавий талқинлари XX асрда кўплаб яратилди. Замонавий деганда XIX асрнинг иккинчи ярмидан ҳозирги кунгача тараққий этиб келаётган илмий тафаккур тарзи назарда тутилади. Бунда тушунча ва фикрларнинг илмий тавсифий хусусияти биринчи ўринда туради. Рус олимлари ижтимоий идеал миллий ғоя бўлишини асосладилар. Яъни, инсонийлик (гуманизм) мақсадлар мажмуи бўлган ижтимоий идеал жамият кишиларини бунёдкорликка ундайди. Бу фикр кўпчиликни қизиқтирди ва бу ғоя Россия халқи учун миллий ғоя бўла олади, деган фикрга келинди.

Инглиз файласуфи А.Тойнби тарихни англаш миллий ғояни вужудга келтиради, деган фикрни илгари сурди. Унинг фикрича, ҳар бир халқнинг ўзига хос тарихи мавжуд, уни билиш халқни тараққиёт учун бирлаштиради. Чунки, миллий ғоя амалиёти учун тарих ҳақиқатидан ибрат олиш ва сабоқ

чиқариш заруриятдир. Ҳозирги кунгача инглиз жамияти учун А.Тойнбининг бу ғояси муҳим бўлиб қолмоқда.

Америкалик файласуф К.Поплер очиқ жамият ғояси миллий ғоя бўлиши мумкин, деган фикрни айтади. Унга кўра, ҳар қандай жамият кишилар учун бўлиши, ким қаерда яшашни истаса ўша эрда яшаши керак. Бу қарашда инсоннинг эркин яшаш ҳуқуқи олий қадрият сифатида талқин қилинади ва глобаллашув даври учун хос бўлган фикр, дейиш мумкин. Аммо, файласуф фуқаролар жамият қоидаларига амал қилишини назарга олмайди ва Америка жамияти моделини намуна қилиб кўрсатади [8].

“Совуқ уруш” давридан кейин дунёнинг мафкуравий манзараси ўзгарди, мустақил давлатлар пайдо бўлди ва миллий ғоя мустақил ривожланиш йўлига кирган давлатлар учун долзарб бўлиб қолди. Мустақил Ўзбекистонда Биринчи Президент И.Каримов томонидан миллий истиқлол ғояси асослаб берилди. Бугунги кунда Янги Ўзбекистонни барпо этиш, мамлакатнинг замонавий қиёфасини яратиш, янги жамият қуриш мақсадлари, умуман тараққиётнинг янги босқичи ёндашувларни тубдан ўзгартиришни талаб қилмоқда.

Янги Ўзбекистон стратегияси этти йўналишдан иборат: 1) халқпарвар давлат барпо этиш, инсон қадри-қимматини таъминлаш; 2) адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш; 3) миллий иқтисодиётнини ривожлантириш; 4) сифатли таълим ва аҳоли саломатлигига эътибор бериш; 5) маънавий ва маърифий соҳаларни ривожлантириш; 6) умумбашарий муаммоларга эчим топиш; 7) Тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, устувор мақсад бўлиб қолади [7]. Бу ислоҳотларни янги поғонага кўтаришда муҳим саналади.

Президент Ш.Мирзиёев “Янги Ўзбекистон Стратегияси” китобида шундай деди: “Янги Ўзбекистон тушунчасида мужассам бўлган халқ орзуси тарихий тараққиётнинг барча даврларида миллатнинг етук вакилларини уни рўёбга чиқариш йўлида амалий ҳаракатларга ундаб келди” [2]. Миллий юксалиш ғоясини ифодаловчи тушунчаларни жамоатчиликка тушунтириш учун унинг назарий ва амалий услубларини илмий асослаш лозим бўлади.

Янги тараққиёт ғояси қадим тарихда аждодлар яратган инсонпарвар ва тараққийпарвар ғояларда ўз ифодасини топган. Тарихий тараққиётнинг барча даврларида халқнинг буюк намояндалари уни амалга оширишга ҳаракат қилган. “Авесто” ғоялари қадимда халқ тафаккури ва турмуш тарзига ижобий таъсир кўрсатиб, тарихий онги юксалишига сабаб бўлган. Озодлик, мустақиллик ва ватанпарварлик ғоялари сак-массагетлар маликаси Тўмарис, Спитамен, Жалолиддин Мангубердига шижоат бахш этган. Ватан мустақиллиги учун курашган қаҳрамонлар ёди миллатнинг тарихий хотирасини белгилайди. Миллий ғоя тарғиботида ватанпарварлик туйғусини шакллантиришнинг замонавий усуллари ва воситалари орқали амалга оширилиши лозим.

Ўрта асрлардаги Маърифий уйғониш ғоялари Биринчи Ренессанс учун маънавий асос бўлган. Ўша даврда ижод қилган Ўрта Осиё мутафаккирлари асарларида адолатпарварлик, комиллик ғоялари акс эттирилган. Темур ва Темурийлар Ренессанси – Иккинчи уйғониш даври ғоялари бунёдкорлик,

марказлашган давлат, адолатли жамият ғоясида мужассам бўлди ва буюк сиймоларни яратди.

Буюк алломаларнинг асарларида акс этган одил подшо, адолатли жамият, комил инсон тасаввуф ғоялари инсонларни тарихий онги ва тафаккуридаги илоҳий тушунчаларни янгилади. Бу давр комилликка сабаб бўлувчи иймон-эътиқодни миллат учун қадриятга айлантирди. Комиллик, иймон ва маърифат ғояси халқ руҳиятидан ўрин олди. Жадидлар ижодида маърифатпарварлик ва тарихий билимларни эгаллаш ғоялари ўз аксини топди. Бу ғоя маънавият ва маърифатни фаровон ҳаётга, миллий мустақилликка элтувчи куч сифатида англаш имконини берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев мамлакатда маънавий-маърифий тарғибот ишларининг мазмун-мундарижасини тубдан яхшилаш мақсадида қабул қилган ҳужжатларда [5] миллий ғояни мамлакатда яшаётган барча миллат ва элатлар, ижтимоий тоифа вакиллари ўртасида кенг тарғиб этиш, бунёдкорлик руҳини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Миллий таълим тизимида тарихий-маънавий меросдан унумли фойдаланиш тажрибаси ҳаётий дастурга айланиши керак. Буюк аждодлар меросига таяниб янги Ренессанс пойдеворини яратиш учун тарихий шарт-шароитлар мавжуд, энди гап ана шу тарихий меросдан оқилона фойдаланишга боғлиқ.

“Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан бошланади” [6], деган ғоя асосида таълим-тарбия умуммиллий ҳаракатга айланмоқда, замонавий ихтисослаштирилган мактаблар тизими яратилмоқда. “Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси” доирасида таълим тизимига “Тарбия” фани киритилди, унинг назарий-методологик асослари шарқона тарбия негизларига таяниб, улуғ алломаларнинг асарларидан фойдаланилди. Чунки, янги тарихий онг ва тафаккур таълим-тарбия тизимидан бошланади.

Мамлакатда Президент мактаблари ва ижод мактаблари барпо этилди, “Замонавий мактаб” дастури жорий этилмоқда. Ёшлар ишлари агентлиги, Ёшлар масалалари бўйича идоралараро кенгаш, Ёшлар парламентлари, Ёшлар академияси ташкил этилди. Шунингдек, ҳудудларда “Лойиҳалар фабрикаси” иш бошлади. “Ёшлар келажагимиз” давлат дастури доирасида иқтидорли ёшларнинг бизнес лойиҳаларига имтиёзли кредитлар ажратилди [4]. Мақсад – Янги Ўзбекистонни яратувчи миллий кадрларни яратиш, миллий ғояни жаҳон миқёсида тарғиб қилишдир.

Шунингдек, мактаб фақат таълим маскани эмас, маънавият ва касб ўргатувчи даргоҳга айланиши учун “2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Узлуксиз таълим ва тарбия соҳасини гуманитарлаштириш стратегияси” ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Миллий тафаккурга эга бўлган янги авлодни тарбиялаш мақсадида “Маънавиятшунослик” ва “Касб маънавияти” фанлари жорий этилди. Бу касбни эгаллаганлар янги Ўзбекистон ғоясини илмий ўрганади ва тарғиб қилади. Аммо, ҳалигача таълим тизимида ижтимоий фанларни ўқитиш бўйича яхлит концепция мавжуд эмас.

Ижтимоий фанларга эътиборсизлик натижасида дунёқараши тор, жамият ва давлат тушунчаларидан бехабар “Бой берилган авлод” шаклланиши мумкин. Бу бир вақтлар чет элларда яратилган, ғоясизликка асосланган концепциянинг натижаси, дунёда маънавий таназуллга сабаб бўлган, инсониятни маънавий ғариблаштиришга олиб келган маънавиятсизлик ва ғоясизлик технологияларининг оқибатидир.

Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ижтимоий, иқтисодий ва психологик муаммоларни бартараф этишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириши белгилаб қўйилди [3]. Бугунги кунда мамлакатнинг ҳар бир фуқаросида самарали ва мустаҳкам маънавий иммунитетни шакллантириш кечиктириб бўлмайдиган вазифага айланди.

Мустақиллкнинг илк кунларидан бошлаб ўзликни англаш, миллий қадриятларни тиклашга алоҳида эътибор қаратилди. Бундан кўзланган мақсад ёшларни юксак интеллектуал салоҳиятли, баркамол шахс қилиб тарбиялашдир. Шу билан бирга ёшларда ватанпарварлик руҳини уйғотиш, энг аввало, уларнинг маънавий дунёсини шакллантиришдир. Шунинг учун ҳам ҳозирда ёшларда тарихий онг ва тафаккурни шакллантириш муаммосини ўрганиш долзарб бўлиб қолмоқда.

Аждодлар яратган турли илм соҳаларига оид бебаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир. Ана шундай катта кўламдаги бой илмий меросга эга халқ дунёда камдан кам топилади [1]. Бу илмий мерос истиқлол ғоясига асосланган янгича тарихий онг ва тафаккурни шакллантиришда манба вазифасини бажарди.

Хуллас, турли хил “ғоялар” кураши авж олаётган замонда жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун унинг аҳамияти янада ортади. Замонавий тарғибот техонлогияларидан фойдаланишда ҳозирги дунёнинг сиёсий-мафкуравий жараёнларини эътиборга олиш, глобаллашувнинг мураккаб жиҳатларига эътибор қаратиш, сиёсий воқеаларга тарихий нуқтаи назардан онгли муносабатда бўлиш миллий ғоя тарғиботида самарали воситалар ҳисобланади. Чунки, тарихда ёт ғояларга қарши курашда маърифий усуллардан унумли фойдаланилганлигини улуғ мутафаккирлар фаолиятида кузатиш мумкин. Тарихий билимларни эгаллаш, эътиқодни кучайтириш, миллий тафаккурга эга бўлиш мафкуравий иммунитетни кучайтиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Иккинчи нашр. Т.: “Маънавият” 2010, 31-бет.
2. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон Стратегияси. –Т.: “Ўзбекистон”, 2021. –Б. 16.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 йил 6 май, 18-сон, 353-модда.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 31 август куни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Янги Ўзбекистон 2020 йил 1 сентябр № 167.
5. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги қарори // Халқ сўзи, 2017 йил 29 июл.
6. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга навбатдаги Мурожаатномаси // Янги Ўзбекистон, 2020 йил 30 декабр, № 255.
7. Ўзбекистоннинг янги сайланган Президенти Ш.Мирзиёевнинг инаугурация маросимидаги нутқи // “Янги Ўзбекистон” газетаси, 2021 йил 7 ноябр, 223-сон.
8. Ўтамуродов А., Тўраев Ш. Миллий ғоя ва ижтимоий тараққиёт. –Т.: “Тафаккур”, 2011. Б. 11-15.

МАНИПУЛЯЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИНГ ЗАРУРАТИ

Жўрақўзиев Бахриддин Мирхожиддин ўғли,
ТВЧДПИ магистранти

Манипуляция термини ахборотлашган жамият воситалари авж олганидан буён нисбатан кенг қўлланиладиган терминга айланди. Манипуляция (лат.манипулус – алдов, товламачилик, қаллоблик) одамда маълум мотиватсион ҳолатлар (шу биланн биргаликда ҳиссиётлар, аттитюдлар, стереотиплар) таъсирининг фаоллаштирилишига олиб келадиган коммуникацион таъсир[1].

Бундай таъсир одамни коммуникатор учун исталган ҳатти-ҳаракатга ундайди. Э.Л.Дотсенконинг таърифича, манипулятсия – психологик таъсир турларидан бири ҳисобланиб, ундан ўзга кишини маълум ҳатти-ҳаракатларни амалга оширишга яширин ҳолда ундаш ёрдамида бир томонлама ютуққа эришиш мақсадида фойдаланилади. [2]

Демак, объект тўлиқ назорат ва бошқарувнинг ҳукмронлиги таъсири остидаги нарса даражасига туширилади. Манипуляциянинг оқибатлари ички парокандалик, шахс яхлитлигининг бузилиши, шахсга инқирозли таъсир хавфларини келтириб чиқаради. Америкалик ижтимоий психолог Р.Чалдини манипуляциянинг бир қанча типик вазиятларини ажратиб кўрсатади: масалан, ёрдам сўраш; сотувчининг, рекламанинг харидорга таъсири; сиёсий тарғибот; болаларни тарбиялаш ва бошқалар. [3] У, шунингдек, шундай кишилар рўйхатини илгари сурадики, манипуляция улар учун “ишлаб чиқариш воситалари” ҳисобланади: масалан, турли хил фондлар учун маблағ йиғувчилар; кўчада савдо қилувчилар; ишбилармонлар; бизнесменлар; савдо агентлари; реклама ходимлари ва бошқалар. Э.Шостромнинг фикрича,

манипуляция нисбатан кўпроқ тарқалган ҳодиса ҳисобланади: амалда ҳар қандай одам у ёки бу даражада “манипулятор” дир. У доимий ҳолда атрофдагиларни манипуляция қилади ва шу билан биргаликда атрофдагилар томонидан манипулятсия қилинади. Манипуляциянинг энг юксак даражаси ғайридиний ташкилотлар (деструктив култлар) фаолиятида кўзга ташланади. Бунда одамларнинг онги назорат остига олинади.

Америкалик психотерапевт С.Хассен онг устидан назорат қилишга эришишнинг учта босқичини ажратиб кўрсатган:

1) шахсни инқирозга учратиш жараёни;

2) ғоявий ишлов бериш жараёни;

3) янги шахсни мустаҳкамлаш жараёни [4].

Инсон онги учун кураш авж олган даврда турли манипуляцион восита ва усулларнинг янгидан-янги кўринишлари пайдо бўлиши табиий ҳол. Мамлакатимизда инсон онги ва қалбига қаратилган турли ғоявий таҳдидларга, хусусан, диний ақидапарастлик, экстремизм, миссионерлик ҳаракатларига қарши, аввало, одамларнинг билим ва маънавий иммунитетини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мафкуравий иммунитетни юксалтириш борасида амалга оширилаётган Мафкуравий профилактик чора-тадбирлар манипулятсияга қарши мухим тадбирлар бўлиб хизмат қилмоқда. Жамиятнинг барча аъзоси, айниқса ёшларнинг ижтимоий фойдали машғулот билан доимо бандлигини таъминлаш, шунингдек турли маънавий таҳдидларнинг хатарини тўғри таҳлил қила олиш кўникмаларига эга қилиб тарбиялаш бу борада жуда мухим саналади. Жамият аъзоларида кучли информатсион маданиятни қарор топтириш ҳамда муттассил ривожлантириб бориш – бугунги кунннинг асосий вазифасидир.

Президентимиз томонидан илгари сурилаётган “Жаҳолатга қарши — маърифат” ғояси замирида мамлакатимизда маънавий-маърифий ислоҳотларни чуқурлаштириш, миллий ва диний қадриятларни эъзозлаш, улардан жамият тараққиёти, ёшлар тарбияси йўлида оқилона фойдаланишдек эзгу мақсадлар мужассамдир. Ёш авлоднинг соғлом ўсиши, сифатли таълим олиши ва баркамол шахс бўлиб вояга этишини таъминлаш, шунингдек, ёшларнинг маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари ва китоб ўқишга бўлган қизиқишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган «беш муҳим ташаббус»ни жорий этиш бўйича самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040 сонли қарори асосида Олий таълим тизимида тегишли таълим йўналишлари учун “Маънавиятшунослик” ва “Касбий маънавият” фанларини киритиш вазифалари белгиланган. Бу эса жамият аъзоларида мафкуравий иммунитетни шакллантиришга хизмат қилувчи кадрлар сифатига ижобий таъсир қилади, албатта.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 январдаги қарори асосида тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсатини

2025 йилга ривожлантириш концепцияси” мафкуравий профилактика тадбирларини Узлуксиз ва бутун республика доирасида амалга оширишга қаратилган. Концепциянинг вазифалари қаторида таълимнинг барча босқичларида таълим олувчиларнинг сифатли таълим олишларини таъминлаш вазифаси қўйилган. Бу вазифани лозим даражада бажара олишимиз ҳар қандай маънавий таҳдидларга қарши тура оладиган шахсларни тарбиялашимизнинг гаровидир.

Дарҳақиқат, тарбияда тиним, мафкура соҳасида бўшлиқ бўлмайди. Чунки инсон улғаяр экан, тобора ижтимоийлашиб боради, унинг қалби, мияси, онгу тафаккури ҳеч қачон ахборот олишдан, таъсирланишдан тўхтамайди. Демак, у доимо соғлом, умуминсоний ғоялар билан таъминланиб, эзгу манзиллар томон ундаб турилиши керак. Ёш авлод ана шундай маънавий озиқни ўзи яшаётган муҳитдан олмаса, уни аста-секин бошқа ёқдан излай бошлайди... Президентимиз таъкидлаганидек, бир боланинг йўлдан адашиши эса бу нафақат бир оила, балки бутун жамият бошига тушган кулфатдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Маънавият изоҳли луғати.
2. Э. Л. Доценко. Психология манипуляции: феномены, механизмы и защита. — М.: ЧеРо, Издателство Мгу, 1997. — 344 с. ИСБН 5-88711-038-4
3. Чалдини Р. Психология влияния. Убеждай, воздействуй, защищайся. — СПб.: Питер, 2010. — 336 с
4. Хассен С. Борба с култовым контролем сознания.
5. Мирзиёев Ш. М. “Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан қурамиз” Тошкент.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2017 йил. 91-бет.
6. Каримов И.А. “Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби” – Тошкент.: Ўзбекистон”, 1997. – 384 бет.
7. И.Сиддиқов, Ф.Иброҳимов. Мустақил Ўзбекистонда жамиятни модернизациялаш жараёнида ёшлар фаоллигини оширишнинг ижтимоий-маънавий омиллари. Фарғона-2015. - 88 бет.

ЎЗБЕКИСТОНДА МАЪНАВИЙ-МАъРИФИЙ ИШЛАРНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШ, ИЖТИМОИЙ-МАЪНАВИЙ МУҲИТ ҲОЛАТИНИ ЎРГАНИШ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Тошева Озода Карим қизи,
БухДУПИ талабаси

Бугунги кунда Ўзбекистон халқи янги демократик жамият қурмоқда, уни ривожлантиришда маънавият муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади. Мамлакатимиз олдида турган ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий

вазифаларни ҳал этишда таълим, маънавиятни тарбиялаш ва ривожлантириш муаммоларига алоҳида эътибор берилмоқда.Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганларидек, “Биз фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайғуришимиз, курашмоғимиз, зарурат”, чунки ёшлар ўртасида жаҳон адабиёти дурдоналари у ёқда турсин, ўзбек адабиётининг номдор асарларини ҳам билмайдиган, арзимаган пулга ўз халқини, динини сотадиган, Ватанга қарши номақбул ишлар қиладиганлар етишиб чиқишига йўл қўймаслик. Ёшлар тарбиялаш, мамлакат келажагини таъминлаш демакдир. Шу сабабли ёшларга маънавий тарбиянинг таъсири, ёшларнинг жамият ҳаётидаги роли Узлуксиз таълимини инсонпарвар-лаштиришда маънавий-маърифий ишларнинг аҳамияти, маънавият, маърифат, мафкура тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги хусусида маълумотлар берилмоқда. Юртимизда маънавий-маърифий ишларни янги босқичга кўтаришда қадимги давр файласуф ва алломаларининг тарихий-фалсафий асослари, халқ оғзаки ижодининг ажойиб дурдоналари, Шарқ ва Ғарбнинг ўрта асрларда ижод қилган буюк алломаларнинг фикрлари, янги ва энг янги даврда яратилган илм-фаннинг ноёб дурдоналари, Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов асарларида ёритилган маънавий-маърифий ишлар ташкил этади. Ўзбекистоннинг биринчи Президентининг 1994-йил 23-апрелдаги “Республика “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик марказини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 8 июндаги “Республика маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 1996 йил 9 сентябрдаги “Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Фармони “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази қошида “Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида фармон ва қарорлар қабул қилинган.

“Халқнинг маънавияти ва маданияти – деган эди Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.А.Каримов, унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги қайта тикланаётганлиги жамиятимизни янгилаш ва тараққий эттириш йўлидан муваффақиятли равишда олға силжитишда ҳал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгадир”. Халқимиз ал-Фарғоний, ал-Форобий, ал-Хоразмий, Ибн Сино, ал-Беруний, Мирзо Улуғбек сингари буюк аждодларимиз билан ҳақли суръатда фахрланади. Мустақиллик йилларида мазкур сиймоларнинг илмий мероси кенг миқёсда тадқиқ этила бошланди. Уларнинг яратган асарлари асл нусхада ёки таржима этилиб, халқимизга етказилмоқда. Буларнинг барчаси, шубҳасизки, маънавий ҳаётимизнинг тобора бойиб бораётганидан далолат беради. Биринчи Президентимиз “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида таъкидлаганларидек: “Маънавият-инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир” [1].

2021 йил 26 март Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонивич Мирзиёев томонларидан “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарор имзоланди. Унга биноан барча шаҳар ва туманларда “Маънавият ва маърифат маскани” яратилиши, университетларда эса “Маънавиятшунослик” “Касбий маънавият фанлари” жорий этилиши белгиланди. Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари:

- “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” ғоясини кенг тарғиб этиш орқали жамиятда соғлом дунёқараш ва бунёдкорликни умуммиллий ҳаракатга айлантириш;
- Оила, таълим ташкилотлари ва маҳалаларда маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш;
- тарғибот-ташвиқот ва тарбия йўналишидаги ишларни илмий асосда ташкил этиш, соҳа бўйича илмий ва услубий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилган доимий мониторинг тизимини жорий қилиш;
- эл-юрт тақдирига лоқайдлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, коррупсия, оилавий қадриятларга беписандлик ва ёшлар тарбиясига масъулиятсизлик каби иллатларга барҳам беришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;
- аҳолининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш маданиятини ошириш, ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетини кучайтириш;
- маданият, адабиёт, кино, театр, мусиқа ва санъатнинг барча турлари, ноширлик-матбаа маҳсулотлари, оммавий ахборот воситаларида маънавий-ахлоқий мезонлар, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг устуворлигига эришиш;
- геосиёсий ва мафкуравий жараёнларни мунтазам ўрганиш, терроризм, экстремизм, ақидапарастлик, одам савдоси, наркобизнес ва бошқа хатарли таҳдидларга қарши самарали ғоявий кураш олиб бориш ҳамда бу борада халқаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш.

Шунингдек, 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб университетларда бакалавриат босқичида «Маънавиятшунослик», магистратура босқичида «Касбий маънавият» фанлари киритилди [4]. Юртимизда” Жаҳолатга қарши маърифат” ғояси асосида жамиятда Узлуксиз маънавий-маърифий тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш лозим. Муҳтарам юртбошимиз “Янги Ўзбекистонни юксак маданият маънавиятга эга бўлган, эркин ва бахтли инсонлар яшайдиган мамлакатга айлантириш учун барча куч ва имкониятларни сафарбар этамиз” деб таъкидлайдилар ва бу борада 2021 йил ўз сайловолди дастурларида ҳам,”маънавий-ахлоқий қадриятларимизни давр талабларига мос равишда бойитиш ва ривожлантириш, шу орқали жамиятнинг маданий-маърифий юксалишига эришишга қаратилган “Янги Ўзбекистон маърифатли жамият” концепцияси ва уни амалга ошириш миллий дастурини ишлаб чиқариш чораларини кўрамиз…” дейдилар. Юртимизда маънавий-

маърифий жараёнларни ташкил этишда бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда, хусусан, шундай жараёнлар билан шуғулланувчи яхлит тизим, халқимиз, айниқса, ёшларни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш борасида етарли даражада ташкилий-амалий ва илмий-тадқиқот ишлари олиб бориляпти, ушбу йўналишда давлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда хусусий секторнинг ижтимоий ҳамкорлиги самарали йўлга қўйилмоқда. Мавжуд муаммоларни ҳал этиш, маънавий-маърифий ишларнинг самараси ва таъсирчанлигини ошириш, кўлами ва миқёсини янада кенгайтириш, мамлакат аҳолиси, аввало, ёшлар қалбида амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, соҳадаги ишларни мувофиқлаштиришнинг ягона тизимини яратилмоқда. Бугунги кунда биз мамлакатимизда инсон эркин ва фаровон яшайдиган маънавий макон, маърифатли жамият қуриш учун қатъият билан ҳаракат қилмоқдамиз. “Биз учун маънавият инсонлар ўртасидаги ўзаро ишонч, ҳурмат ва эътибор, халқ ва давлат келажагини биргаликда қуриш йўлидаги эзгу интилишлар, ибратли фазилатлар мажмуасидир. Бошқача айтганда, маънавият - жамиятдаги барча сиёсий-ижтимоий муносабатларнинг мазмуни ва сифатини белгилайдиган пойдевордир…” деб муҳтарам юртбошимиз маънавиятга таъриф берадилар. [2Б267] Шундай экан, биз жамиятимиз билан биргаликда ёшларни маънавий тарбиялашда уларнинг ёши, хоҳиши, интелектуал, руҳий тайёргарлигини ҳисобга олишимиз керак. Чунки ёшлар таъсирга берилувчан, онгига ўз атроф-теваракдаги воқеаларни тез сингдирувчан бўлади. Бу борада биз ёшларга дарслар давомида маънавий-маърифий мавзудаги китоблар, буклетлар, стендлар, газета ва журналлардан фойдаланиш маънавий-маърифий руҳда тарбиялашнинг ўзига хос усули ҳисобланади. Миллий маънавиятимизни ривожлантириш, халқ, айниқса, ёшлар ҳаётига сингдиришда ижтимоий-гуманитар фанлар тизимининг аҳамияти катта. “Мамлакатимизнинг кейинги даврга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида албатта маънавий-маърифий ислоҳотларга алоҳида бо ълим ажратилиши даркор…” [2] Юртимизда ушбу соҳада амалга оширилаётган ишлар кўламини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистоннинг 2022-2032-йилларга мўлжалланган маънавий тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқишни талаб қилмоқда. Шу муносабат билан “Янги Ўзбекистон - маърифатли жамият” концепцияси ишлаб чиқилмоқда.

-

Фойдаланилган адабиётлар

1.Каримов И.А “Юксак маънавият–енгилмас куч”; Тошкент “Маънавият” 2008.19-бет
2.Мирзиёев Ш.М “Янги Ўзбекистон стратегияси”; -Тошкент.:Ўзбекистон. 267-272-бет
3.Мирзиёев Ш.М “Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Миромонивич Мирзиёевнинг сайловолди дастури”; -Тошкент. “Ўзбекистон”, 2021.89-бет

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИДЕОСФЕРАСИДА ИНФОРМАЦИОН ТАҲДИД ТАЪСИРИ ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЗАРУРАТИ

Турдиев Бехруз Собирович,
Бухоро давлат университети
“Миллий ғоя, маънавият
асослари ва ҳуқуқ таълими”
кафедраси ф.ф.ф.д. (PhD)

XXI асрга келиб ахборотдан фойдаланиш кўлами кенгайиб, ахборот ҳарбий соҳада амалга ошириб бўлмайдиган мақсадларга эришиш имконини юзага келтирди. Буни англаб етган етакчи давлатлар эса, ахборотдан қудратли қурол воситаси сифатида фойдаланиб, бошқа мамлакат аҳолиси онги ва тафаккурига таъсир қилиш учун ғоявий, мафкуравий таъсир ўтказишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Ахборот соҳасидаги глобаллашув жараёнининг тезлашуви натижасида, инсон онги ва қалбини забт этишга бўлган ҳаракатнинг кучайишига сабаб бўлди. Бу эса ўз навбатида, бугунги кунда ахборот таҳдидининг серқирра ва мураккаб ҳодиса эканлигини кўрсатмоқда. Жаҳон ҳамжамиятида ахборот таҳдидларининг ижтимоий шаклларда намоён бўлиши бир қатор глобал муаммоларни юзага чиқишига замин яратмоқда. Ўз навбатида, ахборот хуружлари замирига эътибор қаратилса, инсон маънавиятига қарши йўналтирилаётган таҳдидларни намоён бўлаётганлиги ташвишлидир. Бинобарин, мазкур ҳолат ўз навбатида ушбу иллатларга қарши жиддий фикрлашни тақоза этмоқда. Бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёев алоҳида таъкидлаб ўтганидек: “Унутмаслик керакки, оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда холис ахборотларнинг ўз вақтида бериб борилиши айрим кимсалар тарқатаётган ёлғон маълумотларнинг олдини олади. Бунинг учун вазирлик ва идораларда ташкил этилган ахборот хизматлари фаолиятини янада кучайтириш лозим”.

Зеро мазкур омилга алоҳида эътибор берилмас экан, у борган сари кучайиб боради. Бу эса, нафақат давлатлар ёки минтақаларда кескин вазият вужудга келишига сабаб бўлади, балки халқаро миқёсда ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Таассуфлар бўлсинки, дунё сиёсат майдонида инсон онгу шуури, маънавий дунёсини заифлаштириш йўли билан бутун бир миллатни таг-томири билан йўқотиб юборишга хизмат қиладиган ахборот-манипулятсия усуллари ишлаб чиқарилмоқдаки, бу борада жамиятнинг ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш жараёнларини ўрганиш, тадқиқ этишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда [2].

Шу сабабли ўз келажагини ўйлаган ҳар бир инсон, халқ оммавий ахборот воситалари орқали узатилаётган хабарларни текшириб, ҳаёт билан таққослаб, шундан кейингина қабул қилиши зарур. Бугун “Ким ахборотга эгалик қилса, ўша дунёга эгалик қилади” деган қоида амал қилмоқда. Ахборот хуружларининг тез-тез уюштирилаётгани аслида “уруш”га

муносабатни ўзгарганидан, қуролнинг янги тури кашф қилинганлигидан дарак беради. Ҳозирда турли усулларда олиб борилаётган мафкуравий тарғибот ва ташвиқотларнинг асл мақсади-инсон қалби ва онги учун курашга қаратилган. Шу маънода катта таъсир кучига эга бўлган оммавий ахборот воситалари, хусусан, телевидение, радио, матбуот нашрлари, интернет тизимини жаҳон андозаларига мос тараққий эттириш давр тақозосидир. Тан олиш керак, китоб чоп этишнинг миқёси ва кўлами инсоннинг янги билимларни эгаллаш суръатларига мос тушади. Шундай экан, агар дастгоҳ кашф этилган дастлабки пайтларда Европада йилига тахминан 1000 номдаги китоб чоп этилган бўлса, ҳозирда кунига 1000 номдаги китоб чоп этилмоқда [3]. 1950 йилда кашф этилган компьютер эса билимларни эгаллаш жараёнини янада жадаллаштириб юборди. Умуман, янги технологияларнинг ҳаётга жорий этилиши оқибатида охирги 100 йил мобайнида силжиш тезлиги 102 марта, мулоқот тезлиги 107 марта, ахборотни қайта ишлаш тезлиги 106 марта ўсди.

Бизнингча, инсоният ахборотдан фойдаланиш маданиятига эга бўлмас экан, “даҳшатли ёлғон”лар измидан чиқиб кета олмайди. Бугун Интернет бутун дунёни эгаллади. Унинг ижобий ва салбий жиҳатларини тушуниб олиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Маълумотларга кўра, бош миядаги 14 миллиарддан зиёд нейронлар фаолиятимизни бошқаради. Лекин бу ресурснинг 4-4,5 фоизидангина фойдаланишга эришамиз. Аслида, одам миясидаги интеллектуал қувват ядро қуролидан ҳам кучли. Ҳамма гап унинг қандай ривожланишида. Инсон бугунги ахборот бўҳронидан эсон-омон чиқиши учун, аввало, ўз фикрига эга бўлиши лозим. Ўз йўли ва манзилига эга одамнинг ҳаёт ҳақида мустақил фикри бўлади. Бундай инсонни йўлдан оздириш, чалғитиш, адаштириш жуда қийин. Шунинг учун биз интернетга ҳақиқат манбаси эмас, балки ахборот олиш ресурси сифатида қарашимиз лозим.

Демак, танқидий таҳлил асосида биз интернет ресурсини маънавий таҳдид ўчоғи эмас, балки ўзини англаган инсон учун билим манбаси сифатида қарашимиз лозим. Зотан, ҳикмат изласангиз – ҳикмат, иллат қидирсангиз – иллат топасиз. Бугун беш ёшли бола онлайн шахмат ўйнамоқда, кимдир қирқ ёшида ҳам экранда эрмак қидириб ўтирибди. Ундан қандай фойдаланиш оилавий муҳитга, тарбияга боғлиқ. Ички таҳлил ва синтезга эга бўлмаган одам бепоён ахборот маконида адашиб қолиши тайин. Шундай экан, интернет орқали тарқатилаётган барча шаклдаги хабарларнинг чинини ёлғонидан ажратиб олиш учун мустақил фикрлаш талаб этилади. Мустақил фикрлаш мафкуравий иммунитет, юксак маънавият, ғоявий ва информатсион таҳдидларга қарши курашнинг бош омилидир. Бузғунчи мафкуранинг салбий таъсири натижасида шахс мустақил фикрлашдан маҳрум бўлиши ва кейинчалик камикадзе, зомби, манқуртга айланиши ёхуд аянчли оқибатлар юзага келиши мумкин. Шу ўринда ҳақли савол туғилади, маънавий қашшоқлик гирдобига тушиб қолиш омиллари, сабаблари нималардан иборат? Бизнингча:

- руҳий жиҳатдан носоғломлик. чунки соғлом одам ҳеч қачон ўз халқига, ватанига қарши чиқмайди. ўз дини қолиб бошқа динга ўтмайди;
- экстремистик гуруҳларнинг ёлғон ваъдаларига, даъватларига ва ҳар хил алдовларига ишониш;
- айрим ёшларнинг пул топиш илинжида хорижга кетиб хавфли ва қаллоб гуруҳларга алданиб қолиши ва унинг аянчли оқибатлари;
- моддий манфаат, яъни пулга, кийимга, хориж буюмларига ўчлик;
- ахборот танқислиги;
- оммавий ахборот воситаларида терроризмни, ваҳшийликни, диний мутаассибликни, беҳаёликни тарғиб этувчи материалларнинг берилиши;
- хорижий телеканаллар;
- миссионерлик кўринишлари (текин тарқатилаётган диний адабиётлар, улар томонидан берилаётган турли хил моддий ёрдам ниқоби остидаги нарсалар);
- “ҳомийлар” кўмаги (гўёки ёрдам берган киши бўлиб йўлдан оздириш);
- кўриб кўрмасликка олиш, бепарволик иллати ва ўтказилаётган баъзи маънавий-маърифий тадбирларнинг самарасизлиги, гуруҳбозликка айланиб кетганини сабаб қилиб кўрсатишимиз мумкин.

Шундай қилиб, маънавий таҳдидларнинг мазмун-моҳияти, кўринишлари ва хусусиятларини англаб олиш бугунги кунда долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Бундай узоқни кўзлайдиган, аниқ мақсадларга эга бўлган турли хуруж ва ғаразли интилишлар, хорижий марказлар томонидан катта куч, маблағ сарфланаётган ҳаракатлар ва бу каби хавф-хатарлар бизга қандай зарарли оқибатлар олиб келишидан огоҳ бўлишимиз даркор. Бу борада президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг: “аҳолининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш маданиятини ошириш, маданият, адабиёт, кино, театр, мусиқа ва санъатнинг барча турлари, ноширлик-матбаа маҳсулотлари, оммавий ахборот воситаларида маънавий-ахлоқий мезонлар, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг устуворлигига эришиш” [1] деган сўзлари барчамиз учун дастур – кўрсатма бўлиб қолиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2021, 464 б.
2. Умирова М. Ахборотлашган жамиятда ахборот алмашинуви. // Жамият, 2009, №22, 9-б.
3. Тоффлер Э. Шок будущего. – М.: ООО “Издателство АСТ”, 2004, с. 43-44.

3-ШЎЪБА ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА МАФКУРАВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

ЁШЛАР ДУНЁҚАРАШИГА ЭКОЛОГИК МАЪНАВИЯТНИ СИНГДИРИШ – ДАВР ТАЛАБИДИР

Дониёров С.А., ўқит, Жўраев А.М.,
Гулистон давлат университети.

Оилада экологик таълим ва тарбия беришдан мақсад–бу инсонни табиатга қадам қуйган вақтдан бошлаб, бутун ҳаёти давомида табиатдан онгли равишда фойдаланишга, психологик, ахлоқ-одоб юзасидан халқимизни асл ёш авлодларининг табиатга ҳурмат ва эътибор билан қарайдиган урф–одатларини, удумларини тиклаш, табиий бойликларини кўпайтириш, боғу - роғлар, гулзорлар ташкил қилишга ундашдан, унинг қалбида яхши хислатлар уйғотишдан иборатдир. Экологик тарбиялаш жараёнида ёшлар табиат бойликларини тежаб-тергашга, табиатни муҳофаза килишга ўргатила борилади.

Экологик тарбиянинг асосий мақсади жамият кишиларини экологик жиҳатдан саводхонлигини маданиятини ошириш, шундай экологик маданиятли, таълим-тарбияли кишиларни сайъй-ҳаракати билан табиатни мухофаза қилиш, озода, тоза сақлаш, ҳайвонот, қушлар, ўсимликларга меҳр уйғотиш орқали табиатни парваришлашдир.

Инсониятга ҳаёт бахш этган Она-табиатни муҳофаза этишга ёш авлод вакилларини тўлиқ жалб этиш, табиий бойликлардан ўз ўрнида самарали фойдаланишда экология қоидаларига риоя этишни давр тақоза этмоқда. Зеро, Она-Ватанни севиш, унинг табиатини севишдан бошланади. Бинобарин ёшлар дунёқарашида табиатга нисбатан хақиқий муҳаббат туйғусини ҳосил қилмай туриб, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш қийин. Шунинг учун ёшларни юртимиз бўйлаб экологик сафарларга жалб этиш, уларни табиатнинг кўркам намуналари бўлмиш табобат олами, ҳайвонот дунёси билан яқиндан таништириш зарурати ортмоқда.

Шу сабабдан ёш авлод дунёқарашида экологик маънавиятни шакллантириш учун қуйидаги тизим бўлиш шарт деб ҳисоблаймиз.

1. Оилада болаларга экологик маънавият, экологик маданият ўзбекона анъана ва удумларга суяниб сингдирилиши керак.
2. Мактабгача таълим-тарбия муассасаларида Она-табиатни асраб-авайлаш ҳақида тушунчалар бериб бориш керак.
3. Мактаб тизимида экологик тарбияни кучайтириш мақсадга мувофиқдир.
4. Олий таълим тизимида “Экология асослари ва табиат муҳофазаси” фанини курсларини ўқитиш керак.

Ёшлар маънавиятида ижтимоий-экологик психологиясини шакллантириш ҳамда ривожлантириш узоқ давом этадиган диалектик жараён

бўлиб, жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий, экологик ва бошқа ўзгаришларга бутунлай боғлиқ бўлади десак мақсадга мувофиқ бўлади.

Дарҳақиқат бугунги кунда дунёда ва ҳудудимизда рўй бераётган экологик муаммоларни бартараф этишда Баркамол авлоднинг экологик маънавияти ва маданиятини оширишга ва уларнинг Она-табиатга бўлган ижобий-ижодий муносабатларини яхшилашдан иборатдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алёхин Б.А. Экологическое воспитание молодежа и их особенности. М. 2021 г. ст. 3-8.
2. Борисов Г.Д. Экология вчера, сегодня и завтра. Москва. 2019 г.
3. Дониёров С.А. Ёшларнинг экологик дунёқараши ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Тошкент. 2020 йил.

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ТАРБИЯ ДАРСЛАРИ ОРҚАЛИ ВАТАНГА МУҲАББАТ ҲИСЛАРИНИ ОШИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Қораев Самариддин Баракаевич,
Чирчиқ давлат педагогика институте
Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Файзуллаева Муҳайё Зоҳир қизи,
Чирчиқ давлат педагогика институти

Атоқли француз адиби Виктор Гюгонинг: “Мактаб очиш турмани ёпишдир” деган ҳикмати бугун нақадар долзарб. Зеро, мактаб бор жойда таълим-тарбия, маънавият бўлади. Бошланғич синфларда тарбия дарси орқали ватанга садоқат ҳиссини, иродалилик каби туйғуларини ривожланиши ҳамда меҳр-оқибатлилик, масъулиятлилик, бағрикенглик, ҳуқуқий маданият, меҳнатсеварлик каби муҳим фазилатларни болаликдан бошлаб босқичма-босқич шакллантириш ва ошириш шу билан бирга маънавий тарбияни амалга оширишда миллий, тарихий, маданий қадриятларига ҳурматни камол топишида ота-она, тарбиячи, ўқитувчи омили муҳим аҳамият касб этади. Ёшликда олинган билим, тошга ўйилган нақш кабидир, деган боболаримиз. Инсон ҳаётининг айнан болалик даврида ўрганилган ҳар қандай билим, кўникмалар у улғайгач эришган барча ютуқларининг калити бўлиб хизмат қилади. Болалик – киши умрининг илк кўкламидир, унда ҳаётнинг бўлғуси йиллари учун уруғ экилади. Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир” хитоби бугун таълим-тарбия тараққиётида муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабр “Узликсиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора тадбирлари ҳақида”ги 1059-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 июл “Умумий ўрта таълим муассасаларида “Тарбия” фанини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 422-сонли қарори қабул қилинди. “Тарбия” дарслиги “Одобнома”, “Ватан туйғуси”, “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” ҳамда “Дунё динлари тарихи” фанларини бирлаштирди. “Тарбия” фани 1-9-синфларда 2020/2021-ўқув йилидан, 10-11-синфларда эса – 2021/2022-ўқув йилидан бошлаб фанларга ажратилган умумий соатлар доирасида босқичма-босқич амалиётга жорий этилди.[5] Тарбия фанининг мақсади дарслик орқали ўқувчида билим беришдан ташқари ҳаётий кўникма шакллантирилади ва босқичма-босқич болада мақсад қўйиш ва унга интилиш кўникмасини шакллантириб боради.

Бошланғич синф ўқувчиларида тарбия дарси

- 1-синфда ўқувчи дастлаб орзуларини аниқлай олишни ўргатилса,
- 2-синфда ўз олдига мақсад қўя олиш кўникмаси шакллантирилади.
- 3-синфда ўқувчида дастурни ўзлаштириш натижасида мақсад ва орзу-умидларини амалга оширишга ҳаракат қилиш кўникмаси пайдо бўлади.
- 4-синфда атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга соғлом муносабат билдира олади, шахс сифатида ўзини англайди ва хатти-ҳаракатларини таҳлил қилади. [6]

Бошланғич синф ўқувчилари билан ишлашда ватанпарварлик туйғуси боланинг оилага, унга энг яқин одамларга – онаси, отаси, бобоси, бувиси, ака-ука ва опа-сингилларига муносабатидан бошланади. Ўз уйига муҳаббат ва меҳрни ўзининг асл маъносида ривожланиш ватанпарварликнинг биринчи бошланғич босқичи бўлиб хизмат қилади. Бошланғич 1-2-синфлар ўқувчилари учун Ватан тушунчасини тушунтириш бир мунча осон бўлиши учун уни ўзига бўлган муносабатни, биринчи дўстлари, у борадиган болалар боғчаси, уйи жойлашган кўча – буларнинг барчаси боланинг ўз уйи, унинг уйи ҳақидаги ғояларини тушунтириш ва синдиришдан бошлаш мақсадга мувофиқ.

7 ёшдан 11 ёшгача бўлган даврда ўқувчиларга таълим беришнинг энг мақбул шакли - бу ўйин. Бошланғич синф ёшдаги ўқувчиларнинг хулқ-атворнинг ижтимоий шакли оддий тақлид қилишга қаратилган. Ўқувчиларга турли таълимий ўйинлар орқали ватанга муҳаббат, катталар ҳаётидан хулқ-атвор нормалари ўқитилади, қадриятлар тушунтирилади. 1-синфда кўпинча оғзаки, 2-3-4 синфларда эса ёзма равишда методлар қўллаш тавсия этилади. Бошланғич синфларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан интерфаол методлар, таълимий ўйинлардан фойдаланиш ўқувчиларни мустақил фикрлаш, фикрига асослаган ҳолда ҳимоя қила билиш, мантиқий фикрлаш доираларини кенгайтириш фикрини баён қилишга, ўқувчилар ҳамда ўқитувчи ўртасидаги фаолликни ошириш орқали ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштиришини фаоллаштиришга, ижодий изланиш, таҳлил қилиш, соғлом мулоқот, мунозара, баҳс олиб бориш кўникмалари шаклланиши билан бирга

уларни дарсларда ўрганганларини ҳаёт билан боғлашга, қизиқишларини ошириш хулосалар чиқаришга ёрдам беради.

Ўқитувчиларнинг замонавий талаблар асосида яратилган шароитлардан самарали, унумли фойдаланиб, дарсларни илғор педагогик технологиялар ҳамда ахборот коммуникация технологиялари асосида ташкил этилиши таълим-тарбия жараёнини сифатини кафолатлайди. Ватанпарварлик тарбиясининг мақсади – фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Давлат Герби, Давлат Байроғи, Давлат Мадҳиясига ва жамоавий ҳаёт нормаларига ҳурмат руҳида тарбиялашдир. Таълим олувчиларнинг бошланғич синфданоқ баркамол ва шахсий конституциявий ҳуқуқ, бурчлари амалга оширилишини таъминлаш учун шароит яратишдан иборат. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари мунтазам равишда тизимли ва илмий асосда ташкил этилади. Ҳар бир ишни мунтазам амалга ошириш шу ишнинг мақсади ва сифат кўрсатгичи юқори бардавом бўлишини таъминлайди. Мактабда ватанпарварлик туйғусини ва чин инсоний фазилатларни оширишда тарбия, она тили ва ўқиш фанларини ўқитишда сингдириб боришни тартибли ва тизимли йўлга қўйиш ўқувчилар онгида бўшлиқ қолмай, келажакда Ватанимизга улкан ҳиссаси, нафи тегадиган кадрлар бўлиб етишади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Алижон Каримжонов, Фариддун Очилов “Бошланғич синфларда таълим тарбия муаммолари” Тошкент-2020
2. Н.Исматова ва б. Тарбия: 1- синф учун дарслик. 1-нашр. -Т.:Ғафур Ғулом номидаги нашриёт–матбаа ижодий уйи-2020
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабр “Узликсиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”гı 1059-сонли қарори

ЁШЛАР ТАСАВВУРИДА ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРНИ ИДРОК ҚИЛИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

Маҳлиё Бахтиёровна Юлдашева,
Психология кафедраси ўқитувчиси,
Зулайҳо Иброҳимжон қизи Саминжонова

Бугунги кунда дунё турли соҳаларда ўзгариб, шиддат билан ривожланиб бормоқда. Илм олиш, касб-ҳунар билан шуғулланиш инсонларнинг ўзаро мулоқот ва фикр алмашинувида ҳам янгидан-янги ўзгаришлар бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас. Интернет, уяли телефон, ижтимоий тармоқ орқали мулоқот ва ахборот алмашинувига хизмат қилувчи фасебоок, twиттер, вайбер, телеграм каби дастурлар шулар жумласидандир. Интернет деярли барча қизиқишларни

қондириш маконидир. Баъзан тармоқда айрим ахборотларни излаб ўтиришнинг ҳам ҳожати бўлмайди, улар ҳар ерда ўзлари тақдим этилавериши сабабли уларни осонгина топиш мумкин. Замонавий педагог ва психологлар ҳозирга қадар виртуал мулоқот бола шахсий шаклланишига қандай таъсир этиши ҳақида ягона хулосага келмаганлар. Айримлар бу фақат салбий хусусиятларнигина шакллантиради, деб билиб, ёшларнинг инсонлараро муносабатларида ўзларини тутиш, ҳис-туйғуларини намоён этиш ва мимикаларига ёмон таъсир этишини таъкидласалар, бошқалари виртуал мулоқот бу замонавий коммуникациянинг жуда қулай ва енгил усули, деб биладилар. Болани Интернетда мулоқот қилишга ўргатиб борар эканмиз, биз, уларга тармоқда умуман, ўз шахсий маълумотлари, уй телефони рақами, манзили, шунингдек, ота-она ва яқинларининг шахсий маълумотларини бериш мумкин эмаслигини тушунтиришимиз зарур [3].

Илм-фан ютуғи бўлмиш ижтимоий тармоқлар инсонларнинг узоғини яқин, мушкулини осон қилаётганини албатта тан олмоғимиз даркор. Шу билан бирга, бу кашфиётлар ёшларимизга, хусусан, талабаларга олис масофадан туриб илм олиш, дунё янгиликларидан бир зумда воқиф бўлиш ва маълумотларни осон тарқатиш имконини ҳам беради. Лекин шуниси ачинарлики, ёшлар ижтимоий тармоқлардан бошқа мақсадларда ҳам фойдаланиб, вақтини кераксиз нарсаларга сарфламоқдалар. Натижада келажагимиз пойдевори бўлган ёшларнинг соатлаб бу тармоқларда мақсадсиз ўтириши илм олиш, касб-ҳунар эгаллаш ва бошқа хайрли ишларга сарфланиши керак бўлган гулдек умрининг беҳуда ва бесамар кетишига сабаб бўлади. Қолаверса, бугунги кунда ижтимоий тармоқларда тарқатилаётган маълумотларнинг катта қисмини ёшлар маънавиятининг тубанлашувига туртки бўлувчи, миллий ва диний қадриятларимизга зид бўлган хабарлар, урф-одатлар ташкил этади. Бу эса ёшларнинг ма’навий-ахлоқий тарбиясига салбий та’сир ко‘рсатмоқда. Бугунги кунда айрим оммавий ижтимоий тармоқларда вояга етмаган ёшларни рўйхатга олмаслик учун чекловлар қўйилаётгани сир эмас. Масалан, айрим компютер операцион тизимларида “ота-она” назорати функцияси мавжуд бўлиб, болани тизимдан фойдаланиш вақтларига чеклов қўйиш имкони мавжуд. Бола компютердан ўрнатилган вақтдан ортиқча фойдаланиш имконини бермайди ва автоматик равишда ишини тўхтатади. Бу тизим ёшларнинг вақтини самаралироқ ўтказишлари имконини беради [1].

Навбатдаги қайси ижтимоий тармоқлар ва мессенжерлардан фойдаланасиз, деган саволимизнинг натижалар таҳлилидан талаба-ёшлар орасида “Телеграмм” мессенжери оммабоп бўлиб, у орқали мулоқот ҳар куни амалга оширилishi аниқланди ва 76,8 % корсаткичга тенг бўлди. Худди шу ўринда 46,6 % талаба-ёшлар You tube ижтимоий тармоғини ва 40,8 % талаба-ёшлар WatsApp мессенжерини танлаганлар. Дунё бўйича ҳам “Телеграмм” мессенжери биринчи ўринда туради. Совид–19 пандемияси даврида ижтимоий тармоқлар ҳамда мессенжерлар асосий алоқа воситаси бўлиб қолди. Карантин чекловлари натижасида барча, жумладан, талаба-ёшлар ҳам ана шу воситалар орқали мулоқотларни амалга оширдилар.

Яна бир қизиқарли маълумотларни қуйидаги “Ижтимоий тармоқлар сизни нимаси билан жалб қилади?” саволи орқали аниқладик, Талаба-ёшларнинг 36 фоизини ижтимоий тармоқларда барча маълумотлардан фойдалана олиш имкониятининг мавжудлиги жалб қилади. Респондентлар, айниқса, пандемия шароитида Интернет орқали ўқув машғулотларини тинглаганлари, ҳудудий ва халқаро миқёсдаги анжуманлар, форумлар, танловларда иштирок этганлари; илмий-назарий маълумотларни олиш учун китоблар, мақолалар билан танишганлари ва ҳаттоки интерактив имкониятларга эга бўлган ҳолда ўйинлар иштирокчисига айланганларини таъкидладилар [2].

Демак, замонавий дунёда барча Интернет тармоғидан фойдаланади, чунки у ўзаро муносабат ва мулоқот жараёнини соддалаштирмоқда. Ижтимоий тармоқлар шундай йўлга қўйилганки, у орқали барча ёшдаги инсонлар улардан фойдаланиш услубини тезкорлик билан ўзлаштириш қобилиятига эга бўлади. Хизматларнинг кўплаб интерфейси очиқликка эга. Фойдаланишнинг осонлиги, маълумотларни олишнинг тезкор йўли, керакли маълумотлар топиш ва алоқаларни ўрнатиш учун ижтимоий тармоқлар вақтни тежаш имкониятини беришини таъкидлаш лозим. Ижтимоий тармоқларнинг ижобий вазифалари ҳам талайгина эканлигини инкор этмаган ҳолда улардан то‘г‘ри мақсадларда фойдаланилса жуда ко‘п нарсаларни о‘рганиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати:

1. Ижтимоий тармоқларни ўрганиш: Метрисоол аналитик агентлиги
2.Юлдашева М.Б. Талабаларда ёлғизлик ҳиссининг детерминантлари. 19.00.05 – ижтимоий психология. Этнопсихология ихтисослигидан Психология фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун диссертацияси иши. Тошкент 2022. 140 бет.

МАЪНАВИЙ-МАФКУРАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ ХУСУСИДА

Абдуллажанова Нигорахон Турдалиевна,
Наманган муҳандислик қурилиш институти ўқитувчиси

Таҳдид сўзининг луғавий маъносига эътибор беринг: араб тилидан олинган бўлиб, “дўқ қилиш”, “қўрқитиш” деган маъноларни билдириб, кундалик ҳаётда бировни қўрқитиш, унга дўқ-пўписа қилиш ҳамда бирор фалокатнинг, қўрқинчли воқеанинг содир бўлиш хавфи [1], деган маъноларни англатиш учун ишлатилади. Фалсафий маънода таҳдид инсон, жамият ва давлат ҳаёти ҳамда фаолиятига нисбатан муайян давр мобайнида аниқ мақсадга йўналтирилган маҳаллий, ҳудуди, минтақавий ва умумсайёравий салбий омилларнинг тажовузи туфайли аниқ макон ва замонда вужудга

келадиган хавф-хатар шакли, муайян барқарор сиёсий-ижтимоий ва ва тарихий вазиятни ифодаловчи тушунчадир [3]. Жамиятнинг ривожланишига таъсири, яъни тор маънода эса таҳдид деб макон ва замонда мавжуд бўлган реал жамиятнинг ижтимоий тузилмаларини заифлаштиришга, эмиришга қаратилган шахсий, маҳаллий, ҳудудий, минтақавий омилларнинг кўркитиш, дўқ-пўписа қилишдан иборат бўлган хатти-ҳаракатига айтилади.

Таҳдидларнинг хусусияти ва тараққиёт соҳаларига ўтказадиган таъсир даражасига қараб инсон, шахс, фуқаро, миллат, давлат, жамият, минтақа, глобал; ички ва ташқи; катта ва кичик; соҳаларига кўра иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, экологик, демографик, мафкуравий, маънавий, ҳарбий, табиий-иқлим; макон нуқтаи назаридан эса узоқ ва яқин шаклларга ажратиш мумкин. Аммо қандай тур ва шаклга эга бўлмасин, таҳдид ўзининг моҳият-мазмунига кўра табиат ва жамиятга қарши қаратилган куч ҳисобланади.

Таҳдид сўзининг зид маъноси ҳимоядир. Демак, таҳдид бор жойда ҳимоя тизими ҳам мавжуд бўлади. Биз фикр юритаётган мавзу маънавий-мафкуравий таҳдидларга оиддир. Бошқа турдаги таҳдидлардан фарқли ўлароқ, бундай таҳдидиларнинг кўлами, усуллари ва йўналишларини аниқлаш мушкул, таъсири эса жуда узоқ давом этиши мумкин, сабаби эса уларнинг кўзга кўринмаслигидир.

Бугунги кунда маънавий-мафкуравий таҳдидларнинг асосий манбалари оммавий ахборот воситалари, интернет, ижтимоий тармоқлар бўлиб қолмоқда. Фанда мафкуравий иммунитет ва мафкуравий профилактика тушунчалари айнан шу жараён муносабати билан юзага келган. Мафкуравий иммунитет тизимининг асосий элементи сифатида объектив илмий билимлар, моддий ва маънавий қадриятлар тизими эътироф этилади. Объектив билимларни эгаллашни, кишиларда таҳлил ва танқидий фикрлашни рағбатлантириш эса жамият ва давлат манфаатидир. Шу сабабли уларни эгаллашнинг усул ва механизмларини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш бугунги кунда ҳаётий заруратдир. Бу жараёнда жаҳолатга қарши маърифат тамойили асосий ўрин эгаллаши лозим.

Маънавий-маърифий таҳдидларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашишда қуйидаги жиҳатларни эътиборга олиш зарур деб ҳисоблаймиз:

- Таълим-тарбия жараёнида иштирок этувчиларнинг барчасини интернет ва ижтимоий тармоқлар ҳақидаги тушунчаларини тўлиқ ва кенг бўлиши учун ёш даврларига мос китоблар нашр этиш ва улар асосида фанларни ўқитиш. Масалан, Исроилда киберхавфсизликка оид фан ўтилади. Ўзбекистонда ҳам таълим босқичининг ҳар бири учун ёш даврларининг ўзига хос хусусияти ва психологиясидан келиб чиқиб “Ахбророт хавфсизлиги” фанини ўқитиш мақсадга мувофиқ. Бунда сифатли дарслик ҳамда сифатли педагог муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирда мавжуд Муҳаммад Амин Яҳёнинг “Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя” китоби [2] олий таълим муассасаси талабалари учун мўлжалланган. Унда келтирилган маълумотлар, материаллар бой, расмли, қизиқарли. Бироқ китоб билан танишганда ўқувчида интернет ва ижтимоий

тармоқ ҳақида салбий таассурот ҳосил бўлиши эҳтимоли бор. Шу боис ундан фойдаланиш жараёнида холисликка эътибор бериш лозим.

- Интернет ва ундан фойдаланиш этикаси услубиётини ишлаб чиқиш кенг жорий этиш. Бу борада соҳа мутахассисларини жалб этиш, жаҳон тажрибасини ўрганиш ва ўзгаришларга мослашувчан ўқитиш тизимини яратиш мақсадга мувофиқ. Сабаби рақамли ахборот оламида янгиланишлар жуда тез рўй бермоқда.

- Юқоридаги жараёнларда энг эътиборли жиҳат мутахассислардир. Маънавий-мафкуравий таҳдидларнинг олдини олишда танланган мутахассиларнинг (айниқса, таълим берувчи) салоҳияти жуда муҳимдир. Танқидий таҳлил ва фикрлашга эга кишигина бундай жиҳатларни бошқаларда шаклланишига ёрдам бера олади. Демак, ахборот хавфсизлиги, интернет ва ижтимоий тармоқлар этикасини шакллантиришга хизмат қилувчи тизим малакали ходимлардан, ташкил топган бўлиши шарт.

Демак, маънавий-мафкуравий таҳдидларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашишнинг мақбул усулларидан бири таълим-тарбия жараёнида янгича ёндашувлар ва фанларни жорий этишдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати^

1. Маънавият. Асосий тушунча ва изоҳли луғат. Тошкент.: Ғафур Ғулом, 2009. Б.546-547.
2. Муҳаммад Амин Яҳё. Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя. Тошкент.: Мовароуннаҳр, 2016. 672 бет.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4-жилд. Тошкент.: Ўз МЕ ДИН, 2008. Б.41.

МАЪНАВИЯТЛИ ОИЛА – ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Акрамова Ф.А.,
Низомий номидаги ТДПУ "Умумий психология" кафедраси доценти,
психология фанлари номзоди, доцент

Оила мураккаб тарбия ва яшаш масканидир. Жамиятнинг қандай қарор топиши кўп жиҳатдан оилага боғлиқ. Негаки, жамият бамисоли бир тана бўлса, оила унинг юрагидир. Юракдан танага тарқаётган қоннинг тозалиги танани бақувват ва соғлом тутади. Жамият учун оила ҳам шундай даражада мақомга эга.

Оила маънавиятли ва фаровон бўлса, унда тарбияланаётган ёш авлод ҳам маънавий жиҳатдан этук, соғлом, мустақил фикрли комил инсон бўлиб вояга этади. Шунингдек, оила маънавияти қанчалик бой, теран ва чуқур бўлса – жамият ҳам шу қадар бой бўлади. Оила маънавияти – жамиятни ифодаловчи кўзгудир.

Бир тадқиқотимизда “Сизнинг фикрингизча, бизнинг жамиятда инсон маънавиятига нима энг кўп даражада таъсир кўрсатади?” (% да) саволини бердик.

Жавоблар:	%
Оила	77,1
Маҳалла	43,2
Таълим муассасаси	43,1
Ижтимоий муҳит	36,9
Телевидение	28,1
Матбуот	7,2
Дин	6,8
Адабиёт	3,4
Кино, театр	2,2

Демак, шахс маънавиятини шакллантирадиган омиллар орасида оила ва оилавий тарбия, маҳалла, таълим-тарбия тизими масканлари ҳамда ижтимоий муҳит таъсири юқори экан.

Фарзаднинг атрофдаги инсонларга муносабати, дунёга қай кўз билан қараши унинг ҳаётидаги биринчи ва асосий мураббийлари бўлмиш **ота-онага** боғлиқдир.

Абурауф Фитрат 1914 йил Бухорода чоп этилган “Оила ва уни бошқариш тартиблари” рисоласида оила тақдирида юрт ва халқ бахтини кўради. у “Қаерда оила муносабати кучли интизом ва тартибга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва тартибли бўлади” деб ёзади. Шунингдек, “Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юкини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ” фикри ҳозирги кун учун ҳам долзарбдир.

2017 йилда **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: “**Бундай кескин ва таҳликали шароитда ... Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим. Бола – ота-она қўлидаги бир омонатдир”, - деб огоҳликка чақириш доимо муҳим эканлигини кўрамиз.

Халқнинг маънавий мероси хадисларда “Фарзандларингизни иззат-икром қилиш билан бирга ахлоқ-одобини ҳам яхшилангиз” /38-хадис/; “Ҳеч бир ота ўз фарзандига хулқу одобдан буюкроқ мерос беролмайди” /136-хадис/ дейилганлиги;

Ота-оналарнинг тарбиячи сифатидаги вазифаси «нафақат сўз билан, балки амалда ҳам бола руҳига таъсир кўрсатмоғи лозим» эканлиги Ибн Синонинг “Тадбири манзил” китобида берилган.

Юсуф Хос Хожиб, бола маънавиятининг асоси, деб: «Агап боланинг хулқи ёмон бўлса, бунда боланинг айби йўқ, ҳамма айб - отасида» эканлигини уқтирган.

Шундай қилиб, тарғиботчи юқорида берилган ўгитларни маҳалла эътиборига яна ҳавола этиши, маҳаллалардаги ибратли оилаларда отанинг ибрати, онанинг хулқи, илми қанчалик таъсирли эканлигини жонли учрашувлар орқали тасдиқлашга аҳамият бериши муҳим.

Яхши оталарсиз яхши тарбия бўлмайди. Тарбияда яхши ўқитувчини янада яхшироқ ўқитувчи билан алмаштириш мумкин. Аммо, ёмон отани, яхши ота билан ҳам алмаштириб бўлмайди. Отани тарбия бобидаги ўрни улкан аҳамиятга моликдир.

Ғаройиб далил: даҳо инсонларнинг кўпчилиги заковатли аёлларнинг фарзандларидир, улар оталаридан кўра оналаридан кўпроқ нарсани ўзлаштирганлар. “Бизга яхши оналарни беринглар, биз яхши одамлар бўлиб ttишамиз”. “Фарзанд учун энг яхши тарбия онанинг меҳри. Ота-онанинг энг асосий машғулоти фарзандни тарбиялаш. Агар улар бунга рози бўлмаса, унда нима учун фарзандли бўлишади?” – фикрлар ўринли эканлиги муҳимдир.

Шунингдек, яхши тарбия бериш, тўғри парвариш қилиш учун тарбия бераётган, парвариш қилаётган аёл-онанинг ўзи ҳам тарбияланган бўлиши зарур. Бу борада ёшларни, айниқса қизларни оила-никоҳ муносабатларига, фарзанд парвариши масалаларига, оила юритиш малакаларига, муомала сир-асрорларига оилага қадар тайёрлаш муаммоси туради. Чунки, яхши тарбияланган инсон ҳаётни фалокатга, ҳалокатга, жаҳолатга олиб бормайди, балки аксинча, саодатга, маърифатга, бахтга элтади. Шунинг учун зукко адиб Абдулла Авлонийнинг ушбу фикрларини келтиришни лозим топдик: «Тарбия бизлар учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир».

Боланинг келажакда ким ва қандай инсон бўлиб этишиши у дунёга келган илк кунлардан бошлаб онаси томонидан қандай тарбияланганлиги, уларнинг ўзаро муносабатлари қандай кечганлигига узвий боғлиқ бўлиши ҳаётда исботланган.

Тадқиқот сўровида жами 7950 та мактабда 207111 нафар ўқувчилар иштирок этди, уларнинг ота-оналари эса 203896 нафарни ташкил этди.

1-омил. Оиладаги муҳит, тарбия.

“Оилангиздаги муҳитни қандай баҳолайсиз?” саволига Республика бўйича 7950 та умумтаълим мактабларининг 207111 нафар ўқувчиларидан жавоб олинди. 124600 нафари “намунали”, 65642 нафари “яхши”, 11685 нафари “билмадим”, 4931 нафари “нотинч” деб, жавоб беришган. Ушбу кўрсатгичлардан кўринадики, гарчанд энг юқори кўрсатгич бўлмасада, аммо, “нотинч” (4931), “билмадим” (11685) каби жавоблар ҳам кўзга ташланади. Бу табиийки, ўз навбатида оилаларда соғлом муҳитни шакллантириш борасида чора-тадбирлар олиб боришни тақоза қилади.

“Ота-онангиз Сизнинг таълим-тарбиянгиз билан қизиқадими?” саволига Республика бўйича 7950 та умумтаълим мактабларининг 207111 нафар ўқувчилардан 155693 нафари “доим қизиқади”, 39249 нафари “вақти бўлса қизиқишади”, 6353 нафари “эшитишни хоҳламайди”, 6145 нафари “қизиқмайди” деб, жавоб беришган. Ушбу кўрсатгичлардан кўринадиики, энг


юқори кўрсатгич “доим қизиқади” жавобига тўғри келди (155693). Аммо “вақти бўлса қизиқишади” (39249), “эшитишни хоҳламайди” (6353), “қизиқмайди” (6145) каби жавоблар кўрсатгичининг юқорилиги бу соҳада ҳам қатор муаммолар мавжудлигидан далолат беради. Шундан келиб чиқиб, ота-оналар ўртасида оилада болалар тарбияси билан шуғулланиш борасида йўл-йўриқ бериш ва тушунтириш ишларини олиб бориш ҳамда бу борада қатор амалий ишларни йўлга қўйиш талаб этилади.

“Фарзандингиз таълим-тарбияси билан шуғулланасизми?” деб, ота-оналарга берилган саволга Республика бўйича 203876 нафар ўқувчиларнинг ота-оналаридан 133938 нафари “ҳа”, 91053 нафари “баъзан”, 6813 нафари “у мени эшитмайди” ва 6392 нафари “йўқ” деб, жавоб беришган.

Ушбу рақамлар эса, ота-оналарнинг фарзандлар тарбияси билан шуғулланишларида муаммолар мавжуд эканлигини далилидир. Шунинг учун сўровномада қатнашган ота-оналарнинг 6392 нафари “йўқ”, 91053 нафари “баъзан” фарзандлари тарбияси билан шуғулланишларини қайд этишган. Мазкур ҳолат ўз навбатида ота-оналарни фарзандлар тарбияси билан шуғулланишларига ундовчи чора-тадбирларни олиб боришни тақоза қилади.

2-омил. Китоб, мутоала.

Савол. Фарзандингиз бадиий китоб ўқийдими?




“Фарзандингиз китоб ўқийдими?” саволига жами 203876 нафар ота-оналарнинг 9983 нафари “йўқ”; 14750 нафари “билмайман”; 26806 нафарлари “талаб этилса”; 161174 нафари “доим ўқийди” жавобларини беришган.

Боланинг гўдаклик даврида унинг мияси бамисоли оқ қоғозга ўхшайди. Унга нима айтилса, “оқ қоғоз”га ўша маълумот ёзилиб қолади. Боладаги салбий хислатлар ҳам, ижобий хислатлар ҳам у билан бўлаётган мулоқотга ва муносабатга бевосита боғлиқдир. Инсон мияси **100** миллиардлаб нейронлардан, яъни фаол хужайралардан иборат. Ҳар бир нейрон дарахт шоҳлари каби боғланиб, маълумотни сақлайди. Ҳар бир нейрон бамисоли кучли компютер каби бошқа хужайралар билан боғланади ва уларга турли ахборотларни узатади. Шуни қайд этиш лозимки, инсондаги ўқишга бўлган қобилиятнинг **50%и** дастлабки тўрт йили давомида ривожланади. Яна **30%** и тўрт ёшдан саккиз ёшгача ривожланади. Бу даврда нейронларнинг ўзаро боғланиши фаол ривожланади, агар бола ўн ёшга тўлгунича нейрон боғламлари фаол шаклланмаса, улар фаоллашмайди ва “ўлади”. Бундан


кўринадики, инсон ҳаётининг дастлабки саккиз йилида 80% билим ва ҳаётий фикрлашга асос яратилади.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, болада атроф-муҳитга қизиқиши уйғонган, серсавол “почемучка” даврида бир нормал болада битта эмас, иккита эмас, балки кун давомида 5000 тагача саволлар туғилар экан. Лекин катталар, ота-оналар болада пайдо бўлган бу саволларга жавоб қайтаришга ўзларида журъат, тоқат, сабр топа олмайдилар, унинг билиш эҳтиёжини сўндирадилар ва натижада болалик давридаёқ биз гоҳида болаларни бефарқ қилиб қўяр эканмиз. Шунинг учун бола тарбиясида ниҳоятда қизиқувчан ва тоқатли бўлиш лозим. Инсондаги билишга қизиқиш пайдо бўлганда, уни қондирилиши бу одамда навбатдаги қизиқишни юзага келтириб чиқаради, буни у англаб олса, унинг фикр доираси кенгаяди, ўсади ва ўзини шахс сифатида мукаммал ҳис этишига ёрдам беради. Ўзини мукаммал ҳис этаётган шахсда ҳаётга ишонч ва ўз-ўзига ишонч шаклланади ва унда мустақиллик ҳисси уйғонганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Шунинг учун болани атрофидаги биз катталар болани гўдаклик давридан бошлаб, у билан муносабатларда жавобгарликни ҳис этишимиз, болаларда эрта равишда ана шундай ҳисларни шакллантиришга масъул эканлигимизни унутмаслигимиз лозим.


Савол. Оилавий кутубхонангиз борми?




Савол. Фарзандингиз мактаб кутубхонасига (ахборот-ресурс марказига обуна бўлганми)?



Савол. Фарзандингизни маданият масканлари, муқаддас қадамжолар ва музейларга саёҳатга олиб борасизми?



Савол. Фарзандингиз бўш вақтини қаерда ўтказади?



Сўровномалар бўйича ХУЛОСА:

Аввалом бор барча ёшларни китобхонликка ўргатиш зарур. Бу борада Ҳаракатлар Стратегиясининг 1-босқичида китоб мутооласига оид тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борилганлиги ва уни доимий олиб бориш лозим эканлиги яққол кўринади.

Агар уйда оилавий кутубхонаси бўлса, бола китобни ўқиши мумкинлиги кузатилди. Демак, уйда китоб бўлса, бола китобни ўқиши мумкинлигини билдик. Лекин ташвишли жавобларни танланганлиги, айниқса, “уйда ҳеч ким қизиқмайди”, “ота-онам қарши”, “йўқ”, ўқувчиларнинг келгуси ҳаётларида муаммоларга дуч келмасликлари, муаммоларни олдини олишда уларнинг маънавий салоҳиятини китобхонлик орқали юксалтириш заруратини юзага келтиради. Шунинг учун барча худудларда, айниқса, статистик маълумотларда Қорақалпоғистон Республикасидан то Тошкент шаҳригача юқори даражада оилавий кутубхона “йўқ” деб белгиланган худудларда кенг кўламли тарғибот ишларини кучайтириш зарур, деб ҳисоблаймиз. Шу ўринда тавсия: маҳаллалардаги ота-оналар университетларида “Китоб – менинг маслаҳатчим”, “Китобим-дўстим” каби мавзуларда мутахассислар ва ибратли оилалар вакиллари иштирокида давра суҳбатлари ва семинарлар ташкил этиш муҳим.

3-омил. Ижтимоий омиллар.

Буларга эр-хотинларнинг маълумот савияси, дунёқараши даражаси, ижтимоий келиб чиқиши, қандай оилада вояга этгани (серфарзанд, кам фарзандли, кўп поғонали, нуклеар, биринчи оила, қайта тузилган оила, бир миллатли оила, байналминал оила, юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, расмийлаштирилмаган, регионга кўра: шаҳар, қишлоқ)

4-омил. Биологик омиллар:

Буларга организмнинг соғлом ёки носоғломлик ҳолати, тана тузилишидаги ўзига хосликлар. Туғма жозибалилик ёки хунуклик. Темперамент тоифасидаги ўзига хосликлар, яъни жўшқинлик, ҳаракатчанлик, жанжалкашлилик, секинлик, инертлик, аразчилик каби хусусиятларни ўзида таркиб топтирган тоифаларга мансублилик: холерик, сангвиник, флегматик, меланхолик.

5-омил. Характер омиллари:

Характер хусусиятларидаги ўзига хосликлар. Муҳит, таълим-тарбия таъсирида кузатиладиган турли хислатлар. Шахснинг ўзигагина хос бўлган фазилатлар ва бошқалар.

Маънавий етукликни фарзандларга этказиш учун ота-оналар ўзларида бу сифат қандай эканлигини ревизия қилиб олишлари шарт. Барча ота-оналар учун фарзандига яхши тарбия бериш борасида амал қилишлари керак бўлган асосий шартлар кўп эмас; бунинг учун бола билан муносабатда: ўзаро ишонч; холис бўла олиш; унинг мустақил фикрлашига имкон яратиш; салбий ва ёмон нарсаларни қандай бўлса шундайлигича баҳоламаслик; ҳаётдаги ва одамлардаги ёмон кўринишларни болага кўрсатмаслик, болага яхши таниш бўлган одамларни (қариндошлар, ўқитувчилар, тарбиячилар, қўшнилар) ёмонламаслик, ҳаттоки улар шунга муносиб бўлса ҳам; унга уддалай олганича эркинлик бериш; ҳуқуқ ва бурч ҳисларини сингдириш зарур.

Тарбия жараёни инсон қанча умр кўрса, шунча вақт давом этади. тарбияланади. Айрим тарбиявий воситаларнинг таъсири бир неча йилдан кейин, ҳаттоки ўн йиллардан кейингина намоён бўлади. Лекин бунинг уруғини ҳозир экишимиз керак.

Хитой халқ мақолида: “Биз бир йилга режалаштирганимизда, дон сочамиз, ўн йилга режалаштирганимизда, дарахт экамиз, агар бутун умрга режалаштирсак, кишиларни ўқитамиз ва тарбиялаймиз” дейилган.

ГЛОБАЛ МАФКУРАВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛЛАРИ

Эргашев Ибодулла,
Ўзбекистон Миллий университети, Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқ таълими кафедраси с.ф.д., профессор,
Абдуллаев Барҳаётжон,
Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқ таълими кафедраси таянч докторанти

Глобал мафкуравий хавфсизликни таъминлаш масаласи ҳозирги даврдаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Глобаллашув жараёнининг истиқболи мафкуравий хавфсизлик билан узвий боғлиқ. Глобаллашув турли хил ғоялар ва мафкуралар томонидан турли хил талқин этилмоқда, хатто глобаллашувни бир томонлама фақат негатив жиҳатларини кўриш ва уни мафкуравий хавф-хатарнинг манбаи сифатида қараш анъанаси ҳам мавжудлигини ҳисобга олиш лозим. Лекин бундай қараш глобаллашув тўғрисида ва мафкуравий хавфсизликни таъминлаш борасида холис фикрни бермайди. Глобаллашувнинг позитив жиҳати унинг мафкуравий таҳдид, мафкуравий босим ўтказишни олдини олишда турли давлатлар ва халқларнинг глобал ҳамкорлик, глобал мафкуравий хавфсизликни таъминлашдаги ўрни ва аҳамиятини таъкидлашни тақозо этади.

Глобал мафкура – глобаллашув жараёнига жалб қилинган ҳар қандай жамият учун мақбул бўлган, айрим маданий, тарихий, иқтисодий ёки сиёсий шароитларга боғланмаган ва универсал, умуминсоний қадриятларга асосланган, маънавий ҳаётга доир асосий тушунчалар, ғоялар, қадриятларни ишлаб чиқиш, тақсимлаш ва ўзлаштиришнинг глобал тизими. Глобал мафкура плюрализм принтсипига таянади.

Бугунги кунда глобал хавф-хатар билан мафкуравий хавф-хатар ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуд эканлигини ҳисобга олиш лозим. Бу глобаллашув даврида унинг олдига қўйган мақсадларига эришишда мафкуравий хавфсизликни таъминлашга бўлган интилиш, манфаатлар тизими, уни амалга оширишда иштирок этаётган турли-хил сиёсий кучлар ва гуруҳлар ўртасидаги нисбат билан бевосита боғлиқ ҳолда амалга ошмоқда. Мафкуравий хавфсизлик деганда, бир мафкуранинг иккинчи мафкурага нисбатан босим ўтказмаслик, турли манфаатларга томонларнинг манфаатларини, миллий ва умуминсоний принципларни ҳисобга олган ҳолда муносабатда бўлиш билан бевосита боғлиқ. Мафкура жамиятнинг асосларини ва барча соҳалари фаолиятининг фундаментал принципларини белгилайдиган қарашлар тизимидир. У мафкуравий хавфсизликни таъминлашда фалсафий-дунёқараш, ижтимоий-иқтисодий, геосиёсий, маънавий-маърифий даражаларда намоён бўлади. Мафкура жамиятнинг технологик асоси ва миллий хусусиятлар билан бевосита боғлиқ бўлса миллий мафкура ҳисобланади. [Қаранг: 3] Миллий мафкура хусусида Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.М.Мирзиёевнинг “**Биз яратаётган янги Ўзбекистоннинг мафкураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади. Биз мафкура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбиясини тушунамиз. Улар халқимизнинг неча минг йиллик ҳаётий тушунча ва қадриятларига асосланган**.” деган фикрлари мазкур хулосаларга асос бўлади. [1]

Глобаллашув жараёни манфаатлар муштараклиги тушунчасини инкор этмайди. Аксинча, у манфаатлар муштараклигига қанча кўп таянса глобал тараққиётда мафкуравий хавфсизликни таъминлаш имкониятлари шунча юқори бўлиб ўзаро ҳамкорликни таъминлашда янги-янги макон яратади. Бугунги глобал дунёнинг мураккаблиги ҳам шундаки, ана шу мафкуравий муштараклик масаласини таъминлашга манфаатларни бир томонлама кўриш ва унга устуворлик бериш билан боғлиқ жараёнларда аниқ кўзга ташланади.

Глобал барқарорликни таъминлаш масаласига халақит бериб келаётган омиллардан бири ҳам, мафкуравий таҳдидлар билан бевосита боғлиқ. Бугун глобал дунёнинг мафкуравий манзараси ўзига хос мураккаб тузилишга эга бу глобал тараққиётнинг ҳозирги босқичида турли хил манфаатдор гуруҳлар ва кучларнинг, давлатларнинг мафкуравий хавфсизликни таъминлаш масаласига бир қутбли дунё, икки қутбли дунё ёки кўп қутбли дунё нуқтаи назаридан ёндашувларнинг бир-бирига нисбатан тескари мувозанатда эканлиги билан бевосита боғлиқ.

Глобал мафкуравий хавфсизликни таъминлаш кўпгина омилларга боғлиқ ва буни анъанавий ва замонавий кўринишларга эга эканлигини таъкидлаш лозим. Глобал мафкуравий хавфсизликни таъминлашда анъанавий ёндашувлар, ғоя ва мафкурага нисбатан анъанавий қарашлар, турли хил сиёсий-мафкуравий қарашлардаги анъанавий кўринишлари билан бугунги ўзгараётган дунё ғоявий-мафкуравий соҳага қўйилаётган янгича талаблар, уни модернизасиялаш жараёни билан боғлиқ ўзгаришлар ва янгиланишлар ўртасидаги номутаносиблик ҳолатининг сақланиб турганлиги ва фарқнинг кучайиб бораётганлиги мафкуравий таҳдиднинг сақланиб қолиши сабабларидан бири ҳисобланади. Бу глобал тараққиётнинг позитив ривожланиш қонуниятларига зид бўлиб, глобал ҳамкорликка эмас, аксинча глобал таҳдидлар, хавф-хатарларни ғоявий ва мафкуравий соҳада кучайишига сабаб бўлиб қолмоқда. Бунда глобал тараққиёт қонуниятига тўғри келмайдиган икки тенденсияни кузатиш мумкин. Аслида глобал хавфсизлик масаласи бутун дунё халқларини ўйлатаётган умумий муаммодир. Шундай экан, уни таъминлашдан барча тинчликсевар кучлар, эзгу фикр эгалари манфаатдор. Ундаги нохолислик мавжуд айрим сиёсий кучлар ва манфаатдор гуруҳларнинг нохолис ва мафкуравий хавфсизликни таъминлашга бўлган бир томонлама қарашлари ва ўз манфаатларини бир томонлама устун қўйишга бўлган сиёсий мақсадлар ва геосиёсий интилишлар билан боғлиқ ҳолда бўлиб қолмоқда. Бу охир оқибатда ғоявий мафкуравий соҳада турли хил мафкуравий қарашларни пайдо бўлишига ва мафкуравий таҳдидларнинг кучайишига сабаб бўлиб қолаётганлигини ҳисобга олиш лозим.

Бугунги дунёнинг турли нуқталарида содир бўлаётган воқеа ва ҳодисалар ғоявий мафкуравий соҳадаги чигалликларни келтириб чиқармоқда. Натижада ғоявий-мафкуравий хавф хатарнинг кучайиши ёки мафкуравий хавфсизликни мустаҳкамлашга салбий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, бугунги глобаллашув жараёнининг объектив характери буни ҳисобга олишни тақозо этади. Ғоявий мафкуравий таҳдидларнинг кучайиши эса, турли давлатлар даражасидаги хилма-хиллик табақаланиш жараёнининг кучлилиги ва ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётидаги муаммоларнинг ғоявий мафкуравий кўринишда юзага чиқишини англатади. Ҳар қандай ғоявий мафкуравий кўринишдаги қарашларнинг ортида кўзга кўринмас кучлар, ўзаро манфаатдор бўлган гуруҳлар ва ўз манфаатлари учун уни турли хил кўринишда ғоявий мафкуравий жиҳатдан асослашга уринишлар ва бунинг учун хатто курашлар, ахборот урушларидан ҳам фойдаланаётганликларини таъкидлаш лозим.

Глобаллашув инсонлар ҳаётига шу маънода унинг яхшиланишига эмас, аксинча, турли хил кўринишдаги зиддиятлар ихтилофлар ва курашлар тарзида таассурот қолдирмоқда бу глобаллашувнинг мазмун моҳиятига соя солмоқда. Муаммони глобаллашувдан эмас глобал тараққиёт натижаларидан қандай мақсадда фойдаланаётган кучлар, яъни субъектив омиллардан излаш керак бўлади. Бу эрда инсон омили турли хил сиёсий кучлар ва гуруҳлар билан боғлиқ бўлган унинг ўзига хос жиҳатлари мафкуравий хавфсизликни мустаҳкамлашга ёки аксинча мафкуравий хавф-хатарнинг кучайишига ҳамда турли хил кўринишлардаги ғоявий таҳдидларни келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Глобал мафкуравий хавфсизликни таъминлашда ғоявий ҳар бир давлат ва миллатнинг мафкуравий таҳдидларни олдини оладиган, ғоя билан ғоянинг фарқини англатадиган миллий ғоясига ишонч ва эътиқоди юқори бўлиши керак. Иккинчидан, мафкуравий хавфсизликни таъминлаш мақсадида конструктив ғоя тарафдорларининг ўзаро ҳамкорлиги ҳамжиҳатлиги юқори бўлиши ва ҳар қандай мафкуравий хавф-хатарларга қарши бирлаша олиши буни ўзининг фуқаролик маданияти ва масъулияти эканлигини хис этиши ва ғоявий курашувчанлик позисиясига эга бўлиши лозим. Мафкуравий хавфсизликни таъминлаш соҳасида бефарқликка, лоқайдликка манфаатларни бир томонлама англашга ва эгоизмнинг ҳар қандай кўринишига қарши фуқаролик позисиясига эга бўлиши керак. Таълим тарбия тизими ёшларнинг мафкуравий хавфсизликни таъминлаш борасидаги дунёқарашини, онг ва тафаккурини шакллантиришга хизмат қилиб, мафкуравий таҳдид, хавф-хатарларнинг ҳар қандай кўриниши ва уни олдини олиш йўлларини ҳамда омилларини, унга бўлган ишонч ва эътиқодни мустаҳкамлаш орқали мафкуравий хавфсизликни таъминлаш мумкинлигини хис этишга ундаши лозим. Мафкуравий хавфсизликни таъминлашда ота-она, оила, маҳалла, мактаб алоҳида эътиборни қаратиши лозим. Мафкуравий хавф-хатарнинг ҳар қандай кўринишига нисбатан муросасиз бўлиш маданиятини шакллантириш лозим бўлади. Ёшлар ўртасида таълим тарбия тизими орқали конструктив мафкура кўринишларига нисбатан мафкуравий толерантлик, турли

халқларнинг ғоявий мақсадлари ва қарашларидаги янгиликларни қабул қилиш ва уни барқарор тараққиёт мафкуравий хавфсизликка эришишнинг муҳим шарти эканлигини назарда тутиш лозим.

МАЪНАВИЙ ТАРБИЯНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ПРАГМАТИК КОНЦЕПЦИЯСИ

Замонов Зокир Турғинович
ЎзДЖТУ ўқитувчиси,
сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

...Маънавий-маърифий тарбия ишларининг тизимли йўлга қўйилиши ва бу борада юксак самарадорликка эришиш ўткир заруратга айланмоқда.

Айнан таълим-тарбия ва маърифат жамият барқарорлигининг асосий омилларидан ҳисобланади, инсонларни эзгуликка даъват этади, саховатли, сабр-қаноатли бўлишга ундайди.

Ш.М.Мирзиёев

Ҳар қандай давлатнинг барқарорлиги, ундаги ижтимоий жараёнлар модернациялашуви жамият аъзоларининг ҳукуматга бўлган ишончи, давлат органларининг эса фуқароларнинг шаъни, қадр-қимматини биринчи поғонага кўтариши билан бўлади. Бу стериотип, ўз навбатида, фуқаролик жамиятининг амалда тўла намоён бўлиши англатади. Кучли фуқаролик жамиятини ривожлантиришда эса, этакчи омил ҳисобланган ижтимоий, маънавий ва ахлоқий тарбия масалаларига этибор қаратишни талаб этади. Шу маънода ҳозирда маънавий ва ахлоқий тарбия масалалари Ўзбекистон жамиятида аҳолининг кенг қатлами билан бир қаторда, ёшлар олдида муҳим талаб ва вазифаларни қўймоқда.

Қолаверса, бугун тезкор равишда кечаётган глобал жараёнлар, фан-техника тараққиёти, инновацион жамиятга бўлган эҳтиёж ёшлар учун кўплаб имкониятлар ва ташаббускорликни яратмоқда. Замонавий дунёда, ислоҳотлар жадаллашувида даврида ёшлар жамиятда кечаётган жадал ислоҳотларга фақат тузатувчи бўлибгина эмас, балки улар ўзи ташаббус билан чиқиб, олдига тезкор қарорлар қабул қилиш, инновацион тафаккурини амалий ҳаётда кўрсатиб бориш билан бирга миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқ бўлишдек ижтимоий-сосиал заруриятларни ҳам тенг равишда олиб бориши талабидан келиб чиқиб Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини ишлаб чиқишга эҳтиёж туғилди. Шу билан бирга, жамиятда жиноятчилик, экстремизм, терроризм, коррупсия, фирибгарлик, кўзбўямачилик, ёлғончилик, эгоцентризм, ахлоқий бузуқлик, оилавий ажримлар, меҳр-оқибатнинг камайиши, «оммавий маданият»га кўр-кўрона тақлид, лоқайдлик, бегоналашув, ўзибўларчилик, фарзанд тарбиясида масъулиятсизлик, оилавий қадриятлар инқирози, эл-юрт тақдирига бефарқлик

каби иллатларнинг кескин камай[1]ишини олдини олишда прагматик асос бўладиган ягона концепцияни ишлаб чиқиш заруратга айланганди.

Бундан ташқари, мамлакат Президенти охирги уч-тўрт йилликда таълим-тарбия соҳасида замонавий ва оқилона тизим яратиш, тарбияда эса миллий анъана ва қадриятларга суяниш муҳимлигини таъкидламоқда.

Айни шу жиҳатдан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги "Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлар тўғрисида"ги 1059-сонли қарори айнан бугунги илм-фан ва жамият ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий тараққиёти, хусусан, ёшларнинг ижтимоий ҳаётда маънавий-ахлоқий негиздан келиб чиқиб назар ташлаш кўникмасини шакллантиришда долзарб аҳамият касб этади.

Таълим тизимининг маънавий-ахлоқий мазмунини ошириш, ёшларга мустақиллик ғояларига, миллий анъаналарга содиқлик руҳини чуқур сингдириш, уларда ёт ғоя ва мафкураларга нисбатан иммунитет ва танқидий тафаккурни мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли иш олиб бориш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда [2].

Шундан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 июлдаги "Умумий ўрта таълим муассасаларида "Тарбия" фанини боскичма-боскич амалиётга жорий этиш чора-тадбирлари тўгрисида" 422-сонли [3] қароридан келиб чиқиб "Миллий ғоя", "Одобнома", "Дин тарихи", "Ватан туйғуси" каби фанларни бирлаштирган ҳолда, 2020-2021 ўқув йилидан ягона Тарбия фанини босқичма-босқич жорий вазифаси белгиланади. Зеро, янги фанни жорий этиш, хусусан, уни Узлуксиз таълим тизимига бочқичма-босқич амалга ошириш эвазига умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларининг ёши ва психофизиологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда уларнинг онгига умуминсоний қадриятлар ва юксак маънавиятни янада чуқур сингдириш, уларни ватанпарварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, умумий ўрта таълим муассасаларидаги маънавий-тарбиявий ишларни янгича асосда ташкил этиш амалга ошиб бориши кутилмоқда. Шунингдек, умумтаълим муассаларида жорий этилган Тарбия фани ўқувчиларда фаол фуқаролик позисиясини шакллантириш, уларнинг ҳар томонлама ижтимоийлашувига кўмаклашиш, самарали ҳамкорлик қилиш, вақтини мазмунли ташкил этиш, миллий, маънавий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат килиш, ўзларининг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришга хизмат қилади [4]. Зеро, маърифатпарвар адиб А.Авлоний таъкидлаганидек, "ҳар бир миллатнинг саодати, давлатнинг тинчи ва роҳати ёшларнинг яхши тарбиясига боғликдир".

Бугун ёшлар учун ёшлар учун очиқ ва бугунги замон талабига мос, сифатли таълимни таъминлаш ижтимоий сиёсатимизнинг этакчи масалаларидан бири ҳисобланар экан, бу жараёнда маънавий-ахлоқий, маърифий ишларни асло четга суриб ёки бўлмаса, иккинчи даражали масала, деб қарашнинг ўзи бўлмайди, бу ўз-ўзидан моҳият ва мақсад номутаносиблигини келтириб чиқаради. Айнан бу жиҳатга этибор қаратар экан, давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев шундай изоҳлайди: «Маълумки, ёш

авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо, биз яшаётган XX1 асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда» [5].

Ваҳоланки, биз таъкидлаётган прагматик концепция ҳам (Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси назарда тутилмоқда) ўқувчиларда фазилатнинг ахлоқий, фуқаролик, маданиятлараро, маънавий, ижтимоий сифатларини шакллантириш, шунингдек, демократик жамиятнинг ривожланишни назарга тутади. Бу ўз, навбатида, бугунги янгиланаётган Ўзбекистон шароитида жадал ислоҳотлар жараёнлари билан таълим-тарбиянинг интеграсиялашувини келтириб чиқаради.

Демак, юқоридаги ижтимоий ва прагматик ўзгаришлар билан бир қаторда, маънавий йўналишда қуйида амалий чора-тадбирларни ташкиллаштириш ва жараёнда қўллаш лозим бўлади. Хусусан:

- жадал ислоҳотлар кег равишда амалга оиришлаёан ҳозирги даврда мамлакатимизда Узлуксиз маънавис тарбияда умумий сафарбарлик, том маънода ижтимоий-маънавий ҳамкорликка катта эътибор қаратиш лозим бўлади. Бу борада: “Узлуксиз таълим тизимида маънавий тарбия асосларини кучайтириш лозим. **“Тарбияда танаффус бўлмайди”,** деган чуқур маъноли гапни кўп такрорлаймиз. Лекин, афсуски, жойларда маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда ана шу қоидага амал қилинмаяпти. Бу борада боғча, мактаб, олий таълим, маҳалла тизимининг ҳар бири алоҳида иш олиб бораётгани, яъни, ўзаро ҳамкорлик ва уйғунликнинг йўқлиги ишимизнинг самарасига салбий таъсир кўрсатмоқда” [6], дейди давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев. Зеро, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида ҳам маънавий тараққиётга эришишда бевосита “оила, таълим ташкилотлари ва маҳаллаларда маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш” [7] масаласи устуворлик касб этмоқда.

- бугунги кунда Узлуксиз таълим ривожлантиришга қўйилаётган талаб асосида дунёнинг ривожланган мамлакатлари тажрибасини ўрганиш талаби қўйилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси 2030 йилга келиб PISA Халқаро миқёсда ўқувчиларни баҳолаш дастури рейтинги бўйича жаҳоннинг биринчи 30 та илғор мамлакати қаторига киришига эришишида ижтимоий-гуманитар фанларга қўйиладиган давлат талабларини ҳам транформасиялаштириб бориш, бунда, хусусан, маънавий тарбияни баҳолашнинг илмий асосланган индикаторларини ишлаб чиқиш [8] талабидан келиб чиқиб амалга ошириш ўзининг кутилган натижасини беради;

- Узлуксиз маънавий тарбиянинг асосий бош ғояси бўлмиш “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” тамойилидан келиб чиқиб, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишнинг замонавий ва амалий чораларини кўриб бориш, бунда уларни маънавий-маърифий фаолияти, ижтимоий ташаббусларига катта тўсиқ бўлувчи жиноят ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш зарур ҳисобланади. Хусусан, ёшларни мактаб ёшидан бошлаб жиноят кўчасига кириб қолмаслиги, салбий ҳолатларга тушиб қолмаслик, ҳатто жиноят ва унга яқин ҳолатларга нисбатан бепарва ва беписанд бўлмасликнинг

олдини олишга қаратилган амалий-методик ишланмалар, прагматик кўрсатмаларни педагог-ўқитувчилар ўртасида “МАҲОРАТ КУРС”лари тарзида соҳа мутахассислари (умумтаълим муассасалари педагоглари билан бир қаторда, мактаб этакчилари, маҳалла фаоллари ҳамда профилактика нозирлари билан ҳамкорликда)ни жалб қилган ҳолда ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. *Қаранг:* Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон қарорига 1-илова: Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси.
2. Ш.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2021. 464 б. –Б. 301**.**
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 июлдаги “Умумий ўрта таълим муассасаларида "Тарбия" фанини боскичма-боскич амалиётга жорий этиш чора-тадбирлари тўгрисида” 422-сонли қарори.
4. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 июлдаги “422-сон қарорига 3-илова: Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари учун «Тарбия» фани концепцияси.

ВАТАНПАРВАРЛИК ҒОЯСИ – ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА МАФКУРАВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА

Ҳабибуллаев Маъруфжон Одилжон ўғли,
Наманган давлат университети миллий ғоя ва ҳуқуқ таълими кафедраси ўқитувчиси

Бугунги кунга келиб, жаҳон геосиёсий майдонидаги туб бурилишлар, глобаллашув ва мафкуравий жараёнларнинг кучайиши ҳамда ахборот технологияларининг жадал тарзда ривожланиши эр куррасидаги барча мамлакатлар тарихида кескин бурилишлар ясаб келмоқда.

Маълумки, XXI асрга келиб дунё мамлакатлари ўртасида ўзаро таъсир шу қадар кучайиб кетдики, бу жараёндан тўла иҳоталаниб олган бирорта ҳам давлат йўқ. Глобаллашувнинг турли мамлакатларга ўтказаётган таъсири ҳам турлича. Бу ҳол дунё мамлакатларининг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва энг асосийси, миллат ва халқнинг маънавий салоҳияти ҳамда маънавий имджи билан боғлиқ. Ўз навбатида француз файласуфи Рене Декарт “Тушунчалар маъносини аниқлаштиринг ва бу инсониятнинг ярмини адашишдан сақлайди” – деб ёзган эди. Айни шу маънода, глобаллашув тушунчасининг қисқача истилоҳий маъносини изоҳлашга ҳаракат қиламиз.

Глобаллашув – бутунжаҳон иқтисодий сиёсий, маданий интеграсия ва унификасия (бир бирга яқинлашув) жараёнидир.

Глобаллашув – турли мамлакатлар иқтисоди, маданияти, маънавияти, одамлари ўртасидаги ўзаро таъсир ва боғлиқликнинг кучайишидир [1].

Ҳар бир воқеа-ҳодисанинг салбий ва ижобий томонлари бўлгани каби глобаллашув жараёнининг ҳам салбий томонлари ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, глобаллашувнинг бугунги кундаги турли хил кўринишлари миллатнинг маънавий қадрятларига, ахлоқий қадриятларига янада жиддийроқ эътибор қаратишни ва шу билан бир қаторда жамият аъзолари, айниқса ўсиб келаётган ёш – авлоднинг онги ва шуурида ватанпарварлик руҳини шакллантириш ҳар қачонгидан ҳам долзарб масала эканлигини ҳаётни ўзи кўрсатиб келмоқда.

Дарҳақиқат, Ватандаги инсонлар – ватанпарвар бўлсагина, юртда-тинчлик, ватанда-равнақ, халқда-фаровонлик бўлади. Чунки тинчлик бор жойда ривожланиш бардавом бўлади, тинчлик бор жойда эртанги кунга ишонч бўлади. Айнан тинч юртдагина ёшларнинг тақдири, уларниниг орзу интилишларига имкон берилади, истеъдоди юзага чиқади, илм-фан, спорт-маданият, иқтисод-инновация, умуман олганда, жамиятнинг барча соҳаларида юксак натижаларга эришиб, дунёга танилишига зарур шароит яратилади. Зотан, марралар қанчалик баланд олинмасин, лойиҳалар нечоғли истиқболли бўлмасин, Ватанни севадиган, унинг учун чин юракдан ҳалол меҳнат қиладиган фидойи инсонларсиз уларни амалга ошириш имконсиз, албатта. Зеро, Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича Узлуксиз олиб бориладиган ишлар биз учун долзарб аҳамиятга эгадир” [2].

Маълумки, ватанпарварлик дунёдаги энг олий туйғулардан биридир. Ватанпарвар инсонгина ўз Ватани равнақи учун, ўз халқи фаровонлиги учун, ўз юрти тинчлиги учун хизмат қилишга ўзининг ҳаётини бағишлайди, ўзининг маънавий камолоти учун юксак масъулиятни ҳис этишга, ўз манфаатларини шу юрт, шу халқ манфаатлари билан уйғунлаштириб яшашга даъват этади. Дарҳақиқат, буларнинг барчаси ватанпарварлик туйғусида намоён бўлади. Ватанпарварлик миллатчилик эмас, балки умуминсоний туйғудир. Француз адиби Волтер шундай деган эди: “Ватанга бўлган муҳаббат мени ажнабийлар ютуғидан кўз юмишга мажбур қилмайди. Аксинча, Ватанга муҳаббатим қанчалик кучли бўлса, Ватанимни жаҳондаги бошқа халқларнинг ютуқлари билан шунчалик кўп бойитгим келади”.

Бугунги кунда жамиятимизда халқимизнинг маънавияти бойиб, илм-зиё салоҳияти юксалаётгани, давлатимизнинг иқтисодий, маънавий-маданий, сиёсий қудрати ортаётгани ватанпарварлик туйғуси билан чамбарчас боғлиқлигини англатади. Ватанпарварлик Ватанни севмоқликни англатса, бу илмни эгаллаган киши Ватанга жонини атаган комил инсон мартабасига этган бўлади. Ватандан олганимиз – қарздир, қарзни эса қайтармоқ фарздир. Биз ҳар биримиз Ватанни севамиз, чунки Ватан – биз нафас олаётган ҳаводир [3].

Энг буюк жасорат намуналари қандай юзага келганини биласизми? Машҳур француз файласуфи Жан-Жак Руссонинг фикрича, Ватанга муҳаббат туфайли! Бу туйғунинг ҳаётбахш кучи эса – яратувчанликдир. Янги

Ўзбекистоннинг янги тараққиётини ҳам ана шундай хислату фазилатлар соҳиблари – фидойи ва ватанпарвар юртдошларимиз яратмоқда. Бинобарин, барчамизнинг дилимиздаги мақсаду муддао муштарак – Ўзбекистонимиз энг бахтиёр инсонлар мамлакатига айлантиришдир.

Қадимги Шарқнинг этук алломаларидан бири Али ибн Абу Толиб шундай деган эди, – “Шахсингизга душманлик қилганни авф этингиз. Лекин ватанингизга, миллатингизга ва динингизга душманлик қилган кишини кечирмангиз” [4].

Албатта, Ватанни севиш, унга фидойи бўлиш учун кечирасизу – ўлиш шарт эмас. Балки шу йўлда, керак бўлса, ўлимни бўйинга олиш, миллат ва она тупроқ шаъни учун билвосита ҳар қандай хатар юзига тик боқишни англатади. Ватан миллат идроки билан мавжуддир. Янаям соддароқ айтсак, миллат Ватаннинг устунидир. Шу тупроқ устида яшагани учун эмас, уни шарафлягани, шуҳратга буркагани ва ниҳоят, шу заминни Ватан билгани учун ҳам унга уйғундир.

Шунингдек, ота-боболардан мерос қолган заминни севиш, халқнинг урф-одатларини, қадриятларини асраш ва ривожлантириш, ўз она Ватанини душманлардан, ёт ва бегона ғоялардан ҳимоя қилиш, унинг озодлиги, мустақиллиги ва истиқболининг абадийлиги учун жонини ҳам аямасликни назарда тутади.

Ватанпарвар инсонлар – тинчлик ва осойишталик кафолатидир. Бундай инсонлари бор жамият терроризм, экстремизм, эгосентризм ва экологик муаммоларни ҳамда ҳар қанча маънавий таҳтидларни бартараф этишга қодир жамиятдир. Демак, биз ёшларимизни “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” ғояси асосида, янги Ўзбекистоннинг тараққиёти”, “Ўзбекистоннинг равнақи”, “Ўзбекистоннинг ҳеч кимдан кам бўлмаслиги” йўлида ўсиб келаётган ёш авлодни комил инсон этиб тарбиялаш орқали ички ва ташқи хавфсизликни таъминлашга ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан фахрланишимиз, ғурурланишимиз баробарида, бу соҳадаги камчилик ва нуқсонларни энгиб ўтишимиз, назария ва амалиёт бирлигини таъминлашга масъуллигимизни унутмаслигимиз лозим бўлади.

Юқоридаги фикр мулоҳазаларимиздан келиб чиқиб шуни айтишимиз мумкинки, биз бугунги кунда, ҳар бир қаричи бир азиз авлиё, бир улуғ аллома ёки Тўмарис-у – Широқдай бир ёвқур ёки Жалолиддин ва Темурдай мард, жасур ва адолатли ватанпарварларнинг хоки покини бағрига босган улуғ заминда яшаётганимизни чуқур англаб этишимиз, уларнинг бедор ва курашчан руҳи бугунги тинчлик-тотувлик, ободлик ва озодлигимиз тимсолида мужассам эканлигини ич-ичимиздан англамоғимиз жоиздир. Бу эса зиммамизга шукроналик, фахрланиш, ғурурланиш баробарида тараққиёт сари интилиш, ўзлигимизни намоён этиш масъулиятини ҳам юклайди. Бунинг учун фидойилик, ватанпарварлик, Ватан манфаатларини барчасидан авфзал билишликни талаб этади.

Ҳеч кимга сир эмаски, халқимиз бугунги кунга келиб тарихий бурилиш палласини бошдан кечирмоқда ва бу каби ислоҳотлар дилимиз, тилимиз,

бажараётган ишимизда бўй кўрсатади. Биз ана шу ғояларни чуқур англасак, энг муҳими, амалий ҳаракатимизда намоён қила олсаккина Ватанга содиқ фарзанд бўлишимиз мумкин. Ватан эса Она сингари азиз ва танҳодир. У бизнинг илк ва энг сўнгги айтар сўзимиздир!

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари. Т.: Маънавият, 2006. –Б.8.
2. Ш.М.Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т.: Ўзбекистон. 2017. –Б.229.
3. Тоҳир Малик. Энг кичик жиноят. Т.: 2008. –Б.198.
4. Шарқ ҳақни топди. Тўпловчи, нашрга тайёрловчи ва изоҳларни тузувчи: Аҳмад Муҳаммад “Шарқ” Т.: Ўзбекистон. 2006. –Б.105.

ЎҚУВЧИ ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ КАМОЛ ТОПИШИДА ОИЛАНИНГ ЎРНИ

Панжиев Аҳрор,
Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети
1 босқич магистри.

Оила–жамиятнинг таянчи. Фарзандларимиз онгида эл-юртга, Ватанга муҳаббат туйғулари оилада, яшаб турган маҳаллада шаклланади. Мамлакатнинг эртанги куни, тинч ва обод бўлиши энг олдин мана шу кичик жамиятда ўсиб-унаётган болаларимизга боғлиқ. Қайси оилада, қайси маҳаллада тарбия яхши йўлга қўйилар экан, ўша оила, ўша маҳалла гуллаб-яшнайди. Улуғ маърифатпарвар ватандошимиз Абдурауф Фитрат ўзининг “Оила” асарида фарзанд тарбияси ҳақида қимматли фикрларни илгари суриб кетганки, булар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмай келмоқда. Унда шудай дейилади: “Оиладаги энг оғир вазифа бола туғилгандан кейинги фарзанд тарбиясидир. Баъзи одамнинг сиёсий, диний, ижтимоий инқилобларининг асоси ана шу фарзанд тарбиясига боғлиқ. Бу халқнинг ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши, заиф бўлиб хорликка тушиши, фақирлик жамоасини кийиб, бахтсизлик юкини тортиб эътибордан қолиши, ўзгаларга тобе, қул ва асир бўлиши, болаликдан ўз ота-оналаридан олган тарбияларига боғлиқдир. Тарбия уч қисмдан иборат. Булар бадан тарбияси, ақлий тарбия ва ахлоқий тарбия. Тарбиянинг ҳар бир қисми туғилишдан 7 ёшгача ота-она зиммасига тушади, 8 ёшдан 20 ёшгача мактаб ва мадраса зиммасига, кейин умрининг охиригача одамнинг ўз бошига тушади[102]”. Фитрат илгари сурган ғоядан кўриниб

[102] Абдурауф Фитрат. Оила. Т., Маънавият. 2000. –Б.62

ZJV5401

ZJV5401

турибдики, фарзандлар камолининг илк пойдевори оиладан бошланади. Кейинроқ эса бу жараён таълим муассасаларида давом эттирилади.

Оилада ота-оналар намунаси болалар учун ҳаёт дарси ҳисобланади. Отанинг онага, она меҳнатига, жамиятга, жамият аъзоларига бўлган муносабати бола қалбига яхшилик ёки ёмонлик, маъқул ва номаъқул ишлар ҳақидаги дастлабки тушунчаларини вужудга келтиради.

Баркамол авлод, комил фарзандлар соғлом оиланинг меваларидир. Жамиятимизда соғлом оила муҳитини яратиш борасида Президентимиз ташаббуси билан бир қатор чора-тадбирлар белгиланиб амалга оширилмоқда. Жумладан, оилавий муаммо туфайли келиб чиқадиган жиноятларни кескин камайтириш мақсадида 10014 та нотинч оила билан профилактика ишлари олиб бориш ва 71 фоиз шундай оиланинг нотинчлиги бартараф қилинишига эришилди[103]. Оилада тотувлик, ўзаро ҳурмат меҳр-муҳаббат келишувчилик кабилар ота-оналар обрўсини оширади, ота-оналар билан болалар ўртасида руҳий муҳитни яхшилигига ва уларнинг камолотига ижобий таъсир кўрсатади. Болалар билан муносабатда босиқлик, хулоса чиқаришда шошмаслик, рағбатлантириш ва жазолашда ўйлаб иш тутиш ота-оналар обрўсида муҳим аҳамиятга эга. Тўғри болаларни баъзан жазолаш керак, лекин бунда уларга ахлоқ, одоб мезонлари ҳақида тушунча бериш ва уларни сўзсиз бажариш лозимлигини ота-оналар талаб қилсагина, уларнинг обрўси бўлади. Баъзи оилаларда ота-оналарнинг болалар тарбиясидаги босиқлиги, вазминлиги уларга бўлган ҳурмати, диққат-этибори кам бўлади, натижада ота-оналар билан болалар муносабатларида кўнгилсиз воқеалар содир бўлади. Агар оилада ота-оналар билан болалар ўртасида ўзаро мулоқот учун қулай шароит яратилса, тарбия услубларидан ўринли фойдалана олса бундай оилада болалар тўғри тарбияланади ва ўз фикр мулоҳазаларини рўй-рост айтишдан қўрқмайдилар. Оилада ота-оналарнинг болалар олдида обрў қозониши жуда мураккаб масаладир. Оилада ота-оналар бунинг учун ўзлари тўғри, ҳалол ва адолатли бўлиши шарт. Ота-оналар ўзлариниг ҳатти-ҳаракатлари, билдираётган фикри, муомаласи ва ҳатто ўзига мос ижобий одатлари билан болаларга ибрат бўла олиши фарзанд тарбиясида муҳим аҳамиятга эгадир.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг “Бахтиёр оила” асарида ҳам бу борада қимматли маълумотлар берилган. Жумладан асарда шундай дейилади: “Ота-она болаларига доимо яхши ва гўзал ўрнак бўлишлари лозим. Барча яхши сифатларни намойиш қилиб, барча ёмон сифатлардан узоқда бўлишлари керак. Ота-она болаларига шахсий намуна кўрсатишлари билан бирга, уларга одобларни қунт билан, зерикмасдан ўргатиб боришлари зарур. Чунки Ота-онанинг болаларига берадиган нарсалари ичида энг қимматлиси ва зарурийси одобдир[104]. Юқорида таъкидланганидек, ҳаётда кўплаб намунали ва ибратли ота-оналар мавжуд. Агар ота-оналар ҳалол меҳнат билан машғул

[103] Qarang: Шавкат Мирзиёев. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3 жилд. Т., Ўзбекистон, 2019. Б.120

[104] Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Бахтиёр оила. Hilol-Nashr нашриёти 2013. –Б.343

ZJV5401

бўлиб, фарзандларига тўғри тарбия берсалар, бундай оилада улғайган фарзандлар албатта оилапарвар ва ватанпарвар бўлишади. Баъзан эса ишида жуда яхши мутахасис бўлган ота-оналар болаларига намуна бўла олмайди. Натижада фарзандларнинг хулқида салбий иллатлар юзага кела бошлайди.

Оилада ота-оналарнинг обрўси бўлиши учун улар ҳамма болаларини тенг кўриши лозим. Оилада тенг кўрилган фарзандлар улғайганда бир-бирларига меҳрибон ва ота оналарига ғамхўр бўлиб вояга етадилар. Агарда оилада ота-она фарзандларинниг бирига яхши муносабатда, бошқасига салбий муносабатда бўлишса, бу ҳол фарзандларнинг ўртасида ҳам ўзаро келишмовчиликларни, ота-онага нисбатан ҳурматсизликларни юзага келишига сабаб бўлади. Буюк муҳаддис Имом ал Бухорийнинг "Ал-Адаб ал-Муфрад" асарида ота онанинг фарзанд тарбиясидаги адолатли муносабати ҳақида жуда муҳим фикрлар илгари сурилган. Унда айтилишича: "Башир ибн Саъд (р.а) ўз ўғиллари Нуъмон ибн Баширни кўтариб Русаулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларига келдилар-да: Ё Расулуллоҳ! Мен шу ўғлим Нуъмонга фалон-фалон нарсаларни бердим. Сиз шунга гувоҳ бўлинг", дедилар. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Ҳамма болаларингга ҳам шундай нарсаларни бердингми?" – деб сўрадилар. Башир: "ЙЎқ, фақат Нўмоннинг ўзигагина бердим", деган эдилар. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Шундай қилган бўлсанг мен бунга гувоҳ бўла олмайман, бошқа одамларни гувоҳ қил!" – дедилар. Кейин: "Фарзандларнинг ҳаммаси сенга бир хилда яхшилик қилишларини хоҳлайсанми?" – дедилар. У киши: "Албатта, шундай бўлишларини хоҳлайман", деган эдилар. Расулуллоҳ (с.а.в.): ундай бўлса, Нўмоннинг ўзигагина бериб, бошқаларини маҳрум қилишинг дуруст эмас", дедилар[105].

Оилада ота-онанинг болалар билан дўстона муносабатда бўлиши, улар учун етарлича вақт ажрата олиши, уларнинг ўй-ҳаёллари, орзу-умидлари билан қизиқишлари, уларнинг қайғуларига ҳамдард, хурсандчиликларига шерик бўлуши болаларда руҳий кўтаринки кайфиятни юзага келтиради. Бу эса ўз навбатида болаларнинг маънавий камолотга ундайди.

Болани келажаги, қандай касб ва ҳунарнинг эгаси бўлиши оилада ташкил этилган тарбиявий муҳитга, тарбиявий таъсирга боғликдир. Ўрта аср Шарқ мутафаккири Юсуф Ҳос Ҳожиб ўзининг "Қутадғу – билик" асарида оилвий тарбия болаларнинг ахлоқий қиёфасини шакллантиришда энг асосий нарсалигини алоҳида таъкидлайди. "Мободо болаларнинг хулқ-атвори ёмон бўлса бунда гап болада эмас ота айбдор", дейди. Бу фикрдан ҳар бир оилада ота-оналар ўз фарзандларига доимо барча соҳаларда намуна бўлишлари шарт деган ғояни уқиш мумкин. Ҳақиқатдан ҳам оила тарбиясида ота-оналар обрўси ва намунаси болаларни тўғри тарбиялашнинг манбаи ҳисобланади. Бу ҳақда файласуф олим Исмоил Саифназаровнинг қуйидаги фикрлари ҳам таҳсинга лойиқ: "Тарбиянинг асоси оила муҳити. Бола уйда нимани кўрса шунга тақлид қилиб ўсади. Оилада ота олижаноб, кенг феъл, мулоҳазали ва озгина

[105] Имом ал-Бухорий. Ал-Адаб ал-Муфрад"., Т., Моваройннаҳр, 2006. –Б.82-83.

сиёсатлироқ бўлиши, она эса меҳрибон, раҳмли, болаларни беҳуда қарғамайдиган ва мулойим бўлмоғи лозим[106].

Сўнгги йилларда оилага эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда, жумладан Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан 2022 йил 1 март куни “Оила ва хотин қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб қуватлаш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-81-сон фармонини имзолади[107]. Унда оила институтини мустаҳкамлаш ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилган:

– хотин-қизларнинг таълим ва касбий кўникмалар олишлари, муносиб иш топишларига ҳар томонлама кўмаклашиш, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёш хотин-қизларни аниқлаш ва уларнинг қобилиятларини тўғри йўналтириш;

– гендер тенгликни таъминлаш сиёсатини давом эттириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлашга доир ислоҳотларни амалга ошириш;

– ҳудудларда, айниқса, қишлоқларда хотин-қизларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини таъминлаш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш;

– турар жойга муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш, турмуш ва меҳнат шароитларини яхшилаш, даромадларини кўпайтириш борасида тизимли чора-тадбирларни белгилаш;

– оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш, уларни “Аёллар дафтари” орқали манзилли қўллаб-қувватлаш;

– жамиятда хотин-қизларга тазйиқ ва зўравонликка нисбатан муросасизлик муҳитини яратиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш;

– оиланинг тарбиявий-таълим салоҳиятини мустаҳкамлаш, жамиятда оилавий қадриятларни сақлаш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш ва уларнинг фаровонлик даражасини ошириш.

Бу ишларнинг тизимли жорий қилиниши оилада бола тарбиясига бевосита таъсир кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда мактаб ёшидаги фарзанд тарбиялаётган ота-оналар қуйидаги фазилат ва компитенсияларга эга бўлишлари фарзандлар камолида муҳим рол ўйнайди:

- Ота-оналарнинг ахлоқий поклиги;
- ота-оналик бурчни масъулият билан бажаришлари
- виждонли, тўғри сўз ва адолатпарвар болишлари;
- меҳнатсевар бўлишлари;

[106] Исмоил Саифназаров, Фарида Саифназарова. Ёшлар ва оила – ватан таянчи. Т., “TA’LIM NASHRIYOTI”, 2018. –Б.111-112.

[107] 81 PF. Oila va xotin qizlar bilan ishlash, mahalla va nuroniylarni qo’llab quvatlash chora tadbirlari to’g’risidagi farmoni

ZJV5401

•барча фарзандларини тенг кўришлари;

•китоб муталосига, адабиёт ва санъатга ҳурмат билан қараши;

•фарзандларни доимо ўқиш ва оилада ўзига муносиб меҳнат билан банд қилишлари;

•ота ва онанинг аҳиллиги ва ҳамжиҳатлиги кабилар оилада фарзанд тарбиянинг асоси пойдеворидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдурауф Фитрат. Оила. Т., Маънавият. 2000.
2. Шавкат Мирзиёев. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3 жилд. Т., Ўзбекистон, 2019.
3. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Бахтиёр оила. Ҳилол-Нашр нашриёти 2013.
4. Имом ал-Бухорий. Ал-Адаб ал-Муфрад”., Т., Моваройннаҳр, 2006.
5. Исмоил Саифназаров, Фарида Саифназарова. Ёшлар ва оила – ватан таянчи. Т., “Таълим нашриёти”, 2018.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 1-март “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-81-сон Фармони.

ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИГА ҚАРАТИЛГАН ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Мамажонова Мадина,
Республика маънавият ва маърифат маркази
Андижон вилоят маърифат тарғиботчилар кенгаши аъзоси,
Андижон давлат тиббиёт институти тютори

Геосиёсий мақсадлар, қоида тариқасида, мафкуравий сиёсатнинг бошқа таркибий қисмлари билан ҳамоҳангдир. Мафкуравий таъсир геосиёсатнинг энг таъсирли воситасига айланиб бормоқда. Айрим сиёсий кучлар дунёнинг турли халқлари, айниқса, ёшлар онги ва тафаккурини мафкуравий таъсир кўрсатиш орқали ўз манфаатларига бўйсундириш учун мафкуравий муҳит яратишни назарда тутган. Замонавий глобаллашаётган дунё учун мафкуравий таҳдидлар долзарбдир.

Мафкуравий урушларнинг устувор мақсади – ижтимоий онгга мақсадли мафкуравий таъсир кўрсатиш ва манипулятсия қилиш, ҳокимиятни эгаллаш ва ушлаб туриш, иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан паст бўлган давлатларнинг манфаатларини ҳисобга олмасдан сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий

устунликка эришишдир. Бу ўз ўрнида давлатлараро муносабатлар учун жиддий хавф туғдириши мумкин бўлган кучдир [1].

Маънавий таҳдид деганда, энг аввало, ҳар қандай шахсга тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, унинг тўлиқ маънода эркинлигига қарши қаратилган, унинг маънавий дунёсини буткул йўқ қилиш мақсадида амалга оширилаётган ғоявий, мафкуравий ва ахборот тажовузларини тушуниш керак.

Мафкуравий иммунитетни шакллантириш хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг асосидир.

Мафкуравий полигон ядро полигонидан ўн баробар кучлироқ, мафкуравий иммунитетнинг йўқлиги эса бутун дунёда тартибсизлик ва коррупцияга олиб келади.

Бутун дунёда мана шу мафкуравий тайёргарлик майдонида кураш кетмоқда. Мисол тариқасида қўшни давлатлар – Афғонистон, Ироқ, Сурия, Ливия, Яман, Украина, Грузия, Молдовадаги вазиятни келтириш мумкин [2].

Кишилар онгида шаклланган мафкуравий бўшлиқ туфайли низолар келиб чиқади. Айрим ҳудудларда асрлар давомида кўчманчи халқлар ўтроқ халқлар билан, эрон қабилалари туркийлар билан, мусулмонлар яҳудийлар ва насронийлар билан ёнма-ён яшаб келганлар.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида республикамизга ислом дини ниқоби остида “Ҳизб ут-Таҳрир ал-Исломий”, “Тавба”, “Тоиф”, “Таблигитлар”, “Нурчилар” каби диний фундаментализм тарафдорлари кириб кела бошлади. Улар Қуръони Каримни ўқиш орқали гўёки ислом асосларини ўргатиш орқали ёшларнинг онги ва қалбини забт этишни мақсад қилган ва бунинг натижасида ҳозирги конституциявий ҳукуматга қарши туришга ўргатилган. Улар миллий давлатчиликни ривожлантиришда халқ томонидан яратилган Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий тузумини бузиш учун зарар етказишга ҳаракат қилдилар [4].

Мустақилликнинг дастлабки йилларида вужудга келган мафкуравий бўшлиқ республика учун конструктив эмас, балки бузғунчи куч бўлиб хизмат қилди. Бу диндорларга ҳаддан ташқари таъсир ўтказишга, бошқа динга нисбатан муросасиз муносабатда бўлишга, диний ақидапарастларнинг пайдо бўлишига, ёшларнинг шаклланмаган онгига таъсир ўтказишга олиб келди.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги ўрни ўзига хосдир. Бу минтақада Ўзбекистон энг кўп аҳоли (35 миллион киши) бўлган, улкан иқтисодий ва илмий салоҳиятга эга давлатдир. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос модели ишлаб чиқилган ва муваффақиятли амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Марказий Осиёда юксак интеллектуал салоҳиятга эга, ресурслар ва ишчи кучига бой. Бу ҳудудий жиҳатдан Европа ва Осиёни боғловчи бўғин бўлиб, минтақада тинчликсевар сиёсат олиб боради ва ҳақиқатда сиёсий барқарорликни таъминлайди.

Тарихдан маълумки, бу ҳудудни босиб олишга бир неча бор уринишлар бўлган. Ва бизнинг даврimizда бундай фактлар кўп эмас. Улар курашнинг турли усулларини қўллайдилар: зўравонлик, босқинчилик, терроризм ва ҳоказо. Оддий ва саводсиз одамларни, айниқса, ёшларни ўзига тортади.

Бугунги кунда ўндан ортиқ диний гуруҳлар ёшларнинг бир қисмининг онгини қозониш учун яширин курашни давом эттирмоқда.

Мафкуравий душманларимиз нега ёшларни ўз сафига тортмоқда? Чунки уни алдаш осон. Мафкуравий душманларнинг мақсади динни ёшликдан ўргатиш ниқоби остида бузғунчи ғояларни жорий этишдир. Айрим ёшлар диний фундаментализм тушунчасини тушуна олмайди. Амалдаги диний экстремистлар ислом дини ниқоби остида ёшлар онгини жиловлашга, ҳали шаклланмаган ёшларни ўз тузоғига илинтиришга ҳаракат қилмоқда. Нопок мақсадларига эришишда ёшларнинг тажрибасизлигидан фойдаланиб, ислом ғояларини тарғиб қилмоқда [3].

Демак, мафкуравий иммунитетнинг шаклланиши унинг халқ табиатига, турмуш тарзи ва тафаккурига қай даражада мос келиши, энг муҳими, жамиятнинг миллий манфаатлари ва интилишларини қай даражада акс эттириши билан белгиланади. Ана шундай мафкурагина замон ва ҳаёт синовидан ўтади, одамлар бунга ишонади, эътиқод сифатида қабул қилади. Шундагина у маънавий-ахлоқий кучга эга бўлади ва энг замонавий қуроллардан ҳам кучлироқ бўлади. Кенг жамоатчилик, зиёлилар, фан ва маданият арбоблари, биринчи навбатда, маънавият-маърифий соҳа ходимлари кучлари томонидан мамлакатимизда миллий истиқлол мафкурасининг асосий тамойилларини такомиллаштириш ва қарор топтиришга қаратилган фаолиятни янги босқичга кўтариш зарур. Айниқса, миллий ғоя ва истиқлол мафкурасини мамлакатимизда истиқомат қилаётган ҳар бир инсон дунёқарашининг асосига, маънавий ўзагига айлантириш асосий мақсад эканини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бугунги кунга қадар инсоният ихтиёрида шунчалик кўп қурол ва ўқ-дорилар тўпланганки, бу ер шарини бир неча бор йўқ қилиш учун этарли. Бироқ, бугунги кунда энг катта хавф – инсонлар, айниқса, ёш авлод қалби ва онги учун Узлуксиз давом этаётган мафкуравий курашдир. Бугунги кунда ядро полигонларидаги жанглар эмас, балки мафкуравий фронтдаги кураш ҳал қилувчи рол ўйнайди. Бу аччиқ ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслик керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. К.Комилов, Ў. Хасанбоев, Н. Хошимов. Диний экстремизм ва халқаро терроризм–жамият тараққиётига тахдид. – Т.: Тошкент Ислом университети нашриёт–матбаа бирлашмаси, 2019.
2. Сафоев С. Марказий Осиёдаги геосиёсат, - Т .: 2015, 41-б
3. Нартов.Н.А, Геополитика, -М.: Унити 2010, 45-б

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГАМАЛГА ОШИРИЛИШИ (ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

Ваисов Азад Хасанович,
Ургач давлат университети
тадқиқотчиси

Тараққиётнинг ҳозирги ривожланиш босқичида келажакка катта умид ва ишонч билан шаҳдам одимлаётган Ўзбекистон кейинги беш йил мобайнида кенг миқёсдаги ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий омиллар билан бирга, маънавий-маърифий жараёнларда амалга оширилган ўзгаришлар билан ҳам бошдан кечириб, юксалишнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйди. Дунё тамаддунида юртимизни "Янги Ўзбекистон", "Янгиланаётган Ўзбекистон" каби номлар билан эътироф этмоқдалар. Бу эътироф янги давлат ва жамият қуриш йўлида тарихий ишларни амалга оширган халқимизга хос яратувчанлик шижоати, билим ва салоҳияти, куч ва имкониятлари ҳамда олиб борилган кенг кўламли ислоҳотларга нисбатан изҳор этилди, дейиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъбири билан айтганда, "маънавият – жамиятдаги барча сиёсий-ижтимоий муносабатларнинг мазмуни ва сифатини белгилайдиган пойдевордир"[108].

Халқимизнинг сиёсий тафаккури, ижтимоий фаоллиги ва олиб борилаётган ислоҳотларга дахлдорлик туйғуси тобора ортиб бораётган ҳамда босиб ўтилган шонли йўлимизга назар ташлар эканмиз, бугун "Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари" деган даъваткор ғоя ҳаётимизга тобора чуқур кириб бораётган экан, ана шундай тараққиёт сари интилаётган бизнинг юртимиз Ўзбекистон деб аталган, жаннатмакон юртдир. Президент Ш.Мирзиёев таъбири билан айтганда: "Янги Ўзбекистонни барпо этиш – яқин ва олис тарихимиз, бетакрор ва ноёб маданий бойликларимизни янада чуқур ўрганиб, уларга таяниб, мустақил миллий тараққиёт йўлимизни янги босқичда давом эттириш демакдир"[109], бу сўзлар маънавий-маърифий ишлар самарадорлигига эришишда ва фуқароларниинг айниқса ёшларнинг фаол фуқаролик позисияларини мустаҳкамлашида ўз исботини топди. Дарҳақиқат, "Маънавий ҳаёт жамиятда амал қилувчи ижтимоий меъёрларга асосланади. Лекин бу меъёрлар ўз-ўзидан вужудга келиб ривожланмайди, балки шу жамият фуқаролари, фаол шахслар иштирокида амалга ошади"[110]. Зеро, бугун ягона мақсад атрофида бирлашиб, масъулият ва жавобгарликни ҳис этган ҳолда, фидокорона меҳнат қилиб, ёшларимиз олдига бу улуғвор ниятни қўйиш, бу борада уларга ўрнак бўлиш энг долзарб масалалардандир.

Маънавий-маърифий соҳадаги ислоҳотлардан кўзланган улуғ мақсад – ёш авлодга замонавий таълим-тарбия бериш, аждодларимиз бой меросини

[108] Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021.– Б.267.

[109] Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. – Toshkent:O'qituvchi MU MCHJ, 2021.– Б.31.

[110]Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. –Тошкент:"Ғафур Ғулом" нашриёти, 2009. –Б.331.

ўрганиш ва халқимизга этказишдир. Қадимдан аждодларимиз ўзларининг юксак маънавияти, улуғвор инсоний фазилатлари билан нафақат шаркда, балки бутун оламга донг таратган. Чунончи, “Буюк аждодларимизга хос азму шижоат, халқимизнинг метин иродаси, тобора улғайиб келаётган баркамол авлодимизга таяниб, жамиятимиз ҳаётини тубдан янгилаш йўлини изчил давом эттириш – энг долзарб вазифамиздир”[111].

Бугунги кунда мамлакатимизда халқимиз эркин ва фаровон яшайдиган маънавий макон, маърифатли жамият қуриш учун бошланган ҳаракатлар, келажак сари ташланаётган дадил қадамлар бардавом бўлишини таъминлашда дунёда ўзига яраша юксак салоҳияти, беназир нуфузига мос равишда ўрин эгаллаётган мустақил Ўзбекистон аталмиш давлат бор экан, бу юртда ана шу номга муносиб миллат яшамоқда. Бу юртда унинг ота-боболари, авлод-аждодлари, буюк зотлари яшаб ўтган. Айни пайтда бу борада тўпланган тажриба, ана шу буюк зотларимизнинг бебаҳо мероси ҳозирги мураккаб ва шиддатли замонда маънавий-маърифий ишларнинг ўрни ва таъсири тобора ортиб боришига хизмат қилмоқда. Чунончи, “...халқлар тарихида ўзига хос туб янгиланиш даврлари борки, бундай замонларда муайян миллат даҳоси, унинг ўз салоҳиятини намоён этишга интилиши, яратувчанлик фаолияти энг юксак чўққиларга кўтарилади” [112].

Мустақиллик берган буюк неъматлардан бири ҳам шундаки, миллатимизни ўтмиши камида уч минг йилга бориб тақаладиган ҳаққоний тарих билан қуроллантириш имконини яратиб берди. Бу эса, ёшларни аждодларга муносиб авлодлар руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Тарихнинг ўтган қисқа муддати даврида биз ўзлигимизни, ўз ғоямиз, миллий ғуруримиз ва тафаккуримизни англаш туйғусини бошимиздан кечирмоқдамиз. Бу туйғунинг илдизи бўлган ўтмиш эса бугунги кунга ҳамоҳанг эр юзидаги баъзи халқларгагина насиб этадиган юксак кўтарилиш ва тараққиёт замони, яъни Ренессанс даври буюк аждодлари ғоялари, тафаккури билан маънавий боғлиқ экан, улар қолдирган бой меросни авайлаб-асраш ва ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Узоқ ўтмишимизга назар ташлар эканмиз, Ўзбекистон тупроғининг яқин ва олис тарихида қадимий ва навқирон Хоразм заминининг ҳам ўрни борлигини, кўҳна ва бой маданиятга эга эканлигини кўрамиз. Президент Ш.Мирзиёев таъбири билан: “Хоразм деганда, жаҳон илм-фани, маданият ва санъати тараққиётига муносиб ҳисса қўшган, ўзбек давлатчилигининг тамал тоши қўйилган бетакрор бир ўлка кўз олдимга келади”[113]. Инсоният тарихидаги энг қадимги ёзма манбалардан бири бўлган “Авесто” китобининг айнан шу эрда пайдо бўлганлиги, илк ўрта асрларда Маъмун академиясига асос солинганлиги, муқаддас ва табаррук Хоразм тупроғида униб-ўсган, халқимиз тарихида ўчмас из қолдирган Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад Мусо

[111] Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021.– Б.9.

[112] Ўша ерда.– Б.5.

[113] Шавкат Мирзиёев. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б.241.

Хоразмий, Маҳмуд Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд, Носириддин Рабғузий, Сулаймон Боқирғоний, Саккокий, Мунис, Феруз, Огаҳий, Баёний ва бошқа алломалар, шоир ва мутафаккирлар этишиб чиққанлиги Хоразм юртининг тарихи қандай теран эканлигидан далолат беради. Бу тупроқда этишиб чиққан буюк аждодлар қолдирган улкан маънавий меросдан ўрнак ва ибрат олиб, бу ғояни ёшлар онгига этказиш билан уларнинг илмга, тарихимизга бўлган ҳурмат-эҳтиромини янада оширамиз.

Республика вилоятлари орасида ўзига яраша ўрни ва салоҳияти бўлган Хоразм вилоятининг мустақиллик йилларидаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўзгаришларни ҳаққоний баҳолаган ҳолда, ўз табиати, саховатли тупроғи, кўҳна тарихи ва бой маданияти, мана шу эрда ҳар қандай қийинчилик ва синовларга бардош бериб, она юртига садоқат билан яшаётган, ўз кучига ишонган, матонатли одамлар юрти эканини, самимийлик каби хусусиятлар айнан шу ўлкага мансублигини таъкидлаб, Президент Ш.Мирзиёев ўзининг қадимий тарихи мобайнида кўп синов ва машаққатлардан ўтган, ҳаётнинг маъноси, инсоннинг қадр-қимматини яхши англайдиган Хоразм аҳлининг бундай фазилатларини юқори баҳолаб: “бутун халқимиз қаторида гўзал ва бетакрор Хоразм вилояти аҳлининг тинч, эркин ва фаровон ҳаётини таъминлаш, унинг эзгу орзу-ниятларини амалга ошириш йўлида бутун борлиғимни аямасдан хизмат қилишни ...юксак шараф деб биламан”[114], деб таъкидлагани ҳам бежиз эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4307-сонли Қарорининг ижроси доирасида Хоразм вилоятида 2021 йил 21-23 август кунлари Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги “Маърифат” тарғиботчилар жамияти ҳамда ҳамкор ташкилотлар томонидан “Маънавият фестивали” ҳамда “Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси” кўрик-танловларининг мамлакат босқичлари бўлиб ўтди. Вилоятнинг бир қанча таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар ҳамда ижод масканларида учрашувлар ташкил этилиб, республиканинг барча ҳудудларидан келган ёзувчи-шоирлар, ижодкорлар, кенг жамоатчилик вакиллари ва ёшлар билан суҳбатлар ўтказилди. Шунингдек, вилоятнинг кўпчилик туман ҳокимликлари ва туман Маънавият ва маърифат кенгашлари томонидан маънавий – маърифий ишлар намунали йўлга қўйилган бўлиб, “Энг намунали туман” кўрик-танловлари юқори савияда ташкил этилди. Ҳозирги кунда вилоятда ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури, мафкуравий иммунитети ва дунёқарашини юксалтиришга, ватанпарварлик, халққа муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини таъминлаш ишлари кенг йўлга қўйилган.

Президент Шавкат Мирзиёев театрни маънавият ўчоғи, ижод аҳлини эса инсон қалбининг муҳандислари, дея юксак таърифлайди. Ҳақиқатдан ҳам театр ҳар доим ҳаётий сабоқлар берувчи жонли восита ҳисобланган. Инсон

[114] Ўша ерда. – Б. 271 -272.

маънавиятини юксалтиришда театрнинг алоҳида ўрни катта чунки маънавият, маърифат тушунчалари театр билан ўзаро узвий боғлиқдир. Хоразм мусиқали драма театрининг ижодий жамоаси томонидан саҳналаштирилган “Сўйла, Жайҳун (Нажмиддин Қубро)” тарихий драмасининг намойиши Шайх Нажмиддин Қубродаги юрт тинчлиги ва озодлиги учун ўз жонини фидо қилиш каби юксак жасорат ҳамда Ватани ва халқига бўлган садоқат ёш авлодни ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда катта аҳамият касб этади.

Миллий маданий меъросимизни кенг халқ оммасига тарғибот-ташвиқот этишни кучайтириш мақсадида Хоразм вилояти “Қатағон қурбонлари” музейи томонидан “Хива: кеча, бугун, эртага” мавзусидаги тадбирлар, “Маънавият фестивали” доирасида Хива шаҳар Ичан қалъа давлат музей-қўриқхонасидаги Матмурод девонбеги тарихий обидасида ташкил қилинган “Маърифат туризми” лойиҳалари фақатгина саёҳат эмас, балки шу орқали инсонларга тарихий обидалар ҳақида маълумот бериш, маънавий салоҳиятни юксалтиришга хизмат қилади.

Президент Шавкат Мирзиёев Хоразмга ташрифи чоғида Урганч шаҳрида марказий майдон барпо этиш ва унда Жалолиддин Мангубердининг маҳобатли ҳайкалини ўрнатиш, шунингдек шаҳарда 1000 ўринга мўлжалланган замонавий санъат саройини қуриш ташаббусини билдирган эди. Шаҳарнинг ал-Хоразмий ва Ислом Каримов кўчалари кесишмасида жойлашган майдон композисиясининг асосини Жалолиддин Мангубердининг от устида турган ҳолати акс этган, баландлиги 25 метрлик ҳайкали ўрнатилмоқда. Жалолиддин Мангуберди тарихини ўрганиш борасидаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида “Жалолиддин Мангуберди” фонди ташкил қилинди, буюк саркарданинг тарихи, тақдири хусусидаги тарихнинг синоатли даврини ёритилди. “Бу билан қанча фахрлансак, қанча ифтихор қилсак, зиммамиздаги қаҳрамон аждодларимизга муносиблик маъсулияти шунча ошади”[115].

Хоразм вилоятида “маънавий ҳаётимизни янада ривожлантириш мақсадида кейинги пайтда бир қанча муҳим ҳужжатлар, жумладан, китобхонлик маданиятини ошириш, маданият ва санъат соҳасини такомиллаштириш, ҳудудларда улуғ санъаткорларимиз номи билан аталадиган ижодий мактаб ва марказлар ташкил этиш тўғрисидаги қарор ва фармойишлар қабул қилинди”[116], деб амалга оширилган ишларга Президентнинг берган баҳоси ҳақиқатда, ёшларни маданият ва санъат муассасаларига, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш ҳамда аҳоли ва ёшлар ўртасида компютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш, ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилишга қаратилган

[115] Абдиримов Б. Икки буюк саркарда ёхуд Жалоладдиндан Қутузгача. – Тошкент:”Ғафур Ғулом”нашриёти, 2021. – Б.229.

[116] Мирзиёев Ш. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – Б.180.

комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта муҳим ташаббуснинг амалга оширилишида ўз ифодасини топмоқда.

Вилоят Маънавият ва маърифат кенгаши ёрдамида “Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий” асарлар тўплами, Комил Авазнинг “Огаҳий” асари, Юлдуз Раҳмонованинг “Хива шаҳри тарихи” ҳамда “Хива тарихидан лавҳалар”, Қурбон Муҳаммадризонинг 3 жилдлик “Абу Райҳон Беруний” асари сингари 18 номдаги китоблар 20000 дан ортиқ нусхада нашр этилиб[117], ташкилот ва муассасаларга тарқатилганлиги аҳоли маънавиятини юксалтиришга қўшган улкан ҳиссасидир.

Хоразм вилояти мисолида маънавий-маърифий ислоҳотлар амалга оширилишининг тизимли механизмлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Вилоятнинг ижтимоий-маънавий ҳаётида юксалиш жараёнлари олиб борилаётган маънавий-маърифий ислоҳотлар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка самарали этказиш; оила, маҳалла, таълим муассасалари ва меҳнат жамоаларида ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш ташкил этилиш; “маҳалла–туман–вилоят” принципи асосида ҳудудлар бўйича ижтимоий-маънавий муҳит харитаси шакллантириш; “Жаҳолатга қарши маърифат” ғояси асосида жамиятда Узлуксиз маънавий-маърифий тарбия ва тарғибот-ташвиқотнинг стратегик йўналишлари, таъсирчан, креатив ва инновацион усулларини ишлаб чиқиш; инсонпарварлик ғояларига хавф солувчи турли ички ва ташқи таҳдидларга қарши самарали тарғибот ишларини олиб бориш учун зарур шароитлар яратиш каби кўринишларда намоён бўлмоқда.

Ўзбекистоннинг 2022-2032 йилларга мўлжалланган маънавий тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни давлат сиёсатининг таркибий қисмига айлантириш, “Янги Ўзбекистон – маърифатли жамият” концепцияси ва уни амалга ошириш миллий дастурини ишлаб чиқиш таклифи Президент Ш.Мирзиёевнинг янги нашр этилган “Янги Ўзбекистон стратегияси” номли асарида илгари сурилган бўлиб, жамиятнинг маънавий юксалишига эришиш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг интелектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, маънавий-маърифий соҳадаги ислоҳотларни давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айлантириш асосий мақсад қилиб қўйилди.

Янги Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантириш мақсадида мамлакат тараққиётининг янги босқичига қадам қўйилган ҳозирги даврда Учинчи ренессанс пойдеворини яратишга бел боғланган. Ана шу мақсадни кўзлаган Президент Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “миллий маънавиятимиз тарихида ўчмас из қолдирган улуғ алломаларимиз, мутафаккир боболаримизнинг турли мамлакатлардаги музей ва кутубхоналарда сақланаётган қўлёзмаларини ўрганиш, мавжуд нусхаларини юртимизга олиб келиш, атрофлича тадқиқ қилиб, халқимизга етказиш борасида муҳим ишлар амалга оширилиши”[118] йўлида амалий ҳаракатларга

[117] Хоразм вилояти ҳокимиятининг 2021 йил якунлари бўйича ҳисоботлари жорий архивдан олинди.
[118] Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021.– Б.34.

ундаб келмоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонида “Эзгулик ва инсонпарварлик тамойилига асосланган “Ҳаракатлар стратегиясидан – тараққиёт стратегияси сари” ғоясини кенг тарғиб этиш орқали жамиятда соғлом дунёқараш ва бунёдкорликни умуммиллий ҳаракатга айлантириш” мақсади 71-бандда[119] келтирилган бўлиб, ана шу йўлда Хоразм вилоятида ҳам маънавий-маърифий соҳадаги ислоҳотлар олиб борилади. Ана шу мақсадда Янги Ўзбекистонда буюк алломаларимизнинг бебаҳо меросини чуқур ўрганиш ва уни кенг жамоатчиликка этказиш устувор масалалардан бирига айланган. Янги Ўзбекистоннинг интеллектуал салоҳиятли ёшларини буюк зотларга муносиб этиб тарбиялаш учун ўтмишга ҳамоҳанг бугунги кунимизгача миллий тафаккуримиз негизида шаклланиб келган, турли ғоя ва амалий ҳаракатларда ўз ифодасини топаётган ҳар бир ишда яратувчанлик, меҳнат қилиш, бунёдкорлик ишларини йўлга қўйишда буюк алломалар бой меросини чуқур ўрганиш муҳим ўрин эгаллайди, уларни истеъдодларини намойиш қилишга ундайди ва янги кашфиётлар сари отлантиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021.
2. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. – Тошкент: Ўқитувчи МУ МЧЖ, 2021.
3. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Тошкент: “Ғафур Ғулом” нашриёти, 2009.
4. Шавкат Мирзиёев. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
5. Абдиримов Б. Икки буюк саркарда ёхуд Жалоладдиндан Қутузгача. – Тошкент:” Ғафур Ғулом”нашриёти, 2021.
6. Мирзиёев Ш. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018.
7. Хоразм вилояти ҳокимиятининг 2021 йил якунлари бўйича ҳисоботлари жорий архивдан олинди.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони// Халқ сўзи, 2022 йил 29 январ.

[119] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони// Халқ сўзи, 2022 йил 29 январь.

ПРЕЗИДЕНТ МАКТАБЛАРИДА ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРНИ ВАТАНГА МУҲАББАТ ВА КАСБГА САДОҚАТ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА УЗЛУКСИЗ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ ЎРНИ

Маматқулов Бекзод Шерозович,
Қарши шаҳридаги Президент мактаби
маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари,
ҚарМИИ тадқиқотчиси

Япон халқи фарзанд тарбиясига жуда жиддий қарашларини кўп маротаба эшитганмиз. Япон ёзувчиси Масару Ибуканинг "Учдан кейин кеч" номли китобининг кириш қисми қуйидаги фикрлар билан бошланади: "Қадим замонлардан буён ноёб қобилият, энг аввало, ирсий, табиат инъоми деб ҳисобланади. Бизга: «Моцарт уч ёшида пианино чалган» ёки «Жон Стюарт Милл лотин тилидаги мумтоз адабиётларни ҳам айнан шу ёшда ўқиган», десалар, кўпчилигимиз оддийгина қилиб: «Албатта, ахир улар даҳоку», — деб қўя қоламиз.

Аммо Моцарт ва Миллнинг гўдаклик чоғидаги ҳаёти борасида олиб борилган чуқур таҳлиллардан маълум бўлишича, уларнинг оталари ўз фарзандлари буюк шахс сифатида камол топиши учун натижали тарбия усулларидан фойдаланганлар. Менинг фикримча, Моцарт ҳам, Милл ҳам даҳо бўлиб дунёга келмаган. Уларнинг қобилияти гўдакликданоқ яратилган қулай шарт-шароит ва берилган самарали таълим-тарбиядан тўлиқ ривожланди".

Аслида, ҳар битта бола ўзига ҳос даҳодир, фақат биз уларнинг тарбияси учун масъул бўлганлар, улардаги бу иқтидорларни очилишига кўмаклашишимиз керак. Тарбия ва таълимни бир-биридан алоҳида ажратиб бўлмайди, бу икки жараён ўзаро уйғун, Узлуксиз асосда ташкил этилгандагина одобли, ахлоқий фазилатларга эга, юксак маънавиятли, шу билан бирга билимдон, зукко, руҳан ва жисмонан соғлом, кенг дунёқараш ва тафаккурга эга, замонавий касб-ҳунар эгаси бўлган ватанпарвар ёшларни этиштириб беради.

Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек “Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг савиясини ошириш лозим. Зеро, бизга илм-маърифат ва юксак маънавият керак. Илм йўқ жойда қолоқлик, жаҳолат ва, албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади. Шарқ донишмандлари айтганидек, энг катта бойлик – бу ақл-заковат, илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик — бу билимсизликдир. Замонавий билимларни ўзлаштириш Узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак”[120].

Ўзбекистонда ёшлар тарбиясини замонавий асосда илмий-технологик ислоҳ қилиш борасида олиб борилаётган ишлар уни бугунги кун эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда илмий асосланган таянч компетенсиялар,

[120] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.2020 йил 29 декабрь. https://president.uz/uz/lists/view/4057

фазилатлар асосида шакллантиришни талаб этмоқда. Тарбияга янгича, тизимли ёндашув, болада таянч фазилатларни кафолатли шакллантиришда оила, мактабгача таълим, умумий таълим, ўрта махсус касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари, маҳаллаларнинг ижтимоий-педагогик имкониятларини тўлиқ юзага чиқаришни ва улар орасида илмий-методик узвийликни янги даражага кўтаришни тақозо этади. Шундай бир вазиятда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 3 майдаги ПҚ 4307-сонли қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1059-сонли қарорининг чиқиши бу миллат келажаги, миллат маънавий тараққиёти учун бир ўзига ҳос тарихий воқелик бўлди.

Бугунги кунда юртимизда фаолият олиб бораётган Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги таълим муассасаларида, хусусан Президент мактабларида ўқувчиларнинг академик салоҳиятини ўстириш, халқаро профессионал таълим бериш билан бир қаторда, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, этакчилик кўникмаси, уларда ватанпарварлик ва Ватанга муҳаббат туйғусини юксалтириш, нотиқлик санъатини ривожлантириш, олинган билимларни амалиётда қўллаш малакасини ошириш, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш, ҳаётга қатъий ишонч ва қарашларини шакллантиришга эътибор қаратилмоқда.

Президент мактаблари асосан CTEAM (Ссиенсе (фан), Течнологи (технология), Энгинееринг (муҳандислик), Арт (санъат) ва Матҳематисс (математика)) фанларини ўқитишга ихтисослашиб, яъни, Президент мактабларида ёшларга математика, физика, кимё, биология ва ахборот технологиялари ҳамда хорижий тиллар илғор таълим методологиялари асосида чуқур ўргатилади. Мамлакат тараққиёти кўп жиҳатдан истеъдодли болаларни танлаш, уларга тўғри йўналиш бериш, қобилиятини ўстириш, интеллектуал салоҳиятини намоён этишга кўмак беришга боғлиқ. Ана шу эзгу мақсад билан иқтидорли болаларни аниқлаш, таълим жараёнига илғор технологиялар, услублар ва хориж тажрибасини кенг жорий этиш, уларни ўқитиш ва тарбиялашда яхлит тизим яратиш, истеъдодли ёшларни янада қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш эртага юрт корига ярайдиган баркамол фарзандларнинг вояга етишига замин яратади.

Умумий ўрта таълим тизимида маънавий тарбия жараёни ўз ичига икки даврни қамраб олади: биринчи давр — 7 (6) — 10 ёшли даврда — бошланғич синфларда; иккинчи давр — 11 — 17 ёшли даврда — ўрта ва юқори синфларда. 7-17 ёшли ўқувчиларда ёшига мос таянч маънавий-ахлоқий фазилат (компетенция)лар – Ватанга садоқат, тадбиркорлик, иродалилик, мафкуравий иммунитет, меҳр-оқибатлилик, масъулиятлилик, толерантлик, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварлик шакллантирилади.

Президент мактабларида ўқувчилар 5-синфдан танлов асосида қабул қилинишини ҳисобга олган холда, маънавий тарбия жараёнида ўрта ва юқори

синф ўқувчиларининг маънавий-ахлоқий тамойиллар асосида тарбиялашда инобатга олиниши лозим бўлган қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратилмоқда. Булар: ўсмирлик ёшига хос ички позисиянинг пайдо бўлиши; иродавий сифатларнинг намоён бўлиши; ижтимоий фаоллик, билишга интилиш ва ўзини намоён қилиш мотивларининг ривожланиши; фаолият ва мулоқот мазмунини белгиловчи шахсий қадриятлар тизимининг шаклланиши; шахслараро муносабатларнинг дифференциаллашуви, референт гуруҳларнинг пайдо бўлиши; фуқаролик позисияси, ўзи ва атрофдагиларга ҳамда жамиятга муносабат асосларининг шаклланиши; миллий қадриятлар, анъаналарга ҳурматнинг намоён бўлиши; ўзини-ўзи тарбиялаш ва шахсий сифатларнинг ривожланиши; ўз муаммоларини ўзи мустақил ҳал қилишга интилиш; хавфсиз ҳаёт маданияти бўйича билим ва кўникмаларнинг намоён бўлиши; ахлоқий, сиёсий дунёқараш ва диний эътиқоднинг шаклланиши; позитив ижтимоий мўлжалларнинг ойдинлашуви ва уларга эришиш йўлидаги интилишлар; маънавий-ахлоқий принципларнинг қатъийлашуви; ички ҳис-туйғуларга эътиборнинг ошиши, эмосионал муносабатларнинг танлов асосида намоён бўлиши; мустақил ҳаёт учун зарур ижтимоий компетенсия ва фазилатларнинг одатларга айланиши ва бошқалар.Бугунги кунда Президент таълим муассасалари агентлиги ва Ўзбекистон Миллий Гвардияси, Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликдаги тадбирлар, от спорти ҳамда ўқ отиш бўйича машқлар Президент мактаби ўқувчиларида ватанпарварлик, мардлик ва жасорат туйғуларини шаклланишида муҳим омил бўлмоқда.

Узлуксиз маънавий тарбия концепциясининг амалга ошириши жараёнида таълим муассасаларида қуйидаги таклиф ва тавсияларни амалга ошириш лозим.

Биринчидан, ўқувчи ёшлар, айниқса юқори синф ўқувчилари орасида Узлуксиз маънавий тарбия тизими самарадорлигини ўрганиш, баҳолаш ва такомиллаштириш мақсадида бир йилда икки марта сосиологик сўровлар ўтказиш.

Иккинчидан, тажрибали педагоглар, синф раҳбарлари томонидан маънавий тарбия самарадорлигини ўлчаш ва баҳолашнинг илмий-методик технологиясини яратиш ва уни муҳокама қилиб бориш.

Учинчидан, таълим муассаларида ўқувчиларни она Ватанга муҳаббат ва садоқат, давлат рамзларига ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган тантанали маросимларнинг янги, таъсирчан шаклларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш.

Тўртинчидан, ўғил болаларда она Ватанга муҳаббат, миллий ғояга садоқат, мардлик, жасорат, фидойилик, ҳалоллик, ростгўйлик, ҳожатбарорлик, виждонлилик, вазминлик, йигитлик ғурури, ор-номус, меҳр-оқибатлилик каби фазилатлар, тадбиркорлик ва оилапарварлик малакаларини шакллантиришга қаратилган тренинглар дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Бешинчидан, қиз болаларда она Ватанга муҳаббат, миллий ғояга садоқат, меҳнатсеварлик, жонкуярлик, оилапарварлик, ибо, ҳаё, нафосат, дид-фаросат, қаноат, вафодорлик, меҳрибонлик, раҳмдиллик, камтарлик, зийраклик, меҳмондўстлик, болажонлик, муросалилик, орасталик, саранжомлик,

хушмуомалалик, пазандалик каби малакаларни шакллантиришга қаратилган тренинглар дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Президент таълим муассасалари агентлиги директори Хилола Умарова бу борада қуйидаги фикрларни баён этади. “Бугунги кунда Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларда таҳсил олаётган ўқувчиларимизнинг китобга, билим олишга бўлган интилиши, маънавиятини юксалтириш йўлида ўз устида олиб бораётган меҳнати таҳсинга лойиқ. Бунинг натижасида Президент мактабларининг ўнлаб ўқувчилари ҳали мактабни битирмай туриб, дунёнинг номдор университетларининг талабаларига айландилар. Ижод ва ихтисослаштирилган мактабларнинг ўқувчилари ИТ, робототехника, кимё ва биология, бадиий адабиёт каби соҳалардаги ютуқлари билан ҳаммамизни хурсанд қилмоқда. Буларни кейинги йилларда таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар, маънавият масаласининг давлат сиёсати даражасига кўтарилгани маҳсули дея оламиз”[121].

Ўқувчи-ёшларни илм-фан ва таълим-тарбия асосида вояга этказиш мақсадга мувофиқ экан, ўз ўрнида тарбия эса маънавият билан чамбарчас боғликдир. Зеро, ёшлар келажак эгалари ҳисобланади. Ёшларимиз таълим-тарбиясида эса маънавий тарбия катта аҳамиятга эга. Энг муҳими, фарзандларимиз тарбиясига этиборли бўлайлик, айнан шу мезон болаларимизни маънан, рухан соғлом, ўз ота-боболарига, тарихимизга, Ватанимизга, она тилимизга, ўз миллий қадриятларимизга ҳурмат билан қарайдиган баркамол бўлиб ўсиб унишининг асосидир.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, Президент мактаблари ўсиб келаётган иқтидорли ёш авлодни янада қўллаб-қувватлашга, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳияти ривожланиши ва креатив фикрлаш қобилиятини оширишга, болаларнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, ўкиш ва ўқитишнинг замонавий усулларини қўллаган ҳолда таълим сифатини оширишга ва келажакда этук ва истеъдодли, қобилиятли, креатив фикрловчи, замонавий инновацион ғояларга эга мукаммал кадрларни этиштиришда хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 3 майдаги ПҚ 4307-сонли қарори
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1059-сонли қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.2020 йил 29 декабр.
4. Х.Умарова Маънавияти юксак ёшлар буюк келажакни бунёд этади.

[121] Маънавияти юксак ёшлар буюк келажакни бунёд этади (uza.uz) https://uza.uz/

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЁШЛАРДА МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Худаёров Ахмаджон Хайдарович,
Тошкент архитектура қурилиш институти "Фалсафий ва ижтимоий сиёсий фанлар" кафедраси доценти,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Мамлакатимизни ислоҳ этиш ва янгилашга қаратилган дастурий вазифаларни бажаришда миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни сақлашга, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган менталитетига ҳурмат билан муносабатда бўлишга катта эътибор қаратилмоқда.

Шунга кўра, давлат ва жамиятнинг энг фаол қатлами бўлган ёшларимизнинг жисмонан соғлом бўлиб ўсишини таъминлаш уларнинг Ватанга меҳр–муҳаббати, садоқати, фидойилигини тарбиялашда янги техника, технология ва фан ютуқларини ўзлаштиришга жиддий эътибор бериш лозим бўлади.

Бугунги мураккаб глобаллашув даврида маънавият соҳасида вужудга келаётган долзарб муаммолар, халқимиз маънавиятини асраш ва юксалтириш, айниқса ёш авлоднинг қалби ва онгини турли зарарли ғоя ва мафкуралар таъсиридан сақлаш ва ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио-телевидение, матбуот, интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмоқда.

Ёшларни маънавий оламининг дахлсизлигини асраш учун нималарга таяниб-суяниб иш олиб боришимиз керак, деган саволга Биринчи Президентимиз И.А.Каримов "тобора кучайиб бораётган бундай хатарларга қарши доимо сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимиз зарур. Бундай тахдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва Узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш мумкин" [2] деб таъкидлаганлар.

Ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарур.

Адиб Абдурауф Фитратнинг «Ҳар жиҳатдан соғлом бўлган оила етиштирган фарзандларгина миллатни юксакка кўтара олади» [1] деган фикрлари бугунги кун учун ҳам жуда аҳамиятлидир.

Негаки, биз келажак авлодни маънан баркамол инсон қилиб тарбиялашда аввало оила тарбиясига эътибор беришимиз лозим. Шундагина биз орзу қилган жамиятимизни барпо этамиз.

Бизнинг улуғ аждодларимиз ўз даврида комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тилда айтганда, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанликларини эслаш ўринли, деб биламан. Ота-боболаримизнинг онгу тафаккурида асрлар, минг йиллар давомида шаклланиб, сайқал топган ор-номус, уят ва андиша, шарму ҳаё, ибо ва иффат каби юксак ахлоқий туйғу ва тушунчалар бу кодекснинг асосий маъно-мазмунини ташкил этади, десак, ўйлайманки, хато қилмаган бўламиз

Жамият фуқаролари учун ҳақиқий демократик қонунлар, қадриятлар шакллантирилсагина аҳолининг фаровон турмушини барпо этиш мумкин.

Бу борада Президентимиз ҳозирги вақтда янгича фикрлайдиган, масъулиятли, ташаббускор, ватанпарвар кадрларни тайёрлашнинг самарали тизимини яратиш зарурлиги ҳақида алоҳида таъкидлаган эдилар [3].

Дарҳақиқат ҳозирги кунда барпо этилаётган янги жамиятда маънавий соҳада қуйидаги вазифаларни бажаришимиз лозим:

- ёшларимизни маънавий янгиланиш ва ислоҳотлар жараёнининг фаол иштирокчисига айлантириш, уларнинг куч ва салоҳиятини ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик каби эзгу мақсадларга хизмат қилдириш, маънавиятнинг куч-қудратидан эзгу мақсадлар йўлида самарали фойдаланиш, ижтимоий муносабатларни инсонийлик ғоялари асосида ривожлантириш;
- турли қараш ва фикрга эга бўлган ижтимоий қатламлар, сиёсий куч ва ҳаракатларнинг ўзига хос орзу-интилишларини уйғунлаштирувчи ғоялар-Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги барча юртдошларимиз учун муқаддас мақсадга айланишига эришиш, кўппартиявийлик ва плюрализм тамойилларига амалда риоя қилган ҳолда миллий ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш;
- ота-боболаримиз динининг гуманистик моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш борасидаги ишларни давом эттириш, дин халқимизнинг минг йиллик тарихи, бугунги маънавий ҳаётимизнинг ҳам асоси эканлигининг юртдошларимиз онгига сингиб бориши;
- таълим-тарбия тизимини замон талаблари асосида муттасил такомиллаштириб боришимиз зарур.

Бунинг учун аввало:

- оммавий ахборот воситаларида миллий маънавиятимиз акс этган турли хил сифатли ҳамда қизиқарли рақобатбардош кўрсатувлар, сериаллар, кино ва баъдий филмлар намоишини омма эътиборига тақдим қилиш.
- жамиятда маънавиятни такомиллаштириш имкониятлари ва истиқболлари мавзуида грантлар жорий этиш ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш зарурдир.

Глобаллашув шароитида бадиий қимматга эга бўлмаган нарса ва буюмларга юксак андоза тусини бериш, тагига қисқа матн ёки луқмалар битилган ҳаёсиз матбаа-расм маҳсулотлари, эҳтиросларга берилувчан шоу-бизнес вакиллари ва бошқаларни асоссиз кўкларга кўтариш, тўсатдан

уюштириладиган "кескин" томошалар ёхуд оммавий "кўнгил очиш"ларни ўтказиш ва ҳоказолар маънавиятимизнинг кушандаси бўлмоқда.

Бугун ғарбда аксарият ёшлар маънавияти таназзулга учраётгани, маъносиз ва ғайритабиий қўшиқларига бутун дунё тақлид қилаётгани ачинарли ҳол, албатта.

Мен бу борада халқимизнинг миллий маънавияти, оилаларимизда амал қилинадиган тартиб-қоидалар ёшлар тарбиясида муҳим аҳамиятга эгадир деб ўйлайман.

Жумладан, оилада эрнинг мавқеи баландлиги, хотин ҳам ўз ҳақ-ҳуқуқларига эгалиги, фарзандларнинг ота-онани ҳурмат қилишларини олайлик. Кўп йиллар давомида ота-боболаримиз қалбига сингиб кетган ушбу қадриятларни бугун янада сайқаллаш кераклигини замон талаб этмоқда. Айниқса, шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замонда бемаъни хуружлар кўпайиб, уларнинг инсон ва жамият ҳаётига салбий таъсирлари мисли кўрилмаган даражада кучайиб бормоқда. Шунинг учун барчамиз кўзимизни каттароқ очиб, зийраклик ва огоҳлик билан бундай ҳамлаларга қарши курашмоғимиз лозим.

Тинимсиз ахборот оқими вужудга келтираётган муҳитда миллий қадриятлар, азалий анъаналар завол топишининг олдини олиш мақсадида ахборот хавфсизлигини таъминлаш керак. Бу мақсадга эса ёшларимизга телевидение ва интернетдан оқилона фойдаланиш йўлларини ўргатиш, уларнинг мазкур ахборот манбаларидан фойдаланишларини назорат қилиб бориш орқалигина эришиш мумкин.

Дарҳақиқат, ҳеч бир халқ ўз тарихини билмай туриб, тараққиётга эриша олмайди. Шу маънода улуғ аждодларимиз қолдирган мерос, миллий урф-одат ва қадриятларни ёшларимиз онгига янаям таъсирчан усуллар билан сингдириш уларни маънан баркамол, етук қилиб тарбиялашда, уларда ўзликни англаш туйғусинининг шаклланишида муҳим рол ўйнайди.

Хуллас, ҳар қандай жамият тараққиётини фаннинг ривожланиши белгилаб бериши ҳеч кимга сир эмас. Айни пайтда у маънавият билан уйғун ҳолда олиб борилса инсониятни тараққиётга етаклайди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Фитрат.А. Оила ёки олила бошқариш тартиблари. – Тошкент. Маънавият, 2000. – Б.112.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият–енгилмас куч. – Тошкент. Маънавият, 2008. – Б.116.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т. 1. – Тошкент. Ўзбекистон. 2017. – Б.123.

4-ШЎЪБА ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРНИНГ АҲОЛИ, АЙНИҚСА, ЁШЛАР МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯСИГА ТАЪСИРИ

МИССИОНЕРЛИКНИНГ ГЕОСИЁСИЙ МАҚСАДЛАРИ

Мусаев Мансур Турсунпўлатович
Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти бўлим бошлиғи, сиёсий фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Бугунги кунда миссионерлик геосиёсат назариясига кўра экспанциянинг бир тури сифатида намоён бўлмоқда. Айниқса, XXI асрга келиб мафкура полигонларида миссионерлик ҳаракатлари тобора кучаётганлигини кузатиш мумкин. Шу ўринда, геосиёсат тушунчаси ҳақида фикр юритганда аввало, дунёвий сиёсатнинг вазияти ва ҳолатини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир. Ўз навбатида геосиёсат давлат, минтақа ва дунё хавфсизлигини ривожланиш тамойиллари ҳамда жараёнларини географик, сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, экологик омиллар тизими таъсирини ўрганувчи фан эканлигини таъкидлаш ўринлидир. Бинобарин, геосиёсат илмий техниканинг ривожланиши, глобал ахборотнинг вужудга келиши орқали иқтисодий рақобат ва ҳаёт маконининг зичлашуви натижасида пайдо бўлган.

Ўз навбатида геосиёсат, инсониятнинг моддий дунёни кашф этиши ва ҳудудларни ўзлаштириш ва хукмронлик қилишини акс этади. Айниқса, мутахассислар геосиёсат тушунчасига давлатлараро сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа алоқаларни аниқ шакллантирувчи омил сифатида қарашмоқда.

Айрим тадқиқотчилар геосиёсатни хукмрон сиёсат бошқарув тизими ҳамда сиёсат билан олиб бориладиган географик чекланишлар ўртасидаги алоқаларни ўрганувчи соҳа эканлигини алоҳида таъкидлашади. Шу ўринда, геосиёсат стратегиясига эътибор қаратилса, аввало, у минтақалар ва давлатлараро муносабатлар билан ўзаро боғлиқдир.

Бугунги кунда геосиёсатни ҳокимиятнинг дунё миқёсида камол топишини ҳамда ҳокимият учун интилиш эканлигини англаш лозим. Мутахассислар фикрига кўра, геосиёсат аввало, бу бошқариш илми сифатида ҳар бир давлатда мавжуд очиқ ёки яширин кўринишдаги ғоявий кўринишнинг бир қисм эканлигини таъкидлашади.

Ҳозирги кунга келиб халқаро миқёсда геосиёсат янгича талқинда намоён бўлмоқда. Ўз навбатида геосиёсат аввало, давлатнинг халқаро майдонда ўз мақсадларига эришувига интилишини англатади. Бу ҳақда Француз тадқиқотчиси генерал Пьер Галуа “Геосиёсат – Куч қудратнинг манбаи” дея таъкидлайди. Айниқса, геосиёсатнинг туб моҳияти дунё миқёсида назорат ўрнатишни англатади. Бугунги кунда дунё миқёсида назорат қилиш турли хил

кўринишларда: сиёсий, ҳарбий, маданий, информацион ва коммуникацион кўринишларда намоён бўлмоқда.

Миссионерлар даставвал ўзлари борадиган жойнинг географик хусусиятларини, халқнинг маънавияти, тарихий ўтмишини, психологиясини, хулқ-атворини, урф-одат ва анъаналарини, давлат бошқарув тизимини, яъни миссионерлик сиёсатининг стратегик асосларини ўрганади. Шу тариқа, тактик усулларни аниқлаш орқали келажакда ғаразли ниятларини амалга ошириш учун ўзига хос дастур ишлаб чиқади. Бундан ташқари миссионерларнинг диний соҳадаги интилишларидан сиёсий ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш иккинчи даражали аҳамият касб этади. Тарихий далиллар шуни кўрсатадики, миссионерлик фаолияти империянинг сиёсий дастурининг бир қисми бўлган. Миссияларнинг дастурлари ҳар доим мустамлакачи империяларнинг сиёсий мақсадлари билан мос келган. Бугунги кунда миссионерлик замирида мафкура полигонларидаги курашларга жуда катта сармоя тикилаётганини кузатиш мумкин. Миссионерликдан аниқ белгиланган сиёсий мақсадларни амалга оширишда ёвуз ва бузғунчи ғояларни кузлаётгани ойдинлашади. Уларнинг мазкур ҳаракатлари иқтисодий тараққиётдан орқада қолган давлатларга “беғараз ёрдам” ниқоби остида айрим мустақил давлатларнинг ички ишларига очиқдан очиқ аралашувининг яширин кўринишидир. Демак, у ёки бу динни байроқ қилиб дунёвий тартиботга қарши йўналтирилган радикал ҳаракатларга қарши кураш олиб бориш кўп қиррали, зиддиятли феномен эканлигини инобатга олиш зарур. Зеро, жаҳондаги етакчи давлатлар иқтисодий ёрдам бериш баҳонасида миссионерлик ҳаракатларини йўналтириш орқали ўзларининг сиёсий шартларини бажаришга мажбур қилади. Хусусан, кучли давлатлар кучсиз давлатларнинг ички ишларига дин воситасида босим ўтказиши ёзилмаган анъана. Айниқса, жаҳондаги етакчи давлатлар дунё захираларини эгаллаш ва назорат қилишда миссионерликдан мафкуравий ҳужум қуроли сифатида фойдаланади. Жаҳоннинг муайян ҳудуд ёки минтақасида катта маънавий йўқотишлар юз бераётгани, мамлакатлардаги ҳукумат бошқарувида ўзаро қарама-қарши кучларнинг шаклланиши миссионерлик келтириб чиқараётган таҳликали вазиятдир. Мазкур ҳолатлар миллатнинг асрий қадриятларига раҳна солиш, турмуш даражасини издан чиқариш орқали давлат бошқарувида сепаратизмни кучайтиради ва мамлакат суверентетига жиддий хавф солади. Демак, ноанъанавий динлар фаолияти дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётгани бежиз эмас – ноанъанавий динларнинг ижтимоий бўй кўрсатиши бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Бир миллатга мансуб, бир тилда гаплашувчи, умумий тарих ва ягона давлатга эга бўлган фуқароларни диний асосда бўлиб ташлашга қаратилган ҳаракатлар ҳар қандай жамият ҳамда давлат учун кўриниб турган таҳдид.

Инсониятнинг кўп асрлик тарихи диндан ниқоб сифатида фойдаланиш, ундаги ғояларни вайронкорлик руҳида талқин этиш инсонлар бошига кўплаб кулфатлар келтирганини кўрсатади. Бугунги кунда ноанъанавий диний жамоалар томонидан қилинаётган тарғибот ва ташвиқотлар оқибатида конфессияларо низолар келиб чиқмоқда. Айниқса, айрим диний

ташкилотлар томонидан ўз сафларини кенгайтириш мақсадида ўзга дин вакиллари ўртасида миссионерлик фаолиятини олиб бориш диний адоватларга сабаб бўляпти. Африка ва Осиё минтақасидаги қатор мамлакатларда миссионерлик натижасида туб аҳолининг диний таркибидаги мувозанат бузилишини кузатиш мумкин – масалан, турли дин вакиллари орасида доимий равишда келиб чиқаётган диний адоватлар шулар жумласинадир. Ўтган аср давомида Судан Республикасининг асосий нефть захиралари жойлашган жанубий ҳудудлари католик ва протестант миссионерлари томонидан фаол христианлаштирилган эди. Айрим маълумотларга кўра, ушбу ҳудудда марказий ҳукуматга қарши қуролли чиқишлар оқибатида 1,5 миллионга яқин одам нобуд бўлган. Мусулмонлар кўпчиликни ташкил этувчи Африкадаги энг йирик мамлакат Судан буюк маданият ва тараққиёт даврларини бошидан кечирган халқ ва миллатлар ўртасида ўзаро низо ва адоватлар кучайиши натижасида 2011 йили асосий қисми христианлардан иборат жанубий Судан Республикасига бўлиб юборилди. Индонезиянинг христианлаштирилган шимолий ҳудудлари – Суматра, Сулавеси ва Молукко ҳудудларида ҳам муттасил равишда мусулмонлар ва христиан прозелитлари ўртасида диний низолар, тўқнашувлар, қотилликлар, террорчилик ҳаракатлари рўй бериб туриши кўпчиликка маълум.

Дунёдаги “айрим” сиёсийлашган диний марказлар фаолияти мустамлакачилик ва янги мустамлакачилик, буюк давлат шовинизми, халқаро муносабатларда диний зўравонлик асосида мамлакатларда парокандаликни келтириб чиқармоқда. Шу тариқа, “иқтисодий ёрдам” бериш баҳонасида ривожланаётган давлатларнинг ички ишларига арлашилади. Натижада, ҳокимият учун кураш, айримачилик, чегаравий ва минтақавий зиддиятлар, этник можаролар экстремизм ва терроризмнинг янада кучайишига замин яратилади. Натижада, мамлакатда диний туйғуларнинг кучайтириши орқали бир-бирига қарама-қарши турган гуруҳларни шакллантиради.

Глобаллашув даврида дунёдаги айрим сиёсий куч марказлари ўзларининг геостратегик мақсадларини амалга оширишда танланган мамлакатни ўзига тобе қилишда “нишон” сифатида миссионерликдан фойдаланмоқда. Жаҳонда геосиёсий кучлар мувозанатининг ўзгариши, айрим ривожланган давлатларнинг ўз демократиясини “экспорт” қилиш орқали дунёга ҳукмронлик учун очиқдан-очиқ даъвогарлиги ҳеч кимга янгилик эмас.

Шу тариқа, дунё миқёсида ижтимоий табақаланишнинг кучайиши, бозорнинг шавқатсиз рақобати, иқтисодий инқироз туфайли омманинг диний психологияси ўзгариши рўй беради ва бу миссионерликка ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга замин яратади.

Муайян минтақа ва ҳудудда вужудга келаётган янги диний ҳаракат (ЯДҲ)ларнинг миссионерлик фаолияти уч босқичда амалга оширилади. Яъни, “миссионерлик ҳудуд”ини ўрнатиш, уни хорижий сармоялар асосида молиялаштириш ва шу орқали диний жамоалар сонини кўпайтириш. Натижада, миссионерликнинг фаол тарғибот ва ташвиқоти олдин мавжуд бўлмаган юзлаб христианлик конфессияларини вужудга келтиради.

Жаҳон миқёсидаги глобал ижтимоий-иқтисодий инқироз даврида давлатларнинг бир тузумдан иккинчисига ўтиш шароитида миссионерлик янада авж олмоқда. Яқин Шарқ минтақаси, жумладан, араб мамлакатларига ўз таъсирини ўтказишга уринаётган кучлар ўртасидаги геосиёсий рақобатнинг кучайиши улар мустақиллигига таҳдидларнинг янги турлари бўлиб майдонга чиқяпти. Яқин Шарқ ва Шимолий Африка, айрим араб давлатларининг геосиёсий ва геостратегик аҳамияти ортиб бораётгани, улкан табиий-иқтисодий ва бошқа ресурс салоҳиятига эгалиги билан ҳам доим жаҳон ҳамжамияти диққат марказида туради. Зеро, миссионерлик ҳаракатлари натижасида “инсон ҳуқуқлари”, “виждон эркинлиги”, “демократик эркинликлар”ни олға суриш учун кўрсатилаётган “кўмак” аслида мамлакатни парокандалик сари сиёсий бошбошдоқликка етаклаётган кўринмас куч бўлиши ҳам мумкин. Эркинлик, демократия инсон ҳуқуқлари каби жозибали ғояларни ниқоб қилиб олган бу сиёсий кучлар шу асосида дунёдаги хоҳлаган мустақил давлатнинг ички ишларига аралашиб, ғаразли мақсадларга эришмоқчи бўлади.

Мутахассислар ўтказган “стратегик тадқиқотлар” натижасига кўра, миссионерлик дунёда глобал миқёсда турли конфликтда ва қатъий геосиёсий босимда экан. Миссионерлик таъсири остида ҳар қандай халқ ва миллатнинг маданий илдизига таҳдид солиш орқали ўта радикал миллатчилик ҳаракатларини вужудга келтириш мумкин. Шу тариқа, айрим сиёсий кучлар ўзининг гегемонлигини ўрнатиш мақсадида ғоявий-мафкуравий, геосиёсий, маданий жиҳатдан устунликка эришади. Хусусан, глобал иқтисодий инқироз даврида миссионерлик дунёнинг ночор давлатлари тараққиётига гўёки “иқтисодий ёрдам” кўрсатиб қашшоқлик, очлик, ночорликни бартараф этиш мақсадида “мақсадли” ёрдамини тавсия этган бўлди гўё. Натижада, хориждан йўналтирилаётган “мақсадли” иқтисодий ёрдам таъсирида ривожланаётган давлатлар ўртасидаги тенгсизлик тобора кескин тус олиши бир қатор таҳликали вазиятларни вужудга келтирди ва ноанъанавий диний жамоалар кўпайди. Шу тариқа мавжуд диний ташкилотлар ўртасидаги тафовутлар оқибатида конфессияларо низолар кучайди.

Глобаллашув шароитида цивилизацион модернизация жараёнларининг ўзаро зиддияти инсоният цивилизациясининг инқирозидан далолат беради. Маълумки, инқирознинг асосини глобал капитал агентлари бўлмиш трансмиллий корпорацияларнинг ғаразли манфаатлари ташкил этади. Бунинг оқибати ўлароқ айрим цивилизациялар ва динларнинг глобал тарзда миссионерликка қўл уриши кузатилмоқда, аммо уларнинг сиёсати бошқа цивилизациялар вакиллари ёки “бегона”лар учун зарарли деб баҳоланиши мумкин. Фикримиз тасдиғи сифатида XVI асрда вужудга келган мустамлакачи империялар жаҳон мустамлака тизимининг пайдо бўлишига замин яратганлигини келтириш жоиз. Натижада, Ғарбнинг йирик давлатлари мустамлакаларга нафақат иқтисодий, сиёсий, балки маданий гегемонлигини экспанция қилди. XX аср ўрталарига келиб дунёда мустамлака тузумларнинг инқирози глобал миссионерликка бўлган эҳтиёжни тугатишга замин яратди.

ZJV5401

Аммо, бугунги кунда Ғарб маданиятининг ўз устунлигидан маҳрум бўлганига кўника олмаётган айрим радикал гуруҳлар миссионерликдан воз кечмаётганлигига гувоҳмиз. Хусусан, миссионерлик тарафдорлари ўзга цивилизация ресурларини эксплуатация қилиш ҳисобига иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларнинг кўпгина жиҳатларида ёрқин муваффақиятларга эришмоқда. Шу ўринда миссионерлик ташкилотларининг стратегиясига эътибор қаратилса, одатда улар ўз мақсадларини расман ошкор этмайди. Ташкилот аъзолари "бизнинг мақсадимиз – камбағалликни умуман йўқ қилиш" шиори остида "ҳамма экканини ўради", "бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил" ғояси билан фаолият олиб боради. Айнан, бугунги кунда дунёда глобал миқёсда демократия ўрнатилиши, инсонларнинг ҳуқуқлари таъминланиши баҳонасидаги миссионерлик оқибатида Шимолий Африкада, Яқин Шарқда ва Шарқий Европа, хусусан Украинада юз минглаб бегуноҳ инсонларнинг бевақт ўлими кузатилди.

Ҳозирги кунда дунё ҳамжамиятининг тинчлигига раҳна солаётган миссионерлик ташкилотлари ўзларининг асл мақсадларини дин манфаатлари билан ниқоблашга уринади. Шу боис бундай миссионерлик гуруҳларининг ваъзларида Худо кўп тилга олинади. Натижада, христианлик дини ва хусусан Ғарб лойиҳаси халқаро ахборот тармоғида дунёдаги энг илғор, тақлид қилса арзийдиган мафкура сифатида тарғиб қилинади. Айнан, мазкур омиллар, миссионерлик жабҳасидаги ҳужум кенг миқёсда, чинакам глобал даражада олиб борилмоқда.

Бу ҳақда рус тадқиқотчиси А.Панарин миссионерларни "денгиз қароқчилари" дея атаб, уларнинг фаолиятини образли тарзда тасвирлаган эди: "қуруқликдаги бош истеҳком, дунёнинг асосига қарши Бугун Денгиз қитъани нафақат жисмонан забт этишни, у қитъа эртасини – минг йиллар давомида ишлаб чиқилган ва қитъа антропологик қиёфаси учун жавобгар бўлган руҳий-психологик структурасини вайрон этишни режа қилди. Шу мақсадда қитъа аҳолисини автохтонлар ва бешинчи колоннага бўлиш операцияси олиб борилмоқда, бешинчи колоннадан кўзланган мақсад эса денгиз келгиндиларига қитъа қалъасининг дарвозаларини очиб беришдир. Кўз олдимизда "элита" (маданий, сиёсий, хўжалик юритувчи) тушунчасининг ўзи мисли кўрилмаган даражада ўзгартириб юборилмоқда. Ғарбча кун кечириш имтиёзини, бу имтиёз кўпчиликка ёпиқ эканлигига қарамай, ўзлаштираётганлар ўзларини элита сўзи билан атай бошламоқда. Элита бугунги кунда денгиз қароқчиларига садоқатлилиги, уларнинг кемасига ўтиб олишга тайёрлиги билан характерланмоқда", – дея алоҳида эътибор қаратиб ўтган эди. Миссионерликда бу ўзига хос "забт этиш" жараёнининг энг таъсирчан жиҳатларидан бири сифатида манфаатлар, қадриятлар кўринишида намоён этилади. Айнан, глобаллашув шиддатининг тобора авж олиши дунё миқёсида геосиёсий жараёнларга бевосита таъсир кўрсатади. Натижада, мазкур ҳолат дунё қиёфасини тубдан ўзгартириш орқали муайян минтақа ва ҳудудда геосиёсий таъсир доираларини қайта тақсимлашга бўлган ҳаракатларни келтириб чиқаради. Айнан, глобаллашув шаротида дунёдаги

“айрим” сиёсий кучларнинг баъзи доиралари диндан хусусан, миссионерликдан ўзларининг ғаразли мақсадларига эришиш воситаси сифатида мутаассиблик, фанатизм ҳаттоки, давлат тўнтаришлари каби қабиҳ йўлларидан фойдаланаётгани, афсуски, ҳеч кимга сир эмас. Бир неча аср олдин колониялаштириш христианликнинг шиорига айланган бўлса, ҳозирда “жаҳонга кириб бориш” айнан миссисонерлик ҳаракатлари оқибатида тобора кучаймоқда. Ахборот-таҳлилий тадқиқотлар натижалари ҳам диний соҳага бевосита дахлдор ушбу глобал ҳодисаларнинг тобора чуқурлашиб, қамрови кенгайиб бораётганини кўрсатади.

Бугунги таҳликали вазиятга баҳо берар эканмиз, халқаро хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидларнинг кўлами кенгайиб, геосиёсий рақобатнинг ошиб бораётгани, ғоявий-мафкуравий экспансиянинг фаоллашаётганини кўрамиз.

Хулоса қилиб айтганда, мана шундай мураккаб шароитда мамлакат хавфсизлиги ва жамият барқарорлигига, унинг манфаатларига, миллат келажагига раҳна соладиган ҳар қандай кучга қарши курашиш вазифамиз. Халқимизнинг ақл-заковати, букилмас иродаси ва салоҳиятига, ўз куч ва имкониятларимизга таяниб мафкуравий тарбия воситасида огоҳ, сезгир ва ҳушёр бўлиш муқаддас бурчимиздир.

ЁШЛАР ҲАЁТИДА ВИРТУАЛЛАШУВ САБАБЛАРИ ВА ОМИЛЛАРИНИНГ СОЦИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

Содиржонов Муҳриддин Маҳаммадаминович,
Наманган давлат университети таянч докторанти

Давлат ёшлар манфаатларини таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, катта мақсадлар сари сафарбар этиш учун мамлакатдаги барча секторларни жалб этмоқда. Бугунги кунда дунё миқёсида кечаётган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнларнинг интеграсиялашуви, жаҳоннинг бир бурчагида пайдо бўлган ғоялар, янгиликлар ҳамда ижтимоий қарашларнинг бошқа ҳудудларга тезкорлик билан ёйилишини халқаро глобаллашувнинг ажралмас феномени сифатида эътироф этиш мумкин. Ижтимоий жараёнларда ҳаракатлантирувчи куч сифатида ёшлар қатламининг ўрни ва роли катта.

Замонавий ахборот коммуникасия технологиялари ижтимоий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб, унинг ҳар бир фойдаланувчиси тобора “виртуал олам”нинг “виртуал одам”ига айланиб бормоқда. Ўз фаразларида бошқалар билан бир қаторда оммавий коммуникация воситаларидаги инқилоб натижаларига таянаётган постмодернизм “виртуал” таърифини олган ёшлар ўзгача замон ва идеосферанинг янгича “мезонини” назарда тутади. “Виртуаллик” тушунчаси ҳозирги вақтда энг янги мултимедиали аудиовизуал ва компъютер технологиялари имкониятларига

таққосланади, булар ёрдамида мутлоқ ишончли сифатида идрок этиладиган ва бошдан кечириладиган ҳом хаёлларни (иллюзия) яратиш мумкин бўлади.

Ахборот – атроф-муҳит объектлари ва ҳодисаларининг кўрсаткичлари, хусусиятлари ва ҳолатлари тўғрисида маълумотлар мажмуи бўлиб, унинг манбалари ва тақдим этилиш шаклидан қатъий назар, шахс, предмет, факт, воқеа, ҳодиса ва жараёнлар тўғрисидаги фактларни ўзида акс эттиради. [1]

Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига мурожаатномада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2020 йилни “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилди ва ушбу йилда мамлакат рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда туб бурилиш ясаши кераклигини таъкидлади. “Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради” [2]. Дунёда қадриятлар алмашиши, интеграциялашув, глобаллашув, агар таъбир жоиз бўлса, маданиятлар аралашуви, синтезлашуви жараёни кечаётган ҳозирги пайтда ўзга урф-одатларга, маънавий тамойилларга мойил бўлиши табиий ҳол. Бугунги глобаллашув даврида ахборот тарқатиш ниҳоятда замонавий қиёфага кирди.

Замонавий компьютер технологиялари, “оммавий маданият” ёшларни реал ҳаётдан чалғитиб, бехабар қолдириб, лоқайд қилувчи кўплаб омилларни пайдо қилди. Булар: компьютер ўйинлари, Интернет, виртуал воқелик, кино ҳамда телевидение. Айниқса, педагог, психолог ва социологлар онлайн ролли ўйинлари феноменидан, лудоманларнинг соатлаб, кунлаб виртуал дунёларида қолиб кетишларидан ташвишга тушмоқдалар. [3]. Интернет тармоғининг жадал ривожланиши жамият ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди. Одамлар иш кунини интернетдан бошлаб, у билан тугатадиган бўлиб қолди.

Таниқли иқтисодчи олим А.Н.Ижаев [4] ўзининг илмий тадқиқотида шундай таъкидлайди: “этник ўзига хосликнинг энг муҳим функционал ядроси – бу этноснинг деярли барча экзистенционал онгли соҳасини қамраб олувчи ва доимий равишда (оммавий ахборот воситалари ёрдамида) ахборот ва коммуникацион озиқланишни талаб қиладиган, биринчи навбатда, этник-маданий мулк шахснинг ҳаётий таъминотини кафолатлайдиган асосий ҳимоя воситаси бўлган маънавий қадриятдир” – дея тарифлайди.

Кундалик ҳаётимизга “замонавий одам” деган сўз ишлатилиши табиий холатга айланди. Бу терминга А.Ю.Ҳос [5] ўзининг тадқиқотида қуйидагича тарифлайди: “Ахборот жамиятининг асосий афзалликлари билан бир қаторда, инсонларнинг кундалик ҳаётни, янги маданиятлар билан бойитади, анъанавий туруш тарзидан воз кечади, турли элтиар маданиятларни ўзлаштириб ўзининг стандартини яратади”

“Виртуал жамият” назариясининг муаллифи А. Бюлнинг фикрига кўра виртуал реаллик технологиялари ривожланиши билан компьютер ҳисоблаш машинасидан “кўзгулардаги” оламларни яратиш бўйича универсал машинага айланди. Жамиятдаги ҳар бир тизимча “параллел” оламлар томонидан шаклланган бўлиб, буларда виртуал ўхшашликлар: Интернет тармоғида

иқтисодий интеракциялар ва сиёсий ҳаракатларнинг амалга оширилиши, компьютерли ўйинлар персонажлари билан мулоқот ва ҳ.к.лар юз бермоқда. Компьютер ёрдамида ўзига хос олам, жамият яратишга таъсир кўрсатиш жараёнини А. Бюл виртуаллашув (виртуал олам) деб атайди.

Берилган фикрдан қуйидагича хулоса қилиш мумкин: виртуал воқеликка кириб кетиш орқали инсонлар ўртасида реал воқелик ва ҳақиқатдан узоқлаштиришга олиб келмоқда. Натижада бу жараён ҳар бир этник гуруҳ ва жамоада ўз аксини топиб, инсонларнинг ижтимоийлашув жараёнлари вертуал майдонга кўчиб ўтди. Ўз навбатида турили ижобий ва салбий ҳусусиятлари билан намоён бўлмоқда.

Виртуал воқеликни тадқиқ этишнинг замонавий фалсафий нутқида ушбу туркумни аниқлашга бир нечта ёндашувлар ишлаб чиқилган бўлиб, тадқиқотчи А.Гавриловқуйидагича таснифлайди:

Борлиқнинг асосий хусусияти реал, актуал, лекин субстанционал эмас (В.В. Хоружи);

Мавжуд, барқарор ижтимоий дунёга мавжуд муқобил компьютер технологияларининг ривожланиши билан воситачилик қилинган ҳақиқат (А. Бул, А. И. Воронов, М. Вайнштейн, А. Крокер);

Индивиднинг ўзига хос мантиқ нуқтаи назаридан яратган субъектив реаллик (И.Г.Корсунсев, П.Тиллих); Шахснинг психологик ҳақиқатининг бир қисми (Н.А.Носов, Бабенко);

Ижтимоийнинг алоҳида шакли, жамият томонидан мулоқотнинг виртуал шаклларини ишлаб чиқариш натижаси (М. Састеллс, Н. Луҳманн, М. Паетау, Э.Е.Таратута) [7];

Жамиятнинг қадрият ва институционал элементларини симулакралар билан алмаштириш асосида яратилган воқелик (Ж. Бодрияр, Д. В. Иванов).

Виртуал воқелик ҳодисасини таърифлашга бўлган бундай кенг кўламли ёндашувлар ушбу тоифага фалсафа ва умуман гуманитар билимларга қизиқишнинг ортиши, виртуалнинг мураккаблиги, кўп қирралилиги ва номувофиқлиги ҳақида гапиради. Замонавий фалсафий нутқда виртуал воқелик ҳодисасига оид кўп қиррали илмий қарашлар бир-бирига зид бўлсада, шу билан бирга, қарашларнинг бундай кўплиги ўрганилаётган объектни кўп қиррали асосда кўриб чиқишга имкон беради. У, ижтимоий ҳаётда виртуаллик фаолиятининг ўзига хос томонларини ўрганиш, айнан шу кўп ўлчовли, кўп қийматли ёндашув виртуал ҳақиқат феноменини энг яхши тарзда тавсифлайди.

Ёш авлоднинг энг кичик вакиллари ҳам бугун “подписчик”, “лайк”, “спам” нималигини жуда яхши билади. Аёнки, техник тараққиётни тўхтатиш мумкин эмас: Биз буни хоҳлаймизми-йўқми, компьютер технологиялари ҳаётимизда мустаҳкам ўринга эга, компьютер саводхонлиги кўрсаткичи эса кўп ҳолларда инсоннинг юқори савиясини белгилаб берувчи омилга айланиб бормоқда.

Яна шуни қайд этиш жоизки, сўнги пайтларда ижтимоий тармоқларда айрим ёшларнинг халқ орасида обрў-эътибор қозонган аҳли илм, имом,

уламоларни масхаралаб, обрўсизлантиришга қаратилган лавҳалари орқали аянчли иллатларни тарғиб этаётгани ҳар бир мусулмон кишининг қалбини ларзага келтирди.

Ижтимоий тармоқ орқали фикр билдириш ва бунинг ортидан мақтов (“лайк”)ларни қўлга киритишга уриниш бугунги ёшларини тобора ўз домига тортмоқда. Натижада виртуал таҳдид ниҳоятда оммалашиб бормоқда. Ўтказилган тадқиқотлар натижаларидан маълум бўлдики, ҳозирда мактаб ёшидаги болалар интернетдан тобора эрта фойдаланишга киришмоқда. Лекин, мутахассисларнинг фикрича, ёши ўнга етмаган бола одатда мустақил равишда интернетдан фойдаланиш учун зарур бўлган танқидий, таҳлилий фикрлаш ва шу асосда маълумотларни фарқлаш, уларни ажрата билиш, бошқача айтганда, “филтрлай” олиш қобилиятига эга эмас. Шундай экан, онги ва дунёқараши эндигина шаклланаётган ёш авлоднинг маънавий олами дахлсизлигини асраш олдимизда турган энг муҳим масалалардан биридир.

Ёшларимизнинг интернет манбаларидан фойдаланиш ҳолатига назар соладиган бўлсак, уларнинг аксарияти “Фейсбук”, “телеграм”, “снабчат”, “тик-ток” каби хорижий ижтимоий тармоқларнинг доимий фойдаланувчилари эканлиги кузатилади. Миллий домендаги сайтларда рўйхатдан ўтганларнинг барчасини жамлаганда ҳам уларга этмайди. Демак, бу ҳолат миллий сайтларимизни ёшлар учун жозибадор, мазмунли, савияли, қизиқарли қилиб яратиш масаласига жиддий эътибор қилишга ундайди.

Ҳар нарсанинг яхши ва ёмон тарафи бўлганидек, сўнгги йилларда интернетнинг ҳам жиддий хатарлари юзага чиқмоқда. Энг ачинарлиси, бузғунчи, ёт оқимлар ижтимоий тармоқлардан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланмоқдалар. Бу эса ёшларни ўз домига тортаётгани, айрим сайтларда беҳаёлик, ахлоқсизлик каби аянчли иллатлар тарғиб этилаётгани, шунингдек, турли фитналар, жамиятни беқарорлаштирувчи ёлғон маълумотлар берилаётгани афсусланарлидир.

Ижтимоий тармоқлар, виртуал олам одамларнинг таъсири, обрў-эътиборига баҳо бериш, ўзимизни кўрсатиб қўйишнинг янги, ўта замонавий кўринишига айланиб қолди. Бу жиҳатлар оилаларнинг барбод бўлиши, самимиятнинг йўқолиши, баландпарвоз сўзларга ишониш, ўзлигини ҳис этмаслик, инсоний фазилатларни қадрламаслик каби иллатларни бошлаб келаётгандек. Қайд этиш жоизки, сўнги пайтларда ижтимоий тармоқларда айрим ёшларнинг халқ орасида обрў-эътибор қозонган аҳли илм, имом, уламоларни масхаралаб, обрўсизлантиришга қаратилган лавҳалари орқали аянчли иллатларни тарғиб этаётгани ҳар бир мусулмон кишининг қалбини ларзага келтирди

Виртуал маконда ҳам вақтимизни қимматли нарсаларга, онлайн билим олишга, ўз устимизда ишлашга сафарбар этишимиз керак. Бунинг учун эса, аҳоли онгида қизиқиш ҳамда эҳтиёжларнинг реал ҳолати, у ёки бу соҳага қизиқиш даражаларининг ўсиш, ўзгариб бориш жараёнларини жиддий таҳлил қилиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчи-ёшлар онлайн платформаларлар орқали ўз билимларини ошириб келишмоқда. Ушбу

жараёнда турли ижтимоий тармоалар орқали ўқитувчилари ва гуруҳдошлари билан ўзаро виртуал алоқага киришишади. Албатта ота-оналар ёки катталар томонидан интернетдан фойдаланиш маданияти бўйича кўрсатмалар бериб, қуйидагиларга эътибор қаратишлари мақсадга мувофиқ:

- ижтимоий тармоқдаги фаолиятида ўзига танлаган номга эътибор берилиши; (турли номлар билан профиллар очиб олинган)
- интернет орқали ўзгалар билан алоқа қилишда умуминсоний қадриятлар, ахлоқ меъёрларига амал қилиб, ман қилган нарсалардан четда бўлиш асосий қоида бўлиши зарур;
- ижтимоий тармоқларда ким билан дўст тутинаётганига жиддий аҳамиятли бўлиш керак;
- интернет орқали ўзгалар билан алоқа қилишдан яхшилик ва дўстона ҳамкорлик қилиш ҳамда ёмонлик ва душманликда ҳамкорлик қилмаслик шиор қилиб олиниши зарур;
- виртуал маконда, фойдасиз ишлардан четда бўлиш, сарфланган вақтни беҳуда кетишига йўл қўймаслик.

Таълим муассаларида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилиши бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

- таълим босқичларидаги маънавий тарбия соатларида “Уяли телефон ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш маданияти” давра суҳбатлари ўтказиш;
- аҳоли ва ёшларнинг коммуникатив ва ахборотлар билан ишлаш компетенциясини ривожлантиришга қаратилган тизимли ишлар олиб бориш;
- ижтимоий тармоқлар воситасида талаба-ёшлар ўртасида таълимий дастурлар, китобхонликни тарғиб қилувчи сайтлар миллий қадриятларни тараннум этувчи дастурий ўйинларни ривожлантиришга йўналтирилган инновацион технолгияларни кашф этиш ва уларни амалиётга жорий этиш;
- ёшларининг илмий ва интеллектуал фаолияти, уларнинг фантазияси, ижодий жараёни, кашфиётлари, ихтиролари ва рационализаторлигининг якуний натижаларини ижтимоий тармоқларда мақсадли тарғиб этиш;
- турли ижтимоий тармоқларда фаол бўлган ёшларни ватанпарварлик руҳидаги янги гуруҳларга бирлаштириш орқали уларни инновацион ишланмаларга жалб этиш;
- миллий Интернет тармоқларида ёшларбоп материалларни кўпайтириш.

Халкимиз маънавий яхлитлигини сақлаб қолиш, ўзликдан чекинмаслик, соф инсоний фазилатларга таяниб иш тутиш асосида истиқболга интилиш сиёсати изчил юргизилмоқда. Шарқ халқлари учун ғарбга хос бўлган ҳаммани бир хил қаричда ўлчовчи тотал, яъни, ялпи тенглик формуласи эмас, балки инсонийлик талаблари тўларок бажарилувчи иерархик тенглик, яъни пастдан юқорига, босқичма-босқичликни ифодаловчи муносабатлар тизими кўпроқ мос келади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. 2002 йил 12 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси, Халқ сўзи 2020 йил 25 январь.
3. Қуронов М., Назаров Қ., Тўраев Ш. ва бошқ. Дунёнинг мафкуравий манзараси – 2010. / Электрон ўқув курси дастури. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази. Т.: 2010.
4. Ижаев А.Н. Информационно-политическая и этническая идентичность в пространстве массовой коммуникации: автореф. дис. … канд. полит. наук. М., 2007 // Библиотека диссертаций dslib.net.
5. Хоц А.Ю. Информационная революция и этнические аспекты культуры современного общества: автореф. дис. канд. филос. наук. Ставрополь, 2001
6. Бюль А. Виртуальное общество 21 века: социальные изменения в эпоху цифровых технологий. Висбаден: Westdeutscher Verlag, 2000.
7. Гаврилов, А. А. Основные подходы к определению категории «виртуальная реальность» в современном философском дискурсе / А. А. Гаврилов. — Текст: непосредственный // Молодой ученый. — 2012. — № 9 (44). — С. 162-166. — URL: https://moluch.ru/archive/44/5330/ (дата обращения: 08.01.2022).

ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА УЗЛУКСИЗ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ АҲАМИЯТИ

Г.С.Мадрахимова,
т.ф.н., доцент
Ўзбекистон Республикаси
Қуролли Кучлари Академияси

Ёшларни Ватанраварлик руҳида тарбиялаш, уларда миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш, миллий ўзликни англаш ғояларига содиқлик, фидойилик туйғуларини қарор топтириш бугуннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Бу ўринда Узлуксиз маънавий тарбиянинг роли каттадир. Маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Тараққиёт стратегиясида яқин ва ўрта истиқболда мамлакатимизнинг ривожланиш тенденсиялари қандай бўлиши, бу борадаги устувор вазифалари алоҳида белгилаб қўйилган. Бугунги кунда “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” деган тамойил асосида ислоҳотларнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда [1].

Қолаверса, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижросини таъминлашни ташкил этишда ёшларда Ватанга садоқат, тадбиркорлик, иродалилик, мафкуравий иммунитет, меҳр-оқибатлилик, масъулиятлилик, бағрикенглик, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварлик каби муҳим фазилатларни болаликдан бошлаб босқичма-босқич шакллантириш учун “Узлуксиз маънавий тарбия” концепцияси қабул қилинган.

Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси қуйидаги босқичларни қамраб олади:

биринчи босқич – оилаларда (икки давр асосида: биринчи давр ҳомила даври, иккинчи давр – бола туғилганидан 3 ёшгача бўлган давр);

иккинчи босқич – мактабгача таълим 3-6 (7) ёшгача бўлган давр;

учинчи босқич – умумий ўрта таълим тизимида (икки давр асосида: биринчи давр 7 (6)-10 ёш бошланғич синф, иккинчи давр 11-17 ёш ўрта ва юқори синфлар);

тўртинчи босқич – ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатаётган ва банд бўлмаган ёшлар, шунингдек, ўрта махсус касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари тизимида (икки давр асосида: биринчи давр -ўрта махсус касб-ҳунар ва олий таълим билан қамраб олинмаган, шунингдек, ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатаётган ва банд бўлмаган ёшлар 17-30 ёш, иккинчи давр ўрта махсус касб-ҳунар, олий таълим муассасаларининг ўқувчи-талабалари 15-22 (24) ёш) [2].

Шу боис Узлуксиз таълимни такомиллаштириш, фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Таълим-тарбиянинг бошланғич бўғини бўлган мактабгача таълим тизимидаги ислоҳотларни давом эттириб, соҳада ягона давлат сиёсатини юритиш мақсадида Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди.

Давлат – хусусий шериклик механизмлари ҳамда оилавий боғчаларнинг жорий этилиши, бир қатор имтиёзлар берилиши туфайли 13 мингдан зиёд нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу ислоҳотлар натижасида мактабгача таълимга қамров даражаси 62 фоизга, 6 ёшдаги болалар ўртасида эса 77 фоизга етказилди.

Янги турдаги таълим масканлари, хусусан, Президент мактаблари, ижод мактаблари, ихтисослашган мактаблар фаолияти йўлга қўйилмоқда. Биргина 2020 йилни оладиган бўлсак, юртимизда математика фани бўйича 56 та, кимё-биология фани бўйича 28 та, информатика ва ахборот-коммуникасия технологиялари бўйича 14 та ана шундай мактаблар ташкил этилди.

Таълим соҳасида янгича ёндашувлар фаол жорий этилмоқда. Биз бу соҳада жаҳон тажрибасини ўрганиб, янги тартиб-қоидаларни, замонавий таълим усулларини жорий этмоқдамиз. Бугунги кунда янгича ва мустақил фикрлайдиган, масъулиятли, ташаббускор, ватанпарвар ёшларимиз жаҳон майдонларида турли соҳа ва йўналишларда юксак марраларни эгалламоқда. Буларнинг барчаси ўз ижобий натижасини бермоқда. Буни

2017-2020 йилларда ўқувчиларимиз нуфузли халқаро фан олимпиадаларида 30 та медални қўлга киритгани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин [3].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 апрелдаги 225-сонли Қарорига кўра ёшларни қўллаб-қувватлаш соҳасида бир қанча ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга маънавий – маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда [4].

“Ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва касбга йўналтириш, ўқувчилар ўртасида китобхонлик маданиятини шакллантириш ва кенг тарғиб этиш” бўйича Республикамиздаги кўплаб маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида мактаб ўқувчилари учун махсус тўгараклар ташкил этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида қайд этганларидек:

биринчидан, ёш авлодга боғча, мактаб ва олийгоҳда сифатли таълим-тарбия беришни йўлга қўйиш, улар жисмоний ва маънавий соғлом, ватанпарвар инсонлар бўлиб улғайиши учун барча куч ва имкониятларни сафарбар этиш;

иккинчидан, ёшларни замонавий билим ва тажрибалар, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида мустақил ва мантиқий фикрлайдиган, эзгу фазилатлар эгаси бўлган инсонлар этиб вояга етказиш;

учинчидан, ўғил-қизларимизни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган замонавий касб-ҳунарларга ўргатиш, уларда тадбиркорлик кўникмалари ва меҳнатсеварлик фазилатларини шакллантириш ҳамда ташаббусларини рўёбга чиқариш, иш ва уй-жой билан таъминлашга устувор аҳамият қаратилди. [5]

Хулоса қилиб айтганда, ҳар қандай жамият тараққиётида унинг келажагини таъминлайдиган ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши ҳал қилувчи ўрин тутади. Шу сабабли биз ислоҳотларимиз кўлами ва самарасини янада оширишда ҳар томонлама етук, замонавий билим ва ҳунарларни пухта эгаллаган, азму шижоатли, ташаббускор ёшларимизга таянамиз.

Бир сўз билан айтганда, бола туғилганидан бошлаб, 30 ёшгача бўлган даврда уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, ҳаётда муносиб ўрин топиши учун кўмак берадиган, яхлит ва узлуксиз тизим яратилди.

Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш учун сарфланган сармоя жамиятга ўн, юз баробар кўп фойда келтиради.

Фойдаланилган адабийтлар:

1. https://president.uz/uz/lists/view/4942. 26.01.2022.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон қарори.

3. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишланган маросимдаги нутқи.31.08.2021й.
4. “Ватанпарвар” газетаси. 2021 йил. 22 январь. №3-2 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрь кунги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТДА ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ТАВСИФИ

Иброхимов Фарходжон Анваржон ўғли,
ТВЧДПИ катта ўқитувчиси

Ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви [1] даврида фаолиятимизни интернет ёки ижтимоий тармоқларсиз тасаввур этиб бўлмаслиги барчамизга аён. Аксарият инсонларнинг фаолияти интернет, ижтимоий тармоқлар ва телеграм каналлари орқали дунёда содир бўлаётган кундалик янгиликлардан хабардор бўлиш, ўз хизматларини кўрсатишда улардан фойдаланиш билан боғлиқ**.** Бундан ташқари, ўзаро маълумот алмашиш ёки бирор воқеа-ҳодисага муносабат билдириш, ўз фикрини баён этиш ёки ўзаро мулоқот қилишда ижтимоий тармоқлар жуда қулай воситадир.

Буларнинг бари ижтимоий тармоқлардан фойдаланувчилар учун ўз фикрлари, қарашлари ва туйғуларини баён қилишда тенгсиз имконият эканлигини кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам ижтимоий тармоқлар ҳар қандай ёшдаги одамни бемисл даражада ўзига “мафтун” қилиб туради.

Ижтимоий тармоқлар қуйидаги ҳолларда ижобий таъсир кўрсатади:

- бизнинг ахборот, тажриба алмашишимизга, юзлаб километр масофадаги дўстлар, маслакдошлар билан алоқада бўлишимизга ҳамда улар ҳаётида кузатилаётган воқеа-ҳодисалардан хабардор юришимизга ёрдам беради;
- улар янги бўш иш ўринлари ҳақида тезроқ маълумот олишимизни таъминлайди;
- улар саёҳат қилиш, транспорт ва жой топиш ҳаражатларини тежашга кўмаклашади;
- Кўплаб истеъдодларнинг танилишига, куч олишига, мутлақо бегона кишилар эътирофига сазовор бўлишига ёрдам беради;
- кимлар учундир телеграм, Facebook, инстаграм даромад манбаига айланган, улар эҳтиёжмандларга даволаниш учун пул тўплаш учун ҳам қулай;
- ҳозирги кунда ижтимоий тармоқларнинг ҳуқуқ тартибот органлари ходимларига ҳам ёрдами тегмоқда. Бундай хизматлар рўйхатини узоқ давом эттириш мумкин.

Ижтимоий тармоқларнинг ижобий самараси ўлароқ минглаб фойдаланувчиларининг фаол фуқаролик позисияси шаклланмоқда. Фуқароларнинг фикрлари, конструктив таклифлари, гарчи улар ижтимоий тармоқлар орқали билдирилган бўлсада, инобатга олинмоқда, бу билан давлат ва жамоатчилик бошқарувида аҳолининг кенг иштироки таъминланмоқда. Хусусан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамалари портали – регулатион.гов.уз сайти орқали шу кунга қадар 42419 та таклифлар билдирилган. [2]

Бугунги кунда дунё аҳолисининг энг катта қисми – 2.5 млрд. одам “Facebook”да, https://napoleoncat.com сайти берган маълумотга кўра, Ўзбекистонда “Facebook” тармоғидан фойдаланувчилар 1 миллионга яқинлашиб қолган. Улар ўртача 25-34 ёшда бўлиб, 65,5 фоизини эркаклар, 34,5 фоизини хотин-қизларимиз ташкил этар экан.

Айни пайтда дунёда 1 млрд.лик аудиторияга эга Инстаграм Ўзбекистонда 1.586.500 нафар фойдаланувчига эга. 2.476.590 лик Фасебоок эса мамлакатимизда 686.400 кишини бирлаштирган. 200 млн.лик Телеграм – Ўзбекистонда 18 млн.кишига хизмат кўрсатмоқда. Пандемия, карантин қоидалари эса бу рақамларнинг янада кескин ўсишига олиб келди.

Якка тартибдаги мулоқот чин маънода оммавий тус олди. Бошқача айтганда, машҳур олим Э.Тоффлернинг ахборот асрида барча ишлаб чиқаришлар, жумладан ахборот воситалари ҳам оммалашувдан нооммалашув томон, яъни индивидуллашув томон юз тутади деган башорати бир қадар ўз исботини топмоқда [3]. Мана шундай хусусиятлари билан оммавий коммуникасия замонавий цивилизасиянинг ўзига хос кўринишига айланиб улгурмоқда.

Назарий жиҳатдан, ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларини учта асосий гуруҳга ажратиш мумкин:

1. **Мустақил одамлар.** Мазкур гуруҳ вакиллари ижтимоий тармоқларда жуда кам – кунига, ҳафтасига ёки ҳатто ойига бир марта пайдо бўлишади. Бунда улар саҳифаларда ўзи ҳақида унчалик кўп маълумот қолдиришмайди, баъзида умуман яширишади. Улар тармоққа фақат зарурат туғилгандагина – кимнингдир манзили ёки телефонини излаш, муҳим хабарга жавоб бериш учун киришади.

2. **Ўтиш давридаги кимсалар.** “User”ларнинг мазкур гуруҳи ўз аккаунтларига тез-тез – кунига бир мартадан ортиқ кириб туришади. Бунда уларга аниқ сабабнинг кераги йўқ, шунчаки гуруҳлар ёки дўстлари саҳифаларини “варақлаш” хоҳиши: шу тариқа зерикишни йўқотади. Ўтиш босқичида одамлар одатда тахминан икки-уч ойлаб “туришади”, кейин учинчи типга “сакраб ўтишади”. Камдан-кам ҳолларда ушбу босқичдан “мустақил” босқичга қайтилади;

3. **Тобе кишилар.** Афсуски, ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларининг мазкур типи энг кенг тарқалган. Бундай кишилар ҳар 10-20 дақиқада ўз саҳифаларини янгилаб туришни унутмайди – ахир кимдир ёзиб қолиши мумкин-да! Юзага келган “ҳеч нарса ҳақидаги” ёзишма бир соатгача чўзилиши

ва “хўжайин”ни реалликдан буткул айириши мумкин. Мабодо хабар бўлмаса, ўзини кераксиздек ҳис қила бошлайди — бу нимаси, ҳеч ким менга ёзмаяпти! Бу тип вакиллари ижтимоий тармоқларда кунига камида 6-8 соат ўтиради ва умрини “онлайн” ҳолатда ўтказади. (*Инсон умри ўртача 75 ёш деб олсак бу тоифа кишилари шундан камида 14-15 йилини фақат онлайн ҳолатда ўтказадилар*) Унинг ёқтирган тармоқларисиз бир ёки икки кун яшаши ниҳоятда мушкул.

Кўпинча ёлғиз кишилар ижтимоий тармоқларга қарам бўлиб қолишади – улар шу тариқа ўзларига «суррогат» мулоқотни ҳосил қилишади. Лекин аксар ҳолларда бу ёлғизлик сохта ва ўйлаб топилган бўлади – яъни одам жисман жамиятда яшайди (ижтимоий ўлим ҳолати), аммо аслида атрофдагилари билан мулоқот қилмайди. Ижтимоий тармоқларга қуйидаги тоифадагилар тез-тез меҳмон бўлиб туришади: воқеа-ҳодисаларга бой кишилар; тенгдошлари билан муомала қилолмайдиган ўсмирлар; ёш оналар – “гўдак уйқуда маҳал”, шунингдек, ўта киришимли одамлар. Вақт ўтиши билан мияда реал ва виртуал олам ўртасидаги чегара йўқолади ва одам дўстининг туғилган кунида гул ва торт билан смайликлар жўнатиш ўрнига шунчаки меҳмонга бориш мумкинлиги тўғрисида унутади. Виртуал мулоқот қарамлар учун ягона алоқа воситасига айланади ва уларни ёқтирган машғулотидан интернет йўқлиги каби фавқулодда ҳолатгина айириши мумкин. Негаки улар атрофида қизиқарли, жонли, ҳақиқий ҳаёт борлигини унутишади! Қолаверса, қарам кишилар уни пайқамай қўйишади. Айрим маълумотларга кўра, ижтимоий тармоқлар туфайли ҳар бешинчи-олтинчи оила барбод бўлмоқда. Хусусан, Ўзбекистонда ажримлар сони биргина 2020 йилда 28233 та никоҳдан ажралиш ҳолати қайд этилганлигида ҳам озми-кўпми ижтимоий тармоқларнинг таъсири мавжуд [4].

Ижтимоий тармоқлардан ёлғиз “қутулиш” жуда мушкул. Номидан ҳам билиниб турибди – тармоқ!. Уларда эришса бўладигандек кўринган имкониятлар ва қизиқарли нарсалар ҳаддан ташқари кўп.

Ахборот-таҳлилий ва статистик маълумотларга кўра, Facebook ҳозирги вақтда дунёда энг машҳур ижтимоий тармоқ сифатида этакчи ўринда бормоқда. Ундан кейинги ўринларни эса “Twitter, Instagram, Linkedin, Google+, Pinterest, Snachat, YouTube, Reddit, WhatsApp, Flickr, Weibo эгаллаб келмоқда.

Бугунги кунда ижтимоий тармоқларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, давлатимиз қўлга киритаётган оламшумул ютуқларни жаҳон медиа маконида кенг тарғиб қилиш ҳамда инсон маънавиятини ҳар томонлама юксалтиришга хизмат қиладиган жуда кўплаб маълумотлар ёритиб борилмоқда. Шу билан бирга, миллий менталитетимизга рахна солувчи турли иғволар, ғийбатлар, миллий маданиятларнинг кушандаси бўлган – “оммавий маданият” ниқобидаги таҳдид ва бошқа иллатлар хавф солиши ҳамон давом этмоқда.

Инсон онги, қалби ва руҳиятига тазйиқ ўтказишга ҳаракат қилаётган мафкуравий марказлар ғоявий хуружларини амалга оширишда энг

таъсирчан воситалар – интернет ва ижтимоий тармоқлардан самарали фойдаланишмоқда. Улар турли манипуляцион усулларни қўллашмоқдаки, аксарият жамият аъзолари ўзлари билмай бу дастурлар ривожига хизмат қилмоқдалар. Масалан, “Овертон ойнаси ёхуд йўқ қилиш дастури” ва “ФФФ” дастурини эслаб ўтиш жоиз. Мазкур ҳолат давлатларнинг барқарорлигига рахна солиб, миллатнинг тарихан шаклланган қадриятлари, унинг ўзига хослиги, миллат ва халқ сифатида яшаб қолишини хавф остига қўяди. Бундай ғоянинг пайдо бўлиши мил.авв. XII асрда яшаб ўтган Қадимги Хитой саркардаси номи билан боғлиқ.

Ижтимоий тармоқлар орқали ғоявий-мафкуравий таҳдид сифатида намоён бўлаётган ёвуз ва бузғунчи ғоялар таъсирини ўз вақтида англаш, улардан доимо огоҳ бўлиш бугунги куннинг долзарб вазифаси эканини ҳар бир юртдошимиз, биринчи навбатда, маънавият тарғиботчилари ва ёш авлод вакиллари чуқур англаб етишлари лозим бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Тошкент, Маънавият. 2008, 77-бет
2. Regulation.gov.uz
3. Alvin Toffler, author of best-selling 'Future Shock' and 'The Third Wave,' dies at 87, Washington Post, June 29, 2016
4. https://everyday.uz/society/8190-news.html

АХБОРОТ СОҲАСИНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВИ ЖАРАЁНИДА ЮКСАК МАЪНАВИЯТНИНГ ЎРНИ

Мамутова Айгул Толибаевна,
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти 2-босқич магистранти

Ҳозирги даврда жаҳон миқёсида глобаллашув жараёни кучайиб, ахборотлашган жамиятга ўтиш жараёни тобора чуқурлашиб бормоқда. Тезкор ахборот ва коммуникация технологияларининг ривожланиши натижасида дунёдаги турли халқ ва элатлар орасида глобаллашув жараёнлари содир бўлаётган вактда бутун инсоният, жумладан халқимиз ҳам маънавиятга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли мафкуравий таҳдидлар остида яшамоқда.

Глобаллашув жараёни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига таъсир кўрсатиб, алоҳида мамлакатларни жаҳон ҳамжамияти билан боғлайди. Бугунги кунда глобаллашув жамият тараққиётидаги қонуний тарихий жараён бўлиб, глобаллашув жараёни инсоният жамияти янги цивилизациявий сифат ўзгаришини ўзида ифодаламоқда. Жамият ҳаётидаги бу янги сифат даражаси

ахборот – техникавий ёки ахборот – компъютер цивилизацияси сифатида эътироф этилмоқда. Ахборот технологияси иқтисодиёт ривожланиши, қишлоқ хўжалиги, саноат, хизмат кўрсатиш соҳаларидан кейинги ўринни эгаллайди.

Глобаллашув ва ахборотлашув барча мамлакатларнинг иқтисодиёти, сиёсати ва маънавий ҳаётига ўз таъсирини ўтказмоқда. Маънавий ҳаётдаги глобаллашув жараёнлари, оммавий ахборот воситалари, Интернет, радио, телевидение, уяли алоқа воситалари орқали ахборотни етказишнинг фаоллашуви ҳам ижобий ҳам салбий оқибатларни келтириб чиқариб, бир томондан маънавий глобаллашув натижасида маънавий ҳаётимизга кириб келаётган илм - фан, маданият ва санъат, маънавий мерос ижобий аҳамиятга эга бўлса, иккинчи томондан турли зарарли ғоялар ҳамда мафкураларнинг жамиятимиз маънавий ҳаётига кириб келиши баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш вазифасини долзарб масала сифатида кун тартибига қўйди. Шунинг учун ҳам бугунги кунда оммавий ахборот воситалари ҳамда янги технологик воситалар асосида халқимиз ҳаётида содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар ҳақида хикоя қилувчи чуқур таҳлилий маълумотларни мунтазам бериб бориш, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш, турли ижтимоий тоифа ва гурухларнинг қизиқиш ва интилишлари, ҳаётий манфаатларини ёритиш, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш тамойилини ижтимоий ҳаётга кенг татбиқ қилиш ҳар қачонгидан ҳам долзарброқ аҳамият касб этмоқда. Глобаллашув жараёнларининг инсон тафаккури, жамият ривожига кўрсатадиган таъсири ниҳоят даражада беқиёс бўлиб, глобаллашув натижасида кириб келаётган “оммавий маданият”нинг жамият тараққиёти ва инсон камолотига таъсири тобора яққолроқ кўзга ташланмоқда. XX асрнинг ўрталаридан “оммавий маданият”га оммавий ахборот воситалари кучли таъсир ўтказа бошлаган бўлса, аср охирига келиб ва XXI асрнинг бошларида бу таъсир янада кучайди. “Оммавий маданият” ёки Ғарбда айтилганидек “популяр кулътура” бугунги кунда халқ ва миллатларнинг мумтоз маданиятига, санъатига, унинг бойликларига қарши курашиб, унинг ютуқларини инкор қилиб келмоқда.

Шунинг учун бугунги кунда “оммавий маданият”нинг маънавий-ахлоқий тубанликларидан давлатимиз фуқаролари, энг аввало ёшларни асраб авайлаш, уларни огоҳликка даъват этиш, ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг дилини, руҳиятини, ақл-идроки ва умуман маънавиятини диний ақидапарастлик, жаҳолатпарастликлар хатаридан ташқари, айни пайтда жаҳонда юз бераётган сиёсий, мафкуравий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий манфаатлар йўналишидаги курашларнинг хатарли таъсиридан мухофаза қилишни ҳам ўз ичига олади. Инсон онги ва қалби учун кураш эса энг аввало ахборот орқали, ғоявий, мафкуравий таъсир кўрсатиш орқали олиб борилади. “Бугунги кунда ён-атрофимизда диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, “оммавий маданият” деган турли бало-қазоларнинг хавфи тобора кучайиб бораётганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу сўзларнинг чуқур маъноси ва аҳамияти янада яққол аён бўлади, – деган эди Ўзбекистон

Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев – ҳақиқатан ҳам, ҳозирги вақтда ёшлар тарбияси биз учун ўз долзарблиги ва аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган масала бўлиб қолмоқда. [1. 125.]

Глобаллашув шароитида жаҳондаги кўпгина ривожланган давлатларнинг геополитик мақсадлари ва манфаатлари муайян географик ҳудудлар билан чегараланиб, кучли ахборот технологияларига эга бўлган давлатлар ўзлари ишлаб чиққан ахборотни тарқатиш йўли билан муайян ҳудудлар, давлатлар, мамлакатлар устидан аввал ғоявий, кейин эса сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳукмронлик қилишга ҳаракат қилиб келмоқдалар. Ахборот – оммавий ахборот воситалари (ОАВ) ҳамда интернет орқали кенг кўламда тарқатилмоқда ва тарғиб қилинмоқда. ОАВ Тоффлер ёзганидек “ҳокимият ресурсларини жуда кам сарфлаган ҳолда кўзланган мақсадларга етиш; одамларни бу мақсадлардан шахсан манфаатдор эканликларига ишонтириш, рақибларни иттифоқчиларга айлантириш” имконини беради. [2.193.]

Дарҳақиқат, турли оммавий ахборот воситалари, телевидение, радио, даврий матбуот ўзига хос психологик таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлиб, Интернетнинг пайдо бўлиши билан оммавий коммуникация, ахборот етказиш имкониятлари ниҳоятда кучайиб кетди. Сайтга жойлаштирилган маълумот бутун дунё бўйича тарқалиб, ОАВ дан ташқари интернет реклама, маълумотлар етказиш, электрон почта хизматларини ҳам бажара бошлади. Интернетдаги маълумотлар жуда кўп, арзон ва ўта тезкор бўлиб, бир томондан илм-фан, маданият ва маънавият соҳасидаги маълумот ва ахборотлар, иккинчи томондан “оммавий маданият”га тааллуқли бўлган маълумотлар ОАВ, Интернет, мобил телефон, адабиёт ва санъат орқали тарқатилмоқда.

Ахборот хуружи - муайян кучлар томонидан кишилар онги ва қалбига ёт ғояларни сингдириш мақсадида уларни ҳиссиётлари, эътиқоди ва туйғуларига таъсир этишнинг мафкуравий омилларидан, шунингдек, турмуш тарзи ва менталитетдаги ўзгаришларни амалга ошириш учун моддий, иқтисодий, маънавий таъсир ўтказишнинг ноанъанавий ва нохолис муносабатларидан фойдаланиш асосида сиёсий мақсад ва муддаоларни амалга ошириш мажмуасини англатади .

Глобаллашув жараёни, замонавий ахборот коммуникация тармоқларининг жадал ривожланиши, “оммавий маданият”нинг таҳдиди ўсиб келаётган ёш авлодимизни юксак маънавиятли, дунёқараши кенг, ватанпарвар қилиб тарбиялашни, бой тарихий маънавий меросимиз асосида уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини юксалтиришни талаб қилмоқда. Ёш авлодда мафкуравий иммунитетни мустахкамлаб, уларнинг онги ва қалбига миллий ғоя ва миллий мафкурани сингдириш масаласига давлатимиз томонидан олиб борилаётган сиёсатда ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Олдимизга қўйган улкан вазифаларни амалга оширишда биз учун куч-қудрат манбаи бўладиган миллий ғояни ривожлантиришимиз зарур, – дейди Президент Шавкат Мирзиёев, – хусусан, миллий ўзлигимизни англаш, Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий тадқиқот

ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим. [2. 38.]

Ўзбекистонда олиб борилаётган барча ислоҳотлар ёшларнинг маънавий тарбиясини кенгайтириш, ақл-заковати ва руҳий-маънавий юксалишига қаратилгандир. Демак, ҳар бир ижтимоий ҳаётда фаолият кўрсатадиган ёшларнинг миллий менталитети уларнинг ақл-идроки билан ўлчанади. Шунки оиладан бошлаб ривожланиб борадиган инсон ақл-идроки билан ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини эгаллаши, маънавий тарбияни шакллантирилиши билан доимий равишда интеллектуал савияларини такомиллаштириб боради ва бу, ўз навбатида, адолатли ижтимоий-маънавий ҳаётни, турмуш тарзини барпо этиш учун замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд, Тошкент, Ўзбекистон, 2017 йил.
2. Пугачев В.П. Сиёсатшуносликка кириш. – М.: 2000, 193-бет.
3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон ёшларига байрам табриги // Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд, Тошкент, Ўзбекистон, 2019 йил.

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Аметов Саламат Абдулғани ўғли,
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти 1-босқич магистранти

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ хотин-қизларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, сиёсий фаоллигини ошириш, касбий, жисмоний, маънавий ҳамда интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, қиз болани замонавий касб-ҳунарга ўргатиш, уларни спортга кенг жалб этиш, соғлом оилани шакллантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

2019 йилнинг 2 сентябрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонуни мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлашга қаратилган яхлит ва асосий қонун ҳужжати ҳисобланади. Ушбу қонун билан илк бор миллий қонунчилигимизда «гендер» тушунчасига таъриф берилган. Унга кўра, “гендер” – хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги муносабатларнинг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча

соҳаларида, шу жумладан, сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, мафкура ва маданият, таълим ҳамда илм-фан соҳаларида намоён бўладиган ижтимоий жиҳати ҳисобланади. Ушбу ҳужжатда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, ушбу соҳада давлат бошқаруви механизмлари белгиланди.

Хусусан, хотин-қизларнинг гендер камситилишига йўл қўймаслик мақсадида Ўзбекистон Республикасида Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия ташкил этилди.

Комиссиянинг асосий вазифалари хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, ушбу соҳада давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини ва стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш, ушбу соҳада қилинган ишлар бўйича ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ахборот тақдим этиш, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш ва бу борада халқаро стандартларга риоя этиш соҳасида халқаро ташкилотлар, хорижий мамлакатларнинг тегишли органлари билан ҳамкорликни амалга оширишдан иборат.

Қонуний ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланишда жинс бўйича камситишга йўл қўймаслик айрим ижтимоий муносабатларга татбиқ этилмайди. Мазкур қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, қуйидагилар жинс бўйича камситиш ҳисобланмайди:

- бола туғиш ва она сути билан озиқлантириш вазифалари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда фарқларни белгилаш;
- қонунда белгиланган тартибда муддатли ҳарбий хизматга чақириш;
- гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чоралар кўриш;
- хотин-қизлар ва эркакларнинг меҳнатини муҳофаза қилишда репродуктив саломатлигини сақлаш хусусиятлари;
- касбий малакага доир тавсиялар бериш;
- қамоқда сақлаш, жазони ижро этиш жойларида сақлаш тартиби ва шартларини ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан таъсир кўрсатишнинг бошқа чораларини тартибга солишда фарқларни белгилаш [1].

Республикада қабул қилинган давлат дастурларида оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш учун ажратилаётган маблағлар ва шунинг асносида ҳудудларда бепул тиббий текширувлар ўтказилаётгани, шубҳасиз, соғлом авлод туғилиши ва вояга етиши учун ҳукумат томонидан кўрсатилаётган беқиёс ғамхўрлик натижасидир.

Бугунги кунда гендер тенглик самарали иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг муҳим омилларидан бирига айланмоқда. Давлатимиз раҳбари “Ҳозирги кунда ҳар бир хотин-қиз демократик жараёнларнинг кузатувчиси эмас, балки фаол ва ташаббускор иштирокчиси бўлмоғи шарт” [2], деб таъкидлагани ҳам бежизга эмас. Шу боис мамлакатимизда хотин-қизларнинг ўз имкониятларини тўлақонли рўёбга чиқаришлари учун барча шарт-

шароитларни таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда.

Кейинги йилларда корхона, ташкилот ва муассасаларда имзоланаётган жамоа шартномаларига аёллар учун қўшимча имтиёзлар, хусусан, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, ҳомиладор ва ёш болали аёлларга қўшимча таътиллар бериш, 2 ёшгача фарзанд тарбияси билан банд бўлган ишловчи аёлларга қўшимча меҳнат таътили куни белгилаш ёки қўшимча дам олиш куни бериш каби мажбуриятлар киритилди. Бу, ўз ўрнида, аёл меҳнатини бола тарбияси билан қўшиб олиб бориш, оналик ва болаликни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш имконини яратди.

Президентимиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсатга ана шундай таҳлилий нуқтаи назардан ёндашсак, унда хотин-қизлар ҳаёти билан боғлиқ бир қатор жиддий муаммоларнинг аниқ ечими ифода этилаётганлиги ва бу муаммоларни бартараф этишда мустаҳкам пойдевор бўлаётганининг гувоҳи бўлаяпмиз. Яна бир қувонарли жиҳати хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, оила ва жамиятдаги нуфузини оширишда республикамиздаги мавжуд барча вазирлик ва идоралар кенг жалб қилинаяпти, бугун аёллар масалаларига барча ташкилотлар ва уларнинг раҳбарлари бошқача кўз билан, яъни ижобий ва жиддий қарашмоқда. Бундай ёндашув амалий ва самарали натижаларни бермоқда, хотин-қизларнинг яхши яшаши, меҳнат қилиши учун барча шароит ва имкониятлар яратилмоқда.

Бундай имконият албатта ҳар бир аёлда меҳнатга, ўз иқтидор ва қобилиятини рўёбга чиқаришга, янги ғоялар устида ишлашга, ташаббускорлик кўрсатишга иштиёқ ҳамда келажакка ишонч уйғотаяпти. Янги-янги ютуқ ва марралар сари етаклаяпти, иқтидорли, қобилиятли, билимли, салоҳиятли хотин-қизлар сафи кенгайиб бормоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 2019 йил 2 сентябрь
2. Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенатининг XX ялпи мажлисидаги нутқи. 2019 йил 21 июнь.

МИССИОНЕРЛИККА ҚАРШИ КУРАШДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Танимов Шарападин Мауленбергенович,
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси ўқитувчиси

Бугунги кунда мамлакатимизда барча соҳаларда юксалиш рўй бермоқда. Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий ва маънавий-маърифий, диний муҳит юксалиб бормоқда. Халқимиз дунёга ўз эшикларини кенг очди. Эзгулик ниятида очилган эшиклардан ишбилармон ва тадбиркорлар ҳамда турли соҳа вакиллари кириб келишди. “Тоза ҳаво кирсин, деб эшикни очсанг, унга чанг ҳам, ғубор ҳам киради” дейишганидек, покиза ниятли одамлар билан бирга кўнглида ғайир мақсадларни туккан турли экстремистик оқимлар вакиллари ҳам остона ҳатлаб кириб келишди. Бу оқимларнинг Ислом динини ниқоб қилиб олиб, аҳоли ўртасида бузғунчи ғоялар ташишга, улар ўртасида норозилик кайфиятини уйғотишга, шунингдек, турли ҳатти-ҳаракатлари билан халқимизни чалғитишга ва таҳдид солишга уринганлари сир эмас.

Маълумки, таҳдид қандай кўринишда бўлмасин, албатта, унинг замирида қабиҳ мақсад ётади. Бугунги кунда маънавий хавфсизликка нисбатан турли кўринишдаги таҳдидлар яққол кўзга ташланиб қолмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Агар кимдир, маънавият масаласи – бу фақат Маънавият маркази ёки тегишли вазирлик ва идораларнинг иши, деб ўйласа, хато қилади. Буларнинг барчаси олдимизда турган энг асосий, энг муҳим вазифалардан биридир” [1] деган фикрларлари, барчамизни огоҳликга чорлайди. Турли ғоявий хуружлар, ақидапарастлик, миссионерлик каби ҳаракатлар шулар жумласидандир. Булар орасида миссионерлик ҳам миллий, ҳам диний қадриятларга таҳдид солиши билан хавфлидир. Дин давоси билан ҳаракат қилаётган миссионерлар ўз кирдикорларини авж олдиришга уринаётгани мамлакатимиз ривожига ғайир кўз билан қараётганлар ҳалиям йўқ эмаслигини англатади.

Миссионерлик, содда қилиб айтганда, бирор динга эътиқод қилувчи халқлар орасида бошқа бир динни тарғиб қилиш тушунилади. Ундан кўзланган асосий мақсад фақатгина маҳаллий аҳолини ёт динга киритишдан иборатгина эмас, балки айнан диний таълимотдан хабарсиз бўлган айрим иродаси суст кимсалардан фойдаланиб, уларнинг зеҳни ва идрокини ўз динига бўлган ғайир муносабатлар билан тўлдириш ҳамда эътиқодидан айириш ҳамдир. Миссионерлар ўз мақсадига эришиш учун кўпроқ аҳолининг ёшлар қатламини қамраб олишга ҳаракат қилишади. Замонавий технологияларнинг мислсиз даражада тараққий этаётгани, айниқса, уларга қўл келаётир. Ёшларга интернет орқали беғараз чет тилларини ўргатиш, ҳар хил соҳалар бўйича малакали мутахассислар тайёрлаш учун турли ўқув курсларини очиш, хорижга

ўқишга, ишга жўнатиш баҳонасидан фойдаланиш, ўсмирларни черков қошидаги ёзги оромгоҳларга жалб қилиш сингари фаолият орқали улар орасига кириб олишмоқда.

Миссионерлик тушунчаси асосан христиан динига нисбатан қўлланилади. Бошқа динларда бу нарса бошқа номлар билан аталади, масалан, Ислом динида миссионерлик ўрнига "даъват", "амри маъруф" каби терминлар ишлатилади. Миссионерлик билан деярли барча динлар шуғулланади, фақатгина Яҳудийлик дини ўз олдига миссионерликни асосий мақсад қилиб қўймайди [2].

Миссионерлар барча услуб ва методларни қўллашга тайёр бўладилар. Жумладан, маҳаллий халқ ўртасида уларнинг она тилида чоп этилган анча чиройли, рангли-безакли муқовадаги китоб ва журналларни бепул тарқатиб, уларда босилган мақола-материаллар орқали туб аҳолига мутлақо ёт бўлган ўзга динлар ғояларини тарғиб қиладилар. Кишиларни бошқа динларга киришга чақирувчи лавҳалар акс этган видео-аудио кассеталарни аҳолига бепул тарқатадилар. Улар қўйган тузоққа илинган кимсалар дин ҳақидаги билимлардан бехабар кишилардир. Биз қуйида ҳикоя қилмоқчи бўлган кимсалар худди шундай шахслар сирасига киради.

Миссионерликнинг яна бир жирканч қиёфаси шундаки, у ўзининг энг чўққиси – прозелитизм, яъни тўғридан-тўғри бирор-бир динга ишонган фуқарони мажбуран ўз динидан воз кечтириш ва ўзга динни қабул қилишга мажбурлашдан иборат жиноятидан фойдаланишга уринмоқда. Миссионерлик айни шундай диний қарашларга ўз таъсирини ўтказиб, халқнинг барқарорлигини бузади. Уларнинг асл, ғайир мақсади ҳам шу: республикамиз аҳолисининг тинчлиги, фаровон турмуши ва осойишталигига жиддий хавф солиш, илму маърифат сари чоғланаётган ёшларимиз онгини ўз иллатлари билан чалғитиш, улар орқали дунё билан бўйлашаётган мамлакатимиз келажаги ва тақдирига раҳна солишдир. Миссионерларнинг асл қиёфасини очиб ташлаш, улар томонидан содир этилиши мумкин бўлган жиноятлар олдини олиш ҳамда уларга қарши курашиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Ёшлар ва аҳоли ўртасида доимий ва Узлуксиз тарғибот ва маънавий-маърифий тадбирлар амалга ошириб турилса, ёки шундай эзгу тадбир ва амалларнинг нафақат, иштирокчиси, балки ташкилотчисига айлансак, Ўзбекистонимиздаги тинчлик-барқарорлик, диний ва миллий бағрикенгликни, миллатлараро ҳамда динлараро тотувлик, бунёдкорлик ва тараққиётни, қолаверса, давлатимиз юритаётган мустақил ички ва ташқи сиёсатни янада қўллаб-қувватлашга ҳисса қўшган бўламиз. Чунки, Ўзбекистон раҳбарияти мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ ўзининг динга муносабатини ўзгарттирди. Давлатнинг динга янгича муносабати "инсон эътиқодсиз яшай олмайди", деган аниқ ишонч асосида белгиланди [3].

Замонавий миссионерликнинг умумий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- аниқ мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятдан ғаразли мақсадлар йўлида фойдаланишга ҳаракат қилиш;

- халқаро нодавлат ташкилотлари мақомида фаолият юритиш;

- миссионерлик – ўзига хос бизнес, шахсий бойиш манбаи;

- миссионерлик – давлатлар ва сиёсий кучларнинг геосиёсий режаларига хизмат қиладиган сиёсий курол.

Бугунги кунда таҳлилларга кўра, фуқароларимизни соғлом диний дунёқарашга эга эмаслиги, дин тўғрисида ҳолисона фикрни шаклланмаганлиги аксарият ҳолатлар миссионерлик ва прозелитизм таъсирига тушишга сабаб бўлмоқда. Миссионерлик ва прозелитизм ҳаракати халқимиз ва миллатимиз маънавиятига, эътиқодига нисбатан салбий таъсир этувчи таҳдидлар сифатида намоён бўлмоқда. Миссионерлик ва прозелитизм таҳдидини бартараф этишда жамиятимиз ҳаётида аҳолининг кенг қатламларини миссионерлик ва прозелитизмга қарши ғоявий-мафкуравий қуроллантириш учун маънавий қадриятларимизни шакллантириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Юртимизнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш учун маданий, маънавий-ахлоқий, тарихий урф-одатларни ва жамоат ҳаётининг нормаларини ҳимоя қилиш, бутун халқнинг маданий бойлигини сақлаш, шунингдек, миссионерликнинг салбий таъсирига қарши курашишни ҳар бир ҳуқуқшунос давлат олдидаги бурчи деб билиши лозим.

Дарҳақиқат, миссионерликка қарши кураш асрлар давомида шаклланган диний-миллий қадриятларга эга мамлакатлар учун энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Мамлакатимизда ҳам бу борада тизимли ишлар олиб борилмоқда. Бу курашнинг моҳияти фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш тамойилида ўзининг ёркин ифодасини топган.

Жаҳолат – билмаслик, билимсизлик маъноларини англатади. Диннинг асл моҳиятини тушунмаслик, инсон ва жамият ҳаётидаги ўрнини тўғри баҳолай олмаслик жаҳолатга олиб келади. Шу сабабли унга қарши маърифат билан курашиш, фуқароларимизнинг ҳар томонлама чуқур билимга эга бўлишларига эришиш, таълим муассасаларида ёшларга дин ҳақида илмий асосланган билимлар бериш, диний қадриятлардан маънавий-маърифий мақсадларда фойдаланиш миссионерликнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида маънавий-маърифий ишлар таъсирчанлигини янада ошириш борасидаги долзарб вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги маърузасидан. 2021 й 19 январь

2. “World Book” универсал энциклопедия. 1998., пп. 620

3. Ибрагимов Элдор Фозилжонович. Ўзбекистонда христиан конфессиялари фаолияти ва уларнинг диний бағрикенглик анъаналари шаклланишида тутган ўрни. 24.00.01. т.ф.н. илмий даражаси учун ёзилган дис. 2009. Б-97.

МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Тангирдергенова Зарипа,
НДПИ Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси ассистент ўқитувчиси

Ўзбекистан Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Ўзбекистон миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик соҳасида ўз анъаналарига доимо содиқ бўлиб, бу йўлдан ҳеч қачон оғишмасдан илгари боради. Биз бугун кўпмиллатли халқимизга, барчамизнинг умидимиз ва суянчимиз бўлган ёшларимизга ишониб, маррани катта олмоқдамиз. Азиз фарзандларимиз, набираларимиз бахтини, камолини ўйлаб, эл-юртимизнинг, халқимизнинг ёруғ келажагини кўзлаб, олдимизга улкан вазифалар қўймоқдамиз. Нияти улуғ халқнинг – иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади” – деб таъкидлайди. Юртимизда бугунги кунда маънавий етук ва баркамол инсонни тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Халқимиз миллий маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, миллий анъаналаримизнинг сақланиши ва мазмунан бойиши, шунингдек маданият ва санъат, илм-фан, таълим тарбиянинг ҳар томонлама ривожланиши ўзи, алоҳида касб этади. Таълим-тарбия орқали мустақил фикрлайдиган, эркин, билимли, бир сўз билан айтганда, баркамол шахсни вояга етказиш асосий мақсад қилиб белгиланган.

Маънавий тарбия жараёнида миллий қадриятларнинг аҳамияти жуда катта. Миллий қадриятлар – тарбиянинг энг таъсирчан қуроли. Ундан оқилона фойдаланиш, фарзандларимиз онгида ватанпарварлик, ростгўйлик, халқпарварлик туйғуларини шакллантириш бугунги кун талаби.

Ҳозирги даврда қўлга киритилган муҳим ютиқларимиздан бири таълим-тарбияда миллий, маънавий қадриятларнинг устиворлигига эришганимиз-дадир. Бу ёш авлодга бой тарихий, миллий, маънавий меросни сингдириш ҳамда асрлар давомида шаклланган анъаналари асосида таълим-тарбия бериш демакдир. Зеро Абдулла Авлоний айтганидек: “Тарбия биз учун ё ҳаёт ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир”.

Глобаллашув жараёнида кечаётган воқеа-ҳодисаларни тўғри талқин қила олиш, ҳар бир воқеликни миллий манфаатларимиз ва қадриятларимиз асосида таҳлилдан ўтказиш улкан аҳамият касб этади. Бунинг учун эса миллий ғоя ва мафкурамиз мустаҳкам бўлмоғи лозим. Зеро, халқимиз, айниқса ёш авлод онги ва тафаккурига сингдирилган миллий ғоя ҳар қандай ёт ғояларнинг таъсирига берилиб қолмасликни таъминлаши билан бирга уларга муносиб жавоб қайтариш кўникмасини ҳам шакллантиради, миллий қадриятларимизни ҳурмат қилишга ва уни асраб-авайлашга ундайди.

Жамият ёшлар онгида маънавий қадриятларни ривожлантирмай ва мустаҳкамламай туриб ўз истиқболига эриша олмайди. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий жамият қуриш йўлидаги мураккаб ва кенг

кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги авлод кадрларини тайёрлаш бундан буён ҳам фаолиятимизнинг энг муҳим йўналиши бўлиб қолади. Халқ ёки миллат ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлсагина, ўзининг мустақил тараққиёт йўлини эркин белгилаб олиши, ёшларни ўз миллий қадриятлари негизида тарбиялаш мумкин.

Мустақил Ўзбекистоннинг кучли давлатдан кучли жамият сари тараққиёти даврида, асрий маънавий меросимиз, миллий қадриятларимиз, буюк аждодларимизнинг тарихий тажрибаларидан тўғри фойдаланиб, уларнинг ибратли ишларидан сабоқ олиш мамлакатимизда фуқаролик жамияти қурилиши вазифаларини амалга оширишга, халқимизнинг маънавий юксалишига хизмат қилади.

Жамиятда ёшлар тарбияси муаммолари ҳар доим куннинг биринчи даражали мавзуларидан бири бўлиб келган. Айни пайтда, дунёда глобаллашув жараёни тезлашмоқда. Дунё халқлари, давлатлар ўртасида ўзаро алоқалар кучаймоқда. Ўзбекистон ҳам ундан четда тургани йўқ. Турли халқларга хос бўлган қадриятлар Ўзбекистон ёшлари ҳаётига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Бундай муҳит халқаро ахборот тизими, интернет, ОАВ, реклама, турли хил кино кўрсатувлари билан боғлиқ асарлар ёшлар маънавий ҳаётига таъсир кўрсатиши, турли хил қадриятларнинг кириб келишига шароит ҳозирлайди.

Унинг қайси жиҳатларидан фойдаланиш ёки фойдаланмасликни ёшлар яхши билишлари лозим. Қадриятларни бир-биридан фарқлаш, миллий қадриятларни йўқотмаган ҳолда муносабатда бўлишлари муҳимдир.

Ижтимоий ҳаётда, айрим ёшларнинг хатти-ҳаракатларида миллий қадриятларимизга мутлақо тўғри келмайдиган ҳолатларни кузатиш мумкин. Айрим ёшларнинг экстремизм, ақидапарастлик ғояларининг тарафдори бўлиб, содир этган қилмишлари билан миллий қадриятларимиз ўртасида ўзаро тўғри келмайдиган ҳолатларни кузатиш мумкин. Аксарият ёшларимиз эса миллий ва умуминсоний қадриятларга нисбатан ўзларининг тўғри муносабатларини шакллантирган. Бугун жаҳон ахборот майдонида ёшларни миллий қадриятларга қарши тарбиялашга уриниш кучаймоқда. Бундай ҳаракатлар ёшларни ўз халқи, ватани ва миллий қадриятларга нибатан беписанд руҳда тарбиялашга қаратилган бўлиб, уларда кўпроқ ғарбона қадриятларга мойилликни уйғотишга бўлган яширин мақсадлар мужассам бўлади.

Ёшлар дунёқарашида миллий-маънавий қадриятларни мустаҳкамлашдан кўзланган мақсад уларни фақат ўз қадриятларига таяниб яшашга ўргатиш эмас, балки шу умумбашарий қадриятларни ҳам ўзлаштириб, мамлакатнинг ўзига ҳос тараққиёти унга боғлиқлигини ҳисобга олиб яшашга, ишлашга даъват этишдир. Бундан ташқари, миллий-маънавий қадриятларни чуқур билиш ёшлар томонидан мустақилликни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлашга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Ўзбек халқининг ибратомуз, айниқса ёшларни тарбиялашда катта таъсир эта оладиган урф-одатлари, анъаналари, расм-русумлари ва маросимлари борки, буларни бугунги кунда оилада болалар онгига, кундалик

ҳаёт тарзига сингдириш ёшларнинг маънавий таҳдидлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олишдаги муҳум вазифаларимиздан бири ҳисобланади.

Ёш авлодни тарбиялашда миллий-маънавий қадриятлар жуда катта тарбиявий кучга эга. Уларга содиқлик бизни миллий бирлик сифатида жаҳон миқёсида бетакрорлигимизни таъминлайди. Тилимиз, урф-одатлар, анъана ва удумларимиз шунчаки ўтмишдан қолган мерос эмас, балки ўзлигимизни англаш шартидир.

Адабиётлар рўйхати:

1. Президент Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис аъзоларига анъанавий мурожаатномани ўқиб эшиттирди. “Газета.уз” давлат раҳбари билдирган фикр ва вазифаларни қисқача мазмунда баён этади. 24 январь 2020 й.
2. Баркамол авлод орзуси. – Т.; “Шарқ”, 1999, 39-бет.

ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИГА ТАЪСИРИ

Имамов Бобур Хўжаназарович,
Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти
“Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси

Мафкуравий глобаллашув ахборот воситаларининг ривожи ва бу соҳада содир бўлаётган маънавий инқилоб билан боғлиқ. Бугун инсоният янги ахборот инқилобини бошдан кечирмоқда. Нутқнинг шаклланиши ахборот узатиш имкониятларини кенгайтирган бўлса, ёзувни пайдо бўлиши уни узоқ вақт давомида сақлаш ва ахборотни унинг яратувчисидан ажратган ҳолда улкан масофаларга этказиш, ҳатто замонлараро олиб ўтишга йўл очди. ОАВни ривожланиши эса ахборотни овоз ва тасвир орқали узатишни таъминлаб, уни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарди.

Бугунги кунда, дунё аҳолининг тахминан уч миллиардга яқини интернетдаги ижтимоий тармоқлардан фойдаланади. Биз уларга ҳар куни ўртача икки соат вақт сарфлаймиз: ёзувлар нашр этамиз, фотосуратлар алмашамиз, дўстларимизнинг хабарларига муносабат билдирамиз. Агар ижтимоий медиа бизнинг ҳаётимизда бундай катта рол ўйнаса, унда бу бизга қандай таъсир қилишини тушуниш жуда муҳимдир.

Шу сабабли ҳам охирги йилларда ижтимоий тармоқлар фуқаролик жамиятининг анъанавий шаклларини нафақат ўзгартиряпти, балки яқин келажакдаги янгича кўринишини ўзида намоён қилмоқда. Аслида ижтимоий тармоқларнинг асосий вазифаси дастлаб ташкил этилган пайтларда одамларга узоқдаги таниши билан алоқа қилиш, улар ўртасида ўзаро онлайн мулоқотни йўлга қўйиш эди. Бироқ бугун уларнинг функсиялари тобора кенгайиб бормоқда. Энг аввало, ёшлар онгига ва маънавиятига таъсир кўрсатишнинг

қудратли ахборот-сиёсий воситасига айланмоқда. Ёшлар, айниқса, интернетда ҳимоясиздир ҳамда уларнинг ота-оналар назоратининг йўқлиги, болаларнинг ахборот маданиятини билмаслик кўпинча ўспиринларнинг интернетга қарам бўлишига олиб келиши мумкин. Дарҳақиқат, бугун ижтимоий, маданий, иқтисодий ва сиёсий барча-барча соҳаларда глобал тармоқнинг чексиз имкониятларини ҳисобга олмаслик, ундан маълум мақсадлар йўлида фойдаланмаслик, таъбир жоиз бўлса, замондан орқада қолиш, деганидир. Бу масала бевосита ёшлар фаолияти ва маънавиятига ҳам дахлдор.

Айтиш керакки, ижтимоий тармоқлар бугунги кунимизнинг энг асосий вақт ўтказувчи омили ҳисобланади. Айниқса ёшлар ижтимоий тармоқлар касалига учрашган. Бизнинг диёримизда дастлаб энг асосий ижтимоий тармоқ сифатида – “одноклассники” ижтимоий тармоқ кенг оммалашган. Дарҳақиқат, “Одноклассники” ижтимоий тармоғи синфдошларни, курсдошларни, институт (университет) курсдошларни, қариндошларни, ҳамкасабаларни хуллас яқин дўстларни топиб, улар билан гаплашишга имкон берувчи кўптиллик тармоқ ҳисобланади **[1]**. Энг муҳими, ижтимоий тармоқлар ёшларнинг анъанавий мулоқот шаклини тубдан ўзгартириб юборди. Олис масофадан туриб нафақат эшитиб, балки кўриш имкониятининг юзага келиши виртуал суҳбатларни кескин оммалаштирди. Кейинги 15-20 йил давомида мобил алоқа урф тусини олган бўлса, ҳозирги даврга келиб мобил ускуналардаги “WhatsApp” ва “Telegram” орқали матнли мулоқот оммавийлик касб этмоқда.

Айниқса, “Fasebook” тармоғидаги турли гуруҳлар фойдаланувчилар орасида обрў қозонди. Бу тармоқдаги гуруҳларда одамлар орасидаги турли вазиятлар, муаммолар кўриб чиқилиб, маълум вақтда ҳал қилинмоқда. Шу билан бирга Instagram ҳам ёшлар орасида машҳур бўлиб, унда асосан ёшлар кундалик ҳаётидаги воқеаларни фото ва видео орқали ёритиш урф бўлган. Қайд этиш керак, бугунги кунда дунё аҳолисидан қарийб 2 млрд. одам – “Facebook”дан фойдаланмоқда. napoleoncat.com сайти берган маълумотга кўра, Ўзбекистонда – “Facebook” тармоғидан фойдаланувчилар 1 миллионга яқинлашиб қолган **[3]**. Улар ўртача 25-34 ёшда бўлиб, 65,5 фоизини эркаклар, 34,5 фоизини хотин-қизларимиз ташкил этар экан.

Айни пайтда дунёда 1 млрд.лик аудиторияга эга Instagram Ўзбекистонда 1.586.500 нафар фойдаланувчига эга. 2.476.590 лик “Facebook” эса мамлакатимизда 686.400 кишини бирлаштирган. 200 млн.лик “Telegram” – Ўзбекистонда 18 млн. кишига хизмат кўрсатмоқда [4]. Айтиш мумкинки, ижтимоий тармоқ деганда кўз олдимизга ҳозирги кун таърифи билан айтадиган бўлсак Виртуал олам деган тушунча келадиган бўлиб қолди. Ҳозирги кунда ижтимоий тармоқларнинг сони кўпайгандан кўпайиб бормоқда, бу ўз навбатида жамиятга катта таъсирини бериб келмоқда. Ижтимоий тармоқлар шундай кучга эга бўлдики узоқдаги дўстингни яқинлаштириб, яқиндаги дўстингни узоқлаштиришга олиб келди. Бу ўз навбатида жамият аъзолари орасида саросима ва бетартибликни келтириб чиқармоқда. Лекин ижтимоий тармоқлар ҳозирги кунда ёшларга кенг имкониятларни ҳам яратиб бермоқда.

Дарҳақиқат, бугунги кунда ҳамма YouTube, Facebook, Instagram, Telegram, Twitter каби ижтимоий тармоқларни билади, ҳеч бўлмаганда биттасидан фойдаланади. Айниқса, ёшлар бу масалада фаолдир ва айнан шунинг ўзи муаммодир. Шуни тан олиш керакки, ижобий томонлари билан бир қаторда унинг салбий томонлари ҳам мавжуд. Чунки оммавий алоқа воситалари орқали онгни ва ақлни эгаллаш таҳдиди мавжуд экан, жиддий қўрқув учун асослар мавжуд. Айниқса, ижтимоий тармоқларда салбий маълумотлар оқимининг кўпайиши кучайтирмоқда. Сабаби, ёшлар ўзларининг тажрибасизликлари сабабли келган маълумотларни таҳлил қилишга қодир эмаслар. Эҳтимол, ёлғон ва холис маълумотлар уни осонликча йўлдан оздириши мумкин.

Ижтимоий тармоқларнинг ёшлар маънавияти ва тафаккурига кўрсатаётган ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатларини таъкидлаш лозим.

Биринчидан, ижтимоий тармоқларнинг ёшлар маънавиятини ривожлантиришга таъсир этадиган ижобий хусусиятларига хайрия тадбирлари ташкил этиш, ёшларни уюштириш, имконияти бор кишиларни шу ишга жалб этиш, дўстлар орттириш, ёшлар ўзларининг фаолиятларига тегишли маълумотларни олиш, узатиш кабиларни киритиш мумкин.

Иккинчидан, ижтимоий тармоқларнинг ёшлар маънавиятини ривожлантиришга таъсир этадиган салбий хусусиятларига ахлоқсизлик, фаҳш, бузуқликни тарғиб қилувчи сайтлар ва уларнинг саҳифалари кенг ёйилгани, миш-миш, уйдирмалар, бузғунчи ғоялар, сохталаштириш, эълон қилинган айрим мақолаларда ишончли манбаларнинг йўқлиги, қайси китоб ёки сайтдан олинганлиги, ким ёзганлиги ҳақида маълумотнинг йўқлиги, уларнинг ёзган мақолаларини ўзлаштириб олиб, маънавий, интеллектуал ҳуқуқларнинг бузилиши содир бўлиши; ушбу тармоқларда инсоний алоқалар заифлашади, юзма-юз кўришиш бўлмагани учун ўзаро меҳр камаяди, ёшларнинг ижтимоий тармоқлардан нотўғри фойдаланиши вақтнинг исроф бўлишига, керагидан ортиқ фойдаланиш эса, унга ўрганиб қолиши, ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари кийган кийимлари, еган овқатларини ўз саҳифаларига жойлаштиришлари оқибатида мақтанчоқлик, барчанинг эътиборида бўлиш хоҳиши кучайиб, ночор аҳволда яшаётганларнинг ҳис-туйғулари эътиборга олинмайдиган кайфият юзага келади.

Шунингдек, ижтимоий тармоқлар қуйидаги хавфли таъсирларга эга: интернет тармоғига боғланиб қолиш; ўқиш ва билим олишга энгилтаклик билан муносабатда бўлиш (интернетдан тайёр дарс ишланмалари, математик масалалар ечимларини осонгина топиш ҳисобига дарс топшириқларини мустақил бажармаслик); жисмоний ривожланишига салбий таъсир хавфи, яъни боланинг фаол ҳаракатда бўлмай, узоқ вақт монитор рўпарасида ўтиришига тўғри келиши ва бошқалар.

Албатта, энг биринчи навбатдаги вазифамиз ижтимоий тармоқ манбаларида болаларга ҳақиқий ҳаётдаги каби виртуал оламда ҳам тартиб-интизом қоидалари мавжудлигини тушунтириб бориш билан бирга ижтимоий тармоқлар ҳозирги кунда ёшлар тафаккурига ижобий таъсир этиши билан

бирга ёшларни ижтимоий тармоқлар вақтини ўғирламоқда, интернет-клубларда, мобил телефонларда ёшлар айни ўқиб илм оладиган пайтларида вақтларини турли ўйинларга, савияси паст бўлган фото суратлар ва видеоларни кўриш билан умрини хазон қилмоқда.

Шундай қилиб, Интернетдаги ижтимоий тармоқлар ёшлар маънавиятига сезиларли таъсир кўрсатмоқда, яъни шахсий манфаатлар ёшлар учун устувор аҳамият касб этади ва шу билан бирга жамият, ижобий шахслараро мулоқот, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам ҳамда ижтимоий меъёрлар ва асосий умуминсоний қадриятларга бефарқ муносабат шакллантиради **[2]**. Шу сабабли ёшлар орасида тўлиқ жонли алоқа аста-секин қадрсизланиб бормоқда, ўзининг бевосита ҳиссиётлари билан ҳақиқий коммуникатив ҳаракат ўрнини сезилмайдиган қуруқ хабарлар, китобларни ўқиш – қидирув сайтларидан шубҳали маълумотлар, психологик саломатлик, IT-технологияларга, гаджетлар ва шахсий компютерлардаги виртуал ахборот майдонига боғлиқлик эгалламоқда.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда амалга ошириладиган барча демократик ислоҳотлар жараёнида ёшларни маънавиятини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратилишини назарда тутадиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизимига алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари: ёшларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш, ёшларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш, ёшлар учун очиқ ва сифатли таълимни таъминлаш, ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш; иқтидорли ва истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш; ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш; ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, шунингдек ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва ёшлар спортини оммавий ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш **[5]** кабилардан иборат.

Албатта, ёшларни бўш вақтини мазмунли ва қизиқарли ташкил этиш, таълим муассасаларида ёшларнинг ўқишдан ташқари бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш учун спорт тўгараклари, мусиқа тўгараклари, фан тўгараклари давомий тарзда ва энг асосийси ёшларни қизиқтира оладиган даражада ташкил этиш, шу билан бирга ёшларни иқтидорлисини топиш ва уларни тарбиялаш зарур.

ОЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР – ТАРАҚҚИЁТИМИЗ МЕЗОНИ

Муҳиддин ИМОМАДИЕВ, журналист,
Косонсой туман ХТБ тизимидаги
42-сонли умумий ўрта таълим мактабининг ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчиси.

Ҳаётимизни маънавият, маърифат ва маданият деган бир-бирга чамбарчас боғлиқ бўлган олий қадриятларсиз тасаввур қилиш қийин. Булар разолат, қабоҳат ва ҳалокатга қарши қалқон бўла оладиган тарққиётимиз меъзонидир. Бусиз ҳар қандай жамият таназзулга учраши турган гап. Олам яралгандан бери инсоният ўз маънавияти орқали оламни англашга интилган, англаш учун эса маърифатга суянган ва ҳар иккиси орқали юксак маданиятга эришган. “Дунёдаги ҳар қандай халқнинг айтаётган қўшиғини эшитиб, бу халқни қандай идора этиш мумкинлигини айтиб бераман!”, деган Хитой файласуфи Конфуций. Бугунги ёшларимиз қандай қўшиқларни куйлашяти ва қулоқ тутаётган ғанимларимиз қандай мақсадларни кўзлаб уларни олқишламоқда? Хонишларимиздаги янгиланишлар, шубҳасиз, ташқи дунёнинг бузғунчи сиёсати таъсири оқибатидир. Бугун айрим кишилар эркин ва даҳлсиз яшашни хоҳлаб қолган. Баъзиларни юртнинг қадимий обидалари, ноёб буюмлари ва қимматли китоблари қизиқтирмайди. Уларни бузиб, сотиб манфаат кўрсалар, бас. Истироҳат боғлари, сув ҳавзаларининг аҳамяти йўқ. Фикру хаёллари миллатга тегишли бўлган жойларни ўзлаштириб олишда. Бу ватанпарварлик туйғусининг сўниб, нафсга эрк берилаётганлигидан нишона. Эркинлик ижодкорликка, яратувчанликка, тадбирколикка ярашади. Эркинлик умумманфаат йўлида айтиладиган ҳақ сўзга ярашади. Чин маънодаги маънавиятга, маърифатга ва маданиятга қарши турган кучлар бизнинг шиддат билан салбий томонга ўзгариб бораётгаимиздан хурсанд. Қадрият аталмиш тушунчани издан чиқариш билан улар инсониятни таназзулга томон етаклайдилар ва охир-оқибат жирканч мақсадларига эришадилар.

Сиёсат бозорида инсониятни залолатга бошловчи “маънавият”, хурофотга етакловчи “маърифат”, таназзулга элтувчи “маданият” текинга тарқатилади, уларни тарқалишига ҳисса қўшганлар эса рағбат олади. Бугунги кунда биз билан ёнма-ён яшаб, бир ҳаводан нафас олиб, бир ариқдан сув ичиб, бир майизни бўлишиб турган ҳамюртларимиз, миллатдошларимиз орасида: «Маънавият нимага керак? Нима учун унга давлат хазинасидан маблағ сарфланади?» деб турган ғарбпарастлар ҳам, афсуски, бор. Худди шунингдек, маънавият, маърифат ва маданиятимизни инкор этиб, бизга ёт бўлган услублар билан оммани ортидан эргаштирадиган кучлар етарли. Ҳинд адиби Робиндранат Тагор ўтган асрдаёқ Европага ўз баҳосини бериб: “Ёшлик чоғимда мен, маданият бешиги бўлиш Европа пешонасига ёзилган, деб астойдил ишониб юрардим. Лекин бугун ҳаёт билан видолашаётган кунларимда бу ишончим йўқолди...” деган эди. Шарқнинг бой тарихи ва ўзига хос тарбия услуби бор. Қадимий анъаналарини кўз қорачиғидай асраб

келаётган Япония ва Жанубий Корея ривожланишнинг юқори босқичига эришганлиги ҳаммага аён. Амалда биз ҳам тарбиянинг шарқона услубидан фойдалансак, улардан-да юксакроқ марраларга эришамиз. Мамлакат Президенти ташаббуси билан жорий этилган ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчилар мактабларда ёшларни ижодкорликка ундовчи ва давлат сиёсатини халққа етказадиган куч сифатида фаолият бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Лекин натижалар ҳозирдан сезилмоқда. Менимча, тарғиботчи Маънавият ва маърифат марказлари орқали моддий таъминланадиган сиёсий куч сифатида барча давлат муассасалари, айниқса, хусусий тармоқларни ҳам қамраб оладиган умумдавлат даражасидаги армияга айланиши зарур деб ўйлайман. Чунки хусусий тармоқлар кейинги пайтларда сиёсий-ижтимоий, маданий-маърифий ҳаётдан мутлақо четда қолмоқда. Уларни руҳлантирадиган, сиёсий-ҳуқуқий онгини оширадиган, маънавий-маърифий дунёқарашини шакллантирадиган тадбирларга жалб этиш керак. Бундан ташқари маънавий-маърифий ва маданий тадбирлардан узилиб қолган маҳаллалар аҳли билан яқиндан алоқа боғлаб, уларни ижтимоий фаол ҳаётга жалб этиш керак. Яқинда қишлоқ оқсақолларидан бири менга: “Қани энди маданият саройимиз тезроқ таъмирдан чиқса-ю, олиму уламолар, шоиру ёзувчилар, хонанда-ю, актёрлар билан учрашиб, кўнглимизни ёзиб, маънавий озуқа олсак?!” – деб қолди. Мен у кишига қарата: “Албатта, ўша кун келади!” деб ишонтирдим.

Мени ўйга толдирадиган яна бир жиҳат инсон феълининг ўзгариши. Куни кеча мум тишлаб, арзи-ҳолини кимга айтишни билмай турган баъзи зотлар фаоллигига эркинлик берилиши, кўксига ҳурлик шабадаси тегиши биланоқ, оғзига келган гапни гапириб, кўнгли тусаган ишни қила бошлади. Миллий руҳдан йироқ бўлган бундай кимсаларда инсонийлик хислати ҳам йўққа ўхшайди. Чунки улар ошкора қонунни менсимайди, атрофдагиларни чинакамига ҳурмат қилмайди. Истаганча олимни, уламони, ҳуқуқ ҳимоячисини, раҳбарларни ҳақорат қилади. Насиҳат қилсангиз, муттаҳмлик қилиб, эл олдида ҳаммага эшиттириб: “Тошшингни тер!” дейди. Бундайлар учун заррача миллатнинг қадри, ватаннинг қиммати йўқ. Лекин, афсуски, улардан ҳам ўрнак олувчилар бор.

“Кучук бирла хўтикни қанча қилма тарбият, ит бўлур, эшак бўлур, бўлмас асло одамий”, деган Мир Алишер Навоий. Нега биз ҳамон нодонлардан қутила олмаймиз? “Адабиёт – атомдан кучли!” деган эди Абдулла Қаҳҳор. Нега биз ғарб адабиёти қўйнида асраб келаётган “атом”га меҳр берамиз? “Алҳосил тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир!” деган Абдулла Авлоний. Нега биз тарбиямизга эътиборсиз бўламиз? “Қушларнинг тилида фақат бир оят, У инсон учун ҳам ибратдир ғоят. Қушлар дер: – Илойим, қафасга тушма, Тушган бўлсанг агар, чиққил ниҳоят.”, деганди Абдулла Ориф. Нега биз ўзимизни нуқул қафасга урамиз?

Аллоҳ инсонга ҳар бир неъматини мукаммал яратиб берган. Лекин хом сут эмган бандаси ана ўша мукаммалликдан ҳамон нуқсон қидиради. Ўзини

бошқалардан баланд тутади. Ахир қанча бойликка эга бўлсак, шунча камтар бўлиш керак эмасми? Орзу-ҳавасларимиз кўп. Ҳали олдимизда қўл урилмаган қанчадан-қанча эъзгуликлар, кашф этилмаган сир-синоатлар турибди. Барча яхшиликлар сахийликдан, барча кашфиётлар оддийликдан бошланади. “Шоирлар кўз илғамас, назар илмас оддийликни шеърга соладилар ва буюк кашфиётлар туғилишига сабабчи бўладилар...” деган экан ҳиндистонлик файласуф Ошо.

Ҳа, ёшлар ўртасида китоб ўқишга қаратилган тарғиб ўз самарасини бера бошлади. Чунки, китоб – битмас-туганмас маънавий бойлик! Ундан нафақат ёшлар, балки, катталар ҳам, айниқса, зиёли қатлам ҳам баҳраманд бўлиши керак. Халқни маърифатдан узиб қўйиш – жоҳиллик билан баробар. Ҳамма ўзи истаган нарсани интернетдан топиб олаверади, деганларнинг асл мақсадида бузуқ ният бор. Тадқиқотчиларнинг фикрига қараганда интернетга қўйилган постларнинг эллик фоиздан юқориси салбий мазмунда экан. Бу қанчадан қанча оилаларнинг тинчини бузди, қанчадан қанча ёшларни йўлдан оздирди.

“Китобларни ёқишга қараганда ҳам, қўрқинчли жиноятлар бор. Масалан, уларни ўқимаслик!” деган эди ёзувчи Рей Брэдбери. У таълимни мактабдан кўра кўпроқ кутубхонада олганлигини таъкидлаб ўтган.

Беғубор болалар онги-шуурида бўшлиқ кўп, ана ўша бўшлиқни ғарбнинг эскирган нағмалари билан эмас, балки шарқона илм билан, миллий қадриятларимиз билан тўлдириб боришимиз керак. Бугунгача кашф этилган ихтиролар янгиланмайди, деганлар янглишади. Ҳали оддийгина велосипеднинг яна ва яна янги турлари ихтиро қилиниши мумкин. Буюк Навоий бобомиз хаёлан орзу қилган буюмларнинг ўнлаб тури кашф этилди. У замон билан бу замоннинг орсида қарйиб олти аср ўтди. Лекин биргина бобомиздан қолган маърифат ва маънавиятни тўлалигича ҳаётимизга тадбиқ этиб улгурмадик.

Кекса одам, қуёшни тобора тугаб бораётган бир чўғ деб билади. Аммо дунёни эндигина ҳис эта бошлаган бола эса, уни кучли ва қудратли олов манбаи деб ҳисоблайди. Ана шу болалар эртага хаёлимизга келмаган кашфиётларни амалга оширадилар, албатта! Бунинг учун улар чуқур билим ва юксак тарбияга эришган бўлишлари керак.

Халқимиз бошидан кўп синовларни ўтказди. Қанчадан-қанча буюк кишиларимиз мустабид тузум қурбонига айланди. Лекин улар ниҳоятда қисқа яшаган бўлсаларда, келажак авлодларга ўзларидан улкан маънавий, маърифий ва маданий бойликни меърос қилиб қолдиришди. Биз ва келажак авлод ана шу бойликдан самарали фойдаланган ҳолда, фақат улуғвор марралар сари одимламоғимиз керак бўлади. Бунинг учун бизда имконият ҳам, шароит ҳам етарли.

ЁШЛАРДА МАЪНАВИЙ ТЎҚЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Исмоилов Собиржон,
ГулДУ доценти, фалсафа фанлари номзоди

Ҳаёт–инсон ва барча тирик организмлар учун яшаш тарзи, муҳит, неъмат. Унинг моддий-иқтисодиёт, маънавий-маънавият, муносабат-сиёсат каби жабҳалари мавжуд. Агар иқтисодиёт инсон ҳаётини моддий томонларини ташкил этса, маънавият унинг маънавий–руҳий жиҳатларини ташкил этади. Президент Ш.Мирзиёев ибораси билан айтганда: “Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир” [3: 1].

Маънавият тушунчаси кўп қиррали тушунчалардан биридир. У ўз ичига инсон фаолиятининг барча жабҳаларини, унинг яққол кўзга ташланувчи зоҳирий ва яширин, ички руҳий-ботиний томонларини ҳам қамраб олади.

Маънавият бир сўз билан айтганда, жуда мураккаб ижтимоий ҳодисадир.

Умуман ҳар бир киши ҳаётда иложи борича бахтли, саодатли, билимли, маънавиятли, ижобий ва гўзал инсон бўлишни, фаровонликда яшашни ҳоҳлайди ва бу йўлда тинмай ҳаракат қилади-ки буни зиёга, маърифатга ва маънавиятга, ёхуд маънавий тўқликка бўлган табиий талпиниш деб баҳолаш мумкин.

Айтиш мумкинки, инсонда тўпланган ҳаётнинг барча жабҳалари тўғрисидаги билим, малака ва кўникмалар маълум маънода ўша кишининг маънавият даражасини ҳам ташкил этади. Биз турмушда қорин тўқлиги, иқтисодий тўқлик ҳақида кўп гапирамиз. Ҳолбуки, халқимиз оғзаки ижодида “кўнгли тўқ”, “гиргайи тўқ”, “кўзи тўқ”, “назари тўқ”, “минази тўқ”, турмушида эса “маънавий тўқ” деган иборалар ва тушунчалар бор.

Шу ўринда кўзи, назари тўқлик – инсонни кўзини, гиргайи тўқлик – жиғилдонни, тамоғини тийишликни, минази тўқлик – тан, бадан талабларини, кўнгил тўқлиги – қалб истак-хоҳишларини тийишликни ифодаласа, маънавий тўқлик эса, юқоридаги инсон хоҳишларини тийишликни умумлашмасини ифодаси сифатида талқин этиш мумкин.

Маънавий тўқлик моддий тўқликдан инсон организмига нисбатан етакчи ўрин тутади. Биз юқорида эҳтиёжларни оддийдан мураккабга қараб қондириб борилишликни айтдик. Шу билан бирга, улар орасида акс таъсир, боғлиқлик, узвийлик ҳам бор.

Маънавий тўқлик ибораси ижтимоий фикрлар тарихида ўзининг қадимий ўтмишига эга дейиш мумкин. У бир қадар моддиёт билан боғлиқ тушунча ўлароқ, нафс мавзусига яқин туради.

Халқимиз, миллатимиз дунё халқлари орасида маънавий тўқ миллатлардан бири саналади. Лекин ҳозирги кунда ҳар бир замондошимиз, ёшларимиз миллатимизнинг маънавий тўқлик фазилатини ўзида мужассам эта

олаяптими? Бу муаммо бугунги кун мустақиллик мафкураси ва таълим-тарбия тизими олдида турган энг долзарб мавзулардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳўш, инсоннинг маънавий тўқлигининг омиллари нималардан иборат бўлиши мумкин? Бизнингча, бу жараёнда қуйидаги омил ва воситаларни алоҳида қайд этиб ўтиш мумкин:

Биринчидан, аввало шуни қайд этиш мумкинки, ҳар бир юртдошимиз, миллатдошимиз вужудида миллатдош, юртдош аждодларимизнинг маънавий тўқ қони оқиб турибди. Халқимизнинг "Қарийсан, қартасан ўз наслинга тортасан", "Тоза палакда тоза ҳандалак" ҳикматлари буни тасдиқлаб турибди.

Иккинчидан, маънавий тўқликни муҳим қиррасини маърифатлилик ташкил этадики, бу миллатимизга хос фазилатлардан биридир. Чунки инсон борки, маърифат ошноси. Бизнингча маърифатлилик маънавиятлиликка жуда яқин бўлган тушунчалардан биридир. Маърифатли инсоннинг бир қатор сифатлари маънавий тўқ инсон сифатлари билан мос келади.

Учинчидан, хулқий-ахлоқий жиҳат инсондаги маънавий тўқлиқнинг муҳим шартидир. Чунки инсон хулқи-ахлоқи, унинг аслини, одамийлигини, инсонийлигини кўп жиҳатдан ифода этади. Кези келганда халқимизнинг миллий қадриятларида, хушхулқлик, одоблилик билимдонликка нисбатан бироз юқори қўйилади. Халқимизнинг оғзаки ижоди намунаси бўлмиш "Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин" деган нақл бежиз айтилмаган.

Тўртинчидан, маънавий тўқлик жиҳатларидан бири-бу меҳр-муҳаббатли бўлишликдир. Бу Ватанга, ота-онага, ёрга, касбга, ерга, табиатга, маърифатга қаратилган бўлиши мумкин. Муҳаббати кучли инсондан ҳеч қачон ёвузлик чиқмайди. Муҳаббати кучли инсонни том маънода маънавиятли инсон дейиш мумкин.

Бешинчидан, маънавий тўқликнинг яна бир жиҳати бу инсон эркинлигидир. Инсоннинг ҳаётдаги эркинлиги уни имкониятларига қанот ёзишига, озод ва хур фуқаро сифатида шаклланишига, эркин яшашига имкон беради. Буни мустақилликнинг теран тафаккурли, мустақил фикрли, чуқур билимли ва зукко фарзандлари мисолида кўришимиз мумкин.

Маънавият соҳасидаги галдаги вазифа халқимизнинг маънавий тўқлик фазилатига ҳар биримизни содиқ ва муносиб бўлишимиз ҳамда унинг изчиллигини таъминлашдан иборатдир. Бунга эса, ўйлаймизки, бугунги доруломон кунларда яшаётган ҳар бири Ўзбекистон фуқароси айниқса ёшларимиз қодир дейишимизга етарли асосларимиз бор.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ўзинииг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида: "... мамлакатимиз тараққиёт пиллапоясидан янги-янги чўққилар сари қадам қўяр экан, биз яшаётган замон суръатлари шиддат билан тезлашиб, олдимизда яна қанча муаммо ва машаққатлар пайдо бўлар экан, табиийки, маънавий ҳаётимиз ҳам ана шу синовларда тобланиб, юксалиб, жамиятимиз, миллатимизнинг ёруғ ва соғлом келажагини ҳар қандай тахдид ва тўфонлардан – давр ўзгариши билан уларнинг кўриниши ва шакли ўзгаришига қарамасдан – безавол сақлаш ва асраб колишга кодир бўлиши даркор" [1: 171] – деб ёзади.

Демак, халқимизнинг маънавий ҳаётининг таркибий бир қисми бўлган маънавий тўқлик миллий қадрият ва фазилат сифатида бизни ҳар қандай таҳдил ва тўфонлардан асровчи табиий иммунитет деб хулоса чиқарсак адашмаган бўламиз.

Зеро, биз шу юрт, шу жонажон Ватан фарзанди, шу миллат, шу халқ вакили эканмиз унинг урф-одатлари, фазилатлари ва қадриятларини ўзимизда намоён этишга маънан масъул ва жисмонан мажбурмиз.

Маънавий тўқлик – ўзбекона меҳмондўстлик, бағрикенглик, болажонлик, меҳнатсеварлик, сахийлик, бунёдкорлик каби фазилатлар қаторида турувчи бошқа халқларда учрамайдиган, анологи йўқ бир халқимизга хос сифатдир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Юртбошимиз томонидан ҳозирда жамиятимиз олдига қўйилаётган “Янги Ўзбекистонда эркин ва форовон яшайлик” деган эзгу ғояни ҳаётимизга тадбиқ этилаётган айни бир чоғда миллатимиз жисмида мавжуд бўлган маънавий тўқлик фазилати фуқароларимизни ҳар қандай ғоявий ва ахборот ҳуружларига, иқтисодий қийинчиликларга қарши тура оладиган ва инсон камолоти жараёнидаги муҳим мафкуравий омил, восита бўлиб ҳизмат қилади ёки халқимизнинг минг йиллик тарихида ҳамиша ҳамроҳ, йўлдош бўлиб келаётган эзгу фазилатларидан бири сифатида сақланиб қолишига аминмиз.

Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, “Тарбияда танаффус бўлмайди”, “Бугунги тарбия бу – инновация, янгича онг, янгича тафаккур ва амалий ҳаракат, демакдир” [2: 179].

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
2. Мирзиёев Ш.М. Милий тикланишдан – миллий юксалиш сари. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2020.
3. Мирзиёев Ш.М. Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. “Халқ сўзи” газетаси, 2021 йил 20 январь, № 13-сон.

ЁШЛАР ОНГИДА АХБОРОТ ТАҲДИДИГА ҚАРШИ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЧОРАЛАРИ

Г.А.Каримова,
Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ
“Гуманитар фанлар” кафедраси ассистенти

Инсоният ҳар доим зиддиятлар ва хавотирлар гирдобида яшаб келган. У ўз бошидан жаҳон урушлари, ядро қуроллари хавфи, турли табиий ва техноген фожиаларни кечирган, улар бугун ҳам давом этиб келмоқда. Бугун у ўзининг таъсир кучи билан юқорида келтирилган хавфлардан кам бўлмаган

глобаллашувнинг хавф-хатарларига дуч келмоқда. Асосий хавф шундан иборатки, у юксак ривожланган мамлакатларга, эндигина тараққиёт йўлига кириб бораётган мамлакатлардаги миллатлар ва элатларни қарам қилиш, уларнинг моддий бойликларини қўлга киритишда қирғинбарот курол кучи билан эмас, балки ўзларида мавжуд бўлган фан ва техника, технология ютуқларини оммалаштириш, инвестициялар киритиш, иқтисодий интеграцияни жадаллаштириш каби омиллардан фойдаланиш воситасида уларнинг онги, қалби ва руҳиятини эгаллаш, охир-оқибатда улар устидан ҳукмронликни тўла ўрнатиш имкониятини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Ҳеч қандай миллий чегараларни тан олмайдиган, дунёда умумий технологик ва ахборот майдони юзага келаётганини характерловчи техносферанинг глобаллашуви унинг яна бир ўзига хос хусусиятидир. Шу билан бирга, сиёсий глобаллашув ҳамда фан, маданият, таълим ва ахлоқ соҳасидаги жараёнларни ифодаловчи ижтимоий-маданий глобаллашув ҳам содир бўлаётганини ёддан чиқармаслик зарур. Глобаллашув жараёнининг яна бир ўзига хос жиҳати унинг мафкуравий таъсир ўтказиш кўламини ҳаддан зиёд кенгайтириб, беқиёс даражада тезлатиб юборганида ҳам кўринади. Ҳозирги шароитда у мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуролига айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётганини соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам, албатта, кузатиши муқаррар[122].

Мафкуравий глобаллашув ахборот воситаларининг ривожи ва бу соҳада содир бўлаётган инқилоб билан боғлиқ. Мутахассислар фикрича, инсоният бугунги кунда янги ахборот инқилобини бошдан кечирмоқда ва у кишилик жамияти тарихидаги биринчи инқилоб эмас. Нутқнинг шаклланиши ахборот узатиш имкониятларини кенгайтирган бўлса, ёзувнинг пайдо бўлиши уни узоқ вақт давомида сақлаш ва ахборотни унинг яратувчисидан ажратган ҳолда улкан масофаларга етказиш, ҳатто замонлараро олиб ўтишга йўл очди. Газета ва журналларни нашр этишнинг йўлга қўйилиши ёзма ахборотни узатишдаги тезкорлик ва қамровлиликни янада кенгайтирди. Радио ва телевидение эса ахборотни овоз ва тасвир орқали узатишни таъминлаб, уни янги сифатий босқичга кўтарди.

Бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки, радио-телевидения, матбуот, интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмоқда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Нега деганда, биз юртимизда очиқ ва эркин демократик жамият қуриш вазифасини ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйганмиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз[123].

[122]Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият”, 2008, 113-бет
[123]Ўша манбаа, 114-бет

Бугунги кунда глобаллашув жараёнларида намоён бўлаётган таҳдидлар орасида ахборот таҳдиди энг кўп намоён бўлаётгани сир эмас. Бугунги ахборот инқилоби олдинги даврларда пайдо бўлган ахборот узатиш усулларининг кўпгина томонларини ўзида синтез қилган замонавий компьютер технологияларига асосланган Интернет каби ҳодисаларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Ҳозирги кунда ахборот уруши шиддат билан авж олмоқда. Ахборот уруши (information war) – турли мақсадларга эришиш учун рақибга ғоявий-таъсир кўрсатишдир. Шунингдек, ахборот хуружи рақибга таъсир кўрсатиш орқали жамоатчилик онгини ғаразли йўллар асосида шакллантиришга уринишдир. Манфаатдор кучлар ахборот хуружи кутилган натижани бериши учун ёлғон хабар тарқатиш босимини кучайтириб, интернетни ёлғон маълумотлар, сохта иддаоларга тўлдириш каби усуллардан фойдаланишади.

Статистик маълумотларга кўра ҳозирги кунда Хитойда 500 миллиондан, Россияда 50 миллиондан, Ўзбекистонда 10,2 миллиондан ортиқ интернетдан фойдаланувчи рўйхатга олинган. Эндиликда ижобий ёки салбий мазмундаги ахборотларнинг глобал тармоққа чиқиши учун бир сония кифоя[124].

Интернетдаги диний экстремизм, терроризм, аҳлоқсизликни тарғиб қилаётган “Одноклассники” сайтини олайлик. Ҳозирда мазкур сайтга мурожаат қилаётганлар сони 1,5 миллиард кишини ташкил этмоқда. Сайтга аъзо бўлганлар 205 миллион нафарни ташкил этса, уларнинг саккиз миллиони ўзбекистонлик бўлиб, аксарияти ёшлардир. Ўнлаб сайтлар ёлғон ваъдалар билан ёшларни тузоққа илинтиришга зўр бермоқда.

Бугунги кунда айниқса, диний мутаассиб тузилмалар ўз фаолият кўламини янада кенгайтириб, глобал даражада намоён бўлаётгани тинчлик, осойишталик ва халқаро муносабатлар барқарорлигига катта таҳдид туғдирмоқда. Шунинг учун диний экстремизм ва ундан озиқланаётган халқаро терроризмнинг давлат ва жамият хавфсизлигига таҳдидини ўз вақтида, тўғри англаш зарур. Шу билан бирга, унга қарши йўналтирувчи услубларни ишлаб чиқиш, кишилик жамияти барқарорлигини таъминлашга хизмат қилувчи омилларни амалиётга жорий этиш керак. Бу муаммони барча давлатларнинг куч ва ҳаракатларини бирлаштириш стратегиясини қўллаш йўли билангина муваффақиятли ҳал қилиш мумкин. Диний-экстремистик ташкилотлар фаолиятининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, деярли барча кўринишдаги экстремистик ва террорчи оқимлар асосан ижтимоий-психологик ва мафкуравий таъсир омилларига катта эътибор қаратмоқдалар.

Бугунги олимлар ёшларда диний дунёқарашнинг шаклланиши кўп жиҳатдан интернет орқали узатилаётган маълумотларга боғлиқ бўлиб қолаётганини алоҳида таъкидлашмоқда. Табиийки, ёшлар бундай шароитда маълумот олишнинг тезкор воситаси бўлган интернетга мурожаат қиладилар. Сўнгги йилларда террорчилик ташкилотлари ғояларини тарғиб-ташвиқ

[124]Тулепов А.Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя: Ёрдамчи ўқув қўлланма.Тошкент:Movarounnahr, 2015, 15-бет

қилишга қаратилган веб-сайтларнинг сони бир неча баробарга ошган. Хусусан, ўн йил аввал бундай сайтлар сони 20 тани ташкил қилган бўлса, бугунги кунда дунёда террорчилар фойдаланаётган 7000 дан ортиқ интернет сайтлари мавжуд бўлиб, уларга хизмат кўрсатувчи порталлар сони ҳам ортиб бормоқда.

Диний экстремистлар ва террорчиларнинг интернетдаги сайтларида ташкилотнинг мақсади, тарихи ҳамда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий мазмундаги маълумотларига кенг ўрин берилади. Жумладан, террорчилар куч ишлатиш йўлига ўтишга гўёки мажбур бўлганларини асослашга, террор ва қўпорувчилик ҳаракатларини маънавий ва ахлоқий жиҳатдан оқлашга интилишади. Улар сайтларда ҳукумат тарафидан қўлланилаётган усулларнинг "ваҳшиёналигини" ёритишга ҳам алоҳида эътибор берадилар. Қўпорувчилик ва террорчилик билан шуғулланувчи ёвуз кучлар ўз сайтларида, куч ишлатиш йўлига ўтишга гўёки мажбур бўлганларини асослашга ва қўпорувчилик ҳаракатларини оқлашга уринадилар. Бунда ўзларини "озодлик курашчиси" деб атаб, тинчлик тарафдоридек кўрсатадилар. Ёшларни эса, ушбу йўлда бирлашишга чақирадилар. Даҳшатли томони, ғаразли мақсадларига эришиш учун интернет сайтларига қўлбола қурол тайёрлаш, одам ўлдириш, ўз-ўзини портлатишга доир қўлланмаларни жойлаштирадилар.

Мутахассисларнинг қайд этишича, "ал-Қоида" террорчи ташкилоти ўз тарғиботининг 99 фоизини интернет орқали амалга оширади. 2011 йилнинг июнь ойида "ал-Қоида" ташкилоти интернет орқали террорчилик амалиётини ўтказиш бўйича кўрсатмаларни ўз гумашталарига етказишга уринган фош этилган. Ташкилотга тааллуқли бўлган веб саҳифаларнинг бирида фойдаланувчиларга юклаб олиш учун қизиқарли журнал таклиф этилган бўлиб, унинг саҳифаларидан оддий ошхона шароитида қўлбола бомба тайёрлашни ўргатувчи кўрсатмалар жой олган. Шу орқали ташкилот бутун дунёда ўз аъзоларига ўзини-ўзи портлатиш амалиётларининг сўнгги услублари ҳақида маълумотларни етказиб борган.

Шунингдек, болалар учун худкушлик амалиётини тарғиб этувчи махсус мультфильм ишланган. Фильмдан мақсад болаларда террорчилар талқинидаги "жиҳод" ҳаракатларига нисбатан мойиллик уйғотиш ва келажакда бузғунчилар сафларини ана шу ёшлар ҳисобидан тўлдиришдир[125].

Ҳозирги даврда диний эктремизм ва халкаро терроризм хавфи бутун жахон аҳлини ташвишга солмоқда. Маълумки, экстремистик хатти-ҳаракатлар бузгунчи ғояларга таянади, улардан озиқланади. Шу боис уларга қарши самарали курашиш учун экстремистик тафаккур қандай шаклланишини, унинг илдизлари қаердалигини чуқур ўрганиш зарур.

Юртимизга мустақиллигимизнинг илк даврида "соф исломий таълимот" ниқоби остида кириб келган диний ақидапарастлик, экстремистик ташкилотларнинг гумашталари айрим юртдошларимизнинг онгини заҳарлашга улгурди. Бунга қарши кўрилган кескин чоралар, албатта, биринчи

[125]Тулепов А. Интернетга уй курган "ўргимчаклар".Т.: Movarounnahr, 2014, 11-бет.

ZJV5401

навбатда “ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат” тамойилига асосланган учунгина ўзининг ижобий самарасини берди. Ҳозирда бу бузғунчи ташкилотларнинг фаолиятини, диний қоидаларни бузиб талқин қилиб олиб бораётган ташвиқотларининг зарарли моҳиятини халқимиз тушуниб етган. Бироқ, инсонийлик қиёфасини бутунлай йўқотган, тинч аҳолига жабр-ситам, ўлим таҳликасини солиб туриш жирканч муддаосига айланган қора кучлар дунёнинг қайсидир бурчагида ҳали ҳам бор экан, ҳамиша ҳушёр ва огоҳ бўлишимиз, терроризмга қарши қўлни қўлга бериб курашишимиз керак. Чунки, қаерда бўлмасин терроризм ҳаракати рўй берса, заррача бўлсин одамгарчилиги, меҳр-оқибати бор инсонни безовта қилаши табиий.

Дунёнинг барча динлари асрлар бўйи миллатлараро ҳамжиҳатликка, тинч-тотув ҳаёт кечиришга даъват этиб келган, одамларга ишонч ҳиссини мустаҳкамлаган. Чинакам дин уларни жисман ва руҳан поклаб, юксалтирган, ҳаёт синовлари, муаммо ва қийинчиликларни енгиб ўтишларида куч бағишлаган. Умуминсоний ва маънавий қадриятларни сақлаб қолиш ҳамда авлодларга етказишга ёрдам бериб келган. Шунинг учун ҳам дин инсоннинг ишончли ҳамроҳи, одамзод ҳаётининг узвий қисми бўлиб келмоқда. Бугунги кунда ижтимоий хавфи тобора ортиб бораётган ақидапарастлик, диний экстремизм ва фундаментализм ўзининг чиркин ғоялари ва ёвуз мақсадларига кўра, диний таълимотларига, қадриятларига тамомила хилофдир.

Жамиятни бунёдкор ғоялар тараққиётга етакласа, вайронкор ғоялар таназзулга олиб келади. Дин ниқоби остида ҳокимиятга интилувчи террористик гуруҳлар радикал йўлдан бориб, айрим мамлакатларда парокандаликни юзага келтирмоқда. Бунга мисол тариқасида Сурия, Ироқ каби мамлакатларни келтириш мумкин. Динни ниқоб қилиб, ўз мақсадларини амалга ошираётган гуруҳлар халқни қўрқув, даҳшатга соллишга интилмоқда. Энг ачинарлиси, улар ўз сафларига мафкуравий иммунитети суст бўлган, мустақил дунёқараши шаклланмаган ёшларни жалб қилишмоқда.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда диний омилдан экстремистик, халқаро террористик ҳаракат ва оқимлар кенг фойдаланмоқда. Тақлиллар диний соҳага бевосита дахлдор ушбу глобал ҳодисаларнинг тобора чуқурлашиб ва кенг қамров касб этиб бораётганини кўрсатади. Маълумотларга кўра, бугун дунё бўйича 500 га яқин террорчилик ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Ер юзида содир этилган қўпорувчиликлар оқибатида ҳалок бўлганларнинг сони бир неча ўн мингни ташкил этмоқда. Бу эса диний ақидапарастлик, халқаро терроризмга қарши барча мамлакатларни биргаликда курашишга ундамоқда.

Кишилар онги ва қалбини эгаллаш учун кураш мафкуравий жараёнларнинг бош мақсадига айланган ҳозирги глобаллашув замонида мустақил онг ва мустақил фикрга эга бўлган шахсни тарбиялаш масаласи нафақат маънавий, балки, муҳим сиёсий аҳамият касб этмоқда. Шу боисдан, Ватанимиз келажаги учун қайғурар эканмиз, фарзанд тарбиясини издан чиқарувчи ёт таъсирлардан ёшларимизни ҳимоя қилиш, уларда ахборот

таҳдидларга қарши тура оладиган маънавий иммунитетни ҳосил қилиш мақсадида қуйидаги вазифаларни амалга ошириши мақсадга мувофиқдир:

- Ёшларда ташқи таҳдидлар, бузғунчи таъсирларга қарши тўғри, ҳушёр муносабатни шакллантириш;
- Ёшларнинг билимини ошириш, уларда воқеа-ҳодисалар моҳиятини таҳлил қилиш малакасини шакллантириш;
- Аҳолининг холис ва ҳаққоний ахборотга эга бўлишини таъминлаш,шунингдек, ахборот оқимида жамият ва давлат манфаатларига мос бўлган ахборотларни одамлар тезроқ қабул қиладиган ва ишонадиган даражага кўтариш;
- Ёшларга миллий ва диний қадриятлар асосида тарбия бериш ҳамда ватанпарварлик, умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ

Кучкаров Б.Т.,
Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари
Академияси Техник таъминот кафедраси
катта ўқитувчиси, подполковник

Юқори профессионал, ҳарбий ва ватанпарварлик бурчига садоқатли, фидойи ва мард ҳарбий хизматчиларни тарбиялаш Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилишнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Сўнгги йилларда миллий армияни изчиллик билан ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, давлатимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, ҳарбий кадрларни тайёрлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясининг қабул қилингани, армия ва халқ бирлигини таъминлаш борасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликдаги ишларнинг кучайтирилгани миллий армиямиз сафларини мустаҳкам ирода, фаол фуқаролик позициясига эга бўлган ёшлар билан тўлдириб бориш имконини бермоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 августдаги ПҚ – 3898-сон “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида маънавий-маърифий ишларни самарали ташкил этиш бўйича аниқ тизим яратилди.

Маънавий-маърифий ишлар – бу ҳарбий хизматчиларда юксак маънавий-ахлоқий, жанговар ва руҳий сифатларни шакллантириш мақсадида

уларнинг онги, тафаккури ва иродасига ижобий таъсир этишга, ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш бўйича ҳарбий бошқарув органлари томонидан мақсадли ва тизимли равишда амалга ошириладиган фаолиятдир.

Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир.

Маърифат – билмоқ, кишиларнинг онг-билимини, маданиятини оширишга қаратилган таълим-тарбия жараёнидир. Маърифат атама сифатида – табиат, жамият ва инсон моҳияти ҳақидаги турли билимлар, маълумотлар мажмуасини билдиради.

Маънавий-маърифий ишларни янада такомиллаштиришни тақозо этувчи омиллар қуйидагилар:

қуролли кураш шакл ва усулларининг ривожланиш даврида ҳарбий хизматчиларнинг профессионал малакасига, жанговар ва ахлоқий-руҳий тайёргарлигига, маънавий-ахлоқий, руҳий ва жанговар фазилатларига қўйиладиган талабларнинг тобора ортиб бориши;

халқаро майдонда турли мафкура ва ғоялар кураши, информацион-психологик хуружлар орқали миллий армиямизнинг маънавий-ахлоқий асосларига таъсир ўтказишга бўлган уринишларнинг кучайиб бориши;

замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш орқали бизнинг маданиятимиз, маънавий қадрият ва анъаналаримизга мутлақо зид бўлган бузғунчи ғоя ва тушунчаларни ҳарбий хизматчиларнинг онгу тафаккурига сингдиришга уринишларнинг ортиб бориши;

мустақиллигимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, ҳарбий хизматчилар қалби ва онгига ўз Ватанига муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласининг долзарб аҳамият касб этиши.

Маънавий-маърифий ишларни қудратли ва енгилмас кучга айлантириш учун, аввало, ҳарбий хизматчининг қалбига йўл топа билиш лозим.

Ҳарбий хизматчининг қалбига йўл топилмаса, унга етказиладиган ҳар қандай маълумот ва тушунчалар юзаки бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам бу борада тизимли суръатда доимий иш олиб бориш ва кўзланган мақсадга эришиш учун, энг аввало, инсон қалбига йўл топишдан иш бошлаш лозим.

Ҳарбий хизматчининг қалби ва тафаккурига бевосита таъсир ўтказадиган барча соҳаларни, жумладан, тарбиявий, мафкуравий, маърифий ва маданий ишларни замон талаблари асосида янада кучайтириш, янги босқичга кўтариш зарур.

Маънавий-маърифий ишлар Мудофаа вазирлиги қўшинлари шахсий таркиби билан олиб бориладиган ишларнинг таркибий қисмларидан бири бўлиб, ҳарбий хизматчиларни мафкуравий, маънавий-маърифий ва маданий жиҳатдан тарбиялашнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Глобаллашув шароитида армиянинг кучига куч қўшадиган, вақти

келганда ҳал қилувчи омилга айланадиган қудратли бир восита борки, у – ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-руҳий тайёргарлиги, уларнинг бақувват ирода, фаол ҳаётий позицияга эга бўлиши, энг муҳими, ким учун ва нима учун ҳарбий бурчини адо этаётганини чуқур англаши ва тушунишидир.

Шу боис маънавий-маърифий ишлар қўшинларнинг жанговар шайлиги ва шахсий таркибнинг ахлоқий-руҳий барқарорлигини таъминловчи, ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-ахлоқий фазилатлари, ватанпарварлик туйғуси, ҳарбий бурч ва шахсий масъулият ҳисси, касбий маҳоратини шакллантирадиган қудратли воситадир.

Маънавий-маърифий ишларнинг устувор мақсади – эътиқоди бутун, иродаси бақувват эркин шахс маънавиятини шакллантиришдир. Яъни мустақил дунёқарашга эга, аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурига таяниб яшайдиган баркамол шахс – Ватан ҳимоячисини тарбиялашдан иборатдир.

Маънавий-маърифий ишларнинг асосий мақсадлари:

ҳарбий хизматчиларда юксак ватанпарварлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш, уларнинг фаол ҳаётий позицияси ва қатъий эътиқодини, она Ватан тақдири учун масъулиятини кучайтириш;

юртимизга, хусусан миллий армиямизнинг маънавий-ахлоқий негизига таъсир ўтказишга қаратилган мафкуравий тазйиқ ва информацион-психологик хуружларга нисбатан ҳарбий хизматчиларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш;

ҳарбий хизматчиларни руҳан уйғоқ ва сергак бўлишга, зиммасига юклатилган масъулиятни қалбан ҳис этишга, ҳамиша огоҳ ва ҳушёр бўлиб, хизмат-жанговар вазифаларни фидокорона бажаришга сафарбар қилиш.

Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ягона тизими доирасида ҳарбий қисм ва муассасаларнинг кундалик жанговар-хизмат фаолиятида командир ва бошлиқлар раҳбарлигида ташкил этилади шунингдек, бевосита тарбиявий ва мафкуравий ишлар органлари томонидан олиб борилади.

Барча бўғиндаги командирлар таркиби учун: *“Қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча – қаерда ҳушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади”,* – деган ҳақиқат дастуруламал бўлиши керак.

Миллий меросимизнинг тарихий илдизларини ўрганиш, Ватан озодлиги йўлида қаҳрамонлик кўрсатган буюк аждодларимиз ва жасур замондошларимизнинг ибратли ҳаётини кенг тарғиб этиш асосида ҳарбий хизматчиларда **“Ўзбекистон халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди!”** деган ҳаётий эътиқодни қарор топтириш керак.

Диннинг асл мазмун-моҳиятини теран очиб бериш орқали ҳарбий хизматчиларга эзгулик ва раҳмдиллик анъаналарини сингдириш, инсонпарварлик ва меҳр-оқибат муносабатларини шакллантириш ҳамда

уларни миллий маданиятимиз ва қадриятларимизга ҳурмат ва эҳтиром, фидойилик ва садоқат, ҳалоллик ва поклик, мустақил фикр ва соғлом турмуш тарзи асосида тарбиялаш зарур.

Юртимизга қарши қаратилган мафкуравий ва информацион-психологик хуружлар, уларнинг ортида турган деструктив (бузғунчи) кучларнинг ғаразли мақсадларини фош қилиш, ҳарбий хизматчилар онги ва қалбини бепарволик, лоқайдлик, худбинлик ва ғоявий беқарорлик сингари иллатлардан фориғ этиш.

Ҳарбий қисм ва муассасаларда маънавий-маърифий ишлар аниқ мақсадга қаратилган ҳолда тўғри йўлга қўйилар экан, ҳарбий хизматчиларнинг дунёқараши, ватанпарварлик ҳисси, ижтимоий-сиёсий билимдонлиги ва фаол ҳаётий позицияси ошиб боради. Бу эса, ўз навбатида қисм ва бўлинмаларда ҳарбий интизомни мустаҳкамлашга, ҳуқуқбузарликларни олдини олишга, маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлашишига олиб келади.

Маънавий-маърифий ишларнинг содда, ихчам ва равон тарзда тушунилиши, ҳаётий ва образли, ижодий ёндашилган, расмиятчиликдан холи бўлиши жуда муҳимдир.

Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўлининг ҳар томонлама тўғри ва ҳаётий йўл эканини, янги демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш борасида мамлакатимиз эришаётган ютуқ ва марраларнинг моҳияти ва аҳамиятини ҳарбий хизматчиларга кенг қамровли тарзда етказиш, уларнинг истиқлолимиз қадр-қимматини чуқур англашларини таъминлаш, мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ҳарбий ва маънавий ислоҳотларнинг, қабул қилинаётган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш ва атрофлича тушунтириш, ҳарбий хизматчиларни юртимизга чексиз садоқат, она диёрга меҳр-муҳаббат, озод ва обод Ватан, келажаги буюк давлат барпо этишдек улуғ ва олижаноб мақсадга эътиқод, жасурлик ва фидойилик руҳида тарбиялаш, жаҳон ва минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазият ҳамда унинг истиқболдаги ривожланиш тенденциясини, Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни ва ролини, ташқи сиёсий фаолиятининг асосий йўналишларининг мазмун-моҳиятини ҳарбий хизматчиларга етказиш ва чуқур тушунтиришдан иборатдир.

ҒАЗЗОЛИЙНИНГ ЁШЛАРДА ГЎЗАЛ АХЛОҚНИ ТАРБИЯЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

Қодиров Давронбек Ҳошимович,
Бухоро давлат университети таянч докторанти

Бугунги кунда, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган эканмиз, ёшларга таълим-тарбия бериш энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Шу маънода аввалambор, ўтмишдаги мутафаккир ва алломалар меросини, хусусан, уларнинг ахлоқий ва маънавий қарашларини ўрганиш

муҳим аҳамият касб этади. Шундай, алломалардан бири 1058-1111 йилларда яшаб ижод қилган мутафаккир ва файласуф Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий Тусий ҳисобланади.

Мутафаккир мероси жуда бой бўлиб, тахминларга кўра ундан 200 дан ортиқ асар ва рисолалар қолган. Ўтмишда унинг асарларидан мадрасаларда таълим берилган. Ғаззолийнинг фалсафий, тасаввуфий ва ирфоний қарашлари ёшлар тарбиясини шакллантиришда катта таъсирга эга бўлган. Бироқ, ушбу буюк алломанинг асарлари қарамлик йилларида совет мафкураси томонидан реакцион теологик деб қораланиб, унинг шахси ва қарашларига нохолис баҳо берилган.

Ғаззолийнинг шахси ва фалсафий тафаккури борасида Ғарбдаги машҳур шарқшунос олим ва тадқиқотчилари ўз баҳоларини беришган. А.Ж.Арберрининг фикрига кўра унинг бу ҳаёти “тинимсиз машғулотлар ва кўпгина асарлар яратиш билан кўзга ташланади” [1., 109-б.].

Игнац Голдциер Ғаззолийга шундай юксак баҳо берган: “Агар Муҳаммад (а.с.)дан сўнг пайғамбар бўлганида эди, бу албатта, Ғаззолий бўлар эди” [2., 106-б.].

Мутафаккир ва файласуф Абу Ҳомид Ғаззолийга қаламига мансуб “Равзат ут-толибин ва умдат ус-соликин” (Орзумандлар боғи ва йўловчилар таянчи) асари маънавий тарбия асосларини, одоб-ахлоқ қоидалари ва ўлчовларини, ахлоқ тамойиллари ва билимларини ўз ичига олади. Мазкур асар тасаввуф тарбиясининг қисқа, ихчам дастуридир. Унда мутафаккирнинг одоб-ахлоқ ва тасаввуфдаги сайру сулук ҳақида энг зарур билимларга эга эканлиги акс этади. Асар худди “Иҳё улуми-д-дин” (Диний билимларнинг тирилиши) асарининг хулосасига ўхшайди.

Ғаззолий илм ва ахлоқ биргаликда бўлсагина мукаммал бўлишини таъкидлайди. У шундай дейди: “Бу дунёда бўлишимизнинг сабаби икки нарсадир: булар илм ва амал. Илм амалдан олдин туради, чунки динимизнинг биринчи амри илмдир, илмсиз амал ё нуқсонли ёки бузуқ бўлади, олинадиган манфаат зараридан қутқаролмайди. Фойдали илм буюк яратувчини танитадиган, унинг амри, дини, йўли ва ҳақиқий муҳаббатини ўргатадиган билимдир. Динимизнинг зоҳирий ҳукм ва амалларини ўргатадиган илм – фиқҳ илми дейилади. Бандаликнинг маркази бўлган қалб тўғрисидаги илм, идрок, одоб, ахлоқ ва тарбияни ўргатадиган илм эса тасаввуф ва тарбия илми деб номланади. Ҳар бир мусулмон бу икки илмнинг фарз қисмини билиши керакдир”. Шу маънода Ғаззолий “Равзат ут-толибин ва умдат ус-соликин” асари маънавий тарбиянинг асосларини ўргатадиган дарслик сифтида ёзилган дейишимиз мумкин. Асар кириш, 43 боб ва бир қанча фасллардан иборат.

Ғаззолий фикрича, инсон умри ва риёзати давомида олти босқичдан ўтмасдан туриб, Ҳаққ яқинлик даражасига (манозил ул-қурбат) эриша олмайди. Улар қуйидагилар:

Биринчи босқич: аъзоларни дин ҳаром қиладиган нарсалардан узоқлаштириш.

Иккинчи босқич: нафс кўникган ва яхши кўрадиган ёмон одатларидан қутулиш.

Учинчи босқич: қалбни инсон ҳолатидаги зулмат ва пардалардан халос этиш.

Тўртинчи босқич: унинг сири табиатини ёвузлик ва лойқаланишдан тозалашдир.

Бешинчи босқич: руҳни ҳиссий парда ва тўсиқлардан озод қилиш.

Олтинчи босқич: ақлни бўш орзу ва хаёллардан узишдир.

Аллома шундай ёзади "Айтишларича, уч нарса борки, уларни қилган киши ғариб ва ёлғиз қолмас. Булар: динга шубҳа қиладиганлардан узоқлашмоқ, гўзал одобни ҳимоя қилмоқ ва ҳеч кимга озор бермасликдир. Дин аҳлининг энг кўп таъкидлайдигани одоб-ахлоқ бу ўзини яхши ахлоқ билан безаш, аъзоларининг одоб-ахлоқига риоя қилиш, ҳалол ва ҳаром чегараларига эътибор бериш ва ёмон орзу-истакларни тарк этишдир" [3., 18-б.].

Ғаззолий асосан таъкидлайдиган одоб-ахлоқлар бу қалбларни поклаш, сирларнинг ҳол ва йўналишларига эътибор бериш, ваъдаларни бажариш, ўзи ичида бўлган вақтнинг ҳаққини ҳимоя қилиш, вақт учун зарур бўлган нарсаларни қилиш, қалбга келган қуруқ ўй-фикрларга илтифот қилмаслик, Аллоҳдан ниманидир талаб қилиб, илоҳий ҳузурда бўлган пайтда гўзал одоб сақламоқдир. Кимки ўз нафсини одоб билан тарбияласа, у Аллоҳ Таолога ихлос билан хизмат қилади дейди файласуф.

У айтади: "Айтишларича, ихлос бу шак-шубҳасиз Аллоҳу Таолони танимоқдир (маърифат ул-яқин). Айтилади: Ҳақ Таоло айтади: "Кимки менинг исмим ва сифатларим билан ибодатни қабул қилса, мен унга одобни бераман. Ким зотимнинг ҳақиқатини ошкор қилмоқчи бўлса, мен ундан ғазабланаман. Энди сен улардан қайси бирини истасанг, танла!". Ким ўз ичидаги вақт одобини сақламаса, вақт у учун танбеҳ ва азоб сабаби бўлади" [3., 18-б.].

Ғаззолий "Кечиримли бўл, яхшиликка буюр ва жоҳиллардан юз ўгир" (Аъроф 7:199) оятини келтириб, унинг маъноси шундай тушунтиради: сенга зулм этганларни кечир, сенга бермаганларга ўзинг инъом эт, сенга келмаганларга ўзинг бор, сенга қарши жоҳиллик қилганлардан юз ўгир, уларга жавоб қайтарма, сенга ёмонлик қилганларга яхшилик қилгин. Пайғамбар (с.а.в.) гўзал ахлоқни тўлдириш учун юборилган. Ўзини қийнаган, даъватини рад этган қавми учун у шундай дуо қилганди: "Аллоҳим бу қавмни авф эт, улар билмаслар" [3., 187-б.]. Кўриниб турибдики, мутафаккир раҳм-шафқатли ва кечиримли бўлишга даъват этмоқда.

Аллома сахийлик ва яхши ахлоқ тўғрисида гапириб, уларни қуйидагича санаб ўтади:

1. Саломни ёйиш ва ҳаммага салом бериш.
2. Фақир ва мискинларга таом бедириш.
3. Қариндошларни зиёрат қилиш ва уларга ғамхўрлик қилиш.
4. Одамлар ухлаган пайтда туриб, тунги ибодатни бажариш.

Ҳаромларни тарк этиш орқали яхши ахлоққа эришиш мумкин. Яхши ахлоқ эса жаннат аҳлининг ахлоқидир. Гўзал ахлоқнинг боши ширин сўздир, унга шарафли амаллар ҳамроҳ бўлади. Хайрли амал соҳибларининг мукофоти ўзлари қилган яхшиликларидан кўпроқ мукофот билан тақдирланадилар, деб ҳисоблайди Ғаззолий.

Яхши ахлоқли киши ўзидан бир нарса сўрашга ҳожат қолдирмайди, яқини нимага муҳтож бўлса, айтишидан олдин ўша нарсани етказиб беради. Паст табиатли кишилар бирор яхшилик қилишганда, доим у билан мақтанадилар, шарафли инсонлар қилган яхшиликларини етарли эмас деб ҳисоблаб, узр сўрашга ҳаракат қиладилар. Яна аллома гўзал ахлоқ сирасига биродарининг хатосига кўз юмиш, унинг эҳтиёжини қондириш учун шошилиш, дунё молларини муҳтожлар олдига ташлаш, деб ҳисоблайди.

Мутафаккир фарзанд тарбиясида диққатли бўлишни айтади: “Фарзандлар бу қалбимиз меваси ва бизнинг таянчимиздир. Улар учун биз юмшоқ ер ва мустаҳкам ҳимоядирмиз, шунинг учун биз барча катта ишларни шулардан бошлашимиз зарур. Агар улар бирор нарса сўрашса, беришимиз лозим, агар хафа бўлишса уларни хурсанд қила олишимиз керакки, зеро, улар ўз дўстликларини давом эттириб, ўз қувватларини сен учун қурбон қилсинлар. Уларга оғирлик қилмаслик лозим, улар тириклигингдан хафа бўлиб, ўлим тиламасликлари ва сен билан яқинликни бахтсизлик деб ҳисобламасликлари керак” [4., 468-б.].

Хулоса ўрнида айтсак, Ғаззолийнинг фикрларидан ёшларни тарбиялаш ва тўғри ўстиришда таълим-тарбия жараёнида самарали фойдаланиш мумкин.

Адабиётлар рўйхати:

1. Арберри А. Дж. Суфизм. Мистики Ислама. “Сфера”, Москва, 2002. – С. 109.

2. Goldziher, Muhammedanische Studien, Bd. II, S. 106.

3. Абу Ҳомид ал-Ғаззолий. Равзат ут-толибин ва умдат ус-соликин. Дор ун-наҳза ал-ҳадиса, Байрут, 2006. -С.18.

4. Ғаззолий. Иҳё улуми-д-дин. Муиддин Муҳаммад Хоразмий. Теҳрон, 1375 ҳ.-Т.2. –С. 468.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРНИНГ КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Қурбонова Зилола Ураловна,
Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти "Мактабгача таълим методикаси" кафедраси катта ўқитувчиси

Узликсиз таълимнинг биринчи бўғини ҳисобланган мактабгача таълим тизимида бугунги кнда жадал ислохотлар амалга оширилмоқда. Инсон ҳаётининг дастлабки тўрт йилини ўз ичига қамраб олувчи мактабгача таълим ёши даври ўз аҳамиятига кўра ноёб ҳолат ҳисобланади. Ушбу даврда болада асосий инсоний қадриятларнинг шаклланиши юз беради. Инсоннинг келажакда қандай шахс бўлиб етишиши айнан мактабгача таълим даврида олган тарбиясига боғлиқ.

Мактабгача таълим ташкилотлари болаларни ҳар томонлама тарбиялайди. Бола ҳаётидаги илк ёш энг муҳим давр бўлиб, худди мана шу даврда боланинг жисмоний, ахлоқий, меҳнат, эстетик ривожланишига пойдевор бўлади.

Бундай шароитда мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчиларнинг китобхонлик маданиятини шакллантириш долзарбдир. Болада китобга муҳаббат ҳиссини уйғотиш ғоят муҳим. Бола ўқишни ўрганишдан олдинроқ катталар воситасида у билан мулоқатда бўлади. Болаларни китоб оламига киришда эҳтиёткорлик билан, уларга мос китобларни танлаш, бунда болаларнинг ёшини ҳисобга олиш керак. Агар бола ёшлигидан тингловчи сифатида фаол бўлмаса, ўқишни ўрганиб олгандан сўнг ҳам шундай қолавериши мумкин.[1]

Э.М.Разбоева, Р.В.Курских, Э.А.Нанёйшвили, А.В.Никольскаяларнинг «Болалар боғчасида эстетик тарбия» китобида тарбияланувчиларда китобга меҳр уйғотиш усулини қуйидагича келтиради. Болалар МТТига келган дастлабки кунларданоқ тарбиячи уларга китоб ва расмларга қизиқиш ва ва ҳавас уйғотади, ўзи ўқиб ёки айтиб берадиган асарга уларни диққат билан қулоқ беришга ўргатади, уларда осон эртак, ҳикоя, кичик шеърларни тушиниш қобилятини ўстира боради[2].

Демак мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчиларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиқиб китобхонлик маданиятини шакллантириш лозим ҳисобланади. Мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчиларнинг китобга нисбатан меҳр-муҳаббати тарбиячиларга, уларнинг китоб танлаш, ўқиб беришдаги муваффақиятига боғлиқ. Педагог тарбиячи болаларга китоб ўқиб беришда қуйидагиларни инобатга олиши лозим:

ўқиб берадиган китобнинг мазмуни қийин бўлмаслиги лозим;

китобдаги бадиий образларни равшан ва аниқ оҳангларни, бир-бирига қарама қарши темп ва ритмларни солиштириш йўли билан кўрсатиши;

мутоала жараёнида образларни овоз билан тасвирлаш, аниқ қатта қўпол қилиб, куённи, ингичга товушда тасвирлаш лозим;

тошуш оҳангини ўзгартириш, овозни ўҳшатиб чиқариш, хўрознинг қичқириши, жўжанинг чиёвлаши, ҳаракат ва юз ифодасини ишга солиш керак;

турли адабий жанрлар турлича тарзда ўқиш керак, масалан, халқ алла қўшиқлари оҳангдор, аста ўқилади, ҳазил шеърлар эса тезроқ ўқилади.

Китобни овоз чиқариб ўқиб беришнинг давомийлиги боланинг ёши, унинг ўзига хос хусусиятлари, ўша пайтдаги кайфияти ва китобнинг енгил ёки жиддийлигига боғлиқ. Китоб ўқиш бола учун оддий бир ҳол, шунчаки бир иш эмас, балки сирли, гўзал, эртакнамо, қувонч ва шодлик бағишловчи жараён бўлмоғи лозим. Катта гуруҳларда болаларнинг фикр юритиши, ихтиёрий эътибори, қунти тараққий эта бошлайди. Тарбиячи болаларнинг тажрибаси анча ошганига асосланиб, адабий-бадиий образлар орқали уларнинг тасаввур доирасини кенгайтиради. Тарбиячи болаллаарни асарнинг мазмунини ифода этувчи бадиий шаклни пайқашга ўргатади. Болалар фақат она тилининг бойликларини пайқашга улгирибгина қолмай, балки уни аста-секин ўзлаштира бошлайдилар, ўз нутқлари образли ифодалари, адабий иборалар билан бойитадилар, ўз фикр ва туйғуларини ифода этишда улардан фойдаланишга ўрганадилар.

Шулар билан бирга мактабгача таълим ташкилотларида китобни тарғиб қилувчи маънавий-маърифий тадбирларни мунтазам ташкил этиб бориш тавсия этилади. Бунда гуруҳларда ҳикоя, эртак, достонлардан парчаларнини саҳналаштириш орқали тарбияланувчиларда китобга меҳр уйғониб борилади.

Гуруҳларда китобхонликка бағишлаб ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирлар жараёнида болаларда эшитган ва кўрган нарсага нисбатан ўз муносабатини изҳор қилиш, асар қаҳрамонларига, уларнинг хулқи ва хатти-ҳаракатларига элементар баҳо бериш маҳорати кучаяди.

Мактабгача таълим ташкилотида китоб бурчагини ташкил этиш орқали ҳам тарбияланувчиларда китобхонлик маданияти шакллантирилади. Китоб бурчаги тарбияланувчиларда кутубхона тўғрисидаги тасаввурларини шакллантиришга ёрдаб беради. Китоб бурчаги мактабгача таълим ташкилоти фоесида ёки гуруҳ хонасида ташкил этилиши мумкин. Китоб бурчаги болалар мустақил фойдаланишлари ва ўқишларига мўлжаллаб, ёзувлар, портретлар ва китоблар жойлаштирилган витрина ёки столча кўринишида бўлиши мумкин.

Адабиётлар рўйхати:

1. “Педагогика энциклопедия” II том Тошкент – 2015 й. 175 б.

2. Э.М.Разбоева, Р.В.Курских, Э.А.Нанёйшвили, А.В.Николская «Болалар боғчасида эстетик тарбия» – Т.: Ўқитувчи. 1967. 94.б

ZJV5401

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ

Пардаева Марҳабо Давлатовна,
Республика Маънавият ва маърифат маркази
Бухоро вилояти бўлими раҳбари,
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Маълумки, Янги Ўзбекистон шароитида ҳукумат маънавий ва маданий-маърифий ишларни амалга оширишга бевосита ёрдам кўрсатувчи давлат сиёсатини илгари сурмоқда. Бундан кўриниб турибдики, маънавиятдан маданият ва маърифатни ажратиш мумкин эмас. Улар эгизак тарбия соҳаларидир.Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йилнинг 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштиришга бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида: “Биз яратаётган янги Ўзбекистоннинг мафкураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади”[1], – деб таъкидланган эди.

Инсон, асосан, икки йўл билан тарбияланиши мумкин: “...бировларнинг бевосита таъсири, яъни ўргатиши, шунингдек, донолар фикрлари, ўгитлари ва асарларини ўқиш орқали, инсон ўзининг фикрлаши, одамлар хатти-ҳаракатидан, қилган ва қилаётган ишларидан тегишли хулосалар чиқариб олиши; энг қудратлиси – тафаккури воситасида тарбияланиши мумкин” [2], – деган эди тарбияшунос олим Сафо Очил. Комил инсонни тарбияловчи омилларнинг иккинчи бўғини, инсон қалбига йўл ҳисобланади.

Маънавий тарбияни мунтазам ва узлуксиз олиб боришда, жамиятимизни маънавий-ахлоқий жиҳатдан мустаҳкамлаш, тараққий эттиришда халқимизнинг бой маданий тарихини чуқур ўзлаштириш, жаҳон маданияти тарихида муносиб ўрин эгаллаган алломаларимизнинг меросини ҳар томонлама ўрганиш катта аҳамиятга эгадир. Марказий Осиё мутафаккирлари Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқалар ўз асарларида инсон ҳис-туйғулари, унинг қадр-қиммати инсонпарварлик ғояларига тўлалигини айтишади. Хусусан, Форобий айтадики, “бахт-саодат осойишта ҳаёт, кишилар ўртасидаги ҳамкорлик, комил инсон ҳақидаги идеаллар, маънавий баркамоллик инсоннинг кўп ижобий фазилатлари ва хислатлари асосида кишилар жамоасида юзага келади”. Унингча инсон ўз-ўзидан бахтли бўла олмайди, бу нарса унинг ҳаракатларига, меҳнатига, касб-ҳунарни эгаллашига, билимига боғлиқ. “... Инсон юксак камолотга эришуви йўлида ҳаракат қилганидек, ақлий ҳам ҳаракат қилса, ҳеч шубҳасиз, ўзи ўйлаётган сўнгги даражадаги бахт-саодатга эришади”[3].

Алишер Навоий инсоннинг қадр-қиммати унинг мол-мулки, зеб-зийнати, мансаби, ижтимоий келиб чиқиши билан эмас, балки унинг маънавий қиёфаси, ахлоқий сифатлари, ундан элга қанчалик наф тегиши билан белгиланади, дейди. Навоий айтганларидек:

Тут баргичалик қимматинг йўқми?

Ипак қуртичалик ҳимматинг йўқми?

Мана шу икки сатрда инсоннинг дунёга келишидан, яшашининг мақсадигача туб моҳият ўз аксини топган. Ипак қурти бир ой давомида кечаю кундуз тинимсиз меҳнат қилади. Унинг асосий манбаси тут баргининг ўша пайтда қиммати ошади. Ипак қурти бир ой меҳнати натижасида ё пилланинг ичида ўлади, ёки капалак бўлиб учиб кетади. Қолдирган заҳматли меҳнати натижаси бўлган пилла энди унга керак эмас, у фақат инсон учун керакдир. Бу ҳақда унинг қуйидаги сўзлари таҳсинга сазовордир: “Кишиларнинг сўз билан наф етказиш қўлидан келмаса, лоақал кўнглидаги андишаси яхши бўлиши керак. Кўнгли одамларнинг хурсандлигидан хурсанд бўлиши лозим. Кимнинг халқ ғамидан ғами бўлмаса, ҳақиқий одам бўлсанг, уни одам дема” [4].

Маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ишлар доимо жамият ҳаётининг юксалиб боришида асосий замин бўлиб келган. Амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳадаги ислоҳотлар таълим тизимида ҳам янгиланишлар бўлишини тақозо этмоқда.

Ёшлар маънавий олами дахлсизлигини сақлашда ижтимоий билимлар асосий ўрин эгаллайди. Шундай экан, таълим тизимида ижтимоий гуманитар фанларнинг ўқитилишига эътиборни кучайтириш лозим. Чунки, “ижтимоий-гуманитар фанлар маънавият ва маърифатнинг манбаи, озуқасидир” [5]. Шунинг учун янгиланаётган жамиятимизда соғлом авлодни тарбиялаш, эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш – ***маънавий-маърифий ишларни юксак даражага кўтариш*** орқали амалга оширилади.

Таъкидлаш жоизки, маънавий-маърифий тарбияни амалга оширишда давлат, жамият, маҳалла ва оила барча бир хил масъул ҳисобланади. Давлат раҳбари томонидан 2021 йил 26 мартда қабул қилинган “Маънавий-маърифий соҳани тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарор асосида вилоятлардаги шаҳар ҳамда туманларда “Маънавият ва маърифат масканлари”нинг ишга тушиши ёшларнинг вақтини унумли ўтказишида, ҳаётда ўз мақсадига эришишида, баркамол инсон бўлиб тарбияланишида аҳамияти беқиёсдир. Мазкур Масканни ташкил қилишдан мақсад: ёшларни мамлакатимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва унинг мазмуни билан таништириш, сиёсий интеллектини юксалтириш; юксак маънавиятли, ўз мустақил фикрига эга бўлган, ватанпарвар ёшларни камол топтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга, муқаддас динимиз, урф-одатларимиз, бебаҳо тарихий меросимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган ишлар самарадорлигини ошириш; ёшлар ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий тадбирларни таъсирчан услубларда ҳамда замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этишга кўмаклашиш; маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини оширишга эришишда узвийликни таъминлаш.

“Маънавият ва маърифат масканлари”да қуйидагилар бўлиши талаб этилади: кинозал, театр саҳнаси (катта зал), билимдонлар клуби, тўгараклар, кутубхона, Интернет хонаси (талаба ёшларни юртимиз ҳамда дунёда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий, маданий, хусусан, ёшлар ҳаётига оид воқеалар,

янгиликлар ва қизиқарли маълумотлардан тезкор хабардор қилиб, уларнинг вақтини мазмунли ўтказишга мўлжалланган виртуал ахборот макони фаолияти), Маънавият дарсларини ўтишга мўлжалланган, замонавий АКТ билан жиҳозланган махсус ўқув хоналари, Услубхона (методик таъминот ҳамда турли мавзуларда мультимедиа маҳсулотларини яратиш ва сақлаш), спорт секциялари (спорт-соғломлаштириш тадбирлари ва турли спорт мусобақаларини ўтказишга қаратилган), ички туризм секцияси (талаба ёшларни мамлакатимизнинг тарихий жойларига ва буюк аждодларимизнинг муқаддас зиёратгоҳларига доимий ташрифлар уюштиради), кўргазмалар ўтказиш учун фойе, миллий таомлар ошхонаси, шифокор хонаси, психолог хонаси ва бошқаларнинг бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Маънавий ишларнинг ўзига хос характерли томони шундаки, талабалар мана шу маданият гулшанларига ҳеч қандай даъватсиз ёки чақириқсиз ўз ихтиёрлари ҳамда тайёргарлиги ва ташналиги туфайли эркин, ўз хоҳишлари билан боришларини таъминлаш зарур. Зотан, тўғри йўлга қўйилган амалий тарбия маърифий-маънавий, маданий тараққиёт йўлидаги барча ишларни амалга оширишни кафолатлайди.

Халқимизда “Қари билганни пари билмас”, – деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Бу борада “Кексалар ўргатиш, маслаҳат бериш ҳуқуқига эгадирлар. Ана шу маънавий ҳуқуқни ҳурмат қилгин”, - деб айтган эди В. А. Сухомлинский. Яна, “Кексаларни қадрламаган инсон мусулмон эмас”, дейилади Ҳадиси Шарифда. “Авесто”да эса, “Инсоннинг яшашдан мақсади – юртни обод, элни фаровон қилиш, эътиқодли бўлиш, қарияларни қадрлаб, эъзозлаб, уларнинг ёшлар билан ўзаро аҳил яшашини таъминлашдан иборат” деб айтилган. Шундай экан, “Кексалик – донишмандлик”, “Ёшлар тарбиясида кекса авлод ўгитларининг роли”, “Миллий маънавий қадриятларда ёшлар тарбияси масалалари” мавзуларида мунтазам тадбирлар, иншолар танлови ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Донишмандлардан бири “Ҳар бир миллатнинг маънавий бойлиги унинг қанча китоб ўқишига қараб белгиланади” деган экан. Улуғ адиб Чўлпон айтганидек, “адабиёт яшаса – миллат яшайди”. Китоб ўқиб, аждодларимиздан қолган бебаҳо меросимизни ўрганиш, уни ҳаётга татбиқ этиш ва ёшларимизга ўргатиш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки ота-боболаримиз улуғлаган одамийлик, маърифат, поклик дини бўлган исломнинг жамиятни руҳий-ахлоқий жиҳатдан соғломлаштириш борасидаги таълимоти, хусусан, унинг узвий қисмларидан бўлган ёшлар тарбиясига оид қарашларини чуқур ўзлаштириш ҳар томонлама комил наслларни вужудга келтиришга катта ҳисса қўшади.

Ёшларни маънавий баркамол инсон қилиб тарбиялашда барча тарбия воситаларини сафарбар этиш лозим. Бунда асосан, барча оммавий ахборот воситалари, радио ва телекўрсатувлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу жараёнда шунчаки сўзлаш, гапириш ёки қуруқ ахборотларни бериш эмас, балки асрлар, бир неча ўн йилликлар мобайнида рўй берган ва айни чоқда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларни аниқ далиллар, маънавият ва

қадриятларнинг аҳволини қиёслаш асосида иш тутиш лозим. Бу ишонтириш куч қудратига эгадир. Бу сиёсий-педагогик омиллардан унумли ва оқилона фойдаланишни тақозо этади.

Дарҳақиқат, шарқона ахлоқ, одоб, ватанпарварлик, инсонпарварлик, ҳақпарварлик, ростгўйлик, диёнат ҳар томонлама баркамол инсоннинг маънавий қиёфасидир. Шунингдек, маънавияти юксак инсон ҳаромдан ҳалолни фарқлаб олиб ҳаромга, поклик билан нопокликни ажратиб нопокликка, хиёнатни диёнатдан ажратиб хиёнатга, адолатсизликка қарши кураша олади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йилнинг 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштиришга бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги маърузаси (https://www.gazeta.uz/uz/2021/01/19/selector/).

2. Сафо Очил. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. Тошкент, Ўқитувчи. 1997 йил. 3-бет.

3. М.Хайруллаев. “Форобий”. Тошкент., 1963, 260-бет.

4. А.Навоий. “Ҳайратул Аброр”. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – 139 б.

5. Ҳошимов Н. Ёшлар маънавий тарбияси ва сиёсий маданият //Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари 2009. №3. 14-б.

ПСИХОЛОГНИНГ КАСБИЙ ШАКЛЛАНИШИДА ПСИХОЛОГИК ҲИМОЯНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ

М.Х.Файзиева,
Психология фанлари номзоди, доцент
(ҚаршиДУ)

Касбий фаолиятда психологик ҳимоянинг намоён бўлиш муаммосини тадқиқ этиш ҳозирги замон психология фанининг долзарб масалаларидан биридир. Адабий манбаларнинг таҳлилига кўра касбий фаолиятда психологик ҳимоянинг бўлиши мақсадга мувофиқликни тасдиқлайди. Биз тадқиқотимизда ўрганган психологнинг касбий фаолияти ва ундаги психологик ҳимоянинг намоён бўлишига хос жиҳатларга илмий-психологик изоҳ берамиз. Шахс ёки гуруҳларнинг муносабатларига хос психологик қонуниятларни ўрганиш, мақсадга мувофиқ ўзгартириш ва шакллантириш, уларнинг самарадорлигини ошириш билан ташқи олам-борлиқдан субектив қониқишни ҳосил қилиш фаолияти психологнинг касбий фаолиятни ташкил этади. Психолог фаолияти ўқувчи шахсининг ижтимоийлашув жараёнини таъминлайди, бу эса касбий

функцияларда ўз изини қолдиради. Психолог нафақат инсоннинг индивидуаллиги намоён бўлиши билан шуғулланади, балки ўзи ҳам индивидуалликка эга, у доимо турли ёшдаги, ижтимоий ва маданий тоифадаги кишиларга дуч келади, алоҳида шахс ва одамлар уюшмаси билан мунтазам мулоқот қилиш унинг асосий вазифалари рўйхатига киради. Психолог иш фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, турли ижтимоий гуруҳлар билан касбий мулоқот қилиш учун ундан мутахассис маҳоратини, шунингдек, муайян шахсий фазилатлар ва касбий билимларни талаб қилади. Шунинг учун психологни тайёрлаш мураккаб шахсий ва касбий тайёргарлик жараёни бўлиб, унда нафақат касбий билим, кўникма ва малакаларни белгиланган даражаси, балки унда умумий ахлоқий-маданий савия, шахсий хусусиятлар, маънавий-ахлоқий сифат ва фазилатларни ҳам шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Ички можаро, шахсий муаммолар ҳақида ўйлаш одамлар билан самарали профессионал мулоқот қилишга халақит беради амалий психологнинг зарур билим, кўникма ва профессионал жиҳатдан муҳим фазилатлари рўйхати қуйидагилардан иборатдир:

1. Психолог ўзининг шахсий хусусиятлари ва қобилиятларидан хабардор бўлиши керак.

2. Психолог ўзининг ҳиссий ҳолатини назорат қила олиши керак.

3. Психолог касбий жиҳатдан муҳим сифат ва фаъилатларни ўзида тарбиялаши зарур, улардан энг муҳими-ютуққа эришиш учун эҳтиёжи юқори бўлган "мен"нинг кучи, ўзини-ўзи тўғри танқид қила олиши, ҳиссий барқарорлик, қувноқлик ва оптимизмнинг меъёрий ривожланганлиги.

4. Психолог ўқувчиларнинг ёш ва типологик хусусиятларини, таълим ва ривожланиш ўртасидаги психологик қонуниятлар муштараклигини билиши керак.

5. Психологнинг талабалар билан ишлаш жараёнида ташкилий, коммуникатив, психодиагностик кўникмалар, шахсга хос хусусиятларнинг ривожланиш вариантларини олдиндан кўра билиш қобилияти, психопрофилактик ва психокоррекцион маҳорати алоҳида ўрин тутади.

Психологнинг иш фаолиятига мос келмайдиган қуйидаги шахсий ҳусусиятлар: шахсий ва касбий жиҳатдан етарлича шаклланмаганлик, симпатиянинг етишмаслиги, ортиқча сустлик ва лоқайдлик, “Эго” кучининг пастлиги, стрессга қаршилик кўрсатишнинг ёмонлиги, ташвишланишнинг юқорилиги, интеллектнинг пастлиги, муаммоларни ҳал қила олмаслик, ўринсиз ташвишланиш ва айбдорлик ҳисси ҳамда ташкилотчиликнинг паст даражасидир.

Профессионал фаолиятнинг объекти – бу шахсдир, шахс ҳаддан ташқари жуда мураккаб ва ўзгарувчан, психологик билимларнинг хилма-хиллиги ва номувофиқлиги уларнинг маҳоратини мураккаблаштиради, психологнинг профессионал позициясига диний, бадиий, мистик ғоялар таъсир қилади, шунинг учун психологияда профессионалнинг шахсга бўлган талаблари айниқса юқори ва фаолиятнинг муваффақиятини таъминлайдиган шахсий фазилатларнинг роли бошқа касбларга қараганда анча юқори бшлишни тақозо

этади. Психологнинг шахсияти тадқиқот ва амалий ишларнинг воситаларидан бири бўлиб, унинг хусусиятлари касбий фаолият натижалари ва усулларига таъсир қилади. Психологнинг профессионализми маълум даражада унинг психологик хусусиятлари билан аниқланган, улар орасида муаллифлар: ҳиссий ва шахсий хусусиятлар (мотивация, субъектив назорат даражаси, ҳиссий барқарорлик, бошқа одамлар билан ўзаро алоқани белгилайдиган фазилатлар), ақл ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш, кўрсата билиш қобилиятларидир.

Психолог дунёси манзарасининг профессионал шаклланиш элементлари профессионал шаклланишнинг дастлабки даврида намоён бўлади, янада кейинги таълим олиш жараёнида сезиларли даражада ўзгармайди. Психолог талабаларнинг касбий дунёқараши инсон ва жамият ҳақидаги илмий-назарий ва амалий психологик билимларнинг кесишувида шаклланади, кундалик интерпретации (талқин) схемаларидан, метафорик ва штампларнинг ва стереотипларнинг тарқалиши билан тавсифланади.

Психолог касбини танлашнинг ўзига хослиги нафақат психологиянинг илмий-назарий ва амалий мавзулар доирасида билим эгаллаш, балки ўз-ўзини билиш ва шахсий муаммоларни ҳал қилиш усулларига ҳам эътибор қаратишдан иборат. Психолог касбини танлаганда психологик тайёрликнинг асоси бўлган бўлажак мутахассисларнинг ўз-ўзини билиш эҳтиёжларини қондириш ва шахсий муаммоларни ҳал қилишда касбий мотивацияни актуаллаштириш ҳисобланади.

Аммо бундай шарт-шароитларни яратиш учун психолог ўз-ўзини қабул қилишга, ўзининг потенциал қобилиятларини рўёбга чиқаришга асосланган ўз концепциясига эга бўлиши керак, шунинг учун психологнинг мажбурий шарти бўлиб ўз-ўзини англаш ва адекват Мен концепциясини ривожлантириш мақсадида ўз устида ишлаш киради. Мен – концепцияси хусусиятларига эга бўлган шахснинг ҳулқ-атвор стратегиясига таъсирини В.И.Голованевская ўрганган. Мен-концепциясининг калити компонентига эга бўлган ҳулқ-атвор стратегияси учун “эҳтимолли Мен” тушунчаси амалга ошади, чунки кўплик танлов вазиятида прогноз ва ўз-ўзини прогнозлаш функцияси фаоллашади (“эҳтимолли Мен” қисқа вақтни ўз ичига олади ва ўз-ўзини моделлаштириш учун ўриниш бошланади.)

Ю.Г.Овчинникова касбий меҳнат фаолиятининг хусусиятларини ўзгартирадиган идентификация инқирозини ҳал қилиш усулларини ўрганиб чиққан. Экспериментал тадқиқотлари натижаларига асосланиб, муаллиф идентификация инқирозини ҳал қилишга ҳисса қўшадиган омилларни аниқлаган: қиймат тизимининг ўзгариши, рефлекснинг кучайиши, ўз мотивлари ва эҳтиёжларини тушунишга ҳаракат қилиш ва конструктив позициялардир. Конструктив йўналишда (касб эгаллаш босқичларида) воқеликнинг салбий ва ижобий ҳодисалари кейинги ўсиш ва ривожланиш манбалари сифатида ифодаланади. Касбий ривожланиш турли хил қарама-қаршиликлар билан белгиланади, аммо улардан етакчиси ва энг муҳими шахснинг ички зиддиятидир. Ички зиддиятларнинг шахсий ва касбий ривож-

ланишга таъсири муаммоси К.А.Абульханова-Славская, Л.И.Анциферова, Ф.Е.Василюк, И.А.Вишняков, А.И.Захаров, Е.С.Калмыкова, Г.С.Костюк, В.Н.Мясищев ва бошқалар тадқиқотларининг асосий предмети (бош мавзуси) бўлган. Шахснинг ички қарама-қаршиликлари шахснинг ўз-ўзини англашидаги у ёки бу меъёрларга мос келмайдиган муайян тенденцияларнинг субъектив таъсуротларини, уларнинг ривожланиши жараёнида ўзаро манфаатли бўлиши ва бир-бирига зид келишини ифодалайди.

Ички зиддиятлар шахснинг ривожланиши учун фақатгина асос бўлиб ҳисобланади. Касбий ривожланишнинг йўналиши ўз-ўзини англаш даражаси, ташқи таъсирларга нисбатан мустақилликка интилиш, ўз-ўзини фаоллаштириш, касб мазмун-моҳиятини билиш, ўз руҳий ҳолати ҳақида ўйлаш, ижодий ёндошувни кучайтириш, ўзига нисбатан ҳурмат-эътиборни сақлаш, ҳулқдаги тажовузкорликнинг пастлиги, ўйлаб, фикрлаб иш қилиши билан белгиланади. Ушбу тадқиқотда психолог касбини эгаллаётганлар томонидан қўлланиладиган психологик ҳимоянинг сифатли хусусиятлари ҳам касбий ривожланиш йўналишини аниқлашга қодир деб тахмин қилинади.

Психологик ҳимоя касбий фаолият субъектига юзага келган ҳаётий қийинчиликларни енгиб узи учун энг мақбул йўлни топиш имкониятини беради.

Инсон ўз ҳаётини ташкил этишда шахсий интилишлар ва эҳтиёжларини қондиришга интилар экан, шундай ҳулқ-атворнинг ва ҳиссий ҳолатни тартибга солиш тузилмасида онгли ва онгсиз ўзаро таъсир механизмлари, психологик ҳимоя каби касбий ривожланишга таъсир кўрсатади ва шахснинг ички зўриқишини, шахсий ва касбий низолар ривожланишининг эҳтимолий йўналишларини аниқлайди.

Салбий психологик таъсирларга бўлган толерантлик тушунчаси психологик ҳимоя ва психологик хавфсизлик тушунчалари билан ўзаро муносабатда бўлади. Психологик хавфсизлик ҳолатини, толерантликни шакллантиришни ҳамда фаолият субъектининг психологик хавфсизлигини таъминловчи асосий механизм – бу психологик ҳимоянинг турли механизмлари ва даражаларидир. Ички шахсий психологик ҳимоя асосан ички психологик безовталикдан ва шахслараро психологик ҳимоя эса ташқи психологик таъсирдан ҳимоя қилади. Психологик ҳимоя мажмуасининг фаолият кўрсатиши, мутахассисга қулай ва салбий шароитларда ҳам касбий фаолиятни самарали ва муваффақиятли амалга ошириш имконини беради. Шахсий ривожланиш, борлиқ олам билан конструктив муносабатда бўлиш ва психологик ҳимояни фаоллаштириш шартидир.

ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯЛАШДА ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ АҲАМИЯТИ

Маматқулов Давлатжон Махаматжонович,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавсизлиги университети педагогика фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Маълумки, маънавиятни англамоқ учун аввало инсонни англаш зарур ҳисобланади. Инсон ҳақида гап борганда, у моҳиятан ўта мураккаб ва ўхшаши йўқ мавжудот эканига эътибор қаратиш лозим. Инсон моҳиятан фақат моддийликка ёки бутунлай номоддийликка эга бўлган мавжудот эмас. У дунё (борлиқ)даги ҳар икки (моддий ва номоддий) унсурни ўзида мужассам этган ўта мураккаб мавжудотдир.

Инсон моддийяти ҳақида сўз борганда шуни айтиш лозимки, у ҳам табиатдаги барча моддий унсурлар (барча жонзотлар, хайвонот оламидаги барча турлар)га ўхшаб тана тузилишига, жасадга эга. Яъни, инсон (жасади)га ҳам моддий дунёдаги барча унсурларга тегишли жиҳатлар шакл, ранг, хид, таъм ва овоз каби хусусиятлар таалуқли. Айнан шундай белгилари мавжудлиги учун ҳам одамзод (табиатдаги барча нарсалар, хайвонот оламидаги барча турлар қатори) моддийлик дунёсига бевосита мансуб бўлган мавжудот ҳисобланади. Инсон моҳияти ҳақида сўз борганда албатта унга моддийлик хослигини кўздан қочирмаслик жуда муҳимдир. Лекин, шунга қарамай таъкидлаш лозимки, инсон зотини барибир (табиатдаги барча нарсалар, хайвонот оламидаги барча турлар қатори) мутлақ моддий унсур вакили деб бўлмайди. Чунки, инсон ўз моҳиятига кўра ўзида ҳам моддий ҳам номоддий унсурларни мужассам этган ўта мураккаб ва такрорланмас мавжудот ҳисобланади.

Инсонни табиатдаги бошқа жонзотлардан ажратиб турувчи жиҳати шундаки, у ўз ҳаёти давомида дунёдаги номоддий унсурлар (имон, эътиқод, виждон, ибо, ҳаё, сабр-қаноат ва бошқа шу каби ижобий компонентлар)ни ўзига жо эта олади, ишониш қийин бўлган номоддий (беш турдаги рецепторлар: кўз, қулоқ, тил, бурун, тери сезгилари билан аниқлаб бўлмайдиган худо, фаришта ва бошқа шу сингари) нарсаларга ишонади ва айрим холларда онгли равишда моддийликдан (кўплаб нозу-неъматлар, бойлиг-у, тожу-тахтдан ва ҳаттоки ўз жисму-жонидан ҳам) юз ўгириш орқали номоддийликка эврилиш йўлини танлайди. Бундай хусусият дунёдаги бошқа жонзотлар, хайвонот оламидаги турлар ичида учрамаслиги яъни, у фақат ва фақат инсон зотигагина хос эканлиги инсонни нафақат моддият эканлигини ва айни вақтда номоддий унсурлар соҳиби эканлигини ҳам исботлайди. Ўзининг бундай мураккаб моҳияти билан инсон зоти на бир хайвон эмаслигини ва айни вақтда на бир фаришта ҳам эмаслигини исбот этган ҳолда у ҳар икки мавжудотнинг ҳусусиятларини ўзида мужассам этган ўзига хос, ўта мураккаб мавжудот эканлигини кўрсатади.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиққан холда шуни айтиш лозимки, инсондаги моддият (тана тузилиши) туғма характерга эга бўлиб, унинг иштирокисиз унга бериладиган бебаҳо тухфа ҳисобланса, номоддий унсур (имон, эътиқод, виждон, ибо, ҳаё, сабр-қаноат ва бошқа шу каби ижобий компонент)лар мажмуаси бўлмиш маънавият туғма характерга эга бўлмайди. У одам боласининг бутун ҳаёти давомида ижтимоий муҳит ва бунёдкор мафкуралар таъсирида шакллантирилади ва шаклланади.

Инсонда маънавиятни шакллантириш ёки шаклланиш жараёнини жуда машаққатли ва мураккаб жараён бўлиб, албатта бу жараённи мафкурасиз тасаввур этиб бўлмайди.

Мафкура деганда муайян ижтимоий гуруҳ, синф, миллат ёки халқнинг дунёқарашини ифодалайдиган илмий-фалсафий, ижтимоий-сиёсий ёки бошқа (масалан, диний) томондан тизимга солинган ғоялар, тамойил ва категориялар йиғиндиси ҳамда уларнинг жамият ҳаётига тадбиқ этиш йўллари, усул ва воситалари мажмуаси тушунилади.

Кишилик жамиятида инсон, маънавият ва мафкура ўртасида ўзига хос диалектик алоқа мавжуд бўлиб, улар бир-бири билан чамбарчас боғланган ҳолдагина ривожланади ва бир-бирини моҳиятини тўлдириб боради. Дарҳақиқат, одамзот ҳаётида у ўзлиги (моҳияти)ни англаши учун маънавият қай даражада зарур бўлса, одамзотда маънавиятни шакллантириш учун (бунёдкор) мафкура ҳам шу даражада зарур ҳисобланади.

Таълим-тарбия жараёнида инсон моҳиятини чуқур англаш ўта муҳим ҳисобланади. Бинобарин, дурадгор ўзининг иш обеъкти бўлган ёғочнинг хусусиятларини билмаслиги ишлаб чиқараётган махсулотининг яроқсиз чиқишига сабаб бўлганидек, таълим-тарбия жараёнида ҳам таълим-тарбия билан шуғилланувчи шахслар аввало ўзларининг иш обеъкти бўлган инсон зотини, ёш авлоднинг ҳусусиятларини тўла англаб етмасликлари ёш авлод орасидан ҳам маънан тубанлашган, ғоявий жиҳатдан бузилган одамларни пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Шу маънода, ҳар бир ўқитувчи ва мураббий энг аввало инсон зотини, ёш авлодни хусусиятларини тўла англаши, уни руҳий ва маънавий жиҳатдан озиқлантирадиган номоддий унсур (имон, эътиқод, виждон, ибо, ҳаё, сабр-қаноат ва бошқа шу каби ижобий компонент)лар мажмуаси бўлмиш маънавиятни тўлиқ тушиниши ҳамда инсон зотида жумладан, ёш авлодда маънавиятни шакллантирадиган механизм – мафкура тўғрисида чуқур билим ва малакага эга бўлишлари айниқса бугунги кун таълим-тарбия жараёни учун жуда муҳимдир.

Таъкидлаш керакки, ўқитувчи ва мураббийлик бевосита мафкурага дахлдор касб бўлиб, улар ўз мақсади ва вазифасига кўра муайян ғояни тарғиб қилувчи, уни ёш авлод онги ва қалбига сингдирувчи мафкурачи шахслар ҳисобланади. Мафкурачи шахслар деганда моддий маҳсулот ишлаб чиқармайдиган, асосан инсон онгини шакллантириш ва ривожлантириш билан шуғулланувчи касб эгалари тушунилади.

Ўқитувчи ва мураббийлар фаолияти ўлароқ ҳар бир ўқувчи келажакда ўз моддийяти (жасади, тана тузилиши)га номоддий унсурлар хисобланмиш имон,

эътиқод, виждон, ибо, ҳаё, сабр-қаноат ва бошқа шу каби ижобий компонентларни жо эта олган том маънодаги мукаммал инсонга айланиши мумкин. Бироқ, айнан ўқитувчи ва мураббийнинг хатоси билан яъни, улар томонидан ёш авлод ҳаётида маънавиятнинг ўрни ва ролини тўлиқ тушунмаслик оқибатида ёш авлод ичидан гарчи жисмоний жиҳатдан кучли, қомати келишган ва чиройли бўлсада аслида номоддий унсурлар хисобланмиш имон, эътиқод, виждон, ибо, ҳаё, сабр-қаноат ва бошқа шу каби ижобий компонентларни ўз танасида мужассам этмаган чала – номукаммал мавжудотлар ҳам чиқиши мумкин.

Буюк мутафаккир Алишер Навоий ўз вақтида моддийяти (жасади, тана тузилиши)да номоддий унсурлар мажмуаси хисобланмиш маънавиятни жо эта олган том маънодаги мукаммал инсонни ва айни вақтда гарчи жисмоний жиҳатдан кучли, қомати келишган бўлсада аслида маънавияти саёз инсонларни “аҳли маъни” ва “аҳли суврат” тушунчалари орқали ифодалаган[1].

Мутафаккир “Аҳли маъни” деганда имонли ва виждонли, ўз эҳтиёжларини ўзгаларники билан уйғунлаштирган, жамият учун хизмат қилишдан лаззатланадиган ҳамда ҳар бир ишни оқибатини ўйлаб қиладиган юксак маънавият ва тафаккур соҳибларини назарда тутган.

“Аҳли суврат” тоифасига эса, инсоний муносабатларда фақат шаклу шамойил (қад-қомати, чиройи ва кийим-кечаги)га муҳим эътибор берувчи кишиларни киритган. Уларга виқорли бўлиш, кибрланиш, зеб-зийнатга берилиш, ўзгаларга зулм ўтказишдан хузурланиш хосдир деган. Бу тоифадаги кишилар кучлилар олдида қул, ожизлар учун зулмкор. Улар ўз эътиқодсизликлари туфайли фақат бугунги кун ҳузур-ҳаловати билан яшайдилар, бу билан у дунёларини куйдирадилар[2], дея таъкидлаган.

Юқоридаги фикрлари орқали Ҳазрат Навоий XV асрдаёқ биз XXI асрда ҳам англашимиз қийин бўлаётган инсон моҳияти ҳамда унинг ҳаётида маънавиятни тутган ўрни ва роли ҳақида ўзининг жуда чуқур мулоҳазаларини билдириб кетган.

Хулоса сифатида айтиш лозимки, бугунги кунда таълим-тарбия соҳасида фаолият олиб бораётган ҳар бир ўқитувчи ва мураббий:

Биринчидан, инсон зоти жумладан, ёш авлод фақат моддийлик дунёсига мансуб мавжудот эмаслигини ва айни вақтда унда номоддий унсур (имон, эътиқод, виждон, ибо, ҳаё, сабр-қаноат ва бошқа шу каби ижобий компонент)лар мажмуаси бўлмиш маънавиятни ҳам шакллантириш ўта зарур эканлигини тушиниши;

Иккинчидан, таълим-тарбия жараёнида маънавият туғма характерга эга эмаслигини, у ёш авлодда ижтимоий муҳит ва бунёдкор мафкуралар таъсиридагина шаклланишини ҳисобга олиши;

Учинчидан, таълим-тарбия билан шуғилланувчи шахс сифатида ўзини ёш авлод камолотига бевосита масъул бўлган бунёдкор мафкурачи шахс деб билиши;

Тўртинчидан, таълим-тарбия жараёнида ёш авлодда номоддий унсурлар хисобланмиш имон, эътиқод, виждон, ибо, ҳаё, сабр-қаноат ва бошқа шу каби ижобий компонентлар йиғиндиси бўлган маънавиятни ҳосил эта олиши учун бунёдкор мафкура механизмидан амалда фойдалана оладиган даражада билим, кўникма ва малакага эга бўлишлари лозимдир.

Мана шундагина бугунги кун ўқитувчи ва мураббийси ўз вазифаси орқали инсонларни жумладан, янги авлод ҳисобланмиш ўқувчи-ёшларни чала – номукаммал мавжудот бўлиб қолишини олдини олади ҳамда улардан том маънода мукаммал, ҳазрати инсонлар етишиб чиқишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. (Яхшилар ҳайрати). – Т.: Адабиёт ва санъат нашр., 1974. – 35-38-бетлар.

2. Ҳаққулов И. “Камол эт касбким...” – Т.: “Чўлпон”, 1990. – 80-81-бетлар.

3. Маматқулов Д. Мафкура тушунчаси, унда ғоя ва категорияларнинг тутган ўрни. // “Замонавий таълим”: – Т., 2015, 11-сон., 4-б.

ЁШЛАРДА МЕДИАСАВОДХОНЛИК КЎНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

О. Ю. Мусурмонкулова,
РТМ, Стандарт ва баҳолаш бўлими методисти

Глобаллашув ва оммавий ахборот воситалари даври ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларини тубдан ўзгартирди. Сўнгги ўн йилликда ахборот оқимининг бир неча баробар тезлашиши, ижобий маълумотлар билан бир қаторда салбий характердаги ахборотнинг кўпайиши шахсга медиасаводхонликка эга бўлиш заруратини қўйди. Бу ўз-ўзидан ўқувчилар яъни ёшларга бошланғич нуқтада таълим орқали рақамли технологияларни англаш ва медиасаводхонлик кўникмаларини ривожлантириш талабларини белгилайди.

Хўш, медиасаводхонлик ўзи нима? - деган саволга тўхталадиган бўлсак:

“Медиасаводхонлик – бу ҳар хил турдаги оммавий ахборот воситаларини аниқлаш ва улар юбораётган хабарларни тушуниш қобилияти саналади. Болалар оммавий ахборот воситаларидан (телевидение, радио, газета ва журналлар) ташқари, жуда кўп манбалардан катта ҳажмдаги маълумотларни олади. Маълумки, медиамаданияти шаклланмаган инсонлар интернет орқали узатилаётган ҳар қандай маълумот домига тушиб, унинг

онги ва дунёқарашининг сустлиги билан ажралиб қолмоқда”[126]. Инглиз сиёсатшуноси Р.Кибей медиасаводхонликни турли хил шаклларда маълумотларни узатиш, уларни таҳлил этиш ва баҳолаш деб тушунтиради.

Медиасаводхонлик тушунчаси борасида турли хил фикрлар мавжуд бўлиб, АҚШнинг халқаро энтциклопедиясида қайд этилишича, “медиасаводхонлик” (media literacy) инсон жамиятдаги фуқаро сифатидаги масъулиятини ҳис қилган ҳолда фаол ва саводли бўлиши, медиаматнларни қабул қила олиши, яратиши, таҳлил эта олиши ва баҳолаши, замонавий медиани ижтимоий-маданий ва сиёсий мазмунини тушуна олиши демакдир. Лондоннинг Қироллик университети профессори С.Файрстоуннинг фикрига кўра, медиасаводхонлик ҳаракат бўлиб, унинг асосий вазифаси инсонларни аудиовизуал ва босма матнларнинг маданий аҳамиятини тушуниш, яратиш ва баҳолашга ундашдан иборат.

Маълумки, ҳар қандай оммавий ахборот воситаларидаги хабарлар, реклама, ижтимоий тармоқлардаги изоҳлар медиаматн саналади. Шунинг учун ёшларга ахборотнинг тўғри ва сохталигини, яъни фейк (fake – soxta) янгиликларини ажратиш, сохта маълумотни тарқатмасликни тушунтириш ҳамда маълумотлардан тўғри фойдаланиш каби ҳаётий кўникмаларини ривожлантириш лозим. Сабаби, қизиқувчан ёшлар: очиқдан очиқ, ўрни келганда махфий равишда турли мавзуларига оид кўп сонли материаллар билан танишади ва тушуниб-тушунмай эргашиши мумкин.

Дарҳақиқат, инсонлар орасида бирор кишидан эшитган, ўқиган ёки тарқатилаётган хабарларни тўғри деб ўйлайдиганлар ҳам кам эмас. Шу боисдан, таълим стандартида: танқидий баҳо бериш, хулоса чиқариш, таҳлил қилиш, баҳолаш, қарор қабул қилиш каби кўникмаларга алоҳида урғу берилмоқда.

Бундан кўзланган мақсад шуки, ёшларни самарали мулоқот қилиш, ахборотларни чуқурроқ таҳлил қилиш, танқидий фикрлаш, фикрларини ҳимоя қилиш, изланиш, тўғри қарор қабул қилиш каби кўникмаларини ривожлантиришдан иборат.

Шунингдек, бу борада, ўтган йили UNESCO, Халқ таълими вазирлиги ва Республика таълим маркази ҳамкорликда мавжуд муаммолар олдини олиш мақсадида «Мактаб ўқувчиларида ҳаётий кўникмаларни ривожлантириш» номли қўлланмаси амалиётга жорий этилди. Бунда, ўқув дастурларида мавзуларга сингдирилган ҳолда ўқувчиларнинг рақамли технологиялар, оммавий ахборот воситаларига танқидий баҳо бериш, ташвиқотни аниқлаш, медиасаводхонлик, ёшларга медиа муҳитда ўзини йўналтира олиш бўйича кенг кўламли билимларни беришга ва ҳаётий кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган.

Бу ишлар замирида ёшларнинг келажакда юксак чўққиларни забт этиш, медиа ва ахборот саводхонлик билимларини янада мустаҳкамлаш, жаҳонда юз

[126] https://ru.wikipedia.org

бераётган ислоҳотларни холис баҳолаб, ҳар қандай масалаларда тўғри қарор қабул қила олишига ўргатиш белгиланган.

Ахборот саводхонлиги, оммавий ахборот воситалари, рақамлаштириш технологиялари терминларини ишлатар эканмиз. Ҳар бирининг ўзига хос аҳамият касб этишини тушуниш лозим. Жумладан, ахборот саводхонлиги – қидириш, саралаш, фойдаланишни билиш, алмашиш каби; ОАВ саводхонлиги – хабарлар тўғрилигини англаш, сўз эркинлиги ҳуқуқлардан фойдаланиш, танқидий қараш, хулоса чиқариш; рақамли технологияларда – рақамли воситалардан фойдаланишни билиш, мулоқот қила олиш, соғлигига зарарларини англаш, хавфсизлигини таъминлаш тушунчалари билан фарқланади.

Медиасаводхонлик кўникмалари сифатида: маълумотларни таққослаш, танқидий фикрлаш, ахборотни олиш ва саралаш, таҳлил қилиш, баҳолашни ўрганиш, шарҳлаш, асослаш, хулосаларни ифодалаш каби тушунчалар қамраб олинган. Бу кўникмаларни эгаллаш давомида ўқувчилар нафақат янги билимларни эгаллайди, балки ўз қизиқишлари доирасида бунёдкорлик, ижодкорлик қобилиятини ўзлаштиради, рақамли технологияларнинг сир-асрорини англайди. Танқидий фикрлашни ривожлантирган ўқувчилар ўзлаштирган билимлари доирасида аниқ ва асосли маълумотларни қидириб топиб, ўз қарашлари асосида янгиликлар (ихтиролар) яратишга қодир бўлади. Шунинг учун ҳам ўқувчи ёшларда бу кўникмаларни ривожлантириб бориш муҳим саналади.

Келинг, бир машғулот асосида ўқувчида медиасаводхонлик кўринкамаларини ривожлантириш ҳақида ўртоқлашсак:

Умумий ўрта таълим мактабларининг 8-синф адабиёт ўқув дастурида Ғафур Ғулом «Вақт» шеъри берилган. Ўқитувчи дарсда бадиий мисраларнинг кенг фалсафий маъноларни кенгроқ ёритиш билан бирга медиасаводхонлик кўникмаларини шакллантириш мумкин. Таъкидлаш жоизки, қисқа шаклда тушунтирсак, бадиий таҳлилдан четлашмаган ҳолда лирик чекиниш сифатида уқтириб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Ярим соат ичида туғилиб ўсиб,
Яшаб умр кўриб ўтгувчилар бор.
Кўз очиб юмгунча ўтган дам-қиммат,
Бир лаҳза мазмуни бир бутун баҳор.

Бунда шоир аниқ бирор жонзотга ишора қилса-да, мазмунида инсонларга қаратилган кенг маъно ётади. Демак, «лаҳза» сўзининг мазмунида инсон ҳаётида катта бурилишга сабаб бўлиш мумкинлиги уқтириш фойдадан ҳоли бўлмайди. Шоир, таъкидлаганидек:

Бир оннинг баҳосин ўлчамоқ учун
Олтиндан тарози, олмосдан тош оз...

Ўқувчиларга вақтни қадрлашни англатсак, пировардида англаган ўқувчиларнинг бир онини ҳам бесамар ўтказмасликка ишонсак, ҳеч иккиланишсиз, медиа саводхон шахс сифатида кўра оламиз.

Ёки,

Ҳар лаҳза замонлар умридек узун,

Асрлар тақдири лаҳзаларда ҳал...

Ушбу мисрада келтирилган лаҳзада рўй берадиган нохушликлардан огоҳ этиш, сохта ғояларга эргашмаслик, эзгу фазилатли бўлишга чорлаш асосида ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясида алоҳида ёндашиш лозим. Шеърни тушуниш билан бирга уқтирилган угитлар мазмунини ҳам англайди

Мисол учун гуруҳларга, “лаҳза”, “инсоннинг умр йўли”, “вақт олий ҳакам” сўзлари ёзилган варақлар тарқатилган ва вазифалари тушунтирилган.

Жавоблар намунаси:

Ўқувчи: лаҳза, фурсатни ҳеч ким тўхтатиб қола олмайди. Шеърда асрлар тақдири лаҳзада ҳал деганда, кўп нарсаларни тушуниш мумкин. «лаҳза» сўзи ўзи кам фурсатни билдирса-да, асрга арзигулик мазмун англатади. Вақт ҳисобида лаҳзалар кўп бўлиши мумкин, аммо инсон ҳаётида чегараланган, шу лаҳзанинг қадрига етиш лозим.

Ўқувчи: Инсон умри мисоли тўхтовсиз дарё, мисли оқар сувдек кетаверади. Тошларга урилади, жилғалар ҳосил қилади. Тарих силсиласида қанча-қанча шохлар ва инсонлар ўзаро келишмай оддий(бир парча ер ёки бошқа) нарсалар учун олтинга тенг умрини, вақтини бекорга ўтказганларни манбалардан кўриш мумкин.

Ўқувчи: “Вақт – олий ҳакам” нақлининг маъноси шуки, инсон тез хулоса чиқармаслик керак. Бунда, бирор нарсани исботлашдан кўра вақт ҳукмига ташлашга ишора қилинган. Вақтни кераксиз нарсаларга сарфлашдан билим олиш сарфланса, маълум вақтда натижа бериши ҳақида фактлар мавжуд.

Ўқувчилар бундай сўзларни ёзишда қанча кўчаларга кириб чиққанини тасаввур қилсак:

- ўқувчиларда изланиши натижасида янги билимлари ортади;
- лаҳзалардан тўғри фойдаланиш чуқур ўйлаб кўришади;
- далилларга асосланган хулосалар тайёрлайди;
- иллат ва фазилатлар бўйича ўзаро фикр алмашади;
- шахсий фикрида мустаҳкам туриш ва уни ҳимоя қилишга ўрганади;
- вақтни фактик асослар экан, амал қилишга уринади.

Муҳими, тўғри мақсад белгиланса, ўқувчилар қайси фан бўлмасин, сиз кутгандан аъло даражадаги ахборотни ўзлари топишади, ўз фикрларини асослаб беришади.

Медиасаводхонлик ёшларнинг нафақат маънавий-ахлоқий тарбиясига таъсири катта, балки нутқий, экологик, функционал, ҳуқуқий саводхон бўлишларида муҳим аҳамият касб этади. Саводхон ёшларнинг жаҳон минбарларида юрт шаънини ҳимоя қилаётгани, бунёдкорлик ишларида ўз ҳиссаларини қўшаётганлиги бунинг ёрқин исботидир.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, медиасаводхонлик, оммавий ахборот воситалари орқали узатиладиган барча ахборотга танқидий қараш, уларга холис ёндашиш ва ҳар бир узатилаётган ахборотни саралашда онгли равишда ёндашиш ҳамдир. Зеро, ахборот қаердан, ким томонидан ва нима

мақсадларда узатиляпти, кимнинг манфаатларини ўзида акс этаяпти?- деган саволларга жавоб топа олган шахс жамиятда ўз ўрнини топишига ишонамиз.

Фойдаланилган манбалар:

1. К.Мавлонова. Approaches and Principles Concerning Studying Propertiyes of Artistic Text Language at Native Language Lessons. Eastern European Sciyentific journal – Germany. 2018.

1. М.Д.Пардаева ва бошқалар “Мактабда ўқитиш ва баҳолаш методологияси” (методист китоби). Тошкент, 2020.

2. О. Розиқов ва бошқалар. “Таълим технологияси”. – Т.: 1999.

3. К.Мавлонова ва бошқалар. “Мактаб ўқувчиларида ҳаётий кўникмаларни ривожлантириш”. Ўқув қўлланма. – Т.: 2021 йил.

4. https://iac.edu.lv/aktualitates-en-us/2019/mar/new-news-article-lv-lv/

ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРНИНГ АҲОЛИ, АЙНИҚСА, ЁШЛАР МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯСИГА ТАЪСИРИ

Очилова Меҳринисо Ҳайитовна,
Қарши муҳандислик ва иқтисодиёт институти қошидаги Касби озиқ-овқат саноати техникуми “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” фани ўқитувчиси

Тарбия асосан ёшлар ҳаётида энг муҳим жиҳатлардан бири. Ҳар бир инсон оилада тарбия топар экан, барча буюклар ва ижодкорлар шу муқаддас даргоҳда тарбия топганлар. Ёшларнинг ижодий тафаккурини ривожлантириш эса албатта, меҳнат, халқ эътирофи, бадиий эстетик онгнинг ўсиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Ёшлар тарбияси муаммолари бутун дунё мамлакатлари учун умумий масала бўлиб қолди. Ёшлар тарбияси мавзуси бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида шундай дейди: “Бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда. Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ.

Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси “вируси” тарқалишининг олдини олиш.

Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Шу муносабат билан Ўзбекистон глобаллашув ва ахборот коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги

шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат – БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқишни таклиф этади.

Бизнинг назаримизда, мазкур ҳужжатни имзолайдиган давлатлар ушбу соҳани ўз ижтимоий сиёсатининг асосий ва муҳим ҳаётий устувор йўналишларидан бири даражасига кўтариш бўйича қатъий мажбуриятларни ўз зиммасига олиши керак".

Айни пайтда ижтимоий тармоқларда глобал кўламларда айнан ёшлар тарбиясида ечимини кутаётган муаммолар мавжудлигини тан олишимиз, эътироф этишимиз керак. Ўзи ва ўзгаларнинг тақдирига, келажагига бефарқлик, шафқатсизлик, ишёқмаслик, ҳалол меҳнатдан бўйин тоблаш, ахлоқсизлик, енгил-елпи ва бошқалар ҳисобига кун кечириш, гиёҳвандлик, ўғирлик, жиноятчи гуруҳлар, экстремистлар ва террористлар фаолиятида иштирок этиш ҳам жамиятнинг айнан навқирон ёшдаги аъзоларини ўз домига тортаётгани сир эмас. Илм ўрганиш, маълумот олиш учун шароит яратиб бераётган ахборот технологиялари, жумладан, Интернет ҳам муаммолар манбаига айланиб бораётгани ҳаммамизга маълум.

Афсуски, илғор, ўқимишли, одобли ва келажагини бугундан бошлаган ёшлар қаторида, ишёқмас, қўпол, такасалтанг, саводсиз ва бекорчиликдан нима қилишни билмаётган, бўш вақтини телефонда соатлаб термулиб ўтказаётган ўспирин ёшлар ҳам учраб турибди. Бу каби ёшлар ҳам дунёвий, ҳам диний саводсиз бўлиб, уларнинг тарбиясига оилаларида кам эътибор берилган, моддий таъминлаб қўйиш билан чекланган оилалардир.

Мамлакатимизда таълим олиш жараёнларига ҳам ахборот коммуникация тизимларини жорий қилиш бўйича бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Хусусан, таълим муассасаларини компьютер техникалари билан таъминлаш баробарида таълим беришнинг замонавий усулларидан фойдаланиш, барча таълим муассасаларида ахборот-ресурс марказлари ташкил этилиб, уларда Интернет тизимидан фойдаланиш имкониятлари яратиб берилган. Бироқ масаланинг яна бошқа бир тарафи борки, яратилаётган имкониятлардан ёшлар қай йўсинда фойдаланаяпти? Бу каби имкониятлар уларнинг камол топишига қандай таъсир кўрсатяпти? – деган оғриқли саволлар вужудга келмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда ёшларнинг 90 фоизи асосий ахборот манбаи сифатида Интернетга мурожаат қилмоқда. Фойдаланилаётган ахборот воситаларининг катта қисми асосан "Twitter", "Instagramm", "Facebook", "Одноклассники" каби ижтимоий тармоқлар ва видео, аудио порталларга тўғри келса, маълум бир қисмигина зарарли таъсир этмайдиган, илмий, маданий ва маърифий сайтлардан иборатлигини кузатишимиз мумкин.

Маълумотларга қараганда, бугунги кунда Интернет тармоғида ўз жонига қасд қилишнинг осон йўлларини, компьютер ўйинлари зўравонлик ва ёвузликни тарғиб қилади. Айни вақтда болалар ва ўсмирлар онлайн тарзида тарқатиладиган порнография таъсирига бутунлай тобе бўлиб қолган. Бунга сабаб ёш оилаларнинг тарбияга бўлган масъулитясизлигидир. Ҳар бир ёшнинг

мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўз ўрнини эгаллаши йўлидаги муаммолар турибди. Бунинг учун ҳуқуқий саводхонлик даражасини ошириш билан ҳам боғлиқ.

Ўзимизнинг миллий киноларимизда бизнинг улуғ бобокалонларимизнинг хаёти ва ижоди ёритилиб, уларнинг илм йўллирида қилган саъй-ҳаракатларини улуғлаб кўрсатиш ва ҳозирги кундан компютер технологияси асрида ҳамма илм олиш учун осон қулайликлар ва фақат ёшлардан шунинг учун қунт кераклигини уқдириш лозим. Чунки илмли киши ҳеч қачон хор бўлмас. Буни яхши биладилар, бунинг исботи неча асрлардан буён шоир ва шоираларимизнинг хотираларимизда тирик ва барҳаётлиги фикримизнинг яққол далилидир. Бу фақат киноларда бўлади, ҳаётда эмас, деб фикрлайдиган ёшлар ҳам топилиб туради. Аммо уларни мақсадимиз ёшларни ҳаётида идеаллаштиришдир.

“Ҳозирги кунда мамлакатимизда китобхонлик савиясини ошириш, мутолаа маданиятини юксалтиришга катта аҳамият берилаётдир. Лекин кўплаб болаларимиз китобдан узоқлашиб, кўп вақтини ижтимоий тармоқларда ўтказаётгани бу ҳам бор гап”[127]. Юртбошимиз таъкидлаганидек, ёшларимизнинг китоб ўқимай қўйгани жуда ачинарли ҳол. Фарзандларимизни китобга ошно қилиш муаммоси, аввалambор, адабиёт ўқитишда сифат жиҳатидан янгиланиш бўлишини тақозо қилмоқда. Ўқувчиларда китобга муҳаббат ўқилган китобнинг сир-асрорини билгандан кейингина шаклланади. Адабий таълим ўқувчи ёшларнинг фикринигина эмас, балки уларнинг туйғуларини, қалбини, ҳиссиётлар оламини ҳам шакллантиришга аҳд қилган таълим жараёнидир. Талаба бадиий асардан маънавий лаззат олса, ўзининг завқини келтирган тасвирий унсурларни пайқай билсагина китобхонга айланади. Чунки бирор асарни ўқиш жараёнида, уни таҳлиллаш мобайнида туйилган лаззат ўқувчини бошқа асарларни ўқишга, улардан ҳам завқланишга ундайди.

Тарихдан маълумки, театр маданият ва маърифат ўчоғи сифатида жамият ҳаётида инсон бадиий-ижодий тафаккурини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этиб келади. Ривожланган мамлакатлар ёшлари орасида “ахборот хуружи”, “оммавий маданият”, интернет ва шу каби турли ижтимоий тармоқларга муккасидан кетиш сингари салбий кўринишлар тобора оммалашиб бораётгани ёшлар камолотидаги ўрни қай даражада кечаётганлиги кўпчиликни ўйлантириб келаётган масалалардан биридир.

“Мен Ватанимизга керакли инсон бўламан, бу менинг қўлимдан келади, мен ҳеч қачон тўхтамайман. Негаки, мен ўзимни, ота-онамни асраш учун, Ватаним учун бугундан бошлаб тинимсиз ҳаракат қиламан. Майли ишим ўхшамасин, бир куни, албатта, муваффақиятга эришаман”, деб ёниб яшайдиган фарзандларни тарбиялашимиз зарур. Ҳар ишда фаол, қатъиятли,

[127] Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Тошкент : Ўзбекистон, 2018.1-жилд. – 530-бет

ҳар бир вақтдан унумли фойдаланадиган ёшлар албатта, келажакда ўз ўрнини топа олади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари. – Т.: “Ўқитувчи”, 1996. 41-бет.
2. Камол Ж. Достонлар. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. – 24-б.
3. Янгиланаётган жамиятда ёшларнинг ижтимоий фаоллиги: муаммо ва ечимлар. Республика илмий-амалий конференцияси мақолалар тўплами 2019 йил 20 ноябрь.
4. https://cyberleninka.ru/
5. http://yomi.uz
6. https://oyina.uz
7. https://xs.uz
8. https://lex.uz
9. http://iqtisodiyot.tsue.uz

ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА УЗЛУКСИЗ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ АҲАМИЯТИ

Примов Суннатилло Элмурод ўғли,
Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети Миллий ғоя маънавият асослари ва ҳуқуқ таълим йўналиши 2-босқич талабаси.

Бугунги кунда шиддат билан ривожланиб бораётган ва глобаллашиб бораётган бир давирда ёшлар ўз келажаги учун бефарқ бўлиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Мана шундай бир давирда ёшларимизни она ватанимизга, мустақиллик ғояларига муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг истеъдод ва қобилиятлини рўёбга чиқариш учун мамлакатимизда етарли имкониятлар ва керак ишлар амалга оширилмоқда. “Миллий маънавиятимизни ривожлантириш, уни халқимиз, айниқса, ёшларимиз ҳаётига сингдиришда ижтимоий-гуманитар фанлар тизимининг аҳамияти катта. Афсуски, ҳозирги вақтда бу фанлар ривожи, уларга мансуб илмий-амалий ва таълим-тарбиявий тизимни янгилаш ва опитималлаштириш жараёни замонда ортада қолмоқда”[128]. Дунёда ҳар бир халқнинг асрлар, замонлар оша яшаб келаётган миллий қадриятлари бор. Ёш авлодни маънан

[128] Mirziyoyev Sh. Yangi O’zbekiston startegiyasi. – Toshkent. O`zbekiston. 2021. – B. 271.

баркамол этиб тарбиялашда ҳам шубҳасиз, миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланамиз. Ҳар қандай шахснинг камолати асосий тиргак – бу тарбия ҳисобланади. Тарбия инсон умрининг охиригача давом этадиган жараён бўлиб (инсон умрининг охиригача ўрганади, деган нақл асосида тарбияланиб), доимий равишда ривожланиб, такомиллашиб, комилликка интилиб яшайди. Ҳозирги давр замонавийлашиб, турли хил маданиятлар кириб келиши бизнинг олдимизга фақат миллий ўзлигимизни сақлаб қолиш билан эмас, балки ўз қадриятларимизни, ватанга садоқат, дўстликка ишонч, оилага меҳр-муҳаббат, катталарга ҳурматда, кичикларга иззатда бўлиши туйғусини шакллантириш миллий қадриятларимизнинг асл кўринишидир. Инсонга фақат дунёда юз бераётган воқелик ҳақида, одоб-у ахлоқ қоидалари, меҳр ва садоқат тушунчалари ҳақида билим беришнинг ўзи унинг маънавий-ахлоқий тарбияси учун етарли бўлиб қолмайди. Балки, унда ирода қудрати, масъулият туйғусинин шакллантириш, кўнглида атроф муҳитга, меҳнатга, касбга, илмга, қалбан ва руҳан инсонларга меҳр-оқибатли бўлиши туйғусини уйғотишга, дилида улуғ мақсадлар туғилишига ва атрофида юз бераётган ҳодисаларга ўз муносабатини билдира олишига эришишимиз лозим. Ёш авлодни шу хислатлар билан вояга етишлари учун эса турли йўллар: катталарнинг ўгит ва насиҳатларини тинглаш, ундан тўғри хулоса чиқара олиш қобилиятларини ривожлантирш орқали; турли воситалар билан ва энг асосийси ёш авлод тарбиясига самимий ёндашиш ва тинимсиз изланишлар натижасида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4307-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, ёшларни мустақил ҳаётга дунёқараши кенг, фаол фуқаролар этиб тарбиялаш мақсадида ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида Маънавий тарбияни баҳолашнинг илмий асосланган индикаторларини ишлаб чиқиш, тарбия жараёнида узлуксизлик, узвийлик тамоилларига таянган ҳолда аввало, онанинг ҳомиладорлик даврини тўғри ташкил этиш, гўдаклар ва болаларни маънавий тарбиялаш бўйича асосий йўналишларини белгилаш, ёшларда ватанга садоқат, тадбиркорлик, иродалик, мафкуравий иммунитет, меҳр-оқибатлилик, масъулиятлилик, бағрикенглик, ҳуқуқий маданият, инновацион фикрлаш, меҳнатсеварлик каби муҳим фазилатларни болаликдан бошлаб ўргатиш кераклигини кўришимиз мумкин. Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғламлаштириш, оилавий қадриятларимизга зид бўлган турли маънавий таҳдидларга қарши мафкуравий иммунететни шакллантиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга ошириш концепцияда белгилаб ўтилганлигини кўришимиз мумкин.

Таълим ва тарбия бир-бирига боғлиқ тушунчалар ҳисобланади шу сабабли иккаласини ҳам тенг олиб бориш керак. Тарбияни аввало оилада боланинг ёшлигида бериш лозимлиги ва бола билан алоҳида ота-она шуғулланиш кераклиги кўп бора амалиётда исботланган эканлиги концепцияда кўрсатиб ўтилган. Мактабгача бўлган давр бола тарбиясида энг муҳим давр ҳисобланади. Чунки, бу даврда пайдо бўлган таассуротлар изи

инсон хотирасида умрбод сақланиб қолади. Бу давр боланинг ақлий ва жисмоний жиҳатдан тез ўсиши, дунёни билишга интилиши, атроф-муҳитга ўз муносабатини билдириш истаги кучайиб бораётган даврдир.

Бошланғич ахлоқий тарбия ҳисобланади. Бугун нафақат ёшлар, бутун бошли аҳоли глобаллашувнинг шиддатли даврини ўз бошидан кечирмоқдаки, бундай таҳликали даврда миллат, мамлакат, генофонд, керак бўлса, маънавият хавфсизлиги борасида ҳар бир фуқародан юксак маъсулият талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Ўзбекистонда маънавий баркамол инсонни тарбиялаш учун ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий, ташкилий вазифалар давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналиши этиб белгиланган. Президентимиз маънавий баркамол инсонни тарбиялашга Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг энг муҳим омилларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратмоқда. Ҳар қандай жамият алоҳида инсонлардан ташкил топади. Адолатли ва етук, комил жамиятни фақатгина комил инсонларни тарбиялаш орқали қуриш мумкин. Мамлакатимизда маънавий-маърифий ишлар тизимли ташкил этиш, бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш, аҳоли, айниқса ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, онги ва тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, мафкуравий иммунетитини мустаҳкамлаш, ватанпарварлик, халққа муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшаётган баркамол авлодни тарбиялашга бугун алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Маънавиятимиз учун энг катта хавф – бу аксарият одамларимиздаги лоқайдлик ва бепарволик кучайиб бораётганида, десак бу ҳам айни ҳақиқат” [129].

Бугунги кунда ёшлар орасида ватанпарварлик ғояси асосида тарбиялаш мақсадида муҳтарам президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан қабул қилинаётган кўплаб қарор ва фармонларни кўришимиз мумкин. Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, Узлуксиз таълим тизимида маънавий тарбия асосларини кучайтиришимиз лозим ва бунда ўсиб келаётган авлоднинг ёш хусусиятлари ва интилишларини кўпроқ инобатга олишимиз керак. Маънавиятга эътибор –келажакка эътибор ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон старатегияси. – Тошкент. Ўзбекистон. 2021.
2. Рузиева Р., Бобаназарова Н. Маънавият асослари. – Тошлент. 2019.
3. https://lex.uz
4. http://libarary.ziyonet.uz

[129] Mirziyoyev Sh. Yangi O’zbekiston strategiyasi. - Toshkent. O'zbekiston. 2021. -B. 269.

АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРНИНГ ТАЪСИР ИМКОНИЯТЛАРИ

Ражабов Ҳабибулло Ибодуллаевич,
Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD),
Тошкент давлат транспорт университети доценти

Тарихдан маълумки, ҳар қандай янгилик, янги ғоялар, ташаббуслар, ихтиролар ва турли йўналишдаги илмий башоратлар инсоният томонидан турфа кўринишда талқин қилинган. Ахборотлашган жамият ҳақидаги тасаввурларнинг ривожланиш тарихи ҳам бундан мустасно эмас. Натижада, янги асрнинг сўнгги йигирма йилдан ортиқ вақтида ахборотлашган жамиятнинг умумий мезонларини кўрсатиб берувчи аниқ позиция шаклланмади. Шунингдек, ахборотлашган жамият тўғрисидаги қарашларда ҳанузгача якдил фикр мавжуд эмас. Қолаверса, ахборотлашган жамиятнинг дунё тараққиёти учун келажакда қандай роль ўйнаши ҳақида асосли фикрлар мавжуд эмас. Ва, яна бир жиҳат, ахборот оқимларини бошқаришда барча ахборот субъектларининг тенглик принципини таъминлашга қаратилган конкрет стратегия мавжуд эмас. Лекин, шунга қарамасдан, ахборотлашган жамият яратиш ва ривожлантиришга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бораётгани аниқ. Э.Тоффлернинг “ахборот – бу тараққиётнинг битмас туганмас хом-ашёсидир”[1] деган фикри ахбортлашган жамиятга бўлган эҳтиёжнинг кўламини тасвирловчи фикрлар мажмуасидир.

Украиналик файласуф В.Павловнинг фикрига кўра, соҳа тадқиқи билан шуғулланган назариётчи олимлар ахборот жамиятини яратишнинг иккита асосий моделини илгари суришган. Уларнинг таъкидлашича ахборотлашган жамиятнинг ғарбий ва шарқий моделлари мавжуд.

“Ғарб модели ахборотлаштириш йўли бўлиб, унга Ғарбий Европанинг саноати ривожланган мамлакатлари (Англия, Франция, Германия, Финляндия ва бошқалар), АҚШ ва Канада киради. Ғарб моделига кўра ахборотга, бир томондан, жамият ва давлатнинг энг муҳим стратегик ресурси, иккинчи томондан, иқтисодий, сиёсий ва маданий куч сифатида қаралади. Саноати ривожланган мамлакатларда ахборот саноати аста-секин иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бирига айланиб бормоқда, ахборотнинг амал қилиш масалалари иқтисодий ва сиёсий устуворлик мақомига эга бўлмоқда”[2].

Ахборотлашган жамиятнинг ғарб моделидаги асосий хусусият фикримизча, ахборот хизматларини такомиллаштириш, ички муҳит барқарорлигини таъминлаш ва ташқи таъсирни кучайтиришда ахборотга етакчи омил сифатида қараш, жамият аъзоларининг ҳаёти ва фаолиятини яхшилашда ахборотга таяниш, ахборот маконини ҳимоя қилиш ва бошқа самарали ҳатти-ҳаракатлардан иборат. Ғарб ва шарқ ўртасида фарқли жиҳатлар турли соҳа ва йўналишларда мавжуд. Масалан, ғарбда инвидуал қарашлар барча соҳаларда устуворлик касб этса, шарқда жамоавий тафаккур тенденциялари кўпроқ учрайди. Айтиш мумкинки, жамиятни

ахборотлаштириш йўналишида ҳам ушбу омиллар икки минтақада турлича талқин қилинади.

“Ахборот жамиятининг шарқий модели ғарб моделига нисбатан ўзига хос хусусиятларга эга. Бу Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари, биринчи навбатда, Япония, Хитой, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Малайзия, Сингапурнинг иқтисодиёти, сиёсати ва маданиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олади. Жамиятни бошқаришда ахборотдан фойдаланиш, иқтисодиётни барқарорлаштириш, сифат жиҳатидан янги технологияларни ривожлантириш, миллий маданиятни ривожлантириш, таълим ва тарбияни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Юқоридаги ва бошқа мамлакатларнинг ахборотлаштириш йўлларини белгилашда миллий анъаналар муҳим ўрин тутади” [2].

Юқоридаги фикрлардан кўриш мумкинки, ахборотлашган жамиятнинг таъсир имкониятлари манфаатдор кучларнинг ахборот маконидан кўпроқ фойдаланишга ундамоқда. Бунинг асосий далили сифатида ижтимоий тармоқларни кўрсатиш мумкин. Илк бор одамлар ўртасидаги мулоқот воситаси сифатида ижтимоий тармоқнинг электрон почта кўриниши пайдо бўлди. Бу компьютер тармоқлари орқали боғланишнинг илк кўриниши эди. Дастлаб икки киши ўртасида маълумот алмашиш учун яратилган электрон маълумот алмашув кейинчалик гуруҳлар ўртасидаги мулоқот воситасига айланди. Ижтимоий тармоқлар ҳақида илк бора ўз тасаввурларини баён қилган олимлар Р.Соломонофф ва А.Рапопорт ўтган аср ўрталарида мулоқотнинг виртуал кўриниши ҳақида ўз фикрларини баён қилишган. Венгриялик мутахассислар П.Эрдос ва А.Рэнилар ижтимоий тармоқларни шакллантириш борасидаги тасаввурларини айтиб ўтишган. Ижтимоий тармоқ атамасини алоҳида тушунча сифатида 1954 йил Манчестер мактаби намоёндаларидан бири Ж.Барнс илмий манбаларга киритган. Интернет тармоғида инсонлар ўртасидаги мулоқотнинг авж олиши, ривожланиб кетишини олимлар ижтимоий тармоқларнинг тезкор фаолияти билаш боғлашмоқда.

Бугунги кунда машҳур бўлган ижтимоий тармоқларда ўз саҳифасига эга бўлмаган инсонни топиш қийин. Айниқса, бу ҳолатнинг юқори даражасини ёшлар орасида кўриш мумкин. Маълумотларга қараганда дунё ёшлари, жумладан мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлод асосий вақтининг катта қисмини виртуал мулоқотга сарфланмоқда. Гап шундаки, кўпчилик ёшлар ўз ҳаётларини ижтимоий тармоқларсиз тасаввур қила олмайдилар.

Ижтимоий тармоқлар таҳлили борасида тадқиқотлар олиб борган олим К.Янг “Интернетга қарамлик ташҳиси” деб номланган сўров натижаларини маълум қилади. Унга кўра, “интернетга қарам бўлганларнинг қарийб 54% фоизи интернетнинг инсон соғлиги ва руҳий ҳолатига салбий таъсир кўрсатишини билган ҳолда тармоқда ўтириш вақтини камайтирмайди. Уларнинг кўпчилиги бу ёмон иллатдан халос бўлолмайман деб ўйлашади. Аввалига улар интернетда ўтказиш мумкин бўлган вақтни чегаралашга уриндилар, бироқ, ўзларини назорат қила олишмади, кейин модемларни олиб

ташладилар, симларни кесиб ташладилар, бир оз вақт ўтгач эса улар интернетсиз бўлолмасликларини англаб яна тармоққа қайтдилар”[3].

“Ўз фаразларида бошқалар билан бир қаторда оммавий коммуникация воситаларидаги инқилоб натижаларига таянаётган постмодернизм “виртуал” таърифини олган ёшлар ўзгача замон ва идеосферанинг янгича “мезонини” назарда тутади. “Виртуалллик” тушунчаси ҳозирги вақтда энг янги мультимедиали аудиовизуал ва компьютер технологиялари имкониятларига таққосланади, булар ёрдамида мутлақ ишончли сифатида идрок этиладиган ва бошдан кечириладиган хом хаёлларни(иллюзия) яратиш мумкин бўлади. Бундан медиа ахборотларига кўр-кўрона ишонувчи ва бу ахборот таъсирида ўз фикрини кескин ўзгартирувчи киши онгини ўзига сездирмай бошқариш учун ахборот технологияларидан фойдаланилаётган идеосферик тасаввурлар келиб чиқади” [4].

“Виртуал жамият” назариясининг муаллифи А.Бюлнинг фикрига кўра, виртуал реаллик технологиялари ривожланиши билан компьютер ҳисоблаш машинасидан “кўзгулардаги” оламларни яратиш бўйича универсал машинага айланди. Жамиятдаги ҳар бир тизимча “параллел” оламлар томонидан шаклланган бўлиб, буларда виртуал ўхшашликлар: Интернет тармоғида иқтисодий интеракциялар ва сиёсий ҳаракатларнинг амалга оширилиши, компьютерли ўйинлар персонажлари билан мулоқот ва ҳ.к.лар юз бермоқда. Компьютер ёрдамида ўзига хос олам, жамият яратишга таъсир кўрсатиш жараёнини А.Бюль виртуаллашув (виртуал олам) деб атайди. Мазкур назарияни кенгайтириб борган ҳолда оммавий ахборот воситаларининг жадал ривожланиши жамиятдаги ижтимоий ўзгариш жараёнларига шубҳасиз кундан кунга кўпроқ таъсир ўтказишини таъкидлаш зарур. Аммо ушбу таъсир хусусияти зиддиятли ва баъзан эса қарама-қарши баҳолашларни вужудга келтирмоқда” [4].

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати борки, уни алоҳида таъкидлаш зарурдир. Ахборотлашган жамиятда ахборот мафкурани сингдиришнинг асосий воситаси сифатида қарор топиб, ғоявий омиллар тарғиботида етакчи ўринга чиқмоқда. Ахборотнинг асосий манбалари эса биз тадқиқ этаётган ижтимоий тармоқларда эканлиги эса масалага жиддий эътибор қаратишни тақозо этади. Зеро, инсонлар онгини “манипуляция” қилишга бўлган уринишларни кўпинча ижтимоий тармоқларда мутазам учратиш мумкин бўлиб қолди. Шу ўринда, “манипуляция” терминининг маъносига эътибор қаратсак: Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғатида “манипуляция” “(лот. Manipulus – қўл ҳаракати) қўл машқи, қўл ҳаракати, шу жумладан, қўл маҳоратига таянган фокус намойиш қилиш, алдов, товламачилик, қаллоблик орқали мақсадга эришиш” [5] сифатида таърифланган.

Маълумки, ахборотлашган жамиятда ҳар қандай ахборот муайян мақсадларга йўналтирилган бўлиб, биринчи навбатда кишилар онги ва қалбини забт этишни мўлжаллайди. Шу сабабли, жамият аъзоларининг айниқса ёшларнинг ички ва ташқи ахборот таъсирларидан асраш стратегик ва барқарор тараққиётга дахлдор масаладир.

Адабиётлар рўйхати

1. Тоффлер, Э. Третья волна: пер. с англ. / Э. Тоффлер. – М., 2004.
2. Павлов, В. Л. Особенности информационного общества / В. Л. Павлов // Философски социальные науки. – 2010. – № 1. – С. 77-82/
3. http://cyberpsy.ru/articles/young-internet-addiction/
4. Д.Эрназаров. https://www.researchgate.net/publication/340091077.
5. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. Тошкент.: Ғафур Ғулом нашриёти. 2010. Б-460.

ЁШЛАР МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯСИДА МУСИҚА САНЪАТИНИНГ ТАЪСИРИ

Раҳмонов Улуғбек Каримович,
Фарғона давлат университет
“Санъатшунослик” факултети ўқитувчиси

Ҳар қандай давлатнинг тарихий тарққиёт йўлидан маълумки, юртнинг жадал ривожланиши, муайян ютуқларга эришиши, халқнинг фаровон бўлиши ўша давлатда ёшлар таълим-тарбияси ва келажагига бериладиган эътибор даражасига чамбарчас боғлиқ. Ҳар бир миллат ўз келажак авлодида комил-ликни кўришни орзу қилади. Ўзбек ҳалқи ҳам ўз маданияти ва маънавиятида комил инсонлар тарбиясига алоҳида эътибор берган ва бундай комиллик дарғаларини етиштириш ҳар бир замонда муҳим саналган. Инсон камолатида эса жисмоний ва маънавий гўзалик муҳим аҳамият касб этади. Шу боис бугунги кунда юртимизда замонавий билим ва кўникмаларга эга, мамлакати-мизнинг муносиб келажаги учун жавобгарликни ўз зиммасига ола биладиган, интилувчан ва серғайрат ёшларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратил-моқда. Ҳозирги кунда дунёда глобаллашув жараёнлари кучайиб, тинчлик ва барқарорликка қарши янги тахдид ва хатарлар тобора кўпайиб бормоқда. Бундай мураккаб ва таҳликали вазият мамлакатимизда жамият ҳаётининг маънавий-маърифий асосларини мустаҳкамлашда, миллий ғоянинг асосий тушунча ва тамойилларини ҳаётга жорий этиш, ёш авлод қалбида Ватанимиз тақдири ва келажаги учун дахлдорлик ва масъулият ҳиссини ошириш, ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтиришга йўналтирилган тарғибот тизими шакллантириш зарурдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги[130] ва 2019 йил 3 майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича

[130] Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 29 июль.

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги[131] Қарорлари республикамизда маънавий-маърифий ишларни ривожлатиришда муҳим меъёрий хужжат сифатида асос бўлиб хизмат қилмоқда. Юртимиз ижтимоий-маънавий ҳаётига кейинги йилларда тобора чуқур кириб бораётган, халқимиз тафаккури, ҳаёт тарзида мустаҳкам ўрин эгаллаётган “Янги Ўзбекистон–янгича дунёқараш”, “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик”, “Янги Ўзбекистон”, “Миллий тикланишдан–миллий юксалиш сари”, “Янги Ўзбекистон–янги Ренессанс сари”, “Учинчи Ренессанс” каби ғоялар мамлакатимиз тараққиётининг тамомила янги босқичи ва даражасини белгилаб бераётганини бир пайтда ёшларни илм олишларида катта эшиклар очиб бермоқда. Юқорида эътироф этган барча маънавий-аҳлоқий, ғоя ва тушунчаларнинг калити – бу илм-фан ва таълим ҳисобланади. Агар биз тарих саҳифаларига эътибор берсак, Марказий Осиё ўз тарихининг ҳар бир даврида диний ва табиий фанлар, маънавий-аҳлоқий тарбия бериш орқали янги билим ва ёндошувларга кенг қучоқ очган. Юртимиз ҳар доимо янгилик ва танқидларга очиқ, ўз кучи ва салоҳиятига ишонган, ғоя ва тушунчалар маданият сифатида ҳукм сурган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2021 йил 17 август куни “Янги Ўзбекистон” газетаси муҳарририга берган интервьюсида шундай фикр билдирган: “Таъкидлаш керакки, Янги Ўзбекистонни барпо этиш–бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир” – деган эди[132]. Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар, халқимизнинг бой илмий-маданий мероси, мамлакатимизда илм-фан, санъат ва маданият соҳаларида эришилаётган ютуқлар, аҳолини, айниқса, ёшларда ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтиришда, миллий қадриятлар ва анъаналарни асраб авайлаш ва кенг тарғиб этишда мусиқа таълими ва санъатининг ўрни беқиёсдир. Юртимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар қаторида ва маданий-маърифий ривожланишни ўзига хос йўлини танлаши натижасида, таълим муассасаларида ёшларга мусиқа таълими бериш соҳасида олиб борилаётган тизимни жаҳон андозалари асосида таълимга олиб кириш бугунги кунда ислоҳотлар натижасида ўз ўрнини топмоқда. Ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама камол топтириш, уларда миллий анъаналар ва санъатга бўлган қизиқишларини, тафаккурларини ривожлантириш, миллий санъат асарлари билан таништириш ҳамда ўргатиш ҳозирги кундаги энг муҳим вазифалардандир.

Мусиқа инсон ҳиссий кечинмалари, фикрлари, тасаввур доирасини мусиқий товушлар изчиллиги ёки мазмун воситасида акс эттирувчи санъат тури. Мусиқа инсонни маънавий-ахлоқий тарбиясини шакллантиришда, улардаги турли кайфиятларни, яъни кўтаринкилик, шодлик, завқланиш,

[131] Халқ сўз газетаси 2019 йил 4 май.
[132] Янги Ўзбекистон газетаси.2021 йил 17 август.

мушоҳадалик, ғамгинлик, хавф-қўрқув ҳислатларини инсонни ҳис-туйғуларини, орзу-умидларини, хоҳиш-истакларини ўзига хос бадиий тилда ифода этиб ўзида мужассамлантиради. Чунки, мусиқа ҳар доим ривожланиб турувчи жонли санъатдир. Мусиқа инсон умрини доимий йўлдоши, мусиқа инсонни юрагига чуқур кириб, уни ички кечинмаларини акс эттирувчи кучга эга. Мусиқа инсони маънавий-аҳлоқий тарбиясида тарихий даврларга ҳос руҳий тароват, суръат, ижтимоий фикр ва кечинмалар умумлашган ҳолда ифодаланиб, ҳар бир даврнинг маънавий-ижтимоий талабларига жавоб берган ҳолда инсон ҳаётининг асосий мазмуни бўлиб келган. Ўтмишда барча халқлар мусиқанинг маънавий-ижтимоий тарбия кучидан фойдаланган ҳолда ўз ҳарбий қўшинларини жанговарлик тайёргарлигини оширишда алоҳида мақсадлардан фойдаланган. Унда мусиқадаги шаҳдамлик ва кўтаринкилик улардаги жанговарлик руҳиятини ва салоҳиятини оширишга ёрдам берганлигини мисол ўрнида келтириш мумкин. Яратилган ажойиб мусиқа асарлари чуқур фалсафий мазмун билан суғорилган бўлса, инсон маънавий-ахлоқий тарбиясида муҳрланиб қолади ва фикрлаш доирасида муҳим ўрин тутади.

Агар биз ўзбек халқининг миллий анъаналари ва қадриятларини ўзида мужассам этган ўтмиш маънавиятимиз тарихига мурожаат этсак, мусиқа асарлари ижросида аждодларимиз бир-бирларини тарбиялаш борасида кўпгина амалий ишлар қилишган. Мусиқа санъатида ўзининг илмий рисолалари билан тарихда из қолдирган мутафаккирларимиздан Абу Наср Форобий “Илмларнинг келиб чиқиш тўғрисида”ги асарида мусиқа санъатининг сеҳр кучи, мўжизакор таъсири, инсон маънавий камолоти ва саломатлигини мустаҳкамлашдаги аҳамияти ҳақида шундай фикр юритган: “Бу илм шундай маънода фойдаликки, у ўз мувозанатини йўқотган одамлар ҳулқини тартибга келтиради, мукаммалликка етмаган ҳулқни мукаммал қилади ва мувозанатда бўлмаган одам ҳулқини мувозанатини сақлаб туради. Бу илм таннинг саломатлиги учун фойдалидир, чунки, тан касал бўлса, руҳ ҳам сўлади, тан тўсиққа учраса руҳ ҳам тўсиққа учрайди. Шунинг учун мусиқа асбобларида ижро этиладиган созлар овозининг таъсири руҳни соғайтириш ёрдамида тана соғайтирилади, руҳ эса ўз кучларини тартибга солиб, ундан озуқа олади” – деб таъриф берган[133]. Форобий мусиқага инсон аҳлоқини тарбияловчи, сиҳат-саломатлигини мустаҳкамловчи восита-деб қараган. Абу Али ибн Сино таъбирига кўра “Мусиқа қалб кучларига руҳий бахш этади, уни ортиқча ҳаёллардан тозалайди. У яхши кайфият яратиш, қувноқ хиссиётлар ҳосил қилиш орқали шифобахш таъсир қилиши мумкин” – деб изоҳ берган[134].

Мусиқа маънавий-аҳлоқий тарбиясини ривожлантиришда асосий омил сифатида шахснинг шаклланишига кучли таъсир этиш ҳаётда исботланган. Оилада, мактабгача таълим ташкилотларида, умумтаълим мактабларида ва мактабдан ташқари таълим муассасаларида мусиқа машғулотлари ёш авлодни маънавий ички дунёсини бойитишда муҳим воситадир. Ҳар бир миллатнинг

[133]М М.М.Хайруллаев. Абу Наср Форобий. Тошкент. 1966 йил.

[134] О.Матёкубов. Ибн Сино ва мусиқа. Совет Ўзбекистони санъати журнали. 1980 йил. №8-сони.

ўз миллий товушлари ва миллий ижро этиш услублари бор. Ҳозирги кунда “Оммавий маданият” деб ёт бўлган мусиқа оҳанглари миллий, маънавий-мафкурамизга кириб келаётган мусиқалар ҳам йўқ эмас. Бундай мусиқа оҳангларига ижрочилар ўзларини шахсий туйғуларини оҳангларда ифодалаб, кенг омма орасида янгилик яратдим деб ҳеч қандай мусиқий услуб йўналишларига тушмайдиган ижролар орқали инсонлар маънавий-аҳлоқий тарбиясига зиён етказаётганлиги ҳозирги кунда хеч кимга сир эмас. Ҳатто, бундай мусиқа кўринишларни оммавий ахборот воситаларида берилаётганлиги, катта-катта саҳналарда, тўй-томошаларда, транспорт воситалари радиоларида ижро этилаётган мусиқа асарлари эшитувчиларни маънавий-мафкурасига, тафаккурига салбий таъсир кўрсатаётганлигини гувоҳи бўлмоқдамиз. Айниқса, бизнинг миллий анъаналаримизга, қадриятлар ва урф-одатларимизга хос бўлмаган, маънавий аҳлоқ-одоб қоидаларига мутлоқ тўғри келмайдиган ижро услублар ёшлар ҳаётига кириб келаётганлиги бугунги кунда барчамизга аён.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил август ойида Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувидаги “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришни мустаҳкам пойдеворидир” маърузасида шундай деган: “Биз бир нарсани эсимиздан чиқармаслигимиз зарур. Агар “Оммавий маданият” тахдиди фақат четдан – Ғарбдан кириб келади десак, қаттиқ адашамиз. Бу бало, афсуски, ўзимиздан, ўз орамиздан чиқиши мумкин. Мен бу гапларни осмондан олиб айтаётганим йўқ. Юртимизда нашр этилаётган айрим газета-журналлар, клип ва киноларни эфирга берилаётган қўшиқ ва рақсларни кузатиб, соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам шундай хулосага келиши табиий”[135]. Давлатимиз раҳбари ёшларни маънавий-аҳлоқий тарбиясини бузувчи “Оммавий маданият”, деб ёт ғояларни олдиндан кўра била олган ҳолда Ўзбекистон ижодкор зиёлиларини огохлантирмаган бўлсалар керак. Бундай холатни олдини олиш учун ижти-моий-маънавий муҳитни барқарорлигини ташкил қилиш, ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий оламини ва маданий савиясини юксалтириш, ёшлари-мизни ўзбек миллий ва жаҳон мусиқа маданиятида из қолдирган мумтоз асарлар билан бирга, уларни ёшларга хос бўлган мусиқа асарларидан баҳраманд бўлишлари учун замин яратиш муҳимдир. Инсоннинг маънавий-аҳлоқий тарбиясини ривожланишида мусиқанинг таъсир имкониятлари шунчалик кенгки, юқори бадиий савияда яратилган мусиқа асарлари миллатни маънавий тарбиясини янада юксалтиришда, ундан завқ олишга, ўзида тингловчини имонли, ор-номусли бўлишга даъват этувчи фазилатлар мавжуддир.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, юртимизда маънавий-ижтимоий барқарорлик туфайлик илм-фан, таълим тизими ҳамда миллий маданиятимиз интеграциялашаётган айни пайтда барча соҳалардаги ютуқларни юксак маънавиятли ва интеллектуал салоҳиятли ёшлар орқали қўлга киритилмоқда. Миллий

[135] Халқ сўзи газетаси. 2017 йил август сони.

маънавиятимизни янада юксалтиришда, халқимизнинг эзгу орзуларини рўёбга чиқаришда, ёшларни бебаҳо илмий ва маданий меросимизга муносиб руҳда тарбиялаш борасида олиб борилаётган ишларда ўзларини намоён қилишмоқда.

Охирги беш йилликни олиб қарайдиган бўлсак, Давлатимиз раҳбари ташаббуслари билан ўтказилиб келинаётган турли русумдаги “Халқаро мусиқа фестивал”лари ва “Анжуман”лардаги ижро этилаётган кенг қамровли мусиқа асарлари бугунги кунда ёшларда ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетини кучайтиришда миллий қадриятлар ва анъаналарни асраб авайлашда, уни кенг тарғиб этишда, маънавий-аҳлоқий тарбиясида чукур ўрин олишида ва Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид Давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 28 июндаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва сохани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги Қарорини амалга оширишда, “Юксак маънавиятли, авлод” тарбиясида интелектуал ва ижодий салоҳиятларини рўёбга чиқаришда асосий куч бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 28-июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги Қарори. Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 29 июл.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил 3 майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. Халқ сўзи газетаси. 2019 йил 4 май.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришни мустаҳкам пойдеворидир” номли нутқи. Халқ сўзи газетаси. 2017 йил август сони,

4. М.М.Хайруллаев. Абу Наср Форобий. Тошкент. 1966 йил.

5. М.М.Хайруллаев. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. Тошкент.1971 йил.

6. О.Матёқубов. Ибн Сино ва мусиқа. Совет Ўзбекистони санъати журнали. 1980 йил. №8-сони.

РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Тўраев Камолиддин Самадович,
Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти етакчи илмий ходими

Мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ислоҳотлар янги босқичга кирганида бу жараёнларни такомиллаштириш йўлларини ўрганувчи илмий йўналишлар ҳам, ўз олдига янги вазифаларни қўяди.

Ушбу вазифани амалга ошириш учун маънавийи-маърифий ва тарбия масалаларини ўрганувчи, ўзгартирувчи янги ижтимоий педагогик ёндашувлар, жаҳон тажрибасини ўрганиш зарурати пайдо бўлади.

Жаҳонда миллий мустақилликни қўлга киритган мамлакатлар ўз тараққиёт йўлларини белгилашда энг авалло, миллийликни, миллий маънавиятни тиклашни бош вазифаларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратишган. Республикамизда маънавият ва маърифат соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар давлатимизнинг миллий маънавиятини тиклаш, жамиятни маънавий янгилаш, аҳолининг миллий мафкуравий онглилигини ошириш вазифаларини амалга оширишга қаратилган сиёсатнинг маънавий-маърифий воситаси бўлиб хизмат қилади.

Мана шундай ислоҳотларни келгуси беш йилликда ҳам давом эттириш, уларнинг узвийлигини таъминлаш мақсадида **“Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари”** тамойили асосида Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ишлаб чиқилди. Ушбу стратегиянинг “Маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш деб номланган V йўналишида бир қатор вазифалар асосий мақсад қилиб белгилаб берилган. Мазкур йўналишида белгиланган вазифаларнинг 71 мақсади – “Эзгулик ва инсонпарварлик тамойилига асосланган “Ҳаракатлар стратегиясидан - тараққиёт стратегияси сари” ғоясини кенг тарғиб этиш орқали жамиятда соғлом дунёқараш ва бунёдкорликни умуммиллий ҳаракатга айлантириш асосий вазифа сифатида белгиланган.

Жумладан, “Янги Ўзбекистон – маърифатли жамият” концепциясини амалга ошириш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича ҳуқуқий-маърифий тадбирларни халқимизнинг бой тарихи, илмий-маданий мероси, миллий-диний қадриятларни ўргатиш билан уйғун ҳолда ташкил қилиш, тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этишнинг таъсирчан, креатив ва инновацион услубларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни ўз вақтида амалга ошириш чораларини кўриш, ўзбек халқининг миллий қадриятлари ва маънавий меросини асраб-авайлаш, кенг оммалаштириш ҳамда ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, оила, таълим ташкилотлари ва маҳаллаларда маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда холис

ахборотларни ўз вақтида бериб бориш орқали ёлғон маълумотлар тарқалишининг олдини олиш, “маҳалла – туман – вилоят – республика” принципи асосида ҳудудлар кесимида ижтимоий-маънавий муҳитни оптималлаштириш харитасини шакллантириш, бу жараёнга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, маънавий тарбияни баҳолашнинг илмий асосланган индикаторларини ишлаб чиқиш, мактабларни чинакам маънавият ва маърифат, маданият ўчоғига айлантириш учун таълим-тарбиянинг интерактив усулларини қўллаш, мафкуравий хуружларга қарши миллий ғоя асосида биргаликда курашиш, оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва шу асосда маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш кўникмасини шакллантириш, “Ёшлар-Янги Ўзбекистон бунёдкорлари” шиори остида “Янги Ўзбекистон-Учинчи Ренессанс” ғоясининг рўёбга чиқарилишини таъминлаш[136] каби масалалар қамраб олинган.

Шунингдек ушбу йўналишнинг 74-мақсади – Жамиятда миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Яъни, миллий маданий марказларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш, миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясининг изчил амалга оширилишини таъминлаш, турли миллат ёшлари учун қўшимча қулай шарт-шароитлар яратиш, уларда фуқаролик бурчини англаш, ватанпарварлик, бағрикенгликка асосланган миллатлараро муомала маданиятини юксалтириш, хорижий тилларда фаолият юритаётган ҳамда миллатлараро муносабатлар соҳасида давлат сиёсатини ёритаётган оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўшимча қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш асосий вазифа сифатида эътибор қаратилган.

Тараққиёт стратегиясининг “Миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш” деб номланган VI йўналишининг 82-мақсади – Экстремизм ва терроризмга қарши курашишнинг самарали механизмларини шакллантириш яъни фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга имкон берадиган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича самарали давлат сиёсатини амалга ошириш, экстремизм ва терроризмни келтириб чиқарувчи омилларнинг олдини олишга қаратилган превентив механизмларни такомиллаштириш, ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш, ёт ғоялар таъсирини олдини олиш ва уларнинг таъсирига тушиб қолганлар билан тизимли ишлаш орқали уларнинг муаммоларини бартараф этиш, аҳоли, айниқса ёш авлодда терроризм ва экстремизм мафкурасига қарши қатъий ва барқарор иммунитетини шакллантириш, экстремизм ва терроризмга қарши курашишнинг халқаро-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ҳамда хорижий давлатлар, минтақавий ва халқаро ташкилотлар билан экстремизм ва терроризмга қарши

[136] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” ПФ-60-сон фармони. https://lex.uz/docs/5841063

курашиш соҳасидаги ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини кенгайтириш, дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасалари, Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги, шунингдек, чет элга узоқ вақтга кетаётган ҳамда яшаб келаётган фуқаролар билан шуғулланувчи бошқа идораларнинг кадрлар салоҳияти ва ресурсларини мустаҳкамлаш, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан экстремизм, терроризм ва уларни молиялаштиришга қарши кураш соҳасида ахборот ҳамда тажриба алмашиш, фаолияти экстремизм ва терроризмга қарши курашишга қаратилган халқаро ва минтақавий ташкилотларда фаол иштирок этиш, Марказий Осиёда БМТнинг Глобал аксилтеррор стратегиясини амалга ошириш бўйича ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларни биргаликдаги ҳаракатлар режаси доирасида мувофиқлаштириш, Марказий Осиёда экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича биргаликдаги ишлар доирасида ахборот алмашинуви ва ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам берувчи халқаро ташаббусларни амалга оширишда Ўзбекистоннинг ролини кенгайтириш, дунё ҳамжамияти ва минтақавий ташкилотлар эътиборини Афғонистонда тинчлик ва ҳамжиҳатликни таъминлашга жалб қилиш борасидаги ташаббусларни жадаллаштириш ва ушбу мамлакатни минтақавий ҳамкорлик жараёнларига, шу жумладан экстремизм ва терроризмга қарши курашишга жалб қилиш[137] муҳам аҳамият касб этади. Зеро, Тараққиёт стратегиясида мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, барқарорликка рахна солувчи экстремизм, терроризм, миссионерлик таҳдидларига қарши жамиятимизда кенг кўламли маънавий-маърифий тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Бу соҳада олиб борилаётган ислоҳатлар замирида Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти муносабатларини шакллантиришнинг ўзига хос ва мос хусусияти шундан иборатки, бу муносабатлар ижтимоий-маънавий йўналтирилган, миллий мазмунга эга. Бу миллий маънавий тараққиётимиз тадрижини педагогик ўрганиш учун ҳаётий аҳамиятга эга. Чунки мамлакатимизнинг ҳозирги ва бундан кейинги тараққиёти халқимизда, айникса ёшларимизда миллий мустақилликни мустаҳкамлашга қодир, ҳар қандай бузғунчи ғояни фикр билан енга олувчи эътиқоднинг шаклланганлигига боғлиқ. Бу эса ғурурли, ватанпарвар, давлатлараро, миллатлараро дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилишга қодир, сўзи билан иши бир, миллий истиқлол ғоясини чуқур ўзлаштирган кишилар, ёшларга боғлиқ. Бундай фазилат соҳибларини тарбиялаш ижтимоий педагогик масала сифатида ўрганилиши ва тажриба-тадқиқот ишларида синаб кўриб, жорий қилиниши давлат ва жамият қурилиши нуқтаи-назаридан катта аҳамиятга молик.

“Маънавий-маърифий ишлар” тушунчаси Ўзбекистонда маданий, фундаментал ва илмий-амалий аҳамиятга эга. Унда ижтимоий маънавий ҳаётни илмий ўрганиш, ислоҳ қилиш механизмини белгилашда ижтимоий

[137] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” ПФ-60-сон фармони. https://lex.uz/docs/5841063

ислоҳотлар учун фойдали катта амалий имкониятлар мавжуд. Масаланинг фундаментал моҳиятига унинг:

инсоннинг иккинчи сигналлар системасига асосланиши;

миллий ғоя, тарих, фалсафа, педагогика, психология, маънавият асослари, сиёсатшунослик, ахлоқшунослик, социология, каби фанлар нуқтаи-назарларидан очиб берилиши, динлараро бағрикенглик (Ислом, Христиан, Иудаизм ва Буддавийлик таълимотларидаги миллатлар ва инсонпарварона миллий муносабатлар) билан боғланиши;

миллий мустақилликка эришилган даврдаги маънавий сиёсатнинг қиёсий педагогик таҳлил қилиниши;

ўзбек давлатчилигининг шаклланишида миллий маънавият ролининг очиб берилиши ва бошқалар тақозо қилинади.

Бу борада шахснинг етакчи фазилатлари сифатида миллатлараро тотувлик, ватанпарварлик, миллий ғурурнинг алоҳида ўрни бор. Чунки бу кўпмиллатли мамлакатимизда истиқомат қилувчи турли халқларнинг қадимги ва замонавий маданиятларининг уйғунлашуви учун янада кўпроқ имкониятлар яратади. Ўзбекистонда истиқомат қилаётган ҳар бир халқнинг маданий анъаналари ривожланган, бир-бирини бойитиб, табиий равишда Ўзбекистон халқининг умуммиллий маданият хазинасига қўшилади. Зеро, мамлакатнинг маънавий-маърифий ишлар тизими – миллий давлатчилигимизнинг стратегик мақсадларига хизмат қилади. Яъни ҳам миллий, ҳам жаҳон мамлакатлари маънавиятидан хабардор Ўзбекистон ёшларининг янги авлоди Шарқ ва Ғарб цивилизациялари ҳамкорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу фазилатларнинг уйғун шакллантирилиши умуммиллий бирликни яратишга ёрдам беради. Диний эътиқодлар, тиллар, анъаналари ҳар хил инсонларни ягона мамлакат, унинг тақдири, тарихи, бугунги муаммоларини ҳал этиш ва келажаги буюк давлат бунёд этиш каби умумий мақсад йўлидаги интеграциясини таъминлайди. Бу эса маънавиятнинг жамиятимизда маҳаллийчилик, мафкурасизлик, лоқайдлик каби миллий хавфсизлигимизга таҳдидларнинг олдини олиш, мамлакатда нафақат талаба-ёшлар, балки бутун жамиятни маънавий янгилаш, одамлар тафаккурини ўзгартиришга қаратилган ижтимоий-педагогик зарурат сифатида қанчалик муҳим стратегик, ижтимоий-сиёсий қимматга эга эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжуманда “Бугун қанча ёшлар сохта алдовларга учиб, ўз умрини хазон қилаётганини ўйлаб, тўғриси, тунлари ухламасдан чиқаман. Ўзингиз айтинг, азиз биродарлар, бу аччиқ ҳақиқат юрагимизга ханжар бўлиб санчилиши керак эмасми? Ахир, кечагина шу ёшлар, ўзимизнинг қоракўзлар, биримизнинг маҳалладошимиз, биримизнинг ўғлимиз, биримизнинг қизимиз ёки жиянимиз эди-ку! Улар қачон адашди, қачон нотўғри йўлга кириб кетди? Биз нега ғафлатда қолдик? Қачон, қаерда хатога йўл қўйдик? Фарзандларимиз қачон бегоналарнинг қўлига ўтиб кетди? Нима жин урдию улар ўзота-онаси, ўзюртининг душманига айланиб қолди? Бугун бу мудҳиш

бало-қазонинг олдини олмасак, бор кучимизни шунга сафарбар этмасак, эртага кеч бўлади”[138] деган фикрлари бугунги кунда маънавий-маърифий ишлар, тарғибот тизимининг бор масъулиятини кўрсатиб берди. Ушбу дастурий фикрда “бор кучимизни” бирлаштириш ғояси ётганини кўрамиз. Бу эса ўз навбатида маънавий-маърифий ишлар амалиёти учун жамиятни бирлаштиришга қаратилган дастур самарадорлигини янада оширишни талаб қилади. Зеро ушбу интегратив принцип бузилганида маънавият, мафкура соҳасида бўшлиқ пайдо бўлиб, бу нафақат ўз халқи, Ватанига қарши қўлига қурол олган ватан хоинларини юзага келтиради, балки бир қараганда кўзга ташланмайдиган салбий сифатларни ҳам кучайтиради. Бу борада фалсафа фанлари доктори М.Жакбаровнинг масалага ижтимоий-сиёсий ёндошуви эътиборга молик. Олим шахс ва муҳитнинг ўзаро таъсири ва бунда маънавиятнинг роли тўғрисида шундай ёзади: “Тафаккур соҳиби бўлган одамнинг ҳаёти ўз атроф теварагидаги “одатий онг”, “одатий қилиқлар” таъсирига берилувчандир. Агар ижтимоий муҳит пок, соғлом бўлса, “одатий онг”, “одатий қилиқлар” ҳам соғлом руҳдан озиқланиб, тўғри йўналиш олса, инсоннинг баркамол шахс бўлиб етилиши учун ёрдам беради. Борди-ю катта-кичик ижтимоий муҳитда носоғломлик, нопоклик бўлса, унинг устига бундай муҳит етакчилик қилса, бу ҳолда одамда ғайриинсоний сифатлар қарор топади. Ғайриинсоний муҳит ғайриинсонлар - ўғрилар, босқинчилар, порахўрлар, фоҳишалар, юлғичлар, текинхўрларни юзага келтиради”.[139]

Дунё тажрибасидан маълумки, ҳар бир мамлакат иқтисодий, сиёсий, ижтимоий тараққиётида ҳамда уша халқни келажакдаги тақдирини белгилашда маънавият соҳасига эътибор қаратиш алоҳида аҳамият касб этади. Хулоса қилиб айтганда, Президентимиз Шавкат Мирзиёев қайд этганидек: “Биз маънавият ва маърифат ишини ватанпарварлик иши, виждон иши, деб биламиз. Виждони, маънавияти бор инсон Ватанни, албатта, яхши кўради. Виждон, маънавият дегани – халққа, Ватанга чин юракдан хизмат қилиш деганидир. Мана шундай қараш бутун халқимиз, айниқса, ёшларимиз томонидан кенг ва қизғин қўллаб-қувватланаётгани маънавий тарбиянинг нақадар долзарб аҳамиятга эга эканини кўрсатади”[140], дея таъкидлаши айни ҳақиқатдир. Бинобарин, Ватан шаъни, ор-номуси учун жамият мақсад ва манфаатларини тушуниб етадиган, ҳар томонлама етук комил инсонни тарбиялашда маънавият энг таъсирчан ва қудратли қурол вазифасини ўташини бугунги давр ва замон тақозо этмоқда.

---

[138] Ш.Мирзиёев. Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик. (Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқи) – Халқ сўзи. 2017 йил 16 июнь № 119 (6813) Б.2.

[139] Жакбаров М. “Комил инсон ғоясининг тарихий-фалсафий негизлари. IX-XII асрлар” –Т.: Тафаккур, 2011й. 62 бет.

[140] Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма саккиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. http://uza.uz/oz/politics/prezident-shavkat-mirziyeevning-zbekiston-respublikasi-musta-31-08-2019.

БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ЎҚУВ МОТИВЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Бахтиёрова Сурайё Хуршид қизи,
Низомий номидаги ТДПУ Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш факультети сиртқи бўлими 3-курс талабаси.

Ёшларни эркин фикрловчи, янгиликка интилувчи ва баркамол инсон қилиб тарбиялаш бошланғич синфлардан олиб борилади, бу жараён муҳим вазифалардан биридир. Шу сабабдан ҳам таълим мазмуни тубдан янгиланиб борилмоқда. Кичик мактаб ёши даврида болада мустақил таълим олиш мотивлари юзага келиб, улар энг оддий шаклда – билимларни олиш билан биргаликда қўшимча манбаларга ва турли мавзулардаги китобларни ўқишга қизиқиши билан юзага келади[141]. Ижтимоий мотивлар биринчи синфга келган боланинг дифференциал бўлмаган, умумий тушунишдан ўқиш ва ўрганишнинг зарурлиги сабабларини англашда, “ўзи учун” ўқиш мазмунини англаб етишда ижтимоий мотивларни амалий характер касб этишига сабабчи бўлади.[142] Мотивлар асосида ўқувчининг ўқув мустақиллигини шаклланиши ривожлантирувчи таълим шартларига боғлиқдир:

– фаолият мақсади. Нима қилинаётганлиги ва нима учун қилинаётган бола учун тушунарли бўлиши керак.

– ўқувчи фаолиятида мотивлар катта аҳамиятга эга. Мотивлар қўйилган мақсадга эришиш учун ҳаракат қилишга йўналтиради.

– фаолият мазмуни. Педагог томонидан бериладиган билимларни эмас, балки ўқувчининг ўзи томонидан мустақил излайдиган ва эгаллайдиган билимларни тақдим этиш. Турли ақлий ҳаракатларни талаб этувчи топшириқлар ўқувчилар билимларининг ривожланшига олиб келади.

– ўқувчи томонидан амалга ошириладиган фаолият таркибига кирувчи ҳаракатларнинг аҳамияти катта. Ҳаракатлар турлича бўлиши мумкин. Оддий ҳаракатлар (қандайдир бир ҳаракатларни такрорлаш), ижодий ҳаракатлар, амалий ва ақлий ҳаракатлар. Ўқувчи мураккаб топшириқни ўзи мустақил режалаштириб бажариши ёки педагогнинг кўрсатмасига кўра бажариши мумкин, бунда асосан, ўқувчидан мавзуни диққат билан эшитишни ва уни аниқ бажаришни талаб этади. Лекин мураккаб топшириқларни мустақил бажариш, ундан мустақил ҳаракат қилишни, топшириқни бажаришни йўллари ва услубларини мустақил топишни талаб этади.

– барча ташкилий шароитлар яратилмаса ҳар қандай фаолиятнинг ривожлантирувчи имконияти йўқолади.

– ўқувчининг фаолияти ривожлантирувчи характер касб этиши учун, у доимо мураккаблаштирилиб борилиши керак. Фаолият мазмуни ва

[141] Д.М.Юлдашева, Д Асқарова. Ўзбек болалар нутқига доир матнларда лакуна … - Academic research in …, 2021 - cyberleninka.ru.

[142] On Lingvofolcloristic Units. YD Maxamadalievna… - International Journal of …, 2021 - ijcm.academic journal.io.

вазифалари аста-секинлик билан мураккаблашиб боради, вазифаларнинг тезлиги ва сифатига талаб ошади, вазифаларни бажаришда ва ечимини топишда ўқувчилар мустақиллигига асосланилган бўлиши керак. ҳунинг учун унинг фаолият натижаси педагог томонидан назорат қилиниши ва баҳоланиши лозим – ўқувчи ўз муваффақияти ва муваффақиятсизликларини билиши (бизнинг фикримизча, назорат ва баҳолаш йўллари ўқувчиларнинг ўзларига ҳам ўргатиб борилиши зарур). Ҳар қандай шароитда баҳо ўқувчини келгусидаги мураккаб ва қизиқарли фаолиятга ундовчи стимулятор вазифасини ўташи лозим. Кўрсатиб ўтилганлар кичик мактаб ёшдаги ўқувчиларнинг мотиватсион соҳаси ўзгариб, уларни, "ўқувчи мавқеи"ни эгаллашига, яъни умумий ўрта таълим масканига боришга бўлган интилиши, қондирилганидан сўнг, янги муносабатларнинг – ўқув мотивлари ва бир қанча мураккаб шаклда бўлган ижтимоий мотивларнинг юзага келишидан далолат беради. Кичик мактаб даврининг охирларига келиб ўқувчиларда ўқув билиш мотивлари, яъни фақат янги билимларни ва умумий қонуниятларни эмас, балки янги билимларни топишнинг айнан бирор-бир йўлларини эгаллашга қизиқиш шакллантирилган бўлиши лозим. Тадқиқотимизда иштирок этган кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар ўқув мотиватсияси хусусиятларини, ички ёки ташқи мотиватсиянинг устунлигини аниқлаш учун Н.Г.Лусканова томонидан таклиф этилган сўровнома шаклидаги методикадан фойдаланиш мумкин. Фанда ўқувчилар ўқув мотиватсияси хусусиятларини ўрганишга хизмат қилувчи кўпгина психодиагностик методикалар маълум. Аммо ушбу методика ўзининг ихчамлиги, ундаги саволларда ўқувчи учун одатий бўлган ҳаётий вазиятлар акс этиши, жавоб вариантларининг тайёр ҳолда келтирилгани, уни ҳам индивидуал, ҳам гуруҳий қўллаш мумкинлиги, олинган натижаларни қайта ишлаш жараёнини қулайлаштиради.

Мотивлар асосида ўқувчининг ўқув мустақиллигини шаклланиши ривожлантирувчи

таълим шартларига боғлиқдир:

– фаолият мақсади. Нима қилинаётганлиги ва нима учун қилинаётган бола учун

тушунарли бўлиши керак.

– ўқувчи фаолиятида мотивлар катта аҳамиятга эга. Мотивлар қўйилган мақсадга эришиш учун ҳаракат қилишга йўналтиради.

– фаолият мазмуни. Педагог томонидан бериладиган билимларни эмас, балки

ўқувчининг ўзи томонидан мустақил излайдиган ва эгаллайдиган билимларни тақдим этиш. Турли ақлий ҳаракатларни талаб этувчи топшириқлар ўқувчилар билимларининг ривожланишигаолиб келади.

– ўқувчи томонидан амалга ошириладиган фаолият таркибига кирувчи ҳаракатларнинг аҳамияти катта. Ҳаракатлар турлича бўлиши мумкин. Оддий ҳаракатлар (қандайдир бир ҳаракатларни такрорлаш), ижодий ҳаракатлар, амалий ва ақлий ҳаракатлар. Ўқувчи мураккаб топшириқни ўзи мустақил режалаштириб бажариши ёки педагогнинг кўрсатмасига кўра бажариши

мумкин, бунда асосан, ўқувчидан мавзуни диққат билан эшитишни ва уни аниқ бажаришни талаб этади. Лекин мураккаб топшириқларни мустақил бажариш, ундан мустақил ҳаракат қилишни, топшириқни бажаришни йўллари ва услубларини мустақил топишни талаб этади.

– барча ташкилий шароитлар яратилмаса ҳар қандай фаолиятнинг ривожлантирувчи

имконияти йўқолади.

– ўқувчининг фаолияти ривожлантирувчи характер касб этиши учун, у доимо

мураккаблаштирилиб борилиши керак. Фаолият мазмуни ва вазифалари аста-секинлик билан мураккаблашиб боради, вазифаларнинг тезлиги ва сифатига талаб ошади, вазифаларни бажаришда ва ечимини топишда ўқувчилар мустақиллигига асосланилган бўлиши керак. Шунинг учун унинг фаолият натижаси педагог томонидан назорат қилиниши ва баҳоланиши лозим.

– ўқувчи ўз муваффақияти ва муваффақиятсизликларини билиши (бизнинг фикримизча, назорат ва баҳолаш йўллари ўқувчиларнинг ўзларига ҳам ўргатиб борилиши зарур). Ҳар қандай шароитда баҳо ўқувчини келгусидаги мураккаб ва қизиқарли фаолиятга ундовчи стимулятор вазифасини ўташи лозим. Қолаверса, ўқув мотиватсияси даражаси асосида ички ва ташқи мотиватсиядан қайси бири устунлиги ҳақида хулоса чиқариш учун зарур маълумотларни тўплаш имконини беради.

Н.Г.Лусканова таклиф этган методика учун ишлаб чиқилган стандарт баҳоларўқувчилар ўқув мотиватсияси тизимида ички ёки ташқи мотивлар устуворлиги аниқлаш имконини беради. Бундай методикадан амалиётда фойдаланувчи мутахассисларнинг кўрсатишича, ўртача ўқув мотиватсиясига мос кўрсаткичлар одатда ташқи мотиватсиядан дарак берса, ўртачадан юқори мотиватсия, ташқи талаб ва меъёрлардан нисбий мустақиллик, яъни ички мотивларга кўпроқ таянишни кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Д.М.Юлдашева, Д.Асқарова. Ўзбек болалар нутқига доир матнларда лакуна – Academic research in, 2021 – cyberleninka.ru.

2. On Lingvofolcloristic Units. YD Maxamadalievna – International Journal of, 2021 – ijcm.academic journal.io.

3. Маркова А.К. Формирование мотивации учения в школьном возрасте: Пособие для учителя. – М.: Просвещение, 1983. – С. 96.

4. Матюхина М.В. Мотивация учения младших школников. – М.: Педагогика, 1984. – С.144.

5. Шукина Г.И. Познавателниий интерес в учебной деятелности школника. – М.: “Знание”, 1972. – С. 32.

6. Овчарова Р.В.Практическая психология в началной школе. – М.: ТС Сфера,1998. – С. 240.

УЗЛУКСИЗ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯНИНГ ПЕДАГОГЛАР УЗЛУКСИЗ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ЖАРАЁНИДАГИ АҲАМИЯТИ

Тохириён Абдуллоҳ Шерализода
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Олий таълим педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ (минтақавий) маркази Таълим технологиялари кафедраси мудири, тарих фанлари номзоди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги ПҚ – 4307-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори [1] ижросини таъминлаш юзасидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори [2] узлуксиз маънавий тарбиянинг мазмунан янги ижтимоий-иқтисодий шароитлар, янги маънавий-маърифий қиёфа касб этаётган жамият, “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” тамойили асосидаги тараққиётнинг янги босқичи талабларига мос равишда ташкил этиш муаммолари ва уларнинг ечимлари бўйича дастуруламал бўлаётгани айни ҳақиқат.

Узлуксиз маънавий тарбия ҳаётнинг барча соҳалари учун бамисоли ҳаракатга келтирувчи асосий таянч омиллари каби зарур бўлган жараён ҳисобланади. Унинг таълим-тарбия жараёнидаги мақоми эса, яна ўзгача долзарб аҳамиятга эга. Зеро, педагог – жамиятнинг зиёлилар қатлами вакили сифатида, табиатан маънавият оламининг бош устунларидан биридир. Бинобарин, таълим-тарбия олувчи шогирдлар устоздан янгигидан янги, замон билан ҳамнафас бўлган маънавий озуқа олишлари учун, педагог шахсининг маънавий қиёфаси мунтазам янгиланиш, ривожланиш ва юксалиш тамойиллари асосида қарор топиши лозим.

Шу нуқтаи назардан, бугунги таълим-тарбия тизимига қўйилаётган талаблар доирасида, замонавий олий таълим тизимида педагогларнинг касбий фазилатларини ривожлантириш масаласида, айнан янги мазмунга эҳтиёжи борлиги аниқланмоқда. Айниқса, олий таълим тизимидаги қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнининг иштирокчиси бўлган педагогларнинг илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалаларига бағишланган ўқув модулларини ўзлаштиришлари натижаларига мувофиқ олиб борилган ўрганиш ишлари шундан далолат бермоқдаки, педагог учун инновацион муҳит унинг касбий фазилатларини ривожлантиришга муҳим таъсир этувчи восита сифатида хизмат қилар экан. Тингловчиларнинг умумлаштирилган фикрига кўра, уларнинг касбий фазилатларини ривожлантириш масаласи фақат педагогнинг шахсий фаоллиги, креативлиги, интилишига боғлиқ эмас, балки айнан таълим муассасасидаги ижодкорлик муҳити, рағбатга

йўналтирувчи омиллар ҳам ўзига хос аҳамиятга эга эканлигини инобатга олиш зарур экан. Шу ўринда, узлуксиз маънавий тарбиянинг педагогик ва инновацон муҳитни муштарак ривожлантиридаги жараёнда қанчалик йўналтирувчи ва ташкиллаштирувчи омил сифатида мақоми борлигини ўрганиш муҳим амалий аҳамиятга эга. Чунки, касбий фазилат ва инновацион муҳит бири бирини тўлдирувчи унсурлар бўлиб, узлуксиз маънавий тарбиянинг натижадорлигига қараб уларнинг самарадорлик даражаси аниқланади.

Кузатувлар натижаларига кўра, малака ошириш жараёнида тингловчилар, айниқса, “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш” модулининг амалий машғулотларида бажариладиган топшириқлар билан ишлаганида, инновацион муҳит тавсифи ҳақида мулоҳазалар билдириб, жумладан, шундай муҳит айнан касбий фазилатларни ривожланиш учун ўта зарурлигини таъкидлаган. Чунки ўқув модулининг назарий машғулотларидаги норматив-ҳуқуқий асосларга тегишли материаллар педагоглар учун мазмун жиҳатидан бой маълумотларни тақдим этади. Натижада, мазкур материалларнинг амалиётдаги қўлланиш ҳолати ҳақидаги мулоҳазалар илмий-педагог ходимларни инновацион муҳит қанчалик ижтимоий аҳамиятга эга эканлиги юзасидан хулоса чиқаришга ундайди. Кўпинча хулосаларда эса, илмий ва инновацион муҳит масаласи билан боғлиқ ҳолатлар албатта маънавий қиёфа, маънавий тарбия ва ҳатто маънавий муҳит муаммолари билан туташиб кетиши таъкидланади.

Илмий ва инновацион муҳитни яратиш, табиийки, моддий-техник имкониятлардан ташқари жамоадаги муносабатлар, бошқарув усуллари каби омилларга боғлиқ. Шу ўринда, Концепциянинг “Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси”ни амалга ошириш мақсадида, олий таълим муассасалари мураббийлари, профессор-ўқитувчилари, ёшлар етакчиларининг малакасини оширишлари зарурияти тўғрисидаги алоҳида банди диққатга сазовордир. “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси”нинг [3] муҳим асосий йўналишлари қаторида таълим тизимини такомиллаштириш ва инсон капиталини ривожлантириш масаласи қуйилган. Мазкур йўналиш бўйича белгиланган вазифалар қаторида олий таълим муассасасининг ички ва ташқи муҳитини илмий-технологик прогнозлаштиришни таъминлаш, уларнинг технологик ва инновацион муҳитини ва устувор инновацион йўналишларини ривожлантириш каби вазифалар ҳам ўрин олган.

Узлуксиз малака ошириш жараёнида, педагог учун яратилаётган инновацион муҳит туфайли нималарга эришамиз, деган саволга жавоб сифатида айтиш мумкинки, биринчидан, жамиятдаги ўзгаришлар, ислоҳотлар таълим мазмунига сингдирилиб, таълим олувчининг тасаввурида замон билан ҳамқадам бўлиши лозимлиги долзарб вазифадек кун тартибига чиқади ва тадрижий равишда анъанавий (консерватив) педагог саҳнанинг ўртасидан четроқда ўрин олади. Унинг ўрнига фаол бўлган, ижодий ва касбий фаолиятига чинакам сазовор, педагог-новатор, тадқиқотчи, маслаҳатчи,

лойиҳалар яратувчиси, инновацион тафаккур эгаси бўлган педагог кириб келади. Иккинчидан, айнан, шу сифатлар эгаси бўлган педагог, таълим муассасаларида таълим ва тарбия сифатига ижобий таъсир ўтказиб, жамиятнинг эҳтиёжига мос ва хос бўлган мутахассисларни тайёрлаш ва тарбиялашга ҳамда инновацион муҳитни мустаҳкамлашга ҳисса қўшади. Демак, ушбу жараёнда ҳам айнан юксак ахлоқий фазилатларга эга, юксак маънавиятли, шу билан бирга билимдон, зукко, руҳан ва жисмонан соғлом, кенг дунёқараш ва тафаккурга эга, замонавий билимлар ва илғор тажрибалардан огоҳ бўлган ватанпарвар инсоннинг ўрни алоҳида ажралиб туради. Бинобарин, педагогик жамоаларда, олий таълим муассасаларида педагогнинг касбий таянч фазилатларини ривожлантиришда барча ижтимоий-педагогик имкониятлардан фойдаланиб илмий-педагогик ва илмий-инновацион фаолият узвийлигини таъминлаш жараёнида узлуксиз маънавий тарбия тизимли ва мунтазам амалга оширилиши лозим. Айниқса, илм аҳлига тарғиб этиш зарурки, юртимиз тарихининг ўтмишдаги жозибадор бойлиги, биринчи ўринда, ўзининг юксак маънавияти ва маърифати билан улчанади. Масалан, буюк аждодларимиз, аллома мутафаккирлар Хоразмий, Беруний, Абу Наср Форобий, Аҳмад Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Имом Бухорий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқалар башарият тарихининг ривожига, айниқса, илм-фан, маънавият ва маърифатнинг юксалишига улкан ҳисса қўшган.

Энг муҳими, тарихимизда Биринчи ва Иккинчи ренессанс даврларига асос солган улуғ аждодларимиз, аллома боболаримизнинг орзу-интилишлари ва армонлари биз учун янги ва юксак мақсадларни кузлашга замин яратади. Ўз навбатида, Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ўзбекистонда янги ренесанс даври, яъни Учинчи ренессанс пойдеворини яратиш асосий мақсад этиб белгиланди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Биз Учинчи Ренессанс масаласини стратегик вазифа сифатида олдимизга қўйиб, уни миллий ғоя даражасига кўтармоқдамиз”. Демак, узлуксиз маънавий тарбиянинг педагоглар узлуксиз малакасини ошириши жараёнидаги аҳамияти, педагогнинг илмий-инновацион фаолиятини ривожлантириш мазмунини бойитиш билан чамбарчас боғлиқ десак, муболаға бўлмайди.

Фойдаланилган манбалар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. https://lex.uz/ru/docs/4320700 (мурожаат санаси - 08.03.2022)

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. https://lex.uz/docs/4676839 (мурожаат санаси - 08.03.2022)

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон. “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси”ни тасдиқлаш тўғрисидаги Фармони. https://lex.uz/ru/docs/3913188 (мурожаат санаси - 08.03.2022)

ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРДАГИ МИССИОНЕРЛИК ВА УНИНГ ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА САЛБИЙ ТАЪСИРИ

Ахмедов Эргаш Кулдашевич,
Тошкент кимё технология институти
фалсафа доктори (PhD), в.в.б. доцент

Интернетниинг бугунги кундаги ривожи ғоявий таъсир ўтказиш миқёси ва кўламининг кескин даражада ўсишига олиб келди. Интернет инсон онги ва қалбига таъсир кўрсатишнинг қудратли воситасига айландики, унда тарғиб қилинаётган маълумотларнинг фойдали ёки салбий оқибатларини бирданига ажратиб олиш жуда қийин масала бўлиб қолди. Интернетнинг улкан имкониятлари, унда ахборот оқимининг тезкорлиги, аудиториянинг чекланмаганлиги ўзининг асл мақсадини яширин тарзда амалга оширишни одат қилиб олган миссионерларнинг манфаатларига ҳам хизмат қилади. Замонавий миссионерликда интернетдан, ижтимоий тармоқлардан тобора кўпроқ фойдаланган холда тарғибот ишлари амалага оширилмоқда. Айниқса сўнги йилларда, мобил қурилмалар ва ижтимоий тармоқларнинг жадаллик билан ривожланиши интернетни миссионерлар учун асосий қуролга айлантирди. Бугунги кунга келиб минглаб, ҳатто ўн минглаб интернет саҳифаларида миссионерлар ўзларининг тарғибот ва ташвиқотларини амалга оширмоқда. Чунки, интернет инсонларни, айниқса, ҳали онги тўлиқ шаклланмаган ва диний билимлари ўта саёз ёшларни ўз домига тортишда энг самарали воситалардан бири саналади.

Бугунги кунда мобил ҳаётдаги тўхтовсиз ҳаракатланиш жараёнида ёшлар ўз вақтини фойдали ишлардан кўра кўпроқ интернет, ижтимоий тармоқларга бағишламоқдалар. Бу ҳақида А.Тулепов: “Пайдо бўлганига унчалик кўп бўлмаса-да, лекин аллақачон “ари уяси” каби энг гавжум электрон манзилларга айланган “Ижтимоий тармоқлар” ёвуз кучларнинг виртуал қуролига айланди” [1], – деб фикр билдиради. М.Т.Мусаев онлайн миссионерликнинг имкониятлари ҳақида тўхталиб: “Миссионерлик сайтларида тармоқ ичра онлайн, мураббийлик ва ўқитиш (электрон почта ёки онлайн тартибда Инжил бўйича машғулотлар), маслаҳатлар, дарслар, дуоларни топиш мумкин. Айниқса, “Христиан портали”, “Интернет – черков” кенг миқёсда фаолият кўрсатаётганлигини таъкидлаш ўринли” [2], – дейди.

Маълумотларга кўра 2022 йил январь ойида дунё бўйича ижтимоий тармоқлардан фойдаланувчиларнинг умумий сони 4,62 млрд. кишига етиб,

дунё аҳолисининг 58,4 %ини ташкил этмоқда [3]. Тобора рақамли бўлиб бораётган дунёда инсонларнинг кундалик ҳаётига ижтимоий тармоқлар борган сари кўпроқ таъсир ўтказмоқда. Бундай шароитда миссионерлар ҳам ўз ғояларини ижтимоий тармоқлар орқали, онлайн шаклда тарғиб қилишга кўпроқ эътибор қаратмоқда. Бунинг оқибатида ижтимоий тармоқларда ўз ўлжаларини излаб юрган "эътиқод овчилари"нинг тузоғига тушиш эхтимоли ортиб боради. Ижтимоий тармоқлар орқали ғаразли гуруҳлар ўзларининг қабиҳ ниятини амалга ошириш мақсадида ҳали онги шаклланиб улгурмаган ёшларни ақидаларидан адаштириш учун туну кун тинмай ҳаракат қилмоқда.

Миссионерлик ҳаракатининг назариётчиларидан бири бўлган Ричард Дж. Крейчир ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш миссионерга нима учун керак деган саволга жавоб берар экан, шундай дейди: "Ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари геометрик прогрессия билан ўсиб бормоқда, бу эса информацион тарғибот стратегиясини биринчи ўринга олиб чиқмоқда. "Facebook"ни бир давлат деб тасаввур қилинг. Агар у давлат бўлганида аҳоли сони бўйича дунёда учинчи ўринни эгаллаган бўлар эди" [4]**.** Facebook, Twitter ёки Instagram каби компаниялар даромадлари ўз фойдаланувчиларининг қизиқишига пропорционал тарзда ўсиб бораётган компаниялардир. Қаерда мобил алоқа ва "Wi-Fi" мавжуд бўлса, телефон, смартфон, айфон, айпад, коммуникаторлар, нетбуклар, ноутбуклар орқали одамлар онлайн мулоқотга киришиш имконига эга бўлгани эътиборга олинса, ижтимоий тармоқлар орқали миссионерлик ғояларининг тарғиб қилиниши инсониятга нисбатан қанчалик катта таҳдидга айланганини тасаввур қилиш мумкин.

Бугунги кунда ёшларнинг аксарияти ижтимоий тармоқдаги суҳбатни турли зиёфат ва учрашувлар, мусиқа ва дўстлар даврасидан устун қўймоқдалар. Тадқиқотчилар интернет ва компьютерни инсон психикаси, соғлиғи ҳамда маънавиятига салбий таъсир кўрсатишини таъкидламоқдалар. Бошқа касалликлар каби «юкумли internetukyc» мавжудлиги қайд этилмоқда. У қимор ўйини каби юқиб, кишини ён-атрофдан, ижтимоий ҳаётдан ажратиб қўяди. Маълумотларга кўра, интернетдан фойдаланувчиларнинг 5% га яқини шундай хасталикка чалинган [5]. Бизда ҳам сўнги беш-олти йил ичида атроф оламдан мутлақо узилган ва смартфонларига хаддан ортиқ боғланиб қолган ёшлар жуда кўпайиб кетди. Буни яхши англаб турган миссионерлар ўз тарғиботчиларига: "Агар сен черковинг, черков олдидаги хизматинг ва хатто ўз бизнесинг самарали ва махсулдор бўлишини истасанг, янги ва ривожланаётган алоқа платформаларини ўз фаолиятига тўлиқ жорий қилишинг керак. Бундай платформаларга Facebook, Twitter, Google+, LinkedIn, блоглар, интернет чат кабилар мисол бўлади. Бу ва шу каби кўплаб ижтимоий тармоқлардан одамлар билан мулоқотга киришиш учун энг муҳим майдон сифатида фойдаланиш мумкин" [6], деб маслаҳат бермоқда. Вайронкор ғоялар ҳамма вақт кўп бўлган. Лекин уларнинг кенг ёйилиши учун олдинлари минглаб ташвиқотчиларнинг тинмай юриб, тушунтириш олиб бориши керак бўлган бўлса, эндиликда ижтимоий тармоқлар орқали иш жойида, уйда, хатто дала ҳовлисида ўтириб юқори натижаларга эришмоқда. Ижтимоий

тармоқларда реал одамлар виртуал олам билан фикр алмашади, форум, чатга кириб, мулоқотда бўлади. Демак, ҳар бир ижтимоий тармоқлар фойдаланувчиси онлайн миссионерлик таҳдидига нишон бўлиши мумкин.

Миссионерлар томонидан ижтимоий тармоқлар орқали амалга ошириладиган, катта маблағ талаб қилмайдиган ғоявий таъсир ва тазйиқни кўпинча ўқувчи, тингловчи ёки томошабиннинг ўзи сезмай қолади. Бунда ғоявий таъсир йўналтирилган мамлакатлар аҳолисининг хоҳиш-истаклари, табиати, мавжуд муаммолари жиддий ўрганилган ҳолда, асосий диққат кишилар онги ва дунёқарашига таъсир кўрсатишга, шаклланган қадриятларни ўзгартиришга, уларнинг аҳамиятини камайтиришга ёки бутунлай йўққа чиқаришга қаратилади. Юртимизда ҳам интернет ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали амалга ошириладиган рақамли миссионерлик хавфи жуда юқори. Хали мафкуравий иммунитети, ахборот билан ишлаш маданияти тўлиқ шаклланмаган ёшлар бундай тузоқларга тез илинади. Бугунги ёшларнинг аксарияти асосий ахборот манбаи сифатида интернетга мурожаат қилишини хисобга олсак, “электрон тузоқ”ларнинг хавфи қай даражада эканлиги аён бўлади. Миллий-маънавий хавфсизликни таъминлашга интилар эканмиз, интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали намоён бўладиган “рақамли евангелизм” таҳдидига жиддий эътибор қаратишимиз ва зарурий чораларни кўришимиз шарт. Чунки интернет ва ижтимоий тармақлардаги миссионерлик ҳаракатларининг манипуляторлик имконияти жуда юқори ва самарали бўлиб, миллий маънавиятимиз тараққиётига жиддий таҳдид солади. Айниқса, интернетда медиа махсулотларнинг овоз, тасвир, матнни синхрон тарзда узатиш, тезкор маълумотни етказиш, аудиторияни жалб қила олиш, интерфаол мулоқотга киришиш сингари хусусиятлари онлайн миссионерликнинг қудратли манипулятив механизм бўлишини таъминламоқда.

Юқоридаги мулоҳазалардан кўринадики, миссионерлар ва уларнинг орқасида турган кучлар у ёки бу мамлакатдаги эътиқодий мувозанатни издан чиқариш, гўёки диний бағрикенглик, виждон эркинлиги ғоялари остида ўз таъсир доираларини кенгайтиришга интилишда ҳеч нарсадан қайтмайдилар. Шундай экан, интернетдан, ижтимоий тармоқлардан фойдаланаётганда доимо огоҳ ва сергак бўлиш мақсадга мувофиқдир.

Глобаллашув ва ахборот технологияларининг шиддат билан ривожланиши жараёнида интернет ва ижтимоий тармақлардаги миссионерликдан ҳимояланиш ва Ўзбекистонда ижтимоий-маънавий муҳит хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш учун қуйидагиларга аҳамият бериш зарур:

– Ахборот глобаллашуви шароитида интернет ва ижтимоий тармоқлардан қандай хавф-ҳатарлар кутилиши, уларни аниқлаш, ўрганиш, таҳлил қилиш ва олдини олиш борасида муайян концепциялар яратиш;

– Четдан кириб келадиган ва биз учун ёд бўлган эътиқод ва маданиятни тарғиб этадиган миссионерлик ҳаракати таҳдидларидан фуқароларимизни, айниқса, ёшларимизни ҳабардор қилиш;

– Ахборот технологиялар соҳасини янги босқичга кўтариш, миллий тарбия жараёнида бевосита иштирок этадиган сайтлар сонини кўпайтириш ва мавжудларини янада такомиллаштириш;

– Ҳар бир фуқарода ахборот маданиятини шакллантириш, ахборот ҳимояси бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлишига эришиш;

– Интернет ва ижтимоий тармоқлардаги таҳдидлар билан шуғулланувчи ва миллий маънавий ҳавфсизлигимизни таъминлашга кўмаклашувчи илмий-таҳлилий марказ ташкил қилиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Тулепов А. ИШИД фитнаси. Т.: “Мовароуннаҳр” 2015 й. 90 б.

2. Мусаев М.Т. Замонавий ахборот маконида миссионерлик таҳдиди. // Таълим, фан ва инновация, 2019 й. №2 65 б.

3. DIGITAL 2022: ANOTHER YEAR OF BUMPER GROWTH // http://wearesocial.com/blog/2019/0l/digital-2019-global-internet-use-accelerates

4. Dr. Richard J. Krejcir Internet Evangelism?// http://www.churchleadership.org/apps/articles/?articleid=78837&columnid=4542

5. Журенков К. Internetукус - заразный // Психология зависимости. - Минск, “Харвест”, 2004, 135-151 б.

6. Фалендыш Е. Интернет Евангелизм? (Часть 1) // http://bogblagodat.pp.ua/article/internet-evangelizm-2.html

5-ШЎЪБА. ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИГА ҚАРАТИЛГАН ТАҲДИДЛАРИГА ҚАРШИ МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

МУТОЛАА – МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТ МАНБАИ

Илёс Қувондиқов,
Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), ЎзДЖТУ ўқитувчиси.

Интернет ва бошқа воситалар жадал ривожланаётганига қарамай, инсоннинг онг ва тафаккурини чархлаш, маънавий оламини бойитиш, эзгуликни тарғиб этишда босма матннинг ўрни беқиёс. Шу маънода китоб асрлар давомида ахборот сақловчи, инсон онгига кучли тасир этувчи энг самарали восита вазифасини бажариб келган. Мустақиллик йилларида унинг бу мақомига қисман путур етди, кишилар матнли воситаларни, китоб ва оммавий ахборот воситаларини ўқишдан анча совидилар. Бунинг объектив ва субъектив сабаблари бор, албатта. Масалан, мустабидлик даврида мулкдор бўлмаган аҳолига мустақиллик даврида хусуий мулк эгаси бўлиш, бизнес билан шуғ0улланиш имконияти берилди. Ҳамма шахсий мулк орттиришга, иқтисодий-молиявий аҳволини яхшилашга, шахсий эҳтиёжларини комфирқа даврида қондира олмаганлик аламини тўлдиришга тушиб кетишди.

Жамиятнинг устқурмасида мулкчиликка муносабатнинг бундай туб бурилиши муайян давр мобайнида янги жамият аъзоларининг маънавий дунёқарашига ҳам бевосита таъсир кўрсатди. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг тамойилларидан бири – иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлигини шиор қилиб олға сургач, бу нафақат иқтисодиётда, балки, маънавият ва маърифатда ҳам акс-садо берди. Жамиятдаги юксалиш мезонлари мулкдорларнинг қанчалик молу давлат тўплаганига, фирма ва компанияларнинг ишлаб чиқаришдаги қўлга киритаётган ютуқларига қараб белгиланадиган бўлди. Бизнесдаги омадлилар, хориж инвесторлари билан фойдали ҳамкорлик қилаётганлар ҳақидаги ахборотлар куннинг долзарб мавзуларига айланди. Шу соҳа вакиллари замон қахрамонлари бўла бошладилар.

Бизнинг кекса авлод вакиллари, мустабид тузум даврини кўрганлар анча китобхон бўлганимизни айтиб юришни ёқтирамиз. Виртуал макон йўқ эди, газета ва журналлар миллионлаб чоп этиларди, яхши китоб топиш эса қийин эди. Жаҳон тан олган ёзувчи ва шоирларнинг тўла асарлар тўпламларига ҳар йили обуна эълон қилинар, унга навбатда турганлардан кўз тинарди. Ҳозир ана шу асарларнинг кўпчилиги ўзбекчага ўгирилган ва китоб дўконлари жавонларини тўлдириб турибди. Афсуски, уларни сотиб олаётганлар кам. Йиллаб навбат кутиб, бир неча томлик асарларга эга бўлганлар ўзларини бахтли ҳисоблар, ўша китобларни қўлма-қўл қилиб ўқиб чиқишарди. Автобусда, метрода ёки дам олишга борганда кишилар ўзлари ўқиб

улгуролмаган асарларини олиб юрардилар. Шўролар давридаги аҳоли “дунёда энг кўп мутолаа қиладиган”лар қаторида тилга олинарди.

Мана, шунча йиллар ўтиб, энди мулоҳаза қилиб қарасак, коммунистлар ўзлари қурган жамиятнинг мафкуравий қиёфасини жаҳон афкор оммаси олдида “энг ўқимишли халқи” билан ҳам ажралиб туришини истаган экан-да, чоғи. Ҳозир эса баъзан интернетга кириш бўйича Ўзбекистон жаҳондаги етакчи мамлакатлар қаторида эканлиги таъкидланган рақамларга дуч келамиз. Жаҳон миқёсида бу кўрсаткични мониторинг қилаётган ташкилотлар ҳам кўп. Лекин китоб ўқишнинг кўрсаткичи айтилавермайди, Ғарб бизни китобдан мосуво қилишга махсус тайёргарлик кўргандек гўё. Статистика органлари ҳам фақат виртуалликдаги мусобақани асослашади, турли рақамларни қиёслашади, виртуалликнинг китобхонликдан устунлигини таъкидлашади

Натижада жамоатчилик фикри виртуал реаллик атрофида шаклланмоқда, унинг матнли ахборот воситаларидан кўра устунлигини хоҳловчилар кўплиги фактига эътибор қаратилмоқда. Шунинг учун ҳам биринчи Президент Ислом Каримов шу кунлар келишини аввалдан билгандек, мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ халқимизнинг тазйиқлар остида унутилаёзган азалий қадриятларини тиклашга, уни маънан юксалтиришга алоҳида эътибор қаратганди. Деярли ҳар бир нутқида, ҳар бир учрашувида фуқароларимизнинг адолатсизликдан эгилган қаддини тиклашга қаратилган ғурурли чақириқларни такрорлашдан чарчамади. “Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минерология, кимё, астрономия, меъморлик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам топилади”.[143]

Таъкидланганидек, ана шу мероснинг ҳаммаси маънавий хазиналаримизда ўз тадқиқотчисини кутиб ётибди. Уларнинг ҳаммасини ахборот ресурс воситаларига юз фоиз жойлаштириш мушкул, қолаверса, ушбу жараён энди бошланди. Демак, ҳозирча биз манбаларимизни халқимизга танитиш, етказиш, улардаги ҳақли ғурурни тўла уйғотиш учун анъанавий китобхонликни янги бир поғонага кўтаришимиз лозим. Бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 24 майда қабул қилган ПҚ-2995-сонли “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги[144] Қарори тарихий аҳамиятга эга.

Биз ҳозир муаммонинг назарий томонлари ҳақида фикр юритяпмиз, чунки ушбу хазиналар калитини очиш анча тайёргарлик кўрган кишиларга, яъни махсус билим ва мутахассисликка эга бўлишни тақозо этади. Юқоридаги

[143] Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.: Маънавият. 2008. 30-31 б.

[144] Мирзиёев Ш.М. ПҚ-2995-сонли “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. Lex UZ on –line.

қарорда қадимги қўлёзмаларни ўқийдиган кадрларни махсус тайёрлаш, ҳатто уларни хориж мамлакатларига тажриба алмашишга жўнатишгача бўлган, кенг қамровли тадбирлар белгиланган. Масалан, араб алифбосида бемалол ўқиш, ёзиш ва илмий мулоҳаза юритиш талаб этилади. “Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам топилади”, дея Президентимиз ана шу меросни ўрганишга чорлаётган экан, бу вазифани изчиллик билан амалга ошириш жоиздир. Меросни ўрганиш ҳам аслида миллий ғоямиз тамойиллари тақозо қиладиган вазифалардандир. Комил инсон тамойили айнан ана шу меросларни келажак авлодга тўлақонли етказишни бевосита вазифа қилиб қўяди.

Қадимги қўлёзмаларни ўқийдиган кадрлар тайёрлаш, меросимиз манбаларини ўрганиш ёшлардаги мафкуравий иммунитетни миллий менталитетимизга хос тарзда шакллантириш имкониятини яратиши шубҳасиз. Бу эрда биз мафкуравий иммуеитетга бевосита боғлиқ бўлган, ҳозирча оғриқли бир масалани ҳам тилга олишимиз керак. Бу биздаги китобхонлик маданиятининг пастлиги. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари китобхонликни миллий юксалиш ғоясининг муҳим компонентларидан бири сифатида кўрсатдилар.

Ҳақиқатга тик қараш унга чора излаш манбаидир, шу маънода китобхонлик ёки мутолаа маданияти (руслар ана шу муаммони “культура чтения” деган истилоҳ билан белгилаганлар, яъни “мутолаа қилиш маданияти”) жаҳонда анчадан бери ўрганиб келинаётган фандир. Масалан, Америка Қўшма Штатларида кутубхоналар ва мутолаа социологияси XX аср ўрталарида бошлангани маълум. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Американинг Филадельфия штатида 1876 йилда кутубхоналар ассоциацияси (АЛА) ташкил этилган. Ушбу тузилма ўз вазифасини китобхонларни, яъни мутолаа қилувчиларни кутубхоналарга жалб этишда деб билган. Яна бир қизиқарли маълумот шуки, мутолаа муаммоси анчадан буён инсониятнинг диққат марказида бўлиб келаётган муаммодир.

Кутубхонашунослик бўйича инглиз тилида тайёрланган библиографик кўрсаткичда 1903 – 2004 йиллар мобайнида ҳимоя қилинган уч мингдан ортиқ диссертацияларнинг 150 таси мутолаанинг у ёки бошқа бир муаммоларига бағишлангандир.[145] Юз йилдан ортиқ вақт ичида шунча илмий иш бевосита мутолаа маданиятига бағишлангани кимларгадир кўп, кимларгадир кам бўлиб туюлиши мумкин, лекин бир нарса аниқки, мутолаа, яъни китоб ўқиш муаммоси кишиларнинг, олимларнинг ва кутубхонашуносларнинг доимий диққат марказида бўлиб келган ҳамда, адашмасам, шундай бўлиб қолмоқда.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов халқимизнинг азалдан китобхон халқ бўлганини ғурур билан таъкидлаган. “Алпомиш” достони, унинг қатағон қилингани ва зиёлиларимизнинг жасорати билан у сақлаб қолинганини ҳикоя қилар экан, Алпомишнинг ватанпарварлигини, халқимиз ана шу достонлар тимсолида тарбияланганлигини таъкидлаган: «Ишонаманки, ҳар бир авлод

[145] Ванеев А.Н. Становление петербургской школы библиотековедения // История библиотек. – Вып. 5. – СПб, 2004. – С. 23, 30.

мана шу қаҳрамонлик достонини асраб-авайлаб келгуси авлодларга етказади. Бу қаҳрамонлик эпосини куйлаб, уни қалбига, шуурига жо қилган миллатни эса ҳеч қандай куч енга олмайди”.[146]

Ушбу сўзлар бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган, у ёшлар учун ўзига хос чақириқ, мутоалаага чорлов, чунки тарихимизни, аждодларимиз меросини ўрганишнинг ишончли йўли шу ва унинг роли ҳали-бери камаймайди. Албатта, бу билан ахборот-ресурс марказлари ролини инкор қилишдан йироқмиз, бу шубҳасиз, ахборот асри учун хос бўлган ҳамда ривожланиш йўлига тушиб олган бизнинг республикамиз учун энг ишончли ва истиқболли йўлдир. Тошкент давлат санъат ва маданият институтида ўтказган бир кичик тадқиқотимиз ҳам буни исботлаб турибди.

Институтнинг ижтимоий-маданий фаолият факултети 4-босқичида таълим олаётган 50 нафар талабалар билан уларнинг мутолаага эҳтиёжи даражасини аниқлаш учун ўтказган тадқиқот натижаси шуни кўрсатди. “Ҳозирги вақтда ўз билимингиз ва савиянгизни ошириш манбаси нимада деб ўйлайсиз?” Ушбу саволга талабаларнинг 33 нафари ўз савияларини ошириш манбасини интернетдан фойдаланишда, 12 нафари бадиий-адабий асарларни мутолаа қилишда, деб жавоб беришди. Қолган талабалар аниқ жавоблари йўқлигини билдирдилар. Бу натижани биз жами ўзбекистонлик талабаларга хос бўлган кўрсаткич дейиш даъвосидан йироқмиз. Лекин кичик бир натижада ҳам маълум бир маъно-моҳият акс этади. Ахборот-ресурс марказлари, яна ҳам аниқроғи, интернет тизими ёшларни тобора ўзига жалб этаётгани ва улар барча нарсаларни, шу жумладан, мутолаани ҳам интернет орқали амалга оширишга устуворлик беришаётгани кўриниб турибди.

Ушбу фикрни янада қувватлайдиган бир натижани биз “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази 2019 йилда ёшлар ўртасида ўтказган социологик тадқиқотда янада аниқроқ билиб олиш имконига эга бўлдик. “Сизнинг ахлоқингизга бевосита таъсир ўтказадиган асосий факторлар нималардан иборат?”, деган саволга қарийб 33 фоиз ёшлар телевидениями, олти фоиз ёшлар интернетни кўрсатишган.[147] “Айтинг-чи, уйингизда тахминан нечта китоб бор?”, деб берилган саволга респондентларнинг 67,2 фоизи элликтагача китоб борлигини, салкам 21 фоизи юзтагача, 8,6 фоизи юзтадан беш юзтагача ва ҳоказо, деб жавоб берганлар. “Уйингизда қанақа китоблар бор?”, деб берилган саволга эса 61 фоиз ёшлар бадиий, 34 фоизи ихтисосимга хос ва 66,7 фоизи ўқув қўлланмалар ва ҳоказо, деб жавоб берганлар.[148]

Мутолаа маданиятини ўрганишни даврнинг ўзи талаб қилмоқда. Аввалари бу масалани махсус ўрганиш унчалик муҳим ҳисобланмаган, ушбу масалани ўрганиш шундай хулоса қилиш имконини бермоқда. Хорижда ушбу масалага оид муаммоларни ўрганишга ҳар хил ёндашувлар мавжуд. Масалан, Америкада бу муаммони жиддий ўрганишаётгани маълум, чунки 80-йилларда

[146] Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Т.: Маънавият. 2008.-34 б.
[147] Молодежь независимого Узбекистана(социологическое исследование). Т.: 2019. –с. 49.
[148] Молодежь независимого Узбекистана(социологическое исследование). Т.: 2019. –с. 56-57.

мамлакат аҳолисининг китоб ўқишдан кўра оммавий равишда “томошабин миллатга” айланиб кетаётгани ҳақида ташвишлар билдирилган ва бунга энг юқори доираларда ҳам эътибор қаратилганди. Мана, ҳозир айнан бутун жаҳонда ҳам ушбу жараён, яъни мутолаа қилувчилар “томошабинлар”га айланиб кетишаётгани борасида ташвишлар кўпаймоқда.

Бу жараён Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Олимлар матбуотда чиқишлар қилишмоқда, ёшларнинг китоб ўқишдан кўра кўпроқ интернет-кафеларда қолиб кетишаётгани, уйдаги компютерларидан фақат шу мақсадларда фойдаланишаётгани ҳақида ташвиш билдирмоқдалар. “Миллий тикланиш” газетасининг ўтган йилги 18 апрел сонида “Болалар китобни кўп ўқийдими ёки интернетни?” деб номланган мақола чоп этилганди. Ана шу мақолада мухбир вилоятларда, шаҳар ва туманларда бўлганлиги ва китоб дўконларининг бор ёки йўқлиги билан қизиққанлигини ҳикоя қилади. Вилоят марказларида изланса, китоб дўконларини топиш мумкинлигини, лекин шаҳарларда, айниқса туманларда китоб дўконларини топиш амри-маҳоллигини ташвишланиб ёзади.

Ушбу мақолада муаллифга суҳбатдош бўлган журналист Фарҳод Норбўтаев интернет-кафелар фаолиятини махсус ўрганиб чиққанини ва унда мижозлар (асосан ёшлар) ҳар соатга ўртача 800-1000 сўмдан ҳақ тўлашаётганини айтади. Мақола муаллифи ўрганганларини мулоҳаза қилиб, ҳар бир ота-она бир ойда интернет-кафеда ўтирган фарзандининг 90-100 минг сўмлик “истагини қондираётгани”ни таъкидлайди ва агар ўша болалар ҳар ойда 5-7 минг сўмни бадиий китоблар сотиб олишга сарфлаб, мутолаа билан шуғуллансалар, ҳам оилага иқтисод, ҳам ёшларнинг маънавий юксалишига имкон туғилар эди, дея ачиниш билан таъкидлайди муаллиф.

Албатта, ҳозир мутолаанинг шакл-шамойилини бундан 30-40 йиллар аввалгиси билан тенглаштиришга интилишнинг ўзи унчалик тўғри эмасдир, балким. Ғарб олимлари мутолаани ихтисослаштиришни, болалар, катталар, таълим муассасалари ва ҳоказо йўналишларда алоҳида тадқиқотлар олиб боришни, уни аудитория талаблари билан боғлашни ҳамда бу борадаги мутахассисларни ихтисослаштиришни таклиф қилмоқдалар.

Албатта, бу таклифларда жон бор. Ўзбекистонда ҳам китобхонликнинг асл моҳиятини, яъни ота-боболаримиз бир пайтлар навоийхонлик, бедилхонлик қилиб, бахшиларни чорлаб алпомишхонлик, гўрўғлихонлик қилган пайтлар бўлган, бир киши китоб ўқиса, ўнлаб кишилар унга тингловчи бўлган. Кексалар ана шундай давраларнинг таъсирчанлиги кучли бўлганини, эшитганлар ўз ҳис-ҳаяжонини бевосита шу ерда ифода қилиш, мулоҳазасини билдириш имкониятига эга бўлганлигини хотирлайдилар. Халқимизга хос чечанлик, мақол ва маталларнинг юзага келиши айнан ана шундай китобхонлик, достонхонлик давраларида пайдо бўлган, китобхонлик, ҳамкорликдаги мутолаа кишиларни бирлаштирган, мулоқот қилишга, билганини ўртоқлашишга ўргатган, авлодлар ва аждодлар ўртасидаги ришталарни мустаҳкамлаш воситаси бўлган.

XXI аср “ахборот асри” деб ном олди. Четдан қараганда, ҳамма ҳамма нарсадан бохабардай, лекин ана шу бохабарлик қанчалик асосли ва асоссиз эканлигини исботлаш қийин, чунки ахборотни қабул қилаётганларнинг мафкуравий иммунитети турлича. Бунга сабаб кишиларнинг, айниқса ёшларнинг билиб-билмай интернетдан у ёки бу маълумотларни ўзбошимчалик билан олиши, унга маҳлиё бўлиб қолиши, натижада дунёқарашининг, маънавиятининг ўтмаслашиб боришига сабаб бўлмоқда. Мутолаа аввало жонли мулоқот, ўқиганини ўртоқлашиш, бир-бирига гапириб бериш, баҳслашишдан иборат. Ўқиган нарсани гапириб беришгина уни билимга айлантиради ва хотирага мухрлайди. Ёшларимизнинг хотирасида миллий қадриятларимиз мухрланиши учун ҳар биримиз қайғуришимиз ва мутолаа халқимиз учун азалий қадрият бўлганини унутмаслигимиз лозим.

ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯСИГА ТАЪСИРИ (ВИРТУАЛ РАҚОБАТБАРДОШЛИК МИСОЛИДА)

Нилуфар Назарова,
Республика Маънавият ва маърифат маркази мустақил изланувчиси (PhD)

Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш нафақат шахс, балки, бутун жамият даражасидаги одатий ҳолга айланиб улгурди. Ҳозирги вақтга келиб, ёшлардаги рақобатбардошлик сифатларини шаклланиши ва ривожланишида виртуал муҳитнинг таъсири инкор этиб бўлмайдиган жараён сифатида ифодаланмоқда. Шу сабабли ҳам ижтимоий тармоқларининг ёшлар ҳаётида тутган конструктив хусусиятларини, турли веб-саҳифалар орқали уларнинг рақобатбардошлигини ошириш имкониятлари масаласи ҳақидаги фикрларини ўрганиш долзарб аҳамиятга эга.

Ёшларнинг рақобатбардошлик ҳақидаги назариялар таснифига кўра, уларда рақобатбардошлик сифатларининг шаклланишига бевосита ижтимоий тармоқлар ҳам маълум бир даражада таъсир кўрсатаётганлиги қайд этилади. Бугунги кун ёшлари учун ижтимоий тармоқларда ўзларининг машҳур аккаунтларига эга бўлиш оддий ҳолатга айланиб бораётганлигини эътиборга олсак, бу жиҳат уларнинг рақобатбардошлигини баҳолаш даражасига тўғридан-тўғри пропорционал бўлса-да, аммо ёшларнинг интернетдан мунтазам, жуда тез-тез фойдаланиши, агарда таълим жараёни билан боғлиқликда кечмаса ёки ахборотдан самарали фойдаланиш кўникмалари орқали шакллантирилмаса, уларнинг жамиятдаги рақобатбардошлик даражасини баҳолаш бир қадар мураккаблик ва қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин.

Замонавий ахборот асри ўзаро ижтимоий таъсирнинг тўғридан-тўғри туридан билвосита турига ўтишни амалга ошириш имкониятларини сезиларли даражада кенгайтирди. Бу эса ахборотни тарқатиш, сақлаш, қабул қилиш ва қайта ишлашнинг янги усулларига нисбатан эҳтиёж ва талабларни кучайтирмоқда. Технологик ютуқ туфайли бир макондан ёки бир шахсдан иккинчисига маълумот узатиш тезлиги сезиларли даражада ошди. Статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистондаги интернет фойдаланувчилари 2021 йил январи ҳолатига кўра 18,60 миллион нафар кишидан иборат экани кўрсатиб ўтилган. Демак, бугунги кунда интернетдан фойдаланаётганлар умумий аҳоли сонига нисбатан ҳисоблаганда 55,2 %ни ташкил этади [5].

М.А.Уийкфайлд ва С.Ж.Райсларнинг ёзишича, “Ҳозирги вақтда инсон фаолиятини ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур этиш қийин. Айниқса, Ғарб илмий адабиётларида “Youth go online” атамаси (том маънода “ёшлар онлайн томон интилмоқда”) билан юритилаётган ёндашувни келтириб чиқариб, унга кўпроқ ёш авлод вакиллари ҳаётида онлайн муносабатлар устувор аҳамият касб этмоқда”ки [7], бу эса ўз навбатида янги атамаларнинг пайдо бўлиши тасодифий эмаслигини кўрсатади. Интернет орқали ўзаро ижтимоий таъсир жараёнлари сўнгги уч йил ичида, айниқса КОВИД-19 пандемия муносабати билан глобаллашиб, таъсир даражаси янада кенгайди.

Интернет муҳитининг ривожланиш даражаси виртуал маконда (Google, Facebook, Yandex, Kaspersky Lab ва бошқалар) фаолият олиб бораётган йирик бизнес лойиҳаларини яратиш ва уларни амалга ошириш имкониятини янада кенгайтирди. Блоггерлик касб сифатида институтлашуви кучайиб, уларнинг Интернет аудиториясидаги ўрни мустаҳкамланиши билан бирга, асосий даромад манбаига ҳам айланди. Масалан, айни пайтда YouTube видеохостингидаги энг машҳур блоггерлардан бирининг каналида кунлик кўришлар сони 16 миллиондан ошиб кетгани қайд этилган [3, б. 61-73]. Демак, сўнгги уч йил ичида Интернетда шуҳрат қозонган бир гуруҳ машҳур шахсларнинг ижтимоий онгга таъсир кўрсатишида ижтимоий тармоқлар муҳим воситага айланганини кузатишимиз мумкин.

Виртуал маконда шахснинг интернет орқали ахборот алмашиш жараёни кенгайди. Шу боисдан ҳам Ф.Жафарзаде-Кенарсари ва П.Пурхан талабаларнинг замонавий ахборот-технологик воситаларидан фойдаланиш тажрибасини учта асосий йўналишда ўрганишни зарур деб ҳисоблайдилар:

1) смартфонлар ва Интернетдан маълумот олишни соддалаштириш, ўқув жараёнини қўллаб-қувватлаш, қулай (арзон) алоқани таъминлаш орқали ҳаётни осонлаштирадиган қурилмалар сифатида фойдаланиш;

2) виртуал дўстлик ўрнатиш, турли ижтимоий гуруҳларда иштирок этиш, компютер ўйинлари билан шуғулланиш, видео томоша қилиш, ўқиш орқали бўш вақтни ўтказиш имкониятини амалга ошириш;

3) жисмоний ва психологик фаровонлик муаммоларини ўз ичига олган ушбу воситалардан фойдаланишнинг салбий оқибатларини ўрганиш [6, б.2866].

Фикримизча, виртуал маконда шахсларнинг ўзаро ижтимоий таъсирини бундай ёндашувлар асосида тадқиқ этиш бир қарашда жуда ўринли ҳисобланса-да, аммо буни фақатгина АКТдан фойдаланишнинг объектив омиллари сифатида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Америкалик олимлар Д.М.Бойд ва Н.Б.Эллисоннинг фикрига кўра, виртуал ижтимоий тармоқлардаги веб-хизматлар ёшларга қуйидаги имкониятларни беради:

1) чекланган тизим доирасида умумий (очиқ) ёки ярим очиқ (ярим очиқ) фойдаланувчи профилини (ҳисобини) яратиш;

2) улар билан алоқада бўлган фойдаланувчилар рўйхатини шакллантириш;

3) танланган тизимга (сайт, виртуал ижтимоий тармоқ) қараб уланиш турларидан фойдаланган ҳолда тизим ичидаги бошқа фойдаланувчилар рўйхати ҳисобига уларнинг ўзаро боғланишлари рўйхатини кенгайтириш имкониятини бериши билан аҳамиятлидир [4, б. 213].

Юқоридаги фикрга кўра, виртуал веб-хизматларнинг ўзига хослиги улар янги танишлар билан мулоқот ўрнатиш имкониятини яратишида эмас, балки, уларнинг ҳақиқий ижтимоий тармоқлари билан уланиш ва уларнинг ҳажмини намойиш қилиш учун восита эканидадир.

Тадқиқотчи М.Грановеттер концепциясига кўра [2, б. 11-16], барча ижтимоий мулоқотлар ижтимоий алоқаларнинг частотаси ва давомийлиги мезонига кўра кучли ҳамда заифга бўлинади. Мустаҳкам ришталарга оилавий ва дўстлик муносабатлари мисол бўла олади, заиф ришталар эса, масалан, қўшнилар, танишлар, ишдаги ҳамкасблар ва бошқалар ўртасида юзага келади. Заиф алоқаларнинг асосий кучи уларнинг инсонга кенг қамровли муносабат билан таъминлаш қобилиятидадир. Интернетда шахсий аккаунтларни юритиш инсонга биринчи навбатда заиф алоқаларни ривожлантиришга имкон беради. Бир томондан, уларнинг майдонининг кенгайиши, иккинчи томондан эса, мустаҳкам алоқаларга таъсир қилмасдан, уларни қўллаб-қувватлаш ва фаоллаштириши имконини беради.

Виртуал ижтимоий мулоқот воситаларидан фойдаланишнинг субъектив сабабларидан бири бу шахснинг виртуал ҳамкасби орқали ҳақиқий ижтимоий тармоқни кучайтириш орқали ҳукмронлик инстинктини қондиришга бўлган ички эҳтиёжи сифатида кўрсатилади. Яъни, ижтимоий тармоқ алоқаларини ўрнатиш бевосита ўз рақобатбардошлигини амалга ошириш жараёни билан боғлиқ.

Э.Д.Патаракин онлайн платформаларнинг иккита тоифасини ажратиб кўрсатади, улар асосида ижтимоий субъектлар ўртасидаги муносабатлар ўрнатилиши мумкин. Биринчиси, профиллар ва саҳифалар (Фейсбук, Инстаграм ва бошқалар) билан боғланган тармоқларни ўз ичига олади. Иккинчи тоифада рақамли объектлар биринчи даражали аҳамиятга эга - мақолалар, дастурлар, видеолар (Ютуб ва бошқалар) [1, б. 505]. Фикримизча, биринчи тоифа веб-хизматлар ёшларда кўпроқ коммуникатив компетенцияларни ривожлантиришга хизмат қилса, иккинчи тоифа эса

ёшларда шахсий ва касбий рақобатбардошлик сифатларини рўёбга чиқаришлари учун кўпроқ мос келади.

Виртуал маконда шахсий рақобатбардошликни амалга ошириш реал дунёда бўлгани каби бир хил тамойилга асосланади дейиш мумкин. Негаки, ижтимоий тараққиёт натижаси ўлароқ, янги технологиялар яратилиб, ахборот алмашиниш усул ва воситалари кенгаймоқда. Бу эса ўз навбатида виртуал ижтимоий макон реал борлиққа ҳам таъсир кўрсатиб, жамият ҳаётида ижтимоий субъектлар ва гуруҳлар ўртасидаги заиф алоқаларнинг кучайишига сабаб бўлмоқда.

Бугунги кун ёшлари бўш вақтларида Интернетдан (биринчи навбатда виртуал ижтимоий тармоқларга кириш) фаол фойдаланмоқдалар.

Маълумотларга кўра, ёшларнинг 85 фоизи деярли ҳар куни интернетда вақт ўтказмоқда. Бунинг сабаби, ижтимоий тармоқлар ўзига хослиги сифатида, унда фотосуратларни жойлаштириш ва шунга мос равишда ҳаётдаги турли хил қизиқарли лаҳзаларни намойиш этиш имконини бериши билан изоҳлашимиз мумкин. Аммо ёшлар томонидан жойланаётган фотосуратларнинг кўпчилиги маънавий-ахлоқий тарбия мезонларига тўғри келавермайди. Айниқса, ўзини кўз-кўз этиш натижасида олдини олиб бўлмайдиган салбий оқибатларга олиб келаётганлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Масалан, юриб кетаётган поезд вагони устида селфи қилиш натижасида электр токи уриши, кўп қаватли уйлардан қулаб тушиш, шаҳар кўчаларида кечалари енгил автомобил машиналарда трюклар кўрсатиш сингари салбий ҳолатлар, афсуски, кўплаб кузатилаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Умуман олганда, ёшлар рақобатбардошлик сифатларининг шаклланишига виртуал борлиқ маълум бир даражада ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бу таъсирнинг ўзига хос хусусиятларини ва унинг ёш авлод ҳаётига таъсирини сифатли социологик тадқиқотлар асосида янада чуқурроқ ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Бундай тадқиқотлар ёшлар рақобатбардошлигини ривожлантиришга доир психологик ва педагогик тавсияларни ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Адабиётлар рўйхати:

1. Патаракин Э. Д. Педагогический дизайн социалной сети Ссратч // Образователные технологии и общество. 2013. № 2. С. 505–528.
2. Семенов М.Ю. Образование и наука. Том 20, № 3. 2018 // Тҳе Эдусатион анд Ссиенсе Жоурнал. Вол. 20, № 3. 2018. - С. 11-16.
3. Собкин В. С. Современный подросток в социалных сетях // Педагогика. 2016. № 8. С. 61–73.

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МАЪНАВИЙ ҚАРАШЛАРИ

Манушак Арушанова,
Ислом Каримов номидаги Илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси илмий ходими.

Биринчи Президентимиз ўзининг серқирра сиёсий фаолияти, олижаноб инсоний фазилатлари билан Ватанимизнинг кўп асрлик тарихида ўчмас ва ёрқин из қолдирди. Биз асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга, аждодларимизнинг бой маънавий меросига таянамиз. Ёшларимиз қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини камол топтириш, уларни соғлом турмуш тарзи руҳида тарбиялашга қаратилган тарғибот ишларини кучайтирамиз.

Шавкат Мирзиёев

Миллий маънавият нечоғлик кучли бўлса, миллатнинг келажаги шунчалик кафолатланган бўлади. Зеро, бу кафолат давлат ва жамият ҳаётини ҳамиша бир мувозанатда ушлаб туради. Демак, давлат бошқарувида маънавиятнинг роли жуда муҳим. Бу омил Ўзбекистоннинг янги тарихида Ислом Каримов фаолиятида ёрқин кўзга ташланди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллик байрамига бағишланган тантанада шундай деган эди: “Бугунги қутлуғ айёмда барчамиз, бутун халқимиз Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилиб, тарихимизнинг энг мураккаб ва оғир даврларида давлатимизни бошқарган Биринчи Президентимиз муҳтарам Ислом Абдуғаниевич Каримов номини, у кишининг бевосита раҳбарлигида, халқимизнинг матонати ва жасорати билан амалга оширилган улкан ишларни эсга олишимиз табиийдир», деган сўзлари сиёсий жиҳатдан жуда аҳамиятлидир. Чунки тарих Биринчи Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов зиммасига мавжуд ижтимоий-иқтисодий вазиятни ижобий томонга ўзгартириш, ўша даврда жар ёқасига келиб қолган Ўзбекистонни даҳшатли фожеалар гирдобидан олиб чиқиш масъулиятини юклади. Айтиш керакки, бу ўзига хос маънавий жасорат ҳам эди. Зеро, Биринчи Президентнинг ўзи шундай деган эди: “Олис ва яқин тарихимиз шуни кўрсатадики, халқимиз доимо маънавий жасорат ҳисси билан яшаган ва бу улуғ туйғу унинг ҳаётида йиллар, асрлар ўтгани сайин тобора кучайиб, юксалиб бормоқда. Чунки халқ маънавияти бир буюк уммонки, ҳар қайси авлод ундан куч-қудрат, ғайрат ва илҳом олиб, ўзининг нақадар улкан ишларга қодир эканини намоён этади”. Демак, ўзбек миллатининг улуғлиги унинг маънавий қарашларида ўз аксини топган.

Фалсафий қонунларга кўра, юксак маданият соҳиби бўлган элгина маънавиятга ошно бўла олади. Мисол учун, мустақиллик – бу миллат орзуси, ўз ривожланиш йўлини ўзи танлаш ҳуқуқи. Албатта, бу орзулар ўз-ўзидан амалга ошгани йўқ. Халқимизнинг озодликка интилиши, мустамлакачилик даврида олган ҳаётий сабоқлари боис, у ягона умуммиллий мақсадга

айланганди. Ниҳоят, бу олий мақсад 1991 йилнинг 31 августида Биринчи Президентимиз Ислом Каримов бошчилигида амалга оширилди ва Мустақил Ўзбекистон давлати вужудга келди. Бунда давлатчилик тажрибасига эга бўлган халқимизнинг фидойилиги катта рол ўйнади. Чунончи, маънавий бойликнинг мавжудлиги миллатнинг ўзлигини янада ёрқинроқ намоён қилди.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов истиқлолнинг дастлабки давриданоқ “Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг”, деган бунёдкор ғояларни илгари сурди. Бунинг натижасида халқимиз эски тузумдан мерос бўлган ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, таълим-тарбия тизимларини бирдан бузиб ташламади. Уларни аста-секин ислоҳ қилиб, янги шароитга мослаб, янгисини яратиш йўлидан борди. Шунинг учун мамлакатимизда янгича асосдаги бунёдкорлик анъаналари шаклланди. Мустақиллик йилларида Тошкентда барпо этилган Темурийлар давлат музейи, Олий Мажлис биноси, Хотира майдони, Самарқанддаги Имом Бухорий, Амир Темур мажмуалари, Имом Мотуридий ёдгорлиги, Бухоро, Хива, Термиз, Фарғона, Марғилон, Навоий каби шаҳарларда амалга оширилган ободончилик ишлари, замонавий корхоналар, улкан иншоотлар, кўркам шаҳар ва қишлоқлар барча-барчаси ана шу бунёдкорлик натижасидир. Айнан мана шу ишларнинг замрида бу инсоннинг маънавий қарашлари нечоғлиқ теран экани кўзга ташланади.

Маълумки, Ислом Каримов ўз раҳбарлигининг дастлабки кунларидан мамлакатда миллатидан ва динидан қатъи назар, бу ердаги барча халқлар Ўзбекистонни ўз Ватани деб ҳисоблашларига нафақат даъват этди, балки, улар учун шарт-шароит яратиш қайғуси билан яшади. Чин инсонийликнинг бундай буюк кўриниши фақат шу заминда намоён бўлади. Диний ва миллий бағрикенгликнинг улуғ намунаси қадимги маънавий булоқ “Авесто”дан меросдир. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, дунёдаги ҳеч бир дин ёки фан инсонларни ёмонликка чоралмайди, аксинча, инсонларни яхшиликка ундайди. Демак, ёмонликни ўзига касб қилган кимса динсиз, маърифатсиз, худбин инсондир. Улар оқимга қарши сузаётган, шу боис эртами-кечми денгиз тубига ғарқ бўлиши муқаррар бўлган нотовонларни эслатади. Аммо ушбу тарихий ҳақиқатни англаш учун инсондан тарихий хотира, билим ва маънавият талаб этилади. Маънавият инсонни ёмонликдан ҳимоялайди уни бунёдкорликка этаклайди. Маънавият бор жойда ёмонлик чекинади ёки аксинча, у заифлашган жойда эса ёвузлик ҳукмрон кучга айланади.

Ислом Каримовнинг маънавий қарашлари таҳлили шуни кўрсатадики, биринчидан, юксак маънавиятли халқни ҳеч қандай куч маҳв этолмайди. Зеро, ўзбек элидаги маънавий бойликларнинг чегараси йўқ. Иккинчидан, Ислом Каримов нафақат кучли давлат арбоби, балки, ўта билимдон, тафаккури теран, донишманд олим сифатида ҳам гавдаланади. Учинчидан, шахснинг иродаси қанча кучли бўлса, юксак мақсадларга эришишда ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўта олади. Бу хислатлар ҳам маънавий эътиқоди юқори зотга тегишлидир. Тўртинчидан, маънавий ривожланиш бўлмаса, моддий тараққиёт ҳам бўлмайди. Бу тамойилни Ислом Каримов ҳам назарий, ҳам амалий томондан исботлаб берди. Зотан, маънавият бу инсонни инсон

қиладиган, улуғ ишларга даъват этадиган кучдир. Инсонлар қанчалар хилма-хил ва бетакрор бўлса, уларнинг маънавий олами ҳам шунчалар ранг-баранг ва беқиёсдир. Агар бизнинг маънавиятимиз тўғри ривожланса, у ҳолда бизнинг онгимизда ҳеч қандай маънавий бўшлиқ пайдо бўлмайди. Маънавиятли шахслари кўп бўлган давлат жуда тез ривожланиб, дунёга тез танилади.

Ислом Каримов фаолиятида маънавиятнинг ўрни масаласида яна шуни ҳам айтиш керакки, бир халқ маънавиятига хос қадриятларнинг бошқа халқлар томонидан тан олиниши шу халқнинг ғурур ва ифтихори, миллий ўзлигини янада юксалтиришга хизмат қилар экан, бу борада Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти жуда улкан ишларни амалга оширди. Шу ўринда Белгияда Ибн Синога, Литвада Мирзо Улуғбекка, Москва, Токио ва Боку шаҳарларида Алишер Навоий бобомизга, Миср пойтахти Қоҳира шаҳрида эса Аҳмад Фарғоний хотирасига ҳурмат сифатида муаззам ҳайкалларнинг ўрнатилиши ҳар бир ватандошимиз қалбида чексиз ифтихор туйғуларини уйғотади. Демак, “Ҳар қайси инсон мен шу миллат фарзанди эканман, “Менинг аждодларим кимлар бўлган?”, “Миллатимнинг ибтидоси қайда?”, “Унинг оёққа туриши, тикланиш, шаклланиш жараёни қандай кечган?”, каби саволларни ўзига бериши табиий”.

Хулоса шуки, сўнгги йилларда Ўзбекистонда иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларида туб ислоҳотлар амалга оширилди. Бироқ бугун ёш авлодни турли таҳдидлардан асраш вазифаси долзарблигича қолмоқда. Ана шундай таҳдидлардан бири маънавиятга бўлган таҳдиддир. Ислом Каримов сўзларига кўра, “Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим”.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. —Т.,2008.-Б.124.
2. 1998 йил - Оила йили. -Т.,1998. -Б. 9-10.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. -Т.,1996. –Б.14-15.
4. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.,1998. –Б.75.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА МАЪНАВИЯТНИНГ ЎРНИ

Маҳмуд Маматов, ф.ф.н.доцент.
Республика Маънавият ва
маърифат маркази ҳузуридаги
Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар
институти тадқиқотчиси.

Ҳалол ва пок яшашни ўзи учун ҳаётий эътиқод, олий мақсад деб биладиган юртдошларимиз бисёр. Айнан шундай инсонлар ва уларнинг эзгу ишлари туфайли бу ёруғ оламда маънавият ҳамиша барқарор бўлиб келмоқда. Инсоният тарихи маънавиятсиз кишида ҳеч қачон одамийлик, меҳр-оқибат сингари фазилатлар бўлмаслигини тасдиқлайди. “Одамлар, энг аввало эзгу ахлоққа эга бўлишга ҳаракат қилинг, зеро, ахлоқ қонуннинг асосидир”, деган эди Пифагор. Чунончи, маънавият–руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват виждонни уйғотадиган беқиёс кучдир. Маънавиятни тушуниш, англаш учун аввало инсонни тушуниш, англаш керак. Маънавият инсоннинг онгу шуурига йиллар давомида она сути, оила тарбияси, аждодлар ўгити, Ватан туйғуси, ҳаётнинг баъзида аччиқ, баъзида қувончли сабоқлари билан қатра-қатра бўлиб сингиб боради. Айниқса, табиатга, одамларга яқинлик, доимо яхшиликни ўйлаб яшаш, ҳалол меҳнат қилиш, дунёнинг тенгсиз немат-у ва гузалликларидан баҳраманд бўлиш маънавиятга руҳий озиқа беради, уни янада кучайтиради. Маънавиятни шакллантирадиган асосий омиллар маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлардир.

Шунинг баробарида илм-фан тараққиёти ва унинг инсон маънавиятини шакллантиришдаги ўрни муҳим ҳисобланади. Баркамол фарзанд тарбиясини маҳалла, оила, таълим-тарбия уйғунлигисиз тасаввур этиб бўлмайди. Айнан шулар инсон маънавиятини шакллантиришда асосий мезонлар ҳисобланади. Бизнинг қадимий ва гўзал диёримиз нафақат Шарқ, балки, жаҳон цивилизацияси бешикларидан биридир. Чунки бу табаррук заминимизда қанчадан-қанча буюк зотлар, олиму уламолар, соҳибқирону саркардалар етишиб чиққанлар. Улар умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган, дунёвий, айниқса, диний билимларни тарихан энг юқори босқичга кўтаришган. Маънавий тараққиётнинг ўсиб боришини янги Ўзбекистон мисолида кўрсак, айни муддаодир. Жамият маънавиятини юксалтиришда тарихий хотира, аждодлар тарихини билишнинг, миллий ва ахлоқий қадрият ҳамда анъаналарнинг, муқаддас динимизнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев халқимиз тараққиётининг ҳозирги босқичи, мамлакатимиз тақдири ва келажаги учун ушбу масаланинг нақадар катта аҳамиятга эга эканини назарда тутиб, “Халқимиз шуни яхши билиши керак: олдимизда узоқ ва машаққатли йўл турибди. Барчамиз жипслашиб, тинимсиз ўқиб-ўргансак, ишимизни мукаммал ва унумли бажарсак, замонавий

билимларни эгаллаб, ўзимизни аямасдан олдинга интилсак, албатта, ҳаётимиз ва жамиятимиз ўзгаради”, дея алоҳида таъкидлангани асло бежиз эмас. [3]

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда жамият тараққиёт стратегиясининг бошқа соҳалари қатори, халқимизнинг азалий қадриятлари, серқирра маданияти ҳамда миллий маънавиятини тиклаш ва ривожлантириш масалалари давлат сиёсатининг энг муҳим, устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу борада маънавий тараққиёт стратегиясининг ўзгаришлар динамикаси ва унинг муттасил ўсиш суратларини белгилайдиган туб ислоҳотлар ва янгиланишларни амалга оширишга алоҳида аҳамият қаратилди. Мамлакатимиз тараққиётининг Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида туб ислоҳотлар олиб борилаётган ҳозирги янги босқичида эса, бу борадаги ўзгаришлар ва янгиланишларнинг бошқа соҳалар қатори, маънавий тараққиёт жараёнларига таъсир кўрсатиш диалектикасидаги ўрни ва аҳамияти янада ортиб бормоқда. Айни пайтда,ушбу жараённинг жамият маънавий тараққиёт стратегиясининг ўзгаришлар динамикасида акс этиши, унинг ҳар бир йўналиши ва турли соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг қадр-қимматини ва амалий натижаларини изчил ўрганиш, бу билан боғлиқ масалаларни сиёсий фанлар нуқтаи назаридан таҳлил қилиш вазифалари ҳам ниҳоятда долзарблашмоқда.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони ва унинг асосида қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси халқимиз тараққиёт стратегиясининг барча соҳаларида ислоҳотлар ва янгиланишлар жараёнини янада жадаллаштирди. [4] Айни пайтда, Президентимизнинг 2017 йил 30 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳа ривожини янги босқичга кўтариш тўғрисида”, 2017 йил 14 августдаги “Маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш бўйича қўшимча шароитлар яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”, 2017 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”, 2021 йил 26 мартдаги “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан янгилаш тўғрисида” Қарорлари ва Фармонлари бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Жамият маънавий тараққиёт стратегияси динамикасига хос тадрижий тараққиётнинг умумий қонуниятлари ва ўзига хос хусусиятларини махсус тадқиқот объекти сифатида тадқиқ қилиш мақсад қилиб олинган мазкур мақола ана шу ҳужжат ва асарларни амалга ошишига хизмат қилади.

“Илмий асарлар ғафлат ва жаҳолатдан халос этса, бадиий асарлар дағаллик ва разолатдан халос этади. Уни ҳам, буниси ҳам кишиларни маърифатли, бахтли-саодатли бўлиши учун баб-баравар фойдали ҳам зарурдир”, деб ёзади п.ф.д., профессор С.Матчонов.

Ана шу мақсадга эришиш учун нималар талаб этилади?

1.Профессор-ўқитувчиларнинг ўз устида ишлаши; касб маҳорати ва маънавий оламини ривожлантириб бориши. Шунга эришган профессор-ўқитувчилар талабалар учун намуна тарбиясини шакллантирадилар.

2.Ўқув юкламасидаги ўқув дастурлари ва дарсликларда берилган мавзулар, бадиий асарларни ўқиб ўрганиш билан чекланмасдан мунтазам мустақил ўқиш орқали ўқув натижаларига эришиш, Президент асарларини ўқиб ўрганиш, конференциялар ташкил этиш, бадиий асарларни ўқиш, мусиқа, санъат, оммавий ахборат воситаларини эшитишни тавсия этиб боришни йўлга қўйиш;

а) тавсия қилинган асарлардан парчалар ўқиб бериб, ўқувчи-талабаларни қизиқтириш орқали бадиий кечалар шаклида ташкил этилиб, бу асарларни тўлалигича ўқувчи –талаба томонидан мутола қилинишига эришиш; ўша бадиий асарларни топиб, маънавият тушунчасини ва мукаммал ўқиш иштиёқини қўзғалиш каби усуллардан фойдаланиш;

б) профессор-ўқитувчилар: қатор йўналтирувчи таҳлил, шарҳлаб ёки ижодий ўқиш усулларидан фойдаланса;

в) муаммоли саволлар ёки ўқув топшириқларини тақдим этса;

г) ўқувчини матнга таяниб, уни таҳлил қилишга йўлласа, асар жозибасини ҳис қилдира олса, кўзлаган натижага эришади.

Демак, ўқувчи-талабаларда шахслик сифатларида ҳамда юксак инсоний туйғуларнинг шаклланишида таълим жараёни ташкилотчиси профессор талабалар учун намуна ҳисобланади. Китобхонлик маданиятига эга профессор-ўқитувчи шогирдларини ҳам ўз ортидан эргаштиради, китоб ўқишни маънавий этиёжига айлантиришда педагогик таъсир кўсатади. Бу жараённи тизимли ташкил этиш эса унинг самарадорлигини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Ал Бухорий. “Ал-адаб ал-муфрад”.-Т.: ,,Ўзбекистон”,1990. 102-б.
2.Сафо Матжон.Китоб ўқишни биласизми?
3.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24.01.2020
4.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. -Т.: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
5.Қ.Назаров, М.Қаршибоев, Б. Умаров, А.Холбеков. Маънавият асосий тушунчалари изоҳли луғати. - Т.: 2010. - Б.270

ZJV5401

ҲАРБИЙ ТАЪЛИМДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАСИ

Йўлчи Абдуллаев, доцент,
БухДУ Ҳарбий таълим факултети.

Маънавий-маърифий ишлар – бу ҳарбий талабаларда юксак маънавий-ахлоқий, жанговар ва руҳий сифатларни шакллантириш мақсадида уларнинг онги, тафаккури ва иродасига ижобий таъсир этишга, ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш бўйича ҳарбий бошқарув органлари томонидан мақсадли ва тизимли равишда амалга ошириладиган фаолиятдир.

Маърифат – билмоқ, кишиларнинг онг-билимини, маданиятини оширишга қаратилган таълим-тарбия жараёнидир. “Маърифат” атама сифатида - табиат, жамият ва инсон моҳияти ҳақидаги турли билимлар, маълумотлар мажмуасини билдиради.

Ҳарбий таълим факултетларида маънавий-маърифий ишларни янада такомиллаштиришни тақозо этувчи омиллар сифатида қуйидагиларни мисол қилишимиз мумкин:

ҳарбий ишнинг, қуролли кураш шакл ва усулларининг ривожланиш даврида ҳарбий хизматчиларнинг профессионал малакасига, жанговар ва ахлоқий-руҳий тайёргарлигига, маънавий-ахлоқий, руҳий ва жанговар фазилатларига қўйиладиган талабларнинг тобора ортиб бориши;

халқаро майдонда турли мафкура ва ғоялар кураши, информацион-психологик хуружлар орқали миллий армиямизнинг маънавий-ахлоқий асосларига таъсир ўтказишга бўлган уринишларнинг кучайиб бориши;

замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш орқали бизнинг маданиятимиз, маънавий қадрият ва анъаналаримизга мутлақо зид бўлган бузғунчи ғоя ва тушунчаларни ҳарбий талабаларнинг онгу тафаккурига сингдиришга уринишларнинг ортиб бориши;

Мустақиллигимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, ҳарбий хизматчилар қалби ва онгига ўз Ватанига муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласининг долзарб аҳамият касб этишини тушуниш мумкин.

Маънавий-маърифий ишларни қудратли ва енгилмас кучга айлантириш учун, аввало, ҳарбий талабанинг қалбига йўл топа билиш лозим.

Ҳарбий талабанинг қалбига йўл топилмаса, унга етказиладиган ҳар қандай маълумот ва тушунчалар юзаки бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам бу борада тизимли суръатда доимий иш олиб бориш ва кўзланган мақсадга эришиш учун, энг аввало, инсон қалбига йўл топишдан иш бошлаш лозим.

Ҳарбий талабанинг қалби ва тафаккурига бевосита таъсир ўтказадиган барча соҳаларни, жумладан, тарбиявий, мафкуравий, маърифий ва маданий ишларни замон талаблари асосида янада кучайтириш, янги босқичга кўтариш зарур деб ҳиоблайман.

Маънавий-маърифий ишлар Ҳарбий таълим факултети шахсий таркиби билан олиб бориладиган ишларнинг таркибий қисмларидан бири бўлиб, ҳарбий талабаларни мафкуравий, маънавий-маърифий ва маданий жиҳатдан тарбиялашнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Глобаллашув шароитида армиянинг кучига куч қўшадиган, вақти келганда ҳал қилувчи омилга айланадиган қудратли бир восита борки, у – ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-руҳий тайёргарлиги, уларнинг бақувват ирода, фаол ҳаётий позицияга эга бўлиши, энг муҳими, ким учун ва нима учун ҳарбий бурчини адо этаётганини чуқур англаши ва тушуниши деб ўйлайман.

Шу боис маънавий-маърифий ишлар ҳарбий талабаларнинг жанговар шайлиги ва шахсий таркибнинг ахлоқий-руҳий барқарорлигини таъминловчи, ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-ахлоқий фазилатлари, ватанпарварлик туйғуси, ҳарбий бурч ва шахсий масъулият ҳисси, касбий маҳоратини шакллантирадиган қудратли воситадир.

Маънавий-маърифий ишларнинг устувор мақсади – эътиқоди бутун, иродаси бақувват эркин шахс маънавиятини шакллантиришдир. Яъни мустақил дунёқарашга эга, аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурига таяниб яшайдиган баркамол шахс – Ватан ҳимоячисини тарбиялашдан иборатдир.

Шундай экан маънавий-маърифий ишларнинг асосий мақсадларига нималар киришини кўриб чиқайлик:

ҳарбий талабаларда юксак ватанпарварлик ва маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш, уларнинг фаол ҳаётий позицияси ва қатъий эътиқодини, она Ватан тақдири учун масъулиятини кучайтириш;

юртимизга, хусусан миллий армиямизнинг маънавий-ахлоқий негизига таъсир ўтказишга қаратилган мафкуравий тазйиқ ва информасион-психологик хуружларга нисбатан ҳарбий талабаларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш;

ҳарбий талабаларни руҳан уйғоқ ва сергак бўлишга, зиммасига юклатилган масъулиятни қалбан ҳис этишга, ҳамиша огоҳ ва ҳушёр бўлиб, хизмат-жанговар вазифаларни фидокорона бажаришга сафарбар қилишдан иборатлигини айтиб ўтиш мумкин.

Маънавий-маърифий ишларнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагиларни кўрамиз:

ҳарбий хизматчиларнинг маънавий савияси, эстетик тарбияси;

ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш ҳамда бой маданиятимиз, азалий қадриятлар ва анъаналаримизга асосланган дунёқарашини шакллантиришга йўналтирилган ягона тизимни яратиш;

ҳарбий талабаларнинг онгу тафаккурига Ватан ҳимояси шарафли

ва муқаддас бурч эканини, миллий армиямиз билан фахрланиш, давлат хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун масъулият туйғусини чуқур сингдириш;

ҳарбий талабалар онгида миллий мафкура ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган янги дунёқарашни шакллантириш;

ҳарбий талабаларга мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, давлат дастурларининг мазмун ва моҳиятини тизимли ва изчил равишда етказиш ҳамда дунёда ва ён-атрофимизда содир бўлаётган глобаллашув жараёнларига нисбатан уларда онгли муносабат ва фаол ҳаётий позисиясини шакллантириш, бурчга садоқат, масъулият, фидойилик туйғуларини ошириш;

ҳарбий талабалар қалбида миллий ғурурни кучайтириш, Ватанга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик фазилатларини тарбиялаш, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини чуқур тушунтириш;

миллий меросимизнинг тарихий илдизларини ўрганиш, Ватан озодлиги йўлида қаҳрамонлик кўрсатган буюк аждодларимиз ва жасур замондошларимизнинг ибратли ҳаётини кенг тарғиб этиш асосида ҳарбий талабаларда “Ўзбекистон халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди!” деган ҳаётий эътиқодни қарор топтириш;

диннинг асл мазмун-моҳиятини теран очиб бериш орқали ҳарбий талабаларга эзгулик ва раҳмдиллик анъаналарини сингдириш, инсонпарварлик ва меҳр-оқибат муносабатларини шакллантириш ҳамда уларни миллий маданиятимиз ва қадриятларимизга ҳурмат ва эҳтиром, фидойилик ва садоқат, ҳалоллик ва поклик, мустақил фикр ва соғлом турмуш тарзи асосида тарбиялаш;

юртимизга қарши қаратилган мафкуравий ва информацион-психологик хуружлар, уларнинг ортида турган деструктив (бузғунчи) кучларнинг ғаразли мақсадларини фош қилиш, ҳарбий хизматчилар онги ва қалбини бепарволик, лоқайдлик, худбинлик ва ғоявий беқарорлик сингари иллатлардан фориғ этишни мақсадга мувофиқ деб ўйлайман.

Ўзбекистоннинг ҳарбий таълим факултетларида маънавий-маърифий ишлар аниқ мақсадга қаратилган ҳолда тўғри йўлга қўйилар экан, ҳарбий талабаларнинг дунёқараши, ватанпарварлик ҳисси, ижтимоий-сиёсий билимдонлиги ва фаол ҳаётий позисияси ошиб боради. Бу эса, ўз навбатида қисм ва бўлинмаларда ҳарбий интизомни мустаҳкамлашга, ҳуқуқбузарликларни олдини олишга, маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлашишига олиб келади.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, маънавий-маърифий ишларнинг содда, ихчам ва равон тарзда тушунилиши, ҳаётий ва образли, ижодий ёндашилган, расмиятчиликдан холи бўлиши жуда муҳимдир.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида маънавий-маърифий ишлари самарадорлигини ошириш концепцияси. - Т., Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3898 қарори. 2018.
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. // Олий таълимнинг меъёрий ҳужжатлари. -Т., 2001.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. - Т.: "Ўзбекистон", 1996.

4. Каримов И.А. Ёшларимиз халкимизнинг ишончи ва таянчи. - Т.: "Маънавият", 2006.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият–енгилмас куч. - Т.: "Маънавият", 2008.

ЖАМИЯТ ТРАНФОРМАЦИЯЛАШУВИ ЖАРАЁНИДА ЁШЛАР ОНГИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Жаҳонгир Ражабов,
ЎзМУ мустақил изланувчиси

Ҳар қандай тарихий даврда ёшлар ижтимоий мавқеининг маргиналлиги туфайли қийналади. Бугунги ёшлар икки баравар экстремал шароитларда яшамоқда: ижтимоий-иқтисодий тузилмадаги инқилоб қадриятлар ўзгаришлари онгининг инқирози билан бирга келди. Кекса авлод вакилларидан фарқли ўлароқ, уларнинг йўқотадиган ҳеч нарсаси йўқ, лекин уларда ҳам ҳеч нарса йўқ, чунки бозор иқтисодиётини тўла англамаган ёки бозорлашган жамиятда яшамаган катталар уларга ёрдам бера олмайдилар. Айни пайтда ёшлар нима қимматли ва қадрлироқ эканлигини ўзлари ҳал қилишлари керак: ҳар қандай усул билан бойиш ёки янги шароитларга мослашиш қобилиятини таъминлайдиган юқори малакага эга бўлиш, мавжуд ахлоқий меъёрлар ёки мослашувчанликни инкор этиш, янги воқеликка мослашиш, эркинлик, шахслараро, жинслараро муносабатлар ёки оила қуриш ва бошқалар танловига дуч келади.

Ёшлардаги юқори ҳаракатчанлик ва имкониятлар, келажакни барпо этувчи потенциални инобатга олган ҳолда ҳар бир жамият ёки давлат уларнинг кучини тўғри йўналтириш, тараққиётга хизмат қилдиришга интилади. Ёшларнинг тафаккурини тўғри шакллантириш, инсонпарварлик ғоялари ва тамойиллари асосида шакллантиришдан давлат ва жамият манфаатдор бўлади. “Янги демократик жамиятни барпо этиш, келажак пойдеворини қуриш, ҳеч шубҳасиз ҳар биримиздан қатъиятли ва омилкор бўлишни, янгича фикр юритиш, янгича ишлашни талаб қилмоқда. Қадимги юнон файласуфи Сукротнинг “Ўзгаларни ўзгартирмоқчи бўлган инсон, аввало, ўзини ўзгартириши лозим. Бунинг учун аниқ мақсад, толмас ирода ва доимий изланиш керак” деган ҳикматли ибораси бу борада ҳаммамиз учун асосий мезон бўлиши лозим [1.9.].

Айни пайтда ёшлар онгу тафаккуридаги ўзгаришлар, максимализм талаблари уларнинг касбий ва малакавий салоҳиятини ривожлантиришга бўлган муносабатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Жумладан, ҳар қандай йўл билан бойиб кетиш, ҳаёт неъматларини бир зумда қўлга киритиш ва бошқалар. Сосиолог, психолог ва бошқа соҳа вакиллари ёшларнинг катта қисмидаги салбий ҳолатдан (жиноятчиликнинг ўсиши, алкоголизм, гиёҳвандлик, оммавий ишсизлик, ўзлигини англамагани) ташвиш билдирганларида

масалани бўрттириб юборишда айбаланадилар. Таассуфки, бу гаплар муболаға ёки ёлғон маълумотлар эмас ва уларнинг натижалари ёшларга доир давлат сиатининг мўлжалларини белгилашда ёрдам бермоқда.

Ёшлар сосиологиясида учта тадқиқот ёндашуви мавжуд: 1. Илмий ёндашув. Бу ёшларнинг шаклланиши ва ривожланишини, уларнинг ҳаётий фаолияти амалга ошаётган аниқ тарихий-ижтимоий шароитларни ҳисобга олган ҳолда ўрганади. 2. Танқидий ҳукм ёки салбий ёндашув. Бу сосиологлар учун хос бўлиб, ёшларни "адашган", "чалғиб кетган", "бефарқ", "кеч қолган", "портловчи" авлод ва ҳоказо каби сифатлар билан тавсифлайди. 3. Ғайратли ва оптимистик, ёшларни идеаллаштириш ва мақташда намоён бўлади. Бу ёндашув биологизм ва психологизм назарияларидан куч олиб, улар асосида ёшларнинг хулқ-атвори, хусусан, иродалилик, мухолиф кайфият, исёнкорлик, ўзини ўзи тасдиқлашга интилиш, асосиал гуруҳларнинг шаклланиши сифатида изоҳланади.

Ижтимоий-гуманитар фанлар доирсида ёшлар ва уларнинг муаммоларини илмий ўрганиш ҳам бу борадаги изланишларининг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

1. Ёшлар муаммоларига тарихий ёндашув. Социология ёшларнинг ижтимоий-демографик гуруҳ сифатидаги ўзига хос хусусиятларини ўрганади, муайян тарихий шароитларда ҳаётга кириб келаётган авлодлар ҳаётидаги ўзгаришларнинг сабабийлигини очиб беради. Сиёсий фанлар эса ёшларнинг потенсиал имкониятларини рўёбга чиқаришга қаратилган (мас., давлат ишларида иштирок этиш) механизмларни тадқиқ қилади.

2. Ёшларнинг реал ҳаёт тарзини назарий ва эмпирик даражада таҳлил қилиш.

3. Ёшларнинг Узлуксиз ривожланиш йўлларини таҳлил қилиш. Шуни ёдда тутиш керакки, ҳар бир янги авлод ёшлари аввалгиларига қараганда бир оз бошқача ижтимоий шароитларда ўсиб боради.

4. Ёшларга табақалаштирилган ёндашув: улар бир хил гуруҳ эмас.

5. Ёшларнинг таълим, касбий, маданий, миллий ва ижтимоий-сиёсий хилма-хиллигини, уларнинг яшаш муҳитида жамият тараққиётида у ёки бу даврда ҳал қилувчи бўлиб чиқадиган фарқларнинг мавжудлигини тушуниш.

6. Жамиятда мавжуд ижтимоий муносабатлар билан ёшлар муаммоларининг шартлилиги, уларни фақат ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар асосида ҳал қилиш имконияти. Ёшларнинг давлат ишларидаги ўрни ва уларнинг қобилият ва кучини рўёбга чиқариш учун қандай имкониятлар мавжудлиги, шу билан бирга, ёшларнинг жамият ҳаётида қанчалик фаол иштирок этиши билан белгиланади.

Демак, замонавий ёшлар, бир томондан, ўзларини асосан бўш вақтларини ўтказишга йўналтирган нотўғри ўйланган қарорлар туфайли касбий қадриятларига путур этказган турғун даврда ижтимоийлашувдан ўтади. Натижада билим, кўникма, ақл-заковатнинг нуфузи кескин пасайиб, чинакам маданият "обрўсиз" бўлиб чиқади. Ўтмишдаги асосий хатолардан бири бу "коммунизмнинг ёш қурувчилари" моделига мос келадиган шахсий

хусусиятлар тўпламини ривожлантиришга уриниш эди. Кўпчилик ишонмаган "кодлар" ни эълон қилиш учун рақобат бор эди. Жамият тараққиётининг ҳал қилувчи босқичида ёшларга йўл-йўриқ кўрсатувчи, ҳаётга кириб келаётган ёш авлоднинг бугуни ва келажаги ҳақидаги кундалик онги ва кундалик ғояларини кўп жиҳатдан белгилаб берувчи қадриятларни қарор топтириш ва англаш муҳим аҳамиятга эга. “Бугун кўриб чиқилган масалалар ҳаммадан, мактаб директоридан бошлаб Бош вазиргача бўлган барча бўғиндаги раҳбарлардан юксак масъулият ва юқори даражадаги жавобгарликни талаб қилади. Бу – йиллар давомида кўринмайдиган, аммо натижаси яқин 10-15 йилда бутун мамлакат қиёфасини тубдан ўзгартиришга асос бўладиган қудратли манба” [2.].

Бугунги ёшларнинг онгидаги ўзгаришлар ва қадриятлар тизимини тадқиқ этишда тарихий ёндашув, олдинги авлодларга йўл-йўриқ кўрсатган ҳаётий режалар ва қарашларни таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бу қадриятлар бугунги кунда қандай тақкосланади? Бугунги кунда қайси қадриятлар йўқ қилинмоқда ва қайсилари қолмоқда? Бу жараёнлар қандай содир бўлади ва қандай қилиб олдиндан белгиланган? Бу қадриятлар дунёси таназзулини англатадими ёки биз вақтинчалик ҳодисалар ҳақида гапиряпмизми? Шу маънода ёшлар онгу тафаккурида ўзгаришлар қилиш учун ёшларга ҳаётнинг мазмуни ва қадриятларининг ишончли тасвирини тақдим этиш, уларнинг ижтимоий муаммоларини ўйланган ҳолда ҳал қилиш, уларнинг субъектив имкониятларини тўғри баҳолаш ва мақсадларини объективлаштириш, авввалги авлодлар хатоларини такрорламаслик йўлларини топиш талаб қилинади. “Бугунги дунё ёшлари–сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда. Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга этиши билан боғлиқ” [3.251.].

Ҳар бир инсоннинг қадрият дунёсида ҳар қандай фаолият соҳасида амалий аҳамиятга эга бўлган маълум “ҳал қилувчи” қадриятлар мавжуд. Буларга билимлилик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, одоблилик, яхши насл қолдириш, ақл-заковат ва бошқалар киради. Ушбу қадриятларнинг маълум бир даврда аҳамиятининг пасайиши ёки унга бўлган муносабатнинг салбий томонга ўзгариши жамиятда жиддий ташвиш туғдиради. Бугунги кунда оммавий онг ва жамият ҳаётидаги қадриятлар кураши ҳақида гапиришнинг асосли сабаблари бор. Кеча барқарор бўлиб туюлган қадриятлар бугун қулаб тушмоқда, айрим ҳолларда ижтимоий кафолатлар йўқолиб бормоқда, иқтисодий катаклизмлар вужудга келмоқда.

Бугунги шароитда ёшлар ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ автономияга эга. Ёш гуруҳлари ўртасидаги муносабатлар ҳам анча мураккаблашди. Агар ибтидоий жамиятда йигит ҳеч қандай шароитда уруғ-қабила бошлиғи бўла олмаган бўлса, ҳозирда чуқур илм-маърифатга эга йигит отасининг бошлиғи бўлиб қолган ҳолатлар ҳам учраб туради. Ҳаётнинг тез суръати туфайли авлодлар ўртасидаги тафовут ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ намоён бўлмоқда. Бундан ташқари, ҳар бир ёшнинг ўзига хос нотўғри қарашлари борлиги маълум.

Ёшлар ўз кечинмаларига ортиқча баҳо бериш, катталарнинг гапларига нописанд муносабатда бўлиш, уларнинг насиҳатларини шахсий эркинликка тажовуз деб билиш одатий ҳолдир. Бундай шароитда уларнинг онгу тафаккурини тўғри шакллантириш, ижобий натижалар ва самара беришга қаратилган усуллардан фойдаланиш, уларнинг мўлжалларини тўғри тушунтириш давлат ва жамият олдидаги энг долзарб вазифалардан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев, Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. - Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2021. - 9 б.
2. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2020 йил 30 октябрдаги “Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, илм-фан соҳаси ривожини жадаллаштириш масалалари” муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилиши материаллари / Халқ сўзи. 2020 йил 1 ноябр.
3. Мирзиёев, Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. - 251 б.

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА УЗЛУКСИЗ МАъНАВИЙ ТАРБИЯ КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ ЯНГИ МАЪНАВИЙ МАКОН МУҲИТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Содиқов Санжарбек Субихониддин ўғли,
Андижон давлат университети таянч докторанти

XXI аср инсоният тараққиёти тарихида информацион цивилизация даври билан характерланади. Ушбу даврда глобаллашув жараёнинг имкониятлари жадаллашиб, унинг таъсир доираси дунё бўйлаб, кенгайиб бормоқда. Информацион цивилизация даври ва глобаллашув жараёни кишилик жамияти тараққиётига хос бўлган табиий-тарихий жараёндир. Ҳар бир ҳодисанинг яхши ва ёмон томонлари бўлгани сингари глобаллашув жараёнининг ҳам ижобий жиҳатлари билан бирга салбий ҳусусиятлари ҳам мавжуд. Бу жараённинг салбий жиҳатларидан бири маънавий тажовуз кўринишида бўлиб, улар кўпроқ ҳали маънавий-руҳий олами тўла шаклланиб улгурмаган, ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишга мойил бўлган ўсмир-ёшлар тафаккури ва дунёқарашига таҳдид солишга уринмоқда. Бугунги кунда маънавий тажовуз деганда, жамиятнинг айрим қатламлари, айниқса ёшлар онги ва қалбига таъсир қилиб, уларнинг қарашларини ўзларига маъқул йўналишда ўзгартириш, диний экстремизм вайронкорлик, бузғунчилик, аҳлоқсизлик ғояларини зимдан тарғиб ташвиқ этиб сингдиришдан иборатдир. Маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай таҳдидлар бу энг аввало ўз-ўзидан мамлакат хавфсизлигига, унинг миллий манфаатларига, жисмонан ва маънан соғлом авлод келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарлардан бирига айланиши

ва охир оқибатда жамиятни таназзулига олиб келиши мумкин. Бугунги кунда дунёнинг аурим ҳудудларида ана шу каби ҳаракатлар натижасида катта маънавий йўқотишлар кузатилмоқда. Миллатларнинг азалий қадриятлари миллий тафаккури ва турмуш тарзи издан чиқмоқда, одоб-аҳлоқ, оила ва жамият ҳаёти хавф остида қолмоқда. Энг ёмони, бундай маънавий таҳдидларга тажовузнинг бош мақсади инсонни ўзи туғлиб ўсган юртидан, халқидан воз кечишга, ватанпарварлик, юртга садоқат туйғуларидан маҳрум этишга ва барча нарсага лоқайд бўлган, аҳлоқан тубан худбин ва бепарво шахсга айлантиришга қаратилган. Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек “Маънавиятимиз учун энг катта хавф бу аксарият одамларимиздаги лоқайдлик ва бепарволик кучайиб бораётганида, десак, бу ҳам айни ҳақиқат бўлади”. Айниқса ҳозирги замонда, дунёдаги илғор халқлар катта-катта марралар сари интилаётган бир пайтда маънавий жиҳатдан ғафлатга ботиб, “ухлаб ётишга”, лоқайд бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Барча фожеа ва муаммолар, ватанга, миллатга, келажакка ҳиёнат айнан лоқайдликдан бошланади [1]. Бугунги глобаллашув жараёни жадал суръатлар билан кечаётган замонда ёшларнинг олдига суний тўсиқлар қўйиш орқали ушбу муаммога ижобий эчим сифатида қараш ноўриндир. Нега деганда биз бугун мамлакатимизда адолат устивор бўлган шаффофликка асосланган эркин демократик жамият барпо этиш йўлидан кетяпмиз.

Учинчи Ренесанс пойдевори қуралаётган айни даврда, мамлакатимизда янги манавий макон муҳитини шакллантиришда, ёшларни юксак аҳлоқли шахс этиб тарбиялашда, албатта, маънавий тарбия тизимига алоҳида эътибор қаратиш мамлакатимизни ҳар томонлама ривожланишининг гаровидир. Жамиятимизнинг ривожланиши фуқароларимизнинг онгини шакллантириш билан боғлиқ албатта. Президентимиз айтганидек “Энг муҳими, одамларимизнинг ҳаёт даражаси, ватан тақдирига масулият ҳисси, эртанги кунга ишончи тобора кучаймоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ва бунёдкорлик ишлари натижасида халқимизнинг онгу тафаккури ва дунёқараши ўзгармоқда” [2]. Инсонда энг юқори маънавий хислардан бўлган миллий ғурур, ватанпарварлик, инсонпарварлик ва меҳр-мурувват туйғулари бир бири билан чамбарчас бўлган тушунчалардир. Бу тушунчалар бир-бирининг замирида пайдо бўлувчи, шаклланувчи ва шахс маънавиятини белгиловчи ҳис-туйғулар ҳисобланади. Шу ўринда ватанпарварлик тушунчаси ҳақида бу тушунча инсонда буюк қалб эгаси бўлишни, ўзи туғилиб ўсган, камол топган ўлкага бўлган меҳр-мухаббатини, довюракликни англатади. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, шуни айтиш керакки ўз ватанига меҳр-мухаббати йўлида жон фидо қилган аждодларимиз этарлича. Шундай экан ёшларимизни юксак маънавиятли шахс этиб тарбиялашда аввало ота-боболаримиз мероси, уларнинг бой тажрибаларини чуқур таҳлил қилиш, пухта ўрганиш, ҳаётимизга тадбиқ қилиш, замон талаблари асосида бойитиб боришнинг ўрни беқиёс. Ўзликни англаш шахсий, жамоавий, маҳаллий, минтақавий масалаларни умуммиллий манфаатлардан ажратмай, уларни уйғунлаштириш нуқтаи назаридан фикр-мулоҳаза юритиш,

ҳар бир ҳусусий ҳодисани умумиллий зарурат доирасида идрок эта олишдир. Бугунги кун ёшларимизни юксак интеллект, замонавий илм-илм фан соҳиби, креатив ва инновацион тафаккурга эга, рационалистик дунёқарашни шакллантириш, илғор технология ютуқларидан бохабар, зукко, мустақил фикрга эга, атрофдаги ҳодисотларга мустақил тўғри ёндоша оладиган, ватанпарварлик, ватанга садоқат, муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларни ўз халқига, она юртига чин маънодаги содиқ фарзандлар этиб тарбиялаш мамлакатимиз олдидаги асосий вазифалардан биридир. Бу ўринда маънавий тарбия тизимининг ўрни беқиёс эканини кўришимиз мумкин. Маънавий тарбия – юксак маънавиятни тарбиялаш воситаси, миллатни жисмонан баркамоллик, руҳий, аҳлоқий, маънавий этуклик каби сифатларини шакллантиришга қаратилган амалий таълим-тарбия жараёнидир.

Халқимизда бир болага етти маҳалла ота-она мақоли ҳам бежиз эмас албатта, глобаллашув шароитида ёшларнинг маънавий тарбиясида оила, мактаб, болалар ва ёшлар ташкилоти эмас балки кишилик жамиятнинг барча аъзолари бунга бирдек масъул эканлигини талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шавкат Мирзиёев Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти. 2021 йил 299-бет.
2. Шавкат Мирзиёев Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти. 2021 йил 303-бет.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

Олмос Тошев,
Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти “Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси

Шарқ мутафаккурларининг тарбия масаласидаги қарашларида тарбия қанча эрта бошланса шунча самарали бўлиши таъкидланган. Узлуксиз таълим тизимининг биринчи бўғини сифатида мактабгача таълим тизимида олиб борилган маънавий тарбия муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисидаги”ги қонунида мактабгача таълим ва тарбия — болаларга таълим ва тарбия беришга, уларни интеллектуал, маънавий-ахлоқий, этик, эстетик ва

жисмоний жиҳатдан ривожлантиришга, шунингдек болаларни умумий ўрта таълимга тайёрлашга қаратилган Узлуксиз таълим тури деб кўрсатилган.[1]

Демак мактабгача таълим ташкилотларида педагог тарбиячилар маънавий тарбия масаласига катта аҳамият қаратишлари лозим.

М.Шарифхўжаев ва З.Давроновлар фикрича, маънавият инсонларда юқори даражада камол топган инсонпарварлик ҳислатларини йиғиндисидир. Таърифдан кўриниб турибдики, маънавият кенг қиррали сермазмун ва инсондаги нозик томонларни қамраб олган фалсафий тушунчадир. [2] Юксак маънавиятга эса маънавий тарбияни тўғри йўлга қўйиш билан эришилади. Маънавий тарбия юксак маънавиятни тарбиялаш воситаси, муайян шахс, жамоа, муайян гуруҳ, жамият, миллатда жисмоний барқаролик, руҳий ахлоқий, маънавий этуклик каби сифатларни шакллантиришга қаратилган амалий таълим ва тарбия жараёнини ифодаловчи тушунчадир. [3]

Тарбиянинг мақсади шахсни ҳар томонлама ва уйғун камол топтириш, унинг маънавий, ахлоқий-эстетик қадриятларини шакллантириш, юксак даражада уюшган ва шаклланган жамоаларни вужудга келтиришдир. [4]

Мактабгача таълим ёшидаги бола шахсининг ривожланишини ҳисобга олиб, шуни таъкидлаш керакки, унинг шахсий ривожланиши туғилган пайтдан бошланади. Уларнинг ривожланиши ва мақсадга мувофиқ тарбия жараёнида бола катталар ёрдамида жамиятда қабул қилинган талаблар, нормалар ва хулқ-атвор қоидалари билан танишади. Дастлабки билим олиш жараёнида уларда тизимли ва умумлаштирилган ғоялар шаклланади. Билим ва ғоялар асосида болада муайян талаб, ахлоқий меъёр, сифатга бўлган муносабат ривожланади, бу эса эгалик ва заруриятнинг ташқи мотиви пайдо бўлишини тақозо этади. Шу туфайли мактабгача ёшдаги бола элементар ахлоқий мақсад ва вазифаларни белгилаб олиш, унинг ҳатти-ҳаракати ва ҳаракатларида ифодаланган қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш имкониятига эга.

Маълумки, мактабгача ёш даври ижтимоий таъсирларга нисбатан сезувчанликнинг ортиши билан тавсифланади. Бола бу дунёга келиб, ҳамма нарсани: мулоқот йўллари, хатти-ҳаракатлари, муносабатларини ўзига сингдиради, шу мақсадда ўз кузатишлари, эмпирик хулосалари, катталарга тақлид қилишларидан фойдаланади. Ва буларни ўзида синайди, охир-оқибат инсон жамиятда ҳаётнинг асосий нормаларини ўзлаштириш мумкин. [5]

Мактабгача таълим ташкилотларида бериладиган маънавий тарбия таълимнинг кейинги босқичларида ёшларни маънавий камолатига замин хозирлайди. Тарбия-инсоннинг маънавий қиёфаси, ахлоқий ва маънавий қадриятлар эса тарбия таъсирида шаклланади. Таълим ижтимоий ҳаётнинг ҳам ўзига хос соҳасидир. Таълим-тарбия (индивидуал билиш фаолияти), таълим ва ўз-ўзини тарбиялаш, ривожланиш ва ўз-ўзини ривожлантириш, ўсиб бориш ва ижтимоийлашувнинг бирлигини ифодалайди.

Абдурауф Фитрат бола тарбияси ҳақида фикр билдирар экан, “Агар саодат, иззат, осойишталик, роҳат, шараф, номус ва эътибор керак бўлса, тезроқ авлод тарбияси усулларини билиб олиб, болаларимизни шу усул ва қоидалар асосида тарбиялашимиз лозим” дея такидлаган эди. [6]

Мактабгача таълим ташкилотларида маънавий тарбияни олиб боришнинг яна бир аҳамиятли тарафи шундаки бу эрдаги муҳит битта боланинг эмас бутун болалар жамоасига таъсир кўрсатади. Тарбияланувчилар турли ҳил оилавий муҳитларда тарбияланган, лекин улар мактабгача таълим ташкилотларида битта болалар муҳитда тарбияланади. Бу эса маънавий тарбияни барча болаларда бир ҳилда амалга ошириш билан аҳамиятлидир.

Бола ўзини қадрлаган, севган, тушунган, ҳимояланган жойида қулай ҳис қилади. Бу жамоа ахлоқий муносабатлар ҳукмрон бўлган жамоадир. Кўп нарсани бажара олиш қўлидан келмайдиган бола кўпинча тенгдошларининг танқидига, ҳатто қаттиқ танбеҳларига дуч келади. Шу сабабли, болаларнинг муносабатлари ҳамдардлик, ғамхўрлик каби ахлоқий асосларга қурилсагина бундай жамоа ҳар бир бола учун зарурдир. Болаларнинг ахлоқий тарбиясига асосланган болалар муҳитидаги жамоавий муносабатлар, ҳар қандай мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиси лаёқатида намоён бўладиган, кейинчалик қобилият билан ривожланиши мумкин бўлган, тенгдошлар гуруҳида боланинг ўзини-ўзи англаш шартларидан бири бўлиши мумкин. Боланинг шахсий кечинмалари бошқа бир болага йўналтирилиши жуда муҳимдир, чунки бу бошқа болага ҳиссий йўналтириш жараёни бўлиб, у мактабгача ёшдаги боланинг тенгдошлар гуруҳига киришини осонлаштиради ва унда бўлишини нисбатан қулайлигини таъминлайди.

Адабиётлар рўйхати:

1.Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 16 декабрдаги “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги ЎРҚ-595-сон Қонуни. www.lex.uz
2. М.Шарифхўжаев “Маънавият асослари” Тошкент 2006 й 23 б.
3. «Маънавият» асосий тушунчалар изоҳли луғати Ғафур Ғулом номидаги нашриёти. Тошкент-2010. 317. б
4. Р.Мавлонова, О.Тўраев, К.Холиқбердиев «Педагогика» Т.: “Ўзбекистон” 2001 й 92 б
5. С.А.Козлов, Т.А.Куликова «Дошколная педагогика» Москва. «Академия» 2001. 62 ст
6. Абдурауф Фитрат “Оила ёки оилани бошқариш” Т.:2006 “Маънавият”. 55 б.

МИЛЛАТЛАРАРО МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ИЖТИМОИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Жўрақул Чориев, Денов тадбиркорлик ва педагогика институти рус тили кафедраси мудири, мустақил изланувчи.

Жамиятда миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган ишларимизни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқамиз.

Шавкат Мирзиёев

Бугунги кунда дунёда кечаётган глобаллашув жараёнлари турли миллат ва элат вакилларининг бир-бирига ҳар томонлама яқинлашуви билан ҳам изоҳланади. Бу айниқса, ёшлар қатлами, хусусан талабалар билан боғлиқ муносабатларда фаол намоён бўлади. Турли миллат ёшларининг билим олиш мақсадида бирлашиши, бир-бири билан фаол мулоқотга кириши улардан муайян ижтимоий-маданий малакаларни талаб қилади. Шундай экан, талабаларда миллатлараро мулоқот маданиятини шакллантириш миллатлараро тотувлик, бағрикенглик, турли халқлар, этник бирликларга мансуб ёшларнинг маданий ҳамкорлиги, ўзаро мулоқотини шакллантириш ва ривожлантириш долзарб аҳамиятга эга. Кейинги пайтларда халқаро ташкилотлар томонидан барча халқлар учун консенсусга асосланган, ўзаро мулоқот маданиятига таянувчи ёндашувларни фаол тадбиқ этишга долзарб масала сифатида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда миллатлараро муносабатларни барқарор сақлаш ва ривожлантиришга, турли миллат вакиллари, хусусан ёшларда ўзаро тотувлигини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда давлат ва маҳаллий бошқарув тизимлари, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини такомиллаштириш, фуқароларнинг толерантликка асосланган маънавиятини янада юксалтириш билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратилмоқда. «Миллатлараро тотувликни таъминлашда мамлакатимизда фаолият юритаётган 138 та миллий маданий марказнинг ўрни беқиёс. Айнан шу нуқтаи назардан келгусида ҳам миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади». Бу юртимизда ўзбеклар ва бошқа халқларнинг эркин, озод истиқомат қилишлари, титул миллат билан тенг ҳуқуқли фуқаролар сифатида яшашлари, ўз миллий тили, маданияти, анъаналарини сақлаш ва ривожлантиришда дунёда андозаси бўлмаган ҳуқуқий, маънавий ва ижтимоий йўналишларда сотсиологик тадқиқотларни амалга ошириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда олиб борилган тадқиқотларда мавзуга оид назарий ғоя ва хулосаларга муносабат билдириб, мазкур ёндашувлардан миллий

тотувликка эришиш йўлида қандай фойдаланиш имкониятларига эга эканлиги тадқиқ этилган бўлсада, бироқ миллий тотувликка эришишда титул миллат бўлган ўзбек халқининг толерант табиати, инсонпарварлиги, меҳр-шафқатлилиги, турли конфессиялар ва маданий ўзига хосликка мансуб аҳоли вакилларининг миллий мулоқот тизимидаги бағрикенглик ёндашувини мустаҳкамлашнинг ҳаракатлантирувчи омили эканлигини атрофлича тадқиқ этиш долзарб амалий аҳамиятга эга.

Шундай қилиб талабаларда миллатлараро мулоқот маданиятини шакллантириш орқали тотувликни таъминлаш, ижтимоий-педагогик жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- янги Ўзбекистон шароитида талабаларда миллатлараро мулоқот маданиятини шакллантириш толерантлик, плюрализм, тенг ҳуқуқлилик тамойиллари устувор йўналишлар сифатида ўрин олишининг ижтимоий аҳамиятини асослаш;

- талабаларда миллатлараро мулоқот маданиятини шакллантиришда бағрикенглик, инсонпарварлик, эзгулик фазилатларининг уйғунлашуви билан бирга тенг имкониятлар муҳити яратилганлиги ва маънавий-интеллектуал ривожланишида позитив динамик тенденсия амал қилаётганлигини исботлаш;

- талабаларда миллатлараро мулоқот маданиятини интенсивлашувининг муҳим жиҳатлари ва яқин ўн йилликда кутилаётган трансформацион жараёнларининг социологик прогнозини очиб бериш;

- талабаларда мулоқотчанлик компетенцияларини ривожлантириш орқали миллатлараро тотувликка эришиш омилларини таҳлил қилиш;

- талабаларда миллатлараро мулоқот маданиятини ижтимоий-маданий ижод воситалари ёрдамида шакллантиришнинг кўп маданиятли-интегратив моделини асослаш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз // - Т.: Ўзбекистон, 2017. 1-том, 46-бет.
2. Абдувалиев Ф.Н. «Ёшларнинг таълим миграцияси: ижтимоий сабаблари, структураси ва ҳолати» мавзусида диссертация автореферати. Тошкент – 2021 йил, 5-бет.
3. Матибаев Т. Ижтимоий ҳамкорлик – миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни таъминлаш воситаси. – Тошкент: Янги китоб, 2016. – Б. 156.;

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МАъНАВИЙ - МАДАНИЙ МЕРОСИМИЗНИНГ ЎРНИ

Асрор Турсунов,
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Собиқ шўро даврида халқимизни аждодлар яратган буюк маданий меросдан хабарсиз қолдириш, унга бўлган садоқатни камайтириш учун атайлаб турли уйдирмалар ўйлаб топилди. Чунончи, октябр тўнтаришига қадар Туркистон халқларининг фақат икки фоизи саводли бўлган эди, дейиш аждодларимиз шаънига ҳақоратдир. Аслини олганда, XX аср ўлка аҳолисининг 30 фоизи саводли бўлган. Ўша пайтда бу кўрсаткич дунё миқиёсида олдинги ўринлардан бирини ифодалар эди. XIX асрнинг бошида биргина Бухорода 150 дан ортиқ мадраса фаолият кўрсатганлиги аждодларимиз илм-марифатни ниҳоятда қадрлаганлигидан далолат беради.

Бу борада Президентимиз Ш.Мирзиёев қуйидаги фикрларни таъкидлаб ўтди: “...бизнинг қадимий ва саховатли заминимизда кўп асрлар давомида турли миллат ва элат, маданият ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келган. Меҳмондўстлик эзгулик, қалб саховати ва том маънодаги бағрикенглик бизнинг халқимизга доимо хос бўлган ва унинг менталитети асосини ташкил этади” [2].

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришиши билан миллий-маданий меросига бўлган муносабат кескин ўзгарди. Бугун мустақил давлат ва жамият қуриш, ҳалқимиз учун ҳеч кимдан кам бўлмаган фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида тарихан қисқа даврда ҳақиқатан ҳам ўн йилларга, балки асрларга тенг келадиган йўлни-масофани босиб ўтган [3].

Собиқ шўро даврида Марказий Осиёда олий таълимнинг асоси ТошДУдан бошланади, деб аюҳаннос солинди. Ахир Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистон ҳудудида қадимда илм ўчоқлари бўлмаса, Ал-Фарғоний, Ал-Беруний, Ал-Фаробий, Ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек каби буюк алломалар қаердан пайдо бўлар эди? Қадимий Туронда олий талим 1200 йилдан ортиқ тарихга эга. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термиз, Қўқон, Ғиждувон ва бошқа шаҳарларда сақланиб қолган қадимий мадрасаларнинг харобалари фикримизнинг исботидир. Афсуски, совет ҳокимияти йилларида қадимдан қолган мадрасалар, мачитлар бузиб ташланди ёки ташландиқ ҳолга келтирилди. Чунончи, биргина Тошкентда 1911 йилда 26 та мадраса бўлган, улардан 23 таси XX асрнинг 30-йилларида бузиб ташланган [4] лиги тўғрисидаги маълумотлар учрайди, албатта.

Жумладан, Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият–енгилмас куч” асарида [5] миллий-маданий меросимизнинг дарғалари ҳақидаги фикрларни учратамиз. Имом Бухорий бобомизнинг ҳадислар тўплами - «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ» китоби ислом динида Қуръони каримдан кейинги иккинчи муқаддас манба эканлиги тўғрисида... Яна бир улуғ ватандошимиз - Абу Исо Муҳаммад ибн Исо Термизийнинг маънавий мероси, жумладан, «Сунани Термизий» асари ҳам мусулмон оламида ана

шундай юксак қадрланиши юзасидан... Имом Мотуридий бобомизнинг «Мусулмонларнинг эътиқодини тузатувчи» деган юксак шарафга сазовор бўлганлиги, Бурҳониддин Марғинонийнинг Шарқ оламида «Бурҳониддин ва милла», яъни «Дин ва миллатнинг ҳужжати» деган юксак унвонга сазовор бўлганлиги, Баҳоуддин Нақшбанднинг «Дилинг Оллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин» деган ҳаётбахш ҳикматлари уни «Баҳоуддини Балогардон» деб, Муҳаммад Мусо Хоразмийнинг ўнлик саноқ системасини, алгоритм ва алгебра тушунчаларини дунёда биринчи бўлиб илм-фан соҳасига жорий этганлиги ва шу асосда аниқ фанлар ривожи учун ўз вақтида мустаҳкам асос яратилганлиги, Аҳмад Фарғонийнинг «Астрономия асослари ҳақида китоб» номли асари ўн иккинчи асрдаёқ лотин ва иврит тилларига таржима этилганлиги, атоқли астроном Ян Гевелий томонидан 1647 йили нашр қилинган «Селенография» китобида Ойдаги кратерлардан иккитаси икки буюк ватандошимиз –Аҳмад Фарғоний ва Мирзо Улуғбек номлари учраши тўғрисида маълумотлар берилгандир.

Абу Райҳон Беруний ҳақида америкалик фан тарихчиси Сартон XII асрни «Беруний асри» деб эътироф этганлиги тўғрисида... Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асари, дунё миқёсида «Медицина», «Соғлом турмуш тарзи» деган тушунчаларнинг фундаментал асоси бўлиб хизмат қилган. Мирзо Улуғбекнинг «Зижи жадиди Кўрагоний» деб номланган Улуғбек астрономик жадвали ўрта асрларда лотин тилига таржима қилиниши эса Марказий Осиё балки Европа олимлари орасида кенг тарқалганлиги фикримиз далилидир.

Юқорида номлари тилга олинган маънавиятнинг буюк дарғалари бунёд этган кашфиёт ҳамда янгиликлар бугунги кунда Марказий Осиё ҳаттоки Европада ҳам қадрланиб келинмоқда. Бу буюк алломаларимизга Белгияда Ибн Синога, Литвада Мирзо Улуғбекка, Москва, Токио ва Боку шаҳарларида Алишер Навоий бобомизга, Миср пойтахти Қоҳира шаҳрида эса Аҳмад Фарғоний хотирасига ўрнатилган муҳташам ҳайкалларни эслаш жоиз.

Масалан, чоризм мустамлакаси даврида маърифат ғоясини баланд кўтариб чиққан жадид боболаримизнинг фаолияти бунга яна бир ёрқин мисол бўла олади. Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Исҳоқхон Ибрат, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир каби юзлаб маърифатпарвар, фидойи инсонларнинг фаолиятлари тўғрисида фикрлар учрайди.

Ана шундай улуғ аждодларимизнинг илмий-ижодий мероси ва ибратли фаолияти кейинчалик диёримизда Қори Ниёзий ва Тошмуҳаммад Саримсоқов, Ҳабиб Абдуллаев ва Саъди Сирожиддинов, Обид Содиқов ва Собир Юнусов, Яҳё Ғуломов ва Бўрибой Аҳмедов, Ойбек ва Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор ва Зулфия, Саид Аҳмад ва Озод Шарафиддинов, Лутфихоним Саримсоқова ва Ҳалима Носирова, Олим Хўжаев, Раззоқ Ҳамроев ва бошқа кўплаб номлари дунёга танилган машҳур илм-фан, адабиёт ва маданият арбоблари тўғрисида кенг фикрлар берилган.

Аслида ўзбек миллий давлатчилиги 2700 йиллик тарихга эгалиги тарихий ҳақиқатдир. Тажрибадан маълумки, тарихий ҳақиқат битта бўлади. Лекин унинг талқини ҳар хил бўлиши мумкин. Маданий мерос таркибидаги энг муҳим элементлардан бири тарихий меъморчилик обидаларидир. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термиз, Қўқон шаҳарларида бугунгача сақланиб қолган тарихий меъморчилик ёдгорликлари, асрлар садосини аждодлардан-авлодларга этказиб келаётган қадимий мақбаралар, миноралар, саройлар, сардобалар халқимиз ўтмишида буюк маданий меросга эга бўлганлигидан далолат беради.

Хуллас, шу боисдан илм-фан, маданият, санъат арбоблари, сарой аъёнлари билан бир поғонада туришган, уларга иззат-хурмат кўрсатилган, катта маош тайин этилган. Бир ибора билан айтганда, халқимизнинг маданий мероси ҳақида йигит ва қизларга бор ҳақиқатни етказиш уларда миллий ғурурни шакллантиришда муносиб ҳисса қўшади. Мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Нуфузли халқаро ташкилот бўлмиш Ислом конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича тузилмаси - АЙСЕСКО томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани ҳам ана шундай юксак эътирофнинг яна бир тасдиғини белгилайди, албатта. Шундай экан, Ўзбекистонда ёшлар тарбиясини шакллантиришда халқимиз миллий-маданий меросидан унумли фойдаланиш долзарб масала ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги” 03.10.2017.
2. Мирзиёев Ш.М. “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз”. “Ўзбекистон” 2017 й. Том-1. Б.295.
3. Каримов И.А “Бизнинг мақсадимиз-эркин ва фаровон, демократикҳаёт қуриш” Т: “Ўзбекистон” 2015й. Б.8
4. Иброҳимов А. Маданият ва миллий қиёфа. // Мулоқот. -1991.-№5.-Б 3-4.
5. Каримов И.А. “Юксак маънавият–енгилмас куч”. Тошкент “Маънавият”-2008. Б. 38-50

ЎЗБЕКИСТОНДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШУВИ

Жамшид Тошбоев,
ЖДПИ Тарих ва уни ўқитиш методикаси кафедраси ўқитувчиси.

Жамият сиёсий барқарорлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий билими ва онгини юксалтириш ҳамда жамиятдаги сиёсий фаоллигини ошириш, кўп жиҳатдан уларнинг ахборот билан таъминланганлик даражасига боғлиқ. Шу боис, хар бир давлат бу борада жамият ҳуқуқий онгини шакллантиришда оммавий ахборот воситалари фаолияти ва улар томонидан этказиладиган ахборотнинг ўрни ва аҳамиятига доир масалаларни атрофлича ўрганишга ҳаракат қилганлар.

Глобаллашув жараёни кечаётган ҳозирги кунда ҳар бир соҳада бўлгани каби оммавий ахборот воситаларидан самарали фойдаланиш мақсадида тизимнинг узликсиз трансформациялашиб бораётганлигини кузатишимиз мумкин. Зотан, ахборот оқимининг хилма-хиллиги кенг омма руҳияти ва онг-тафаккурини йўналтирувчи, шакллантирувчи куч сифатида баҳоланмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, мамлакатимизда ҳар кимнинг фикрлаш ва сўз эркинлиги, ахборотни олиш, излаш ва тарқатиш ҳуқуқлари, оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги Конституциямизнинг тегишли моддалари билан мустаҳкамланиб, бир қатор қонун ҳужжатлари билан кафолатланган. Мустақиллик йилларида қабул қилинган қонунлар ва ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларда халқаро ҳуқуқий актлар талабларига ҳар томонлама жавоб бера оладиган демократик тамойиллар асос қилиб олинди. Шунинг учун ҳам мамлакатдаг ОАВ фаолияти қисқа давр ичида демократик қадриятлар асосида бутунлай янгидан ташкил этилди. Мустақиллик арафасидаёқ, яъни 1991 йилнинг 14 июнида “Оммавий ахборотла тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

Оммавий ахборот воситаларининг эркилиги конституциямизнинг 67-моддасида қуйидагича келтириб ўтилган: “Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди” [1]. Демак, кўпчилик жамиятлар томонидан тўртинчи ҳокимият сифатида тан олинган ОАВ ва уларнинг фаолияти Ўзбекистонда ҳам ҳуқуқий жихатдан мустахкамлаб қўйилган.

Оммавий ахборот воситалари тушунчасига қонунчилик билан бирга илмий адабиётларда ҳам муайян даражада таъриф берилган. Хусусан, С.Хидиров ва Ғ.Мирзоларнинг таъкидлашича, “Оммавий ахборот воситаси – содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги барча маълумотларни тўплаб, қайта ишловчи ва уларни янгилик-ахборот сифатида оммага етказиб турувчи муассаса” [2] сифатида таърифлайди. Бунга ўхшаш таърифни рус олими В.А.Малсев ҳам келтириб ўтади, яъни унинг фикрича, оммавий ахборот воситалари – турли хил ахборотни йиғиш, қайта ишлаш ва уни махсус техник

воситалари орқали кенг халқ қатламига очиқ, оммавий тарқатиш учун ташкил этилган муассасадир [3].

Оммавий ахборот воситалар тушунчасининг ҳуқуқий мазмунини тўлиқ ва объектив тушуниш ўз навбатида, уларнинг давлат ва жамият ўртасидаги универсал воситачи сифатидаги ўрни ва мақомини белгилашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга, ҳозирги ахборот глобаллашув асрида турли хил давлатларни, халқларни, яъни бир сўз билан айтганда, ахборот субъектларининг умумжаҳон доирасини бирлаштириб турган замонавий ахборот ресурслари ва тизимлари шаклланиб бормоқдаки, уларсиз жамиятнинг бугуни ва келгуси тараққиётини тасаввур қилиб бўлмайди.

“Бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио-телевидение, матбуот, Интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмоқда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Нега деганда, биз юртимизда очиқ ва эркин демократик жамият қуриш вазифасини ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйганмиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз” [4].

Оммавий ахборот воситалари нафақат давлат манфаатларига балки жамият манфаатларига ҳам бирдай хизмат қилмоғи зарур. Яъни тўртинчи ҳокимият сифатида кўрилаётган ОАВ ахборотнинг ҳолислиги ва манипулясиядан холилигига эътиборини қаратиш лозим. Б.П.Кузминнинг асарларида юқоридаги фикр янада ойдинроқ тарзда келтирилади, яъни оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги асосий ролини қуйидаги икки йўналишда, яъни жамиятдан давлат ҳокимиятига ва давлат ҳокимиятидан жамиятга қараб ҳаракатланадиган ахборот оқимини йўналтириш ва таъминлашда кўради. Бунда унинг фикрича, ушбу воситадан ҳар иккала томон ҳам ўзаро бир-бирига таъсир этиш учун фойдаланади [5].

Мамлакатимиз ўз олдига фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ҳуқуқий демократик давлат қуришни мақсад қилиб қўйган экан. Ушбу мақсадга эришиш учун биз юқорида таъкидлаб ўтиганимиздек ОАВ фаолиятининг самарадорлигини янада оширишимиз лозим. Оммавий ахборот воситалари ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида муайян мақсадни кўзлаб фаолият юритишларини инкор этмаган ҳолда, уларнинг асосий вазифалари энг аввало, инсонларнинг ахборот олишга бўлган ҳуқуқларини реал амалга оширишга хизмат қиладиган восита эканлигига алоҳида урғу бериш лозим бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, Республикамизда мавжуд оммавий ахборот воситаларининг фаолияти юритиши учун барча имкониятлар яратилган. Фақат эътибор қилинадиган баъзи жихатлари мавжудки, буларни тегишли мутасаддилар албатта назоратга олиш лозим. Жумладан, тарқатилаётган материаллар анча сустлиги, уларнинг кўп ҳолларда бир-бирларини такрорлаши бир хил ахборотлар оқимининг айланиб юришига сабабчи

бўлмоқда. Аксарият оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётган хабарлар реал воқеликни акс эттирмайди. Ва албатта берилаётган материаллар маънавий аҳлоқий қадриятларга зид келмаслиги лозим.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон республикаси конституцияси “Ўзбекистон” НМИУ, 2015 й 22-б
2. Мирзо Ғ., Хидиров С. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва оммавий ахборот воситалари./Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори, профессор А.Х.Саидов. – Т.: ТДЮИ, 2005.–Б.9.
3. Малсев В.А. Основы политологии: Учебник для вузов. –М.: ИТРКРСПП, 1998. –С.292.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008. –Б.114.
5. СМИ в информационном взаимодействии власти и общества. Материалы всероссийской конференции, Москва, 17-18 марта 2005 г.–М.: Издателство Хроникер.2005. –С.272 // Электронный ресурс.

ЁШЛАРНИ ВАТАНГА МУҲАББАТ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Комил Хидиралиев,
Гулистон давлат университети г.ф.н.,
доцент.
Синдор Бозоров, Гулистон давлат университети 2-босқич бакалавр.

Бизга маълумки, нафақат бир оила, балки, Ер сайёрасидаги ҳар бир мамлакатнинг гуллаб-яшнаши, ундаги яшовчи халқларнинг фароғати ҳам шак-шубҳасиз таълим ва тарбия туфайлидир. Ҳаёт оламида, шубҳасиз, тарбия сингари инсониятга таъсирли нарса йўқдир. Қадимдан машҳур донишмандлар тарбия тўғрисида қимматли фикрларни ёзиб қолдирганлар. Айнан, ёшлар тарбияси, уларни илмли ва ҳар томонлама етук қилиб вояга етказиш барча замонларда муҳим вазифа ҳисобланган.

Аждодларимиз асрлар давомида севиб мутолаа қилган “Қонуни ҳикмат”, “Ҳикоёти дилписанд”, “Одоб ас-солиҳин” сингари асарлар шулар жумласидандир. Ушбу нодир асарларда аввал ахлоқ-тарбияга оид бирор сўз ва тушунчани изоҳлаб, кейин унга ўқувчи амал қилиш учун нақлий ва ахлоқий далиллар келтиради. Умуман уларнинг мазмун-мундарижаси, уларда илгари сурилган илғор ғоялар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Хитой донишманди Сюн-Сзи “Чақалоқлар ҳамма ерда бир хил йиғлашади, катта бўлганларида эса турли қилиқлар қилишади, бу–тарбиянинг оқибати”, деб ёзган эди. Файласуф Иммануил Кант ўз асарида “Инсон фақат тарбия орқали инсон бўлади, унинг қандайлиги тарбиянинг натижасидир”,

деган фикрни билдирган. Тарбияга эътиборсизликнинг оқибати нималарга олиб келишини ўз вақтида Абдулла Авлоний куюниб, “Бугунги кунда жамиятимизнинг юзини қора қилувчи пасткашлар, ёмонлар, бебошлар, ўғрилар, гиёҳвандлар ва нашавандлар... кеча тарбияларига эътибор берилмаган болалардир”, деб ёзиб қолдиради [1].

Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакатимизда “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари”, “Жаҳолатга қарши–маърифат” деган устувор ғояларни ижтимоий ҳаётда қарор топтиришда ёшларни ватанпарвар, мард ва жасур, садоқатли ва она юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда ташаббускорлик, фидойилик, ахлоқий фазилатларни шакллантириш долзарб аҳамият касб этади. Ҳақиқатдан ҳам, мустақил Ўзбекистонимизда ёшлар тарбияси ва келажаги учун улкан ишлар амалга оширилмоқда, умумий ўрта таълим ва унинг узвий давоми бўлган касб-ҳунар ҳамда олий таълим сифатини оширишга, ўғил-қизларимизнинг малакали кадр бўлиб этишишига жиддий эътибор қаратилмоқда ва ёшлар тарбияси, давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Ўзбекистонда ёшлар тарбиясини замонавий асосда илмий-технологик ислоҳ қилиш борасида олиб борилаётган ишлар уни бугунги кун эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда илмий асосланган таянч компетенсиялар, фазилатлар асосида шакллантиришни талаб этмоқда. Тарбияга янгича, тизимли ёндашув, болада таянч фазилатларни кафолатли шакллантиришда оила, мактабгача таълим, умумий таълим, ўрта махсус касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари, маҳаллаларнинг ижтимоий-педагогик имкониятларини тўлиқ юзага чиқаришни ва улар орасида илмий-методик узвийликни янги даражага кўтаришни тақозо этади.

Ватанга садоқат, бурч ва масъулият, ташаббускорлик ва бошқа фазилатлар ёшлар онгида назарий тушунчалар сифатида қолиб кетгани ҳолда унинг табиатида амалий одатларга айланмаяпти. Бунинг оқибатида уларнинг ушбу фазилатлар ҳақидаги сўзлари билан амаллари орасида тафовут намоён бўлмоқда, бу эса ҳар йили мустақил ҳаётга кириб келаётган йигит-қизларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишларида бир қатор муаммоларни юзага келтирмоқда [2].

Мазкур ҳолатда, ёшларни ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш долзарб вазифага айланиб бормоқда. Зеро, ватан остонадан, инсоннинг киндик қони тўкилган тупроқдан бошланад и. Кишининг туғилиб-ўсган уйи, маҳалласи, қишлоғи, яқинлари-барчаси Ватан деган тушунчада мужассам. У кенг маънода бирор халқ вакиллари жамулжам яшаб турган, уларнинг аждодлари азал-азалдан истиқомат қилган ҳудудни англатади. Ёшларни ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратмоқ лозим:

-жамиятда, айнан ўзи яшаётган давлатда тинчлик ва осойишталикни таъминлашда ҳеч ким четда турмаслик ғоясини ёшлар онгига сингдириш;

-“Ўз болангизни, ўз уйингизни, ўз Ватанингизни кўз қорачиғидек асранг!” шиорини кенг тарғиб қилиш;

-“ватанпарварлик – ҳар бир давлат ҳаётининг маънавий асоси” эканлигини мазмунан ёритиб бериш;

-ёшларда юксак маънавият ва қонун устуворлиги асосида яшаш, эл-юртга садоқат, адолат, ҳалоллик ва жасорат каби олижаноб фазилатларнинг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамиятига алоҳида эътибор қаратиш;

-юртимизда ёшларга яратилаётган шароитлардан самарали фойдаланиш, тинчликни қадрига этиш, ушбу бебаҳо неъматни сақлашда нима ишлар қилиш лозимлиги тўғрисида турли амалий тадбирларни маҳаллаларда Узлуксиз ўтказиб туриш;

-аниқ мисоллар билан тушунтириш.

-давлатимиз раҳбари томонидан ёшларга кенг йўл очилаётганлиги, илм-маърифат эгаллашлари учун муносиб шароитлар яратилаётганлиги, тўғрисида кенг тарғибот ишларини олиб бориш;

-“Ёшларнинг маънавий ва маърифий савиясини доимий юксалтириш– давр талаби” мавзусида тадбирлар ташкил қилиш;

-ёшлар аждодларимиз орзу қилган ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамиятида яшаб, ўқиб ўрганаётганлиги, улуғ неъмат мустақиллигимиз туфайли яратилган шарт-шароитлар учун аъло ўқишга, намунали хулқ эгаси бўлишга, Ватан равнақини доимо кўкларга кўтаришга бор куч-ғайратларини сафарбар этишлари лозимлигига доимий равишда турли тадбирлар орқали ёшлар онгига сингдирилиб борилиши лозим.

Зеро, Ватан-ота-боболарнинг покиза хоклари ила шарафланган маскан. Улуғ донишмандлар айтганидек: «Ватан бир боғдир, Ватаннинг содиқ фарзандлари бу боғни ўз юрак қонлари ила суғормаклари даркор...». Озод ва обод Ватанда ўсаётган, қалби пок ҳис-туйғуларга тўла ёшларнинг орзулари бир олам. Ватанга муҳаббат, ота-онага, эл-юртга беминнат хизмат қилиш, уларнинг олдидаги фарзандлик бурчини сидқидилдан адо этиш ўша орзуларнинг энг улуғларидан саналади. Бу орзуга эришиш учун инсон болаликдан бошлаб ўз олдига аниқ мақсад қўйиб, зарур билим, кўникма ва ҳунарларни эгалламоғи, жисмонан бақувват, руҳан соғлом бўлмоғи лозим. Бу жараёнда педагоглар, ота-оналар, маҳаллалар фаол ҳамкорлик қилишлари лозим.

Ватанига хизмат қилиб ўтган фарзандлар ҳар бир миллатда эсланиб, ўз миллатнинг қахрамонлари сифатида мадҳ қилиниб, хотираси эъзозланиб келинади. Ватанга муҳаббат оддий инсонларга ҳам улкан куч-қудрат, азму шижоат бахш этиб, уларни тенгсиз жасоратлар ундайди. Бу эрда шуни алоҳида айтиб ўтиш лозимки, халқнинг тинч ва осуда ҳаёти, бахт саодати мард ва баҳодир фарзандларнинг садоқатига, жасоратига боғлиқ.

Ҳар бир ота-она, ҳар бир халқ катта умидлар билан фарзанд ўстирар экан, уларнинг аввало мард ва ботир, ўз уйи ва юртини ҳимоя этишга қодир инсонлар бўлиб вояга этишини истайди. Дунё халқларининг эртаклари, қўшиқ ва достонларига, оналар томонидан айтиладиган аллаларига эътибор берадиган бўлсак, уларда мардлик ва қаҳрамонлик асосий мавзу эканига ишонч ҳосил қиламиз.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар:

1. Н.Атаева, М.Салаева, С.Ҳасанов. (Педагогика назарияси ва амалиёти асослари). Дарслик. II китоб. – Т.: 2013, 928 бет.
2. Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси (ЎзР ВМ 31.12.2019 й. 1059-сон қарорига 1-илова).
2. Ёшларни ватанга муҳаббат ва касбга садоқат руҳида тарбиялашда Узлуксиз маънавий тарбия концепциясининг аҳамияти.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ЖАДИД МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИ МЕРОСИНИНГ АҲАМИЯТИ

Ўрмонов Ҳусниддин Бахриддин ўғли
Мирзаобод тумани, 31-умумтаълим мактаби,
Ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи

Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот,
ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир.
Абдулла Авлоний

Ҳар бир жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишида соғлом турмуш тарзини шалкллантириш муҳим рол ўйнайди. Бу вазифа бошқа омиллар қаторида оилавий, миллий-ахлоқий нормаларни такомиллаштириш ва уларга қатъий амал қилиш орқали бажарилади. Шундай экан, энг аввало, оилада бола тарбиясига катта эътибор қаратиш лозим. Зеро, оиладаги соғлом муносабатлар нафақат оила, маҳалла, тарбия масканлари, балки, жамият соғломлигини белгиловчи асосий омиллардан биридир. Президентимиз Шавкат Мирзиёев айтганларидек, **“Ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам ғоят муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган”** [1].

Жадидчилик намояндаларидан Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат ва бошқалар томонидан эълон қилинган қатор мақолаларда тарбия масалалари таҳлил этилади. Маърифатпарварлар ўз мақолаларида жамият тақдири оила муҳитига боғлиқ бўлса, оила маънавиятининг ўзи кимга ёки нимага боғлиқ, деган ҳақли саволларни ўртага қўядилар. Уларнинг фикрича, агар оилада соғлом турмуш тарзи устувор бўлиб, фарзанд ҳар жиҳатдан тўғри тарбия топган бўлса, у шубҳасиз, уйидаги ижобий фазилатларни хизмат жараёнига кўчиради, ижтимоий меҳнат фаолиятида қўллайди, натижада жамитядаги барча муносабатларга таъсир ўтказади. Жумладан, Азимий ўзининг “Таълим ва тарбия” мақоласида бу борада фирк юритиб шундай дейди: “Болага она биринчи омил ва мураббийдир. Онанинг таъсири болага, отани таъсиридан зиёдадур. Чунки она болани бир неча ойлар қони бирла ҳимоялантирур. Ва баъдаз таваллуд

саналарча сути бирла парвариш этур. Ва муддатларча оғуши мушфиқонасига тарбия этур”.

Худди шу нуқтаи назардан, жадидчилик ҳаракати намояндалари янги давр ва янги тузим курашида, яъни мустамлакчилк зулмидан қутилиш учун, энг аввало, оилани ислоҳ қилишдан бошламоқ зарур, деб ҳисобладилар. Уларнинг фикрича, оиланинг асосини тўғри қурмай туриб ва ёш авлодни тўла қонли тўғри йўлда тарбияламасдан туриб, жамиятни ислоҳ қилиш, унинг ривожини тараққиёт сари йўналтириш мумкин эмас ва охир оқибатда миллат тақдири унинг оиласи ҳолатига боғлиқ. Зеро, бугунги глобаллашув даврида оилаларда фарзандларимизга керакли таълимни бериб бориш жамиятимиз, миллатимиз ривожи учун дастлабки қадамдир.

Биз юқорида тарбиянинг аҳамиятини умумий контекстда кўриб чиқдик, энди шу масалани жадид мутафаккирларининг бевосита ижодига мурожаат қилган холда таҳлил қиламиз. Дастлаб Абдулла Авлонийдан бошласак. Сабаби ҳеч қайси мутафаккир Авлонийчалик тарбия хусусида кўп гапирмаган. Унинг жуда кўп мақолалари ва асарлари айнан маънавий-ахлоқий тарбия масалаларига бағишланган.

Унинг инсон тарбиясига бағишгланган энг катта асари “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” деб номланади. Ушбу асарда анъанавий-фалсафий ёндашув бўлмиш антропологик нуқтаи назар бўртиб кўзга ташланади. Аммо бу ёндашувнинг янгиланган моҳияти шунда эдики, тадқиқот обекти сифатида макон ва замондаги умумий мавҳумий инсон эмас, балки муайян, XX аср бошларидаги, миллий озодликка, янгича ҳаёт тарзига интилишни ўз олдига ният қилиб қўйган Туркистон фуқароси олинади. Ана шу янги инсон тарбияси бош масала тарзида ўртага ташланади. Бугунги кунда ҳам бизни юртимизда ахборот технологиялари энг юқори чўққисига қараб бораётган бир даврда Янги Ўзбекистон ёшларини шакиллантириш масаласи Президентимиз бошчилигида ўз ечимини топиб бормоқда.

Авлоний тарбияни, қадимги ва ўрта асрлар мусулмон Шарқи мутафаккирлари анъаналарига суяниб, учга бўлади: бадан тарбияси, фикр тарбияси, ахлоқ тарбияси. Шулар орасидан ахлоқ тарбиясига алоҳида урғу бериб, уни “инсонларга энг муҳим, зиёда шараф, баланд даража бергувчи” тарбия деб баҳолайди. Фазилатларни файласуф-педагог яхши хулқлар, иллатларни эса – ёмон хулқлар деб атайди. Матонат, диёнат, шараф, ҳаё сингари мусулмон Шарқи учун анъанавий бўлган фазилатлар шарҳи билан биргаликда Авлоний виждон, Ватанни суймак сингари Туркистон минтақаси учун янги талқинда тақдим этилган фазилатлар ҳақида алоҳида тўхталади.

Ватанни суймоқ, лозим бўлса, унинг йўлида жонини фидо этмоқ юксак ахлоқий инсонга хос фазилатдир. Инсон Ватанни танламайди. “Биз туркистонликлар ўз Ватанимизни жонимиздан ортиқ суйганимиз каби, араблар Арабистонларини, қумлик иссиқ чўлларини, эскимўлар шимол тарафларини, энг совуқ қор ва музлик ерларини бошқа ерлардан зиёда суярлар. Агар суймасалар эди, ҳавоси яхши, тириклик осон ерларга ўз ватанларини ташлаб ҳижрат қилур эдилар” [2,94-б]. Ана шундай экан

юртимизда Аллоҳнинг назари тушган жаннатмакон Ўзбекистонимизда яшаб унинг номини бутун дунёга танитиш Янги Ўзбекистон ёшларининг – бизнинг энг юксак мақсадимиз бўлмоғи лозим.

Виждон эса Авлоний наздида, инсон ниятлари ва қилмишларини акс эттирувчи энг мусаффо ахлоқий кўзгудир, "инсон ақли ва фикрининг ҳақиқий мезони" [3,54-б].

Шунингдек, мутафаккир интизом, иқтисод, идрок ва зако сингари ўша даврларда ҳали кўп қулоқ ўрганмаган фазилатларни ҳам алоҳида эътибор билан назарий-амалий таҳлилдан ўтказади, ёшларга иложи борича қисқа ва лўнда тарзда тақдим этишга интилади.

Абдулла Авлоний ўз рисоласида "ёмон хулқлар"га - иллатлар таҳлилига катта ўрин ажратади. Миллат тараққиётига энг кучли тўсиқ бўладиган иллатлардан бири сифатида аллома жаҳолатни келтиради. Жаҳолатни "инсониятнинг энг зўр душмани ва ёмон хулқларнинг бошлиғи" [3,73-74-б], деб таърифлайди. Авлоний ғазаб, шаҳват, ҳасад, кизб, тама сингари иллатларга ҳам атрофлича тўхталади. Авлоний оиладаги тарбияни мактаб тарбияси учун катта мадад дея баҳолайди. У ота-оналар ва болалар ўртасидаги муносабатларга янгича ёндашади. У бола шахсини оёқ ости қиладиган, бола қалбига, ҳиссига шикаст етказадиган жисмоний жазони қоралайди. Болани севиш ва унга усталик билан таъсир кўрстаиш зарур. Уни ишонтириш воситаси билан бурчни англаш йўлига солиш керак, деб ҳисоблайди [4,277-б].

Муаллифнинг бу борадаги фикрларига хулоса ясаб, шуни айтиш мумкинки, Авлоний ўша давр тарбия усулларини замонга мос эмслиги тўғри тушунганлар ва улрани ислоҳ этиш заруратини тўла англаб етганлар. Зеро, замонга мос тарбиягина ёш авлодни миллит жонкуярига, ватан тараққиёти ўзининг тараққиёти деб биладиган ёшларни тарбиялаш мумкин.

Жадид мутафаккирлари орасида Абдурауф Фитрат ҳам ўзининг тарбия бораисдаги фикр-мулоҳазалари билан алоҳида ўрин тутади. Унинг "Нажот йўли" ("Раҳбари нажот"), "Оила ёки оила бошқариш тартиблари", "Ҳинд сайёҳининг қиссаси" асарларида тарбия масалалари кенг ўрин олган. Фитрат ушбу асарларида илм-маърифатнинг инсон камолоти ва жамият тараққиётидаги, шунингдек, маънавият ривожидаги ҳаётбахш моҳиятига катта аҳамият беради. Бу борада илм-фан, ўқиш ва ўқитишнинг замонавий илмий асосда йўлга қўйилишини маърифатли ҳаёт учун курашда энг қудратли восита деб билган.

Фитрат ҳар доим маориф ишлари билан банд бўлган ва бу ишларга жиддий ёндашган. Туркистонлик талабаларни хорижга юбориш ишларига бош бўлган. У фақат маориф ишлари билан банд бўлмай, Самарқанд Педакадемиясида, Тошкент давлат педагогика институтида, 1934 йилда Ўзбекистон фанлар комитети қошида очилган илмий тадқиқот институтларида мумтоз Шарқ адабиёти тарихидан, она тилидан дарс беради.

Абдурауф Фитрат ўз асарларида инсонлар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик масаласига алоҳида тўхталиб ўтади. "Ҳеч шубҳа йўққи, – дейди адиб, – одамлар нечалаб дин, мазҳаб, қавм ва миллатга бўлинмасинлар бир

отанинг фарзандларидир, бир томирдир” [4,262-б]. У миллат тинчлиги ва равнақи ҳар қандай қадриятдан устун эканлигини таъкидлайди. Ва буни таъминлаш ҳар бир миллат вакили учун ҳам фарз, ҳам қарз эканлигини алоҳида уқтиради. У миллатнинг интизоми ҳақида гапириб, шундай дейди: “ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати, албатта, шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик эса, шу миллат оилаларининг интизомига таянади. Қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва муаззам бўлади” [5,4-б].

Фитратнинг тарибя хусусидаги қарашлари унинг “Оила” асарида кенгроқ ўрин эгаллаган. Ушбу китоб икки қисмдан иборат бўлиб, муаллиф китобнинг биринчи қисмига, маълум маънода меъёрий дастуриламал тарзида тартиб беради. Ундан ҳар бир янги оила қурмоқчи бўлган туркистонлик кичик ҳажмдаги ахлоқий-маиший, гигиеник-саломатлик қомуси сифатида фойдаланиши мумкин эди. Бундан ташқари, асарда оиланинг моддий томонлари, ташкил топгандан бошлаб, бузилишигача бўлган ҳолатларнинг маънавий, ахлоқий, иқтисодий асослари тўғрисида ҳам тўхталиб ўтади.

Умуман олганда, Фитратнинг “Оила” китобида жамиятдаги ижтимоий ва маънавий муаммолар уйғунлашиб кетган. Лекин унда педагогик-дидактик услуб эмас, жанговар чорлов услуби устун. Фитрат учун юксак ахлоқийлик эрк ва эрксеварлик билан мустаҳкам боғлиқ. Туркистон ва туркистонликни озод кўриш, яъни миллий мустақиллик мафкураси китобнинг руҳига сингдириб юборилган. Уни ўқиган киши нафақат ахлоқий фазилатлар нималардан иборат ва уларга қандай эришиш кераклигини, балки миллий озодлик, шахсий эркинлик нима-ю, уни қандай қилиб қўлга киритиш мумкинлигини англаб олади. Шу боис мутафаккир-жадид Абдурауф Фитратнинг “Оила” асари Туркистон миллий уйғонишида бениҳоя катта рол ўйнади, дейиш мумкин. Айни пайтда у ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган ажойиб ахлоқий-маърифий рисола сифатида алоҳида эътиборга молик.

Жадид маърифатпарварларимиздан яна бири бу Маҳмудҳўжа Беҳбудий ҳам тарбия хусусида жуда кўп фикр-мулоҳазалар билдирган. У ўзининг қатор асарлари ва мақолаларида тарбия муаммоларини кўтаради. “Падаркуш ёхуд ўқимаган боланинг холи” деб номланган песаси бунинг ёркин мисолидир. Беҳбудий ушбу драмасида маърифатсизлик, жахолат, ахлоқсизлик, ҳамда фарзанд тарбиясига нотўғри ёндашув қандай оғир оқибатларга олиб келиши ҳақида баён қилади. У том маънода миллатнинг дардини кўрсатишга ҳаракат қилади. Беҳбудий ушбу асарида зиёли тилидан шундай дейди: “Бизларни хонавайрон, бачагирён, беватан ва банди қилғон тарбиясизлик ва жаҳолатдур: беватанга дарбадарлик, асорат, фақру зарурат ва хорликлар ҳаммаси илмсизлик ва бетарбиянинг меваси ва натижасидир. Дунёга тарққий қилган халқ илм воситаси ила тараққиёт қилади. Асир ва забун бўлганларида беилмликдан. Модомики, бизлар тарбиясиз ва болаларимизни ўқитмаймиз, бул тариқа ёмон ҳодисалар ва бадбахтликлар орамизда доимо ҳукм-фармон бўлса керак. Бу ишларни йўқ бўлмоғига ўқимоқ ва ўқитмоқдан бошқа илож йўқ” [6,50 б].

Мутафаккир куюнганида жон бор. Сабаби, ўша даврларда бойлар ўзларининг бойликларини фақат базму жамшид ва кайфу сафога сарфлар ўзларининг фарзандлари тарбиясига муталақо аҳамият бермасдилар. Умуман олганда, Беҳбудий бошлаб берган театр ишининг аҳамиятини тушунган жадидлар бу фаолиятга жиддий эътибор бера бошлаганлар.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, ёшлар тарбияси, камолоти нафақат ота-оналар ташвиши, балки бу миллат ва жамият муаммоси ҳамдир. Унга бефарқлик эса, юқорида биз сўз юритган муаммоларни келтириб чиқариши табиий. Шунинг учун ҳар бир даврда ёшлар тарбияси жамият олдида турадиган энг муҳим масала бўлиб қолаверади. Зеро, бугун бизнинг юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ёшларни келажакда олий маълумотли бўлиш билан биргаликда, билимли ва зукко бўлиб етишишларига ундайди. Янги Ўзбекистон ёшлари Учинчи Ренесанс даврида барча соҳаларда энг мукаммал бўлмоғи лозимдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қилайлик. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. Авлоний А. Ўсон миллат. Т., Шарқ, 1993-й.
3. Авлоний А. Танланган асарлар. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. – Т.: Маънавият. 2006-й.
4. Муаллифлар жамоаси. Ўрта Осиё педагогик фикр тараққиётидан лавҳалар. – Т: Фан., 1996-й.
5. Фитрат А. Оила ёки оилани бошқариш тартиблари. – Т.: Маънавият, 2000-й.
6. Маҳмудҳўжа Беҳбудий Танланган асарлар. – Т.: Маънавият. 2006-й.

АХБОРОТЛАШГАН ДАВРДА АХБОРОТНИНГ ЁШЛАР ОНГИГА ТАЪСИРИ

Маматқулова Кимёхон Абдужалиловна,
Низомий номидаги ТДПУ доценти

Бугунги глобаллашув даврида ёшлар онгини интернет орқали кенг кўламда кириб келаётган зарарли ғоя ва таъсирлардан самарали ҳимоялаш тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Бу эса жамиятда барча таълим даргоҳида фаолият олиб бораётган ўқитувчилар, шунингдек, маънавият тарғиботчилари, ота-оналардан янада ҳушёр ва огоҳ бўлишни, ёш авлоднинг ғоявий-мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш борасидаги амалий ишлар кўламини янада кенгайтиришни талаб қилади.

Англия бош вазири Уинстон Черчилл ўз вақтида “ким ахборотга эга бўлса, дунёга ҳам шу эгалик қилади” – деган машҳур иборани қўллаган эди.

Ҳақиқатдан ҳам, бугунги кунга келиб этарли миқдорда тарқатилган таъсирчан ахборотлар ҳаётни тубдан ўзгартириб юборишга қодир бўлиб қолди. Калифорния университети тиббиёт ходимларининг Сан-Диегодаги тадқиқотлари натижасига кўра, замонавий рақамли технологияларнинг ишлаб чиқариш кучи инсон миясининг ахборотни қабул қилиш имкониятларидан ҳам илгарилаб кетган. Биргина клавиатура тугмасини босиш орқали биз ер сайёрасида кун давомида содир бўлган воқеалардан хабардор бўлишимиз мумкин[149].

Бугун жамият ҳаёти ва фаолияти ахборотга асосланиб, таяниб қолган бир пайтда кишилар, айниқса ёшлар учун катта ҳажмдаги турли хилдаги ахборотларни саралаш, тушуниш ва таҳли қилиш жуда кўплаб муаммоларни келтириб чиқармоқда. Дарҳақиқат, бугунги кунда инсонлар бир ахборотни идрок қилмай туриб бошқасига дуч келмоқда, кейин унданда қизиқарлироқ янгилик ва ҳали уларни таҳлил қилиб улгурмай, улардан-да қизиқарлироқ ахборотлар таъсири остида қолмоқда. Натижада, инсонлар миясида таҳлил қилинмаган, аҳамиятга эга бўлмаган, кераксиз “ахборотлар уюми” йиғилиб қолмоқда Бу йиғилиб қолган кераксиз ахборотлар албатта, ёшлар онгига, характерига таъсир этибгина қолмасдан, янги керакли ахборотларни қабул қилишга имкон бермаяпти.

Энг ачинарлиси, мазкур кераксиз ахборот оқими кишилар, айниқса ёшларда янги бир “замонавий хасталик” – “ахборотдан толиқиш” синдоримини келтириб чиқармоқда. Тўғри, инсон миясининг имконияти чексиз. У жуда катта маълумотлар базасини бир вақтда ўзлаштиради ва таҳлил эта олади. Аммо ҳозирги ахборот асрида инсон кун давомида шу даражада кўп маълумотни қабул қилмоқдаки, унинг мияси ушбу ахборотларни қайта ишлаш учун ҳатто кечаси ҳам “тинмай ишлаш”га мажбур бўлмоқда.

Бугунги техника ва технологиялар ривожланган асрда мобил телефонлари, интернет-блоглар ҳамда турли хилдаги ижтимоий тармоқлар барча учун бир зумда ахборотга эга бўлиш, тарқатиш, фарқини айта олиш имконини яратмоқда. Айни пайтда ким нима билан машғул эканини, унга қандай таомлар ёқишини, ёки бўлмаса ким қандай кийинишни ёқтириши ва ҳаттоки қайси инсонни ёқтиришини ҳам интернет орқали бемалол омма эътиборига ҳавола этмоқда.

Таъкидлаш керакки, ахборот воситалари келтириб чиқараётган бундай имкониятлардан бугунги кунда жуда кўп ёшлар ўзининг олтинга тенг вақтини турли хилдаги интернет ўйинлари, кераксиз “чат”лардаги аллақандай “дил изҳор”ларини ўқиб, таъсирланиб “тақлид” қилиб, менталитетимизга зид бўлган видеоларни ҳайиқмасдан томоша қилишга сарфламоқда.

Ёшлар ўзларидаги вақт имконияти ва жуда катта потенциал кучини турли маъносиз қўшиқ матнлари, смс хабарлар, электрон ўйинлару, ақлга сиғмас “бачкана” видеоларни томоша қилиш билан банд этмоқда. Бунинг оқибатида бугунги кун ёшлари кимларнингдур бошига тушган дарду хасратлар,

[149] dreambeauty.ru

кулфатларни ҳиссиётларсиз, бир нафасда ўқиб, эшитиб ва кўриб кетишга одатланмоқда.

Кераксиз ахборотларнинг кўплиги воқеа-ҳодисаларни юзаки, тез ва чала идрок этишига сабаб бўлмоқдаки, бу хол ёшларда фақат ҳиссиётларнигина эмас, интеллектуал салоҳиятини ҳам “ўтмас”лаштиришга олиб келмоқда.

Эътибор қаратадиган бўлсак, кейинги вақтларда мазкур ҳажмлардаги ахборотлар фақатгина оддий, тезкор маълумотлар эмас балки, ёшлар онгига хуруж ва таҳдид ролини бажармоқда. Ахборот оқимидан бундай шаклда фойдаланиш бугунги кунда жанговор урушга муносабатнинг ўзгарганлигидан, қуролнинг янги, хавфлироқ турини кашф қилинганлигидан дарак бермоқда. Албатта, бу хавфли қурол турли ёт ғоялар билан тўйинган абротлардир. Бундай қурол ёрдамида олиб бориладиган информасион урушларда инсоннинг онги ва қалби нишонга олинади. Аслини олганда, ахборот мақсадга эришишнинг энг арзон ва қулай воситаси саналади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бугунги кун шароити мамлакатимиз ёшларидан огоҳликни, ахборот оқими шиддатли тус олган даврда керакли ва фойдали ахборотларни саралай олиш малакасини талаб этмоқда. Албатта, бу талаб давр талаби бўлиб, уни ҳар бир ёш авлод англаб этмоғи лозим.

Шунингдек, жамиятда кишилар, хусусан, ёшларни ахборотлашган даврда яшаш малакасини ҳосил қилишнинг энг яхши усули, мамлакатимиз ахборот манбалари (матбуот нашрлари, ридио ва телевидения, турли хилдаги интернет сайтлари)ни халқимиз руҳиятига ва менталитетига яқинлаштирилиши, ёшлар руҳиятида ижобий ўзгаришларга сабаб бўлувчи материалларни кўпроқ берилиши зарур бўлади.

ИСЛОМИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ШАХС МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ФАЗИЛАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДАГИ НУФУЗИ

Очилова Бахти Муродовна,
Жиззах давлат педагогика институти профессори,
фалсафа фанлари доктори

Ҳозирги даврда инсоннинг динга нисбатан ўрни ўзгараётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Албатта, бу ўзгариш тараққиётнинг жаҳоний тамаддунининг ўзига хос жиҳатлари ҳамда хусусиятлари билан ҳам боғлиқ. Аввалари анъанавий жамиятларда дин шахсдан юқори туриб, унга ташқаридан берилса, эндиликда эса диний эътиқод инсоннинг ўзидан кўтарилмоқда. Инсон эркини ўз қўлига берган ҳозирги дунёвий жамиятлар диний қадриятларнинг инсон маънавиятининг камол топиши ва тўла рўёбга оширилишидаги нуфузига алоҳида эътибор беради.

Динга, хусусан, ислом қадриятларига маънавий эҳтиёжнинг ўсиб бориши ундаги имон, эътиқод, масъулият, руҳий ва маънавий ўзликни англаш, оилани қадрлаш, меҳр-мурувват, саховат, инсонпарварлик, бағрикенглик,

миллатлараро тотувлик каби ғоялар нуфузининг ошиши *динга берилган эркинлик, диний маърифатга эҳтиёжнинг ошиши* ва *диний-ахлоқий тарбия меъёрларининг* ўзгариши билан ҳам характерланади.

Диний қадриятларга ихлос, бу зарурият ёки мажбурият эмас, балки, ҳар бир онгли киши оламни, ундаги воқеа ҳамда ҳодисаларни идрок эта олувчи шахснинг табиий эҳтиёжидир. Қолаверса, дин, шахс маънавияти ҳамда ақлоқининг сайқаллантириб турувчи ўзига хос зийнатдир.

Диний маърифатсиз динга ихлос ва ихлосмандлик тўғри йўналиш ола билмайди. Дин ҳодисаларини, унинг инсонпарварлик тамойилларини илмий-фалсафий мушоҳада қилиш, чуқур ирфоний билиш асосида англаш мумкин.

Динга ихлос – руҳ тарбияси, яъни тил ва дил бирлиги асосида шакллансагина, у инсонга ҳам, жамиятга ҳам наф келтиради. Руҳ тарбиясида эса дилни поклаш, нафсни жиловлай олиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, руҳ – Аллоҳдан, жисм бўлса тупроқдан. Қуръони Каримда: “Дарҳақиқат, уни (яъни ўз нафсини-жонини имон ва тақво билан) поклаган киши нажот топади”, деб (“Ваш-шамс” сураси, 9-оят) таъкидлангани бежиз эмас. Улуғ аллома Ғаззолийнинг фикрини ҳам бу ўринда келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ. “Ўзини англаб этган кишигина ўз Яратганини англаб этади…” [1,239]. Яраратганни англаб этган инсонда иймон мавжуд бўлади, миллатига, халқига, Ватанига нисбатан дахлдорлик унинг эътиқоди, амалий хатти-ҳаракатларида намоён бўлади.

Ислом дини, умуман, барча динлар ҳам инсон иродасини тоблаш, уларнинг қалбида меҳр-оқибатли, сабр-тоқатли бўлиш каби фазилатларни тарбиялаш баробарида ўткинчи хою-ҳавасларга берилмаслик, зулм ва адолатсизликларга қарши курашиш қобилиятини таркиб топтиришга яқиндан ёрдам бериб келган.

Аллома Ибн Сино қайд этганидек, “Аллоҳ зарурий бир тарзда инсон вужудини, унинг ички оламини ўз нури ила мунаввар қилади. Натижада илм ва ахлоқий фазилатлар муайян қадриятларга айланади ва яратганнинг карами сифатида намоён бўлади, унинг қудрати ва меҳрибонлигидан инсонларга сабоқ беради, чунки барча мавжудотлар, мўжизавий ҳодисалар – аниқ мақсадни кўзлаб яратилган” [2,40].

Маҳаллий ва миллий қадриятларни инкор этиш йўлини тутмаган ислом дини амалиёти асрлар давомида халқимизнинг муқаддас эътиқоди, турмуш тарзи, маънавий ҳаётимизнинг дастуруламали бўлиб келди. У мусулмон жамияти фуқароларининг турмуш тарзи, руҳияти, қадриятлари билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий, ахлоқий, илмий, тарбиявий, маданий, коммуникатив вазифаларни бажарди ва бугун янгиланаётган жамиятда ҳам миллий тараққиётимизнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Муҳими шундаки, ислом динида миллий ва диний қадриятлар ўзаро шундай бирикиб кетганки, улар яхлит бир маданий-маънавий тизимни ташкил этади. Бизнинг жаҳонга машҳур уламо ва аллома аждодларимиз айнан шу негизга таяниб бизга юксак даражадаги бой миллий-маънавий мерос қолдириб кетишган.

Давлатимиз раҳбари таъкилаганидек, “...буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У ҳалқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қимматлидир [3,28], ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади” [4,310].

Юртимиз заминида кечган биринчи ва иккинчи Уйғониш даврларининг кўплаб ёрқин намоёндалари ислом ва жаҳон сивилизасиясига беқиёс ҳисса қўшган” [5,310]. Модомики шундай экан, дин соҳасида оламшумул аҳамият касб этган меросларни ўрганиш, улар томонидан асрлар давомида яратиб келинган ғоят улкан ва бебаҳо маданий-маънавий қадриятларни қайта тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилишига молик муҳим вазифадир.

Шунинг учун “Ислом дини ривожи йўлида беқиёс хизмат қилган буюк муҳаддис боболаримизнинг диний ва илмий-маърифий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш мақсадида Тошкентда Ўзбекистин халқаро ислом академияси, Самарқандда Имом Бухорий, Сурхондарёда Имом Термизий халқаро илмий тадқиқот марказлари, шунингдек, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази иш олиб бормоқда” [7,93]. Чунки мазкур меросларнинг ижтимоий-ахлоқий асослари ҳар қандай жамият халқининг маънавий онгини ўзгартиришга, унинг пировард мақсадларига хизмат қилишга қаратилган.

Диний бағрикенглик тамойили динларнинг ўзига ҳам таъсир ўтказиб, уларда янги таълимотлар, мазҳаблар, қарашлар силсиласини вужудга келтирган. Бу ҳолат ўзининг айрим жиҳатлари билан ислом таълимотининг инсонпарварлик моҳиятини очиб берувчи, эзгу ишларга рағбатни кучайтирувчи нақшбандия, яссавия, кубравия каби тасаввуфий сулукларни юзага келтириш билан бирга, ғайриинсоний ғояларни тарғиб этувчи исломий қадриятлар билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган мутаассиб оқимларнинг пайдо бўлишига ҳам олиб келди.

Бугунги кунда ҳам бундай зарарли оқимларнинг намояндалари кишиларнинг дину диёнатини бузишга, уларнинг динга бўлган ихлосини ўзгартиришга ҳаракат қилаётганлиги барчага аён. Ана шу боис диний маърифатни илмий асосга қўйиш орқали ёшларимизни хурофот ва жаҳолатнинг зарарли таъсирлардан сақлаб қолиш диннинг маънавий-маърифий салоҳиятини жамиятдаги барқарорлик, ижтимоий ҳамкорлик, динлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга йўналтириш Янги Ўзбекистон таълими ва тарбиясининг асосий вазифаларидан биридир.

Мақсад ислом дини асосларини чуқур ўрганиш, унинг маърифатпарвар ғояларини кишиларга, айниқса ёшларга кўрсатиб бериш ҳамда ихлосмандлик ва дахлдорлик туйғуларини қарор топтиришдир.

Бу ўринда динга муносабатнинг қуйидаги баъзи услубий муаммоларига таҳлилий муносабатда бўлиш зарурияти кўзга ташланади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Диний-маърифий соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида жамиятда “жаҳолатга қарши – маърифат” деган улуғвор ғоя асосида диннинг инсонпарварлик, эзгулик ва тинчлик каби

фазилатларини ҳамда диний бағрикенглик руҳини кенг тарғиб қилиш, шунингдек, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, аҳолининг, айниқса ёш авлоднинг диний ва дунёвий қарашларини ривожлантириш” [8, ПҚ-4436-сон] каби муҳим вазифалар белгилаб берилди.

2. “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Ислом цивилизацияси маркази фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорда (2021 йил, 16-июл, ПҚ-5186-сон) ислом тарихи ва маданияти йўналишига оид билимларни ошириш, ислом манбаларини ўрганиш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш кўрсатиб ўтилди. Бу эса таълим муассасаларида шахс маънавий тарбиясида диний қадриятлардан самарали фойдаланишнинг зарурияти ва ахамиятини характерлайди.

3. Сиёсатни фақат моддий ёки технологик асосларда қуриб бўлмайди. У инсоний қиёфага эга бўлиши керак. Акс ҳолда, инсон ўзини тараққиёт ва ҳаёт оқимидан четда қолган, деб ҳисоблайди ва шундай ҳиссиёт асосида, жамиятдан узоқлашади. Тўқ жамиятларда дин маънавий юксалиш ва покланиш омили бўлса, иқтисодий танглик жамиятларида дин қийинчилиларни ҳал этиш омили сифатида тақдим этилишга мойилдир.

4. Шахс дунёқарашини такомиллаштиришда динни восита қилиб олишнинг ўзи кифоя қилмайди, балки, бугунги дунё тамаддуни, Ғарб ва Шарқнинг дин ва диний тамойилларига муносабатини ҳам чуқур таҳлил этиш, ундан кўзланган мақсад ва муаммоларни теран англаш асосида унга ёндашмоқ керак.

Шулардан кўриниб турибдики, ислом таълими ўзига хос бўлган бир жараён ҳисобланади. Бу жараён ислом дини объекти ва предмети, категориал аппарати ва концептуал моҳияти масаласи дедуктив ва индуктив мантиғини талаб қилади. Бу жараён таълим тизими доирасида ва таълим тизими доирасидан ташқарида репродуктив методлардан фойдаланишни тақозо этади.

Адабиётлар:

1. Абу Хамид Газали. Воскрешение наук о вере. М., “Наука”, 1980. – С. 239.
2. Аликулов Х., Носиров Р., Ортиқов Т., Ашуров А., Райимжонова Ш. Маънавий-ахлоқий қадриятлар мутафаккирлар талқинида. – Андижон, 2003. – Б. 40.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т., Ўзбекистон, 2017. – Б. 28-29
4. Мирзиёев Ш. М.Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т: Ўзбекистон, 2021. – Б.310
5. Мирзиёев Ш. М.Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т: Ўзбекистон, 2021. – Б.310
6. Мирзиёев Ш. М.Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т: Ўзбекистон, 2021. – Б.35

7. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон – демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. – Т: Ўзбекистон, 2021. – Б.93
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 сентябрдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4436-сон Қарори. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2019 й., 07/19/4436/3693-сон
9. Репродуктив ўқитиш методлари

ЁШЛАРДА МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Пулатов Ҳаётбек Абдуғани ўғли,
ТВЧДПИ Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими йўналиши талабаси

Биз бугун XX асрнинг 60-йилларидан бошланиб, то бугунги кунга қадар ривожланиб келаётган глобаллашув асрида яшамоқдамиз. Бугунги кунда техника ва технологиялар ривожлангани сайин, жамиятимизда ёшларнинг онгини эгаллашга қаратилган ёт ғоялар ва ножўя оқимлар таъсири ҳам муттасил ривожланиб бормоқда. Мустақилликнинг илк даврларида бизнинг халқимиз мафкуравий иммунитети замона даражасида эмасди. Албатта, бунга сабаб мавжуд муҳит, деб ҳисоблайман.

Нега дейсизми? Чунки бизнинг халқимиз руслар истилоси даврида руслар мафкураси Марксча-Ленинча таълимотга асосланган эди. Уларнинг мафкурасининг бизнинг мафкурадан фарқли жиҳати шунда эдики, бизнинг мафкурада ҳамма нарса халқ учун яратилса, уларда аксинча, ҳамма нарса жамоа учун хизмат қиларди. Бу тузумга кўнмаганлар эса, кофир саналиб, католик черкови қонунлари асосида шавқатсизларча жазоланар эди.

Бу мафкура жамиятда ўша вақтда кўплаб қирғинларга сабаб бўлган десам, муболаға қилмаган бўламан. Бундай қирғинбаротлар банкларни бузиб, пулни йўқотиш, зиёлиларни – синфиий душманларни ўлдириб, жигарларини қовуриб эйиш, мактабларни бузиб, ўқитувчиларни синфхоналарда ўқувчилар кўз ўнгида осиш сингари ҳодисалар силсиласида намоён бўлди. [1] Шунинг учун ҳам таълим даргоҳларининг барчаси коммунизмга мослаштирилган ва мустақил фаолият юрита олмас эди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, уни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан бири – бу ғоявий тарбияни кучайтиришдан иборат эди. Бу борада кишиларда ёт ва зарарли ғояларга қарши курашиш учун маънавий иммунитетни шакллантириш зарур ва шарт эди.

Зеро, маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон эътиқодини

бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёқ куч, унинг барча қарашларининг мезонидир. [2]

Янгича, мустақил тафаккур зарурати ҳануз долзарб, миллий мафкурани шакллантириш, халқ маънавиятини юксалтириш бугуннинг ҳам энг муҳим вазифасидир. Мустақиллик масъулияти айни шу вазифаларни мукаммал ҳал этишни тақозо қилиб турибди.

Мустақилликни мустаҳкамлашнинг муҳим шартларидан бири бу ғоявий тарбияни кучайтиришдан иборат. Бу борада кишиларимизда ёт ва зарарли ғояларга қарши курашиш учун мафкуравий иммунитетни юксалтириш зарур.

Албатта, маънавий иммунитетни шакллантириш ва юксалтириш кишилар онгида бир хил ғояни зўр бериб тиқиштириш эмас, балки одамларда оқ-қорани ажратиш, зарарли ғояларга қарши ҳушёр ва огоҳ бўлиш хусусиятларини тарбиялаш демакдир. 1999 йил 16 феврал, 2004 йил мартидаги Бухоро ва Тошкент шаҳрида, 2005 йил 13 майда Андижон шаҳарларида содир этилган террорчилик воқеаларидан тўғри хулоса чиқариш керак.

Ҳар бир давлат, жамиятнинг қудрати унинг ички хавфсизлиги ва барқарорлигига таянади. Яъни жамият, миллат ўз ғоясида мустаҳкам турса, иккиланмаса, ҳар қандай душман қўллаши мумкин бўлган ғоявий таҳдидлардан қўрқмаса, бундай миллатни энгиш мумкин эмас. Аксинча, жамият ичида ғоявий парокандалик, бўлинишлар бўлса душманларга, уларнинг ёт мафкураларига йўл очиб беради. Бундай миллатни энгиш, мустамлака қилиш осон кечади.

Ташқи таҳдидлар – Ўзбекистоннинг давлат чегарасидан ташқаридан кириб келувчи, ички таҳдидлар эса Ўзбекистон давлати, мамлакатнинг ичидан чиқаётган таҳдидлардир. Биз кўп асрлар ана шу ички таҳдидлар туфайли мустамлакаликда яшаб келдик [3].

Мафкуравий таъсир ва таҳдидлар ҳақида гап кетар экан, уларни аниқлаш, баҳолаш, хусусиятларини яққол кўрсатиш учун Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан илмий муомалага бир қатор тушунчалар киритилганлигини қайд этиш лозим. Улар қаторида «мафкуравий иммунитет», «мафкуравий профилактика» кабилардир. Ана шу тушунчаларнинг мазмуни ойдинлаштирилганда ҳозирги дунёда кечаётган мафкуравий жараёнларнинг характерини янада яққолроқ тасаввур қилиш имкони туғилади.

“Мафкуравий иммунитет – маънавий баркамол, иродаси бақувват, иймони бутун шахсни тарбиялашда, ҳар қандай реакцион, бузғунчи характердаги ғоявий ташаббусларга бардош бера оладиган ёшларни тарбиялашда қўл келади” [4].

Бугунги кунда оммавий ахборот воситалари инсонлар онги ва ҳиссиётларига, тафаккур тарзига, хулқ-атворларига таъсир кўрсатишда катта имкониятларга эга. Оммавий ахборот воситаларининг ҳозирги ривожи ғоявий таъсир ўтказишнинг миқёси ва кўламининг кескин даражада ўсишига олиб келганини таъкидлаш зарур. Улар ёрдамида амалга ошириладиган ва катта маблағ талаб қилмайдиган ғоявий таъсир ва тазйиқнинг ўзига хослиги

шундаки, у ўқувчи, тингловчи ёки томошабинга сездирилмасдан амалга оширилади ва бевосита қурбонларни келтириб чиқармайди.

Ахборот душманни йўқ қилмаган, катта харажатни талаб қилмаган ҳолда юқори самара беради. Бунда ғоявий таъсир йўналтирилган мамлакатлар аҳолисининг хоҳиш-истаклари, менталитети, мавжуд муаммолари жиддий ўрганилган ҳолда асосий диққат кишилар онги ва дунёқарашига таъсир кўрсатишга, шаклланган қадриятларни ўзгартиришга, уларнинг регуляторлик ролини камайтиришга ёки бутунлай йўққа чиқаришга қаратилади. Бундай таъсир ўтказишда даврий нашрлар тадрижийлик, радио ва телевидение фрагментли узатиш усулларидан усталик билан фойдаланишмоқда.

Маънавий таҳдидларнинг олдини олиш учун ёшларнинг бўш вақтини маънавий тадбирларга жалб қилиш ҳар тарафлама ўринли деб ўйлайман.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 январдаги қарори асосида тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилга ривожлантириш концепцияси” мафкуравий профилактика тадбирларини Узлуксиз ва бутун республика доирасида амалга оширишга қаратилган. Концепциянинг вазифалари қаторида таълимнинг барча босқичларида таълим олувчиларнинг сифатли таълим олишларини таъминлаш вазифаси қўйилган. Бу вазифани лозим даражада бажара олишимиз ҳар қандай маънавий таҳдидларга қарши тура оладиган шахсларни тарбиялашимизнинг гаровидир.

Шундай вазиятни шакллантиришимиз керакки, ҳар бир педагог ўз қўл остида таҳсил олаётган ёшларнинг, ҳар бир ота-она ўз фарзандининг, ҳар бир маҳалла фаоллари ўз маҳалласидаги ёшларнинг энг аввало маънавий олами билан қизиқсин, уларнинг бўш вақтларини муносиб ўтказиш учун қайғурсинлар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. И.А.Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. – Т., Маънавият, 2008. 119-бет.
2. И.А. Каримов. Асарлар. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 359-бет.
3. Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари. – Т.: Маънавият, 2006. бет (8).
4. Эргашев И. ва бошқ. Миллий истиқлол ғояси: Ўзбекистон Республикаси Олий таълим бакалавриат босқичи учун дарслик. – Т.: Академия, 2005. 93-бет.
5. Фалсафа: Қомусий луғат. – Т.: Шарқ, 2004. 160-бет.

МАЪНАВИЯТИМИЗГА ОТИЛГАН БЎҲТОН ТОШИ ЁХУД “ПАХТА ИШИ” НОҲАҚЛИКЛАРИ

Рахматова Дилнавоз Журакобиловна,
Қарши давлат университети тузилмасидаги
“Қатағон қурбонлари хотираси” музейи директори,
фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Бу улуғ йўлнинг сабоқлари кўп. Қатағон даврининг аёвсиз машинасида қанчадан-қанча ватандошларимизнинг инсонийлик қадри янчилди. Оила бошлиғининг бошига тушган мусибат, албатта, қолган оила аъзолари ҳаётига таъсир этди, жароҳатлади. “Бизда ҳамма тенг ҳуқуқли”, “Совет халқининг ҳозирги авлоди коммунизмда яшайди” дейилган шўро ҳукумати даврида, яъни 1980 йилларнинг ўрталарида “пахта иши”, “ўзбеклар иши” оқибатида қанчадан-қанча бегуноҳ одамларнинг ёстиғи қуриди, бегуноҳ оилаларнинг аччиқ ва аламли кўз ёшлари тўкилди. “Пахта иши” бўйича жиноий жавобгарликка тортилганларнинг кўпчилигини колхоз раислари, совхоз директорлари, бригадирлар, ферма бошлиқлари ташкил этган эди. Умуман олганда, 4018 киши “пахта иши” бўйича жиноий жавобгарликка тортилган эди [1;209].

Масалан, биргина Қашқадарё вилоятида “пахта иши” бўйича уч мингдан зиёд одам ҳибсга олинди. Улар орасида 1947 йил 15 март куни Ўзбекистон Республикаси Қашқадарё вилояти, Ғузор туманида зиёли оилада таваллуд топган Ҳамид Усмонов ҳам бор эди.

Ҳамид Усмонов халқи учун, юртининг ривожи учун меҳнат қилган. Ташкилотчилик, одамийлик ва жасурлик хислатлари билан эл меҳрини қозонган. Унинг турмуш ўртоғи Ҳайитой ая бошидан кечирган кунлари ҳақида ҳикоя қилади:

Ҳамид Усмонов абжирлиги, топқирлиги, ишбилармонлиги билан тез орада туман раҳбарлари эътиборига тушди. 1972-1975 йилгача МКОП (колхозлараро бўрдоқичилик фермаси)да бўлим мудири бўлиб ишлади. Сўнгра эса, 1975 йилда собиқ “Ленин” колхозига ферма мудири этиб тайинланди.

Унинг уддабуронлиги, меҳнатсеварлиги сабаб, бир йил ичида фермада этарлича озуқа тўпланди. Натижада чорванинг туёқ сонида ҳам сезиларли ўзгариш бўлиб, режа 125 фоизга уддаланди. Ҳамид Усмоновни 1977 йил 5 мартдан қолоқликка юз тутган “XXIII партсъезд” колхозига раис этиб тайинланади. Ҳ.Усмоновнинг шижоат билан ишлаши оқибатида, тез орада хўжалик қолоқликдан қутулди.

1985 йил ҳам хўжалик учун омадли келди. Барча тармоқлар бўйича белгилаган режалар ошиғи билан бажарилди. Аммо бир пайтлари қолоқлар қаторида саналган хўжалик энди этакчилар қаторида санала бошлаганида унинг раисини 1986 йил 6 февралда ҳибсга олишди. 5-махсус тергов изоляторида 6 ой давомида ҳибсда ётган Ҳамид Усмоновга 1986 йил

8 августда давлат мулкини кўп миқдорда талон-торож этиш, хизмат мансабини суистеъмол қилиш каби сохта айбловлар қўйилди ва унга нисбатан 5 йилга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди [2].

Аслида эса Ҳ.Усмонов ёлғон ваъдаларга, оташин шиорларга ишонган эди. Ўзини ўйламай, эл манфаати учун хизмат қилганди. Ўша воқеаларнинг гувоҳи бўлганлар милисия ходимлари Ҳ.Усмоновнинг уйини обдон тинтув қилиб, ҳатто томорқа деворларининг остини ҳам кавлаб кўриб, ҳеч нарса тополмаганлар. “Шунча камбағал раис ҳам бўладими” деб ўзаро кулишиб кетганини ҳозиргача эслаб юришади.

Кулфат бир келса, қўша-қўша бўлиб келаркан. Бироз илгари Ҳамид Усмоновнинг акаси Толиб ака автоҳалокат туфайли вафот этиб, 3 боласи этим қолганди. Бу уч болани, ўзининг 5 фарзандини Маҳбуба Расулова ёлғиз боши билан боқадиган бўлиб турганда уни ҳам ишдан бўшатишди. Ўшанда М.Расулова хўжаликдаги “Лола” болалар боғчаси мудираси эди.

Турмуш ўртоғи қамоқ жазосига ҳукм этилгандан сўнг, 1986 йилда “давлат хоини”нинг оиласи сифатида вазифасидан четлатилди. Амалдаги раис бунинг сабабини турмуш ўртоғининг “ишга кўпчиликни олганлиги”да деб, кўрсатди. Бир йил давомида ишсиз қолган онаизор 8 нафар фарзанди билан турмуш қийинчиликларини бошдан кечирди. Бир неча маротаба юкори ташкилотларга мурожаат қилди. Фойдаси бўлмади. Ахийри, ўша пайтда вилоятга биринчи раҳбар бўлиб келган Ислом Каримовга илтимоснома ёзди. Ушбу илтимоснома қаноатлантирилиб, ишга қайта тикланди.

Қашқадарё халқи бошига оғир кунлар тушиб, пахта ишидан кишилар азият чекиб, марказ ҳокимиятининг олиб борган адолатсиз сиёсати туфайли вазият кескинлашган бир пайтда, Ислом Каримовнинг Қашқадарёга вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби вазифасига келиши ижобий воқеа бўлиб, халқнинг қалбида қолди.

У кишининг қатъияти туфайли пахта иши билан ноҳақ айбланганлар ишини қайта кўриб чиқишнинг чора-тадбирлари изланди. Халқнинг кўз ўнгида адолат қарор топа бошлади ва энди халқнинг кўзи очилиб, оқни оқ, қорани қора дейиш имкониятига эришди.

Ҳамид Усмонов 1989 йил декабр ойида Ислом Каримовнинг ноҳақ айбланганларни “судланмаган” деб топилиб, 5 йиллик иш ҳақи ундириб берилсин, муқаддам ишлаган иш жойида иш билан таъминлансин, деган мазмундаги буйруғига асосан жазодан озод этилди.

1989 йилдан бошлаб ўзи ишлаган хўжаликнинг “Бутон” бўлимига мудир этиб тайинланган Ҳ.Усмонов 1999 йилга қадар шу бўлимда ишлаб, 52 ёшда вафот этган [3;172-177].

Маҳбуба ая Расулова биз билан суҳбатда бошидан ўтказган оғир кунларни қуйидагича эслайди: *“Турмуш ўртоғим қамоқхонада. Шундай кунларнинг бирида туғилган куни, унинг ортида таянчи оиласи турганини кўрсатиб кўнглини кўрсатиш мақсадида у ётган қамоқхонага боришга қарор қилдим. Кечаси хамир қориб, нонимга у кишининг ва ўзимнинг номимни ёзиб*

алоҳида меҳр билан тонгда пиширириб олдим. Бир вақт лой кечиб қамоқхонага борсам, у эрдагилар маҳбуснинг олдига киритишмасликларини айтдилар.

Мен қамоқхонанинг ёнимдан ўтган ҳар бир ходимига бугун у кишининг туғилган кунлари эканлигини, узоқдан бўлса ҳам бир марта кўрсатишларини илтижо қилардим. Лекин, инсон қиёфасини йўқотган бу кимсалар эшитишни ҳам истамасди. Мен қўлимдагини топширмасдан бу эрдан жилмаслигимни айтиб туриб олдим. Неча соат ўтганини ҳам билмайман. Бир пайт, кечга яқин бўлса керак, бир рус миллатига мансуб милисия ходими келиб менга "эҳ, ўзбек аёллари" дедида кимгадир нарсасини олиб кириб беринглар, деб буйруқ берди. Мен тугунчамни олишга келган бир ёш ходимга "болам, бу нон илтимос уни бўлакламасдан киритинглар" деб ўтиндим. Ана шу гапим учунми билмайман кейин эшитдимки у кишига нонимни майда майда қилиб бўлакланган ҳолда киритиб беришган экан...".

1990 йилда Ўзбекистон МК биринчи секретари Ислом Каримов топшириғи билан "Пахта иши"ни тўлиғича ўрганиш бўйича 50 кишидан, асосан, ҳуқуқшунослардан иборат иборат маҳсус комиссия тузилди. "Пахта иши"га оид 40 000 га яқин жиноят ишларининг барчаси вилоят судларидан Республика Олий суди ихтиёрига чақириб олинди ва уларни саҳифама-саҳифа синчиклаб ўрганилди. Натижада, 3,5 минг киши оқланди. Уларга этказилган моддий ва маънавий зарар қопланиши учун катта миқдордаги пул маблағи бюджетдан ажратилди, барчаси иш жойига тикланди [4]. Ушбу инсонларнинг баъзилари ҳозир орамизда бор ва улар ўтмишнинг қора кунларини хотирлаб, бугунги кунларга шукрона айтишмоқда.

Адабиётлар:

1. Юнусова Х. XX асрнинг 80-йилларида Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ва маънавий ҳаёт. Тарих фан.док.илм.дар.олиш учун ёзилган дисс...- Т., 209. – Б. 209.
2. Қашқадарё вилоят жиноий ишлари суди архиви -Фонд-183, жилд 16-20, 82-83 варақ.
3. Д.Рахматова. "Қашқадарё воҳаси тарихидан лавҳалар (истиқлол учун курашганлар ва қатағон қурбонлари)". - Тошкент: Академнашр, 2021. – Б. 172-177.
4. Пахта иши" қандай вужудга келган эди? (4-қисм) /ҳттпс://уза.уз/уз.

“ОММАВИЙ МАДАНИЯТ” ТАҲДИДИ ВА УНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИГА ТАЪСИРИ

Солижон Ибрагимов,
ҚарМИИ “Ижтимоий фанлар”
кафедраси катта ўқитувчиси

Ҳозирги вақтда бутун жаҳонда глобаллашув жараёнларининг кучайиб бориши билан ер юзида тинчлик-барқарорликни сақлаш, аҳоли фаровонлиги, унинг муносиб турмуш даражаси, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш, умумбашарий муаммолар билан биргаликда, миллий маданият, санъат ва урф-одатларни сақлаб қолишдек масалалар ҳам кун тартибига чиқмоқда. Глобаллашув жараёни билан боғлиқ зиддиятлар, аввало, маънавият ва маданият соҳасида яққол намоён бўлмоқда. **“Шу жиҳатдан глобаллашувга бутун дунёни қамраб олган маданий инқилоб деб таъриф бериш ҳам мумкин”** [1].

Бугунги кунда халқаро майдонда турли сиёсий кучлар ўзининг миллий ва стратегик режаларига эришиш учун “**Эркинлик ва демократияни олға силжитиш**” ниқоби остида амалга ошираётган, узоқни кўзлаган сиёсатнинг асл моҳияти ва мақсадларини ўз вақтида сезиш, халқимизнинг маънавий оламини турли таҳдидлардан асраш, ўта мураккаб бир замонда халқаро майдонда содир бўлаётган жараёнларнинг туб моҳиятига этиб бориш, улар ҳақида холис ва мустақил фикрга эга бўлиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир. Хусусан, маънавиятимиз ва маданиятимизга мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган **“оммавий маданият”** кириб келишининг олдини олиш масаласи шулар жумласидандир.

Бугунги замонавий фан «оммавий маданият»нинг (инглизчада масс султуре) туб замирида тижорат, моддий манфаатдорлик борлигини эътироф этади. Тарихга назар солинса, ҳар доим товарлар билан бирга ёт мафкуралар ҳам ёйилгани маълум бўлади. Савдогарлар ўзлари билан нафақат товарларни, балки динни, мафкурани, қолаверса маданиятни ҳам ташишган.

Бу усул бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Фарқли жиҳати шундаки, аввалари бу миссия товар элтувчи – савдогар воситасида бажарилган бўлса, бугун бу вазифани товарнинг ўзи адо этади. Яъни, ғоя товарга «ёрлиқ» бўлиб кириб келади. Масалан, сифатию чиройи ўзига маҳлиё этадиган бежирим либос ортиқча изоҳ ва шарҳсиз ҳам бемалол ажнабий маданиятнинг тарғиботчиси бўла олади, унинг истеъмолчиси эса тайёр реклама афишаси! [Қаранг: 2].

«Оммавий маданият» туб моҳиятига кўра миллий маданиятларнинг кушандаси бўлиб, у маданий хилма-хилликни хушламайди, унинг асл мақсади – бу оламни якранг кўриш. Собиқ шўро давлатида худди шунга ўхшаш амалиёт ўтказилган эди. Оммавий «совет маданияти»ни «ясаш» ниятида «Совет граждани», «Совет гражданининг ахлоқ кодекси» сингари мағзи пуч тушунчалар зўр бериб тарғиб қилинди, миллатлар бора-бора ягона совет

халқига қўшилиб кетиши керак эди. Ҳатто миллат, қадрият, менталитет деган тушунчалар луғатлардан ўчириб ташланишига бир баҳя қолди.

«Оммавий маданият»нинг ёвузлиги шундаки, у одамзоднинг фикрлашига тиш-тирноғи билан қарши. Тўғри, бир қарашда «оммавий маданият» ҳурфикрлилик, инсон эрки тарафдоридек кўринади, лекин барча «илму амали»нинг негизига эътибор берилса, инсоннинг фикрлашига, тафаккур қилишига зид экани аён бўлади.

Хўш бундан кўзланган мақсад нима? **«Оммавий маданият» нинг асл мақсади ҳар куйга солиш мумкин бўлган оломонни шакллантириш** бўлгани боис, у маънавий озиқ берадиган, бадиий юксак, ўқувчини мушоҳадага ундаб, тасаввур оламининг кенгайишига хизмат қиладиган асарларнинг яқинига йўлатмайди. «Оммавий маданият» жамиятнинг маънавий, ахлоқий қадриятларини, бир сўз билан айтганда, миллий маиший ҳаётини зимдан таъқиб қилиб боради.

Ўтган асрнинг 60-70 йиллари Ғарбий Европа ва АҚШда мафкурасизлашувга, яъни ижтимоий ҳаётни мафкурадан холи этишга уриндилар. Лекин бу йўл ўзини оқламади. Чунки тарбиядаги мафкуравий бўшлиқ ўз асоратларини кўрсата бошлади. Бундай ҳолат ҳақида нуфузли немис нашрларида: “Ҳозирги ёшларимиз ўртасида лоқайдлик, руҳсизлик, бефарқлик, англанмаган норозилик, беқарорлик кайфиятлари тарзида номаён бўлаётган “ёшлар маданияти” деб аталувчи хатти-ҳаракатлар кучаймоқда. Бу – ёшларнинг ўз аждодлари ижтимоий ва маданий қадриятларидан бегоналашаётганликларининг белгиларидир” [3], – деган ташвишли фикрлар билдирила бошланди.

Патрик Жозеф Бюкенен ҳам ўзининг машҳур «Ғарбнинг ҳалокати» асарида маданий инқилобнинг тасири хақида шундай ёзади: «Абортлар, ажралишлар, туғилишнинг пасайиши, ўспиринлар ўртасида ўз-ўзига суиқасд ҳолларининг кўпайиши, мактабларнинг криминаллашуви, гиёҳвандликнинг оммавий тус олганини қайд этган статистик маълумотлар маданий инқилоб келтириб чиқарадиган инқироз қанчалик чуқур илдиз отганидан далолат беради. Бир сўз билан айтганда, жинсий инқилоб болаларимиз ўртасида ажал уруғини сепмокда…» [4].

Афсуски, Ғарбнинг ўзида вазифасини бажариб бўлган, умумий танқидга учраган оммавий маданият ғояси ҳамон бази сиёсий кучлар томонидан янги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий маконларга суқилиб кириш қуроли, воситаси сифатида қўлланиб келинмокда. Бундан мақсад, юқорида таъкидлаб ўтганимизлек, инсонни миллий бирликдан, ўзликни англашдан узоқлаштириш, оломонни ташкил этувчи манқуртларни шакллантиришдан иборат.

Ёшларимиз ёт мафкуралар тарғиботининг “меҳрибонлиги”, “холислиги” ва “бетарафлиги”, “ёқимлилиги”, “дўстоналиги” нинг ортида нима ётганини доимо билишлари лозим. Шу билан бирга, айрим ёшлар ҳар хил ёт ғояларни холис ахборот манбаи сифатида қабул қилаётганликларини ҳам таъкидлаш

керак. Ёт мафкураларни кўр-кўрона қабул қилиш ҳам миллий бирликка, мафкуравий иммунитетнинг шаклланишига зарар келтиради.

Хулоса қилиб айтганда, «оммавий маданият» таҳдиди, бугунги замон воқеликларига очиқ кўз билан, реал ва ҳушёр қарашни, жаҳонда ва ён-атрофимизда мавжуд бўлган, тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқариб яшашни талаб этади.

Шу боис юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод онгида мураккаб ва таҳликали ҳаёт ҳақида, унинг шафқатсиз ўйинлари тўғрисида бирёқлама ва сохта тасаввур бўлмаслиги, огоҳлик ва ҳушёрлик, мафкуравий этуклик ва маънавиятлилик давримизнинг талаби эканини унутмаслигимиз керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Саидов У. “Оломон адабиёти”, “Тафаккур” журнали, 2008, №2, 5-бет.
2. Тошбоев О. “Оммавий маданият таҳдиди”, “Тафаккур” журнали, 2008, №1, 17-бет.
3. Миллий истиқлол ғояси. Дарслик. Т., “Академия” нашриёти, Т, 2005, 114-бет.
4. Бъюкенен П. Ғарбнинг ҳалокати. “Жаҳон адабиёти” журнали, 2007, 1-сон, 125-бет.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИНТЕРНЕТ ВА ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ

Сотиболдиев Ғайратжон Отамирзаевич,
НамМҚИ катта ўқитувчи

Ахборот коммуникация технологиялари жамият тараққиётида аста-секин ҳукмрон бўлиб бораётган ахборот муҳитини яратди. Ахборот фаолиятининг ривожланиши жамиятнинг ахборот муносабатларининг ривожланишини тақозо этади. Бу эса, ўз навбатида, жамият онгига таъсир этиб, ижтимоий онгнинг тарихий жиҳатдан янги информологик шаклини яратмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Бугунги кунда ахборот-коммуникация технологиялари, интернет тизимини кенг ривожлантирмасдан туриб, мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш, барқарор тараққиётга эришиш ҳақида сўз юритиш мумкин эмас” [2].

Ўзбекистонда 1998 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда ахборот коммуникасия технологияларига доир 2 та Сенат, 19 та Президент қарори, 4 та Президент фармони, 8 та Олий Мажлис қарори, 46 та Вазирлар Маҳкамаси қарори, 3 та Ахборот технологиялари ва коммуникасияларини ривожлантириш Вазирлиги буйруқлари, интернетга оид 13 та Вазирлар Маҳкамаси қарори, 13 та Ахборот технологиялари ва коммуникасияларини ривожлантириш вазирлиги буйруқлари қабул қилинди.

2022 йил 4 февралда “Интернет жаҳон ахборот тармоғида ёшлар ва вояга этмаганлар учун миллий контентни ривожлантириш, уларнинг ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш маданияти ва зарарли ахборотдан ҳимоя қилиш масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш ҳақида” Сенатнинг СҚ-479-ИВ-сон қарори қабул қилинди. Ушбу соҳага оид Қарор ва фармонларни қабул қилиниши бугунги куннинг долзарб вазифалари ҳисобланади.

Мамлакатимизда интернет ва унга алоқадор технологияларнинг ривожланиши унинг этакчи оммавий ахборот воситаларига, замонавий жамиятнинг барча тузилмалари фаолиятини таъминлайдиган энг муҳим ахборот ресурсига, шунингдек, ташкилий ва технологик асосга айланишига олиб келди. Ўзбекистонга интернетнинг кириб келиши ва мамлакат аҳолисининг ундан самарали фойдаланиши натижасида янги ахборот манбаларига эга бўлмоқдалар. Пировард натижада инсонлар олаётган ахборотларни тўғри ёки нотўғри эканлигини асослаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда ижтимоий тармоқлар мамлакат ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида муҳим рол ўйнамоқда. XX асрнинг охирига қадар мамлакатимизнинг ижтимоий, маданий-маърифий ҳаётида, асосан, бадиий китоб, газета ва журналларга қизиқиш катта бўлган бўлса, бугунги кунга келиб буларнинг ўрнини тезкор ахборот манбаи – ижтимоий тармоқлар эгаллай бошлади.

“Ўзбекистонда “Фасебоок” тармоғидан фойдаланувчилар 1 миллионга яқинлашиб қолган. Улар ўртача 25-34 ёшда бўлиб, 65,5 фоизини эркаклар, 34,5 фоизини хотин-қизларимиз ташкил этар экан. Айни пайтда дунёда 1 млрд.лик аудиторияга эга Инстаграм Ўзбекистонда 1 586 500 нафар фойдаланувчига эга. 2 476 590 лик Фасебоок эса мамлакатимизда 686 400 кишини бирлаштирган. 200 млн.лик Телеграм – Ўзбекистонда 18 млн. кишига хизмат кўрсатмоқда” [4].

Бугунги ёш авлоднинг маънавий тарбияси ҳақида фикр юритилганда, Президентимиз Ш.М.Мирзиёевни қуйидаги фикрларини айтиб ўтиш жоиздир: “Ҳозирги кунда мамлакатимизда китобхонлик савиясини ошириш, мутолаа маданиятини юксалтиришга катта аҳамият берилаётгани сизларга маълум. Лекин кўплаб болаларимиз китобдан узоқлашиб, кўп вақтини ижтимоий тармоқларда ўтказаётгани – бу ҳам бор гап.

Албатта, биз интернет ва бошқа замонавий ахборот манбаларининг ўрни ва аҳамиятини инкор этмаймиз. Бугунги ҳаётимизни интернетсиз тасаввур қилишнинг ўзи қийин” [3].

Жаҳон ахборот майдони кенгайиб бораётган бир пайтда ёшларимизнинг онгини ўраб-чирмаб эмас, балки уларнинг маънавий тарбиясига алоҳида урғу бериб, рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларга ўз қобиғимизга ўралмаган ҳолда тўғри йўл кўрсатишимиз керак. Чунки бугунги кунда юртимизда очиқ ва эркин демократик жамият қуриш вазифаси йўлга қўйилган.

ZJV5401

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, глобаллашув жараёнида бугунги ёшларимизнинг маънавий тарбиясига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган хабарлар ҳам тузатиб бўлмас даражада зиён келтириши мумкин.

Ўзбекистонда интернет глобал ахборот компьютер тармоғининг имкониятлари ва ролини таҳлил қилиш шахсий ва ижтимоий ривожланишда қуйидаги ижобий натижаларни кўрсатади: Интернетдан ўзига хос "оммавий алоқа воситаси", улкан ахборот базаси сифатида фойдаланиш. мониторинг, илмий иш, ижодкорликни ташкил этишнинг кучли воситаси. Интернет ёрдамида жаҳон электрон бозори, электрон бизнес шаклланмоқда. Сиёсий соҳада интернет инсонни шахс сифатида бир йўналишли мафкура таъсиридан ҳимоя қилади. Интернетнинг энг ёрқин хусусиятлари унинг ўзига хослиги, миллатлараролиги, очиқлиги, чизиқли бўлмаганлиги, мураккаблиги, интеграцияси ва универсаллигида намоён бўлади.

Глобал ахборот тармоғининг ривожланишида юзага келадиган асосий муаммоларни қуйидагича тавсифлаш мумкин: тармоқларда жойлаштирилган маълумотлар ҳажмини назорат қилишнинг имкони йўқ. Турли хил маълумотлар пайдо бўлади, улар орасида ахлоқий жиҳатдан салбийлари кўп учрайди. Интернет инсоннинг ақлий ва жисмоний қобилиятига алоҳида талаблар қўяди, чунки бу тизимга берилиб кетиш, яъни виртуал оламга кириб келиш, реал ҳаётдан узоқлашишга олиб келади.

Интернет жаҳон ахборот тармоғида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган тарғибот материалларини бериб бориш, ёшларни интернетдаги турли ахборот хуружларидан ҳимоялашга қаратилган электрон шаклда ресурсларни яратиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Чунки мафкуравий таҳдидлар орқали ёшларнинг қарашларини ўзларига маъқул бўлган йўналишда ўзгартиришга, ахлоқсизлик каби бузғунчи ғояларни сингдиришга уринишлар бўлмоқда.

Биргина 2021 йилнинг декабр ҳолатига кўра миллий домен ҳудудидаги 289 та веб-сайтда (1 734 та қонун бузилиш) порнография, 91 та веб-сайтда эса (363 та қонун бузилиш) беҳаёлик ва маънавий бузуқликни тарғиб қилувчи ҳолатлар аниқланган бўлиб, 2 097 та қонун бузилиши ҳолати қайд этилган.

Шунингдек, ижтимоий тармоқларнинг ўзбек сегментида маънавий бузуқликни тарғиб қилувчи 130 га яқин гуруҳ, саҳифа ва каналлар мавжудлиги аниқланган бўлиб, уларда 2 646 та материал (фото, видео, матнли ва бошқалар) тарқатилган. Ушбу материалларнинг аксарияти «Одноклассники» (55 та гуруҳнинг 1 962 та материали) ва «Инстаграм» (60 та гуруҳнинг 684 та материали) ижтимоий тармоқларнинг ҳиссасига тўғри келади. 2021 йилда ахлоқсизлик, беҳаёликни тарғиб қилувчи 1 650 та веб-сайтдан мамлакат ҳудудида фойдаланиш белгиланган тартибда чекланган. Энг оммабоп бўлган «Телеграм» мессенжеридаги 35 та фаол каналда одоб-ахлоқ талабларига мос келмайдиган ўзбек аудиториясига қаратилган 7 738 та материал мавжудлиги аниқланган.

Биргина «Телеграм» мессенжери ва «ТикТок» видеоплатформасининг Ўзбекистон аудиторияси учун йўналтирилган ресурсларида фаҳш ёки порнографик контент орқали аудитория тўплаш ва реклама ҳисобидан даромад топишга қаратилган 7 та канал аниқланган (умумий обуначилари сони — 120 721 нафар).

«Телеграм» мессенжерида умумий обуначилари сони 44 479 нафар бўлган ақидапарастлик ёки экстремистик мазмундаги виртуал 43 та ресурс мавжудлиги, худди шу мазмундаги материалларнинг тарқатилиши ва тарғиботи билан «ТикТок» видеоплатформасида 20 та профил фаолият кўрсатаётгани, унинг умумий обуначилари сони 25 458 нафарни ташкил этаётгани ачинарли ҳолатдир.

«Инстаграм» тармоғида қурол-яроғлар тарғиботи билан шуғулланувчи 2 та саҳифа мавжуд бўлиб, каналнинг умумий аъзолари сони 17 924 нафарни ташкил этади. [1]

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиқиб, ўқувчи ёшларнинг онгига зарар етказиши мумкин бўлган ахлоқсизликни тарғиб қилувчи контентларга қарши курашиш, диний адоватни қўзғатувчи, таваккалчиликка асосланган онлайн ўйинлар, тотализаторлар, оилавий қадриятларни инкор этадиган ҳамда жамиятда бузғунчилик ғояларини тарғиб этадиган веб-ресурсларни доимий равишда чеклаб бориш устувор вазифа ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, Интернет жаҳон ахборот тармоғида фойдаланувчиларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини ривожлантиришга кўмаклашадиган замонавий веб-ресурсларни шакллантириш, шунингдек, ахборот маконида Ўзбекистоннинг тарихи, фани, маданияти ва санъатини тарғиб қилишни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни йўлга қўйиш, интернет ва ижтимоий тармоқларда илгари сурилаётган ғоя ва фикрларни мониторинг қилиш, уларнинг динамикасини аниқлаш, интернет жаҳон ахборот тармоғида ёшлар ва вояга этмаганлар учун контентларни ривожлантириш, ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш маданияти ва зарарли ахборотдан ҳимоя қилиш борасидаги илғор хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2022 йил 4 февралдаги СҚ-479-ИВ-сонли Қарори
2. Ш. Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.Тошкент-“Ўзбекистон”-2017. Б-86
3. Ш. Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.Тошкент-“Ўзбекистон”-2017. Б-529
4. Беруний Алимов. Ёшларнинг ижтимоий тармоклар орқали мамлакат имижини оширишдаги роли.
5. Аллаяров Отабек Эркинович. Ўзбекистон барқарор тараққиётини таъминлашда интернет технологияларидан самарали фойдаланиш

механизмлари Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертасияси автореферати Тошкент-2019 йил Б-17

АХЛОҚ ВА МАДАНИЯТНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВИ ВА “ОММАВИЙ МАДАНИЯТ” НИНГ ЖАМИЯТ РИВОЖИГА САЛБИЙ ТАЪСИРИ

А.Ж.Тошбобоев,
Қуйи чирчиқ тумани 34- умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчи

Барчамизга яхши маълумки, бугунги глобаллашув даврида халқларни ҳар хил ёт ғоялардан ҳимоя қилиш, унинг ахлоқий ва маданий софлигини сақлаб қолиш энг муҳим вазифага айланмоқда. Ахлоқ ва маданият масаласига қисқача тўхталиб ўтсак.

Барча ахлоқий ҳаракатларнинг ягона мақсади – инсонга эзгулик йўлини кўрсатишдир. Агар инсон ахлоқий тубанлашса эркинликдан йироқлашади. Бизнинг назаримизда, ахлоққа ростлик, сотилмаслик, тўғрилик ва қалбнинг ахлоқий даражасидаги аниқлик хосдир. Аммо инсон табиати гумроҳликка мойил бўлиб, бу сифатларни тўлалигича қабул қила олмайди. Ишонч билан тасдиқланиб турадиган, муҳаббат билан озиқлантириладиган ахлоқ соф, эзгуликка, покликка эврила боради[150]. Бундан кўриниб турибдики инсоннинг ахлоқий жиҳатдан тубанлашиши бу жамиятда маънавий қашшоқликни юзага келдтиради.

Арасту “Ахлоқи Кабир” яъни “Катта ахлоқ китоби” асарида ахлоқнинг мазмун-моҳияти ҳақида қуйидагиларни ёзади: “Гапнинг лўндасини айтсак, ахлоқ сиёсатнинг таркибий қисмидир. Чиндан ҳам муайян ахлоқий фазилатларга эга бўлмаган, яъни муносиб бўлмаган одам (таниқли жамоат арбоби сифатида) фаолият кўрсатиши мумкин эмас. Муносиб одам бўлмоқ – фазилатлар эгаси – фозил бўлмоқ, демакдир”[151]. Бу фикрлардан маълум бўладики, ахлоқ ўзликни англаш, ватанпарварлик, миллий ғурур, тарихий хотира, маънавий баркамоллик каби туйғу ва тушунчалар билан узвий боғлиқ ҳолда шаклланади. Чунки ахлоқ айнан ана шу руҳий-ижтимоий ҳодисалар орқали ойдинлашади, умуминсоний қадриятларнинг тарихий бир бўлагига айланади. Айни шу маънода, Арасту “Ахлоқий фазилат лаззатланиш ва азобларда акс этади: зеро, лаззатланиш учун ёмонлик қилсак, унда азобланмаслик учун гўзал ишлардан бош тортамиз”[152], – деб ёзади.

---

[150] Геффдинг Г. Этика, или наука о нравственности: Изложение этических принципов и их применение к различным житейским отношениям. – М.: Изд.3 Издательство ЛКИ, 2012. - 400 с.

[151] Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. – 130 б.

[152] Ахелис Т. Этика. История этики и критика ее систем. Явления нравственности. Принципы нравственности. Этика Либроком 2011. - 112 с.

Арастудан кейин Шарқда Форобийчалик улкан зот майдонга чиқмаган. Форобий ўз билими, маънавияти, фикр доирасининг кенглиги билан Шарқда катта шуҳрат қозонган ва унга Арастудан кейинги йирик мутафаккир – “муаллим ас-соний” – “иккинчи муаллим” деган унвон берилган. Форобий бахт-саодат фазилатга ташқаридан ёпиштирилган ёки юкланган амал бўлмасдан, балки унинг ўз жинсидан ва зотнинг умумийлигидан чиққан сифатий ҳолати эканлигини исботлашга ҳаракат қилади. Зеро, бахт – инсоннинг ўз ички борлигидан қониқиш ҳисси, ҳаётдан завқланиши ва инсонийлигидан мамнун бўлишдир[153]. Бундан кўринадики, инсон ўзини қанчалик ўрганса, идрок қилса, шунчалик ахлоқан покланиб боради.

Маданият тушунчаси эса инсонлар фаолият, хатти-ҳаракат ва одамлар орасидаги алоқалар дастурларини ўзига жамлаб, уларни авлоддан авлодга узатади ва янгилаб туради.[154] Шундай экан жамият аъзолари барча хатти-ҳаракатлари ахлоқий қоидаларга ва маънавий этукликка асосланиши лозим бўлади.

Бугунги глобаллашув даврида халқларнинг маънавий ривожланишига энг катта таасир кўрсатадиган омил бу “Оммавий маданият” ҳисобланади. Кўпчилик Ғарб файласуфлари (Ф. Нисше, О.Шпенглер, М. Вебер, Н. Бердяев, З. Фрейд, Э. Фромм, К. Юнг, Дж. Бентам, Д. Рисмен, Ф. Ливис, Д. Томпсон, Р. Вилямс, Р. Хоггарт) “оммавий маданият”ни негатив баҳолаганлар, уни халқ маданиятлари анъанавий шаклларининг ўрнига келган махсус маданият типи деб қараганлар.

“Оммавий маданият” ҳақида гап кетаркан, бу борада кучли танқидий концепцияни олдинга сурган таниқли испан файласуфи Хосе Ортега-и-Гассет қарашларига тўхталмаслик мумкин эмас. Унинг фикрига кўра жамият ўзига хос, ноёб фазилат эгалари бўлган сара кишилардан иборат озчиликка ва бир-биридан деярли фарқ қилмайдиган, шахсий қиёфаси ва иқтидори кўринмайдиган кўпчиликка, яъни оммага ажратилади.

Шаҳарларда аҳоли сонининг тез ортиши ва тор ихтисослашув “оммавий инсонни” вужудга келтирди, маданият имкониятларини кучсизлантирди ва сивилизасияни руҳан барбод қилди. Ваҳоланки, бу хулосада испан файласуфи ёлғиз эмас. Унинг бу фикрлари аввало О.Шпенглернинг цивилизасия инқирозининг белгилари сифатида санаб ўтган “индустрия тараққиёти, улкан шаҳарларнинг вужудга келиши, жамиятнинг инқирозга учраши, одамларнинг қиёфаси йўқ “омма”га айланиши” ҳақида ғоялари билан жуда уйғундир.

Австрия руҳшуноси З.Фрейд ва бошқа кўпчилик тадқиқотчиларнинг кузатишларига кўра ҳам “оммавий маданият”да истеъмолчини қандай қилиб бўлмасин “ишонтириш, унга ўз ғояларини юқтириш”, унинг онг остига таъсир этиш механизмлари амал қилади. У катта залда поп музика эшитаркан ёки кино кўраркан, уйида ўтириб телевизор кўраркан, “оммавий кайфиятини”

[153] Абулла Шер. Ахлоқшунослик. Ўқув қўлланма . – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. – 208-214 б.

[154] Можейко М.А. Культура // Новейший философский словарь: 3-е изд., исправл. - М.: Книжный Дом. 2003.— 1280 с.

ўзига сингдиради. Натижада инсон ўзлигини сақлай олмай қолади, оммага сингиб, қоришиб кетади, унинг элементларидан бирига айланади. Айни шу маънода Нисше бу маданият мазмунини “демократик мазмун” деб атаган бўлса керак.

Аввало, омма диққатини жалб этишга интилишдан иборат бу жараён маданият асарларини саноат ишлаб чиқариш жараёнига айланади. Шунингдек, илгарилари аввало санъат асари бўлиб, кейин сотувга чиққан нарсалар оммавий маданиятда фақат товарга айланди. Шу маънода, “оммавий маданият” асосчилари Голливуд (АҚШ) бизнесменлари бўлганлари бежиз эмас. Ҳар қандай бошқа товарлар каби бу товарлар ҳам ўз бозорига эга бўлишга ва уни тобора кенгайтиришга интилади. Барча товарлар каби “оммавий маданият” товарлари ҳам харидоргир бўлишга интилади. Бунинг учун у аввало кўпчилик омма кундалик қизиқиш эҳтиёжларини ҳисобга олади.

Бу йўлда у ОИТС, наркотиклар, табиатдаги катаклизмалар, йирик техноген катастрофалар, терроризм, агрессия, дахшат каби ўткир мавзулардан кенг фойдаланади. Шунингдек, ур-сур (боевик), даҳшат мавзуларидаги триллерлар ҳам харидоргир ҳисобланади. Бу мавзудаги асарлар одатда тамошабин учун ўзига хос наркотикка айлана боради. Охир оқибатда “оммавий маданият” инсонни дийдаси қаттиқ, атрофида содир бўлаётган оғир аҳволга, зўравонликларга бефарқ жонсиз, ҳиссиз биороботга айлантиради.

Оммавий маданиятнинг сюжетлари эса, улар қайси жанрда (детектив, ишқий роман, саргузашт) эканидан қатий назар, одатда деярли бир хил формула асосида яратилади: “асар” қаҳрамони қийин вазиятга тушиб қолади, кейин бир амаллаб бу вазиятдан чиқиб кетади. Ва аксинча, оммавий маданият хили қанча мустаҳкам қарор топса, яъни оммалашса, унинг таъсир кучи, обрўси ҳам шунчалик ортади. Натижада у инсон маънавий дунёсини ўзи хоҳлаганча бошқариш имкониятига эга бўлади. Оммавий ахборот воситалари ёрдамида у ёки бу мафкурани ўтказмоқчи бўлган сиёсатчилар ҳам, товарларини реклама қилиш орқали ўз бозорини кенгайтириш мақсадини кўзлаган ишлаб чиқарувчилар ҳам унинг шу жиҳатидан фойдаланадилар.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.Каримов ёшларни очиқ ахборот олиш даврида ҳукм сураётган умумбашарий маънавий кризисдан асраш муаммосига алоҳида эътибор қаратгани ҳам ушбу масаланинг нақадар жиддийлиги ва долзарблигини кўрсатади: “...кейинги йилларда кўплаб намойиш этилаётган *жангарилик филмларини* олайлик, – дейди у. – Бу филмларни кўпчилик, айниқса, ёшлар мароқ билан кўради, чунки одамзот табиатан мана шундай тўполонларни томоша қилишга мойил… Афсус билан таъкидлашимиз лозим: тарих тажрибаси шундан далолат берадики, инсон табиатидаги инсонийликдан кўра вахшийлик, *ур-йиқит инстинктлари, яъни хатти-ҳаракатларини қўзғатиб юбориш осонроқ*.

Онги шаклланиб улгурмаган аксарият ёш томошабинлар бундай филмлардан кўпинча турли ёвузлик, йиртқичлик, шафқатсизликларни ўрганади, холос. Натижада уларнинг дийдаси қотади, қалбидан тошбағирлик, зўравонлик, ахлоқсизлик каби иллатлар жой олганини ўзи ҳам сезмай қолади.

Ҳатто шундай томоша ва филмларнинг қаҳрамонларига кўр-кўрона тақлид қилишни истайдиган йигит-қизлар ҳам топилади. Чунки улар бундай уйдирма талқинлар таъсирида қўл ураётган иши қандай аянчли оқибатларга олиб келишини тушуниб етмайди.”[155]

Бундан бир неча йил олдин айтилган бу сўзлар бугун ҳаётимизда ўз аксини топаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Биргина ойнаи жахон орқали фарзандларимизни бугунги маънавий дунёсига кўрсатилаётган салбий реклама роликлари келажакда уларни танлов имкониятларини ҳар томонлама чеклаб қўйишга олиб келади

“Оммавий маданият” одатда, аввало, ўз бўш вақтини қандай ўтказишни билмайдиганлар диққатини ўзига тортади. У энгил қабул қилинадиган, инсон кўнглини хушлайдиган ҳаёллар, гўзал манзаралар ва сароб дунёсига олиб киради, унга дам берадиган, унга шахсан йўналтирилган жиҳатлари билан кишига ёқади. Боз устига кундалик муаммоларга оригинал ва жуда энгил ҳозиржавоблиги билан ҳали чиниқмаган катта кўпчилик онгини забт этади. “Оммавий маданият”нинг “вақтичоғлик қилиш санъати”, “чарчоққа қарши” санъат ёки ярим маданият каби номларни олгани ҳам шунинг туфайлидир. Шунинг учун ҳам бугунги жамиятга энг катта тахдид бу замонавий телекамуникатсия имкониятларидан нотўғри фойдаланиш десак муболаға бўлмайди.

Шундай қилиб, оммавий маданият, ўз келиб чиқишига кўра, Ғарб маданияти “тараққиёти”нинг қонуний маҳсулидир. Унинг кенг тарқалишида аҳоли сонининг ортиши, ҳамманинг маълумотга эга бўлиши, фан-техника тараққиёти муносабати билан оммавий электрон ахборот воситаларининг ривожланиши, “маданият индустрияси”нинг вужудга келиши катта рол ўйнади. У эндиликда гўё жамият ижтимоий структуралари ва мафкура билан ҳеч боғлиқ бўлмаган, географик чегараларни олиб ташлаган (космополитик) “умумбашарий маданият” экани даъвоси билан чиқмоқда. Бу эса мазкур маънавий инқирознинг кўлами ва хавфи мислсиз катталигини ва унга қарши чиқиш учун нақадар катта сафарбарлик талаб қилинаётганини кўрсатмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Геффдинг Г. Этика, или наука о нравственности: Изложение этических принципов и их применение к различным житейским отношениям. – М.: Изд.3 Издателство ЛКИ, 2012. - 400 с.
2. Арасту. Поетика. Ахлоқи кабир. Риторика. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. – 130 б.
3. Ахелис Т. Этика. История этики и критика ее систем. Явления нравственности. Принципы нравственности. Этика Либроком 2011. - 112 с.

[155] Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд, – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – Б.74-75.

[4]. Абулла Шер. Ахлоқшунослик. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003. – 208-214 б.
[5]. Можейко М.А. Культура // Новейший философский словар: 3-э изд., исправл. - М.: Книжный Дом. 2003.— 1280 с.
[6]. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд, – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – Б.74-75.

АЁЛЛАР ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТ ТАРАҚҚИЙ ЭТАДИ

Шарипова Фаридахон Акмалжон қизи,
Андижон давлат университети, жисмоний маданият факултети аёллар спорти йўналиши талабаси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси” ҳақидаги 1059-сонли қарори тарбия жараёнини фарзанд туғилмасдан олдин бошлаб, вояга этгунча бўлган даврда узвийлик тамойилларига таянган ҳолда бошқариб боришни белгилаб берди. Аввало, онанинг ҳомиладорлик даврини тўғри ташкил этиш, гўдаклар ва болаларни маънавий тарбиялаш бўйича асосий йўналишлари қилиб олинди. Шу жумладан, Узлуксиз тарбиянинг сўнги босқичи – олий таълимда тарбияланаётган талаба қизларга яратилаётган имкониятлар концепциянинг асосий мақсадларидан биридир. Чунки талаба қиз нафақат талаба, балки, бир оиланинг келини, бекаси бўлиши мумкин.

Хўш, Ўзбекистонда хотин-қизларга қандай имкониятлар берилмоқда? Қуйида мазкур саволга жавоб беришга ҳаракат қилинди.

Тарихдан маълумки, ўтмишда аёллар билан эркаклар ўртасида тенг ҳуқуқлилик бўлмаган. Бу масала азалдан олимлар ва файласуфлар томонидан турлича талқин қилинган ва баҳсли мунозараларга сабаб бўлган. Эркак ва аёллар тенглиги ғоясини илк бор файласуф Антифонт [4] ўз асарларида баён қиларкан, «Табиат барчани: аёлларни ҳам, эркакларни ҳам тенг қилиб яратади, лекин одамлар инсонларни тенгсиз ҳолатга солувчи қонунларни ишлаб чиқишади» [5], дея таъкидлаган. 1791 йилда Олимпия Де Гуж томонидан тайёрланган фуқаролик ва аёл ҳуқуқи декларасиясида [9] илк бор аёлларнинг эркин фикрлаш ва ўз фикрини билдириш ҳуқуқига эга эканлиги очиқ эътироф этилди. Ўша даврда бошланган амалий қадамлар 1968 йилга келиб америкалик психолог олим Роберт Столлер [10] томонидан фанга «Гендер» атамаси киритилиши билан янги босқичга кўтарилди. «Жинс» маъносини билдирадиган «гендер» тушунчаси, аввало, эркак ва аёл муносабатларининг ижтимоий-психологик ҳамда сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий соҳаларини қамраб олади.

XX аср ўрталарига келиб жаҳонда гендер масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб кенг тарқалган бу атама аёл

ва эркакларнинг феъл-атвори, жинсига хос хислатлари, ҳаёт тарзи, фикр ва интилишларини ўзида акс эттиради. Шунингдек, гендер аёл ва эркак ўртасидаги муносабатларнинг жамиятдаги кўринишини, аёлларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг қай аҳволда эканлигини намоён этади ҳамда аёлларнинг эркаклар билан ҳақиқий тенглиги ва жамиятдаги ролини кўрсатади.

Ўзбекистонда XX асрнинг 20-йилларида амалга оширилган "Ҳужум" ҳаракати натижасида минглаб аёллар паранжидан "қутилдилар". Йиллар ўтган сари жамиятда фаол аёллар сафи кенгайиб борди. 1942 йилда эркакларнинг иккинчи жаҳон урушига тортилиши, фронт ортида аёллар асосий ва ҳал қилувчи кучга айланиши бу ҳодисани янада тезлаштирди. 1943 йил 31 майда СССРда "Ўғил ва қиз болаларни алоҳида ўқитиш" ҳақидаги 789-сонли қарор қабул қилинди [1, 28]. Барча таълим муассасаларида 11 йил давомида алоҳида ўқитиш тартиби қўлланилди. Шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам аёллар ва эркаклар алоҳида ўқитилиб, қизларнинг ўқишни давом эттириш даражаси жуда паст эди.

Қизлар мактабни битирмай, турмушга бериб юбориш ҳолатлари кўп учрарди. Ачинарлиси шундаки, даврий нашрлар ва вилоят архивларида сақланаётган ҳужжатларда вояга этмаган ўз ўқувчисига уйланган ўқитувчилар ҳақида ҳам маълумотлар учрайди [3, 54]. Таълим сифатини яхшилаш, гендер тенгликга эришиш мақсадида 1954 йил 19 июлда Ўзбекистон Маориф Министрлигининг "Қизлар ва ўғил болаларни биргаликда ўқитиш ҳақида"ги 1342-сонли қарори қабул қилинди [2, 29]. Уруш йиллари ва урушдан кейинги даврдаги жамиятнинг барча иқтисодий жабҳаларида аёлларни тўлиқ иштирок этиши муқаррар равишда уларнинг ижтимоий фаоллигини ошишига, аёл шахсининг ривожланиши ва унинг оиладаги мавқеи ўзгаришига олиб келди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2015 йилнинг сентябрида Барқарор ривожланиш бўйича ўтказилган саммитида қабул қилинган 70-сон резолюциясига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси "2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" [6] қарор қабул қилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Барқарор ривожланишнинг Бешинчи мақсадини амалга ошириш доирасида "Гендер тенгликни таъминлаш ҳамда барча хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш"га оид тўққизта вазифани ишлаб чиқди.

Бешинчи мақсаднинг вазифаларига (Гендер тенглик) мувофиқ, 2030 йилга келиб барча хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг ҳар қандай шаклига барҳам бериш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда қарорлар қабул қилишнинг барча даражаларида аёлларнинг тўлиқ ва самарали иштирокини ва этакчилик қилиш учун тенг имкониятларни таъминлаш зарур.

Бундан ташқари, ушбу мақсад давлатнинг турли даражаларида Давлат дастурларини қабул қилиш жараёнида гендер тенглик тамойилларини жорий қилишни ўз ичига олади.

Айнан юқоридаги вазифаларни ҳисобга олиб, сўнгги йилларда гендер тенгликни таъминлаш, аёлларнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги ролини ошириш бўйича жуда катта амалий ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда бир қатор қонун ҳужжатлари, жумладан, Президентнинг хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш, хусусан, гендер тенглиги ва аёлларни зўравонлик ва зулмдан ҳимоя қилиш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш мақомини кучайтириш тўғрисидаги фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралда қабул қилинган «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони[7], 2019 йил 7 мартдаги «Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари [8] хотин-қизлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ҳисса қўшди. Қарорда эркаклар ва аёллар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси мутасадди идора ва ташкилотлар зиммасига юклатилган.

Жорий йилнинг 7 март санасида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори талаба қизларнинг кўнглини тоғдек кўтариб, янги марралар сари руҳлантирмоқда. ОАВ орқали қарор лойиҳаси билан танишар эканмиз, унда хотин-қизларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш, тадбиркорлик соҳасида самарали фаолият юритиш механизмларини яратиш билан боғлиқ улуғ мақсад мужассам эканлигини чуқур ҳис қиламиз.

Қарорнинг 2022-2023 ўқув йилидан бошлаб магистратурада ўқиётган барча қизларнинг шартнома пулларини бюджетдан тўла қопланиши ҳақидаги бандлари юртимизда таҳсил олаётган минглаб қизларга янги мотивациялар берди. Фарзандингни тарбияси мукаммал бўлишини ҳоҳласанг, қизларга таълим бер деган ҳикматли сўзлар замирида ётган эзгу фикрлар мамлакатимизда ўз тасдиғини топмоқда.

Хотин-қизлар учун алоҳида университет ва коллежлар ташкил этилиши ҳақидаги ғоялар эса баъзи оилаларда қизларни ўқишини давом эттириши учун тўсқинлик қилаётган омилларни бартараф этади.

Юртимизда жамиятнинг барча соҳаларида меҳнат қилаётган, мамлакат равнақига ҳисса қўшаётган аёлларнинг ўрни ниҳоятда салмоқли. Тарихда биринчи бор Сенат раиси лавозимига Танзила Норбоева фаолият олиб бораётганлиги, раҳбар лавозимларида кўплаб аёллар ўз иқтидорларини намойиш этаётганлиги фикримизнинг яққол исботидир.

Гендер тенгликни жорий қилиш нуқтаи назаридан таълимдаги ижобий силжишларни алоҳида таъкидлаш керак. Олий таълим талабалари ва илмий изланишлар билан шуғулланаётганлар орасида хотин-қизлар сони ошиб

бораётганлиги жамиятда гендер тенгликни таъминланаётганлигидан далолатдир. Яъни, 2017 йилдан бошлаб аксарият олий ўқув юртларида турли мутахассисликлар бўйича сиртқи бўлимлар фаолияти тикланди. Таълимнинг ушбу шакли ёш аёлларга болаларни парвариш қилиш ва бошқа оилавий мажбуриятларни бажаришга халал қилмасдан олий маълумот олиш имкониятини берди.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, аёлга бахт берган мамлакат юксак марраларни забт этаверади, гуллаб-яшнайверади. Талаба қизларимизга берилган имкониятлардан унумли фойдаланиш, келажакда юртимизга муносиб касб эгалари бўлиб этишишларини тилар эдим. Ўз аёлларини улуғлаётган, янгидан-янги улуғ мақсадлар сари қадам ташлаётган юртимизга кўз тегмасин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Гончарова, Г. Д. Период разделного обучения в СССР в 1943–1945 гг. и эго отражение в литературе и кинематографе. – М.: Изд. дом Высшей школы экономики, 2013. – С. 5-6. 28 с.
2. Андижон ВДА, 614-фонд, 1-рўйхат, 8-иш, 29-варақ
3. Фарғона ВДА, 1-фонд, 10-рўйхат, 79-иш, 54-варақ
4. Роберт Жесси Столлер. 1924-1991 йилларда яшаган инглиз олими, гендер тенглик тушунчасини фанга киритган.

РАҚАМЛИ ЖАМИЯТДА ЁШЛАР ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ

Баходирхон Хамидхонов,
ЎзМУ мустақил изланувчиси

Замонавий ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини шакллантириш жараёнларини ўрганишнинг долзарблиги мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида тизимли ўзгаришлар рўй бераётгани билан боғлиқ. Бу мамлакат иқтисодиётини, жумладан, юқори технологияли ишлаб чиқаришни, илм-фан ривожини талаб қилувчи технологияларни ва ахборотлаштиришни ривожлантириш олий таълим даражаси ва сифатига, бўлажак малакали мутахассисларни тайёрлашга, уларнинг интеллектуал салоҳиятига юқори талаблар қўймоқда. “Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз шарт ва зарур. Бу бизга ривожланишнинг энг қисқа йўлидан бориш имконини беради. Чунки, интеллектуал ва маданий салоҳиятнинг қандай ноёб бойлик, нодир истеъдод эгаларини тарбиялаб камолга етказишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини унутишга ҳаққимиз йўқ” [1.24].

Кўриниб турибдики, бундай мураккаб ижтимоий-сиёсий тизим ва жараёнларни бошқариш, халқ хўжалигини ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун масъул бўлган субъектлар ташувчилари – ёшлар фундаментал билимларга эга, олий маълумотли ва интеллектуал ривожланган шахслар билан муваффақиятли амалга оширилиши мумкин.

Янги Ўзбекистонда тизимли ўзгаришларнинг энг муҳим стратегик вазифаларидан бири сифатида, мамлакат тараққиёт стратегиясидан келиб чиқади. 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонида Стратегиянинг бош мақсади – мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлилиги даражасини ва инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгиловчи омил сифатида инсон капиталини ривожлантириш белгиланган. Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга келиб Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг 50 илғор мамлакати қаторига киришига эришиш, барча даражада таълим сифати ва қамровини ошириш, Узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш тизимининг иқтисодиёт эҳтиёжларига мослашувчанлигини таъминлаш, илмий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва самарадорлигини ошириш, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишлар натижаларини кенг жорий этиш учун таълим, илм-фан ва тадбиркорликни интеграция қилишнинг таъсирчан механизмларини яратиш масаласи қўйилган [2].

Жамият тараққиётининг асоси бўлган шахс маънавий маданияти яхлит тизим бўлгани боис унинг барча таркибий қисмлари ўзаро алоқадорликда шаклланади ва ривожлана боради. Бинобарин, шахс сиёсий маданиятининг ривожланиши ҳам маънавий маданиятнинг ўзга шаклларидан айри ҳолда содир бўлиши мумкин эмас. Хусусан, у шахс интеллектуал маданияти билан алоқадорликда ривожланади. Мутахассислар унинг таркибини қуйидагича кўрсатиб ўтадилар:

а) интеллектуал компетентлилик;

б) интеллектуал қобилиятлар;

в) эътиқодлар тизими;

г) интеллектуал фазилатлар тизим.

Бундай маданиятга эга бўлган шахс хусусийликдаги умумийлик элементларини илғай олади, турли тушунчалар орасидаги алоқадорликни кўра олади, илмий категорияларни объектив реаллик билан таққослай олади, таҳлил қилиш ва умумлаштириш малакасини ўзида мужассам этади, мустақил ва ижодий фикр юрита олади, мустаҳкам билим, малака ва кўникмалардан фойдаланади. Бундай малака ва кўникмалар – интеллектуал компетентлилик, интеллектуал қобилиятлар, интеллектуал фазилатлар орқали ривожлантирилади.

Ёшлар келажакдаги Ўзбекистон жамиятининг потенциал интеллектуал элитаси бўлиб, юқори инновацион ва ижодий салоҳиятга эга бўлган, шахсий

ва касбий ўзини намоён қилишга интиладиган гуруҳ сифатида шаклланади. Олий таълим тизими фан, техника ва ишлаб чиқариш учун юқори малакали кадрлар генератори ролини ўйнайди ва “илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш фаолиятининг табиати, суръати ва ривожланиш йўналиши” унинг ҳолатига боғлиқ.

Ёшлар юқори таълим ва инновацион салоҳиятга эга бўлган махсус ижтимоий-профессионал гуруҳ сифатида замонавий жамиятнинг таркибий ўзгаришлари учун муҳим стратегик ресурс бўлиб хизмат қилади. Уларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ёшларнинг интеллектуал салоҳиятининг табиатига боғлиқ. Шубҳасиз, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини шакллантиришга таъсир қилувчи омилларни назарий тушуниш, аниқ йўлларни ишлаб чиқишнинг назарий асосларини яратиш зарурати мавжуд.

Инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида интеллектуал салоҳият ва ахборотлашган жамиятнинг имкониятлари тобора ўсиб бормоқда. Бугунги жамият энг янги ахборот-коммуникация тизимлари ва технологияларининг ривожланиши натижасида глобал ўзгаришларни бошдан кечирмоқда. “Рақамли” тушунчаси (давр, цивилизация, иқтисод, сиёсат, шахс, бошқарув, меҳнат, таълим ва бошқалар) билан боғлиқ бўлган ўзгаришларни, янги воқеликни, янги шахсни ва янги жамиятни яратмоқда.

Ҳоотсуите хизмати маълумотларига кўра, 2019 йил январ ҳолатига кўра, дунёда 5,1 миллиарддан ортиқ ноёб мобил фойдаланувчи (бу ер аҳолисининг учдан икки қисми), глобал Интернет аудиторияси 4,4 миллиард кишини (деярли эрликларнинг 60 фоизи) ташкил этди. 3,5 миллиард фойдаланувчи рўйхатга олинган 45% – бу эрда йил давомида ўсиш деярли 370 миллион кишини ташкил этди. Ўзбекистонда 20 миллионга яқин Интернет фойдаланувчиси бор, бу бизнинг мамлакатимизда Глобал тармоқнинг кириб бориш даражаси тезлик билан ортиб бораётганини англатади. Дунёда одамлар ҳар куни ўртача 6 соат 42 дақиқа интернетда бўлишади, аммо бизда бу борадаги кўрсаткичлар бир оз пастроқ.

Интеллектуал жамиятсиз инсон капиталини ривожлантириш учун ҳеч қандай шарт-шароит бўлмайди. Бинобарин, биз мамлакатимизда аллақачон ривожланиб, фаолият кўрсата бошлаган интеллектуал жамият билан шуғулланмоқдамиз ва унга интиламиз. Зеро, илм-фан, таълим, интеллектуал жамият шаклланишига яхши таъсир кўрсатадиган барча соҳаларда ютуқлар бор.

Интеллектуал жиҳатдан ривожланган жамиятни шакллантиришда интеллектуал капитални ривожлантириш учун кўплаб илмий ютуқлар ва шартлар топилиши керак. Ҳар йили бизда интеллектуал капитални юқори даражада ривожлантириш учун шарт-шароит яратилмоқда, бу, албатта, мамлакатимиз учун ҳам, инсоният жамияти тараққиёти учун янада ривожланиш имконини беради. Энди энг муҳими, бу инсоният учун, ҳар бир жамият учун тўғри йўлни танлаш, ҳеч қандай муаммо бўлмаслиги учун ҳамма нарсани олдиндан кўра билиш имконини беради.

Интеллектуал жамиятни шакллантириш муаммоси илм-фан олдига янги вазифаларни қўйди, улар жамиятнинг маънавий ривожланиши учун ижтимоий, гуманитар, ижтимоий-сиёсий фанларни биргаликдаги тадқиқотлар, фанлараро алоқадорлик заруратидан иборат. Бу ўринда асосий кўрсаткичлар талабалар ва ушбу соҳа мутахассислари сонининг кўпайиши, шунингдек, уларга бўлган талабнинг ортиши ҳисобланади. Бу борада оммавий ахборот воситалари, замонавий коммуникация технологиялари мутахассислари муҳим воситачи сифатида алоҳида ўрин тутади.

Бугунги иқтисодий шароитда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти ортиб бормоқда. Ҳар бир медиа муассасаси ўзининг мақсадли тингловчилари, томошабинлари аудиториясига эга бўлиб, ҳар бир аудиториянинг турмуш тарзининг ўзига хос хусусиятларини, унинг қизиқишлари ва муаммоларини алоҳида ҳисобга олади. Оммавий ахборот воситалари миллий интеграцияга таъсир қилади: ички ва халқаро бозор муносабатларини таъминлайди; замонавий хизматлар ва товарларга талабни рағбатлантириш; кундалик ва соғлом турмуш тарзи, қишлоқ хўжалиги, саноатда замонавий қадриятлар ва усулларни жорий этишга таъсир кўрсатиш.

Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар оммавий ахборот воситаларининг кучи ва имкониятларидаги тафовутлар нафақат концептуал, балки сиёсий қийинчиликларни ҳам келтириб чиқаради, бунинг ёркин мисоли “янги дунё ахборот тартиби” ғоясидир.

Замонавий ёшларининг интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга кўп қиррали таъсир кўрсатадиган ижтимоий-сиёсий омилларнинг турли гуруҳларини интеллектуал потенциални амалга ошириш шаклларини эмпирик ўрганиш ва истиқболли йўналишларни аниқлаш билан биргаликда таҳлил қиладиган, уни самарали ривожлантириш йўналишларини ўрганишга бағишланган махсус сиёсий тадқиқотлар мавжуд эмас. Ўзбекистонда ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатлари ҳам ўрганилмаган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев, Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. - Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2021. - 9 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сон фармони //

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ

Хурсандов Алишер Суюнович,
Ўзбекистон Республикаси
Жамоат хавфсизлиги университети
Тилларни ўрганиш кафедраси
бошлиғи, с.ф.б.ф.д. (PhD), доцент

Глобаллашув шароитида мафкуравий курашларнинг тобора авж олиши ахборотни қудратли қуролга айланишига замин яратмоқда. Хусусан, мафкуравий – ғоявий таҳдид сифатида намоён бўлаётган ахборот экспансия (инсон қалби ва онгини забт этиш)си орқали миллат маънавиятига раҳна солувчи ҳаракатлар кечаётганлиги ташвишлидир. Айниқса, ахборот экспанцияси орқали маънавиятига салбий таъсир этувчи ғоялар “оммавий маданият” таҳдидлар: ахлоқий бузуқлик, лоқайдлик, зўравонлик, экстремизм, терроризм, ақидапарастлик, миссионерлик ва прозелитизм каби манқуртликка йўналтирувчи иллатларни ижтимоий намоён бўлаётганлиги барчамиздан жиддий фикрлашни талаб этмоқда.

Ғарб оламида кенг тарқалаётган эркинлик ниқобидаги “оммавий маданият” замирида ҳар қандай халқ ва миллат маънавиятини издан чиқаришга қаратилган жиддий хатарлар ётибди. Глобал миқёсда маданият кўринишида тарғиб қилинаётган “оммавий маданият” таҳдиди халқимиз, хусусан, ёшларимиз маънавияти, дунёқараши ва ахлоқига жиддий таъсир кўрсатмоқда.

Бугунги кунда тобора кенгайиб, ўз шаклини ўзгартириб бораётган “оммавий маданият”ни аксарият ғўр ва тажрибасиз ёшлар “Европача маданият” ва “эркинлик” сифатида қабул қилишаётганлиги барчамиздан бу борада жиддий фикрлашни тақозо этмоқда. Нега деганда, асл маданиятни англамасдан маданият кўринишидаги “оммавий маданият” таъсирида ёшлар қалби ва онги, руҳиятини издан чиқаришга бўлган ҳаракатларни намоён бўлаётганлиги жуда ташвишлидир.

Қолаверса, ушбу мафкуравий – ғоявий таҳдид ҳар қандай халқ ва миллатнинг ўзига хослигини рад этувчи ғояни тарғиб этиш орқали миллий маънавиятга таҳдид солмоқда. Шу тариқа, “оммавий маданият” ўзида тубан ва бузғунчи ғояларни намоён этиш орқали миллат келажаги ва мамлакат тараққиётига таҳдид солаётганлиги тобора ойдинлашмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “Аввалambор, “оммавий маданият” кўринишида кириб келаётган турли таҳдидлар, гиёҳвандлик, диний экстремизм, миссионерлик каби бало-қазолардан ёшларимизни асраш, уларнинг таълим-тарбиясига ҳар биримиз масъул эканимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Бу борада биз асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга, аждодларимизнинг бой маънавий меросига таянамиз” [1, 89-б.].

Дарҳақиқат, глобаллашув шароитида мафкуравий кураш ўз навбатида миллий маънавият, миллий қадриятлар ва азалий анъаналарни сақлаб қолиш мақсадида жиддий фикрлашни тақозо этмоқда. Ҳолбуки, “оммавий маданият” тарафдорларининг асл мақсади миллий давлатнинг моддий ва маънавий бойликларини эгаллашдан иборатдир.

Айнан мазкур омиллар, гегемон давлатларнинг дунёда ўз ҳукмронлигини ўрнатишда зўравонлик руҳиятини ва ахлоқий бузуқликни ифода этишда “оммавий маданият”ни реклама, тарғибот ва ташвиқот қилиш орқали маданиятлараро таъсир кўрсатишда муҳим ўрин тутмоқда. Айниқса, “оммавий маданият”нинг асосий хусусиятларидан бири – гегемон давлатнинг маданиятини ривожланаётган мамлакатга “экспорт” қилишида намоён бўлмоқда.

Хусусан, қудратли давлатлар мафкуравий таъсир ўтказиш, миллий манфаатларни рўёбга чиқаришда ўзга давлат маданиятига таъсир этишда таъсирчан қурол сифатида “оммавий маданият” ниқобидан фойдаланмоқда.

Бугунги кунда “оммавий маданият” аввало, маданиятсизлик ифодаси бўлиб, инсонга қарши қаратилган зўравонликлар, фаҳш, қотиллик, худбинлик каби миллий маънавиятимизга мутлақо зид бўлган, тубан иллатларни тарғиб этмоқда. Ғарбча либосдаги “оммавий маданият” экспансияси табиий равишда ҳар қандай халқ ва миллатлар ўртасида маданият борасида ўзаро зиддиятларни келтириб чиқармоқда.

Айнан ана шу омиллар “оммавий маданият” таъсири остида азалий қадриятлар тизимини вайрон этиш орқали шахсни тубанлашув гирдобига этаклашини англаш лозим. Зеро, бугунги кунда “оммавий маданият” тарғиботчилари инсонлар қалби ва онгида ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат туйғуларини сўндириб халқни азалий маънавияти ва эътиқодидан маҳрум этиш орқали миллатни ўзлиги ҳамда тарихидан жудо қилишга интилмоқда.

Бу ҳақда Биринчи Президент И.Каримов таъбири билан айтганда: “Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб бормоқда” [2, 117-б.].

Глобаллашув шароитида “оммавий маданият” қуйидаги ҳолатларда намоён бўлмоқда: ғарбона сўзлашув, кийиниш ва урфларга тақлид, ахлоқий бузуқлик, зўравонлик, эгоцентризм, аёлларни ичкилик ва кашандаликка ружу қўйишлари, порнографик маҳсулотларни тарғиб этиш, инсон танасига турли хил татиуровкалар чизиш, бир хил жинсдаги кишилар никоҳи ва бошқа шу каби иллатларнинг тобора кучайиши ўз навбатида ҳар бир миллатнинг маънавияти ва менталитетига раҳна солишини англашимиз лозим.

Ҳозирда “оммавий маданият”нинг нисбатан кенг тарқалган кўринишларидан бири “Старизм”дир. Старизм – эҳтиросларга берилган ҳолда телебошловчи, спортчи, актёрлар ва эстрада хонандаларини “илоҳийлаштириш”ни англатади [3]. Ўз навбатида “оммавий маданият”нинг

мазкур кўринишининг авж олиши анча таҳликали бўлиб, у ҳаддан ташқари эҳтиросларга берилиш оқибатида одамларда суитсид (ўз жонига қасд қилиш) ҳолатларини кескин ошишига замин яратади. Бу ҳолат ёшлар орасида намоён бўлаётганлиги ташвишли ҳисобланади.

Шунингдек, “омавий маданият”нинг кенг тарқалган кўриниши сифатида миллий маънавиятимизга раҳна солишга интилаётган космополитизмни алоҳида таъкидлаш жоиз. Космополитизм – (юнонча, “космополитес” – “дунё фуқароси”) [4, 370-б.]. ғояси асосида Ватан, миллат деган тушунчаларни рад этиш, “инсон дунё фуқароси” шиори остида ватанпарварлик, давлатларни мустақиллиги, миллий маданият ва маънавият каби қадриятларни инкор этиб, фақат дунё фуқаролигини тарғиб қилувчи дунёқараш ғоясини сингдиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Глобаллашув шароитига хос бўлган “оммавий маданият” шаклларидан бири миллий нигилизмдир. Нигилизм (лотинча, “ниҳил” – “ҳеч нима”) бу ўзининг миллати ёки юртининг куч-қудратига ишонмаслик, уларга паст баҳо бериш, эртанги кунга ишончсизлик, умидсизлик яъни, муайян миллат вакилларининг ўз миллати имкониятларини камситиб, пасайтириб баҳолаши, ўз юртининг қадрига этмаслик, мамлакатида рўй бераётган ўзгаришлар миқёсини англай олмаслик ҳолатларига олиб келади [5, 144-б.].

Нигилизм ўзида тарихий ҳамда маданий қадриятларини инкор этиш орқали умумеътироф этилган қадриятларга нисбатан салбий ва ўта танқидий муносабатларда бўлиш орқали ахлоқий тубанликларни намоён этиб, ўзида бузғунчилик ғояларини акс эттиради. Айниқса, миллий нигилизм иллатлари таъсирига тушган инсонларнинг мафкуравий иммунитети заифлашиши оқибатида уларнинг онги ва қалбида ўзгача дунёқараш шаклланади. Натижада, нигилизм таъсирига тушган кишилар Ватан манфаатини ҳимоя қила олмайдиган бефарқ, лоқайд одамлар сифатида гавдаланаётганлиги ачинарли ва ташвишли ҳолдир.

“Оммавий маданият”нинг комикс кўриниши ўзида ғаразли мақсадларни намоён этувчи хатарлардан бири сифатида миллий қадриятлар ва миллий кийиниш маданиятини рад этган ҳолда турли туман ёзувлар акс этган “кийиниш” маданиятини тарғиб этади. Комикснинг салбий таъсири шундаки, ўз маънавий қадриятларини англамаслик оқибатида “ўзга” маданиятга қизиқиш орқали “замонавий” яшашга кўр-кўрона эргашишни тарғиб этади.

Бугунги кунда татиуровка “оммавий маданият” маҳсули сифатида кенг миқёсда ёйилаётганлиги ташвишли ҳолдир. Татиуровка инсон танасига игна ёрдамида турли шаклларни чиздириш орқали жамият ҳаётида ғайриодатий хулқ-атворни шаклланишига замин яратади. Истардикки, ёшларни “оммавий маданият” маҳсули бўлмиш татиуровкага қизиқиши уларнинг соғлигига жиддий таъсир кўрсатишга яъни танасида турли юқумли бедаво касалликларни келтириб чиқаришга сабаб бўлишини айнан ёшлар англаши лозим.

Миллийлигимизга ёт бўлган ёшларимиз онги ва қалбини эгаллашга қаратилган “оммавий маданият” таҳдидига қарши жамиятнинг барча қатламларини доимий асосда мафкуравий қуроллантириш талаб этилади.

ZJV5401

Қолаверса, юртимизга четдан кириб келадиган ва “ўзгача” маданиятни тарғиб этадиган миллий маънавиятимизга раҳна солиш орқали миллий ўзлигимизни англашга путур этказадиган “оммавий маданият” таҳдидларидан ёшларимизни асраш, бу таҳдидларга қарши курашда Узлуксиз таълимнинг барча босқичларини, нодавлат нотижорат ташкилотларини ягона мақсад йўлида сафарбар этиш керак.

Бунда албатта, дунё миқёсида, ғоявий-мафкуравий таҳдид сифатида намоён бўлаётган “оммавий маданият” салбий таъсирларини ўз вақтида англаш, улардан доимо огоҳ бўлиш ва бартараф этиш бугунги куннинг долзарб вазифаси эканини ҳар бир юртдошимиз биринчи навбатда ёш авлод вакиллари чуқур англаб этишлари лозим бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “... биз фарзандларимиз онги, дунёқараши асрлар давомида синовдан ўтган, юксак маънавият хазинаси бўлган жаҳон ва миллий адабиётимиз асосида эмас, балки қандайдир шубҳали, зарарли ахборотлар асосида шаклланишига бепарво қараб туролмаймиз” [6, 530-б.]

Бинобарин, дунё миқёсида бўҳтон ва уйдирмаларни тарқатиш орқали ёшларимизни алдаб, ўз қармоғига илинтиришга интилаётган турли хил ёт оқим ва бузғунчи ғояларга нисбатан ҳеч қандай имконият бермаслик бугунги кун талабидир.

Зеро, миллий маънавиятимизни асраш орқали биз ёшларимизни она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаб ўз халқига, юртига бўлган муҳаббатни ошириш асосий вазифамиз ҳисобланади. Жонажон Ўзбекистонимизни дунёдаги нуфузини янада ортиб бориши учун энг аввало, миллийлигимизни тараннум этувчи миллий маънавиятимиз ва маданиятимизни асраб авайлаш ҳар бир юртдошимизнинг ватанпарварлик масъулияти ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т. “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. – Б.89.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т. “Ўзбекистон” НМИУ, 2018. – Б.530.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., “Маънавият”. 2018. – Б. 117.
4. Эрматов Ш. Оммавий маданият – кўзга кўринмайдиган хавфли қурол. Ватанпарвар газетасининг 2013 йил 12 апрелдаги № 15-сони.
5. Словар иностранных слов. – М.: «ГИИНС». 1955. – С. 370.
6. Язданова С.Қ. Ўзбекистонда миссионерлик ҳаракатининг ижтимоий-фалсафий таҳлили. Ф.ф.н. илмий даражаси учун ёзилган дисс. 09.00.11. Ижтимоий фалсафа. 2012. – Б.144.

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ВА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ УЙҒОНИШ

Ф.Н.Ширинова,
ТАТУ Гуманитар фанлар
кафедраси катта ўкитувчиси

“Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси – бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси – аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият”.

Биз буюк тарих, буюк давлат, буюк маданият яратган, дунё тамаддуни ривожига улкан ҳисса қўшган, адолатни қадрлайдиган халқ фарзандларимиз. Шонли тарих шоҳидки, IX-XII асрларда минтақамизда юз берган ва Мусулмон Ренессанси деб номланган Биринчи Шарқ Уйғониш даврида ҳам, бутун дунёда Темурийлар даври Ренессанси дея эътироф этилган XIV-XVI асрлардаги Иккинчи Шарқ Уйғониш даврида ҳам жамиятда эътиқод – мустаҳкам маънавият – кучли, инсонлар дунёқарашида маънавият – устувор, давлатчилик тузумида маънавият ва маърифат – этакчи бўлган.

Шарқнинг бутун инсоният тарихидаги нодир ижтимоий ҳодиса бўлган ҳар икки Ренессанс буюк аждодларимизнинг илм-маърифат ва кучли эътиқод, диний бағрикенглик ва инсонпарварлик борасидаги эзгу ғоялари билан йўғрилган эди. Бу ғоялар бизнинг давримизда, Ўзбекистон мустақиллиги йилларида алоҳида, янада теран маъно-мазмун касб этиб бормоқда.

Ҳар икки Ренессанс даврида илму ижод билан машғул бўлган буюк аждодларимиз ва улуғ алломаларимиз ўзларининг юксак маънавияти, собит эътиқоди, ҳавас қилса арзигулик миллий ғурур ва фахр-ифтихор туйғулари, миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга йўғрилган гўзал ва ноёб фазилатлари билан алоҳида ажралиб турган.

Темурийлар даври Ренессансининг ёрқин намояндаси бўлмиш давлат арбоби, буюк аллома, улуғ шоир ва мутафаккир аждодимиз Алишер Навоийнинг олиймақом маънавияти юртимиз асрлар оша тараққий топиши ҳамда миллатимиз қадр-қиммати олам аро юксалиши борасида буюк соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг моҳирона давлатчилик фаолияти ва ҳарбий жасоратидан сира кам бўлмаган даражада улуғвор ўрин тутади.

Президентимиз ёшларни ватанпарварлик, миллий ифтихор руҳида тарбиялаш, бунинг учун тарихни яхши ўргатиш, бу йўналишдаги илмий-тадқиқотларни кенгайтириш муҳимлигини алоҳида таъкидлади ва қатор устувор вазифаларни белгилаб берди.

Президентимиз қайд этганидек, “Миллий тарихни миллий руҳ билан яратиш керак. Акс ҳолда унинг тарбиявий таъсири бўлмайди. Биз ёшларимизни тарихдан сабоқ олиш, хулоса чиқаришга ўргатишимиз, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан қуроллантиришимиз зарур”.

Бинобарин, ана шу саъй-ҳаракатларимиз самараси сифатида юзага чиқадиган маънавий-маърифий Уйғониш биз бунёд этишга киришган Учинчи Ренессанс учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади. Янада аниқ қилиб айтганда, ҳар қандай Ренессанснинг муҳим асосини маънавий-маърифий уйғониш ташкил этади.

Таъкидлаш керакки, давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида, Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига байрам табригида, шунингдек, Ўзбекистон ёшларининг биринчи форуми ҳамда Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишларида маънавият йўналишидаги долзарб вазифаларни, маънавий-маърифий янги Уйғонишнинг илмий-назарий ва методологик асосини яратиб берди.

Маънавий тарбияни тўғри йўлга қўймай туриб, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, жуғрофий ва экологик муаммоларни ҳал қилиб бўлмайди. Чунки бу муаммоларнинг келиб чиқиши умуммаънавий тарбияда юзага келган бўшлиқ, бепарволик билан боғлиқ.

Маънавият оқсаса илмий тараққиёт тўғри йўлдан чалғиши мумкин – бугун дунёнинг фавқулодда истеъдодли олимлари, туғма қобилият эгалари соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитга зарар этказмаслик, инсон маиший турмушини яхшилаш муаммолари билан эмас, замонавий қурол-яроғлар яратиш билан шуғулланмоқдалар.

Таассуфки, инсон ақл-заковатининг юксак самараси бўлган интернет омборлари беҳаёлик, зўравонлик, босқинчи ва талончилик, зино ва бошқа иллатлар билан тўлиб-тошган. Матбуот хабарларига қараганда, бу тизимда ёшларни ўз-ўзини, бошқа гуноҳсиз одамларни ўлдиришга ўргатувчи сон-саноқсиз сайтлар бор экан.

Маънавият бир четга суриб қўйилса, янги бойлар хайр-саҳоват, мурувват йўлини қўйиб, ҳою ҳавасга, тутуриқсиз харажатларга бериладилар, бемаъни урф-одатларни ўйлаб топадилар ва шу ишлари билан ном қозонадилар.

Дунё дунё бўлиб, пул, бойлик юзага келганидан бери ҳеч бир бойвачча “Бўлди, мол-мулким ошиб-тошиб кетди, бошқаларга ҳам қолсин”, деган эмас. Маънавиятли киши, агар унинг атиги бир кунлик ризқидан бошқа ҳеч вақоси бўлмаса ҳам, шукр қилади, шу ризқни оғзига солаётиб, бошқалар тўғрисида ҳам ўйлайди.

Бундан англашиладиган хулоса шуки, эндиликда дунёни куч, бойлик, қурол-яроғ, дўқ-пўписа эмас, имон-эътиқод, фаҳм-фаросат, ақл-идрок, таълим-тарбия билан мужассамлашган маънавият қутқаради. Коронавирус пандемияси инсон ҳаётида кутилмаганда ғаройиб ҳолатлар ҳам юз бериши мумкинлигини ошкор қилди.

Улардан бири – тождор вирус ҳамласи пайти ҳисобсиз бойликка эга кишилар ҳам бу офатдан четда қолмадилар. Халқона айтганда, “Бир кафт буғдой ош бўлди, тилла, кумуш – тош бўлди”.

Шу сабабдан ҳам бугун дунёда кечаётган мураккаб жараёнларни таҳлил қилишда уларга, энг аввало, маънавият кўзи билан қараш, ҳаётимизга кириб келаётган, турмуш тарзимизга сингдирилаётган “қоида”лар кимга ва нимага

қаратилганини аниқлаш, аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид жиҳатларини очиб бериш, ва, табиийки, зарур чоралар кўриш муҳим аҳамият касб этади.

Демак, миллий тикланишдан миллий юксалиш йўлига ўтаётган Ўзбекистон учун маънавий тарбия бугун ҳар қачонгидан кўра ҳам аҳамиятлидир. Давлатимиз раҳбарининг қарорида бу борада амалга оширилиши лозим бўлган бирламчи муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Шу билан бирга, олиб борилаётган кенг кўламли тадбир-чораларга қарамасдан маънавий-маърифий ислоҳотларнинг самарасига тўсиқ бўлаётган тизимли муаммолар сақланиб қолаётгани сабаблари аниқ-равшан кўрсатиб берилган. Чунончи, маънавий-маърифий тарбия ишини ташкил этишда яхлит самарали, таъсирчан тизим мавжуд эмас, миллий тараққиёт билан бевосита боғлиқ бу жараёнга даҳлдор илмий-тадқиқот ишлари суст олиб борилмоқда, ҳокимликлар, фуқаролик жамияти ва маҳалла институтлари, хусусий сектор ҳамда оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий ҳамкорлиги йўлга қўйилмаган.

Давлатимиз раҳабарининг қарорида маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида, биринчи навбатда, “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” ғоясини умуммиллий ҳаракатга айлантириш, оила, таълим ташкилотлари ва маҳаллаларда маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш вазифаси қўйилган.

Бунда маъанвий тарбия билан боғлиқ ишлар маълум ҳудудларда эмас, бутун мамлакатда яхлит олиб борилиши ва ҳамма жойда талаб даражасидаги самарага эришилиши кўзда тутилади. Шундан келиб чиқиб, маънавий тарбия билан боғлиқ тарғибот-ташвиқот ишлари қандай самара бераётгани билан шуғулланувчи доимий мониторинг тизими жорий этилади.

Қарорда маданият, адабиёт, кино, театр, мусиқа ва санъатнинг барча турлари, ноширлик-матбаа маҳсулотлари, оммавий ахборот воситаларида маънавий-ахлоқий мезонлар, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг устуворлигига эришиш, геосиёсий ва мафкуравий жараёнларни мунтазам равишда ўрганиш, терроризм, экстремизм, ақидапарастлик, одам савдоси, наркобизнес ва бошқа хатарли таҳдидларга қарши самарали ғоявий кураш олиб бориш вазифаси ҳам қўйилган.

Бугун дунёда иқтисодий соҳада – ўзга минтақалардаги табиий бойликлар устидан назоратни қўлга киритиш, мафкуравий соҳада — турли халқларнинг асрлар давомида шаклланган турмуш тарзини ўз манфаатлари йўлида “ислоҳ” қилиш, ёшлар онги ва қалбини эгаллаш, уларни тўғри йўллардан чалғитиш каби носоғлом хатти-ҳаракатлар тобора кучайиб бормоқда.

Бундай ҳаракатлар бир қарашда кўзга унча ташланмайдиган, деярли беозор бўлиб кўринадиган ва ҳатто қизиқарли, жозибали шаклларда олиб борилади. Моддий манфаатдорлик ваъда қилинади.

Ҳаётий тажрибаси этарли бўлмаган ёшлар бундай “жозиба”га тез маҳлиё бўладилар ва ўзлари билмаган ҳолда кимларнингдир тўрига илиниб

қоладилар. Ёшларни бундай ҳалокатдан асрашда бадиий адабиёт, маънавият ва маърифат тарғиботи халоскор кучга айланади.

ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК ВА ҚАДРИЯТЛАРГА ҲУРМАТ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА МУЗЕЙЛАРНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

Эрбутаева Ўғилой Суюновна,
ГулДУ Қатағон қурбонлари хотираси музейи директори, т.ф.н.,
Райимжонов Исмоилжон Хошимжон ўғли
ГулДУ тарих йўналиши 1-курс магистранти

Дунёда юз бераётган воқеа-ходисалар, шунингдек, “оммавий маданият” тушунчаси кўп тилга олинётган бир вақтда асосий долзарб мавзулардан бири бу ўзимизнинг миллийликни, асрлар оша ота-боболаримиз томонидан қадирланган урф-одатларимизни асл қиёфасида сақлаш ва уларни келажак авлодга тўлалигича етказиш бугунги авлодни асосий васифаларидан бири ҳисобланади.

Ахборат-технологиялари шиддат билан рижонланаётган айни замонда ёшларизмизни ёт ғоялардан химоя қилиш учун, уларни аждодларизмизга мос авлод бўлиши, аждодларимизни дунё илм-фанига қўшган ҳиссаси билан фахрланиши, шу билан бирга, ўзлари ҳам этук малакали кадрлар бўлиб этишиши учун республикамизда этарлича шароит мавжуд. Юртбошимиз томонидан ёшларга жуда кўплаб имкониятлар мавжуд бўлган илм марказлари ташкил этиляпти. Бундан ташқари, кўплаб маънавий ва маърифий ишлар амалга оширилябди. Бундай эзгу ишлар жумласига юртимизда ташкил этилган музейларни (ҳаётимизни кўплаб жабҳараларига оид) мисол қилиб келтириш мумкин.

Шавкат Мирзиёев “Аждодларимизнинг Ватан тинчлиги ва озодлиги йўлидаги кураши бугунги ёшлар учун ибрат мактабидир” деган эди. Ҳақиқатдан ҳам, ёшларни Ватанга муҳаббат ва касбига садоқат руҳида тарбиялашимиз борасида, Ватанимиз равнақи йўлида фаолият кўрсатган бир қанча давлат, жамоат арбоблари ҳаётининг акс эттирилиши ёшлар учун ибрат мактабидир.

Музейлар аждодлардан мерос бўлган бойликни келажак авлодга этказиб берадиган илмий, маънавий-маърифий хазина. Йиллар давомида бойиб, тўлиб бораверадиган бу хазина фақатгина маданий қадриятлар намойишигина бўлиб қолмай, узоқ тарих саҳифаларидан сўзловчи бебаҳо китоб ҳамдир [1]. Бугунги кунда музейларнинг йўналиши ва турлари кўп бўлиб, буларни барчаси

инсонларни дунё қарашини, фикрлаш, хулоса чиқариш, ўзлигини англашига ёрдам бериш воситаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Республикамизнинг ҳар бир вилоятида, жумладан, пойтахтимиз ва вилоят марказларида турли соҳаларга оид кўплаб музейлар фаолият юритиб келмоқда. Музейлар ичида тарихга оид музейлар алоҳида ажралиб туради. Ўзбекистон Республикаси, вилоятлар, Қорапалпоғистон Республикасида жойлашган давлат тарихига оид музейлари фаолият юритиб келмоқда.

Ёшлар дунёқарашининг шакилланиши асосан мактаб даврида ривожлана бошлайди. Айни шу вақт давомида ёшларга дунёвий ва диний билимлар кўникмаси ҳосил бўлади. Бу вақтда ёшларни тўғри таълим ва тарбия бериш, уларда оқни қорадан ажратиш кўникмаларини шакллантириш кун тартибидаги асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун уларни ватанпарвар, меҳнатга чидамли, илм-фанга ошно қилиб тарбиялашда таълим, яъни ўқишдан узилмаган ҳолда ўқувчи-ёшларни пойтахтимиздаги ва вилоятлардаги музейларга экскурсияларини ташкил этиш, уни кун тартибига киритиш мақсадга муовфиқ бўларди.

Президентимиз томонидан қатоғон ва унинг фожиали оқибатлари ҳақида чин ҳақиқатни тиклашга бағишланган қатор қарор, фармойишларнинг қабул қилиниши халқимизнинг қалбида узоқдан бери сақланиб келаётган ноҳақликларга адолат юзасидан баҳо берилишига бўлган ишончни тобора орттириб бормоқда. Қатағон қилинганларнинг ҳозирги авлоди ўз ота-боболари, яқинлари ҳақидаги бор ҳақиқатнинг юзага чиқиши учун яратилаётган имкониятлардан беҳад хурсанд бўлиб, ўз аждодларининг тақдири билан астойдил қизиқаётганлиги қувонарлидир.

Бундай эзгу ишлар ўз самарасини бермоқда. Президентнинг ташаббуси билан вилоятлардаги қатағон қурбонлари хотираси музейларида бу борада катта ишлар амалга оширилмоқда. Қатоғон қурбонларининг ҳозирги авлодлари вакиллари музейларга, архивларга мурожат қилиб ўз аждодлари ҳақидаги бор ҳақиқат ва маълумотларни олиш учун фаоллик кўрсатмоқдалар [2].

Барча вилоятларда “Қатағон қурбонлари” хотирасига бағишланган китоблар ва илмий мақолалар чоп этилмоқда. Қатағон қурбонлари музейларидан ўрин олган жадидлар тарихи масаласига оид материалларга этибор берадиган бўлсак, жадидлар ўзларининг маърифий қарашлари орқали миллий маънавият тарққиётига муносиб ҳисса қўшган маърифатпарварлардир.

Чунки уларнинг олға сурган ғоялари қайси соҳага тегишли бўлишидан қатий назар халқ ва миллат манфаати, тараққиёти билан боғлиқ қарашларга, халқ ва миллат маънавиятини юксалтириш, маданиятни кўтариш орқали асрлар давомида ўлка халқларини асоратга солиб келаётган мустамлакачиликка барҳам бериш, озодликка эришиш мумкин, деб ҳисобладилар.

ZJV5401

Ўлкада давом этиб келаётган мустамлакачиликка қарши курашнинг тинч-эволюсион йўлини танладиларки, бу миллий маънавият тараққиёти билан боғлиқ эди, албатта.

“…Дунёга тараққий қилган халқ илм воситаси ила тараққий қилади. Асир ва забун бўлганларда беилмликдан. Модомики, бизлар тарбиясиз ва болаларимизни ўқутмаймиз, бул тариқа ёмон ҳодисалар ва бахтсизликлар орамизда доимо ҳукмфармо бўлса керак. Бу ишларни йўқ бўлмоғига ўқимоқ ва ўқутмоқдан бошқа илож йўқдур,” – дейди Маҳмудхўжа Бехбудий ўзининг “Падаркуш ёхуд ўқимаган боланинг холи” пьесасида зиёли тилидан гапириб.

Маънавиятли инсон – илмли инсон, тарбияли инсондир. Илм ва яхши тарбия орқали инсон маънавий камолот чўққисига чиқиб боради. Камолотга эришган инсон фақат илмлигина бўлиб қолмай, у маърифатли ҳам ҳисобланади, яъни у ўз билганларини ўзгаларга ўргатиш, фақат ўз манфаати эмас, ўзгалар манфаатини ҳам ўйлаш, кези келганда, ўзгалар манфаати, бахт-саодати йўлида ўз манфаатидан ҳам воз кеча олиш билан бошқалардан ажралиб туради.

Жадид маърифатпарварлари маънавиятида биз айнан ана шу фазилатларни кўрамиз. Чунки уларнинг аксарияти ўз замонасидаги ҳар қандай қийинчиликларга қарамасдан, Туркистон келажаги, халқ ва миллат тараққиёти учун жасорат ҳамда фидойилик намуналарини кўрсатиб яшадилар. Буларнинг қалбларида миллатпарварлик, халқпарварлик туйғулари ниш урганлигидан эди. Жадид ота-боболаримиз фаолияти, улар кўрсатган йўл-йўриқ, миллий қадрият, анъаналар асосида ташкил этилган таълим тизими бугун катта ютуқларга эришди. Бугунги кунда мамлакатимизда мавжуд таълим-тарбия соҳасида қўлга киритилган ютуқлар юртимизнинг ўтган 30 йиллик даври давомида амалга оширилган ишлар натижаси. [3].

Музейларга ташриф буюрувчи ёшларимиз музей фаолиятини ўрганиш борасида маънавий-маданий меросимиз, қайта тиклангани ва қайта қадр топган илм-фан ва қадриятларимизнинг кўрки бўлган буюк алломаларимиз сиймоси ва уларнинг ҳаёти, илмий фаолияти ҳақида маълумот оладилар.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдир” деган сўзлари бугун долзарб аҳамиятга эга. Шундай экан, Учинчи Ренесанс даврига қадам қўяр эканмиз, ёшларимизни ватанга муҳаббат ва касбга садоқат руҳида тарбиялашда, Узлуксиз маънавий тарбиянинг ўрни биринчи долзарб масала эканлигини ва бу борада тинимсиз фаолият олиб боришимиз зарурдир.

Ватанимиз равнақи йўлида, нафақат шарқ, балки умумжаҳон сивилизасияси бешикларидан бири бўлганлигини бутун жаҳон бугун тан олмоқда. Янги Ўзбекистонда яшаб, ижод қилаётган эканмиз, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да бугунги ёшларимиз кўзлаган юксак мақсадларимиз сари дадил бормоқлари лозим.

Умуман олганда музейларда илмий текшириш, тўплаш ва экспозисион ишлардан ташқари турли туман илмий, маданий ишлар: экскурсиялар,

ZJV5401

маърузалар, музей кунлари, уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашувлар, ўлкашунослик викториналари, турли мавзулардаги тематик кечалар ва бошқа тадбирлар ўтказилади, бу саъй-ҳаракатлар ёшларни ватанга муҳаббат ва касбга садоқат руҳида тарбиялашга, маънавий тарбияни бойитишга қаратилгандир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Р.Шамсутдинов, И.Насиридинов. Қатағон қурбонлари Ҳамдам Рустамов тақдири ҳақида. Водийнома. Январ-март. 2021. №1 (20). Б-52.
2. К.Номозова. Жадидларнинг Маърифий қарашларида миллий маънавият масалалари ва бугунги кун муоммолари. “Олий талимда ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишнинг долзарб масалари” мавзусида илмий-амалий конференция материаллари.24 август 2011 йил. Б-207.

МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ

Э.Маллаева

Ўзбекистон Республикаси ҳозирда кучли давлат негизида кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга интилмоқда. Бу борада Ўзбекстон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев “бу йўл – эркин, демократик, инсонпарвар давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, Ватанимиз иқтисодий қудратини юксалтириш ва янада равнақ топтиришнинг мустаҳкам замини”[156], дея таъкидлайди.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов ҳам фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлини кўрсатиб, “сиёсий иммунитетни юксалтириш керак. Одамлар ҳокимият қарорлар қандай қабул қилишини, уларнинг ижроси қандай назорат қилинаётганини билишлари, бу қарорларни тайёрлаш ва амалга оширишда фаол иштирок этишлари зарур”[157]лигини эътироф этади.

Маълумки, сиёсий маданият жамиятни, ундаги кишиларни сиёсий томондан баркамоллигини кўрсатувчи сиёсий фаолиятдаги меъёрлар тизими ҳисобланади. Жамият ҳаётида кишиларнинг сиёсий фаолияти амалиётда икки кўринишда намоён бўлади. Уларнинг бири, эмоция (ҳиссиёт)га асосланган, кўр-кўрона сиёсий фаолият бўлиб уни “оломон ҳаракати”, деб аташ ҳам мумкин. Иккинчиси эса, бевосита рационалликка (ақлга) таянган ҳолда, ватанпарварлик, миллатпарварлик, байналминаллик ва юрт тинчлиги каби меъёр ва мезонларга асосланувчи сиёсий фаолият бўлиб, у сиёсий маданият, дея аталади.

---

[156] Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.–Тошкет. Ўзбекистон. 2016. 8-б.

[157] Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда.Тошкент. “Ўзбекистон”, 2000. - 17-бет.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётда улкан ислоҳотларни бошлаган, янги ривожланиш йўлидан бораётган ҳар бир давлат ва жамият ислоҳотларнинг муваффақиятини таъминлашда фуқаролар сиёсий фаоллигини олий даражаси бўлган сиёсий маданиятга катта эҳтиёж сезади. Ўзбекистон ҳам ҳозирда улкан ислоҳотлар амалга ошираётган ва айни вақтда унинг муваффақиятини таъминлашда фуқаролардаги сиёсий маданиятга катта эҳтиёж сезаётган давлатдир.

Тарихнинг барча даврларда жамиятда бирор-бир янгилик – ислоҳотни амалга ошириш мушкул иш бўлган. Чунки ҳар бир жамиятда онгли равишда тушуниб, янгиликни қабул қилувчи ва уни қўллаб-қувватловчи кишилар қаторида ислоҳотлар заруриятини тушунмайдиган, консерватив кишилар тоифаси ҳам мавжуд бўлганки, бундай кучлар ўзларини лоқайдликлари, тушунмасликлари ҳамда сиёсий томондан билимсизликлари туфайли доимо жамият тараққиётига тўсиқ бўлиб келган. Мазкур кучлар жамият тараққиётига тўғоноқ бўлишда тарихан ташқи кучлар билан тез тил топишган уларни манфаати учун жамият манфаатларини топтаган.

Ҳозирда, Ўзбекистонда тарихдаги барча даврлардан ҳам мураккаброқ бўлган глобаллашув ва ахборот алмашинуви жадаллашган шароитида жамиятни ислох этиш, ўзимизни миллий манфаатларимизга мос бўлган кучли давлатни барпо этиш ҳамда уни негизида кучли фуқаролик жамиятини қарор топтиришга ҳаракат қилинмоқда. Бу ислоҳотлар жараёнининг асосий хусусияти шундаки, унда ислоҳотларга тўғоноқ бўлувчи ички кучлар қаторида ташқи кучларни таъсири ўта юқорилиги билан характерланмоқда.

Маълумки, кишиларнинг сиёсий фаоллигини ошишида жамиятда тарқалаётган ахборотларнинг роли беқиёс. Ахборот таъсирида кишилардаги сиёсий фаолият “оломон ҳаракати” кўринишида ҳам ёки соғлом сиёсий эътиқод негизидаги сиёсий маданият кўринишида ҳам вужудга келиши мумкин. Ахборот хуружи таъсирида вужудга келадиган, кишиларнинг сиёсий ҳиссиётига асосланувчи “оломон ҳаракати”, албатта, ҳар бир давлатда кўнгилсиз оқибатларни келтириб чиқариши табиий. Шунинг учун ҳам тарихдаги аксарият давлатлар ўз сиёсатларида ахборотнинг бу ёвуз кучига асосий эътиборни қаратиб келган.

Масалан, собиқ СССР мафкуравий курашда рақибларининг ахборот хуружидан химояланиш учун мамлакатни дунё ахборот манбаидан изолясиялаш сиёсатини олиб борган. Таъкидлаш лозимки, ҳозирда бундай йўл жаҳон давлатлари томонидан ҳам, Ўзбекистон томонидан ҳам қораланган. Чунки, мамлакатни дунё ахборот манбаидан изоляциялаш сиёсати ўта хато сиёсат бўлиб, жамиятни жаҳондан узилиб қолишига, мамлакатни турғунлашувига ҳамда инсон ҳуқуқларини паймол этилишига олиб келувчи йўллиги маълумдир.

Тарихий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда ҳозирда жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига ҳавф туғдирувчи ахборот хуружи муаммосини бартараф этиш лозим. Албатта, бу муаммони собиқ СССРдагидек “хал этиш”, ёки “демократия” сифатида барча ахборотларга кенг “қучоқ очиш” мақсадга

мувофиқ эмас. Ахборот хуружи реал бўлган ҳозирги шароитда биз, фуқароларнинг ахборот олиш ва уни тарқатиш борасидаги конституциявий ҳуқуқини таъминлаган ҳолда, миллий менталитетимизга мос равишда уларнинг онгида мавжуд ахборотларни саралай оладиган шахсий “филтр”ни шакллантиришимиз зарурдир.

Кишилар онгида шахсий “филтр” ёки Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов таъбири билан айтганда, мафкуравий иммунитетни шаклланиши жамиятимизда рационалликка асосланган, ватанпарварлик, миллатпарварлик, байналминаллик ҳамда юрт тинчлиги каби меъёр ва мезонларга эга бўлган сиёсий маданиятнинг вужудга келишини таъминловчи асосий омил ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мафкура масаласида барча соҳалар қатори ушбу соҳага ҳам инновацияларни жорий этиш лозимлигини уқтирган ҳолда, “бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади”[158], дея изоҳлайди.

Албатта, Президентимиз томонидан миллий мафкура концепцияси учун янги ғоялар, принциплар ва категорияларни ишлаб чиқиш жараёнига долзарб вазифа сифатида эътибор қаратилиши бежиз эмас. Чунки, миллий мафкурани янгилашнинг объектив ва субъектив томонлари мавжуд бўлиб, у объектив томондан, илмий қонун-қоидаларга, жамиятимиздаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий муҳитга, давлатимизнинг имкониятлари ва ўзбек халқнинг миллий менталитетига нечоғлик мос бўлишига боғлиқ бўлса, субъектив томондан эса, у ишлаб чиқувчиларнинг илмий салоҳияти, истеъдоди ва ижодий илҳомига боғлиқ ҳисобланади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мазкур жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда, ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган мафкуравий концепцияни жамият ҳаётида қисқа муддат ичида юз фоиз натижа келтиради – деб айтиш ва унга кафолат бериш жуда қийин масала эди. Албатта, бу ҳолатни ҳам ҳисобга олган ҳолда биринчи Президентимиз Ислом Каримов: “Мафкурани бир кун ёки бир йилда яратиб бўлмайди. Чунки мафкура шаклланади, шакллантирилиб борилади. Унинг тамойилларини ишлаб чиқиш мумкин. Аммо бу тамойиллар реал ҳаётда ўз ўрнини топмаса бундай мафкура фақат қоғозда бўлади ҳалос”, – дея таъкидлаган эди.

Бугунги кунда, фуқаролар онгига миллий мафкура таъсирини янада кучайтириш масаласи уни жамиятимиз мисолидаги пирамидани юқорисидан қуйига қараб эмас, балки қуйидан юқорига қараб тарғиб этиш кераклигини кўрсатади. Бу жараёнда, миллий мафкурадаги ғоялар, категориялар ва тамойилларнинг мазмуни, аввало, якка шахс – индивидга йўналтирилиши,

[158] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. (2017 йил 22 декабрь). –Тошкент.Ўзбекистон, 2018. – 20 б.

ZJV5401

унинг манфаатлари ва муаммоларини акс эттириши лозим бўлади. Агар, миллий мафкура жамият ривожида ҳар бир индивиднинг роли мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, инсон мақсад-муддаоларини ўзида акс эттирса ҳамда бу жараёнда унга кўмаклашса аниқки, миллий мафкура жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта таъсирга эга бўлган кучга айланади.

Фуқаролар сиёсий маданиятини ривожланишида мафкуралардаги душман образларни ифодаловчи категорияларнинг ҳам ўз ўрни бор. Бу категориялар мафкуравий амалиётда идеал образларни ифодаловчи категориялар билан номутаносибликда ва ўзаро комбинасиялашган ҳолда дўст ва душман дихотомиясини амалга оширади. Мафкуралардаги идеал образларни ифодаловчи категориялар кишиларни бунёдкорликка (этук инсон бўлишга ва ҳар томонлама мукаммал жамиятни барпо этишга) чорласа, душман образларни ифодаловчи категориялар эса, кишиларни вайронкорлик (инсонни тубанлаштирувчи, жамиятни ривожланишига тўсиқ бўлувчи кучлар мавжудлиги)дан огоҳлантиради ҳамда уларга қарши кураш йўлларини кўрсатади.

Душман образларни ифодаловчи категориялар ўзида, асосан, икки вайронкор кучни: биринчиси, душман шахсни, иккинчиси эса, душман макон (жамият, давлат, тузум ва турли гуруҳлар)ни ифода этади. Амалиётда бу турдаги категориялар таъсири натижасида кишилар шахсий ва ижтимоий мақсадга тўғоноқ бўладиган кучларни англайдилар ҳамда улардан ўз мақсадларини химоялаш учун ҳаракатга келадилар. Ижтимоий-сиёсий ҳаётда шахсий ва жамият мақсадни химоя қилиш кўникмасига эгалик фуқарони сиёсий маданиятлилик даражасини кўрсатувчи асосий белги ҳисобланади.

Миллий мафкура амалиётига “ғоявий жиҳатдан ўз-ўзини тарбиялаш” тамойилини киритилиши уни фақат ташқи таъсир кучига эга бўлган мафкура бўлиб қолмасдан, балки фуқароларда ички таъсирни ҳам ҳосил эта оладиган мафкура даражасига кўтаради. Миллий мафкурада бундай хусусиятни вужудга келиши уни жамиятда бошқа ташқи таъсирни уюштирувчи (оила, маҳалла, ўқув ва меҳнат жамоалари, давлат органлари ва бошқа шу каби) ижтимоий-сиёсий тузилмалардан ҳам кўра кўпроқ натижага эришишини таъминлайди. Чунки, инсон ҳаёти учун (“ғоявий жиҳатдан ўз-ўзини тарбиялаш” орқали шаклланган) ички таъсир ташқи таъсирга қараганда анча самарали бўлганлигини тарих исботлаган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бугунги ўта мураккаб даврда мустамлакачи кучларни янгича кураш услуби бўлган мафкуравий полигонлар тобора кучайиб бормоқда. Улар аксар ҳолларда янги асрдаги ахборот хуружига тайёр бўлмаган, фуқароларида етарлича сиёсий маданият ва мафкуравий иммунитет шаклланмаган давлатлар ҳаётида оғир оқибатларни келтириб чиқармоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Тошкент. “Ўзбекистон”, 2000.

2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкет. Ўзбекистон. 2016.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. (2017 йил 22 декабр). – Тошкент.Ўзбекистон, 2018.
4. Нарзулла Жўраев. Агар огоҳ сен... – Т.: “Ёзувчи”, 1998.
5. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. – Т.: “Академия”, 2007.
6. Миллий ғоя ва раҳбар маъсулияти. – Т.: “Ғофур Ғулом” нашр., 2007.

ИНТЕРНЕТ ВА ЁШЛАР МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯСИ МАСАЛАЛАРИ

Бурхонова Юлдуз Исроил қизи,
ҚарДУ Психология йўналиши магистри

Фан ва техниканинг жадал ривожланиши, фаолиятнинг барча соҳаларида ахборот тизимларининг жорий этилиши ва уларнинг кенг қўлланилиши кишиларнинг одатий, анъанавий турмуш тарзига, ишлаб чиқариш амалиётига таъсир этиб, унинг яққол янги шаклларини яратмоқда.

Табиий савол туғилади: бугун барчани қамраб олган интернетнинг аҳамияти қандай? Ундан биз нимани ўрганяпмиз?

Интернет – бу вақт, макон ва жуғрофий чегараларнинг мавжудлигига қарамай, компютер ва кичик тизимларнинг ўзаро алоқа боғлаб, глобал ахборот инфратузилмасини шакллантирувчи бутунжаҳон компютер тармоғидир. У кашф қилингач, маълум бир давр ўтиб ноанъанавий интерфаол журналистиканинг ривожланишига сабаб бўлди.

Мултимедиа хусусиятларига эга бўлган, миллий, минтақавий ва давлат чегараларини билмайдиган интернетнинг дунёга келиши, бугун барча учун қимматли бўлган ахборотларни тарқатиши эса ўз навбатида катта бир кашфиёт эканидан далолат. Бугун интернетда бир вақтнинг ўзида бемалол маълумот олиш, тарқатиш, қабул қилиш каби бир неча вазифаларни бажариш мумкин. Аммо ундан қай тарзда, қандай фойдаланиш эса мавҳум бир тушунчадек четда қолиб кетмоқда.

Буюк британиялик Патрисия Ҳолланд интернет ҳақида шундай дейди: “Интернет деб номланувчи компютерлар занжирида ташкил топган бутунжаҳон коммуникасия тармоғи чексиз масофада бўлган, ўзаро нотаниш индивидиумлар ўртасидаги алоқа боғлашга замин яратади. Интернет макони бўйлаб ҳаракатланиш – бу бўш вақтни фойдали ва мазмунли ўтказиш йўли,

тадқиқот учун маълумот йиғишнинг самарали усули, зарур маълумотларни излаш ва таҳлил этишда ёрдам берувчи бебаҳо воситадир”[159].

Дарҳақиқат, интернетдан фойдаланиш ҳар бир инсоннинг ўзига боғлиқ. Кимдир ундан маълумот олиш, сўнгги кашфиётларни билиш мақсадида фойдаланса, яна кимдир порнографик расмлар жойлашган сайтни кўриш учун фойдаланади. Айрим пайтларда интернет орқали тарқатилган ҳамма ахборотлар ҳам тўғри бўлиб чиқавермайди. Чунки унда муаллифлик ҳуқуқи мавжуд эмас. Киши ўзи хоҳлаган хабарни тарқатиши мумкин.

Компютер ўйинларию интернет тармоғига ҳаддан ортиқ боғланиб қолишни мутахассислар касаллик, дея баҳолашмокда. Гарчи бунинг қай даражадаги руҳий хасталик эканлиги номаълум бўлса-да, лекин юқори технологияларсиз «яшай олмаётганлар» сони ўсиб бормокда. Америкада 2,5 минг киши ўртасида ўтказилган сўров натижаларига кўра, 70 % одам интернетсиз умуман яшай олмаслигини билдирган. Уларнинг 14 % бутунжаҳон тармоғисиз ҳаёт кечиришлари мушкул кечишини айтган, 12,3 % одам ўзини бу тармокда ишлашдан тийишга ўринаётганлигини маълум қилади. 8,7% киши эса интернетга бўлган қизиқишини дўстлари, ҳамкасблари ва оила аъзоларидан сир тутишга уринади.

Кўпчилик ёшларнинг ахборотга нисбатан эхтиёжи юқори. Ахборот олиш имкониятларининг юқорилиги боис интернет уларни ўзига кўпрқк жалб этмокда. Бироқ улар маълумотлар аҳамиятини ажрата олишмаяпти. Шу боис тажовузкор ўйинлар, ахлоқсизликни тарғиб қилувчи сайтлар билан банд бўлиб қолишяпти.

Афсуски, айрим ёлғон тарқатилган маълумотлар инсонларнинг мафкуравий онгига катта маънавий таъсир ўтказмокда. Бу маълум бир маънода глоббаллашув даврида инсон онгига ёт бўлган ғояларни сингдириш, уларни онгини заҳарлаш орқали бир томонлама фикрлайдиган бўлиб ўсишига хизмат қилмокда.

XXI аср техник юксалишлар асри бўлса-да, болага самимий туйғулар, гўзал нарсалар, ахлоқ меъёрлари ҳақида гапириш керак. Уларга ўзингизнинг иқтисодий муаммоларингиз, ижтимоий мавқеингиз нуқтаи назаридан эмас, энди дунёни англаб, унга нисбатан муайян муносабати шаклланаётган шахс сифатида эътибор бериш катта аҳамиятга молик.

Олимлар радио, камера, телевизор, самолёт, ракета каби бир қатор кашфиётларни амалга оширди. Бу кашфиётларни керакли пайтда назорат қилиб уни ўзи бошқаришни йўлга қўя олди. Компютер кашф қилиш оқибатида унинг бу дунёни қамраб олиши ва уни бошқариш қийинлиги бугун барча олимларнинг олдида турган муҳим долзарб муаммога айланди.

Статистик манбаларнинг кўрсатишича, ҳар бир 5 ёшли болада (10-17 ёшгача) интернетда ўрганиётган нарсалари оқибатида зўравонлик қилиш, одам ўлдириш ҳолатлари ва уларнинг порнографик расмлардан бемалол

[159] Рашидова Д., Муратова Н,. Интернет журналистикаси. Тошкент 2007 й. 9-б.

фойдаланиб, ҳаётда чидаб бўлмайдиган жиноятларга қўл уриши ўсиб бораётганлиги кузатилади. Бу эса жамиятда жуда катта муаммога айланмоқда.

Маълумотларга қараганда, болалар порнографияси даромад келтирувчи катта бизнес ҳисобланади. У билан шуғулланувчи алоҳида кишилар ҳам мавжуд. Ҳар йили бу бизнесга 3 млрд.дан ортиқ болалар қизиқиб қолмоқда. Интернетда 80-85% болаларнинг порнография расмлари тарқатилган. 40 дан ортиқ порнографик сайтлар мавжуд. Энг ачинарлиси болаларни порнографик расмларда чиқишидан уларнинг ота-онаси манфаатдор. Бола сотилгач, жонсиз бир буюмга айланади. Унинг ўзига тегишли бўлган ҳақ-ҳуқуқлари қолмайди. Уларда юрак ва қалб инсоний туйғулар сўниб боради. [160]

2008 йил “Ла Страда-Украина” ва халқаро Киев институти сосиологлари билан ҳамкорликда болалар порнографияси ҳақида анжуман ўтказилади. Анжуман тадқиқотларига қараганда Украина аҳолисининг 87 фоизи бунга қарши курашиш лозимлигини, 97,7 фоизи бундай сайтлар умуман йўқ қилинишини, 94,2 фоизи бунақа сайтладан фойдаланувчиларга жазо беришни маъқуллашади.[161]

Инсон табиатан шов-шувли нарсаларга қизиқувчан бўлади. Интернетда бундай хабарлар минг-минглаб мижозлар томонидан ўқилгани кўрсатилади. Айрим олинган хабарлари тўғрисида фикрларини ёзиб, тўғрироғи, уни шарҳлаб, қайта ишлаб чиқиш ҳолатлари ҳам кузатилади. Хабарни тарқатган одам шуни англайдики, бугун у юборган янгилик назардан четда қолмади. У оммавий аудиториясини кенгайтириш мақсадида яна кўпроқ миш-мишларга бой бўлган материалларни тайёрлайди. Ахборот мазмуни эса омманинг қизиқишига қараб тайёрланади. Унинг тўғри ёки нотўғрилиги эса ўз исботини талаб қилмайди.

Афсуски, интернет хабарлари орасида менталитетимизга тўғри келмайдиган, миллийлигимизга қарши бўлган мақолаларни ҳам йўқ дея олмаймиз. Айнан мана шундай пайтларда инсоннинг ягона унга қарши иммунитети бу унинг мустақил фикрга эга эканлиги ҳисобланади. Ўз фикри ва ғоясига эга инсон биринчи маълумотни ўзи баҳолайди. Кейин эса унга ўз муносабатини билдиради.

Айрим ҳолларда кўр-кўрона битта янгиликни ўқиб олиб, уни одамларга тарқатиш, ўзидаги саводхонлиги этмагандек, бошқаларни ҳам шунга жалб қиладиган дўстларимиз йўқ деб айта олмаймиз. Ҳар қандай тараққиёт маҳсулидан икки хил мақсадда – эзгулик ва ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкин. Бу бир-бирига қарши бўлган сўзлар ўртасида кураш мавжудлигини англатади. Буларни тўғри англашлик ва баҳолаш эса инсон онгига ва унинг маънавий бойлигига боғлиқ.

Замон воқеалигига очиқ кўз билан қараш, реал ва огоҳ туриш, жаҳонда ва қардош мамлакатларимиздаги мавжуд бўлган, тобора кучайиб бораётган

---

[160] Бабаева ЮМ., Войскунский А.Е. *Одаренный ребенок за компьютером*. М., 2003.

[161] ВойскунскийА Е. *Исследования Интернета в психологии.* // Интернет и российское общество. / Под ред. И. Семенова. М. 2002

маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқариб яшаш бугунги кун талаби ҳисобланади.

Глобаллашув жараёнида мафкуравий имунитетни шакллантириш, миллий анъана ва қадриятларимизнинг моҳиятини ёшлар онгига сингдириш борасида, ёшларни ҳар хил интернет клубларида вақтларини бекор ўтмаслиги учун, улар онги ва тафаккурини шакллантиришда кўпроқ турли соҳа мутахассислари, Ватан, меҳнат қаҳрамонлари кабилар билан учрашувлар, тарихий жойларга саёҳат ва семинар, тренинглар олиб бориш ҳар хил ахборот хуружларидан ҳимояланишига фойда беради.

Бундай воқеаларга бепарво бўлиб: “Четда бўлаяпти-ку, бизда тинч-ку” дейиш эртанги муаммонинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам берилган имкониятдан тўғри фойдаланиш фақатгина ўзимизга боғлиқ.

ШАХСНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ВА ИЖОДИЙ САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ САМАРАЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Юлдашева Нафисахон Қобиловна
АДУ Умумий психология кафедраси ўқитувчиси,

Шахснинг ижодий салоҳиятини ривожлантириш муаммоси энг муҳим, аммо айни пайтда энг мураккаб муаммолардан биридир. Унинг мураккаблиги ижодий қобилиятларнинг табиати ва намоён бўлишини белгилайдиган жуда кўп турли хил омилларнинг мавжудлиги билан боғлиқдир. Ушбу омилларни учта энг умумий гуруҳга бирлаштириш мумкин:

1) ижодий шахснинг шаклланишини белгилайдиган табиий мойилликлар ва индивидуал хусусиятлар;

2) ижодий қобилиятларнинг ривожланиши ва намоён бўлишига ижтимоий муҳит таъсирининг барча шакллари;

3) ижодий қобилиятлар ривожланишининг ўсиб бораётган шахс киритилган фаолиятнинг табиати ва тузилишига боғлиқлигидир.

Ижтимоий муҳитнинг ижобий омиллари қаторига қуйидагилар киради: бошқаларнинг хайрихоҳлиги, раҳбарият томонидан қўллаб-қувватлаш, яқинларнинг ёрдами ва тушуниши.

Ижодий шахснинг шаклланиши ва намоён бўлишининг тормозловчи омилларига қуйидагилар киради:

ёшлар ғояларига қарши бўлган ижодкорлик соҳасининг ҳурматли вакилларининг позитсияси;

ўз рақибларининг барча фазилатларини, шу жумладан янги ғояларни инкор этувчи рақиб мактаблар (гуруҳлар);

меъёрдан ташқарига чиқишни тақиқловчи маркалар, стандартлар; одамларнинг маълумотларга ҳаддан ташқари юкланиши; меҳнатни механизациялаш, бу уни такрорий, типик ҳаракатларга қисқартиради.

Педагогиканинг энг муҳим масалалари: "ҳар бир ўқувчига ижодкорликни қандай ўргатиш керак?", "ҳар бир болага хос бўлган ижодий салоҳиятни қандай ривожлантириш керак?". Назарий тадқиқотлар ва педагогик амалиёт шуни кўрсатадики, барча психофизик жиҳатдан соғлом одамларни ижодкорликка ўргатиш мумкин. И. Й. Лернер кўпинча заиф ўқувчилар ижодий фикрлашни ўрганишларини ва табиийки, бу туфайли ўзларининг илмий муваффақиятларини оширишларини тасдиқловчи ишончли далилларни келтиради. Аммо бунинг учун уларга илмий ва амалий ижод учун умумий бўлган ностандарт фикрлаш усулларини ўргатиш керак.

Талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган ўқув жараёни ўқувчиларнинг таълим ва ижодий фаолиятда янги фикрлаш усуллари ва тажрибасини ўзлаштиришини таъминлаши керак. Таълим жараёнида шаклланадиган ва талабанинг ностандарт тафаккурини ривожлантиришга қаратилган ўқув ва ижодий фаолият тажрибасининг асосий таркибий қисмлари қуйидагилардир:

1) билим ва кўникмаларни янги вазиятга ўтказишни мустақил амалга ошириш;

2) стандарт вазиятда янги муаммони очиш;

3) обектнинг яхлит тузилмасини ўрнатиш;

4) обектнинг янги функсиясини кўриш;

5) муаммони ҳал қилишда муқобил вариантларни ишлаб чиқиш ва кўриб чиқиш;

6) янги муаммони ҳал қилишда илгари маълум бўлган фаолият усулларини бирлаштириш ва ўзгартириш.

Педагогик тажриба шуни кўрсатадики, синфдаги ижодкорлик фақат индивидуал "ижодкор" ишлайдиган ўқитувчиларга хос бўлган ўзига хос нарса эмас, балки ўқитувчининг касбий фаолиятининг мажбурий таркибий қисми бўлиб, талабаларга билимларни бўлмаган ҳолда индивидуал равишда қўллашни ўргатиш учун мўлжалланган бўлади.

Ўқувчиларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантиришнинг муҳим йўналиши – қўйилган мақсадларга эришиш учун ҳаракатлар ва ишларни таҳлил қилиш, баҳолаш, фаолият усуллари ва услубларини ўзгартириш қобилиятини шакллантирадиган муаммоларни ҳал қилишни ўрганишдир.

Ўқув жараёнини синф-дарс ташкил этиш тизимида ижодкорлик ноанъанавий, ғайриоддий деб аталадиган дарслар орқали ривожлантирилади. Буларга ўқувчи ўз билимлари, кўникмаларини "ишлаб чиқаришда" иштирок этадиган, синфдошлари ва ўқитувчилари билан мулоқот қилиш усуллари киради. Бундай дарслар ўқув материалини ўзлаштиришнинг дастлабки ташкил этилишидан фойдаланган ҳолда ўтказилади: ўзаро ўрганиш дарси, эврика дарси, акс эттириш дарси, портрет дарси, панорама дарси, ўйин дарси ваҳоказо. Ташкил этилган тадбирларга ўхшаш дарслар талабалар ва ўқитувчиларнинг ижодий изланишларини фаоллаштиради: ауктсионлар, конферентсиялар, диссертатсия ҳимояси дарси, бағишланиш дарсларидир.

Ушбу дарслар ўқув фаолиятини биргаликда лойиҳалашни талаб қилади, бунда талаба ўқитувчи билан шерик сифатида ўзаро алоқада бўлади, ўқитувчи билан биргаликда билим олади. Бундай дарсларда “ақлий ҳужум” каби технологиялар самарали ишлайди.

Талабаларнинг ижодий қобилиятлари ва ностандарт тафаккурини ривожлантиришнинг зарур шарти муассасаларда қуйидаги тамойиллар асосида яратилган ривожланувчи, таълим муҳитини яратишдир:

- мослашиш, яъни, бир томондан, ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларига кўра максимал даражада мослаштирилган, иккинчи томондан, атроф-муҳитдаги ижтимоий ва маданий ўзгаришларга мослашувчан жавоб бера оладиган (мактаб учун бола эмас) мактабни яратиш (лекин бола учун мактаб!);

- ҳар бир ўқувчининг ўз қобилиятини тўлиқ рўёбга чиқариши учун шароит яратишни назарда тутувчи ривожланиш;

- ўқув жараёнининг барча стрессни яратувчи омилларини бартараф этишга, ижодий фаолиятни рағбатлантирадиган чексиз муҳитни яратишга қаратилган психологик қулайлик;

- мавҳум билим ва дунёга муносабатни эмас, балки атрофдаги муҳит ҳақидаги ўзига хос, онгли билимни талаб қиладиган оламга семантик муносабат;

- индикатив функтсия ва мактабда "катталар томонидан яратилган дунёни ўқувчига юкламаслик, балки унга дарҳол аниқ сезги дунёсини фикрлаш билан ўзгартиришга ёрдам беришни" талаб қиладиган билим (П. П. Блонский);

- нафақат ҳаракат қилишни, балки мақсадларни қўйиш ва вазифаларни белгилашни ҳам талаб қиладиган ўқув фаолияти, уларнинг эчими мақсадга эришишга олиб келади, уни амалга ошириш жараёнини назорат қилиш ва созлаш;

- болага илгари кўрилмаган ўқув ва дарсдан ташқари вазифаларнинг ечимини мустақил равишда топиш қобилияти ва эҳтиёжини ўргатишга қаратилган ижодий тамойил.

Ўқув ва ижодий фаолиятда тўпланган тажриба шахсга ҳаётий ва касбий муаммоларни ҳал қилишда, муваффақиятсизликлар ва хатоларни олдиндан билиш ва олдини олишга ёрдам беради, шу орқали ҳар қандай фаолият турининг самарадорлигини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Селевко Г.К. Замонавий таълим технологиялари: пед учун дарслик. малака ошириш учун университетлар ва институтлар. – М., 1998 йил
2. Алтшуллер Г.С., Злотин Б.Л., Зусман А.В., Филатов В.И. "Янги ғояларни излаш: тушунишдан технологияга. (Ихтирочи муаммоларни ҳал қилиш назарияси ва амалиёти)”. – Кишинёв: Картя Молдовениаске, 1989 йил.
3. Грановская П.М. Элементлар амалий психология... – ЛЕД. Ленинград давлат университети, 1984.

4. Леонтович А. Тарбиявий тадқиқотлар мактаб ўқувчиларининг намунали фаолияти педагогик технология... Халқ таълими. № 10. 1999-йил
5. Диана Ҳалперн. Танқидий фикрлаш психологияси. – 4-халқаро нашр. – СПб.: Питер, 2000. – 512 б.
6. Девид Кластер. Танқидий фикрлаш нима? // Интернет-журнал. Рус тили. – Нашриёт уйи"Биринчи сентябр". – № 29. - 2002.
7. В.А. Болотов, Спиро, Жоди. Танқидий фикрлаш – бу ўзгаришнинг калитидир. Рус мактаби... // Мактаб директори. 1995.
8. Лапина, Э. Маталина. Катта энциклопедик луғат... – Астрел, 2008-йил

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИ ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ғ.Н.Пирназаров,
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти доценти, Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD
С.О.Абдурайимов
1-босқич магистратура талабаси

Бугунги кунда фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шартларидан бири ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва уларда фаол фуқаролик пазицияни шакллантиришдир. Шунинг учун ҳам давлат сиёсати даражасида эътибор кўрсатилмоқди. Айниқса ёшларда ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларни ҳаётда яшаш кўникма ва малакаларини янада камол топтириш ва уларни рағбатлантириш масалалари сиёсатимизнинг алоҳида назаридаги масалалардандир. Бундан ташқари жаҳон миқёсида глобаллашув, рақобат ва ижтимоий-ҳуқуқий низоларнинг мутасиялашиб бориши оқибатида ўз ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда мажбуриятларини яхши билувчи, юксак ҳуқуқий маданият, фаол фуқаролик позисиясига эга, шунингдек ўз мажбуриятларига виждонан ёндашадиган мутахассислар тайёрлаш устувор вазифа сифатида илгари сурилмоқда. Ривожланган давлатлар олий таълим муассасаларида талаба-ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган эътибор ҳуқуқий-педагогик таълим ва маънавий-маърифий ишлар жараёнида замонавий технологиялардан самарали фойдаланишга жиддий эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислоҳотларнинг самараси ва кўлами аҳолининг айниқса ёшларнинг ҳуқуқий маданиятига боғликдир. Ушбу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”[1], 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-

сон “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”[2] фармонлари, 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”, 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 17 сентябрдаги 736-сон “Таълим тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ва 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [3] қарорларни қабул қилиниш мамлакат-имизда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш нечоғлик зарур эканлигин кўрсатади.

Маълумки, ҳуқуқий онг маълум соҳадаги қонун ҳужжатларини билиш, ҳуқуқий саводхонлик даражасини англатади. Ҳуқуқий маданият эса ушбу ҳуқуқий соҳадаги билимларга таянган ҳолда қонун-қоидаларга амал қилишдир. Бошқача айтганда, ҳуқуқий онгсиз ҳуқуқий маданиятга эришиб бўлмайди.

Мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқий тарбияси – стратегик масала эканлигидан келиб чиқиб, бугун мамлакатимиздаги узлуксиз таълим тизимида таълим–тарбия усулларини қайта кўриб чиқиш зарур. Фарзандларимизда мураккаб вазиятларда тўғри эчим, қарорлар қабул қила олиш кўникмаларини шакллантиришимиз керак. Ҳуқуқий тарбия миллий тарбиянинг энг муҳим ва ажралмас таркибий қисми бўлгани боис уни миллий тарбия билан бевосита алоқадорлика таҳлил ва талқин қилиш мантиқан тўғри бўлади. Миллий тарбия бўйича мутахассис профессор М.Қуроновнинг миллий тарбиянинг аҳамияти билан боғлиқ қуйидаги фикрлари эътиборга молик: “Дунёда рўй берган, юз бераётган ҳар бир нотинчлик, низо, бахтсиз воқеа, бузилган оила, синган тақдир тарихи “лента”сини орқага қайтарсак, тарбияга бориб тақалади. “Олдин пул, кейин маънавият” йўлини тутиш бўлиб чиқади.

Уларнинг бу хатоси “дунёда бой берилган авлод” – “Лост генератион” иборасини пайдо қилди. Бутун бошли оилалар моддий бойлик ортидан қувиб кетишди. Фарзандлар тарбиясини эса бегоналарнинг қўлига топшириб қўйишди. Тарбиядан (!) вақтларини тежаб, 10 пул фойда топишди ҳам. Бугун эса... жонсарак бўлиб, болаларини қайта тарбиялашга 1000 пул сарфлашмоқда. Лекин самара 10 пуллик бўлаётир. Чунки вақт бой берилган. Мана, сизга “олдин моддий ҳаёт, кейин маънавият” деб яшашнинг аянчли оқибати. “Бой берилган авлод” муаммосининг педагогик маҳсули” [4]. Афсуски, бундай вазият республикамизда ҳам этарли даражада учраши аччиқ ҳақиқат. Айрим ота-оналар ўзларининг ҳуқуқий ниглизими билан фарзандларига ибрат бўлишаётгани ҳам таассуфки ҳақиқат.

Ёшларда ҳуқуқий онг ва маданиятни оширишнинг муҳим, бирламчи омили бу – таълим ҳисобланади. Бугунги кунда олий таълим муассасалари талаба-ёшларининг ҳуқуқий маданиятини оширишда маънавий-маърифий

ишларнинг янги, замонавий таъсирчан технологияларини ишлаб чиқиш, модернизасиялаштириш ва такомиллаштириш механизмларини илмий-назарий тадқиқ этишни талаб қилмоқда.

Талаба-ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида хориж тажрибасида “кўча ҳуқуқи” (инг. стреет law) деб номланувчи ижтимоий-педагогик технологияга эътибор қаратайлик. Мазкур атама келиб чиқишига кўра, америка таъбири билан “то бе стреет смарт” (айнан таржимаси “кўчада ақлли бўлмоқ”), яъни бунда идеал - амалий компетенсияларга эга бўлган йигит-қиз, ёки “китобий” билимларга эмас, ҳаётий тажрибага эга бўлишга асосланади. Мазкур технология ҳаётий билим, кўникма ва малакаларни замонавий интерактив педагогик технологиялардан фойдаланиб, амалиётга татбиқ этишни ўргатади.

Илк “Юридик клиника” XIX асрнинг ўрталарида педагог-профессор Д.И.Маер томонидан Қозон университетида ташкил қилинган. Клиникада юридик факультет талабаларига билимларни осон ўргатиш учун тиббий тайёргарликни ўргатиш андоза қилиб олинган. “Менинг назаримда, деб ёзади Маер, клиника бу бор билимларни амалиётда қўллашни айнан ўзидир” [5]. Германияда 1881 йилда профессор Фроммгелъд олий юридик таълим муассасаларида клиникани ташкил этишни таклиф қилган, у эрда талабалар профессор-ўқитувчилар томонидан ўйлаб топилган казусларни эмас, балки ҳақиқий, ҳали эчимини топмаган ҳаётий масалаларни кўриб чиқишган.

“Волонтёр” французча “волонтаире” сўзидан олинган бўлиб, туб моҳияти лотин тилида, яъни “волонтариус” сўзидан “ўз ҳохишига кўра, ҳоҳловчи маъноларини беради [6]. Волонтёр – бу ўз ихтиёрига кўра бирор ишга киришувчи шахсдир. Фуқаролик жамиятини қуришда волонтёрликни шакллантириш, нодавлат ва нотижорат ташкилотлар мавқеини оширишга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, Олий таълим муассасаларида талаба-ёшлар ҳуқуқий маданиятини оширишда маънавий-маърифий ишларнинг ролини ошириш, масала юзасидан мақсадли ва манзилли маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича тўпланган тажрибани умумлаштириш, бу борада давлат ва жамоатчилик ташкилотлари ҳамкорлиги ҳолатини ўрганиш ва уни такомиллаштириш йўллари, усул ва шаклларини аниқлаш, ўрганилган манбалар, тўпланган тажрибалар ва мавжуд камчиликларни таҳлил қилиб, самарадорлигини ошириш бўйича илмий хулосалар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиб олий таълим муассасаларида талаба-ёшларда ҳуқуқий маданиятни оширишга таъсир қилувчи тадбирлар таснифини ишлаб чиқиш, талаба-ёшларнинг ҳуқуқий маданияти мезонларини ишлаб чиқиш, ёшларда ҳуқуқий маданиятни оширишда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини таъминлашнинг янги педагогик технологияларини амалиётга жорий қилинса мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 07.02.2017 й. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон,70-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сонли фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2019 й., 06/19/5618/2452-сон)
3. Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон қарори.
4. Қуронов М. Болам бахтли бўлсин, десангиз...: ота-оналар учун. – Т.: “Маънавият”, 2013. – 318 б.
5. Бодренкова Г.П Системное развитие добровольчества в России: от теории к практике учебно-методическое пособие. – М.: АНО «СПО СОТИС». – 2013. – 320 с.

МАЪНАВИЙ ТАҲДИД КАТЕГОРИЯСИ

И.Н. Исламов,
тарих фанлари доктори, доцент

Бугунги кунга келиб инсонлар руҳиятига таъсир ўтказиш орқали диний ва миллий қадриятларга путур етказувчи, миллатларнинг турмуш тарзини издан чиқарувчи ва умуман жамият ҳаётига салбий таъсир кўрсатувчи маънавий таҳдидлар кучайиб бормоқда.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов «Ўз-ўзидан равшанки, бугунги замон воқеликка очиқ кўз билан, реал ва ҳушёр қарашни, жаҳонда ва ён атрофимизда мавжуд бўлган, тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқариб яшашни талаб этмоқда», – деб таъкидлаган эди [1].

«Маънавий таҳдид»ларнинг кучайиб бориши маънавий хавфсизлик соҳасини юзага чиқарди. Шунингдек, ҳозирги вақтда миллий хавфсизликнинг асосий соҳаларидан бири сифатида ва унинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда.

Маънавий хавфсизликни таъминлаш учун глобаллашув жараёнлари натижасида авж олаётган «маънавий таҳдид»лар категориясининг мазмун ва моҳиятини аниқлаш лозим. Мазкур тушунчанинг мазмун ва моҳиятини ёритишга нисбатан турлича ёндашувлар бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос жиҳатларга эга.

Миллий-маънавиятимизга қарши қаратилган таҳдидлар ўз тарихига эга бўлиб, уларнинг шаклланиш босқичларини профессор С.Отамуродов қуйидаги олти даврга ажратган:

- ислом динининг Ўрта Осиёга кириб келишигача бўлган давр;
- арабларнинг Ўрта Осиёни босиб олиши ва ислом динининг Ўрта Осиёда амал қила бошлаган даври;
- мўғулларнинг Ўрта Осиёни босиб олиши билан боғлиқ бўлган давр;
- чоризмнинг Ўрта Осиёга кириб келиши билан боғлиқ давр;
- болшевикларнинг Россия давлат тепасига келиши ва шўро ҳукмронлигининг қарор топиши билан боғлиқ бўлган давр;
- глобаллашув жараёнининг авж олиши билан боғлиқ ҳозирги давр [2].

Қайд этилган ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусиятлари, уларда ҳукмронлигини «абадийлаштириш» учун халқнинг онги, қалби, дунёқарашини эгаллаш ва шу орқали ўз маънавияти ҳукмронлигини таъминлашга киришилганлигини олим мисоллар орқали ёритиб берган.

Фалсафа фанлари доктори Р.С.Самаров маънавий соҳадаги таҳдидлар қаторига қуйидагиларни киритган:

- инсоннинг барқарор ижтимоий ҳаётига зид бўлган, унинг турли соҳаларга қаратилган ахборот таҳдидлари, ахборотни манипулиясиялаш (ёлғон хабар тарқатиш, маълумотни яшириш, ўзгартириш, мақсадсиз йўналтириш ва бошқалар);
- одамларнинг фаолият мотивига, фаоллиги, ижтимоий йўналтирилганлигига салбий таъсир кўрсатиш мақсадида олиб борилаётган ҳаракатлар;
- мафкуравий, маданий, маънавий ва иқтисодий экспансиялар [3].

Мазкур ёндашувда маънавий таҳдиднинг умумий жиҳатларига эътибор қаратилган, иқтисодий экспансиялар ҳам маънавий таҳдидлар сифатида келтирилган.

Фалсафа фанлари номзоди Ш.Тўраев маънавий таҳдидларнинг кўринишлари сифатида эътиқодни бузиш, мутаассиблик, ҳурфикрлиликни бўғиш, инквизисия, халқларни камситиш, муайян маданият шаклини мутлақ деб билиш, эркин фикрни чеклаш, репрессия ва шу кабиларни белгилаган [4].

Фикримизча, ушбу ёндашувдаги инквизисия ва репрессия тушунчаларига маънавий таҳдидларнинг тарихий кўринишлари сифатида қараш мақсадга мувофиқдир.

Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори А.Эшмуродов ҳозирги кунда глобаллашув жараёни таъсирида миллий маънавиятимизга қарши қаратилган мамлакатимиздаги ички таҳдидларга бозор иқтисодиётининг ўтиш даври муаммолари, фуқароларнинг ўзгаларга қарамлик ҳолатига тушиб қолиши, ишсизлик ва ноқонуний миграсия, қонун устуворлигининг этарли даражада таъминланмаганлиги кабиларни киритган. Шунингдек олим, ташқи таҳдидлар сифатида «Эркинлик ва демократияни олға силжитиш» ҳаракатлари, космополитизм, ахборот ва мафкуравий хуружлар, наркобизнес ва ОИТС,

диний экстремизм ва халқаро терроризм, одам савдоси ва қурол савдоси каби омилларни кўрсатган [5].

С.Минаваров эса маънавий соҳадаги замонавий таҳдидлар сифатида халқаро терроризм, диний экстремизм, фундаментализм ва наркобизнес ҳодисаларини белгилаган [6].

Кейинги йилларда чоп этилган қатор илмий тадқиқотларда халқаро терроризм, сепаратизм, коррупсия, ОИТС касаллиги, порахўрлик, иқтисодий жиноятлар, иқтисодий экспансиялар, наркобизнес, рангли инқилоблар, одам ва қурол савдоси каби таҳдидларга маънавий таҳдидлар сифатида қаралмоқда. Фикримизча, маънавий таҳдидларни белгилашда кўплаб ижтимоий, сиёсий ёки иқтисодий масалаларни таҳдид сифатида киритилиши маънавий таҳдидлар объектининг кенгайишига ва унинг чегарасини эмирилишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида маънавий таҳдидларни мониторинг қилиш, таҳдидлар даражасини аниқлаш ва уларга қарши кураш самарадорлигини пасайтиради.

Айтиш жоизки, маънавий таҳдидлардан бири сифатида кўрилаётган ва ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бўлган терроризм ва сепаратизм ўз мақсади ва намоён бўлишига кўра маънавий таҳдидлардан фарқ қилади. Агар, терроризм, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида жавобгарлик назарда тутилган зўрлик, зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёки бошқа жиноий қилмишларни назарда тутса [7], сепаратизм бирор кичик худуд ёки маъмурий бирликнинг асосий давлат таркибидан ажралиб, мустақил субъект сифатида чиқиши ёхуд автоном мақомини қўлга киритишга қаратилган хатти ҳаракатлардир.

Ёки айрим илмий манбаларда маънавий таҳдид сифатида ОИТС касаллиги ҳам келтирилмоқда. Ушбу касаллик бевосита шахс ёки жамиятнинг маънавий соҳадаги манфаатларига бевосита таъсир кўрсатишга қаратилмаганлигини таъкидлаш ўринлидир. ОИТС – Орттирилган Иммунитет Танқислиги Синдроми касаллиги асосан одамнинг иммунитет (ҳимоя) тизимига таъсир қилади.

Фикримизча, мазкур таҳдидларнинг таъсир этиш объекти ва мақсади бошқа бўлиб, уларнинг асосий қисми миллий хавфсизликнинг бошқа соҳаларига, хусусан сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий соҳага бевосита таъсир кўрсатадиган таҳдидлардир. Айнан, инсоният ва жамият маънавий оламини тўғридан тўғри издан чиқаришга йўналтирилмаган.

Хорижлик олимларнинг «маънавий таҳдид» тушунчасига ёндашувлари

Маънавий таҳдидлар борасидаги хорижлик олимлар Н.А.Федоряк, Э.А.Бокша, П.И.Чижик, А.А.Возмител ва А.И.Хвиля-Олинтерлар томонидан маънавий таҳдидларга берилган таърифларда қуйидаги ёндашувларни кузатиш мумкин.

Сосиолог Н.А.Федоряк ҳозирги вақтда Россиянинг маънавий хавфсизлигига йўналтирилган асосий таҳдидлар сифатида қуйидагиларни киритган:

- ижтимоий-маданий парчаланиш ва авлодлар ўртасидаги муносабатларнинг инқирози;
- барбод бўлган коммунистик мафкурадан сўнг пайдо бўлган мафкуравий бўшлиқ;
- демографик инқироз;
- онг ва феъл-атворнинг криминаллашиб бориши;
- «оммавий маданият»нинг кучайиши ва унинг вестернизасиялашуви;
- аҳолининг ижтимоий қатламларга ажралиши ва ижтимоий табақаланишнинг ўсиши;
- аҳоли ижтимоий аҳволининг пасайиши ва бошқалар [8].

Мазкур ёндашувнинг ўзига хос жиҳатларидан бири ижтимоий масалалардаги муаммоларни ҳам жумладан, аҳолининг ижтимоий қатламларга ажралиши ва ижтимоий табақаланишнинг ўсиши, ижтимоий аҳволнинг пасайиши ва демографик инқирозлар ҳам маънавий таҳдидлар сифатида қаралади. Шунингдек, тадқиқотчилар А.А.Возмител ва А.И.Хвиля-Олинтерлар диний эътиқодга таъсир этувчи омиллар билан бирга демографик муаммоларни маънавий таҳдидлар сифатида таҳлил қилганлар [9]. Бу эса рус тилидаги «духовност» тушунчаси ўзбек тилидаги «маънавият» тушунчасидан мазмунан фарқ қилишини жумладан, ўзбек ва рус тилларидаги маънавий таҳдид тушунчаларининг ҳам ўзаро фарқларини кўрсатади.

Файласуф Э.А.Бокша маънавий таҳдидлар сифатида оилалар турмуш тарзига йўналтирилган бузғунчи характердаги, маънавий қарама-қаршиликларни келтириб чиқарувчи омилларга эътибор қаратган [10]. Жумладан, у қуйидагиларни ҳозирда Россия оилаларининг ҳаётига қарши қаратилган маънавий таҳдидлар сифатида баҳолаган:

- радикал феминизм мафкураси;
- гей-маданияти ғоясининг тарқалиши (оммалашуви);
- шаҳватпарастликнинг (эротизм) тарғиботи;
- оилада эгоистик (худбинлик) кайфиятнинг кучайиши;
- бозор идеалларининг маънавий асосларга салбий таъсири.

Фалсафа фанлари доктори П.И.Чижикнинг фикрича, маънавий таҳдид – бу ижтимоий борлиқдаги бузғунчи хусусиятларга эга ички ва ташқи жараёнлар, ҳодиса ва шарт-шароитлар ҳисобланади. Улар жамиятнинг маънавияти ва унинг субъектларига салбий таъсир кўрсатади, ижтимоий ҳаётнинг ўзгарувчи шарт-шароитларига мослашиш учун фуқароларни қўшимча меҳнат сарф қилишга мажбур қилади [11].

Ушбу тадқиқотчилар маънавий таҳдидларни белгилашда ўз давлатидаги мавжуд муаммоларни ҳисобга олган ҳолда ёндашган, жумладан, ижтимоий-маданий парчаланиш, демографик инқироз, аҳоли ижтимоий табақаланишининг ўсиши кабиларни маънавий таҳдидлар сифатида тадқиқ қилинганлигини кузатиш мумкин.

Юқоридаги таҳлилардан кўриниб турибдики, маънавий таҳдидлар кенг қамровли бўлиб, унга турлича ёндашувлар мавжуд. Мазкур тушунчанинг

мураккаб табиати, тадқиқотчиларнинг фикрича, «дунё ягона, бироқ воқеликлар турфа хил» [12]. тезисига тўғри келади. Воқеликни идрок қилиш жараёни эса бошқа соҳалар каби маънавий таҳдиднинг мураккаб табиатини белгилаб бермоқда.

Таҳдид билан боғлиқ тушунчалар моҳиятини англаш аввало хавфсизлик назариясидаги «хавф» ва «таҳдид» тушунчаларининг фарқли томонларига эътибор қаратишни тақозо этади.

Биринчидан, хавф – бу маълум бир зарар етказиш, яъни хавфсизлик объекти структураси ёки бошқа хусусиятларини ўзгартириш орқали унинг чидамлилик ва рақобатбардошлилик салоҳиятини камайтириш эҳтимолидир [13].

Булардан ташқари, хавф бирор-бир сиёсат субъектининг имкониятлари бўлиши мумкин, лекин у ҳали ўз мақсадлари йўлида куч ишлатишга ёки қўрқинч солишга тайёр бўлмаган ҳолат ҳисобланади. Таҳдид эса зарар келтиришга тайёрлик даражаси билан хавфдан фарқ қилади. Таҳдид – бу бирор-бир субъектнинг бошқа бир аниқ объектга ўз мақсадларига эришиш учун куч ишлатишга тайёрлиги, қарама-қаршилик кучайишининг энг охирги босқичи (даври) ҳисобланади.

Иккинчидан, таҳдид доимо маълум бир манзилга йўналтирилганлиги, унинг субъекти (таҳдид манбаси) ва объектининг мавжудлиги, субъект фаолиятини объектга йўналтирилганлиги билан намоён бўлади. Хавф тахминий характердалиги билан таҳдиддан фарқланиб, унинг субъекти ва объектини аниқ кўрсатиб (ифодалаб) бўлмайди.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, «маънавий таҳдид» тушунчасини таърифлашда унинг қуйидаги ўзига хос хусусиятларига эътибор қаратиш лозим:

Биринчидан, маънавий таҳдид инсонларнинг руҳиятига турли йўллар билан таъсир кўрсатиб, уни издан чиқаради, турмуш тарзини, урф-одатларини, эътиқодини ўзгаришига сабаб бўлади. Шунингдек, кишилар онгида ёт ғояларнинг, ўзга маданият ёки эътиқоднинг шаклланишига олиб келади.

Иккинчидан, моддий ва маънавий мероснинг йўқ бўлиб кетиши ҳамда маънавий қадриятларнинг қадрсизланиши оқибатида жамиятнинг маънавий-ахлоқий илдизларига путур этказилади.

Учинчидан, кишилар онгида ёт ғоялар, бошқа бир маданиятнинг шаклланиши, маънавий қадрият ҳисобланган диний бағрикенглик ғояларига нисбатан эътиборсизлик давлатда турли кўринишдаги миллатлараро ва конфессиялараро беқарорликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Миллий хавфсизликнинг объектлари ва маънавий таҳдидларнинг ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда, маънавий таҳдид тушунчасини қуйидагича таърифлаш мақсадга мувофиқдир.

Маънавий таҳдид – бу инсонларнинг руҳий дунёсига таъсир кўрсатиб, уни издан чиқаришга, жамиятнинг маънавий-ахлоқий илдизларга путур етказишга, давлатда миллатлараро ва конфессиялараро конфликтларнинг пайдо бўлишига олиб келувчи омиллардир.

Ушбу таърифда хавфсизликнинг объектлари бўлган шахс, жамият ва давлат ўз аксини топган. Маънавий таҳдидлар айнан шахс, жамият ва давлатнинг маънавий соҳадаги манфаатларига қаратилган бўлади.

Хулоса. Глобаллашув жараёнлари таъсирида миллий хавфсизликка қаратилган таҳдидлар, жумладан маънавий таҳдидлар кучайиб боради. Шу сабабли, маънавий таҳдидларни аниқлашда маънавий соҳадаги манфаатларни шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларига ажратган ҳолда таснифлаш мақсадга мувофиқ.

Маънавий хавфсизликни таъминлашни самарали ташкил қилиш, шу жумладан, мазкур соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш учун асос бўладиган Ўзбекистон Республикасининг Маънавий хавфсизлик концепциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурати мавжуд. Шунингдек, маънавий хавфсизликни таъминлашга қаратилган қонунчиликда ва ушбу соҳага оид меъёрий ҳужжатлар ҳамда давлат дастурларини ишлаб чиқишда уларнинг мазмунидан келиб чиқиб, «маънавий хавфсизлик», «маънавий соҳадаги манфаатлар» ва «маънавий таҳдид» атамаларини ишлатиш лозим. Негаки, илмий манбалардан фарқли ўлароқ, мазкур тушунчалар ҳозиргача расмий манбаларда алоҳида кўриб чиқилмаган.

Янги таҳрирда тайёрланаётган Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик концепциясида ҳам маънавий соҳага қаратилган асосий хавф ва таҳдидларни белгилаш муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т: «Маънавият», 2008. – Б. 56.
2. Отамуратов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик. Т.: «Ўзбекистон», 2013. – Б. 218-219.
3. Самаров Р. Хавфсизликнинг методологик асослари. – Т.: «Академия», 2010. – Б 38-39.
4. Тўраев Ш. Маънавий таҳдид (ёндашувлар ва таҳлиллар) // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – Тошкент, 2010. – № 2. – Б. 147-149.
5. Эшмурадов А.Т. Жамиятда маънавий хавфсизликни таъминлашни такомиллаштириш технологиялари: Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертасия автореферати. – Тошкент, 2020. – Б. 14.
6. Минаваров С. Маънавий соҳадаги замонавий таҳдидлар // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2009. – № 3. – Б. 46.
7. Терроризмга қарши кураш тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2000 йил 15 декабр. № 167-ИИ. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси. 2001 й. 1-2 сон.
8. Федоряк Н.А. Молодеж в системе обеспечения духовной безопасности Российского общества: основные угрозы и стратегии их преодоления: Автореф. дис. ... канд.. сосиологических наук. – Ростов-на-Дону, 2009–С.10.

9. Духовная безопасност России (актуалные теоретико-методологические и практические проблемы духовной безопасности): Научно-методическое пособие / архиепископ Иоанн (Попов), Возмител А.А., Хвыля-Олинтер А.И. – М., 2005. – 109 с.
10. Бокша Э.А. Духовные угрозы функсионированию семи в современном Российском обществе (сосиально-философский анализ): Автореф. дис. ... канд.. философских наук. – Москва, 2008. – С.9.
11. Чижик П.И. Духовная безопасност российского общества как фактор военной безопасности государства: Автореф. дис. ... докт. философских наук. – М., ВУ., 2000. – С.18.
12. Бобокулов И.И., Умаров Х.П. Хавфсизлик асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: ЖИДУ, 2011. – Б.37.

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ҚУРИШНИНГ ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ

Мажидов Омонтош Исомиддинович,
Ўзбекистон Миллий Университети тадқиқотчиси

Ўзбекистон жамияти истиқлолга эришганидан сўнг бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини шакллантиришни асосий масала қилиб олади. Шу жиҳатдан мамлакатимизда жамият аъзоларининг муносиб ҳаёт кечириши, ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаши, миллий қадрият ва моддий-маънавий меросни қайта тиклаши борасида тизимли, бочсқичма-босқич ислоҳотлар йўли танлаб олинди. Бу жараёнда асосий омил қилиб – инсон, унинг қадри, манфаатлари устуворлик касб этди. Хусусан, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий мезонларидан бири, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикасининг Конститусиясида фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий пойдеворини яратишга, унинг асосий талаб ва қоидаларини ишлаб чиқиш ҳамда қонуний асосда фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий нормаларини мустаҳкамлаб боришга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, мустақиллик даврида фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича Конституциямизда қайд этилган асосий принциплар ва нормалар асосида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, демократик бозор

ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш бўйича тадрижий ислоҳотлар амалга оширилди[162].

Айни пайтда бу мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида рўй бераётган янгиланиш ва ўзгаришларнинг муқаррар тарзда одамларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти ва фаоллиги юксалиб бориши, фуқаролик институтлари нуфузи ва мавқеининг ошиши, уларга кўпроқ ҳуқуқлар берилиши жараёни билан узвий боҳлиқ эканини англатади[163].

Ҳозирги вақтда юртимизда ривожланган демократик давлат ва инсон ҳақ-ҳуқуқлари устувор бўлган фуқаролик жамиятини барпо этиш билан боғлиқ сиёсий фаолият ва ислоҳотлар жадал олиб борилмоқда.

Ижтимоий соҳа олимлари, “Фуқаролик жамияти – очиқ ижтимоий тузилма. Унда сўз эркинлиги, шу жумладан, танқид қилиш эркинлиги, ошкоралик, ҳар хил ахборотлар олиш эркинлиги, ҳар бир ҳудудга эркин кириш ва чиқиш ҳуқуқи, бошқа мамлакатлар билан кенг миқёсда, доимий асосда ахборот, таълим технологиялари алмашинуви, чет давлатлар ва жамоат ташкилотлари билан маданий ва илмий ҳамкорлик, халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларига мувофиқ халқаро хорижий бирлашмалар фаолиятига кўмаклашиш таъминланади. У умумий инсонпарварлик тамойилларига содиқ бўлиб, дунё миқёсидаги шундай тузилмалар билан ўзаро алоқа қилиш учун очиқдир”[164], дейишади.

Фуқаролик жамияти ҳақида фикр юритганда бир қанча олимларнинг мазкур йўналишдаги қизиқарли фикрлари эътиборни тортади. Масалан, россиялик олим Н.И.Матузов фикрича, «фуқаролик жамияти» тушунчаси шартлидир. Чунки «фуқаросиз» ёки «фуқароликка қарши» жамият бўлиши мумкинми? Ҳар қандай жамият фуқаролардан ташкил топади ва уларсиз жамиятни тасаввур этиб бўлмайди. Фақатгина, давлатчиликкача бўлган жамиятларни фуқаролик дея айтиш мумкин эмас. Чунки, аввало, уларнинг кам ривожланганлиги, фуқаролик даражасига этиб келмаганлиги; ккинчидан, уларда «фуқаролик», «фуқаролик жамияти» тушунчаларининг ўзи мавжуд бўлмаганлигидир. Фуқаролик жамияти – ижтимоий жамиятнинг ривожланган кўринишини, инсонларнинг этуклиги, ақл-заковати, одиллиги, инсонпарварлиги ва, умуман, тараққиётнинг энг юқори босқичи ҳисобланади. Фуқаролик жамияти инсон ва унинг эркинлиги билан бошланади.

Фуқаролик жамияти тузилмалари “юқоридан” туриб эмас, балки “қуйидан” туриб, фуқароларнинг ташаббуси, қизиқишлари ва мойилликларига мувофиқ тузилади. Уларнинг эркинлиги давлат тузилмаларига қарам эмасликда, ички қоидалар билан назарда тутилган вазифаларни ҳал қилишга қаратилган ўзини ўзи бошқариш фаолиятида намоён бўлади.

---

[162] “Фуқаролик жамияти”. Ўқув-услубий мажмуа. Муаллифлар: В.Қўчқоров, И.Дилмурадов, Ш. Шоисломов. –Т.: ЎзДЖТУ, 2019. –Б. 59.

[163] Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Т.: “O’zbekiston” нашриёти, 2021. –Б. 81.

[164] “Фуқаролик жамияти”. Ўқув-услубий мажмуа. Муаллифлар: В.Қўчқоров, И.Дилмурадов, Ш.Шоисломов. –Т.: ЎзДЖТУ, 2019. –Б. 55.

И.Н.Матузов фикрича, фуқаролик жамияти фуқаролар, уларнинг бирлашмалари ва мулкдорлар синфи манфаатларини, хоҳиш ва истакларини ўзида акс эттирган давлат ва сиёсатдан ташқи (иқтисодий, ижтимоий, маданий, маърифий, маънавий, оилавий, диний) муносабатлар мажмуидир[165].

Ўзбекистон давлат ва жамиятнинг барча соҳаларини тубдан ислоҳ қилиш босқичини бошидан кечираётган мамлакат сифатида фуқароларнинг қарорлар қабул қилиш жараёнидаги иштирокини кенгайтириш, сиёсий институтларни демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш ғояларига содиқдир. Сўнгги йилларда бу йўналишда кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш механизмлари мақсадга мувофиқ равишда такомиллаштирилмоқда, кафолатлари мустаҳкамланмоқда[166].

Охирги йилларда жамиятимизда эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш, инсон ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини, демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, аҳолининг сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онгини оширишга муносиб ҳисса қўшган жамоат ташкилотлари вакилларини рағбатлантириш мақсадида “Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” кўкрак нишони таъсис этилди ҳамда соҳанинг 126 нафар фаоллари ушбу юксак мукофот билан тақдирланди[167].

Янги Ўзбекистон шароитида фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислоҳотлар жамият ижтимоий-сиёсий жараёнлари модернизасиялашуви билан ҳамоҳанг равишда кечмоқда. Агар сўнгги йиллардаги мамлакатимизда фуқаролик жамияти асосларини такомиллаштириш борасидаги ҳуқуқий ҳужжатларга назар ташласак. Уларни том маънода эркин жамият, эркин фуқаро фаолияти механизми билан уйғунлашиб кетганлиги, мазкур жараён билан боғлиқ айрим муаммолар ўз аксини топгпнлигини кўришимиз мумкин. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги[168] Фармони кучга кириб, унга кўра, хусусан, давлатнинг фуқаролик жамияти билан самарали ва конструктив мулоқот механизмлари йўлга қўйилмаганлиги, этарли қонунчилик базаси яратилганлигига қарамай, ижтимоий шериклик давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида фуқароларнинг кенг кўламли ижтимоий муаммоларини ҳал қилишга, уларнинг, айниқса, ёшларнинг ташаббуслари ва

---

[165] Ш.Якубов. Давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмлари / Монография. – Т.: «LESSON PRESS» нашриёти, 2018.–Б. 9-10.

[166] Халқаро мунозара клубининг навбатдаги сессияси демократлаштириш, фаол фуқаролик жамияти ва инсон ҳуқуқлари устуворлигига қаратилди. Электрон манба: https://yumh.uz/uzc/news_detail/438.

[167] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5430-сонли Фармони. Манба: https://lex.uz/docs/3721649.

[168] Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 04.05.2018 йилдаги ПФ-5430-сон. Манба: https://lex.uz/docs/3721649.

замонавий ғояларини ҳақиқатда илгари суришга қаратилган ҳамкорликнинг самарали механизмига айлана олмаганлиги таъкидланган[169]. Мазкур муаммоларни тизимли бартараб этишда фуқаролик жамияти институтларининг замонавий ислоҳотлар билан уйғунликда фаолиятни йўлга қўйиш ва кенгайтириш заруратга айланиб бормоқда.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан тасдиқланган "2021 – 2025 йилларда Фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолияти ва кафолатларинии кучайтиришга муҳим меъёрий асос бўлмоқда. *Мазкур* Концепциянинг устувор йўналишлари этиб, фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини изчил такомиллаштириш; фуқаролик жамияти институтларига кўмак бериш ҳамда уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмини янада такомиллаштириш; давлат ва жамият бошқарувида фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш; давлат ижтимоий лойиҳаларини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини янада кенгайтириш ҳамда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш белгилаб қўйилади[170].

Хорижлик экспертларнинг фикрича, фуқаролик жамияти иштирокида янги қонунлар лойиҳаларини пухта ишлаб чиқишнинг амарали механизми Ўзбекистонда одамларнинг фуқаролик фаоллиги ортиб бораётгани, уларнинг онгида жамиятимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси шаклланаётганидан ёрқин далолат беради[171].

Демак, бугунги кунда эркин фаолият олиб бораётган фуқаролик жамияти институтлари том маънода эркин фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишда давлат органлари билан ўзаро келишув-ижтимоий ҳамкорлик линияларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилиши ҳам сиёсий жараёнларнинг бир маромда кечишини таъминлайди.

---

[169] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги "Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПФ-5430-сонли Фармони. Манба: https://lex.uz/docs/3721649.

[170] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 мартдаги "2021 – 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-6181-сон Фармони. Манба: https://lex.uz/docs/5319756.

[171] Фуқаролик жамияти асослари: ўқув қўлланма/ А.Жалилов, У.Муҳаммадиев, Қ.Жўраев ва бошқ. –Т.: 2015, 264 б. –Б. 165.

ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ КОНЦЕПЦИЯСИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

И.Атамирзаев,
НамДУ Юридик факултети декан ўринбосари
М.Абдусатторов,
Юридик факултети 2-босқич талабаси

Ҳуқуқий онг ва маданият жамият ҳуқуқий тизимининг зарурий таркибий қисмидир. Ҳуқуқий тизимнинг самарали ҳаракати юксак ҳуқуқий онг ва маданиятга таянади. «Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир. Юксак ҳуқуқий маданият – демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг этуклик кўрсаткичидир» [1].

Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масаласи ҳуқуқий демократик давлатда доимо устувор вазифа ҳисобланади. Ҳуқуқий маданият жамиятдаги турли хил ҳаётий жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи, фуқароларнинг, барча ижтимоий гуруҳларнинг жипслашувига кўмаклашувчи, жамиятнинг яхлитлиги ҳамда батартиблигини таъминловчи ва мустаҳкамловчи омилдир.

Маълумки, мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгач, ўз олдига демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишни асосий мақсад қилиб қўйди. Бунга эришиш учун, аввало, жамият аъзоларнинг сиёсий фаоллигини ошириш тақозо қилинади, иккинчидан, «аҳолига чуқур ҳуқуқий билимлар беришни йўлга қўйиш, бу орқали ҳуқуқий маданиятни оширишга эришиш, …том маънодаги ҳуқуқий онгни шакллантириш талаб этилади.

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириб бориш ҳуқуқий давлатчиликни қарор топтиришнинг, мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Конституциямизнинг 26 йиллигига бағишланган маърузасида таъкидлаганидек; “Биз жамиятимизда ҳуқуқий маданиятни лозим даражада шакллантирмас эканмиз, ҳуқуқбузарликка чек қўймас эканмиз, қонунни бузиш ҳолатлари давом этаверади. Қонунларга ҳурмат одамларимизнинг ҳуқуқий онги ва маданияти асосида шаклланади. Яъни, айрим кишилар жазодан кўрқиб қонунга итоат этса, бошқалар болаликда олган тарбиясига кўра қонунни ҳурмат қилади. Шу боис биринчи навбатда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ҳуқуқий тарбияни кенг йўлга қўйишимиз лозим”.

Мамлакатимиз раҳбари мазкур мавзуни Президентнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам давом эттирди. У ижтимоий ривожланиш соҳасидаги улкан инсонпарварлик ва бунёдкорлик вазифаларини белгилар экан,

олдимизга қўйган улкан вазифаларни амалга оширишда биз учун куч-қувват манбаи бўладиган миллий ғояни ривожлантиришимиз зарур, деб алоҳида эътироф этди. Миллий ғояни омма онгига сингдириш, маънавий тарбияни кучайтириш, албатта, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришни ҳам назарда тутади.

Бу мақсадга эришиш учун, – деди Президент, – биринчи навбатда, барча даражадаги раҳбарлар ва халқ депутатлари, барча етакчилар ўз фаолиятини танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик асосида ташкил этишларини бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. Жамиятимизда шундай ҳуқуқий маданияти шакллантириш керакки, унга мувофиқ Конституция ва қонунларга риоя қилиш, бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш мажбурият эмас, балки кундалик қоида ва одатга айланиши шарт.

Юқоридаги маъруза ва Мурожаатномадаги фикр ҳамда кўрсатмалар тез орада ўзининг расмий ҳуқуқий ифодасини топди. 2019 йил 9 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони қабул қилинди ва айни вақтда “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Концепция”си тасдиқланди. [2]

Фармонда мамлакатимизда сўнгги йилларда ҳуқуқий маданиятни аҳоли онгига сингдириш, уни ривожлантириш соҳасида қарор топган тизимнинг самарасиз эканлиги, унда намоён бўлаётган камчилик ва муаммоларга эътибор қаратилди. Айниқса, ҳозирги глобаллашув, илмий-техника тараққиёти даврида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг инновацион усулларидан, тарғиботнинг илғор ва таъсирчан воситаларидан, хорижий давлатларнинг бу борадаги ижобий тажрибаларидан этарли даражада фойдаланилмаётганлиги танқидий баҳоланди.

Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир ишлар самарадорлигини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда ҳуқуқий билимларини ошириб боришнинг замонавий усулларини жорий этиш, шунингдек, аҳолини, айниқса, ёшларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилиш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш мақсадида:

Қуйидагилар жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг асосий вазифалари этиб белгиланди:

аҳолига мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг мазмуни ва моҳиятини изчил етказиш тизимини шакллантириш, фуқаролар онгида **“Жамиятда қонунларга ҳурмат руҳини қарор топтириш демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг гаровидир!”** деган ҳаётий ғояни мустаҳкамлаш;

жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, таълим-тарбиянинг тизимли ва узвий равишда олиб борилишига алоҳида эътибор қаратиш, мактабгача таълим тизимидан бошлаб, аҳолининг барча қатламларига ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни чуқур сингдириш, **шахсий**

манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини кенг тарғиб қилиш;

ёш авлод онгига ҳуқуқ ва бурч, ҳалоллик ва поклик тушунчаларини ҳамда одоб-ахлоқ нормаларини чуқур сингдириб бориш, Конституциянинг муҳим жиҳатларини уларга болалигидан бошлаб ўргатиш;

аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича ҳуқуқий-маърифий тадбирларни халқимиз тарихи, дини, миллий қадриятларини ўргатиш билан уйғун ҳолда ташкил қилиш, шунингдек, ҳар бир фуқарода давлат рамзлари билан фахрланиш туйғуларини шакллантириш орқали мамлакатга дахлдорлик, ватанпарварлик ҳиссини кучайтириш;

давлат хизматчиларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириб бориш, уларда ва бошқа ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантириш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг манзилли ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш борасида ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;

жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни оширишга доир тадбирларни ташкил этишда ижтимоий шериклик принципларидан кенг ва унумли фойдаланишни тизимли асосда йўлга қўйиш;

оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий ахборот билан таъминлашдаги ролини ошириш, ҳуқуқий тарғиботнинг инновацион усулларидан кенг фойдаланиш, шу жумладан, веб-технологияларни қўллашни кенгайтириш;

юридик таълимни такомиллаштириш, шунингдек, юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантириш.

Шунингдек, фармонда **“Юксак ҳуқуқий маданият-мамлакат тараққиёти кафолати”** деган консептуал ғоя асосида аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий саводхонликка эришишлари, юксак даражадаги ҳуқуқий онгга эга бўлишлари ҳамда ҳуқуқий билимларини кундалик ҳаётда қўллай олишлари учун тизимли ва кенг қамровли ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ташкил қилиш давлат органлари ва ташкилотларнинг устувор вазифаларидан бири этиб белгиланди.

Ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтирмасдан туриб, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиб бўлмаслигини ўз вақтида англаган давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда тараққиётнинг дастлабки босқичларидан бошлаб ушбу масалага давлат сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасида аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантиришнинг илк босқичида бу йўналишдаги ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлашга алоҳида ёндашилди ва ушбу мақсаддан келиб чиқиб, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг ҳуқуқий базаси яратилди ҳамда амалиётга жорий этилмоқда.

Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш хусусида фикр юритганда, биринчи навбатда, эътиборни «ҳуқуқий онг» ва «ҳуқуқий

маданият» тушунчаларига қаратиш мақсадга мувофиқдир. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият тушунчалари ҳамда улар ўртасидаги уйғунлик тўғрисида фикр юритамиз.

Ҳуқуқий онг ҳуқуқий тизимнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Ҳуқуқий онгнинг шаклланишини ижтимоий онг шаклланишидан айри ҳолда тасаввур қилиш мумкин эмас. Ҳуқуқий онг ижтимоий онгнинг бир шакли ҳисобланиб, нисбатан мустақилдир. Ҳуқуқий онгнинг илмий-назарий таҳлилига оид ўтказилган кўплаб тадқиқотларга қарамасдан ҳанузгача ҳуқуқшунос олимлар унинг тушунчаси бўйича якдил фикрга келмаганлар.

С.С.Алексеевнинг фикрича, ҳуқуқий онг бу инсонларнинг ҳуқуққа бўлган муносабатидир. Ҳуқуқий онгнинг энг муҳим жиҳати бу инсонлар томонидан ҳуқуқий қадриятларни англаш, бир вақтда ҳаракатдаги позитив ҳуқуқ, унинг онг ва адолат, ғоялар талабларига қанчалик мувофиқ келиши тўғрисидаги қарашларидир [3]. В.С.Нерсесянс эса ҳуқуқий онгни инсонларнинг ҳуқуқий ҳодисаларга нисбатан қарашлари, тасаввурлари, эътиқодлари, кайфияти ва ҳис-туйғулари йиғиндиси сифатида таърифлайди [4]. «Ҳуқуқий онг, – деб таъкид этади, Х.Т.Одилқориев, – ижтимоий онгнинг бир шакли ҳисобланиб, нисбатан мустақилдир. Ҳуқуқий онг жамият аъзоларининг ҳуқуққа, қонунга нисбатан муносабати ҳамда давлат механизми фаолияти хусусидаги тасаввурлари, қарашлари, таърифлар, ҳис-туйғу ва кайфиятларининг мужассам ифодасидир» [5]. Ёки, «ҳуқуқий онг – ҳуқуқни англаш демакдир, одамларнинг ҳам амалдаги ҳуқуққа, ҳам уларнинг ўзлари истаган ҳуқуққа муносабатини ифода этадиган тасаввур ва ҳис-туйғуларнинг мужассамидир» [6]. Амалдаги ҳуқуқни маъқуллаш ёки маъқулламаслик, зарурий ҳуқуқ қандай бўлиши, у қандай принципларни шакллантирилиши кераклиги ҳақидаги тасаввур айнан ҳуқуқий онгда намоён бўлади. Ҳуқуқий онг, таркибий тузилишига кўра мураккаб ҳодиса сифатида, ҳуқуқни билишни, ҳуқуқий мафкурани, ҳуқуқий психологияни, ҳуқуқий йўналишни ўз ичига олади [7].

Ҳуқуқий онг таркибига тўртта баҳолаш билан боғлиқ муносабат киради. Булар – ҳуқуқ ва қонун ҳужжатларига (унинг принциплари, шакллари, институтларига) нисбатан; атрофдагиларнинг ҳуқуқий хатти-ҳаракатига (масалан, жиноятчиликка, давлат ҳокимияти тузулмаларининг ўзаро муносабатлари хусусиятига) нисбатан; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва уларнинг фаолиятига нисбатан; ўзининг ҳуқуқий хатти-ҳаракатига нисбатан муносабатдир [8].

Бизнинг фикримизча, ҳуқуқий онг – ижтимоий онгнинг бир шакли бўлиб, инсонлар онгида ҳуқуқ тўғрисидаги қарашлар, ғоялар, фикрлар, тушунчалар ва тасаввурларнинг акс этишидир. Юксак даражада шаклланган ҳуқуқий онг ҳуқуқий-демократик давлат барпо этишнинг асосий омилидир. Албатта, ҳуқуқий онгнинг ривожи олиб борилаётган ҳуқуқий тарбия билан боғлиқ. Агар ҳуқуқий тарбия самарали йўлга қўйилган бўлса, ҳуқуқий онгнинг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Ҳуқуқий онгнинг шаклланиши ҳуқуқий маданият ривожининг асосидир. Ҳуқуқий онг ҳуқуқий маданиятнинг зарурий элементи сифатида ифодаланади.

Қачонки, кишилар онгида ҳуқуқий қарашлар, билимлар, тасаввурлар шаклланиб амалий фаолиятга ижобий тарзда йўналтирилса, ҳуқуқий маданиятга айланади. Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш мамлакатимиз ўз олдига қўйган буюк мақсадларга эришишнинг зарурий шарти ҳисобланади. Шу ўринда, «ҳуқуқий маданият ўзи нима?» – деган савол туғилиши табиий.

Ҳуқуқий маданият умумий маданиятнинг бир шаклидир. У ҳуқуқий борлиққа нисбатан маънавий ва моддий қадриятлардан ташкил топади. Бунда ҳуқуқий маданият ҳуқуқий ҳодисаларда мавжуд бўлган илғор, ижтимоий фойдали ва қадрли жиҳатларнигина ўзида мужассам этади. У нафақат натижа, шу билан бирга фаолият усули ҳамдир.

Хулоса қилиб айтганда, ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш ислоҳотларнинг барча босқичларида ўз долзарблигини йўқотмайди. Ҳозирги ҳуқуқий модернизация даврида ҳам аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашувига мўътадил муҳит яратиб, унинг тўғри ва самарали шаклланишига бевосита таъсир кўрсатади.

“Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Концепцияси” фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга хизмат қилиш орқали шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашувининг муҳим омили сифатида ўзини оқлайди. [9]

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Каримов И.А. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.19. –Т.: Ўзбекистон, 2011. – 73-бет.

2.Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2019 й., 06/19/5618/2452-сон, 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон; 09.10.2020 й., 07/20/4857/1357-сон

3.Қаранг: Алексеев С.С. Право: азбука – теория – философия: Опыт комплексного исследования. –М.: 2001. – С. 50-51.

4.Қаранг: Нерсесянс В.С. Общая теория права и государства: Учебник для юрид. вузов и факултетов. –М.: 2000. –С. 213-214.

5.Одилқориев Х.Т. Мустақиллик ва ҳуқуқий қадриятлар. Ҳуқуқ-Права-Law. 2001. №3. –Б. 4-5.

6.Халилов Э.Х. Ижтимоий турмушда ҳуқуқий онгнинг ўрни. –Т.: 2001. –Б. 12.

7.Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. Т., 2002. 228-237-бетлар; Б.Чердансев А.Ф. Теория государства и права. Учебник для вузов. М., 2000. –С. 330-333; Исламов З. Общество. Государство. Право. Вопросы теории. –Ташкент. 2001. –С. 403-428.

8.Қаранг: Гранат Н.Л. Правосознание и правовая култура. // Теория права и государства. Учебник (Под ред. проф. В.В.Лазарева). М., 1996. –С.180-181.

9.Атамирзаев И.Х. Янгиланаётган жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш – шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашувининг муҳим омили. / “Илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг инновацион

ривожлантиришдаги замонавий муаммолар” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция. Андижон. 2020. 593-600-бетлар.

ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИГА ҚАРАТИЛГАН ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ МАФКУРАФИЙ ИММУНИТЕТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Наргиза Раҳматуллаева,
Республика маънавият ва маърифат маркази
Сурхондарё вилоят бўлими раҳбари

“Агар жамият танаси иқтисод бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир”

Шавкат Мирзиёев

Ҳозирги глобаллашув шароитида миллий тараққиёт билан маънавий юксалиш жараёнлари ўртасидаги боғланишларни фалсафий жиҳатдан таҳлил қилиш ижтимоий заруратга айланиб бормоқда. Бу борадаги энг муҳим вазифалар кўламини ва йўналишларини белгилашда ҳар бир инсон жамият тараққиёти ва уни янгилашда, маънавий ҳаётимизни турли таҳдид ва ҳуружлардан ҳимоя қилишда ўз бурчи ва масъулиятини аниқлаб олиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Шу маънода, миллий тараққиёт ва маънавий юксалишнинг ўзаро алоқадорлигини тахлил қилишни қатор илмий-назарий ва ижтимоий-сиёсий омиллар билан асослаш мумкин. Жумладан, миллий тараққиётни инсон, халқ, миллатнинг ўз ўрнини ижтимоий-тарихий жараёнларнинг субъекти, ўз ҳаёти ва тақдирининг асоси ва натижаси сифатида, ички тизимини, ҳаракатлантирувчи мотивларини, механизмларини ижтимоий-фалсафий нуқтаи-назаридан ўрганиш, у ҳақда тасаввурни ҳосил қилади.

Жаҳон тамаддунининг кўҳна бешикларидан бири бўлган Сурхон воҳаси нафақат ўзининг бой тарихи, таркорланмас урф-одат, қадриятлари, балки қадимдан мавжуд бўлган мусиқа санъати билан ҳам ажралиб туради.

Айтиш керак, воҳада халқимизга хос бўлган миллий қадриятлар, удумлар, маросимлар, ноёб халқ оғзаки ижоди намуналари сақланиб қолганлигини алоҳида эътироф этишимиз зарур.

Ҳар бир санъат тури у фольклор бўладими ёки замонавий эстрада йўналиши бўладими, албатта инсон маънавиятини шакллантиришга хизмат қилади. Шунингдек, инсонга завқ, кайфият бериши билан биргаликда унга маънавий озуқа беради. Уларни бир мақсад йўлида орзу-истаклари

ушалтирувчи, амалга оширувчи бу мотивацион йўналиш берадиган бир мусиқа йўналиш деб ҳисобласак бўлади.

Мусиқа тарбиявий аҳамияти қай даражада бўлиши, ижро этиш услуби ҳамда мусиқий композициясининг кенгроқ масштабда ёзилиши, яъни унда бадиий безак берилиши, шеърларининг мазмун-моҳияти жуда муҳим аҳамият касб этади. Агар шеърлар саёз ёзилса бу, ёшларнинг тарбиясига салбий таъсир қилиши мумкин.

Мусиқа йўналишларини инсон учун тарбиявий аҳамияти катта эканлиги ўз исботини топган. Ҳалқимизда ҳам мусиқа тинглаган, мусиқага ошуфта қалбдан ҳеч қачон ёвузлик, ёмонлик чиқмаслиги ҳақида сўз юритилади. Шунинг учун, ёшларни маънавиятини шаклланишида, ёшларни ҳар томонлама этук, юртга содиқ ва комил инсонлар бўлиб вояга етказишда мусиқанинг ўрни катта. Китоб инсон маънавиятини шакллантиришда бебаҳо бир бойлик ҳисобланса, мусиқа ҳам худди шундай аҳамиятга эга. Мусиқанинг турига, унинг аҳамиятига қараб инсон омилини шакллантириш, инсонни онг остида эзгу ғояларни шаклантиришда ўзига хос ўрнига эга эканлигини алоҳида тилга олишимиз жоиз.

Юқорида айтганимиздек, мусиқа инсонга нафақат завқ-шавқ, руҳ бағишлайди балки, ўзининг ҳиссиётларини намоён этадиган, орзу-умидларини руёбга чиқарадиган ўзига хос усулдир. Кейинги вақтларда тажрибаларимиз шуни кўрсатиб турибдики ҳар бир маънавий-маърифий тадбирларда баландпарвоз маърузалар орқали кўпчиликнинг қалбига етиб бориш мушкил бўлиб қолди. Чунки ёшларга баландпарвоз маърузачиликдан яхши натижа бермаслиги, марузабозликни кенг жамоатчилик ҳам хоҳламаётганлиги аниқланди.

Айтиш керакки, ёшларни маънавиятни шаклантириш, ёшлар маънавиятига қаратилган тахдидларга қарши мафкурафий иммунитетини шакиллантириш каби тушунчаларни онг остига жойлаштиришда панд-насиҳатлар ва узундан-узоқ маърузалар яхши самара бермаётганлиги ҳам айни ҳақиқат. Шунинг учун биз каби соҳа ҳодимлари ўз устида кўпроқ ишлашлари, тарғибот ишларида мафкуравий иммунитетни шакиллантириш технологияларини жорий этишни даврни ўзи тақозо этмоқда. Шу боис бугунги кунда дунё миқёсида кечаётган тахликали замонда ёшларнинг қалбига, кўнглига йўл топиш, мавкуравий иммунитетини шакиллантиришда ноодатий ёндошув зарурлигини тақозо этмоқда.

Қандай ноодатий ёндашувлардан фойдаланамиз? Бу ёндошувнинг энг таъсирчан усуллари қандай?

Шу боис Сурхондарё тажрибаси сифатида тарғиботда инсон онги-шуурига мусиқа орқали кириб бориш самарадорлиги юқори эканлигини изланишларимиз натижасида аниқладик.

Айтиш керакки вилоятда қадимдан мавжуд бўлган Бадаш деб номланган ўзига хос мусиқа санъатининг инсон маънавияти ва руҳиятига ижобий натижа бераётганлигини ўрганилди.

Бадаш инсонга эстетик завқ бериши, ёшларда умумий инсонпарварлик тамоилларини юзага чиқаришда ўзига хос мусиқа санъати ҳисобланади.

Дастлаб ишларимизни ҳудудлардаги ижтимоий маънавий муҳитни тахлил қилишдан бошладик. Унда ҳудудда яшаётган аҳоли, хусусан ёшлар қайси санъат турига қизиқиши ва бўш вақтларини қандай ўтказиши, ҳудуд аҳолисининг оилавий низоларлари, жиноятчилик кўрсаткичлари ўрганилди. Ўрганишлар натижасида айрим ҳудудларда ёшлар ўртасида сўровнома ўтказганимизда уларнинг бўш вақтларида самарали фойдаланаётганлиги айнан санъатга қизиши юқори бўлган ҳудудларда ёшлар орасида жиноятчилик аломатлари, жиноятчиликка мойиллик йўқ эканлиги аниқланди.

Масалан Шеробод туманидаги Узунсой маҳалласи ҳудудидаги Хатак қишлоғининг ижтимоий маънавий муҳити ўрганилганда аҳоли ўртасида жиноятчилик аниқланмаганлиги маълум бўлди. Ҳудудда, аҳолининг санъатга қизиқиши юқори эканлигини кузатилди.

Таъкидлаш жоиз, Хатак қишлоғида қадимдан бадаш деб номланган қадимги мусиқа санъати сақланиб қолган. Аҳоли тўй маросим, байрам сайлларда Бадашни ижро этиб келаётганлиги маълум бўлди. Ўрганишлар натижасида аҳоли вакиллари Бадашни юракларни сел қилган мусиқа бирдам ўтмишга чорловчи олис-олисларга кенгликлар сурхоннинг кенгликлари ўтовлар кўҳна тарихга элтувчи мусиқа эканлигини эшитган инсонни юракларни жумбушга келтирувчи оҳанг нолаларни ҳис қилишини тўлқинланиб гапиришди. Шунингдек инсон қалбини бирдек ўртаб келаётган муаммоларга эчим топгандай, муаммоларни бироз унутгандай, эчим топганини айтишмоқда.

Шеробод тумани Хатак қишлоғида яшовчи, ўзбек миллатининг қатағон уруғига мансуб аҳолида ушбу мусиқа сақланиб қолган.

Бадашнинг халқнинг урф-одатлари аънаналари яшаш тарзи шароити асосида жуда қадимдан юзага келган. Мана юқорида айтдик ўзига хос ўзбек миллий мусиқа саънатининг йўналиши ҳисобланади.

Ушбу мусиқа санъати жаҳолатга қарши маърифат билан ғалаба қозонишни тарғиб этади, аразлашиб қолганларни яраштириб қўядиган, ёшларни ватанпарвар руҳда тарбиялайдиган, юртга содиқ меҳнатсевар инсонлар қилиб вояга етказишга ундовчи ўзига ҳос мусиқа саънати ҳисобланади. Ҳамма даврларда ёшлар тарбияси муҳим бўлиб келган. Ёшлар тарбиясини ёши улуғлар ёшлар тарбиясида ўзига хос усуллар ахтарилган. У вақтда телевидения, интернет ҳозирга қадар ривожланмаган радио, матбуот бўлмаган даврда энг таъсирчан йўлни айнан мана шу тарғибот ишларини ёшларни тарбиялашга бўлган эътибор саънатт орқали эришилган.

Ҳар бир бадашда ўзига хос мақсад ва вазифалари бор. Айни пайтда инсон феноменини яратиш, комил инсонни шакллантириш асосий вазифамиз ҳисобланади. Эътибор берсак, айни пайтда инсон феномени жумласи баҳси тобора ортиб боряпти. У йигирма биринчи асрда инсониятнинг, ҳар бир давлатнинг ҳар бир одамнинг тақдирини белгилайди. Нега? XIX-XX асрлар охиргача саноат индиструал даражагача бўлди. Ҳозир ахборот технологиялар

даври, бу даврни одамлар яқин 15-20 йилда тугайди дейишяпти. Учинчи ренессанс даври умуммаданий ёки интелектуал маданий босқичи бўлишини башорат қилишмоқда.

Инсон феномени бу миллатнинг бирлашган имкониятлар йиғиндиси, табиий ресурслар, иқтисодиёт, саноат, аграр секторлар, олтин, валюта захиралари ва бошқа миллий бойликлар доимий камайиб борувчи қисмига айланади. Ўзбекистонни ривожланган давлатлар қаторида кўтаришга асосий эътибор қаратадиган куч нима? Инсонни ривожланган давлатлар қаторида қўшишга катта куч албатта инсон капиталида, инсон феноменида. Чунки давлатни ривожланиш тақдирини маънавий ривожланган, маънавий тарбияланган авлод юзага келтиради ва тарққиёт даражасини белгилашда давлатни маънавияти комил инсонлар орқали, маънавий тарбия орқали ривожланиш босқичига олиб чиқади. Демак, халқимиз ҳаёти сифати оширишга олиб келади. Бу одамларни соғлом турмуш тарзига ўргатади. ҳаёт сифаситини оширувчи омиллар бу инсонни феномени, юксак маънавиятли инсонни тарбиясига қаратилган эътиборни амалдаги натижаси дейиш мумкин. Бадашни асосий мақсади ёшларни комил инсон қилиб вояга етказиш, уларни юртга содиқ инсонлар қилиб тарбиялаш ва тарбиянинг мулойим, меҳрли усуллари орқали инсон руҳиятига бағрикенглик, босиқлик, туйғуларни жиловлай олиш каби ҳислатлар мусиқий усуллар орқали шакллантириб юборилади. Ёш болага подшо каби эъзоз билан муносабатда бўлиш халқимизга хос хусусиятдир. Бадашда тарбия усуллари, тарбия анъаналарида яқинлик ва масофанинг муайян нисбати белгиланади. Ёшларга керакли бўлган даражадаги яқинлик аксарият боболар ва бувилар томонидан кўрсатилган. Чунки ёши улуғлар кўпроқ мулоқотда бўлиб меҳр муҳаббат билан тарбиялаганлар. Бадашда ҳам мана шу мусиқий усулларни кўриш мумкин. Бу тарбияни таъсири мусиқий усуллар орқали боланинг онг остида таъсир кўрсатиш бошланади. Қайси яхши қайси ёмон. Ёмонни оқибатлари нимага олиб келиши бу ҳар бир бадашда уни мақсад ва вазифалари айтилади.

Бадаш мусиқа санъатимизни тарғибот ишларида фойдалансак ҳам таъсирчан технологик усуллардан бири бўлади.

Биз юқорида айтганингиздек, эски усул, яъни узундан узоқ маърузалар бугунги кунда ўз таъсирчанлигини ёқотди. Бугун одамлар узоқ маърузаларни эшитмай қолди. Биз инсонларни қалбига чиройли бир технология орқали кириб боришимиз керак. Биз бунда инсонларни қалбига вилоятимизда энг қадимда пайдо бўлган Бадаш деб олган мусиқа орқали кириб боришни мақсад қилдик. Бу мусиқа йўналиши фақат концерт ёки ўйин кулгудан иборат эмас, унинг мусиқаси тарбиявий аҳамиятга эга. Бадаш мусиқасининг турлари кўп яъни ҳаётимизнинг барча жабхаларида учрайдиган муаммоларга у орқали эчим топсак бўлади. Биз биринчидан бадашнинг тарихи, унинг мақсад вазифалари ҳақида одамлар онгида тушунча пайдо қилиб, ундан сўнг асосий вазифаларга ўтамиз. Ҳар бир бадашнинг ўз тури бор масалан, араз бадашни олсак, у урушганларни яраштиришда асосий тарбия методи ҳисобланади. “Тегирмон”, “Қўш ҳайдаш”, “Полвон” бадаш ёшларимизни меҳнатсеварликка,

меҳр-оқибатликка ва тинчлигимизнинг қадрига этишга, шукроналик хиссини уйғотишда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Ҳунармандчилик деҳқончилик ҳарбий-ватанпарварлик турлари мавжуд. Улар ўз ичига бир неча турларга бўлинади. Мана масалан деҳқончилик бадашига қўш ҳайдаш, миллий спорт тури билан боғлиқ бадашларга полвон бадаш, кўпкари бадаш, меҳнатсеварлик билан боғлиқ бадашларга, пилла бадаш, нон ёпиш бадаши, темирчи бадаши, уй қуриш бадаши, тегирмон бадаши киради.

Буни тарбиянинг янгича методи ёки технологияси деб айтсак бўлади. Тўғри бу хали илмий жихатдан исботланмаган бўлсада, лекин халқни орасида қадимдан буён яшаб келаётган ўзига хос бир янги усул деб бемалол айта оламан.

Бадаш мусиқасининг моҳир билмдони маданият ходими Адолат Қўнғиротованинг фикрига кўра, мусиқа кайфият ҳолатини ифодалашда кенг имкониятга эга. Инсон кайфияти мураккаб ҳиссиёт бўлиб, у ҳеч нарса билан боғланмаган. Кайфият умумлашган хусусиятга эга бўлиб, инсоннинг воқеликка бўлган туйғу муносабатини белгилайдиган энг муҳим томонлари ажратиб олинади. Унинг куч-қудрати шундаки, у шодланиш, қайғуриш, ҳаёл суриш, бардамлик, жасурлик, тушкунлик ва шунга ўхшаш инсон руҳий ҳолатларини хусусий ва умумий тарзда ўзаро боғлиқликда, бир-бирига сингиб кетишида намойиш қила олади.

Шу боис мусиқа энг таъсирчан усул хисобланади. Ўсиб келаётган авлод учун мусиқий тарбиянинг аҳамиятини ниҳоятда буюк эканлигини қадимий мутафаккирлар алоҳида урғу билан таъкидлашган. Келажак жамият аъзосининг инсоний ва ижобий фазилатлари айнан болаликдан бошлаб шакллана боради. Айнан шу даврда мусиқа ижобий сифатларни шакллантирувчи восита ҳисобланган.

Илмий ва тарихий манбаларга асосланиб Бадаш мусиқа санъатини ўрганиш жараёнида “Бадаш”нинг 70 га яқин турлари мавжуд бўлиб, унинг бизгача 20га яқин тури сақланиб қолган.

Бугунги кун мафкуравий курашлар авж олган давр ҳисобланади. Турли туман ғоявий кучлар ўз таъсир доирасини кенгайтириш учун тинимсиз иш олиб бормоқда. Бу жараён мамлакатимиз ҳаётига ҳам дахлдор. Зеро ҳар хил мафкура ва ғоялар бизнинг юртимизга ҳам кириб келмоқда. Минг афсусуки, бизга бегона бўлган зарарли ғоя ва мафкуралар бор. Уларга қарши курашиш учун аввало мафкуравий имунитетни кучайтириш талаб этилади. Мафкуравий имунитетни кучайтириш мана шу энг қадимги мусиқадан фойдаланишни жоиз деб билдик.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз”. Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент Ўзбекистон, 2016.
2. “Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз” Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент Ўзбекистон, 2017.

ZJV5401

3. “Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир” Ш.М. Мирзиёев. – Тошкент Ўзбекистон, 2018.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2021 йил 19 январ куни Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг мажлисида сўзлаган нутқи. – Тошкент, 2021.
5. “Шахс камолотида ахлоқий ва эстетик қадриятлар уйғунлиги” М.Нурматова –Тошкент: Университет, 2009
6. “Бизни бирлаштирган ғоя” М.Қуронов, А.Маврулов – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2016
7. “Сурхон воҳасида этник тарих ва этномаданий жараёнлар (*Хатакилар уруғи мисолида*)” И.Умаров, Х.Рахмонов, Э.Худойбердиев – Тошкент А.Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашрёти, 2014.

БУГУНГИ КУН ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРИНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯСИГА ТАЪСИРИ

Мадрахимов Алишер Усубжон ўғли,
Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти кичик илмий ходими ва мустақил тадқиқотчиси

Ҳозирги даврда маълум бир ахборотни у жойдан бу жойга етказишдан осон нарса қолмади назаримизда. Аввалларида бу ахборотларни етказишда турли воситалардан фойдаланилган. Хусусан, кабутарлар, махсус чопарлар, почта хизматлари ва бошқалар. Глобаллашув жараёнида интернетнинг кашф этилиши ахборотларни узатилишидаги янги босқични бошлаб берди. Унинг ёрдамида ахборотлар тезкор ҳамда сифатли етказилиши таъминланди.

Табиий равишда интернет нима, қайерда пайдо бўлган ва нима мақсадда деган саволлар туғилиши мумкин албатта. “Интернет” тушунчаси XX асрнинг 60-йилларидан АҚШда шакллана бошлаган. 1969 йилда ARPA (илғор тадқиқот лойиҳалари) агентлиги тўпламлар коммутация қилинадиган экспрементал тармоқ яратиш мақсадида тадқиқот бошлайди. Тармоқ яратилиб, у ғоят оддий ҳамда қисқа ном – ARPANET. Яъни агентлик тармоғи номини олади. Тармоқ алоқа тизимида маълумотлар оқимини мустақил узатиш технологияларини ўрганиш учун барпо этилган эди. Айни вақтда мутахассислар TCP/IP (Transmission Control Protocol/Internet Protocol – узатиш жараёнини бошқариш протоколлари) Интернетпротокол асосларини ишлаб чиқишга киришади. Айни ана шу вақтнинг ўзида “Internet” атамаси

(Interconnected Networks – бирлаштирилган тармоқлар сўзларининг қисқартмаси) қўллана бошланди [1].

Бугунги кунда интернет тармоғи бутун дунёни эгаллаб олишга улгурди ва унинг имкониятлари янада кенгайди. Шунингдек у одамларнинг кундалик ҳаётининг ажралмас бир қисмига айланди. Бу ўз навбатида инсонлар учун қулайлик ва имконият яратган бўлса, иккинчидан уларга зиёнга ишламоқда. Айниқса ёшлар ўртасида буни яққол кўришимиз мумкин. Ёшларнинг онлайн макондаги хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг маънавий-ахлоқий қиёфасига таъсир этувчи омиллардан ҳимоялаш нафақат мамлакатимизда балки, бутун дунёдаги асосий муаммолардан бири ҳисобланмоқда. Уни бартараф этишда барча бирдек ҳаракат қилиши лозим.

Барчага бирдек хизмат қилувчи интернетдан эзгулик мақсадида ҳам, ғаразлик мақсадида ҳам фойдалашниш мумкин. Шу маънода эзгулик мақсадида фойдаланиш оқибатида инсонларнинг иш унумдорлиги ошди, маълумотларнинг кенг ва кўп миқдорда олиш имкониятлари, ошиқча маблағ ҳамда вақт сарфламасдан билим олиш қулайлиги яратилди ва шу каби бошқа кўплаб имкониятларни таъкидлаш мумкин. Ғаразли мақсадларда турли нобоп кимсалар томонидан ижтимоий тармоқларда ўзликни англашга қарши, ахлоқий бузуқлик, маънавий таҳдидларга йўналтирилган, айниқса ёшларни вақти ва онгини ўғирлашга қаратилган турли виртуал ўйинлар яртилмоқда ҳамда ижтимоий хабарлар тарқатилмоқда.

Тан олишимиз керакки, интернетдаги маълумотлардан ўринли фойдаланиш ўрнига ваҳшийлик, зўравонлик, порнография ва инсон руҳиятига салбий таъсир кўрсатувчи бошқа иллатлар домига тушиб қолаётган вояга етмаганлар сони ҳам ошиб бормоқда. Ҳозирги кунда интернет орқали кириб келаётган хатарларнинг болалар онгига таъсир қилувчи кенг тарқалган усули бу ижтимоий тармоқлардир. Ахборотлардан унумли ва тўғри фойдаланиш ҳамда уни таҳлил қилиш кўникмасига эга бўлмаган ёшлар ғаразли мақсадларни кўзлаган турли ёвуз кимсалар қўлига тушиб қолмоқдалар ва бунинг натижасида уларнинг маънавий-ахлоқий қиёфаси ўзгармоқда. Ижтимоий тармоқлар орқали яна шундай ахборотлар тарқатиладики, дунё, инсонлар, улар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар, давлатчилик ва дин ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлмаган ёшларга ушбу тушунчалар тўғрисида нотўғри маълумотлар жимжимадор тарзда бериб борилади ва айни дамда ёшлар уларга ишонади. Жумладан диний мазмундаги турли нотўғри талқинларнинг берилиши натижасида уруш ҳаракатлари олиб борилаётган Сурия, Ироқ каби давлатларга ноқонуний йўллар билан чиқиб кетиш ҳолатлари кузатилмоқда.

UNICEF маълумотига кўра, интернет фойдаланувчиларининг учдан бир қисми 18 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлардир. Ана шундай бир ҳолатда, глобал тармоқда ўз жонига қасд қилишнинг осон йўлларини тарғиб қилувчи 9 минг, шаҳвоний мазмундаги 4 мингдан зиёд сайт мавжудлиги аниқланган. Шунингдек, UNICEF ўтказган сўровлар интернетдан фойдаланадиган ўсмирларнинг 90 фоизи ахлоқсиз сурат ва видеоларга дуч келиши, 60 фоизи эса бу турдаги ахборотни излаганини кўрсатмоқда. Россиянинг "Руметрика" компанияси ўтказган ўрганишлар натижасида интернетдаги 9 миллионлик болалар аудиториясининг тўртдан уч қисми тизимдан ота-оналарининг назоратисиз фойдаланиши аниқланган.

Мамлакатимизда ҳам интернет фойдаланувчилари сонининг кун сайин ошиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Хусусан, Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчиларнинг 35 фоизи ижтимоий тармоқлардан фойдаланувчилар ва уларнинг аксарияти айнан ёшлар, шунингдек, болалардир. Таҳлиллардан кўриниб турибдики, интернет маконида ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиясига таъсир этувчи салбий иллатлардан ҳимоя қилиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш масалалари жамиятимиз олдида турган жиддий муаммолардан бири. Бунинг учун аввало болаларнинг медиа саводхонлигини ошириш, рақамли макондаги қизиқишларини мунтазам ўрганиб бориш, уларга оммавий маданият таҳдиди ва ёт оқимларнинг ҳақиқий моҳиятини фош этувчи маълумотларни етказиш тизимини йўлга қўйиш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Миллий қонунчилигимизда бу соҳада болаларни ҳимоя қилишга оид тегишли нормалар мавжуд. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ҳамда Жиноят кодексига кўра, зўравонлик ва порнографик маҳсулотларни мамлакатимизга олиб кириш, тарқатиш, намойиш этиш, реклама қилиш ва бошқа ҳаракатлар учун жазо чоралари кучайтирилган. Қолаверса, таълим муассасаларида уяли алоқадан фойдаланишни тартибга солиш мақсадида 2012 йил 21 майда Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 139-қарори қабул қилинган [2]. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрида қабул қилинган "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги қонуни ахборот ресурслари ва ахборот тизимларидан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган [3]. Шунинг билан бирга, 2017 йилда "Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунини ҳам таъкидлаш лозим [4]. Унда хавфлар даражалари ва хавфсизликни таъминлаш чоралари белгилаб берилган. Қонунга кўра, ахборотни тарқатишда унга ёш тоифасига оид белги қўйиш мажбурий. Бироқ

бу қоида фақатгина миллий контентдаги ижтимоий тармоқларда, сайтларда берилаётган ахборотларга нисбатан қўлланилади. Ҳозирги кунда ёшларимиз фаол фойдаланадиган Youtube, Telegram ва Facebook ижтимоий тармоқлари эса миллий контентимиз платформаларига кирмайди, демак уларда берилаётган ахборотга ёшга оид тоифа белгисини қўйишнинг имкони ҳам, иложи ҳам йўқ. Мана шу ҳолатнинг ўзи ҳам болаларни рақамли маконда ҳимоя қилиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлашни фақатгина бир давлат томонидан амалга ошириб бўлмаслигини, бу жаҳон ҳамжамиятининг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари билан амалга оширилиши лозим бўлган вазифа эканини кўрсатади.

Маълумот ўрнида Олий Мажлис Сенатининг Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиқликни таминлаш масалалари қўмитаси берган маълумотига кўра, мамлакатимизда энг кўп фойдаланиладиган ижтимоий тармоқ — “Telegram” messenjeri бўлиб, ҳозирда 18 млн.дан кўп юртдошимиз ундан фойдаланмоқда. Шунингдек, “Facebook” – 4,7 млн, “Одноклассники” – 16,7 млн, “Instagram” – 3,7 млн, “ВКонтакте” – 2,6 млн, “Linkedin” – 288 минг ҳамда “Twitter”да 51,6 мингдан ортиқ фойдаланувчилар мавжуд бўлиб, уларнинг кўпчилигини ёшлар ташкил қилган [5].

Интернет тармоғи орқали тарқатилаётган ғаразли маълумотлар, турли бузғунчи ғоялар, одоб-ахлоқни емирувчи иллатлар аҳолини ташвишга солмоқда.

“.UZ” доменидаги веб-сайтларда миллий менталитетимизга ёт бўлган, фуқароларнинг, шу жумладан ёшларнинг онги, руҳияти, маънавий-маърифий тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган, ахлоқсизлик, беҳаёлик, порнография, шафқатсизлик, зўравонлик, қимор ҳамда таваккалчиликка асосланган ўйинлар тарғиботига хизмат қилиши мумкин бўлган материаллар ёки бошқа веб-ресурсларга ҳаволалар жойлаштириш (фойдаланувчилар томонидан) кузатилмоқда.

Биргина 2021 йилнинг декабрь ҳолатига кўра миллий домен ҳудудидаги 289 та веб-сайтда порнография, 91 та веб-сайтда эса беҳаёлик ва маънавий бузуқликка тарғиб қилувчи ҳолатлар аниқланган бўлиб, 2 097 та қонун бузилиши ҳолати қайд этилган.

Шунингдек, ижтимоий тармоқларнинг ўзбек сегментида маънавий бузуқликни тарғиб қилувчи 130 га яқин гуруҳ, саҳифа ва каналлар мавжудлиги аниқланган, уларда 2 646 та материал (фото, видео, матнли ва бошқалар) тарқатилган [5].

Кейинги вақтларда “оммавий маданият” ниқоби остида ёшларимиз онгига салбий таъсир этувчи ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик ғояларини

тарқатиш, турфа йўллар билан қонунчиликка зид равишда бойлик орттириш-ни, миллий-маънавий маданиятга амал қилмасликни, уларни ўзгартириш ва айрим ҳолларда йўқотишни тарғиб қилувчи ҳаракатлар уюштирилмоқда.

Интернет оламининг асосий хусусиятлари сифатида қуйидаги ёшларда бўладиган салбий ўзгаришларни киритиш мумкин:

- ёшларнинг тармоққа уланганларидаги хурсандлик ҳисси ва алоқа узилгандаги аҳволи;
- тана аъзолари – кўз ва қулоқларнинг ташқи оламга эътиборсизлиги;
- тез-тез ва доимо ўз электрон почтасини текшириб туришга одатланиш;
- дўстлари билан бўладиган суҳбатларда фақат интернет оламидаги воқеликлар ҳақида суҳбатлашиш;
- вақтни тўғри тақсимлай олмасликлари;
- интернетдан фойдаланиш вақтида ўқиш ва уй вазифаларини бажаришни унутиб қўйиши;
- виртуал оламга мақсадсиз саёҳатлар уюштириш;
- кундалик маблағларини интернет учун сарфлашлари;
- кучли чарчоқлар, кўз оғриши, бош оғриши ва овқатланишдаги тартибсизликлари;
- фойдаланувчининг руҳиятидаги ўзгаришлар ва ҳоказолар.

Ахборот таҳдидларига қарши курашда, дейлик, интернет манбаларини тақиқлаш ёки уларни ёпиш орқали натижага эришиб бўлмайди. Ахборот истеъмоли маданияти бўлмаса, барча уринишлар бекордир. Шу сабабли ёшларда ахборотни тўғри қабул қилиш, унинг синтези ва таҳлили кўникмаларини оиладан шакллантириш керак. Замонавий жамиятда вояга етмаганларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш мувофиқлаштирилган ҳаракатни талаб қилади. Шу сабабли бунда оиладан бошлаб, таълим муассасалари, жамоатчилик ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари масъулиятни биргаликда зиммасига олишлари лозим. Бунда иккита аниқ мақсадга қаратилган қуйидаги вазифларни амалга ошириш талаб этилади:

- Давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан фарзандларини ташқи маънавий таҳдид ва ахборот хуружларидан ҳимоя қилишда ота-оналарнинг масъулияти, билими ва жавобгарлигини оширишга оид услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш ва ҳар бир оилага етказиш мақсадга мувофиқ.
- Таълим муассасаларида соҳа мутахассисларини жалб этган ҳолда вояга етмаганларнинг интернетдан фойдаланиш бўйича малакасини оширувчи мулоқотлар, давра суҳбатлари ва тренингларни аниқ механизм асосида ташкил қилиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. М.Қуронов, И.Даминов ва бошқалар. “Дунёнинг мафкуравий манзараси”. – Т.: “Муҳаррир нашриёти”, 2017. 239 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 21 май “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 139-қарори.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрь “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги 560-II-сон қонуни.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 8 сентябрь “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-444-сон қонуни.
5. Интернет ва ижтимоий тармоқларида ёшларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилиш масаласи муҳокама этилди.

ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРДА ГЕНДЕР ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Отақулов Шуҳрат Муродуллаевич,
МТТДМТҚТМОИ “Ижтимоий фанлар”
кафедраси доценти, PhD

Ҳар бир инсон оилада шахс сифатида шаклланади, илк тарбия ва таълимни айнан оиладан олади. Шундай экан, оиланинг таълим тарбия салоҳиятини мустаҳкамлаш, жамиятимизда анъанавий оилавий қадриятларни сақлаш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш долзарб аҳамият касб этади. Шунингдек, оиладаги тарбияда аждодлар меросини тадқиқ қилиш ва улардан холисона самарали фойдаланиш, улардаги бағрикенглик, бунёдкорлик ва инсонпарварлик ғояларининг ёшларимизда ёт мафкуралардан маънавий иммунитет ҳосил қилишдаги аҳамиятини кенг кўламда ўрганиш долзарб аҳамият касб этади.

Шунингдек оилавий муносабатларнинг ўзига хослиги эр ва хотиннинг шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқлари тенглиги, ички оилавий масалаларнинг ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиниши, оилада болалар тарбияси, уларнинг фаровон ҳаёт кечириши ва камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиш, вояга этмаган ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш устуворлиги тамойиллари асосида намоён бўлиши таъкидланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддаси “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга” дея таъриф берилган [1]. Мазкур қоида икки муҳим жиҳат билан ажралиб туради. Биринчидан, оиланинг жамият олдидаги асосий бўғин

сифатидаги вазифаларига эга эканлиги; Иккинчидан, оиланинг жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги ифодаланган. Янгиланаётган Ўзбекистонда кучли ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлида мамлакатимизда оилавий тарбиянинг аҳамияти ҳамда оилада аёлларнинг ҳуқуқ манфаатларини янада мустаҳкамлаш масаласига катта эътибор қаратилаётгани қувонарлидир. Оила - ўзининг ижтимоий-маданий ривожланиш жараёнида ўз аждодларининг миллий қадриятларини сақловчи макондир. Бу маконда аёлнинг ўз ўрни ҳамда муҳим вазифалари бор. Ўзининг ана шундай инсоний бурчларининг ҳар бир оила ҳамда аёллар томонидан мукаммал бажарилиши миллий маънавиятни, қадриятларни бойитади.

Оилавий қадриятларнинг асоси – бу эр-хотиннинг ўзаро иззат-ҳурмати, эътибори хушмуомала ва ширинсўзлиги, бир-бирига ёрдам бериши ва ҳамжиҳатлигидир. Бу фарзандлар тарбиясида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки, фарзанд айтилган насиҳатни эсидан чиқариши мумкин, лекин кўрганини ҳеч қачон эсдан чиқармайди. Шу боис тарбиянинг бу жиҳатига эътибор бериш лозим. Мутахассисларнинг таъкидлашича, оиладаги тарбия мазкур оиланинг мустаҳкамлигини сақлашда, ундаги муносабатларни аниқ мақсадларга йўналтиришда муҳим аҳамият касб этади. Оиладаги тарбия асосан ота-оналар ва оиланинг ёши катта аъзолари томонидан амалга оширилади. Оила тарбиясида муваффақиятга эришиш кўп жиҳатдан оилада ҳам ота, ҳам онанинг бўлиши, уларнинг бирдамлик ва тенгликка эришиши, куч-ғайратларини бирлаштиришига боғлиқдир. Оиладаги тарбия – ижтимоий тарбиянинг бир тури бўлиб, оиланинг барча аъзолари унда фаол иштирок этадилар, бир-бирларига ўз билим, тажрибаларини ўргатадилар. Оиладаги тарбия бир умр давом этадиган жараёндир. Бу ҳиссиётлар ўз-ўзича юксак ахлоқий фазилат бўлгани ҳолда шахснинг ижтимоий алоқаларида, жамият ахлоқини ўзлаштиришда мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади [2].

Ўзбек оиласининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири – оилада ёши улуғ кишиларнинг юксак мавқе ва мартабага эгалиги бўлиб, улар ҳамиша иззат-икром қилинади, ижтимоий ҳаётда барча масалаларда улардан рухсат олиниб, сўнг иш бошлашга амал қилинади. Ўзбек оиласига хос мазкур характерли хусусиятларнинг келтиришдан мақсад шуки, оиладаги тарбиянинг ўзига хос қирралари ана шундагина тўла-тўкис намоён бўлади.

Бу тарбия жараёнида миллий-маданий мероснинг қандай ўрин тутиши, салмоғи, аҳамияти хусусида асослироқ фикр юритиш имконияти пайдо бўлади. Жумладан, оилада отанинг мавқеи баландлиги, аёл ҳам ўз ҳақ-ҳуқуқларига эгалиги, фарзандларнинг ота-онани, ўзидан катталарни ҳурмат қилишлари кўп йиллар давомида ота-боболаримиз қалбига сингиб кетган қадриятлардир. Бугун ушбу қадриятларни асраб-авайлаб янада ривожлантириш энг долзарб масалалардан биридир.

Чунки шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замонда бемаъни таъсирлар кўпайиб, уларнинг инсон ва жамият ҳаётида салбий оқибатлари мисли кўрилмаган даражада кучайиб бормоқда. Шунинг учун барчамиз огоҳлик билан бундай ҳамлаларга қарши курашмоғимиз лозим. Хуллас, оила

тарбияси ҳар қанча ўзига хос, бетакрор бўлмасин, у асосан ягона манбадан озиқланиб, ривожланиб, бойиб боради. Бу манба миллий-маданий меросдир. Бинобарин, таъкидланганидек, оила тарбияси миллий маданий мероснинг узвий бир қисми бўлиб, унда шу миллат асрлар давомида тўплаб қўлга киритган барча маданий бойликлар мужассамлашган бўлади.

Оилавий муносабатларда албатта хотин-қизларнинг аҳволини яхшилаш, уларнинг эркинлиги, ҳуқуқи, манфаатлари ва соғлигини муҳофаза қилиш масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Хотин-қизлар масаласи жамият, ижтимоий муносабатлар, миллатлар, давлатлар, маданият ва сивилизасиялар билан узвий алоқада. Ҳар доим ҳамма жамиятда ҳам хотин-қизларга адолат билан қаралган дейишнинг ўзи муболағали масала бўлиб, асрлар давомида хотин-қизларга нисбатан ижтимоий ва маънавий тайзиқлар юз бериб келмоқда ва албатта бу холат уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга тўсиқ бўлмоқда. Тарихга назар ташласак, исломга қадар жоҳилия даврида ва қарийиб барча минтақа ва динларда аёлларга паст назар билан қаралганлигини гувоҳи бўламиз.

Қуръони Каримнинг кўплаб оятларида эркак ва аёл муносабатларида қуйидаги жиҳатларга алоҳида урғу берилади: - Аллоҳнинг олдида аёл ва эркакнинг тенглиги. - Аллоҳнинг аёл ва эркакка бир хилда ғамхўрлик қилиши. - Аллоҳ учун қилган яхши, савобли амаллари учун бериладиган ажр (мукофотнинг) тенглиги. Шунингдек оилавий муносабатларнинг ўзига хослиги яна баъзи бир адабиётларда аёлларнинг эркаклар билан ўзаро тенглик жиҳатларини оилада томонлардан келиб чиқадиган бир қатор ҳуқуқ ва мажбуриятларда тенглиги, бу эса оилавий муносабатларни тартибга солиш эркак ва аёлнинг ихтиёрий равишда никоҳланиб тузган иттифоқи, эр ва хотиннинг шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқлари тенглиги, ички оилавий масалаларнинг ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиниши, оилада болалар тарбияси, уларнинг фаровон ҳаёт кечириши ва камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиш, вояга этмаган ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш устуворлиги тамойиллари асосида намоён бўлиши таъкидланади. Ислом ҳуқуқида оилада аёл билан эркакнинг ўзаро тенглиги ҳақида тушунчанинг ўзига хос жиҳатлари бор. Бу қайсидир маънода аёлларнинг яратилиш жиҳатидан, хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда чегараланган. Яъни эркаклардан фарқли томонларини ҳисобга олган ҳолда ўрнатилган. Албатта бу ҳолат аёлларнинг эркаклар билан ўзаро тенг бўлган ҳуқуқларига тўсқинлик қилмайди.

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан фаоллашуви, жамият ҳаётининг турли соҳаларида уларнинг иштирок этиши олдинги даврларга нисбатан сезиларли ошди. Айнан шулар хотин-қизларни ижтимоий ҳаётга, иқтисодий ишлаб чиқаришга, қолаверса, сиёсий соҳалардаги барча жараёнларга иштирок этишларининг фаоллашувига олиб келди. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда иштирок этиш орқали ижтимоийлашиб бориши ниҳоятда мураккаб жараёндир. Хотин-қизларнинг эркаклар билан бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлишининг, оналик ва

болалик билан боғлиқ давлат сиёсати юритилаётгани, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеини кучайтириш, сиёсий фаоллигини ошириш, давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш билан боғлиқ олиб борилаётган ишлар алоҳида эътиборга лойиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: -“Ўзбекистон” 2021 й.
2. Абдурауф Фитрат. Оила ёки оилани бошқариш тартиби. Т.: -“Маънавият” 2000 йил.

ZJV5401

МУНДАРИЖА

№	Муаллиф, мақола мавзуси	Саҳифаси
1	**Кириш**	3
	I. ШЎЪБА. ЎЗБЕКИСТОНДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШ, ИЖТИМОИЙ-МАЪНАВИЙ МУҲИТ ҲОЛАТИНИ ЎРГАНИШ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	
2	**Ф.Жўрақулов.** Давр ва замон шиддати маънавият масаласи борасида янада теран фикрлашни тақозо этмоқда	**4**
3	**М.Қахарова.** Маънавий тараққиётни таъминлаш доирасида замонавий тарғибот механизмлари	**9**
4	**И.Суванов** Ёшларда ахборот-мафкуравий таҳдидларга қарши маънавий иммунитетни шакллантиришнинг зарурияти	**16**
5	**М.Қуронов.** Узлуксиз маънавий тарбияда тушунтириш, кўрсатиш ва ўргатиш методларининг ўрни	**19**
6	**Г.Туленова.** Янги Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашда фуқаролик жамияти институтларининг роли	**25**
7	**С.Абдухаликов.** Маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича баъзи таклифлар	**29**
8	**Х.Ахмедов.** Ёшларни таҳдидлардан асрашда маънавий тарбиянинг ўрни	**32**
9	**Султонов Фозил** Ғоявий таҳдидлар йўналишлари	**35**
10	**С.Давлатова** Миллатлараро ижтимоий-маданий алоқаларда ёшлар фаоллиги масалалари	**39**
11	**Э.Султанова** Мафкуравий иммунитет ва мафкуравий профилактика. жамият барқарорлигини таъминлашнинг ижтимоий-ғоявий асослари.	**43**
12	**Ш.Тўраев** Хавфсизлик ва барқарорлик - тараққиёт кафолати	**47**
13	**О.Бозоров** Ёшларда маънавий-аҳлоқий компетенцияларни қарор топтириш масалалари	**50**
14	**М.Ғаффорова** Аёл кишининг ички олами – маънавият	**54**
15	**А.Абдураҳмонов** Тарихий ёдгорликлар билан танишиш асосида ўқувчи-ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мазмуни	59
16	**К.Азимова** Ўқув мотивлари – ёшларни ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш омили сифатида	66
17	**М.Асатуллаев** Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашда давлатлар ҳамкорлигининг халқаро ҳуқуқий асослари	68
18	**М.Маврулова** Соғлом эътиқод – жамиятни барқарорлаштирувчи қадриятдир	77
19	**М.Рустамалиев** Ёшлар ҳаётида виртуаллашувнинг салбий оқибатлари	81
20	**Х.Мирзаҳмедов** Ёшлар - онлайнлашув объекти сифатида	85
21	**О.Мейлиев, Ш.Латифжонов, П.Янашова.** Ёшлар маънавиятига қаратилган таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш	89
22	**Н.Султонова** Ёшлар маънавиятини ўстиришда музейларнинг ўрни	94
23	**А.Турсунов** Ёшлар тарбияси шакллантиришда маънавий-маданий меросимизнинг ўрни	97
24	**О.Худоёрова**. Ёшларнинг ватанпарварлик туйғусини кучайтириш масалалари	100
25	**Ф.Ҳожиев** Ёшлар маънавияти: таҳдидлар ва мафкуравий иммунитет	103

26	**Д.Зайниддинова** Ёшлар маънавиятига қаратилган таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш технологиялари.	109
27	**К.Юсупов, К.Хасанов** Маърифатли жамият, халқпарвар давлат барпо этишда парламент назоратининг ўрни ва аҳамияти	112
28	**Н.Мустафаева** Умумий ўрта таълим мактаблари учун яратилган “тарбия” дарсликларида жамиятга муносиб инсонни тайёрлаш концепцияси	115
29	**К.Олимов** Глобаллашув атамасининг илмий моҳияти	118
30	**Ш.Аҳророва** Шароф Рашидов шахси миллий қадрият сифатида	122
31	**М.Ибрагимов** Глобаллашув шароитида ахборот хуружлари ҳамда уларнинг ёшлар маънавий тарбиясига таъсири	128
32	**У.Инатов** Жамият маънавий муҳитида ижтимоий адолат	130
33	**М.Убайдуллаева** Викториан даври адабиётида аёл образи орқали маънавий тенглик масаласининг кўтарилиши (“Жейн Эйр” асари мисолида)	134
34	**И.Оҳунов М.Рустамбоева** Мактабгача ёшдаги болаларнинг нутқ ва тафаккурини ўстиришда оммавий ахборот воситаларининг уйғунлиги	138
35	**М.Якубжонова** Талабалар медиамаданиятини ривожлантириш: муаммо, ечим ва натижалар	142
36	**У.Холиқов, С.Холиқова** Ўзбекистонда шахмат спортининг ривожланиши тарихи ва замонавий ўрни	145
37	**Н.Саидқулов** Янги Ўзбекистоннинг уйғониш даврида ёшлар сиёсий маданиятини инновацион ривожлантириш масалалари	150
38	**У.Арибжонова** Ўсмирлар орасида касб танлашга психологик тайёрликни шакллантириш	153
39	**А.Тоҳиров** Ижтимоий тармоқларнинг аҳоли, айниқса, ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясига таъсири	162
40	**И.Юсупжонова М.Холдорбаева** Бугунги кунда замонавий ижтимоий тармоқларнинг мазмуни ва уларнинг ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясига психологик таъсири	165
41	**Б.Алиев** Шахс маънавий-ахлоқий тарбияси ҳамиша муҳим	168
42	**Т.Алиев** Маънавий ва мафкуравий қарашлар долзарблиги	171
43	**С.Жумаев** Ёшларининг фуқаролик позициясини юксалтириш, маънавий-маърифий муҳитини ривожлантиришда институционал тузилмаларнинг ўрни	174
44	**М.Содиржонов** Ахборотлашган жамиятда инсон капиталининг трансформациялашуви (социологик таҳлил)	177
45	**О.Худоёрова М.Аҳмадбекова, М.Аҳмадбекова** Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг йўллари ва имкониятлари	182
2.ШЎЪБА. ЁШЛАРНИ ВАТАНГА МУҲАББАТ ВА КАСБГА САДОҚАТ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА УЗЛУКСИЗ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ АҲАМИЯТИ		
46	**Ў.Аҳмедова** Узлуксиз маънавий тарбия жамият тараққиётининг асоси сифатида	187
47	**З.Жабборова** Ижтимоий-сиёсий жараёнлар барқарорлашувида узлуксиз маънавий тарбиянинг ўрни ва асосий амалий технологиялари	189
48	**С.Эшбекова** Янги ўзбекистон тараққиёти – маънавий юксалиш сари (олий таълим мисолида)	194
49	**Б.Иброхимов** Глобаллашув жараёнларининг талабаларнинг маънавияти, онги ва тафаккурига таъсири	197

ZJV5401

50	**Д.Тўраева Б.Холмаматов** Ижтимоий тармоқларнинг аҳоли, айниқса, ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясига таъсири	200
51	**Ш.Бозоров** Аҳмад Дониш маънавий меросининг баркамол авлод тарбиясидаги ўрни	204
52	**А.Гулова** Алишер Навоий маънавий меросида аёл тимсоли	208
53	**А.Гулова Ф.Йўлдошева** Глобаллашув шароитида мафкуравий хавфсизликни таъминлаш масалалари	211
54	**Т.Маматқобилов М.Абиджонова** Тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг муҳим омиллари!	214
55	**З.Файзраҳманова** Бухоро хонлигининг маънавий ҳаёти ва ташқи муносабатлари	218
56	**Ш.Абдурасилов** Тошкент алломаларининг маънавий мероси	222
57	**Ш.Эрназаров** Миллий юксалиш ғояси ва тарихий тафаккур омили	226
58	**Б.Жўрақўзиев** Манипуляция жараёнлари ва уларга қарши чора-тадбирларнинг зарурати	230
59	**О.Тошева** Ўзбекистонда маънавий-маърифий ишларни янги босқичга кўтариш, ижтимоий-маънавий муҳит ҳолатини ўрганиш ва уни такомиллаштириш	232
60	**Б.Турдиев** Янги Ўзбекистон идеосферасида информацион таҳдид таъсири ва унинг олдини олиш зарурати	236
	3-ШЎЪБА ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА МАФКУРАВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАъМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ	
61	**Дониёров С.А Жўраев А.М.** Ёшлар дунёқарашига экологик маънавиятни сингдириш – давр талабидир	239
62	**С.Қораев М.Файзуллаева** Бошланғич синф ўқувчиларида тарбия дарслари орқали ватанга муҳаббат ҳисларини ошириш технологияси	240
63	**М.Юлдашева З.Саминжонова** Ёшлар тасаввурида ижтимоий тармоқларни идрок қилишнинг психологик таҳлили	242
64	**Н.Абдуллажонова** Маънавий-мафкуравий таҳдидларга қарши курашишнинг айрим жиҳатлари хусусида	244
65	**Акрамова Ф.А.** Маънавиятли оила – жамият таянчи.	246
66	**И.Эргашев Б.Абдуллаев** Глобал мафкуравий хавфсизликни таъминлаш омиллари	253
67	**З.Замонов** Маънавий тарбияни амалга оширишнинг прагматик концепцияси	256
68	**М.Хабибуллаев** Ватанпарварлик ғояси - глобаллашув жараёнида мафкуравий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим омили сифатида	259
69	**А.Панжиев** Ўқувчи ёшларнинг маънавий камол топишида оиланинг ўрни	262
70	**М.Мамажонова** Ёшлар маънавиятига қаратилган таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш технологиялари	266
71	**А.Ваисов** Янги Ўзбекистонда маънавий-маърифий ислоҳотларнинг амалга оширилиши (Хоразм вилояти мисолида)	269
72	**Б.Маматқулов** Президент мактабларида ўқувчи-ёшларни ватанга муҳаббат ва касбга садоқат руҳида тарбиялашда узлуксиз маънавий тарбия концепциясининг ўрни	275
73	**А.Худаяров** Глобаллашув шароитида ёшларда миллий-маънавий иммунитетни шакллантириш масалалари	279

ZJV5401

4-ШЎЪБА. ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРНИНГ АҲОЛИ, АЙНИҚСА, ЁШЛАР МАъНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯСИГА ТАъСИРИ		
74	**М.Мусаев** Миссионерликнинг геосиёсий мақсадлари	282
75	**М.Содиржонов** Ёшлар ҳаётида виртуаллашув сабаблари ва омилларининг социологик таҳлили	287
76	**Г.С.Мадрахимова** Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда узлуксиз маънавий тарбия концепциясининг аҳамияти	292
77	**Ф.Иброҳимов** Замонавий жамиятда ижтимоий тармоқларнинг назарий ва амалий тавсифи	295
78	**А.Мамутова** Ахборот соҳасининг глобаллашуви жараёнида юксак маънавиятнинг ўрни	298
79	**С.Аметов** Жамият тараққиётида гендер тенгликни таъминлашда маънавий-маърифий ишларнинг ўрни ва аҳамияти	301
80	**Ш.Танимов** Миссионерликга қарши курашда маънавий-маърифий ишлар саморадорлигини ошириш масалалари	304
81	**З.Тангирдергенова** Маънавий тарбия жараёнида, миллий қадриятларнинг аҳамияти	307
82	**Б.Имомов** Ижтимоий тармоқларнинг ёшлар маънавиятига таъсири	309
83	**М.Имомадиев** Олий қадриятлар - тараққиётимиз меъзони	313
84	**С.Исмоилов** Ёшларда маънавий тўқликни шакллантириш омиллари	316
85	**Г.А.Каримова** Ёшлар онгида ахборот таҳдидига қарши иммунитетни шакллантириш чоралари	318
86	**Кучкаров Б.Т** Ҳарбий хизматчиларда маънавий маърифий ишлар самарадорлигини оширишни ташкиллаштириш	323
87	**Д.Қодиров** Ғаззолийнинг ёшларда гўзал ахлоқни тарбиялаш тўғрисидаги қарашлари	326
88	**З.Қурбонова** Мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчиларни китобхонлик маданиятини шакллантириш	330
89	**М.Пардаева** Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш омиллари	332
90	**М.Х.Файзиева** Психологнинг касбий шаклланишида психологик ҳимоянинг намоён бўлиши	335
91	**Д.Маматқулов** Ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиялашда ўқитувчи ва мураббийлик фаолиятининг аҳамияти	339
92	**О.Мусурмонкулова** Ёшларда медиасаводхонлик кўникмаларини ривожлантириш	342
93	**М.Очилова** Ижтимоий тармоқларнинг аҳоли, айниқса, ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясига таъсири	346
94	**С.Примов** Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда узлуксиз маънавий тарбия концепциясини аҳамияти	349
95	**Ҳ.Ражабов** Ахборотлашган жамиятда ижтимоий тармоқларнинг таъсир имкониятлари	352
96	**У.Раҳмонов** Ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясида мусиқа санъатининг таъсири	355
97	**К.Тўраев** Ўзбекистонда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ишларнинг стратегик моҳияти	360
98	**С.Бахтиёрова** Бошланғич синфларда ўқув мотивларининг хусусиятлари	365
99	**Тохириён Абдуллоҳ Шерализода** Узлуксиз маънавий тарбиянинг педагоглар узлуксиз малакасини ошириши жараёнидаги аҳамияти	368

100	**Э.Ахмедов** Ижтимоий тармоқлардаги миссионерлик ва унинг ёшлар тарбиясига салбий таъсири	371
	5-ШЎЪБА. ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИГА ҚАРАТИЛГАН ТАҲДИДЛАРИГА ҚАРШИ МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ	
101	**И.Қувондиқов** Мутолаа – мафкуравий иммунитет манбаи	375
102	**Н.Назарова** Ижтимоий тармоқларнинг ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясига таъсири (виртуал рақобатбардошлик мисолида)	380
103	**М.Арушанова** Ислом Каримовнинг маънавий қарашлари	384
104	**М.Маматов** Ёшлар тарбиясида маънавиятнинг ўрни	387
105	**Й.Абдуллаев** Ҳарбий таълимда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш масаласи	390
106	**Ж.Ражабов** Жамият транформациялашуви жараёнида ёшлар онгидаги ўзгаришлар	393
107	**С.Содиқов** Глобаллашув шароитида узлуксиз маънавий тарбия концепциясининг янги маънавий макон муҳитини шакллантиришдаги аҳамияти	396
108	**О.Тошев** Мактабгача таълим ташкилотларида маънавий-ахлоқий тарбияни амалга оширишнинг долзарблиги	398
109	**Ж.Чориев** Миллатлараро мулоқот маданиятини тарбиялашнинг ижтимоий жиҳатлари	401
110	**А.Турсунов** Ёшлар тарбияси шакллантиришда маънавий-маданий меросимизнинг ўрни	403
111	**Ж.Тошбоев** Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари фаолиятининг трансформациялашуви	406
112	**К.Хидиралиев** Ёшларни ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашнинг ўзига хос жиҳатлари	408
113	**Х.Ўрмонов** Янги Ўзбекистон ёшларининг шаклланишида жадид маърифатпарварлари меъросининг аҳамияти	411
114	**К.Маматқулова** Ахборотлашган даврда ахборотнинг ёшлар онгига таъсири	415
115	**Б.Очилова** Исломий қадриятларнинг шахс маънавий-ахлоқий фазилатларини такомиллаштиришдаги нуфузи	417
116	**Х.Пулатов** Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш технологиялари	421
117	**Д.Рахматова** Маънавиятимизга отилган бўҳтон тоши ёхуд “пахта иши” ноҳақликлари	424
118	**С.Ибрагимов** “Оммавий маданият” таҳдиди ва унинг ёшлар маънавиятига таъсири	427
119	**Ғ.Сотиболдиев** Ўзбекистонда интернет ва ижтимоий тармоқларнинг жамият ҳаётига таъсири	429
120	**А.Ж.Тошбобоев** Ахлоқ ва маданиятнинг глобаллашуви ва “оммавий маданият”нинг жамиятга ривожига салбий тасири	433
121	**Ф.Шарипова** Аёллар эъзозланган юрт тараққий этади	437
122	**Б.Хамидхонов** Рақамли жамиятда ёшлар интеллектуал салоҳиятини ошириш	440
123	**А.Ҳурсандов** Глобаллашув шароитида маънавий таҳдидларни олдини олишнинг ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги аҳамияти	444
124	**Ф.Н.Ширинова** Учинчи Ренессанс ва маънавий-маърифий уйғониш	448

125	**Ў.Эрбўтаева** Ёшларни ватанпарварлик ва қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда музейларнинг ўрни ва роли	451
126	**Э.Маллаева** Мафкуравий иммунитетни шакллантириш истиқболлари ва муаммолари	454
127	**Ю. Бурхонова** Интернет ва ёшлар маънавий-ахлоқий тарбияси масалалари	458
128	**Н.Юлдашева** Шахснинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини ривожлантиришнинг самарали технологиялари	461
129	**Ғ.Н.Пирназаров** Ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган маънавий-маърифий ишларни янги технологиялар асосида такомиллаштириш	464
130	**Исламов И.Н** Маънавий таҳдид категорияси	467
131	**Мажидов О** Мустақиллик йилларида фуқаролик жамиятини қуришнинг инсонпарварлик тамойиллари	473
132	**И.Атамирзаев** Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг замонавий концепцияси: назария ва амалиёт	477
133	**Н.Раҳматуллаева** Ёшлар маънавиятига қаратилган таҳдидларга қарши мафкурафий иммунитетини шакиллантириш технологиялари	482
134	**А.Мадрахимов** Бугунги кун ижтимоий тармоқларининг ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясига таъсири	487
135	**Ш.Отақулов** Оилавий муносабатларда гендер қадриятларнинг шаклланиши	492

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ
ИЖТИМОИЙ-МАЪНАВИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА ТАРҒИБОТНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Республика илмий-амалий конференцияси материаллари

Муҳаррир: *Абдуқаюм Йўлдошев*

Техник муҳаррир ва саҳифаловчи: *Дилшод Акрамов*
Мусаҳҳиҳ: *Зафар Расулов*

26.08.2021-йилдаги
№ 1159-7861-273e-9284-6494-7282-0777
рақамли тасдиқнома.

Теришга берилди: 22.06.2022 й.
Босишга рухсат этилди: 02.06.2022 й.
Бичими: 70x100 1/16. Офсет қоғози. Times Nev Roman гарнитураси. Ҳисоб-нашриёт табоғи: 31.375.
Адади: 384 нусха.
Буюртма № 23.

«Max Pristil» МЧЖ нашриётида тайёрланди ва чоп этилди. 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 6-уй. Тел: (+99899) 171-69-62.
e-mail: maxpristil@mail.ru